


ФЁДОР МИХАЙЛОВИЧ ДОСТОЕВСКИЙ



ИБЛИСЛАР

• РОМАН •

Ф. М. ДОСТОЕВСКИЙ

ИБЛИСЛАР

РОМАН

Икки жилдлик

II



«O'QITUVCHI» NAШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ – 2018

84(2Рус)
Д-74

Ф. М. Достоевский

Иблислар [матн] Ж 2.: роман / Ф. М. Достоевский. – Тошкент. «O'qituvchi» НМИУ. — 2018. – 408 бст.

ISBN 978-9943-22-215-1

УЎК: 821.161.1-31
КБК: 84(2Рус)

Рус тилидан Иброҳим ҒАФУРОВ таржимаси

ИБЛИСЛАР

Роман

Икки жилдлик

II

«O'qituvchi» нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2018

Мухаррир *У. Жўрақулов*

Бадий муҳаррир *Б. Ибрагимов*

Техник муҳаррир *Н. Ниёзмўхамедова*

Компьютерда саҳифаловчи *Р. Аҳмедов*

Мусаххих *У. Жўрақулов*

Нашриёт лицензияси А1 № 291. 04.11.2016. Оригинал-макетдан боснишга рухсат этилди 02.02.2018. Бичими 84×108^{1/4}. Кегли 11,5 шпонли. Тайме гарнитураси. Оффсет босма усулида босилди.

Оффсет коғози. Шартли б. т. 21,42. Ҳисоб-нашриёт т. 25,5.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 96 – 18

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'qituvchi» нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 206, Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй. Шартнома № 18 – 18.

ISBN 978-9943-22-215-1

© И. Ғафуров таржимаси
© «O'qituvchi» НМИУ, 2018

ИККИНЧИ ҚИСМ

БЕШИНЧИ БОБ

ПЕТР СТЕПАНОВИЧНИНГ ТАРАДДУДЛАРИ

I

Байрам куни узил-кесил белгиланди, фон Лембке эса борган сайин маъюсроқ ва ҳаёлчанроқ бўла борарди. У ғалати, мудҳиш хавотирларга тўла ва бу Юлия Михайловнани каттик ташвишга соларди. Рост, хавотирга соладиган нарсалар оз эмасди. Бизнинг аввалги юмшоқ ҳокимимиз бошқариш ишларини бирмунча тартибсиз ҳолда қолдирганди; шу кунларда вабо тарқалиш хавфи туғилганди; айрим жойларда анча каттик мол ўлати бошланган; ёз бўйи шаҳару кишлоқларда ёнғин авж олди, авом ўртасида ўт қўювчилар борасида аҳмокона норозилик кундан-кунга кучаярди. Талончилик олдинги вақтларга қараганда икки баровар ортди. Лекин, албатта, буларнинг бари ғайрифавқулдда ҳодисалар эдики, шу пайтгача ўзини бахтли деб санаб келган Андрей Антоновичнинг тинчини бузган булардан кўра бошқа жиддий сабаблар ҳам магарамким йўқ эмасди.

Юлия Михайловнани ҳаммадан кўра кўпроқ унинг кундан-кунга индамас бўлиб ва ғалати бир тарзда ўз қобилигига ўзи ўралиб бораётгани таажжубга қўярди. Бўлмаса, у нимани ҳам яширарди? Рост, у хонимга камдан-кам эътироз билдирар, кўп ҳолларда эса унга тўла бўйсунарди. Мисол учун, хоним каттик туриб талаб қилгандан сўнг ҳокимнинг ҳокимиятини кучайтириш борасида сал бўлмаса ғайриқонуний ва ўта таваккалчилик йўсинида икки ёхуд уч чора-тадбирлар амалга оширилди. Яна худди шу

тарзда бир канча мудхиш ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўйиб берилди; мисол учун, судга берилиши ва Сибирга жўнатилишга сазовор кишилар фақат хонимнинг талабига кўра мукофотларга тақдим этилди. Айрим шикоятлар ва арзномаларга мудом жавоб бермаслик одат тусига кирди. Буларнинг бари кейинчалик маълум бўлди. Лембке ҳаммасига имзо чскибгина кўя қолмай, фақат ўзига тааллуқли вазифаларни адо этишликда рафиқасининг қай даражада катнашаётганлиги масаласини муҳокама қилишдан хатто бош тортарди. Ҳолбуки, ўқтин-ўқтин «Мутлақо арзимаган» нарсалардан жон-пони чиқиб кетар ва Юлия Михайловнани таажжубга соларди. Албатта, у индамай юриб-юриб кейин бунинг эвазига ўзини андак исён кўтариш билан тақдирлашга эҳтиёж сезарди. Ажабо, Юлия Михайловна ўзининг шунчалар сезгирлигига қарамай, ушбу олийжаноб феъл-атвордаги олижаноб нозикликларни фаҳмлашдан ожиз эди. Эвоҳ! Бунга унинг қўли тегмас ва худди шу нарсадан жуда кўп англашилмовчиликлар келиб чиқди.

Баъзи бир нарсалар ҳақида ҳикоя қилиш менга лозим кўринмайди ва бунга кучим ҳам етмайди. Идорага доир хато-камчиликлар ҳақида муҳокама юритиш менинг ишим эмас, умуман, ушбу идорага дахлдор жиҳатларни мен бутунлай бир чеккага сураман. Солнома олдиға мен бошқа вазифаларни қўйганман. Бундан ташқари, яна андак кутсак, ҳозирда бизнинг вилоятимизга тайинланган тергов томонидан кўп нарсалар очилади. Бирок айрим тушунтиришлар беришликни четлаб ўтиб бўлмайди.

Аммо Юлия Михайловна ҳақида давом этай. Шўрлик хоним (мен унга жуда ачинаман) ўзини шунчалар мафтун қилган ва тинмай чорлаган барча нарсаларга (шон-шухрат ва ҳоказо) бунчалар кучли ҳамда фавқулодда ҳаракатларсиз ҳам тўла эришса бўларди, лекин у биринчи кадамлариданок бошқача йўл тутди. Аммо орзу-хаёлларнинг тўлиб-тошганиданмикин ёки илк ёшлик чоғлардаги узок маҳзун омадсизликлар боисиданмикин, тақдир ўзгарган вақтда у бирдан ўзини алоҳида бир тарзда чорланган, пешонасига нур қўнган, «устимда шул тил ярқиради», деб

ортикча ишонди, кулфат эса худди мана шу тилнинг аини ўзида эди; ҳар қалай, у бир шиньон эмаски, ҳар бир аёл бошига лойик келса. Аммо бу ҳақиқатга ҳаммадан ҳам аёл зотини ишонтириш кийин; аксинча, ким маъқуллаб хушомадгўйлик қилиб турса, ўшанинг ошиғи олчи, маъқулловчилар эса ким ўзарга ўйнашарди. Бечора хотин бир зумда ранг-баранг таъсирларнинг ўйингоҳига айланиб қолди, аини чокда ўзини ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган ишларни қияпман, дегандай тутарди. Кўп устомонлар унинг кўрида қўлларини иситишди ва унинг қискагина давом этмиш ҳокимиятида соддадиллигидан беармон фойдаланишди. Мустақил иш юритиш сиёқидан нима бўтқа чиқаркин бунда! Хонимга йирик заминдорлик ҳам, оксуяклар тоифаси ҳам, ҳоким ҳокимиятининг қучайиши ҳам, янги муассасалар ҳам, тартиб-интизом ҳам, хурфикрлик ҳам, ижтимоий го-я-по-ялар ҳам, оксуяклар салонларининг вазмин салобати ҳам, унинг атрофида ўралашган ёшларнинг ковокхонани эслатувчи бевошликлари ҳам ёкарди. У ўзига жон садқа қилиб туришган маҳалда ҳаммани ва ҳамма нарсаларни бирлаштириш, бошини қовуштириш, қелиштириб бўлмайдиган нарсаларни қелиштириш, ҳаммага бахт ато этишни орзу қиларди. Унинг ўз эркатойлари ҳам бор эди. Очиқдан-очик хушомадгўйлик қиладиган Петр Степановични ўткизгани жой топмасди. Бирок у хонимга бошқа бир сабабдан ҳам ғоятда маъқул тушардики, бу шўрлик аёлнинг жуда ўзига хос ва ғаройиб таъриф-тавсифга эгалигини кўрсатарди: у менга бутун бир давлатга қарши уюштирилаётган фитнани очиб беради, деб умид боғларди! Буни тасаввур қилиш қанчалар қийин бўлмасин, ўзи шундай эди. Унга доим назарида вилоятда давлатга қарши фитна яшириниб ётгандай бўлиб туюлаверарди. Петр Степанович кези келганда оғзини юмиб, бошқа бир пайтда имо-ишоралар қилгандай бўлиб ундаги бу галати фикрнинг мустаҳкамланиб боришига йўл очарди. Хонимнинг тасаввурида Россияда қандайки инқилобий нарса бўлса, ҳаммасига уни алоқадор кўрар, шу билан бирга ўзига бениҳоя равишда садоқатли деб биларди. Фитна-

ни фош килиш, Петербургдан миннатдорчилик эшитиш, келажакда янги мансаб курсиларига кўтарилиш, ёшларга «меҳр» кўрсатиб, уларни жар ёқасида тутиб туриш – буларнинг бари-бари унинг хаёлпараст калласида ғувиллаб айланарди. Ахир у Петр Степановични кутқарди-ку, уни ўзига тамомила тобе килиб қўйди-ку (негадир бунга унинг ишончи комил эди), демак, бошқаларни ҳам кутқаради. Улардан ҳеч ким, ҳеч ким ҳалок бўлмайди, ҳаммаларини кутқаради; сарагини саракка, пучагини пучакка ажратади; улар ҳақида шундай деб маълумот беради; энг юксак адолат юзасидан иш қўради; балким, ҳаттоки, бутун рус либерализми унинг номини шарафларга қўмади; фитна эса ҳар қандай тақдирда фош этилади. Ҳаммаси бирваракай фойда устига фойда.

Лекин ҳар нечук бўлмасин, байрам кунларига Андрей Антоновичнинг чехраси очилиши керак эди. Уни албатта, тинчлантирмаса, димоғини чоғ қилмаса, бўлмасди. Шу мақсадда у эрининг қошига Петр Степановични жўнатди, қандай бўлмасин, қўлидан келганча унинг тушқунлигини даволар, деб умид қилди. Эҳтимол, баъзи бир маълумотларни ўз оғзи билан унга етказар. Хоним Петр Степановичнинг устомонлигига ишонарди. У жаноб фон Лембкенинг кабинетидан анчадан бери бўлмаган эди. Петр Степанович бемор, айникса, танг вазиятда турганда, унинг ҳузурига учиб кирди.

II

Мужмал бир иш содир бўлиб қолдики, уни қандай ечишни билмай фон Лембкенинг боши қотди. Бир уездда (у ерда яқинда Петр Степанович зиёфатда бўлганди) бир подпоручикни командири уришиб, унга хайфсан берганди. Бу бутун ротанинг кўз ўнгиди бўлди. Подпоручикнинг ўзи ҳали жуда ёш, доим индамай, қовоғини солиб юрадиган, кўринишидан жиддий, шу билан бирга пакана, семиз ва икки юзи қип-қизил, яқинда Петербургдан келган йигит эди. У командирнинг газабланишига чидолмади ва қутилмаганда қандайдир чинқириб калласини буқадай ерга

қаратиб командирга ташланиб қолди, бутун рота анг-танг қараб турди; у жони борича калла қўйиб, уни жон-жаҳди билан елкасидан тишлади; базўр тортиб олишди. Унинг эсидан отганига шубҳа қолмади, ҳар қалай кейинги пайтларда жуда ғалати-ғалати қилиқлар чиқарганини ҳамма пайкаган эди. Мисол учун, ўзи турадиган уйда уй эгасининг иккита санамини ташқарига чиқариб ташлаган, улардан биттасини болта билан чопганди; ўзининг хонасида эса учта баланд кия стол ўрнатиб, унинг устига Фохт, Молешотт, Бюхнер¹ китобларини териб чикиб, ҳар бирининг олдида черков шағамларини ёкиб қўйибди. Ундан топилган китобларнинг кўплигига қараганда кўп китоб ўқийдиган кишига ўхшарди. Агар унинг қўлида эллик минг франк пули бўлганда, у жаноб Герцен ўз асарларидан бирида шўх кулги билан эслаб ўтган анов «кадет» каби Маркиз оролларига кемада жўнаб кетган бўларди. Уни қўлга олишган чоғда чўнтақларидан ва уйнинг ўзидан ўрам-ўрам энг баттарин варақалар чиққан.

Варақалар ўз ҳолича ҳеч нарсага ярамайдиган нарсаси ва менимча, ҳеч бир ташвиш келтирадиган жойи йўқ. Оз кўрибмизми биз уларни. Бунинг устига улар янги варақалар эмасди, кейин айтишларича, яқинда Х. вилоятида худди шундайларини сочишган экан, бир ярим ой бурун уездда ва қўшни вилоятга йўли тушган Липутин ўша пайтдаёқ у ерларда айнан шундай варақаларни кўрганлигини айтганди. Аммо Андрей Антоновични лол қилиб қўйган нарсаси шу бўлдики, худди мана шу пайтларда Шпигулин фабрикасининг бошқарувчиси полицияга худди подпоручикдан топилганга ўхшаш икки ёки уч даста кечаси фабрикага ташлаб кетилган варақаларни элтиб топширган. Дасталар ҳали очилмаган, ишчилардан ҳеч ким уларни ўқишга улгурмаганди. Бу аҳмоқона бир ҳодиса бўлса ҳам, Андрей Антонович қаттиқ ўйга ботди. Бу иш унга жуда ҳам чигал, хунук ва мушкул бўлиб туюлди.

¹ Ушбу Европа муаллифларининг илмий табиийётга оид асарлари XIX асрнинг 60-йилларида ёшлар орасида моддий дунёқарашнинг «Инжил»и каби ўқиларди (*таржс.*).

Шпигулинларнинг мана шу фабрикасида бизда тоза шов-шув бўлган ва турли-туман қўшиб-чатишлар билан пойтахт газеталарида чайналган ўша анов «Шпигулин вокеаси» энди бошланган эди. Бундан уч ҳафталар бурун у ерда бир ишчи Осис вабоси билан оғриб ўлганди; ундан кейин яна бир неча киши шу касал билан оғриган. Шаҳарда ҳамманинг юраги така-пука бўлди, вабо қўшни вилоятдан тарқалмоқда эди. Кутилмаган «мехмон»ни кутиб олиш учун бизда имкон қадар старли санитария чора-тадбирлари кўрилганди. Бирок Шпигулинлар фабрикаси, миллионерлар, борди-келди алоқалари кучли одамларни қандайдир назардан соқит қилиб қолдиргандилар. Ана шунда ҳамма бирдан бараварига касалликнинг илдизи ва таркалаётган жойи худди мана шу фабрика, унинг ичи ифлос ахлат ва чиқиндиларга тўлиб кетган, вабонинг ўзи бўлмаганда ҳам, у худди мана шу ердан бошланган бўларди, деб айюҳаннос сола бошлади. Албатта, тўхтовсиз чора-тадбирлар кўрилди ва Андрей Антонович уларни зудлик билан бажариш керак, деб қаттиқ турди. Уч ҳафта ичида фабрикани катрон қилинди, аммо Шпигулинлар номаълум сабабларга кўра уни ёпиб қўйдилар. Шпигулиннинг бири Петербургда яшарди, иккинчиси фабрикани тозалаш ҳақидаги фармойишдан сўнг, Москвага кетиб қолди. Бошқарувчи ишчилар билан ҳисоб-китоб қилишга тушди, аммо энди маълум бўлишича, сурбетларча муттаҳамлик қилган. Ишчилар норозилик билдиришган, ҳисоб-китоб адолатли бўлсин дейишган, аҳмоқлик қилиб полицияга боришган, аммо шовкин-сурон солиб ғавго кўтаришмаган. Худди мана шу пайтларда бошқарувчи варақаларни Андрей Антонович ҳузурига етказган.

Петр Степанович яқин дўст ва ўз одами каби, бунинг устига Юлия Михайловнанинг топшириғи билан ҳоким кабинетига огоҳлантирмаёқ югуриб кириб келди, фон Лембке уни кўриб ковоғини солиб тумтайган кўйи стол ёнида тўхтади. У ҳозиргина кенг хонада у ёқдан-бу ёққа юриб, ўз идорасининг ходими, ҳаддан ташқари бечўнакай ва бадқовок немис Блюм билан нималарнидир гаплаша-

ётган эди, у Юлия Михайловнанинг каттик қаршилигига қарамай уни Петербургдан олиб келганди. Ходим Петр Степанович қадам ранжида қилгандан сўнг эшик томонга четланиб борди-ю, аммо чиқмади. Петр Степановичнинг назарида у ҳатто ўз бошлиғи билан маънодор қўз уриштириб олгандай туюлди.

– Ўх-ў, алоҳа сизни топиб олдим-а, одамови сардор! – кулиб хитоб қилди Петр Степанович ва кафти билан стол устида ётган варақани ёпди. – Коллекциянгиз бойийдиган бўлибди-да, а?

Андрей Антонович дув кизарди. Нимадир бўлиб юзи қийшайди.

– Қўйинг, қўйинг ҳозир! – қичқирди у ғазабнок қалтираб, – тегманг... афанди...

– Сизга нима бўлди? Жаҳлингиз чиқяптими дейман?

– Марҳаматли афандим, сизга шуни эслатиб қўяйки, сизнинг *sans façon*² тоқатим йўқ асло, ёдингиздан чиқармангизки...

– Уф, тавба, ростдан жаҳли чиққанга ўхшайди!

– Овозингизни ўчиринг, жим бўлинг! – фон Лембке гиламга оёғи билан тепинди, – ҳаддингиздан ошманг...

Худо биларди бунинг охири нима бўлишини. Бошқа ҳаммасини қўя турайлигу, бу ерда на Петр Степанович ва на Юлия Михайловнанинг ўзига ҳам мутлақо маълум бўлмаган бир ҳол бор эди. Шўрлик Андрей Антоновичнинг хаёллари шундай айкаш-уйкаш бўлиб кетган эдики, охири кунларда ўз рафикасини Петр Степановичдан рашк қила бошлади. Айниқса, тунлар ёлғиз қолганда ғоятда аламли дамларни бошидан кечирарди.

– Мен эса агар киши икки кеча давомида ёлғиз ўзи сизга романини ўқиб берса ва боз устига сизнинг фикрингизни сўраса, бундан кейин у сизга расмий совуқ муомалада бўлмаса керак, деб ўйлайман... Мени Юлия Михайловна ўзига яқин олиб қабул қилади; яна бу ерда сизларни ким билади? – бирмунча мағрур тортиб деди Петр Степанович. – Айтмоқчи, мана, романингизни олиб келдим,

² Одобсизликларингизга (франц.).

– деб у столга бураб ўралган, катта, салмоқдор дафтарни қўйди, дафтар кўк коғоз билан маҳкам чирмаб ўралганди.

Лембке кизариб, тили тутилиб қолди.

– Қаердан топдингиз? – эҳтиёткорона сўради у кувончини яширолмай, лекин барибир хурсандлигини билдирмасликка уриниб.

– Буни қаранг, жилдига ўралганча жовон тагига кириб кетган экан. Мен уйга кира солиб уни жовон устига ташлаган бўлсам керак. Уч кун бўлди, полни ювишаётганда, чикиб қолибди, мени ҳўб қора терга ботириб ишлатдингиз-да!

Лембке кўзларини жиддиёна ерга қадади.

– Сизни деб икки кеча ухламадим. Уч кун бўлди топишганига, мен қўлимдан қўймай, кечалари тинмай ўқидим, кундузи вақт йўқ. Хў-п, шу – унча қўшилмадим: бунақа гаплар менга ўтирмайди. Э, бунинг аҳамияти йўқ, бироқ мен танқидчи эмасман, аммо – отахоним, ҳеч бошимни кўтаролмадим, қўшилмасам ҳам! Тўртинчи билан бешинчи боблар, бу... бу... бу... худо билади нима! Роса кулгили қилиб ёзгансиз, кула-кула ичагим узилди. Хў-ўп, *sang que cela paraisse*³, боплаб кулги қиласиз! Хў-ўб, яна тўққизинчи, ўнинчи боблар, булар ҳаммаси ишқ-мухаббат ҳақида, буни мен унча тушунмайман; аммо, таъсирли; Игреньевнинг хатини ўқиб ўтириб, томогимга бир нарсa тикилди, жуда нозик жойидан олган экансиз... у жуда туйғуларга таъсир қилади, шу билан бирга сиз уни ясама томонини кўрсатмоқчи бўласиз, шундайми? Топибманми мен ахир? Э, хў-ўб, хотимага келсак, бунинг учун сизни таёқласа ҳам арзирди. Ахир сиз нима демоқчи бўлаётибсиз ўзи? Ахир бу яна ўша-ўша эскидан қолган оила бахт-иқболини куйлаш, бола-чақа, сармоя, давлат зиёда бўлсин дейиш, ёшини яшаб, ошини ошаб, мол-дунё орттириш, эй, хой, қўйинг-е! Ўқувчини мафтун қилиб қўясиз, ҳатто мен ўзим ҳам ҳеч қўлимдан қўйгим келмайди-ю, аммо шундоқ бўлса ҳам, жуда бемаза. Ўқувчи ҳалиям аҳмоқ, ақлли одамлар уни турткилаб уйғотиши лозим, сиз эса... Хў-ўб,

³ Киши билмас (франц.).

бас, майли, хайр, мен кетай. Бошқа бир пайт келарман, хафа бўлманг; мен сизга икки оғизгина сўз айтгани келувдим; аммо сиз қандайдир...

Андрей Антонович бу орада ўз романини олиб, эмандан ясалган китоб жавонига солиб кулфлаб қўйди, яна киши билмас Блюмга чикиб тулинг, деб кўз кисди. У башараси маъюс чўзилганча чикиб кетди.

– Мен қандайдир эмас, ўзим шундай... бемаъни ишлар қўп, – деб қовоғини солиб тўнгиллади ҳоким, бориб столга кетини қўйиб ўтираркан, – ўтиринг, айтинг икки оғиз сўзингизни. Сизни анчадан бери кўрганим йўқ, Петр Степанович, фақат бунақа тўсиндан бостириб келманг-да... баъзан зарур иш устида, бу...

– Менинг бўларим шу...

– Биламан, ишонаман, сиз атай бундай қилмайсиз, аммо баъзан иш-юмуш бошдан ошиб-тошиб кетади... ўтиринг қани.

Петр Степанович диванга узала тушди ва дарҳол оёғини тагига чалкаштирди.

III

– Иш қўп дейсизми; манов арзимас нарсани айтяпсизми? – у варақага ишора қилди. – Мен сизга бунақа варақаларни хоҳлаганингизча келтириб бераман, уларни Х. вилоятида ҳам кўрдим.

– У ерда турган пайтингиздами?

– Албатта, турган вақтимда. Яна уларга гуллар солинган, тепасига болта расми чизилган. Майлими (у варақани кўлига олди); ҳа, ана, болта бу ерда ҳам бор экан; худди ўшанинг ўзи, аниқ.

– Ҳа, болта. Кўринг – болта.

– Нима, болтадан кўркдингизми?

– Болтаданмас... кўркқаним йўқ, аммо бу иш... шунақа ишки, аҳвол бошқача.

– Қандай? Фабрикадан олиб келишганими? Хи-хи. Биласизми, сизнинг бу фабрикангизда тез орада ишчиларнинг ўзлари варақалар ёза бошлайди.

- Қандай? – бақрайди фон Лембке.
- Шундай. Сиз уларга қаранг. Сиз жуда юмшоқ одам-сиз, Андрей Антонович; романлар ёзасиз. Бу ерда эса эскичасига боплаш керак.
- Эскичасига нимаси, бу қандай маслаҳат? Фабрикани қатрон қилишди, мен буюрдим, тозалашди.
- Ишчилар ўртасида исён. Ҳаммасини ёппасига таёқлаш керак, вассалом.
- Исён? Бекор гап; мен буюрдим, тозалашди.
- Эҳ, Андрей Антонович, сиз юмшоқ одамсиз!
- Мен, биринчидан, унчалар юмшоқ одам эмасман, иккинчидан... – яна тоб ташлади фон Лембке. У ёш йигит билан зўр-базўр, бирон янги гап айтмасмикин деб кизиксиниб сўйлашарди.
- Э-а, яна ўша эски ошнализ-ку! – унинг гапини бўлди Петр Степанович босма тагидаги бошқа бир варақага кўз тикиб; чамаси, у хорижда чиқарилган, шеърый йўл билан ёзилганди. – Хў-ўш, бунисини мен ёддан биламан: «Нурли сиймо»! Кўрайлик-чи; худди ўзи, «Нурли сиймо»нинг ўзи. Бу сиймо билан хорижда танишганман. Қайси гўрдан топдингиз?
- Сиз хорижда кўрганман дедингизми? – талпинди юраги дуқиллаб уриб фон Лембке.
- Бўлмаса-чи, тўрт, ҳаттоки беш ой илгари.
- Бирок, сиз хорижда қанча кўп нарсалар кўргансиз, – нозик маънодор боқди фон Лембке. Петр Степанович унга қулоқ солмай, варақани ёзди-да, шеърни овоз чиқариб ўқиди:

НУРЛИ СИЙМО

*Аслзода эмасди зоти,
Халқ ичида чиққанди оти.
Подшоҳ қувғинида юрарди,
Боярлар зулмидан безарди.
Азобларга чоғлади ўзни,
Қийноқларда доғлади ўзни.*

*Эркин яшанг, деди халқларга,
Тенглик, биродарлик сақларга.*

*Зулмга қарши кўтариб исён,
Қочди четга аламли инсон.
Ортда қолди шоҳнинг зиндони,
Қамчи, омбур, синган дандони.
Оғир қисмат эзиб, букилиб,
Йўлларга ёшлари тўкилиб,
Смоленскдан ё Тошкентдан
Халқ кутарди мадад студентдан.*

*Кутарди ҳаммаси бир бўлиб,
Борайлик деб, унга эргашиб
Боярларнинг додин бермоққа
Ва шоҳларнинг тахтин сурмоққа.
Мол-мулклар умумий бўлсин деб,
Манзу қасос ҳам қўлласин деб,
Битсин черков, никоҳ, оила,
Битсин эски дунё бир йўла!*

– Анов офицердан олишгандир, а? – сўради Петр Степанович.

– Сиз хали ўша офицерни ҳам билармидингиз?

– Бўлмаса-чи. У ерда мен икки кун улар билан базм қилдим. Унинг ақлдан озиши турган гап эди.

– У, эҳтимол, ақлдан озмагандир?

– Типлагани шундан эмасми?

– Бироқ, сиз бу шиғирни чет элда кўрган бўлсангиз, кейин бу ерда анов офицернинг қўлида...

– Нима? Жуда маънодор-ку! Сиз, Андрей Антонович, мени имтиҳон қилаётганга ўхшайсиз-а? Биласизми, – деб бошлаб қолди у бирдан ҳаддан зиёд жиддият билан, – мен чет элда кўрган нарсаларимни, қайтиб келгач, бу ерда керакли кишиларга тушунтириб берганман, кейин менинг тушунтиришларимни қоникарли деб топишди, акс ҳолда мен бу шаҳарда эмин-эркин юрмаган бўлардим. Шу маънода менинг у ишларим тугаган ва ҳеч кимга ҳисоб бе-

ришим шарт эмас. Мен чакувчи бўлганим учун иш тугаганмас, мен бошқача ҳаракат қилолмаганим учун тугаган. Юлия Михайловнага мен ҳақимда ёзган кишилар ишни билганликлари учун ҳалол одам деб ёзишган... Хў-ўб, буларни ҳозир бир чеккага қўя турайлик, мен сизга бир жиддий гапни айтгани келган эдим, яхшиямки, анави дуд-бурон тозаловчингизни чиқариб юбордингиз. Бу мен учун гоятда муҳим иш, Андрей Антонович; сиздан жуда катта бир нарсани илтимос қилмоқчиман.

– Илтимосми? Ҳм, майли, бажонидил, жон кулогим билан эшитаман. Умуман айтсам, сизга жуда ҳайронман, Петр Степанович.

Фон Лембке бироз ҳаяжонга тушди. Петр Степанович оёғини чалиштириб ўтирди.

– Петербургда, – деб бошлади у гапини, – мен кўп нарсаларни очик айтдим, аммо баъзилари ва манави ҳақида (у бармоғи билан «Нурли сиймо»ни чертди) индамадим, биринчидан, оғиз оғритишга арзимасди, иккинчидан эса, фақат сўраган нарсаларини гапирардим. Шу маънода мен подадан олдин чанг чиқаришни ёктирмайман; аблаҳ билан виждонли одам ўртасидаги фарқ мана шунда, виждонли одам шароит исканжасига тушиб қолган бўлиши мумкин... Хў-ўб, хуллас, буларни қўя турайлик. Хў-ўб, энди... энди анави аҳмоқлар... Хў-ўб, бу энди ташқарига чикқач ва мана энди қўлингизга тушгач, сиздан яширин қолмаса керак, кўриб турибман – сизнинг кўрар кўзингиз бор ва сизни олдиндан билиб бўлмайди, бу аҳмоқлар эса ўз билганидан қолмайди, тўхтамайди, мен... мен, шу денг, мен, қисқаси, сиздан бир одамни қутқаришни сўрагани келдим, бу ҳам битта аҳмоқ, ҳатто қип-қизил жинни, унинг ёшлиғи, бахтсиз қисматини назар-эътиборга олсангиз, бир одамгарчилик қилсангиз... ўзингиз пиширган романлардагина инсонпарвар эмасдирсиз, ахир! – Бирдан кўпол истехзо ва сабрсизлик билан тугатди у сўзини.

Унинг сўзларидан ўзи тўғри, аммо пойинтар-сойинтар, туйгун бўлмаган одам эканлигини англаш мумкин эди, унинг инсоний туйғулари тўлиб-тошиб ётар, шу

билан бирга ортик даражада қалтис ва инжик, асосийси эса, ақли қисқа киши эди, буни фон Лембке дарҳол нозик фаҳм-фаросат билан илғаб олди, у анчадан бери ва айниқса кейинги ҳафталарда у Юлия Михайловнанинг эт-тирноғи ичига кириб олгандан сўнг, кабинетида ёлғиз қолиб, тун-кечалар тўхтовсиз уни бўралаб сўқар, кимлигини ўйлаб чиқарди.

– Кимни илтимос қилмоқчисиз ва умуман нима гап ўзи? – виқор билан сўради ҳоким ўзининг қизиқиб турганлигини яшириб.

– Бу... бу... оббо... Сизга ишонганим учун айбдор эмасман-ку! Сизни энг олийжаноб инсон ўрнида кўрсам, ахир мен айбдор эмасман-ку, энг муҳими, бамаъни... яъни одамни тушунадиган... оббо...

Бечорагина, чамаси, ҳеч ўзини ўнглаб ололмасди.

– Сиз ниҳоят, тушунинг, – давом этарди у, – тушунинг, сизга унинг номини айтсам, уни ахир сотган бўламан; сотаман, а, тўғрими? Тўғрими?

– Аммо сиз айтмасангиз, мен ўзимча қаердан билай?

– Ана, ана, айтмадимми, сиз ўзингизнинг мана шу мантиқингиз билан мени доим чалиб йиқитасиз, оббо... хў-ўб, оббо... бу «нурли сиймо», бу «студент» – бу Шатов... ана сизга гапнинг пўсткаллasi!

– Шатов? Яъни қайси Шатов?

– Шатов, бу «студент» – манави ерда эслатилган. У шу ерда яшайди; собик қарол, хў-ўб, ўша тарсаки урган.

– Биламан, биламан, – кўзини қисди Лембке. – Аммо, бу қандай, унинг нима айби бор ўзи ва сиз унинг учун нимани сўрамоқчисиз?

– Уни қутқаришингизни сўрайман, билдингизми! Ахир уни мен саккиз йилдан бери биламан, ахир мен унинг балким, дўсти бўлгандирман, – ўзини тутолмасди Петр Степанович. – Хў-ўб, мен сизга олдинги ҳаётим ҳақида ҳисоб беришим шарт эмас, – қўл силтади у, – булар ҳаммаси арзимайди, булар ҳаммаси уч яримта одам, хориждагиларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда ўнтага ҳам бормади, энг асосийси, мен сизнинг инсонийлигингиз-

га, акл-идрокингизга ишонгандим. Сиз ўзингиз тушуниб, ишни хақиқий ҳолда кўрсата биласиз, бўлмаса худо билади қандай, телба-тескари одамнинг бемаъни хаёллари дейишадими... булар ҳаммаси бахти кароликдан, билиб қўйинг, узок давом этиб келган бахти кароликдан, ким айтади буни давлатга қарши фитна деб!..

У бўғилиб қолаёзди.

– Хим-м. Кўриб турибман, у болта солинган варакалар учун айбдор, – улуғворона хулоса чикарди Лембеке, – аммо, буни каранг, агарда у ўзи ёлғиз бўлса, қандай қилиб варакаларни ҳам бу сзда, ҳам чекка жойларда ва ҳатто Х. вилоятда тарқатиб чиқди ва... асосийси, қасрдан олган?

– Сизга айтяпман-ку, ахир, улар бор-йўғи беш киши бўлса керак деб, боринги, ўнтадир, мен қайдан билай?

– Сиз билмайсизми?

– Нега мен билишим керак, қуриб кетмайдими?

– Лекин билар экансиз-ку, Шатовнинг уларга шериклигини?

– Эҳ! – қўл силтади Петр Степанович сўрагувчининг зийраклигидан диққати ошиб. – Хўб, эшитинг, мен сизга бор ҳақиқатни айтай: варакалар ҳақида ҳеч нарса билмайман, яъни умуман ҳеч нарса, жин урсин, тушунаётгандирсиз ҳеч нарса деганимни?... Хў-ўб, ўша анов подпоручик, яна балки қимдир, яна балки қимдир бу ерда... Хў-ўб, балки яна Шатов, хў-ўб, яна балки қим, ҳаммаси шу, жулдирвоки, ипринди-суприндилар... аммо мен Шатовни илтимос қилиб келдим, уни қутқариш керак, негаки анави шеър уники – унинг ўз асари ва хорижда у ўзи бостирган; мен буни аниқ биламан, варакалар ҳақида ҳеч вақодан хабарим йўқ.

– Агар шеър уники бўлса, балки варакалар ҳам унга тегишлидир? Аммо жаноб Шатовдан шубҳаларингиз қандай далолатларга асосланади?

Петр Степанович токати ток бўлиб кетган одамдай чўнтагидан ҳамёнини чикарди-да, унинг ичидан бир парча қоғоз олди.

– Мана, далолатлар! – деб когозни столга иргитди. Лембке уни очди; бу икки оғиз хат ярим йил бурун бу ердан хорижга ёзилган экан:

«Нурли сиймо»ни бу ерда босиб чикаролмаيمان, уму-ман ҳеч нарса килолмаيمان; хорижда чикаринг.

И.В.Шатов

Лембке Петр Степановичга диққат билан тикилди. Варвара Петровна уни қўй бокиш қилади, деб тўғри фаҳмлаган экан, баъзан айникса ўхшаб кетади.

– Яъни, бунинг маъноси шуки, – патиради Петр Степанович, – демак, ярим йил илгари бу шеърни шу ерда ёзган, аммо бу ерда босиб чикаролмаган, биронта яширин босмахона тополмаган, шунинг учун хорижда чиқаришни сўраган... Равшан-ку, тўғрими?

– Ҳа-а, равшанку-я. аммо кимдан сўраяпти – шу нарса равшан эмас, – айёрларча киноя қилди Лембке.

– Э. Кирилловдан сўраяпти-да оқибат; хат хориждаги Кирилловга ёзилган... Билмасмидингиз? Одамга алам қилади, сиз менинг олдимда ўзингизни билмасликка соляпсиз, ҳолбуки, бу шеърни аллақачонлар кўргансиз, вассалом! Бўлмаса, қандай қилиб сизнинг столингизга келиб қолди? Мана, турибди-ку! Нега мени унда бурув солиб қийнайверасиз?

У қасқаб-қалтираб рўмолчаси билан пешонасидаги терни сидирди.

– Менга, балки, баъзи нарсалар маълумдир... – устмонлик билан чап берди Лембке, – аммо ким ўзи у Кириллов дегани?

– Бу ерга четдан келган инженер. Ставрогинга секундант бўлган, васвос, жинни; сизнинг анов подпоручигингиз арокнинг иситмасида бўлгандир балки, аммо манависи батамом жинни, – мен бунга қафиллик бераман. Эҳ, Андрей Антонович, ҳукумат мабодо буларнинг қандай одамлар эканлигини билганда эди, уларга ҳеч қачон қўл кўтармаган бўларди. Ҳаммаси бир қайнови ичида кимсалар; мен Швейцарияда ҳам, конгрессларда ҳам уларни хў-ўб кўрганман.

– Бу ерлардаги ҳаракатларни ўша ёқдан туриб бошқаришадими?

– Ким ҳам бошқарарди? Уч яримта одам. Уларга қарасанг, энсанг қотади. Бу ердаги ҳаракат яна қанақайкан? Варақаларми? Яна ёлланганлар ким? Ароқ иситмасидаги подпоручик ва яна уч-тўртта талаба! Сиз ақлли кишисиз, сизга битта савол: нега уларга тузукроқ одамлар ёлланмайди, нега ҳаммаси студентлар-у йигирма икки яшар чала туғилганлар? Кўп дейсизми уларни? Миллионлаб ит қидираётгандир, қанчасини топибди? Етти киши. Айтяпман-ку, энсанг қотади деб.

Лембке камоли диққат билан эшитди, аммо унинг юзидан «ҳолва деган билан оғиз чучимади» деган маъно аримасди.

– Лекин, мана ўзингиз қаранг, сиз хат хорижга ёзилган деяпсиз; аммо бу ерда манзил кўрсатилмаган; нега унда сизга хат Кирилловга ва ниҳоят хорижга ёзилгандай бўлиб кўриняпти ва... ва... уни ҳақиқатан жаноб Шатов ёзганми?

– Унда дарров Шатовнинг дастхатини топинг-да, солиштириб кўринг. Идорангизда унинг биронта дастхати бўлса, ажабмас. Кирилловга ёзилганига келганда эса, Кирилловнинг ўзи менга ўша пайтдаёқ кўрсатган.

– Бундан чиқадики, сиз ўзингиз...

– Ҳа, бундан чиқадики, мен ўзим. Нималарни кўрсатишмади менга у ерда. Анави шеърга келсангиз, гўё уни марҳум Герцен ёзиб жўнатганмиш Шатовга у хорижда дайдиб юрганда, гўё учрашувлари хотираси, мактов, тавсия ўрнида, ҳў-ўб, оббо... Шатов эса ёшлар орасида тарқатади. Гўё мана мен ҳақимда Герценнинг фикри деб.

– Те-те-те, – охири етиб борди Лембкенинг калласига, – нукул ўйлайман: варақа-ку, тушунарли, шеърга бало борми, деб?

– Тушунмай бўладими? Жин урсин, нега мен сизга валаклаб кўйдим! Қулоқ солинг, менга Шатовни берсангиз, бас, колганлари менга деса қирилиб кетмайдими, Кириллов билан бирга, у ҳозир Шатовнинг ёнида Филлиповнинг

уйида биқиниб ётибди. Улар мени ёқтиришмайди, чунки мен қайтиб келдим... Аммо Шатовни менга ваъда қилинг, қолганларини сизга лаганга солиб олиб келаман. Фойдам тегади, Андрей Антонович! Бу арзимаган тўда, узоғи билан тўққиз-ўнта киши. Ўз-ўзимча уларни кузатиб юрибман. Бизга ҳозир учтаси маълум: Шатов, Кириллов ва анов подпоручик. Бошқаларини кўз остимга олиб юрибман; кўзим кўрмайдимас, кўради. Бу Х. вилоятидагига ўхшайди; у ерда варакалар тарқатаётган иккита студент қўлга тушган, яна битта гимназия ўқувчиси, иккита йигирма яшар дворянлар, бир ўқитувчи ва битта ароқ ичиб мияси айниган олтмишга чиққан истеъфодаги майор, бор-йўғи шу, ишонинг, турган-битгани шу, холос; ҳатто ҳайрон бўлишди ҳаммаси шуми деб. Аммо олти кун керак. Мен яхшилаб ҳисоблаб чиқдим; олти кун ва бир кун ҳам олдин эмас. Агар бирон натижага эришаман десангиз, уларни яна олти кун қимирлатманг, сўнг сизга ҳаммасини битта қилиб боғлаб хузурингизга келтираман; олдинроқ кўзгатиб қўйсангиз, уяси бузилади. Аммо Шатовни беринг, менга Шатов керак... Энг яхшиси, уни махфий ва дўстона тарзда бу ерга, кабинетга қақриш керак, пардани озгина очиб уни имтиҳон қилинг... Э, чамаси, ўзи оёғингизга тиз чўкиб, йиглайди! Асабий, бахтиқаро одам; унинг хотини Ставрогин билан ўйнашиб юради. Унга меҳрибонлик қилинг, шунда ҳаммасини ўзи очиб ташлайди, аммо олти кун керак... Энг муҳими, муҳими, Юлия Михайловнага бир оғиз ҳам билдирмаслик. Хуфя. Хуфя қилоласизми?

– Нима? – кўзлари ола-кула бўлди Лембкенинг, – сиз ахир Юлия Михайловнага... ҳеч нарсани айтмовдингизми?

– У кишигами? Худо сақласин ва раҳм қилсин! Э-эх, Андрей Антонович! Кўряписизми, у билан дўстлигимизни юксак кадрлайман ва ғоятда эъзозлайман... қолган ҳаммаси шу... аммо мен мўлжалдан хато қилмайман. Мен унга зид бормайман, унга зид бориш хатарли, ўзингиз биласиз-ку. Мен у кишига битта-яримта сўзнинг учини чиқаргандирман, у буни жуда яхши кўради, аммо сизга

хозир айтганимдай номлар ё бошка бирон нарсаларни айтишдан худо асрасин, э-эх, отагинам! Ахир нега мен сизга мурожаат қиялман? Чунки, сиз бари бир эркак кишисиз, жиддий одамсиз, эскидан катта хизмат тажрибасига эгасиз. Ок-корани танигансиз. Бундай ишлардаги ҳар бир кадам сизга ёд бўлиб кетган, Петербургдан бери биласиз воқеаларни. Агарда ҳозир мен унга лоақал мана шу икки кимсанинг номини айтиб қўйсам, мисол учун денг, у дўмбирасини чалиб юборади... Ахир у бу срдан туриб Петербургни лол қилмокчи. Йў-ўқ, жуда қизикқон, ҳа, шунака.

– Ҳа, унинг дўмбираси йўқ эмас, – кўнглига хуш ёқиб тўнгиллади Андрей Антонович ва шу билан бирга бу нолон боланинг Юлия Михайловна ҳақида бироз бесипанд гап қилганидан оғриниб. Петр Степановичга эса «Лембку»ни бутунлай ийдириб, ўзига оғдириб олиш учун булар ҳаммаси ҳали озлик қиладигандай, ҳали яна бироз зўр бериш керак бўладигандай туюлган эса ажабмас.

– Баайни дўмбира, – деб тасдиқлади у, – майли, у балки адабиёт соҳасида даҳо аёлдир, аммо – қўлидан бит ўлдириш келмайди. Олти кун у ёқда турсин, олти соатга чидолмайди. Э-эх, Андрей Антонович, хотин кишига олти кун вақт берманг! Менинг лоақал мана шу ишларда тажрибам борлигига тан берасиз-ку, тўғрими; ахир мен баъзи бир нарсаларни биламан-ку, сиз ҳам биласизки, мен баъзи нарсаларни биламан. Мен сиздан эрмак учун олти кун сўраётганим йўқ, бу иш учун керак.

– Мен эшитган эдимки... – ўз фикрини айтишга журъат қилмай турарди Лембке, – эшитган эдимки, сиз хориждан қайтганингиздан сўнг керакли жойда... тавба-тазарру қилган экансиз, ростми?

– Э, бўлар иш бўлган-да.

– Шундай, мен ҳам бунга аралашмокчи эмасман... аммо назаримда сиз бу ерда шу пайтгача насронийлик дини ҳақида, мисол учун, ижтимоий тизимлар ва ниҳоят ҳукумат ҳақида бутунлай бошқача бир йўналишда сўзлардингиз...

– Десам дегандирман. Мен ҳозир ҳам шундай гапирман, факат бу гапларга анов аҳмоқлар каби бошқача тус бермаслик керак, ҳамма гап шунда. Сиз ўзингиз гапимга қўшилган эдингиз, факат ҳали эрта дегансиз.

– Мен қўшилганим ҳам, ҳали эрта деганим ҳам йўқ.

– Қаранг, барча гапларингиз илмокли-я, хи-хи! Эҳтиёткор одам! – бирдан кувнок деди Петр Степанович. – Менга қаранг, қадрдон отагинам, сиз билан танишиб олишим керак эди-да, ана шунинг учун мен бошқача тарзда гапирганман. Мен факат сиз билан эмас, бошқалар билан ҳам шундай танишиб оламан. Менга, эҳтимол, сизнинг феъл-атворингизни билиш керак бўлгандир.

– Менинг феъл-атворимни нима қиласиз?

– Мен қайдан билай, нимага (у яна кулиб юборди). Биласизми, кимматли, мухтарам Андрей Антонович, сиз айёрсиз, аммо унгача етиб бормади ҳали ва балки етиб бормас ҳам, тушундингизми? Балки, деяпман, тушундингизми? Агарда мен чет элдан қайтиб келгач, керакли жойда тушунтириш берган бўлсам-да, алҳол, билмайман, нима учун маълум бир карашларга эга бўлган одам ўзининг самимий эътиқоди йўлида ҳаракат қилмаслиги керак... аммо ҳеч ким у срда менга сизнинг феъл-атворингиз бўйича топширик бермаган ва у ердан мен бундай топширикларни бўйнимга олган эмасман. Ўзингиз ўйлаб кўринг: мен сизга биринчи бўлиб ўша иккита исмни айтмаслигим ҳам мумкин эди ахир, тўғри биринчи тушунтириш берган жойимга маълум қилсам ҳам бўлаверарди; агар-да, мен пул-мул ё бошқа биронта фойда олиш учун бу ишларни қилганимда, албатта, бу роса калтабинлик бўларди, нега деганда, энди мендан эмас, сиздан миннатдор бўлишади. Мен факат Шатовни дейман, – олийжаноблик билан қўшиб қўйди Петр Степанович, – факат Шатов, менинг аввалги дўстим... хў-ўб, буларнинг ҳаммасини коғозга тушириб, у ёққа жўнатаётганингизда, майли, икки оғиз мени ҳам мактаб қўйинг... қаршилиқ йўқ, хи-хи! Adieu, лекин узок ўтириб қолдим, яна шунча маҳмадоналик қилдим! – деди у ўзига хуш ёкиб ва ўрнидан турди.

– Аксинча, мен ҳам хурсандман, ишларим равшанлашганидан, – ўрнидан кўзгалди фон Лембке ҳам чамаси кейинги сўзлар таъсирида юзида илтифот ифодаси кўриниб. – Сизнинг кўмагингизни устимга миннат деб қабул қиламан, ишончингиз комил бўлсинки, сизнинг жонбозлигингиз хусусида ўз томонимдан фикримни бажонидил айтаман...

– Олти кун, муҳими, олти кун муҳлат, шу кунлар ичида сиз кимирламасангиз кифоя, менга худди мана шу нарса керак!

– Майли.

– Албатта, мен сизнинг қўлингизни боғлаб қўёлмайман, бунга ҳаддим сиғмайди. Кузатмай ўтиролмайсиз-ку; фақат уяларни бевақт тўзгитманг, мана шу ерда мен сизнинг ақлингиз ва тажрибакорлигингизга тан бераман. Исковучлар ва югурдак итлар сизда етарлича топилади, хи-хи! – шўх ва ҳавойи қичқирди (мисоли ёш йигитдек) Петр Степанович.

– Унчалар эмасдир, – чехраси очилиб сипориш қилди Лембке. – Бу ёшлик одатлари, етарлича деганингиз... Ҳа, айтмоқчи, яна бир гап: агар Кириллов Ставрогиннинг секунданти бўлса, унда жаноб Ставрогин ҳам...

– Нима Ставрогин?

– Агар улар якин ошна бўлса?

– Э, йўк, йўк, йўк! Айёрсиз-у, бу гапингиз хато. Мени хайрон қилиб қўйдингиз. Сиз бу борада у-бу маълумотга эгасиз, деб ўйлаган эдим... Ҳм, Ставрогин – бу тамомила бошқа, қарама-қарши, яъни мутлақо... *Avis an Lecteur*⁴.

– Наҳотки! Шундайми, а! – ишонқирамай деди Лембке. – Менга Юлия Михайловна айтган эдики, Петербурдан олган маълумотларига қараганда, у баъзи бир кўрсатмалар олган одам эмиш...

– Мен ҳеч нарса билмайман, ҳеч нарса билмайман, ҳеч нарса. *Adieu. Avis an Lecteur!* – қутилмаганда аён ўзини тортди Петр Степанович.

У эшикка отилди.

⁴ Бу ерда: «Сизни огоҳлантирдик» маъносида (*франц.*).

– Тўхтанг, Петр Степанович, тўхтанг, – кичкирди Лембке, – яна битта кичкинагина иш, кейин, майли, рухсат.

У стол тортмасидан хат олди.

– Мана яна биттаси, ўшанақасидан, бу сизга менинг қанчалар ишонганимни кўрсатади. Мана, сиз бунга нима дейсиз?

Жилд ичида хат бор экан, имзосиз галати бир хат. У Лембкега жўнатишган, кеча олган. Петр Степанович қаттиқ энтиқиб шу сўзларни ўқиди:

«Хазрати олийлари!

Зеро, даражангиз шундай. Ушбу билан генералларнинг Зоти олийлари ҳамда ватанга қилинаётган тажовуз ҳақида хабар бераман; зотан, тўғри шунга қараб бормоқда. Ўзим-да кўп бисёр йиллар тарқатганман. Ушбу-да худосизлик. Исён ҳозирланмоқда, варақалар сони неча юз минглаб. Ҳар бирининг орқасидан юзта одам тилини осилтириб чопади, шунинг учун бошлиқлар олдиндан йиғиштириб олсин, кўп ҳада, мукофотлар ваъда қилинган, қора халқ эса аҳмоқ у, боз устига ароқ. Халойик айбдорни санаб, у ёқни ҳам, бу ёқни ҳам вайрон қилади, кейин икки томондан ҳам кўрқиб, ўзи қатнашмаган нарсага истиғфор келтиради, бинобарин, менинг ҳол-аҳволим шунақа. Агарда ватанни, ва шунингдек, черков ва иконаларни қутқариш учун чақув керак бўлса, бу фақат менинг қўлимдан келади. Шарт шуки, ҳамманинг орасидан битта менга Учинчи бўлим дарҳол телеграф орқали қафолат берсин, бошқалар эса жавобини бераверсин. Қоровулхонанинг дарчасига ҳар кеч хабардор қилиш учун соат еттида битта шам ёқиб қўйсин. Буни кўриб ишонаман ва пойтахтнинг марҳаматли дастпанжасини ўпиш, юз-кўзимга суртиш учун боражакман, аммо шарт пуги, менга нафақа ажратилса, зеро, нимага яшашим керак? Сиз пушаймон бўлмайсиз, кўксингизга юлдуз тақасиз. Ишлар оҳиста-секин бўлсин, акс ҳолда бош кетади.

Хазрати олийларининг чорасиз бандаси.

Оёкларингизни ўпгувчи, собик ҳурфикр жонивор In-cognito».

Фон Лембке хат коровулхонада ҳеч ким йўқ пайтда пайдо бўлиб қолганини айтди.

– Ҳў-ўб, буни нима деб ўйлайсиз? – кўрслик билан сўради Петр Степанович.

– Имзосиз пачаки бир нарсадир-да, майнавозчилик.

– Шундай бўлса керак, сизни лакиллатиб бўпти.

– Боз устига жуда аҳмокона.

– Сиз яна бошқа пачаки нарсалар олганмисиз?

– Икки мартача олганман. Имзосиз.

– Албатта, имзо қўймайди. Бир-биридан бошқачами? Ёзуви ҳар хилми?

– Бошқача қўл, бошқача хат.

– Масхарабозлик қилиб ёзилганлари ҳам борми мана бунақа?

– Бор шунақаси, биласизми... жуда ифлос.

– Унда, бу ҳам ўшанақа.

– Жуда аҳмокона. Анови зотлар жуда билимдон, бундай ёзишмайди.

– Ҳа, рост, рост.

– Ростдан ҳам, биронтаси чакмокчи бўлса, унда нима?

– Ақл бовар қилмайди, – куруккина қилиб унинг сўзини бўлди Петр Степанович. – Учинчи бўлимдан телеграмма ва нафақаси нима дегани? Пачакилиги аниқ.

– Шундай, шундай, – хижолат чекди Лембке.

– Менга қаранг, буни менда қолдиринг. Сизга буни топиб бераман. Ановлардан бурун буни топиб бераман.

– Олаверинг, – деди фон Лембке бироз иккилангач.

– Ҳеч кимга кўрсатмаганмидингиз?

– Йўқ, мумкинмас, ҳеч кимга.

– Юлия Михайловнага ҳамми?

– Оҳ, худо сақласин, худо ҳаки, сиз ҳам унга кўрсата кўрманг? – кичкирди Лембке кўркиб. – Ўтақаси ёрилади... мендан ёмон хафа бўлади.

– Ўзингизга аввало дашном беради, сизга шундай ёзишибдими, ўзингиз айбдорсиз, дейди. Аёлларнинг гап-сўзи

шунақа. Хў-ўб, хайр. Мен сизга уч кунлар ичида манави қаламкашни қулоғидан тортиб келтирсам керак. Муҳими, аҳдлашдик!

IV

Петр Степановични балки нодон деб бўлмасди, факат у Федька Каторжний айтмоқчи, «одамни ўзи тўқиб чиқарар ва шу билан яшарди». У фон Лембкенинг хузуридан чикиб кетаркан, уни лоакал олти кунга хотиржам қилдим, деб ўйларди, бу муддат эса унга ниҳоятда зарур эди. Аммо фикр сохтароқ эди, у Андрей Антоновични бутунлай лакма одам деган катъий бир фикрга келган ва ҳамма ўйланларини шу асосга курганди.

Ҳар бир инжик ва шубҳали одам сингари Андрей Антонович мавҳумликдан чиқишнинг дастлабки дақиқаларида ҳар сафар беҳад хурсанд ва ишонувчан бўлиб қоларди. Нарсаларнинг янгича тарзда эврилиши, яна айрим серғалва ишқалликларга қарамай, унинг кўз ўнгида авваллига анча ёқимли тарзда намоён бўлди. Жилла қурса, эски шубҳалар бари таркади. Бунинг устига у кейинги кунларда шу қадар чарчаган, ўзини шунчалар музтар ва ожиз сезардики, юраги беихтиёр тинчликни хоҳларди. Аммо афсус, у яна нотинч эди. Петербургда узок яшагани унинг юрагида ўчмас из қолдирганди. «Янги авлод»нинг расмий ва хатто махфий тарихини у анча яхши биларди, – у кизикувчан одам эди, варақаларни йиғиб юрарди, – аммо бу тарихни унинг дастлабки сўзидан бошлабоқ сира тушунмасди. Мана энди худди қоронгу ўрмонга кириб қолгандай: у ўзининг бутун ички ҳиссиётлари билан Петр Степановичнинг сўзларидаги аллақандай буткул номувофиқликни ҳар қандай шакл ва шароитдан қатъи назар сезиб турарди, – «гарчи худо билади, ҳали бу «Янги авлод» билан нималар рўй беради ва худо билади улар бу нарсаларни қандай амалга оширадилар!» – деб ўйларга ботарди у фикрлари чувалашиб.

Шунда атай қилгандай, яна Блюм бошини ичкари сукди. Петр Степанович келгандан бери у нарироқда қу-

тиб турган эди. Блюм узокрок бўлса ҳам Андрей Антоновичнинг қариндоши эди, аммо бу бир умр қаттиқ кўркув остида яшириб келинарни. Ўқувчимдан шу ерда андак узр сўрайман, ушбу ночор зотга бу ерда бир неча оғиз сўз ажратмасам бўлмас. Блюм «бахтсиз» немисларнинг галати бир тоифасига мансуб эди, ушбу «бахтсизлик» лаёқатсизликдан бўлмай, балки нималиги номаълум эди. «Бахтсиз» немислар афсона эмас, улар мавжуд ва ҳатто Россияда ҳам бор, улар ўзига хос қиёфага эга. Андрей Антонович унга бир умр меҳрибонлик ва хайрихоҳлик кўрсатиб келар, хизмати борасида қўлга киритган ютуқларига қараб ҳамма ерда имкон қадар жон куйдирар, уни ўз қўл остидаги идораларга ишга жойлаштирар, вазифаларга қўярди; аммо қариндошининг ҳеч ерда омади юришмасди. Гоҳ штатлар қисқариб кетар, гоҳ бошлиқлар ўзгариб қолар, гоҳ ишлар судга ошириладиган даражага етарди. У гоҳта саранжом-саришта эди, аммо қандайдир ўринсиз, ўзига зиён келтирадиган бир тарзда бадқовок, тумтайган эди; ранг-рўйи қизгиш-малла, дароз, елкалари чиққан, ғамгин ва ҳатто ҳиссиётчан ва шу қадар камсукумлигига қарамасдан, худди буқа каби қайсар, тиришқок эди, аммо булар бари доим бемаврид эди. У кўп замонлардан буён оиласи, кўп сонли бола-чакалари билан бирга Андрей Антоновични беҳад иззат-икром қилар, ўзига яқин оларди. Андрей Антоновичдан бошқа ҳеч кимса уни ҳеч қачон яхши кўрмасди. Юлия Михайловна дарров уни чикитга чиқарди, аммо эрининг қайсарлигини енголмади. Эр-хотин ўртасида тўйдан кейинги асал ойи кунларида юз берган илк келишмовчилик ҳам шу эди, шу пайтгача унинг кўзидан йироқда кўрсатмай келинган Блюм бирдан хонимга рўпара бўлди, унинг қариндошчилиги хонимнинг диққатини оширди. Андрей Антонович қўлини кўксига қўйиб ялиниб-ёлворди, Блюмнинг ҳаётини, болалик чоғларидан буён дўст-ошно эканликларини жуда таъсирли ҳикоя қилиб берди, аммо Юлия Михайловна ўзини бир умрга шармандан шармисор бўлгандай ҳисоблади ва ҳатто бир неча бора ҳушидан ҳам кетиб қолди. Фон Лембке

унга бир қадам ҳам ён бермади, ҳеч қачон Блюмни тарк этмаслиги, ўзидан узоклаштирмаслигини билдирди, шундан сўнг хоним ажабланиб, Блюмга изн беришга мажбур бўлди. Фақат шунга қарор бердиларки, қариндошчиликлари имкон қадар аввалгидан ҳам қаттиқроқ хуфя сақланади, ҳатто Блюмнинг исми шарифи ҳам ўзгартирилади, чунки нечукдир унинг исми шарифи ҳам Андрей Антонович эди. Блюм бу ерда ҳам битта аптекачи немисдан бошқа ҳеч ким билан танишмади, ҳеч кимнинг уйига меҳмонга бормади ва одатига кўра зикнов ва холи кун кечирди. Андрей Антоновичнинг адабий машқлари ҳам унга анчадан бери маълум эди. У романни юзма-юз ўтириб хуфёна ўқишга чақириларди, олти соатлаб кимирламай ўтириб эшитарди; ухлаб қолмасликка жон-жаҳди билан уринар, терга ботар, лабидан табассум аримасди; уйга қайтгач, оёқлари узун қотма хотини билан бирга валинеъматининг рус адабиётига бадбахтларча ишқи тушиб қолганидан оҳ-воҳ қилиб ёзғурарди.

Андрей Антонович кириб келган Блюмга изтироб ичида боқди.

– Мен сендан ўтинаман, Блюм, мени ҳозир холи қўй, – деди у ташвишга ботганча тез-тез сўйлаб, чамаси, у Петр Степанович келгач, ўз-ўзидан узилиб қолган бояги суҳбатни яна давом эттиришни хушламай.

– Бироқ бу ишни жуда нозик қилиб бажариш мумкин, ҳеч ким билмайди; сизга барча ваколатлар бор, – иззатикром ва шу билан бирга қаттиқ туриб ниманидир талаб қиларди Блюм, у елкаларини букиб, майда-майда қадамлар билан Андрей Антоновичга тобора яқинроқ суриларди.

– Блюм, сен менга шунчалар садоқатли ва хизматбарорсанки, ҳар сафар мен сенга кўрқиб, ўтакам ёрилиб қарайман.

– Сиз доим ўткир гапларни айтасиз, кейин бундан роҳатланиб, ором олиб ухлайсиз ва бу билан ўзингизга зиён қиласиз.

– Блюм, мен ҳозир ишонч ҳосил қилдимки, бу умуман бошқа, умуман бошқа нарса.

– Анови калбаки, бузук йигитчанинг сўзларидан сўнг шундай фикрга келдингизми, ахир ўзингиз ундан шубҳаланиб юрибсиз-ку? Сизнинг адабиётдаги салоҳиятингизни мактаб, сиздан устун келди.

– Блюм, сен ҳеч вақони тушунмайсан; айтяпман-ку сенга, сенинг лойиҳанг – куракда турмайдиган нарса. Биз ҳеч нарса тополмаймиз, ёмон бақир-чақир чиқади, кейин кулишади роса, ундан кейин Юлия Михайловна...

– Биз нимани кидираётган бўлсак, ҳаммасини топамиз, бунга шак-шубҳа йўқ, – дадил одим ташлади Блюм ўнг қўлини кўксига қўйиб, – биз эрталаб барвақт текшира-миз, шахснинг бутун иззат-ҳурматини сақлаймиз, конуннинг барча талабларига риоя қиламиз. Анов йигитчалар, Лямшин билан Телятников жуда ишонтириб айтишяпти, истаган ҳамма нарсангизни топасиз, деб. У ерда улар кўп бора бўлишган. Жаноб Верховенскийни ҳеч ким писанд қилмайди. Генералнинг бева рафикаси Ставрогина ундан юз ўгирди, агар ушбу бефаросат шаҳарда биронта виждонли одам бўлса, биладики, у ер ҳар доим шаккоклик ва ижтимоий таълимот ўчоғи бўлган. Унинг уйида барча тақикланган китоблар сақланади, Рилеевнинг «Ўйлар»и, Герценнинг барча асарлари... мен керак бўлиб қолар деб бирмунча рўйхатини тузиб чиқдим...

– О, худойим, бу китоблар ҳаммада бор; намунча сод-дасан, шўрлик Блюмим!

– Кўп варақалар тўпланган, – Блюм хўжасининг гапи-га қулок солмай. – Биз албатта, бу ерда тарқалаётган варақаларнинг ҳақиқий изига тушамиз. Анов йигитча Верховенский менга жуда-жуда шубҳали кўринади.

– Аммо сен отасини ўғли билан чалкаштириб юбо-ряпсан. Уларнинг ораси яхши эмас; ўғли отасининг усти-дан очиқдан очиқ кулиб юради.

– Бу фақат ниқоб.

– Блюм, мени гўрга тикасан! Ахир ўйласанг-чи, у бу ерда таникли одам. У профессор бўлган, ҳамма билади, у дод-фарёд кўтаради ва бутун шаҳар қулади, биз бсғам

бўлмайлик... яна ўйламайсанми, бу ёғи Юлия Михайловна нима аҳволга тушади!

Блюм олдинга силжир ва кулоқ солмасди.

– У факат доцент бўлган, доцент бўлган, холос, даражаси ҳам баланд эмас, коллеж ассессор, яна истеъфодаги, – деб кўлини кўкрагига урди Блюм, – ҳеч канака нишон олмаган, ҳукуматга қарши ниятларда шубҳа остига олиниб, хизматдан бўшатишган. У махфий кузатувда бўлган, шубҳасиз, ҳозир ҳам шундай. Тартибсизликлар юз бериб турганда, албатта, мажбуриятларингиз такозо қилади. Сиз эса бурчингизни ўйламай, ҳақиқий айбдорга панжа ортидан қараяпсиз.

– Юлия Михайловна! Тез жўна, Блюм! – бирдан қичкириб юборди фон Лимбекс, кўшни хонадан келаётган хотинининг товушини эшитиб.

Блюм сесканиб тушди, аммо таслим бўлмади.

– Ижозат беринг, ижозат, – деб оёқ тиради у иккала кўлини кўксига қаттиқроқ босиб.

– Йў-к-қол! – тишларини гижирлатди Андрей Антонович. – Билганингни қил... қсйин... О, ҳудойим-ей!

Дарпарда кўтарилиб, Юлия Михайловна кўринди. У Блюмга кўзи тушиб, витор билан тўхтади, унга қибр ва хафакезик билан нигоҳ ташлади, гўё бу қимсаннинг бунда ҳозир бўлиши унинг шаън-шуқухига ҳақорат эди. Блюм индамай унга ҳурматан чуқур таъзим бажо қилди-да, эъзоз-икромдан қадди икки букилиб, қўлларини икки ёнида биров айри тутиб, оёқ учида эшик томон жилди.

У Андрей Антоновичнинг охириги асабий нидосини ўзининг сўровига ҳақиқатан ҳам тўғридан-тўғри ижобий ижозат деб англадимикин, ё шу ўринда ўз валинеъматининг фойдаси учун қўнглида эгриликка мойил бўлдимикин, ё иш оқибатига қўра баҳоланади деб, қаттиқроқ ишониб қўйдимикин, – ҳар қалай, бошлиқнинг ўз қўл остидаги ходими билан бўлиб ўтган гап-сўздан сўнг асло қутилмаган бир нарса юз бердики, у ҳамманинг қулгисига сабаб бўлди, овозалар тарқалди, Юлия Михайловнанинг

шафкатсиз ғазабини кўзгади ва буларнинг бари туфайли шўрлик Андрей Антонович калаванинг учини тамомила йўқотиб қўйди, энг кизгин палла келганда, уни энг ночор журъатсизлик чохиға улоқтирди, булар ҳаммасини биз куйида кўриб ўтамыз.

V

Петр Степановичнинг куни югур-югур билан ўтди. Фон Лембкенинг олдидан чикиб, у Богоявленская кўчасига югурди, бироқ Биков кўчасидан ўтиб бораркан, у Кармазинов турадиган уйга яқинлашганда, тўхтаб қолди. Бир иршайди-да, эшикка қадам қўйди. Унга: «Сизни кутишяпти», -- дейишди, бундан у ажабланди, зеро, у келаман, деб огоҳлантирмаганди.

Аммо улуг ёзувчи хакикатан уни кутаётганди, кеча ҳам, ўтган куни ҳам кўзи тўрт бўлганди. У бундан тўрт кун бурун унга ўзининг «Merci» деб номланган асарининг қўлёзмасини берган (уни Юлия Михайловна байрамида адабиётга бағишланган эрталабки йиғинда ўқимокчи эди) буни у илтифот юзасидан қилган, агар улуг бир нарсага олдиндан ошино қилсам, йиғитча бундан боши кўкка стиб хурсанд бўлади, деб ўйлаганди. Петр Степанович анчадан буён шуни пайқаб келардики, ушбу шуҳратпараст, талтайган, одми авомни яқинига йўлатмайдиган бурни танқайган жаноб, ушбу «давлат микёсидаги ақл» эгаси ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ зўр бериб хушомадгўйлик қилади. Наздимда, йиғитча ниҳоят фаҳмлаб етдики, бу жаноб агарда уни бутун Россиядаги яширин инкилобий ҳаракатларнинг жиловбардори бўлмаганда ҳам, лоақал рус инкилобининг махфий сирларидан ҳаммадан кўпроқ хабардор ва ёш кучлар ўртасида, шубҳасиз, катта таъсири бўлганлардан бири, деб ҳисоблайди. «Россиядаги энг ақили одам»нинг фикр кайфиятларига Петр Степанович қизиқар, аммо баъзи бир сабабларга кўра шу чоккача у кўнглини очишдан ўзини четга тортарди.

Улуғ ёзувчи камергер⁵нинг хотини ва помешчик аёл бўлган ўзининг опасиникида турарди. Эр-хотин икковларини ҳам машҳур якин қариндошларини бошларига қўтариб юргудай бўлишар, аммо унинг бу сафарги келишида ҳар иккалалари Москвага кетишган, бундан каттик афсус-наюмат чекишар, шу боис унга камергернинг узок қариндоши бўлмиш камбагал кекса кампир қарар, кампир хўжаликнинг барча ишларини ўзи бошқарарди. Жаноб Кармазиновнинг келганлиги муносабати билан бутун уй оёқ учида юрарди. Кампир ҳар куни унинг қандай ётиб тургани, нималар тановул қилишни қўнгли тусагани ҳақида Москвага хабар қиларди, ҳатто бир куни шаҳар сарқорининг уйида бўлган зиёфатдан кейин бир қошиқ суюқ дорини ҳақида телеграмма жўнатди. Кампир унинг хонасига камдан-кам кирар, у кампирга курукрок бўлса ҳам, одоб-икром билан муомалада бўлар, бирон зарурат юзасидангина унга мурожаат қиларди. Петр Степанович кириб келганда олдида ярим стакан кизил вино, қийма котлетини еб ўтирарди. Петр Степанович илгари ҳам унинг ҳузурда бир неча маротаба бўлган, у доим шу эрталабки котлетини еб ўтирган бўлар, унинг олдида ҳам нонушта-сини тўхтатмас, аммо бирон марта ҳам уни овқатга таклиф этмасди. Котлетдан сўнг яна мўъжаз финжонда қаҳва келтириларди. Таом келтирган уй хизматкори эғнига фрак, қўлига қўлқоп, оёғига юмшоқ, товуш чиқармайдиган этик кийганди.

– Э-э! – дивандан турди Кармазинов сочиққа лаб-лунжини артаркан ва афт-ангори чарақлаб очилиб, ўпишгани интилди – жуда ҳам машҳур бўлиб кетган рус кишилари одатда шундай қилишади. Аммо Петр Степанович илгариги тажрибасидан билардики, у ўпишиш учун интилиб келади-ю, аммо тутишга келганда, юзини тутуди, шунинг учун бу сафар у ҳам юзини тутди; ҳар икковнинг ёноқлари сурқалди. Кармазинов буни сезди-ю, аммо билдирмади, бориб диванга ўтирди ва Петр Степановичга хушмандлик

⁵ Россия империясида саройининг катта хизматкори унвони (тарж.).

билан рўпарасидаги креслони кўрсатди. Петр Степанович ялпайиб ўтирди.

– Сиз мабодо но... нонушта қиласизми? – сўради ёзувчи бу гал одатига хилоф равишда, у меҳмон одоб билан йўқ деса керак, деб кутганди. Петр Степанович эса дарҳол нонуштага розилик билдирди. Ёзувчининг башарасида бир зумга бўлса-да, ғашлик соя солиб ўтди, факат бир зум; у асабийлашиб, малайни қўнғирок чалиб чақирди ва тарбия кўрганлигига қарамай, таом келтиришни буюраркан, овозини баланд қўтарди.

– Сизга котлет келтирсинми ё қаҳва? – Яна бир қарра ўсмоқчилади у.

– Котлет ҳам бўлсин, қаҳва ҳам, вино ҳам берсин, мен очкадим, – жавоб берди Петр Степанович сиполик билан ёзувчининг уст-бошини кўздан кечираркан. Жаноб Кармазинов пахталик нимча кийган, нимчанинг тугмалари садаф, ўзи торроқ эди, бу унинг бироз дўппайган тўқ қорни ва тирсиллаган болдирларига унчалик ярашмасди; аммо ҳар кимнинг диди ҳар хил бўлади. Агарчи хона ичи иссик бўлса ҳам, у тиззаларига жун катак адёл ўраган, адёл полгача тушиб турарди.

– Тобингиз йўқми? – сўради Петр Степанович.

– Йўқ, тобим жойида, аммо бу иқлимда тоб қочишидан қўрқаман, – жавоб берди ёзувчи ўзининг бакирок товуши билан, айнаи чокда ҳар бир сўзни ширин ҳижжалаб ва қиборона ёқимли сизғириб шипилларкан, – мен сизни кеча келармикинсиз деб кутгандим.

– Нега энди? Ваъда қилмагандим.

– Ҳа, аммо қўлингизда менинг қўлёмма бор. Сиз... ўқидингизми?

– Қўлёмма? Қанақа қўлёмма?

Кармазинов ёмон ҳайрон бўлди.

– Ахир сиз уни келтирмаганмисиз? – ёзувчи шу қадар ташвишга тушдики, ҳатто овқат ейишдан тўхтаб, Петр Степановичга қўрқиб қараб қолди.

– Эҳ-а, э, анов... нимаиди – «Bonjour»миди?

– «Merci».

– Хўп, бўпти. Бутунлай эсимдан чикибди, ўкиганим йўк, вакт бўлмади. Билмадим, каёкка қўйибман, чўнтагимда йўк... стоимда колгандир. Ташвишланманг, топилади.

– Йўк, яхшиси, мен сизникига одам юбораман. Асар йўқолиши, хатто ўғирлашлари мумкин.

– Кимга керак! Мунча кўриб кетдингиз? Юлия Михайловна айтувдики, сиз доим асарни бир неча нусха қилиб қўяркансиз, биттаси чет элда нотариусда, иккинчиси Петербургда, учинчиси Москвада, кейин банкага ҳам жойлаштиркансиз.

– Аммо ахир Москвага ҳам ўт тушиши, у билан бирга менинг асарим ҳам қуйиб кул бўлиши мумкин. Йўк, яхшиси, мен ҳозир одам жўнатай.

– Тўхтанг, мана у! – Петр Степанович орка чўнтагидан тахланган бир қоғоз неча варақ чиқарди. – Озрок гижимланибди. Муни қаранг, ўшанда сиздан олганимдан бери орка чўнтагимда қолиб кетибди рўмолча билан бирга; эсимдан чикибди.

Кармазинов қўлёзмани апил-тапил қўлига олди, эҳтиёткорлик билан кўрди, саҳифаларни кўздан кечирди ва авайлаб ёнидаги мўъжаз столчага қўйди, доим кўз ўнгимда турсин, деди чоғи.

– Сиз кўп ўқимайсиз, шекилли? – вишиллаб хижжалади у тоқатсизланиб.

– Йўк, унча кўп эмас.

– Рус насридан-чи. ҳсч нарсa ўқимаганмисиз?

– Рус насрими? Ҳа-я, ниманидир ўқигандим... «Йўл»ми... ё «Йўлга»ми... ё «Йўл айрилиш»миди, эсимда йўк. Анча бўлди. Беш йил. Вакт йўк.

Ўртага бироз жимлик чўкди.

– Мен келишим билан уларга сизни хаддан ташқари ақлли йигит деб айтдим, энди ҳаммалари сизни мактагани-мактаган.

– Миннатдорман, – вазмин жавоб қилди Петр Степанович.

Таом келтирилди. Петр Степанович ютокиб котлетни туширди, винони ичди, кахвани хўлади.

«Бу нодон, – унга кўз кирини ташлаб ўйланарди Кармазинов охирги лукмани оғзига солиб, охирги қултумни ютаркан, – бу нодон боплаб игна сукканимни тушунган бўлса керак, кўлёмани ҳам ютокиб ўкиган, лекин атай ёлғон гапиряпти. Аммо балки алдамаётгандир ҳам, асли ўзи шундай калтафаҳм. Даҳони мен калтафаҳмлигидан яхши кўраман. Уларнинг ўртасида бу баччағар даҳо бўлса бордир, башаранг куриб кетгур».

У дивандан туриб, хонада у ёқдан-бу ёқка бориб кела бошлади, у ҳар гал нонуштадан сўнг ҳазми таом учун шундай киларди.

– Бу ерда ҳали узок турасизми? – сўради Петр Степанович креслода ўтирганча папирос тутатиб.

– Мен мулкни сотиш учун келган эдим, энди бошқарувчига боғлиқ.

– У ёқда урушдан кейин юқумли касалликлар тарқалади, деб кутишаётган эди, сиз шунинг учун бу ерларга келгандирсиз?

– Й-йўк, унчалик эмас, – гапини давом эттирди жаноб Кармазинов жумлаларнинг хижо-хижосини хушхол жой-жойига қўйиб ва у ёқдан-бу ёқка ҳар бориб келганида ўнг оёғини бардам ликирлатиб, лекин кўп эмас, андак, холос. – Мен ҳақиқатан, – бироз заҳарханда иршайди у, – иложи борича узокрок турмокчиман. Рус оксуякларида ҳамма томондан қараганда ҳам аллақандай тез тўзиб ишдан чиқадиған нималардир бор. Аммо мен тўзишни иложи борича орқага сурмокчиман ва энди хорижга бутунлай жўнаб кетсам дейман; у ёқда иқлим ҳам яхши, уй-жойлар ҳам гиштин ва бари мустаҳкам. Умримнинг охиригача Европа туриб беради, деб ўйлайман. Сизнинг фикрингиз қандай?

– Мен қайдан билай.

– Ҳм. Агар у ерда Бобил қуласа, унинг қулаши ҳам улуг бўлади (бу борада сизга тамомила кўшиламан, лекин ўзимча ҳали ҳаёт эканман, у менга стади, деб ўйлайман),

лекин қиёсан гапирсак, бизда, Россияда кулайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Бизда тош куламайди, ҳаммаси лой-балчикка қоришиб кетади. Мукаддас Русь дунёда ҳеч бир нарсага қаршилиқ кўрсатолмайди. Оддий халқ ҳар қалай рус худосига зўр-базўр суяниб турибди; аммо охири маълумотларга қараганда, рус худосига унчалар ишониб бўлмайди ва ҳатто деҳқонлар ислохотига базўр қаршилиқ кўрсатолди, нима бўлганда ҳам каттик ликиллаб қолди. Бунинг устига темир йўллар, яна бунинг устига сизлар... билмадим, мен рус худосига бутунлай ишонмай қўйганман.

– Европа худосига-чи?

– Мен ҳеч қайсисига ишонмайман. Мени рус ёшлари олдида тухматга қўйишди. Мен ҳамиша унинг ҳар бир ҳаракатига хайрихоҳ бўлганман. Менга бу ердаги варақаларни кўрсатишди. Уларга тушунмай хайрон бўлиб қарашади, чунки ҳаммани уларнинг шакли чўчитади, лекин англамасалар ҳам, уларнинг қудратига ишонишади. Ҳамма аллақачон кулаяпти ва ҳамма аллақачон билади, ушлаб қоладиган ҳеч нарса йўқ. Мен мана шу сирли тарғиботнинг муваффақият қозонишига шунинг учун ишонаманки, Россия бутун дунёдаги истаган ҳар қандай нарса ҳеч қандай қаршилиқсиз рўёбга чиқадиган бирдан-бир жой бўлиб қолди. Давлатманд русларнинг ҳаммаси нима учун ёппасига хорижга кетиб қолаётганларини мен яхши тушунаман, кундан-кунга кўпайиб бораётир бу. Бу ерда савқи табиийлик бор. Кема чўқадиган бўлса, ундан биринчи бўлиб каламушлар қочади. Мукаддас Русь – ёғоч мамлакат, кашшок ва... хатарли, ўзининг энг юкори доираларида ҳам шуҳратпараст гадолар ўлкаси, унинг асосий қисми товук оёқли чириган ёғоч кулбаларда яшайди. Унга яхшилаб тушунтирилса, ҳар қандай ишга тайёр. Факат ҳукумат ёлғиз ўзи қаршилиқ кўрсатишни истайди, аммо тўқмокни қоронғулик ичида ишга солади ва ўз одамларини нобуд қилади. Ҳамма нарса барбод бўлган, ҳамма нарса маҳкум бу ерда. Ҳозирги ҳолда Россиянинг келажаги йўқ. Мен не-

мис бўлишга қарор бердим, шуни ўзимга номус деб билдим.

– Йўқ, сиз варақаларни гапирдингиз; ҳаммасини айтинг, сиз уларга қандай қарайсиз?

– Ҳамма улардан кўркади, демак, улар кудратли. Улар ёлгонни очик фош қилади ва бизда ушлаб қоладиган, суянадиган ҳеч нарса йўқлигини кўрсатади. Ҳамма жим турганда, улар ҳайкирмоқда. Улар шу пайтгача ҳеч кўрилмаган жасорат-ла ҳақиқатга тик қараши билан (шаклидан қатъи назар) ҳаммадан ҳам эътимодлироқ туюлади. Ҳақиқатга бундай тик қараш қобилияти фақат битта рус наслига тегишли, Европада ҳали бундай жасорат йўқ; у ерда салтанат тошдан ва у ерда ҳали суянса бўладиган таянчлар бор. Қанча кўрмай ва қанча фикр юритмай, рус инқилобий ғоясининг моҳияти – номусни инкор этишда. Бу шундоқ жасорат билан кўркмай баён қилингани менга ёқади. Йўқ, Европада бунини ҳали тушунишмайди, бизда эса айни шу нарсага ёпишадилар. Рус кишиси учун номус фақат оғир, ортиқча юк. Унинг бутун тарихи давомида ҳам ортиқча юк бўлиб келган. Очикдан-очик «номуссизлик ҳукуки» билан уни ўз ортидан эргаштириб бориш мумкин. Мен эски авлодга мансуб кишиман, тан олишим керакки, ҳали номус тарафида тураман, аммо бу эски одатланиш, холос. Айтайлик, ожизлигим учун менга фақат эски шакллар ёқади; ахир асрнинг охиригача нима биландир яшамоқ керак-ку.

У бирдан гапдан тўхтади.

«Мен тинмай гапиряпман, – деб ўйлади у, – у эса индамай эшитиб, разм соляпти. Ундан тўппа-тўғтрисини сўрайман, зеро, у шунга келган. Сўраганим бўлсин».

– Индинга ўтадиган балга қандай кутилмаган томоша тайёрлаётганингизни Юлия Михайловна сиздан билиб беришимни сўраган эди, нима дейсиз? – бирдан сўраб қолди Петр Степанович.

– Ҳа, ростдан ҳам, бу ҳеч ким кутмаган совға бўлади, ҳаммалари оғизларини очиб қолишади... – керилди Кармазинов, – аммо сизга бунинг сирини айтмайман.

Петр Степанович зўрламади.

– Бу ерда қандайдир Шатов дегани бор экан, – ўсмоқчилади улуғ ёзувчи, – муни қарангки, унга кўзим тушмаган экан.

– Жуда яхши зот. Нима эди?

– Шундай, нималардир деган экан. Ўша эмасми Ставрогинни шапалоқлаб урган?

– Ўша.

– Ставрогин ҳақида фикрингиз қандай?

– Билмадим; қандайдир валакисаланг шилқим.

Кармазинов Ставрогинни кўргани кўзи йўқ эди, чунки у улуғ ёзувчини писанд қилмасди.

– Ўша шилқимингизни, – деди у хиқиллаганча, – варақаларда айтилган нарсалар қачонлардир амалга ошса, эҳтимол, биринчи бўлиб дарахт шоҳига оссалар керак.

– Балки бу ундан ҳам эртароқ бўлиб қолар, – кутилмаганда деди Петр Степанович.

– Худди шундай қилиш керак, – энди кулмасдан қандайдир жиддият билан маъқуллади Кармазинов.

– Сиз илғари ҳам бир айтган эдингиз, биласизми, мен унга буни айтган эдим.

– Ростми, наҳот айтгансиз? – кулди яна Кармазинов.

– У айтдики, агар мени огочга осишса, унда у кишини йўлига эмас, мўматалоғи чиққунча рostaкам қамчи билан савалаш керак, деди.

Петр Степанович шляпасини олди ва ўрнидан кўзгалди. Кармазинов хайрлашаркан, унга иккала қўлини чўзди.

– Айтинг-чи, – овозини асалдай ширин қилиб чурқиллади у қандайдир ўзгача оҳанжама билан, ҳамон унинг қўлларини сира қўйиб юборгиси келмай, – айтинг-чи, анов... ўйланган нарсалар ҳаммаси... амалга оширилади-ган бўлса... бу қачон рўй бериши мумкин?

– Мен қаердан билай? – кўрс жавоб берди Петр Степанович; ҳар икков бир-бирларининг кўзларига тикилиб қолишди.

– Мисол учун? Тахминан? – янаям ширинзабонлик ила деди Кармазинов.

– Мулкни пуллашга улгурасиз, четга жўнашга ҳам улгурасиз, – янада кўрсроқ тўнғиллади Петр Степанович; ҳар икковлари янада бир-бирларига каттиқроқ тикилдилар.

Бир дам жимлик чўкди.

– Келаси май ойининг бошида бошланади, Покров⁶га бориб ҳаммаси тугайди, – бирдан очилди Петр Степанович.

– Чин юракдан ташаккур, – тўликиб кетиб деди Кармазинов, унинг иккала кўлини каттик қисаркан.

«Кемадан қочиб улгурасан, каламуш! – ўйларди Петр Степанович кўчага чиқиб бораркан. – Агардаки, ушбу «давлатона ақл эгаси» вақт-соатини билишга шунчалар қизиқаётган экан ва бунинг устига маълумот олгани учун бунчалар сидқидилдан миннатдорчилик билдираётган экан, ана энди биз ўзимиз сира ҳам иккиланиб ўтирмаслигимиз керак. (У иршайди.) Ҳм. Бу одам унчалар ҳам ақли кўтах эмас, чоғи... бор-йўғи... кўчишга тайёрланаётган каламуш... бунакалар бориб чакмайди!»

У Богоявленская кўчасидаги Филипповнинг уйи томон югуриб кетди.

VI

Петр Степанович олдин Кирилловга бош суқди. Кириллов одатдагидай ёлғиз бир ўзи хонанинг ўртасида туриб жисмоний машқ қиларди, оёқларини кериб, қўлларини боши устида қандайдир ўзгача айлантирарди. Полда копток ётарди. Стол устида эрталабки чой йиғиштирилмаган, у совиб қолганди. Петр Степанович бир зум остонада туриб қолди.

– Бирок сиз соғлигингизга қўп қайгураяпсиз, – деди у хонага кириб бораркан, овозини баланд ва қувноқ қилиб, – коптокнинг яхшилигини қаранг, уф-фа, сапчишини; уни ҳам машқ қиласизми?

⁶ Насронийларнинг Муқаддас Модархудо байрами. 1 (14) октябрда байрам қилинади (тарж.).

Кириллов камзулини кийди.

– Ҳа, у ҳам соғликка керак, – тўнғиллади у куруккина, – ўтиринг.

– Бир пасга кирдим. Майли, ўтира қолай. Соғлик ўз йўлига, лекин мен аҳдлашилгани бўйича келдим. «Қай бир маънода» муҳлат яқинлаб қолди, – хулоса чиқарди у гапни бирдан буриб.

– Қандай аҳд?

– У нима деганингиз? – типирчилаб қолди Петр Степанович ва ҳатто кўркиб кетди.

– Бу аҳд ҳам эмас, мажбурият ҳам эмас, мен устимга ҳеч нарса олмаганман, сизнинг хатонгиз.

– Қулоқ солинг, нима қияпсиз ўзи? – ўрнидан диқ туриб кетди Петр Степанович.

– Ўз эрким.

– Қайси?

– Аввалги.

– Яъни, бунга қандай тушуниш керак? Сиз аввалги фикрингизга қайтдингизми?

– Шундай. Фақат аҳд йўқ ва бўлмаган, мен билан боғланган эмас. Фақат ирода мендан эди, ҳалиям мендан.

Кириллов гапини кескин ва ижирганиб айтмоқда эди.

– Мен розиман, розиман, майли, ирода бўла қолсин, фақат ирода ўзгармаса бас, – яна қўнгли жойига тушиб ўрнига ўтирди Петр Степанович. – Сўзга жаҳл қиласиз. Кейинги вақтлар негалир жаҳлдор бўлиб қолдингиз; шунинг учун қилмай қўйгандим. Дарвоқе, ўзгартирмаслигингизга ишончим қолди эди.

– Мен сизни жудаям яхши кўрмайман; аммо яхши кўришимга ишончингиз қолди бўлиши мумкин. Мен ўзгариш нима ва ўзгармаслик нима – билмайман.

– Аммо... – яна типирчилаб қолди Петр Степанович, чалкашиб кетмаслик учун аниқлаб олиш зарур. Иш аниқ бўлишни талаб қилади, сиз эса мени жуда хайрон қилиб қўйяпсиз. Гаплашиб олсак бўладими?

– Гапиринг, – кескин деди Кириллов бурчакка тикилиб.

...дан бери ўзингизни ҳаётдан маҳрум қил-
ганини, сизда шундай фикр бор эди. Мен тўғри
қилишми? Хато қилмаяпманми?
Ҳозир ҳам шу фикрдаман.
Қойил. Фақат сизни ҳеч ким бунга мажбур қилма-
ган.

– Бўлмаса-чи; мунча аҳмокона сўзлайсиз?

– Майли, майли; мен аҳмокона қилиб айтгандир-
ман. Шубҳасиз, бундай нарсга мажбур қилиш аҳмоқлик
бўларди; гапимни давом эттирай: сиз эски пайтдаёқ Жа-
миятнинг аъзоси эдингиз ва ўшандаёқ Жамият аъзолари-
дан бирига буни очгансиз.

– Мен очган эмасман, тўғриси айтганман.

– Майли. Бунда «очилиш» кулгили чиқарди, нима,
изхормиди бу? Сиз оддий қилиб тўғриси айтган-қўй-
гансиз, қойил.

– Йўқ, қойил эмас, нега деганда сиз эзмалик қиляпсиз.
Мен сизга ҳеч қандай ҳисобот беришга мажбур эмасман,
менинг фикрларимни ҳам сиз тушунмайсиз. Мен ўзимни
ҳаётдан маҳрум қилмоқчиман, чунки фикрим ўзи шундай,
чунки мен ўлимдан кўркишни хоҳламайман, чунки... чун-
ки буни билишнинг сизга ҳеч кераги йўқ... Нима бўлди?
Чой ичасизми? Совиб қолган. Мен сизга бошқа стакан
олиб келаман.

Петр Степанович ростдан чойнакка қўл узатган ва
бўш идиш қидираётганди. Кириллов жавондан тоза ста-
кан олиб келди.

– Мен ҳозир Кармазиновникида нонушта қилган
эдим, – деб қўйди қўноқ, – кейин унинг гапларини эшитиб
ўтирдим, терлаб кетдим, бу ёққа югурдим, яна терладим,
томогим қакраб кетди.

– Ичинг. Совук чой яхши.

Кириллов яна стулга ўтириб, кўзларини бурчакка қа-
дади.

– Жамиятда фикр туғилди, – яна ўша-ўша овозда да-
вом этди у, – агар ўзимни ўлдирсам, уларга фойдам тегар
экан, сизлар бу сзда ишқал чиқарсанглар, айбдорларни

кидиришса, шунда бирдан мен ўзимни отаман-у, ҳаммасини мен килдим деб, хат ёзиб колдираман, шундан сўнг то бир йилгача сиздан шубҳаланишмайди.

– Бир неча кун бўлса ҳам, кошки; бир кун ҳам қимматли.

– Яхши. Шу маънода менга айтишдики, агар хоҳласам, кейинроққа суришим мумкин экан. Мен айтдим, Жамиятдан то вақтини айтишмагунча, кутаман, чунки менга бари бир.

– Ҳа, лекин эсланг, сиз сўз бергансиз, ўлим олдидан хат ёзиб колдирадиган бўлсангиз, мен ҳам бунинг тепасида бўлишим керак, Россияга келганингиздан кейин ҳам... бир сўз билан айтганда, менинг ихтиёримда бўласиз, яъни, бу фақат мана шу ходисанинг ўзигагина тегишли, колган барча ҳолларда эрк-ихтиёрингиз ўзингизда. – бирмунча илтифот билан қўшиб қўйди Петр Степанович.

– Мен сўз бермадим, мен майли деб, рози бўлдим, чунки менга бари бир.

– Қойил, қойил, мен сизнинг эркингизни бўғиб, нафсониятингизга тегмоқчи эмасман, лекин...

– Бу ерда нафсоният эмас.

– Аммо эслаб кўринг, сизга йўл учун бир юз йигирма талер⁷ пул йиғиб беришди, демак, сиз пул олгансиз.

– Ундай эмас, – кизарди Кириллов, – пул унгамас. Бунга пул беришмайди.

– Баъзан беришади.

– Гапингиз ёлгон. Мен Петербургдан хат ёзиб маълум килдим, Петербургда эса сизга юз йигирма талер тўладим, қўлингизга туткиздим... улар у ёққа жўнатишган, мабодо сиз тутиб колмаган бўлсангиз.

– Яхши, яхши, мен тортишиб ўтирмайман, жўнатиб юборилган. Энг муҳими, сиз аввалгидек ўз фикрингизда турибсиз.

– Ўша фикрда. Сиз келиб, «вақт бўлди» десангиз, мен адо этаман. Нима, якин орадами?

⁷ Эски немис кумуш тангаси.

– Кунлар оз қолди... Аммо, эсингизда бўлсин, хатни ўша кеча бирга тўқиймиз.

– Кундузи ҳам бўлаверади. Сиз варақаларни ўз зиммангизга оласиз дедингизми?

– Яна баъзи нарсалар бор.

– Мен ҳаммасини ҳам зиммамга олмайман.

– Нимани олмайсиз зиммангизга? – типирчилади яна Петр Степанович.

– Истамаган нарсамни, бас. Мен бошқа бу ҳақда гаплашмоқчи эмасман.

Петр Степанович ўзини тутди ва гапни ўзгартирди.

– Мен бошқа нарсани айтмоқчийдим, – огоҳлантирди у, – бутун оқшом бизникиларнинг олдига борасизми? Виргинскийнинг туғилган куни, шу баҳонада йиғилишади.

– Истамайман.

– Ундай қилманг, боринг. Боришингиз зарур. Сонимизни ва юзимизни кўрсатайлик... Сизнинг юзингиз... хў-ўб, хуллас, юзингизда қисмат ёзилган.

– Сизнингча шундайми? – кулиб юборди Кириллов. – Бўпти, борганим бўлсин, фақат юз учун эмас. Қачон?

– О, барвактрок, олти яримда. Биласизми, сиз тўғри кириб боринг, ўтиринг, ҳеч ким билан гаплашманг, фарқи йўқ қанча одам бўлса ҳам. Фақат, биласизми, қозғоз ва қалам қўлингизда бўлсин.

– Нимага?

– Сизга бари бир эмасми; бу менинг алоҳида илтимосим. Сиз фақат ўтирасиз, ҳеч ким билан гаплашмайсиз, эшитиб ўтириб, гоҳ-гоҳ қозғозга бир нарсаларни чизиб қўясиз; ҳатто расм солсангиз ҳам майли.

– Бемаънилик, нима бу?

– Сизга бари бир эмасми; ахир доим менга бари бир дейсиз-ку.

– Йўғ-е, нимага унақа дерканман?

– Нимагалиги шундайки, Жамиятнинг бир аъзоси ревизор, Москвада ўтирибди, мен у ерда керакли одамларга ревизор келиши мумкин деб айтиб қўйган эдим, шунинг учун улар сизни ревизор деб ўйлашади, сиз бу ерда уч

хафтадан бери турганингизни билишса, янаям қаттиқроқ хайрон бўлишади.

– Найранг. Сизнинг Москвада ҳеч қандай ревизорингиз йўқ.

– Йўқ бўлса йўқдир, жин чалсин уни, сизнинг нима ишингиз бор, сизга бу ишнинг нимаси оғир? Ўзингиз Жамият аъзосисиз-ку.

– Уларга мени ревизор деб айтинг; мен оғзимни очмай ўтираман, қоғозу қаламни эса хоҳламайман.

– Нима учун?

– Хоҳламайман, вассалом.

Петр Степановичнинг жаҳли чикди, лекин яна ўзини босди, ўрнидан туриб шляпасини олди.

– Анов сиздами? – сўради у бирдан овозини пасайтириб.

– Менда.

– Яхши. Мен уни тезда олиб чиқаман, ҳавотир олманг.

– Ҳавотир йўқ. У фақат кечаси келади. Кампир касалхонада, келини ўлган; икки кундан бери ёлғиз ўзимман. Мен унга девордаги тахтаси олинадиган жойни кўрсатдим; шу ердан ўтади, ҳеч ким кўрмайди.

– Яқинда уни олиб кетаман.

– У кечаси ётадиган жойим кўп, дейди.

– Ёлғон, уни қидиришяпти, бу ерда ҳозирча кўзга ташланмайди. Нима, сиз у билан гаплашяпсизми?

– Ҳа, кечаси билан. У сизни ёмон сўқади. Мен унга кечаси Апокалипсис⁸ни ўқиб бердим, чой ичирдим. Роса кулоқ солиб эшитди; жуда қизиқиб қолди, миғжа қоқмади.

– Э, шайтон, сиз уни насроний динига киритиб кўясиз-ку!

– Ўзи насроний динида. Ташвишланманг, сўяди. Кимни сўймоқчисизлар?

⁸ Апокалипсис – грекча сўз бўлиб, ваҳий (башорат) дегани. Насроний янги Аҳд Муқаддас китобидаги охириги китоб. Ҳаворий Юҳанно (Иоанн)га нисбат берилади. Милодий 60–90-йилларда ёзилган. Охир дунё, Исо ва унинг зидди, қиёмат қойим, «минг йиллик худо Шаҳаншоҳлиги» ҳақида хабар-башоратлар беради (тарж.).

Йўк, унинг иши бошқа; бошқа иш қилади... Бу Шатов Федькани биладими?

– Мен Шатов билан гаплашмайман, уни ҳеч кўрмайман.

– Жаҳли чикқанми?

– Йўк, жаҳлимиз чикмаган, фақат юз ўгирганмиз. Америкада узок вақт бирга ер тишлаб ётганмиз.

– Мен ҳозир унинг олдига кираман.

– Ўзингиз биласиз.

– Биз Ставрогин билан ҳам у ердан соат ўнларда олдингизга кирамиз, балки.

– Марҳамат.

– У билан муҳим бир нарсани гаплашиб олишимиз керак... Биласизми, менга шу коптокни совга қилинг; сизга энди нима керак? Мен ҳам машк киламан. Мен пулини ҳам тўлайман.

– Шундок олаверинг.

Петр Степанович коптокни орқа чўнтагига солди.

– Мен сизга Ставрогинга қарши ҳеч баҳона-сабаб бермайман, – меҳмонни кузатаркан, тўнгиллади Кириллов. Петр Степанович унга ҳайрон бўлиб қаради, лекин жавоб бермади.

Кирилловнинг ушбу охирги сўзлари Петр Степановични беҳад лол қилиб қўйди; бу гапнинг тагига етмай туриб, Шатовнинг зинасидаёқ башарасидаги норозилик ифодасини йўқотиб, юзига кувнок ёкимтой тус беришга уринди. Шатов уйда бироз бетоб эди. У тўшакда узала тушиб ётар, аммо кийинганди.

– Ана, холос! – остонадан кичкирди Петр Степанович. – Тобингиз йўқми?

Унинг юзидаги меҳрибонлик бир зумда сўнди; кўзларида қандайдир қаҳр чакнади.

– Ундай эмас, – асабий сакраб турди Шатов, – мен касал эмасман, фақат бошим бироз...

У ўзини хиёл йўқотиб қўйди; бундай меҳмоннинг қутилмаганда келиши уни кўрқитиб юборганди.

– Мен шундай иш билан келдимки, касал бўлиш мумкин эмас, – деб шитоб билан гап бошлади Петр Степанович амрона охангда, – ўтирсам бўладими (у ўтирди), сиз ҳам ўрнингизга ўтиринг, ана шундай. Бугун Виргинскийнинг таваллуд куни бахонасида унинг уйида бизникилар йиғилишади; бошқа бир сабаб кўрилмайди, чоралар белгиланган. Мен Николай Ставрогин билан бирга бораман. Сизнинг ҳозирги ахволи руҳиянғизни ҳисобга олиб, у ерга боришинғизни ёкламаган бўлардим... шу маънодаки, сиз у ерда кийналиб коласиз, сиз етказиб қўясиз, деб ўйлаганимиз учун эмас. Аммо шундай бўлиб колдики, сиз боришинғиз керак. У ерда сизнинг Жамиятдан қандай қилиб чиқишинғиз ва қўл остинғиздаги нарсаларни кимга топширишинғизни биратўла ҳал қиладиган кишилар тўпланади. Билдирмай қиламиз; сизни чеккарок бир ерга ўтказамиз; одам кўп, ҳамма билиши шарт эмас, очиги, сизни деб роса тилимни қайрадим; лекин энди сизнинг босмаҳонани ҳамда барча қоғозларни топширишинғизга ҳаммалари кўнди. Шундан сўнг тўрт томонинғиз очик, кставерасиз.

Шатов ковок солиб, қаҳри келиб эшитди. Унда бояги асабий кўркувдан ном-нишон колмаганди.

– Мен кимга бўлмасин, ҳисоб беришим кераклигини мутлақо тан олмайман, – деди у кескин, – ҳеч ким мени ҳеч қайсига бўшатиб юборолмайди.

– Ундок эмас. Сизга кўп нарсалар ишониб топширилган эди. Муносабатларни кескин бузишга ҳақинғиз йўқ эди. Яна сиз бу ҳақда аник-равшан айтмагансиз, уларни жуда иккилантириб қўйгансиз.

– Мен бу ерга келгач, хат ёзиб очик айтдим.

– Йўқ, очик эмас, – вазмин эътироз билдирди Петр Степанович, – мен, мисол учун, сизга «Нурли сиймо»ни юбордим, бу ерда босиб чиқариб, нусхаларини бирон ерга яшириб тахлаб қўйинг, дедим; яна иккита варақа. Сиз дудмал хат билан қайтариб юбординғиз.

– Мен босмайман деб, тўғриси айтдим.

– Ҳа, айтдинғиз, аммо тўғриси айтди. Сиз: «Қилломайман», деб ёзгансиз, аммо сабабини тушунтирмагансиз.

«Қилолмайман» дегани «истамайман» дегани эмас. Сиз шунчаки моддий сабабларга биноан қилолмайсиз, деб ўйлаш мумкин. Бунни улар шундай деб тушунишган ва сизни ҳар қалай, Жамият билан алоқани давом эттиришга рози, деб ҳисоблашган. Демак, шу боис сизга яна бирор нарса-ни ишониб топширишлари ва яна ўзларини обрўсизлан-тиришлари эҳтимолдан холи эмасди. Улар бу ерда сиз шунчаки алдамоқчи бўлгансиз дейишяпти, биронта муҳим топшириқ олиб, кейин уни сотишни мўлжаллаган, деган фикрга келишган. Мен сизни жоним бори-ча ҳимоя қилдим ва икки қатор ёзган хатингизни сизнинг фойдангизга ҳуж-жат сифатида кўрсатдим. Аммо уни энди ўқиб кўриб сизга очиғини айтишим керак, икки қатор сўзингиз мужмал, но-аниқ ва одамни чалғитади.

– Хатни жуда эҳтиётлаб сақлаб қўйган экансиз-да?

– Менда сақланганига ажабланманг; у ҳозир ҳам мен-да.

– Э, садқайи сар, шайтон!.. – ғазабланиб қичқирди Шатов. – Ўша аҳмоқларингиз мени сотган деса деяверсин, менинг нима ишим бор! Қани, менга қарши қўлингиздан нима келаркин, бир кўриб қўяй?

– Сизни кўз остига олиб қўйишади, инқилоб ғалаба қозониши биланоқ сизни осишади.

– Олий ҳокимиятни қўлга олиб, Россияни бўйсундир-ганингиздами?

– Сиз кулманг. Қайтараман: сизни ҳимоя қилдим. Шундайми, шундаймасми, нима бўлганда ҳам, бугун бо-ришингизни маслаҳат бераман. Қандайдир сохта гурурни деб, ортиқча сўзларни айтишдан нима фойда? Дўстона ажралган яхши эмасми? Ахир, ҳар ҳолда, сиз станокни ҳам, ҳарфларни ҳам, эски қоғозларни ҳам топширасиз, мана шуни гаплашайлик.

– Бораман, – деб тўнгиллади Шатов бошини ўйчан ҳам қилиб. Петр Степанович турган жойидан унга кўз қи-рини ташлади.

– Ставрогин келадими? – сўради бирдан Шатов, бо-шини кўтариб.

– Албатта, келади.

– Хи-хи!

Яна бир зум жим қолишди. Шатов ижирганиб, тажанг иршайди.

– Анави тубан «Нурли сиймо» босилдими? Мен босмаган эдим.

– Босилди.

– Гимназия ўқувчиларини буни Герценнинг ўзи ўз қўли билан альбомимга ёзган, деб ишонтириладими?

– Герценнинг ўзи.

Яна уч дақиқалар жимлик чўкди. Шатов, ниҳоят, ўрнидан турди.

– Чикиб кетинг бу ердан, мен сиз билан ўтиришни истамайман!

– Кетдим, – деди ҳатто қандайдир хурсанд бўлиб Петр Степанович, дик этиб кўзғаларкан, – фақат бир огиз гап: Кириллов хизматкорсиз бир ўзи ёлғиз турибдими?

– Ёлғиз ўзи. Чикинг, истамайман сиз билан бир хонада қолишни.

«Тоза тасқара бўлибсан! – ички бир қувоник билан ўйлаб борарди Петр Степанович, хонадан кўчага чиқаркан, – кечда ҳам тасқаранг чиқади, менга сенинг худди шундай бўлишинг керак, бундан яхшиси йўқ, бундан яхшиси йўқ! Рус худосининг ўзи мадад беряпти!»

VII

Чамаси, у бугун тинмай югур-югур қилиб, кўп эшикларга кириб чикди, – афтидан, ҳамма ишлари ўнгидан келди, – кечқурун роппа-роса соат олтида у Николай Всеволодовичнинг хузурига етиб келганда, буни унинг башарасида зухур этган коникиш ифодасидан ҳам билса бўларди. Аммо унинг хузурига дарҳол киришнинг иложи бўлмади; Николай Всеволодовичнинг олдига ҳозиргина Маврикий Николаевич кириб кетганди. Бу хабар уни дарҳол ўйлантириб қўйди. У меҳмоннинг чиқишини кутиб, шундоққина эшик яқинига ўтирди. Ичкаридан

тўнғиллаган овоз чиқар, лекин сўзларни ажратиб бўлмасди. Меҳмон узок ўтирмади; кўп ўтмай шовкин эшитилди, беҳад баланд ва кескин товуш янгради, шундан сўнг эшик очилиб, Маврикий Николаевич юзи мутлако оқарган ҳолда чиқди. У Петр Степановични пайкамай, тез чиқиб кетди. Петр Степанович шу заҳоти кабинетга учиб кирди.

Ушбу ҳар икки «рақиб»нинг ғоятда қисқа учрашувини батафсил қайд этиб ўтмасам бўлмас, – мавжуд шарт-шароитда бу учрашувни ҳатто тасаввурга ҳам сиғдириб бўлмас, бироқ, бунини қарангким, шу ҳол юз берди.

Воқеа бундай бўлган эди: Николай Всеволодович тушликдан сўнг ўз кабинетида қия суянчиқли ўриндикда мудраб ўтирарди, шу пайт Алексей Егорович кутилмаган бир меҳмон келганини хабар қилди. У келган одамнинг исмини эшитиб, ҳатто ўрнидан сакраб турди ва қулоқларига ишонмади. Аммо тезда лабларида ярқ этиб табассум жилади – бу такаббур бир тантана ва шу билан бирга аллақандай тўмтоқ хайрат табассуми эди. Хонага кириб келган Маврикий Николаевич, чамаси, унинг илжайиб турганини кўриб лол бўлиб қолди, ҳар ҳолда, бораверсаммикин ё қайтсаммикин, дегандай бирдан хона ўртасида товсилланиб қолди. Хона соҳиби дарҳол кулгисини йиғиштирди ва жиддий таажжубланган қўйи унга пешвоз қадам қўйди. Меҳмон ўзига узатилган қўлни олмади, стулни ўнғайсизланиб ўзига сурди-да, мезбоннинг таклифини ҳам қутмай, бир оғиз сўз демасдан, уй эгасидан олдин ўтирди. Николай Всеволодович қия ўриндикка ёнламасига ўтириб, Маврикий Николаевичдан кўз узмай кутиб турди.

– Агар хоҳласангиз, Лизавета Николаевнага уйланинг, – ҳадое йўсинида деди бирдан Маврикий Николаевич, ва ҳаммадан ҳам кизиги шунда эдики, овознинг оҳангидан бунинг нималигини сира фаҳмлаб бўлмасди; ўтинчми, таклифми, ён беришми ва ё амр-фармонми.

Николай Всеволодович ҳамон чурқ этмасди; аммо меҳмон нима максатда келган бўлса, ҳаммасини айтиб, энди жавобини кутиб бир нуктага тикилди.

– Агар янглишмасам (дарвоке, жуда аник гап бўлса керак), Лизавета Николаевна сизга унаштирилиб қўйилган-ку, – деди ниҳоят огиз очиб Ставрогин.

– Унаштирилган ва никоҳланган, – катъий ва равшан тасдиклади Маврикий Николаевич.

– Сиз... уришиб колдингизми?.. Кечиринг мени, Маврикий Николаевич.

– Йўқ, у мени «севади ва ҳурмат қилади», ўзининг сўзи. Унинг сўзлари ҳамма нарсадан қимматли.

– Бунга шубҳа йўқ.

– Аммо у черковда никоҳ ўкитаётганда ҳам, сиз уни чақирсангиз, мени ва ҳаммани ташлаб, сизга югуриб борди.

– Никоҳ ўкитаётганда-я?

– Никоҳдан кейин ҳам.

– Хато қилаётгандирсиз?

– Йўқ. Сизга нисбатан тўлиб-тошиб ётган ва ҳеч тўхтамайдиган чин нафрат остида ҳар лаҳзада муҳаббат яркирайди ва... телбалик... энг самимий ва энг чексиз муҳаббат ва – телбалик! Аксинча, унинг менга бўлган севгиси гагидан ҳар лаҳзада чинакам нафрат яркираб туради. энг улуг муҳаббат! Мен илгари ҳеч қачон ҳаёлимга келтирмагандим... бу эврилишларни.

– Аммо мен хайронман, сиз қандай қилиб келиб, Лизавета Николаевнанинг ихтиёридан сўзлаяпсиз? Бунга ҳақингиз борми? Ёки у сизни вакил қилиб юбордими?

Маврикий Николаевич ковоғини уйди ва бир зум бошини қуйи эгди.

– Бу сизнинг томонингиздан қуруқ сўздан бошқа нарсаси эмас, – деди у бирдан, – кинадор ва тантанавор сўзлар: аминманки, сиз сўзлар тагидаги маънони тушунасиз, нахотки бу ерда ҳам ҳамиятпарастликка ўрин бўлса? Сиз бундан ҳам қаноатланмайсизми? Нахотки буни яна ижиклаш ва охиригача қайраш лозим? Бўпти, рост бошладимми, энди охиригача қолдирмай айтай, агар сизга шундай ҳўрланиш керак бўлса! Менинг ҳеч қандай ҳақим йўқ, ваколат берилмаган; Лизавета Николаевнанинг хабари

йўқ, унинг қаллиғи ақлини батамом еб қўйган, жиннихонада ётса ҳам бўлади, буларнинг ҳаммаси етмагандай, яна сизга келиб барчасини гапириб ўтирибди. Бутун дунёда фақат сиз уни бахтли қилоласиз ва фақат мен билан бахтсиз бўлади. Сиз уни кунчилайсиз, уни тинмай таъкиб этасиз, аммо билмайман нега, уйланмайсиз. Агар бу хорижда бошланган севги жанжали бўлса-ю, унга барҳам бериш учун мени қурбон қилиш зарур бўлса, – майли, қурбон қилинг. У жуда ҳам бахтсиз, мен бунга сира чидолмайман. Мен бу сўзларим билан сизга изн бермаётибман, шунинг учун ҳамиятингизга тегмайди деб ўйлайман. Агар сиз никоҳ чоғида менинг ўрнимни эгаллаганингизда эди, буни менинг ҳеч қандай изнимсиз ҳам қилаверардингиз ва мен бу савдойи бошимни бу ерга қўтариб келишимнинг ҳожа-ти йўқ эди. Бинобарин, мен ташлаган бу қадамдан сўнг тўй тўтрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Мен уни меҳроб қошига қабоҳат билан элтолмайман-ку? Менинг бу ерда қилаётган ишим ва уни, эҳтимол, энг қаттол душмани қўлига топшираётганим, наздимда, шунчалар тубанликки, бунга ўла қолсам чидолмаган бўлардим.

– Бизга никоҳ ўқиладиганда, ўзингизни отасизми?

– Йўқ, бу анча кейинроқ. Менинг қоним билан унинг никоҳ либосини булгашнинг нима кераги бор? Балким, мен ҳеч қачон ўзимни отмасман, на ҳозир, на кейин.

– Буни мени тинчлантириш учун айтяпсизми?

– Сизними? Яна бир ортиқча қон тўкилиши сиз учун нима деган гап?

Унинг ранги ўчди, кўзларидан учкун сачради. Бир зум жимлик чўкди.

– Сизга берган саволларим учун мени кечиринг, – яна сўз бошлади Ставрогин, – баъзи саволларни беришга ҳақим ҳам йўқ эди, аммо битта саволни бермасам бўлмайди: айтинг-чи, Лизавета Николаевнага бўлган ҳисларимни сиз қаердан билдингиз? Қаердан бу ҳисларга ишонч ҳосил қилдингиз? Ва қандай қилиб таваққалига бундай таклиф билан менинг олдимга келдингиз?

– Қандай? – ҳатто бир мунча сесканиб тушди Маврикий Николаевич, – сиз ахир кетидан юрмаганмидингиз? Кетидан юрмайсиз ва юрмоқчи ҳам эмасмисиз?

– Умуман, мен у ёки бу аёлга бўлган ҳиссиётларимни бошқа бир одамга ва умуман ўша аёлдан бошқа ҳеч бир кишига огиз очиб гапирмайман. Узр, табиатимнинг ғалати бир хислати шунда. Аммо бунинг ўрнига мен сизга бор ҳақиқатни айтаман: мен уйланганман, энди менинг уйла-нишим ёки «кетидан юришим»нинг иложи йўқ.

Маврикий Николаевич шунчалар тонг қотган эдики, бирпас ўриндиқ суянчиғига суяниб қолди ва бироз вақт Ставрогиннинг башарасига қилт этмай тикилиб ўтирди.

– Муни қаранг, ҳеч ҳаёлимга келтирмабман, – ғўнгил-лади у, – сиз ўшанда, ўша эрталаб, уйланмаганман дев-дингиз... мен чиппа-чин ишониб ўтирибман уйланмаган экан, деб...

Унинг ранги ёмон ўчиб борарди; бирдан у жони бори-ча столни урди.

– Шу гапингиздан сўнг сиз Лизавета Николаевнани тинч қўймасангиз ва уни бахтсиз қилсангиз, унда мен сиз-ни девор тагидаги итдай калтаклаб ўлдираман!

У дик этиб ўрнидан турди ва хонадан югуриб чиқиб кетди. Чопқиллаб кирган Петр Степанович уй хўжасини тамоила бошқача бир кайфиятда кўрди.

– Э, сизмисиз! – хандон ташлаб кулди Ставрогин; у жон ҳалпида кизиқиб, югургилаб кириб келган Петр Степановичнинг ғалати аҳволига қаҳ-қаҳ уриб кулаётганга ўхшарди бир чеккаси.

– Сиз эшиқда тинглаб ўтирувдингизми? Шошманг, бу ерга нимага келдингиз? Ахир мен сизга ваъда берувдим-ми... Э, воҳ! Эсладим! Жамоага! Кетдик, жуда хурсанд-ман, касалга дори қўл келди.

У шляпасини олди ва икковлари дарҳол ташқарига йўл олдилар.

– Сиз Жамоамизни кўраман деб, олдиндан сую-ниб кетяпсизми? – қувноқ ликилларди Петр Степанович тор ғиштин йўлкада дам ҳамроҳи билан баробар одим ташлашга интилиб, дам кўча ўртасига тушиб лой кечишга

мажбур бўлиб, зеро унинг йўлдоши йўлка ўртасидан бир ўзи уни бутунлай эгаллаб, банд этиб бораётганини мутлақо сезмасди.

– Мен ҳеч кулаётганим йўқ, – деб баланд овоз билан кувнок жавоб берарди Ставрогин, – аксинча, ишончим комилки, у ерда энг жиддий одамлар йиғилади.

– «Бадковок тўнкалар», сиз бир гал шундай таъриф бергандингиз.

– Баъзи бадковок тўнкалар жуда антиқа бўлишади.

– Э, сиз бу Маврикий Николаевични айтмаяпсизми! Ишончим комил, боя у сизга қайлигини ҳавола қилиш учун келган, тўғрими? Тасаввур қилинг, бунга уни мен билвосита тайёрладим. Ён бермаса, мабодо, ўзимиз ҳам олаверамиз, нима дедингиз?

Петр Степанович бунақа оҳанжамалар қилиб ўзини хавф остига қўяётганини, албатта, биларди, аммо нима қилсин, ўзи ҳам жўш уриб турганда бир нарсани билиб олиш учун жон-жаҳди билан тавакқал қилишни ёқтирарди. Николай Всеволодович кулиб қўя қолди.

– Сиз ҳалиям менга ёрдам бермоқчи бўласизми? – сўради у.

– Агар хоҳласангиз. Бироқ биласизми, битта энг яхши йўл бор.

– Биладан сизнинг бу йўлингизни.

– Йўғ-ей, бу ҳозирча сир. Фақат эсингизда бўлсин, сир пулга чакилади.

– Қанча туришини ҳам биладан, – ўзича тўнғиллади Ставрогин, аммо тилини тийди, индамади.

– Қанча, нима дедингиз? – тинчини йўқотди Петр Степанович.

– Мен сирингиз бошингиздан қолсин, деяпман! Яхши-си, менга айтинг, у ерда кимлар бўлади? Биладан тавакқал кунига боряпмиз, аммо валадлар ким?

– О, энг юксак маънода ҳардури! Ҳатто Кириллов ҳам келади.

– Ҳаммаси тўғарақларнинг аъзоларими?

– Жин урсин, мунча шошасиз! Бу ерда ҳали битта тўғаракнинг ҳам дараги йўқ.

– Унда бунча варақани қандай тарқатдингиз?

– Бораётган жойимизда тўғарак аъзолари фақат тўрт киши. Қолганлари кутишяпти, бир-бирларига ўлғудай ай-гоқчилик қилишади, менга етказишади. Уларга ишонса бўлади. Буларнинг бари ташкил қилиниши керак бўлган далолат, охирига етказиш керак. Дарвоқе, низомни ўзингиз ёзгансиз, сизга тушунтириш ортикча.

– Нима, кийин бўляптими? Тўсиқ кўпми?

– Тўсиқми? Бахтга қарши, осон кетяпти. Айтсам, кулгингиз кистайди; ёмон таъсир қиладиган энг биринчи нарса бу – мундир. Мундирдан кучлироқ нарса йўқ. Мен атай амаллару мансабларни тўқиб чиқараман: менинг қўл остимда гўё котибларим, махфий айғоқчиларим, газначиларим, раисларим, рўйхатга олувчиларим ва уларнинг ходимлари бор – бу уларга жуда ёқади ва яхши қабул қилишади. Ундан кейинги катта куч бу, албатта, ҳиссиётчанлик. Биласизми, бизда социализм асосан ҳиссиётчанлик туфайли тарқалаяпти. Аммо бунда бир ишқал бор: анави тишлонғич подпоручиклар; йўқ жойда оёқ тагидан чиқиб қоладилар. Ундан кейин кип-қизил фирибгарлар келади; буларга ҳар қалай чидаса бўлади; гоҳо жуда фойдалари тегади, аммо улар кўп вақтни олади, кечаю кундуз огоҳ бўлиб туришинг керак. Хў-ўб, ниҳоят, энг муҳим куч бу – цемент – у ҳаммасини боглайди, – бунинг оти – ўз фикрига эга бўлишдан уялиш. Мана буни куч деса бўлади! Ҳеч кимнинг бошида битта ҳам ўз фикри қолмаган, ким бунинг устида ишлаган, қайси «жонажон» бунинг заҳматини чеккан, ҳайронман! Буни уят ҳисоблашади.

– Ундай бўлса, нима учун жон куйдириб юрибсиз?

– Э, шундай оғзини очиб яланг ётган бўлса, нега энди уни ўмармаслик керак! Ютиб чиқиш мумкинлигига жиддий ишонмайсизми? Эҳ, эътиқод-ку, бор-а, лекин истак-хоҳиш керак-да. Ҳа, айни худди мана шундайлар билан ютукқа эришиш мумкин. Сизга айтиб қўяй, мабодо унга сен мукаммал либерал эмассан, деб бақирсангиз, у ўзини ўтга-чўкка уради. Менга бу ерда аҳмоқлар таъна қилишади: сен бу ерда ҳаммани марказий қўмита ва унинг «сон-саноксиз тармоқлари» билан лакиллашиб юрибсан,

деб. Сиз ҳам бир гал менга дашном берувдингиз, аммо бунда ҳеч қандай товламачилик йўқ: сиз билан мен – марказий қўмита, тармоқлар десангиз, истаганча топилади.

– Бари шунақанги аблахлар!

– Далолатлар. Булар ҳам керак бўлиб қолади.

– Сиз ҳамон менга ишониб юрибсизми?

– Сиз раҳбарсиз, сиз кучсиз; мен фақат котиб бўлиб ёнингизда тураман. Биласизми, биз шундоқ кемага ўтира-миз, эшаклари зарангдан, елканлари ипакдан, куйрукда бир паризод, гўзал қиз Лизавета Николаевна ўтирибди... ёки нимаиди ўша, шайтон, қўшиқда нима дейиларди?..

– Тилидан тутилди! – хахолаб кулди Ставрогин. – Яхшиси, мен сизга эртакнинг бошини айтиб берай. Сиз, мана, бармоғингизни букиб ҳисоблаяпсиз: тўтараклар қай-си кучлардан ташкил бўлади деб? Сиз айтаётган амалдор ходимлару анов ҳиссиётчанлик – сентименталлик дедингизми – булар бари жуда яхши елим; лекин булардан ҳам яхшироқ яна бир нарса бор: тўтаракнинг тўртта аъзосини бу сотади деган баҳонада бешинчисини ўлдиришга кўн-диринг, ана шунда сиз уларни тўкилган қон эвазига бир арконга маҳкам боғлайсиз. Сизнинг қулингиз бўлишади, исён чиқариш, ҳисобот сўрашга ботинишмайди. Ваҳ-ҳа-ха!

«Бироқ сен, бироқ сен ҳали бу сўзларинг учун менга товон тўлайсан, – ўз ичида ўйлади Петр Степанович, – ҳатто шу кечанинг ўзидаёқ. Ҳаддингдан ошиб кетаётгирсан жуда».

Шундай ёки шунга яқин ўйлаши мумкин эди Петр Степанович. Дарвоқе, Виргинскийнинг уйига яқинлашиб қолган эдилар.

– Сиз, албатта, мени уларга хориждан келган қандайдир бир аъзо, Internationale билан алоқадор ревизор деб танинган бўлсангиз керак? – сўраб қолди бирдан Ставрогин.

– Йўқ, ревизор эмас; сиз ревизор бўлмайсиз; аммо сиз хориждан келган таъсисчи аъзосиз, сизга барча муҳим сирлар маълум, – сизнинг қиёфангиз шундай. Сиз, ҳойнахой, гапирсангиз керак?

– Буни қаёқдан олдингиз?

– Энди гапиришингиз зарур.

Ставрогин ҳатто кўча ўртасидаги фонус яқинида ҳайрон бўлиб тўхтаб қолди. Петр Степанович унинг нигоҳига тап тортмай, вазмин дош берди. Ставрогин бир тупурди-да, яна йўлда давом этди.

– Сиз-чи, ўзингиз гапирасизми? – деб сўради у бирдан Петр Степановичдан.

– Йўқ, яхшиси, сизни эшитаман.

– Тусингизни ел есин! Сиз менга ҳақиқатан фикр беряпсиз!

– Қандай фикр? – сапчиди Петр Степанович.

– Майли, мен у ерда-ку гапирарман-а, лекин кейин сизни савайман, биласизми, жуда бошлаб савайман.

– Айтмоқчи, мен боя Кармазиновга сиз уни калтаклаш керак, калтаклашганда ҳам бўрсиқнинг боласидай калтаклаш керак, деганингизни айтиб бердим.

– Э, мен ҳеч қачон бундай демаганман, ваҳ-ҳа-ҳа!

– Ҳечқиси йўқ. *Se non e vero*...

– Э, раҳмат, чин дилдан ташаккур.

– Биласизми, яна Кармазинов нима дейди: бизнинг таълимотимиз моҳиятан номусни инкор этади, ошқора номуссизлик ила рус кишисини осонгина тумшугидан ип ўтказиб олса бўлади.

– Аъло сўзлар! Олтин сўзлар! – кичқирди Ставрогин. – Қоқ қаншарига урган! Номуссизлик ила – э, ҳаммаси бизга югуриб келади, у томонда битта ҳам одам қолмайди! Э, қулоқ солинг, Верховенский, сиз мабодо олий полициядан эмасмисиз, а?

– Миясига бундай савол келган одам уни овоз чиқариб айтмайди.

– Биламан, аммо ўзаро гап-да.

– Йўқ, ҳозирча олий полициядан эмас. Ана, етиб келдик. Башарангизга бир тус беринг, Ставрогин, уларнинг олдига кираётганда, мен доим юзимга бир тус бераман. Қовоғингиздан қор ёгсин, тамом, бошқа ҳеч нарса керак эмас; ғамзаю усул.

⁹ Бўлмаса ҳам рост... (*итал.*).

ОЛТИНЧИ БОБ

БИЗНИКИЛАР ҚОШИДА

I

Виргинский Муравьиная кўчасидаги ўз уйида, тўғрироғи хотинига карашли уйда яшарди. Бир каватли уй оғочдан қурилган, унда ўзларидан бошқа ҳеч ким турмасди. Уй эгасининг таваллуд куни баҳонасида ўн беш чоғлик меҳмон тўпланди; аммо меҳмондорчилик чекка маҳашалаларда ўтадиган одатдаги меҳмондорчиликка сира ўхшамасди. Эр-хотин Виргинскийлар бирга турмуш кечири бошлаганларидан сўнг аввалданок таваллуд кунларини нишонлаб меҳмон чақириш ўта аҳмокона иш, умуман эса «кувониб хурсандчилик қиладиган нарсанинг ўзи йўқ», деб ўзаро келишиб олган ва бунга амал қилар эдилар. Шу тариқа бир неча йил ўтиб, улар жамоатдан анча-мунча узоқлашиб қолишганди. Уй эгаси ҳар қалай қобилятли одам ва «шўрлик юпунлар»дан бўлмаса ҳам, бошқаларга одамови ва боз устига «кибр-хаво» билан сўзловчи аллақандай ғалати, ғаройиб кимса бўлиб кўринарди. Доялик ишлари билан шугулланувчи madame Виргинскаянинг ўзи эса хизмат тақозосига кўра жамоат пиллапоясининг энг қуйи поғонасида жойлашганди; эри офицер бўлишига қарамай, у ҳатто қашишнинг хотинидан ҳам настрокда турарди. Лекин хизматига қараб уни сира камтарин, камсукум деб бўлмасди. У қандайдир муттаҳам капитан Лебядкин деган билан атайин очикдан-очик кечириб бўлмас аҳмокона дон олишиб қўйганидан сўнг, бизнинг ҳатто энг қўнғилчан хонимларимиз ҳам одам ўрнида кўрмай, ундан ажойиб бир тарзда юз ўгирган эдилар. Аммо madame Виргинская буни ўзига айни шу нарса этишмай тургандай қабул қилди. Яна шу томони ҳам ажойибки, бизнинг ўша

жуда жиддий хонимларимиз ўзлари мухтож бўлиб қолишганда, шахримизнинг бошқа учта доясини четлаб ўтишиб, имкон борича Арина Прохоровнага (яъни Виргинскаяга) мурожаат қилишарди. Жойлардаги бегойимларга ҳам келиб уни олиб кетишарди, унинг билими, қўли енгиллиги, омадига, ҳал қилувчи дамларда туриб беришига шунчалар ишонишарди. Охир-окибат у энг бадавлат хонадонларгагина хизмат кўрсатадиган бўлди; пулга эса ҳеч суяги йўқ эди. У ўзининг кучига ишонч ҳосил қилгач эса ўзининг фёсъл-атвори, хатти-ҳаракатларига заррача эътибор бермай қўйди. Эҳтимол, энг номдор хонадонларга борганда, қандайдир одоб-икром расм-русмларини атайлаб уятсизларча бузиб, асаблари ожиз қилқиллаб турган хомиладор аёлларни роса қўрқитар, ва «муқаддас» нарсалар баайни зарур бўлиб қоладиган паллаларда ушбу «барча муқаддас нарсалар» устидан мазах қилиб қуларди. Бизнинг айна пайтда доялик ҳам қиладиган бош табибимиз Розановнинг ҳикоя қилиб беришича, бир куни хомиладор аёл каттик тўлғок тутиб, азобнинг зўридан дод-фарёд кўтариб, раҳмдил худойимни зўр бериб ёрдамга чакириб ётганда, Арина Прохоровна ўзининг шайтон қилиқларидан бирини ишга солиб кўзи ёриётганни худди «милтиқдан ўқ отгандай» қилиб қўрқитиб юборди ва тезлик билан гумонадан ҳалос бўлишига ёрдам берди. Аммо нигилистларга ўхшаб, ҳеч нарсани тан олмаса ҳам, Арина Прохоровна керак пайтда, ўзига фойда келтирадиган бўлса, дунёвийгина эмас, ҳатто жуда эски, энг хурофий одатларни адо этишдан асло тап тортмасди. Мисол учун, у ўзи йўргаклаган гўдакнинг чўқинтириш маросимидан ҳеч қачон қолмас, маросимга у этаклари ғоятда узун қўқ ипак либос кияр, сочларини зулф қилиб ўрар, ғажаклар чиқарар, бошқа вақтлар тўзиб-тўзғиб роҳатланиб палписойим бўлиб юрарди. Гарчи сирли ибодат чоғида ўзини ғоятда қибру ҳаво билан тутиб, ҳатто черков руҳонийсини ҳам қора хижолатга солиб қўйса-да, бироқ расм-русм тугагач, шампанни албатта факат ўзи олиб чиқиб улашарди (худди шу нарса учун у ясан-тусан қилиб келарди), ана шунда сиз шампан тўлдирилган

кадахни олиб, эвазига «суюнчи» кўймай кўринг-чи, нақ балоларга қолади мунглик бошингиз.

Бу сафар Виргинскийнинг уйига йигилган меҳмонлар (бари эркаклар) қандайдир тасодифий ҳамда бесаранжом кўринишга эга эдилар. На газаклар ва на қарта бор эди. Меҳмон кутадиган катта хонанинг деворлари анча эски мовий қоғоз билан қопланган, ўртага икки стол қўйилиб, устига унчалар тоза бўлмаган катта дастурхон ёзилган ва иккита самовар шақирлаб қайнаб турарди. Столнинг бир чеккасида йигирма бешта стакан қўйилган каттакон патнис, бир сават оддий француз оқ нони, улар худди эркаклар ва аёллар ўқув юртлари ўқувчиларига тайёрлангандай майда бўлаклаб тўғралганди. Уй бекасининг ўттиз яшар бокира опаси чой қуяр, унинг қоши борми-йўкми, билинмас, ўзи оч оқ-сарикдан келган, ичимдан топ дейдиган, ёмон заҳар, аммо янгича қарашларга мойил бир қиз бўлиб, уй ичкарисидagi ишларда Виргинскийнинг ўзи ундан ўлгудай кўрқарди. Хонада аёллардан уч киши ўтиришарди: беканинг ўзи, унинг оч-сарик опачаси ҳамда Виргинскийнинг туғишган синглиси, ҳозиргина Петербургдан етиб келган талаба қиз. Арина Прохоровна йигирма етти ёшлардаги ўктам ва кўҳлик аёл, уст-боши палла-партиш, туси кўкимтироқ одми жун қўйлақда ҳаммага бир-бир журъатли назар ташлаб ўтирар ва кўз қараши билан: «Кўрдингми, мен ҳеч нарсадан кўрқмайман», деб таъкидлаётгандай бўларди. Виргинская ҳам кўҳликкина, ўзи тикмачоқдек, икки юзи кип-қизил, паст бўйли ва худди коптоқдек бир қизгина Арина Прохоровнанинг ёнида тўйган кўзичоқдек бўлиб ўтирар, у хали йўл кийимларини ҳам ечмаган, қўлларида бир ўрам қоғоз, бесабр кўзлари меҳмондан меҳмонга сакрарди. Виргинскийнинг ўзи бу оқшом бирмунча бетоб, аммо меҳмонлар олдига чиққан, чой столи ёнидаги юмшоқ ўриндикда ўтирарди. Барча меҳмонлар ҳам курсиларга жойлашган, уларнинг стол те-варагида батартиб ўтиришларига қараганда, йиғин бўлиши сезиларди. Чамаси, ҳамма ниманидир қутар ва орада овозларини баланд кўтариб бошқа нарсалардан гаплаши-

шарди. Ставрогин билан Верховенский кириб келгач, ҳамма бирдан жим бўлди.

Лекин орага аниқлик киритиш учун баъзи бир тушунтиришлар қилишим керак.

Ўйлашимча, бу жанобларнинг ҳаммалари ҳақиқатан бугун бошқача бир қизиқ гап эшитсак керак, деб хурсанд бўлиб, умидланиб тўпланишган, уларга олдиндан хабар бериб қўйилганди. Улар бизнинг қадимий шахримиздаги энг қип-қизил либерализмнинг гуллари бўлиб, мана шу «йиғин»га уларни Виргинский хўп саралаб чорлаганди. Шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, уларнинг айримлари (дарҳақиқат, икки-учтаси) илгари унинг уйига ҳеч қачон келишмаганди. Дарвоқе, меҳмонларнинг аксарияти нима учун уларни олдиндан огоҳлантириб қўйишганини аниқ билмасдилар. Рост, улар ҳаммалари ўшанда Петр Степановични хориждан махфий топшириқ билан келган, ваколатларга эга кимса деб билган эдилар; бу фикр нечукдир дарров мустаҳкам ўрнашди ва табиийки, иззат-нафсларига маъқул тушди. Ҳолбуки, таваллуд куни баҳонасида йиғилган ушбу бир тўда фуқаролар ичида айримларига маълум бир таклифлар ҳам қилиб қўйилганди. Петр Верховенский бизда битта «бешлик»ни қолипдан чиқариб улгурган эди, у илгари Москвада, ва ҳозир маълум бўлишича, бизнинг уездимизда офицерлар ўртасида шунга ўхшаш ҳалқалар тузганди. Айтишларича, Х. вилоятида ҳам унинг шундай ташкилоти бор экан. Мана шу бешта сараланган одам ҳозир умумий стол атрофида ўтирар, усталик билан ўзларини энг жайдари одамлардай кўрсатишар, ҳеч ким уларнинг аслида кимлигини билмасди. Лекин мана энди бунинг ҳеч қандай сири қолмаган, булар, биринчидан, Липутин, ундан сўнг Виргинскийнинг ўзи, Виргинская ойимнинг акаси – узункулоқ Шигалев, кейин Лямшин ва ниҳоят, Толкаченко деган аллаким; бу ёши қирқларга бориб қолган, халқни ва айниқса, муттаҳамлар билан қароқчиларни ҳўб яхши ўрганиб чиққан, қовоқхоналарда санқиб юрадиган (харҳолда фақат халқни ўрганиш учунгина эмас) ва бизнинг ичимизда исқирт уст-боши, мойланган этиклари, ай-

ёрона сузилиб бокишлари ва гажакдор халкона сўз-иборалари билан ўзини кўрсатган ғалати кимсалардан бири эди. Илгариги пайтлар уни Лямшин бир-икки бор Степан Трофимовичнинг окшом кечаларига олиб келган, лекин бу ерда у унчалик таассурот қолдирмаганди. Турар-жойсиз қолган кезлари у шаҳарда пайдо бўлар, ўзи темир йўлларда хизмат қиларди. Ушбу бешовлон намоянда ўзларининг биринчи тўдасини ташкил этишган, улар бутун Россия бўйлаб сочилиб кетган юзлаб, минглаб ҳудди мана шу сингари бешликларнинг биттаси эканликларига қўнғилларида ишонишар ва ҳаммаси аллақандай жуда катта, жуда махфий марказга боғлиқлиги, бу марказ эса ўз навбатида Европа умумжаҳон инқилоби билан ҳамбарчас туташиб кетганига имон келтиришарди. Аммо мен таассуф билан айтишим керакки, улар ўртасида ҳатто ўша вақтлардаёқ келишмовчиликлар юзага чиқа бошлаганди. Гап шундаки, улар гарчи баҳордан буён Петр Верховенскийнинг қадам ранжида қилишини кутишар, бу ҳақда аввалига Толкаченко, ундан сўнг Шигалев хабар олиб келишган, гарчи ундан фавқулудда бир мўъжизалар қутган ва барчалари у дастлаб қорлагандаёқ заррача пайсалга солмай, бир оғиз танкидий фикр билдирмай дарҳол тўғаракка ўтган бўлсалар-да, бироқ бешликни тузганлари ҳамонқоқ дарҳол негадир норози бўлиб қолишди, назаримда, бунга дарров қўниб қўя қолганликлари сабаб бўлди. Улар кейин журъатлари стмагани учун киришмади деган гап чиқишидан орият қилишгани сабаблигина тўғаракка ўтишганди; лекин нима бўлганда ҳам, Петр Верховенский уларнинг олийжаноб жасоратларини муносиб баҳолаши ва уларга муқофот тариқасида жила курси, қандайдир энг асосий латифани айтиб бериши керак эди. Аммо Верховенский уларнинг қонуний қизиқишларини қондиришни истамас ва ҳеч ортиқча бир гап айтмасди; балки ажаб бир жиддият ҳамда беписандлик билан уларнинг жиғига тегарди. Бундан уларнинг ёмон ғашлари келар, шунинг учун ҳам аъзо Шигалев бошқаларнинг қўнғилига «ҳисобот талаб қилайлик» деб гулгула сола бошлаган, лекин буни бугун Вир-

гинскийникида, бегоналар ҳам катнашаётган даврада килмокчи эмасдилар.

Бегоналар деганда, менинг битта ўз фикрим бор. юқорида қайд этиб ўтилмиш бешликнинг аъзолари бугун Виргинскийнинг уйидаги кечада ўша-ўша Верховенский томонидан, ўша-ўша махфий ташкилот тузган яна кандай-дир бошқа номаълум тўдаларнинг аъзолари ҳам иштирок этаётган бўлсалар керак, деб гумон қилишар, шу боис охир-оқибат йиғилганларнинг ҳаммалари бир-бирларидан шубҳаланишар, ўзаро сергакланишар ва турли киёфага киришардики, бу анжуманга хийлагина олақурок ва бир қадар ясама тус бсрарди. Дарвоқе, бу срда ҳар қандай шак-шубҳадан холи кишилар ҳам бор эди. Мисол учун, хизматдаги бир майор, Виргинскийнинг яқин қариндоши, тамомила холи бир одам, уни ҳеч ким таклиф қилмаган бўлса ҳам, ўзи туғилган кун муносабати билан келган ва уни эшикдан қайтариб юборишнинг иложи бўлмаганди. Аммо уй эгасининг кўнгли тўк, зеро, майор, «сотадиган» одам эмасди; зотан, ўзининг калтафаҳмлигига қарамай, ҳар доим ўта либераллар тўпланадиган ерларда ўралашиб юришни ёқтирарди; ўзи хайрихоҳ эмасди, лекин тинглаб ўтиришни ғоятда яхши кўрарди. Лекин бир пўстаги ҳам коқилганди: ёшлик чоғларида гарам-гарам «Колокол» ва варакалар унинг қўлидан ўтган ва гарчи уларни ҳатто очиб қарашга ҳам юраги бетламаган бўлса-да, аммо уларни таркатишдан воз кечишни ўта тубанлик деб тушунарди - нимаям қиласиз, рус кишилари ҳатто ханузгача худди шунақа-да. Бошқа меҳмонларнинг баъзилари олийжаноб нафсонияти озор чеккан ёки ўт-олов ёшликнинг илк нажиб интилишларини бошдан ксчираётган кишилар эди. Улар орасида икки ёки учта муаллим кўзга ташланади, улардан бирови қирк бсш ёшлардаги, чўлок гимназия ўқигувчиси, жуда заҳар ва тегманозик зот ва яна иккита ёки учтаси офицер. Булар ичида жуда ёш бир тўпчи ҳам бор, у бир ҳарбий ўқув юртидан яқиндагина келган, ҳали тапиш-билиш орттириб улгурмаган индамас ёшгина йиғитча, кутилмаганда у Виргинскийнинг уйига келиб қолган,

сухбатга аралашмас, кўлида қалам, дам-бадам дафтарига алланималарнидир ёзиб-чизиб кўярди. Бунини ҳаммалари кўриб турар, лекин нима учундир, ҳаммалари ўзларини гўё кўрмаганга олишарди. Бу ерда яна семинарияда ўқийдиган, Лямшин билан бирга китоб сотувчи аёлнинг халтасига беҳаё суратларни солиб қўйган санғи-саёқ бола, яна қилиқлари беўхшов, ўлардай сурбет, лабидан иршайган беписанд кулги аримайдиган, ўзига бениҳоя бино қўйган гавдали бир йигит ҳам шу ерда. Яна нима учундир шаҳар саркорининг ўғилчаси ҳам келган, бу ўша эрта бузилган, шилтаси чиққан бола, мен уни поручикнинг ёш хотини ҳақида ҳикоя қилганимда эслаб ўтгандим. У миқ этиб оғиз очмади. Ва ниҳоят, охирида жуда жўшқин, сочлари тўзғиган ўн саккиз ёшлардаги гимназия ўқувчиси ҳамияти таҳқирланган каби бениҳоя тумтайиб ўтирар, чамаси, неғаям ўн саккиз ёшдаман-а; деб азоб чекиб ич-ичидан ёзғирарди. Бу жимитвой гимназиянинг юкори синфида ташкил этилган мустақил фитнесчилар тўдасининг раҳбари бўлиб қолган, бу нарса кейинроқ бориб очилган, барча ҳайратдан ёқасини ушлаганди. Ҳали Шатовни эслаганим йўқ, у столнинг орқа бурчагида ўтирибди, ўзининг стулини қатордан бироз орқага тортган, кўзини ердан узмайди, ковоғини очмайди, гапга қўшилмайди, чой ва нонни рад этди, кўлидан ҳеч бош кийими – картузини қўймайди, бу билан гўё мен меҳмонга эмас, иш билан келганман, қачон хоҳласам, ўшанда кетаман, демоқчи бўлади. Ундан нарироқда ўтирган Кириллов, у ҳам миқ этмайди, аммо кўзини ерга тикмайди, аксинча, ҳар бир сўйловчидан сўник кўзларини узмайди, тик, бақрайиб қарайди, ҳамма бўлаётган гапларни қилт этмай, ажабланмай эшитади. Уни илгари ҳеч қачон кўрмаган айрим меҳмонлар ўйчан ва ўтринча кўз кирини ташлашади. Madame Виргинскаянинг ўзи мавжуд бешлик тўғрисида у-бу гапларни билармикин, номаълум? Фаҳмимча, ҳаммасидан хабардор, айни эрининг ўзидан эшитганди. Студент кизча эса, рост, ҳеч нарсага аралашмасди, унинг ўз ташвиши ўзига етарли эди; у бу ерда бир-икки кун меҳмон бўлиб, сўнг узоқ-узоқларга

йўл олади, барча университетлар шаҳарчаларига боради, «шўрлик студентларнинг азоб-уқубатларини баҳам кўради, уларни норозиликка ундайди». У ўзи билан бирга чамаси ўзи тўқиб ёзган бир неча юз босма чакириқлар варақаларини олиб боряпти. Воҳ, ажойиби шундаки, гимназия ўқувчиси уни биринчи кўргандаёқ жинидан баттар ёқтирмай қўйди, бўлмаса, энди кўриши, шунингдек, кизча ҳам илк учрашиши эди. Майор кизчага қариндош, амаки бўларкан, уни ўн йил бадалига эндигина кўриб туриши эди. Ставрогин билан Верховенский кириб келган чоғда қизчанинг иккала ёноғи ял-ял ёнарди: у ҳозиргина қариндоши билан аёллар масаласида баҳслашган эди.

II

Верховенский столнинг тўр томонидаги курсига галати беписанд тарвақайлаб ўтирди, қарийб ҳеч ким билан саломлашмади. Унинг қиёфасида ижирганиш ва такаббурлик акс этарди. Ставрогин одоб билан ҳаммага таъзим тавозе бажо келтирди, шуниси ҳам борки, ҳаммалари уларнигина кутаётган бўлишларига қарамасдан, яна худди буйруқ берилгандай, бараварига ўзларини уларни кўрмаган ва эътибор бермаганга солишди. Уй бекаси Ставрогин ўтириши биланок унга мурожаат қилди.

– Ставрогин, чой ичасизми?

– Беринг, – деб жавоб берди у.

– Ставрогинга чой, – деб буйруқ қилди бека чой қуйиб таркатаётган ходимага, – сиз ҳам ичасизми? (деди у Верховенскийга қарата).

– Беринг, аммо меҳмондан бунни сўраб ўтирадимиз? Бўлса қаймоқ ҳам беринг, чунки сиз чой ўрнида доим ювинди берасиз; яна туғилган кун байрами.

– Э, сиз ҳам туғилган кунни байрам деб тан оласизми? – бирдан кулиб юборди талаба қиз. – Ҳозир шуни гаплашаётган эдик.

– Эскирди, – деб тўнғиллади гимназия талабаси столнинг нариги бурчидан туриб.

– Эскирди дегани нима ўзи? Энг одми бўлсин, расм-русумларни унутиш эски эмас, э, аксинча, ҳаммамиз учун уят, ҳозиргача ҳам, бу янги, – деди дарҳол ўтирган ерида олдинга силтаниб гап қўшди талаба қиз. – Бунинг устига ҳеч қандай беайб расм-русумнинг ўзи йўқ, – деб қўшиб қўйди у зардаси қайнаб.

– Мен фақат шуни айтмоқчи эдимки, – қаттиқ ҳаяжонга тушиб деди гимназия талабаси, – рост, расм-русумлар жуда эски нарсаси, рост, уларни куритиш керак, аммо тугилган кун деган нарсани ҳамма билади, ахлоқона нарсаси ва жуда ҳам эски, қимматли вақтни кеткизишга арзимаиди, шундоғам бутун дунё вақтни кеткизиб ётибди, шунинг учун тилим ўткир деб валдирайвермаган яхши...

– Жуда чўзиб юбордингиз, ҳеч вақони тушуниб бўлмайдими, – қичқирди талаба қиз.

– Менимча, ҳар ким бошқалар каби овоз беришга ҳақли, мен бошқа ҳар бир одам каби ўз фикримни айтмоқчи бўлаётган эканман, унда...

– Сизнинг овоз бериш ҳуқуқингизни ҳеч ким тортиб олаётгани йўқ, – кескин дашном берди бека, – фақат гапни аччиқ ичакдек чўзманг, дейишяпти, гапингизни ҳеч ким тушунмаяпти.

– Э, ижозат беринг, айтиб қўяй, сиз мени ҳурмат қилмаяпсиз; мен фикримни ҳали тугатмаган эканман, бу менинг фикрим йўқ дегани эмас, аксинча фикрим дўлдай ёғилиб келяпти... – деб қаттиқ норози бўлиб тўнғиллади гимназия талабаси ва бутунлай чалкашиб кетди.

– Агар гапиришни билмасангиз, жим ўтиринг, – қарсиллатди талаба қиз.

Гимназия талабаси ҳатто ўрнидан сакраб туриб кетди.

– Мен фақат айтмоқчийдимки, – деб қичқирди у аламу уятдан ёниб ва атрофига қарашга ботинмай, – сиз жаноб Ставрогин келгани учун ақлиман деб ўзингизни кўрсатиб қўймоқчисиз, холос!

– Фикрингиз палид ва ахлоқсиз, ўсмай гўр бўлиб қолганингизни кўрсатади. Бошқа менга сўз қотманг, – бидирлади талаба қиз.

– Ставрогин, – гап бошлади уй бекаси, – сиз келишингиздан олдин бу ерда оила ҳуқуқлари ҳақида баҳс бўлди, – анов офицер (у ўз қариндоши, майор томонга ишора қилди). Бу эски жуда беъмани бир гап, чайнайдиган жойи қолмаган, буни гапириб бошингизни оғритишни истамасдим, албатта. Лекин расм-русумлар маъносида олиб қараганда ҳам, оиланинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қаердан келиб чиққан ўзи? Масала шу. Сиз қандай фикрдасиз?

– Қаердан келиб чикарди? – қайтариб сўради Ставрогин.

– Яъни, биз биламизки, худо ҳақидаги хурофот момақалдирок ва чақмоқдан келиб чиққан, – яна пиртиллади талаба қиз Ставрогинга кўзлари косасидан чиққундай бўлиб дўлайиб, – жуда ҳам яхши маълумки, илк одамзод момақалдирок ва яшиндан кўркиб, ўзининг унинг олдида ожиз сезиб кўзга кўринмас душманни илоҳийлаштирди. Аммо оила ҳақидаги хурофот қаердан келиб чиқди? Оиланинг ўзи қаердан келиб қолди?

– Булар бир-бирига ўхшамайди... – уни тўхтатмоқчи бўлди бека.

– Менимча, бундай саволнинг жавоби бироз нозикроқ, – жавоб берди Ставрогин.

– Қанақасига? – силтанди талаба қиз.

Аммо муаллимлар даврасидан хихилаб кулган товушлар эшитилди, нариги чеккадаги Лямшин ва гимназия талабаси бунга дарров жўр бўлишди, буларга майорнинг хириллаб хахолагани қўшилди.

– Кулгили ҳикоялар ёзсангиз бўларкан, – деб қўйди уй бекаси Ставрогинга.

– Сизга ярашмаган гап қилдингиз, билмадим исми шарифингиз нима, – кесди қаттиқ норози бўлиб талаба қиз.

– Сен мундоқ маҳмадоналик қилма! – тарс сўйлади майор. – Сен ойимқиз, ўз ўрнингни билиб ўтир, худди игнага ўтиргандай сакрайсан-а.

– Менга оғзингизни оча кўрманг, насиҳатларингизни ўзингиз пишириб енг. Сизни биринчи марта кўриб турибман, сиздақа қариндошнинг менга кераги йўқ.

– Э, мен амакинг бўлман-а; гўдак пайтингда қўлимда кўтариб катта кўлганман!

– Катта кўлган бўлсангиз, нима ишим бор. Ўшанда сиздан менга кўтар, деб сўрамаганман, ўзингизга ёккан бўлса керакки, кўтаргансиз, сиз, жаноб офицер, одобсиз эдингиз. Сизга айтиб қўяйки, менга сенлаб гапирманг, сизга фукаро эмасман, кўрпангизга қараб оёқ узатинг.

– Ана, булар бари шунака! – майор муштини столга уриб, рўпарасида ўтирган Ставрогинга қараб гапирди. – Йўқ, менга қаранг, мен либерализм билан замонавийликни яхши кўраман, ақлли суҳбатларни жон-дилдан эшитгим келади, аммо айтиб қўяй, бундай гаплар эркакларга ярашади. Аммо аёлларнинг бунақа гапларига асло тоқатим йўқ, айниқса, мановнақа учирмалардан худо сақласин, бу менга азоб! Сен пирилдоқдай айланаверма! – деб кичкирди у ўтирган стулидан сакраб турмоқчи бўлаётган талаба қизга. – Йўқ, мен ҳам сўзламасам бўлмайди, мен хафа бўлдим.

– Сиз бошқаларга фақат халакит беряпсиз, ўзингиз нима деб гапиришни билмайсиз, – норози бўлиб деди уй бекаси.

– Йўқ, айтмасам бўлмайди, – деб қизишди майор Ставрогинга сўйларкан. – Сиз эндигина кириб келдингиз, бу ердаги гапларни тушунарсиз, деб ўйлайман, аммо сизни яхши танимайман. Эркаклар бўлмаса, улар худди пашшадек қирилиб кетади, – менинг фикрим шу. Гапимга ишонинг, мана шу аёллар масаласининг барини уларга эркаклар топиб беришган аҳмоқлик қилиб, энди ҳеч қачон бу бош оғригидан қутулишмайди, – худога минг қатла шукрки, мен уйланмаганман! Зиғирдак ҳам ранг-баранглик йўқ, энг одми нақшни ҳам топишолмайди; нақшларни ҳам уларга эркаклар топиб беришади! Манавини мен қўлимда кўтариб юрганман, ўн ёшга кирганда бирга мазуркага ракс тушганман, у бугун келди, кучоқ очиб олдиға югуриб бордим, у эса дабдурустдан менга худо йўқ, дейди. Олдин ўлкасини босиб олсин, ҳол-аҳвол сўрашсин, кейин айтса-айтар, ахир. Мунча ҳовликмаса! Майли, борингки, ақлли

одамлар худога ишонмас, ақлли бўлгани учун шундайдир, сен-чи, дейман, сен худо деганда нимани ҳам билардинг, эй, пуффак, дейман? Сенга талаба ўргатгандир, дейман, агар худо йўлига шам ёкишни ўргатганда, шам ёқардинг.

– Ҳаммаси ёлғон, сиз жуда ёмон одамсиз, мен боя сизга қанчалар ожиз эканлигингизни исботлаб бердим, – деди беписандлик билан талаба қиз, худди бунақа кимса билан узоқ тортишиб ўтиришни ўзига муносиб кўрмагандай. – Мен сизга кеча ҳаммамизни диний китобдан ўқитишган деган эдим: «Агар ота-онангни эъзоз-икром қилсанг, узоқ умр кўрасан ва сенга дов-давлат ато этилгай». Ўнта васиятда шундай дейилган. Агарда худо эъзоз-икром эвазига мукофот ваъда қилаётган бўлса, демак, сизнинг худойингиз ахлоқсиз. Мен сизга оғзимга келганини эмас, айнан мана шу сўзларни айтиб исботлаб бердим, чунки сиз менга худди ҳақ-хуқуқингиз бордай гапирдингиз. Сиз бундок эси паст бўлсангиз, ким айбдор, ҳалигача тушунмайсиз. Хафа бўласиз, алам қилади – сизнинг авлодингизнинг бўлган-тургани шу.

– Довдир! – тўнғиллади майор.

– Сиз эса тентаксиз!

– Тилинг узун!

– Аммо, кулоқ солинг, Капитон Максимович, сиз ўзингиз менга айтмовдингизми, худога ишонмайман деб, – пишиллади столнинг нариги бурчидан Липутин.

– Айтган бўлсам, нима, менинг йўлим бошқа! Мен, балки, ишонарман, лекин тўла эмас. Мен тўла ишонмасам ҳам, ҳеч қачон худони отиб ташлаш керак, демайман. Мен гусар бўлиб хизматда юрганимда ҳам, худо ҳақида ўйлардим. Гусар таралла-бедод қилиб юради, деб кўп шеърларда ёзилган; шундай мен ҳам балки ичсам ичгандирман, аммо ишонасизми, кечаси бирдан уйғониб кетиб сақраб ўрнингдан турасану санам олдида чўқинганинг чўқинган, худоё, менга имон ато эт деб, чунки ўша пайтларда ҳам ўзимга ишонмасдим: худо борми, йўқми, деб? Тоза абгор бўлганман! Эрталаб яна ўз ишларингга чалғиб кетасан,

имон эсингдан чиққандай бўлади, умуман, мен бир нарсани англаб қолдимки, кундузи имон бироз бўшашар экан.

– Қарта ўйнамаймизми, а? – оғзини каппа очиб эснади Верховенский уй бекасига қараб.

– Жуда, жуда сизга раҳмим келади! – тарпинди талаба қиз майорнинг сўзларидан хуноби ошиб қизариб.

– Бемаъни сўзларни эшитиб олтин вақтни бой беряпсиз, – гапни кесди уй бекаси эрига ўсмоқчилаб қараб.

Талаба қиз ростланди.

– Мен бу йиғинга талаба ҳалқининг азоб-уқубатлари ва норозиликлари ҳақида баёнот бермоқчи эдим, вақт ахлоқсиз гапларга сарф бўлиб кетаётгани учун...

– Ахлоқсиз ҳам, маънавий ҳам ҳеч гап йўқ! – тоқати тоқ бўлиб деди гимназия ўқувчиси талаба қиз оғиз очиши билан.

– Сизни бу нарсага ўқитмасларидан анча олдин мен билардим, жаноб гимназия ўқувчиси.

– Мен эса шуни яхши биламанки, – қутуриб кетди гимназия ўқувчиси, – сиз, Петербургдан келган, оғзидан сути кетмаган гўдак, бизни ўқитиб қўймоқчисиз, биламиз ўзимиз ҳаммасини. Васиятни тилга олдингиз. «Ота-онанг-ни ҳурмат қил», сиз шуни ҳам тузукроқ ўқимадингиз. Бу шундоқ ўзи ахлоқсиз бир гап эканлиги Белинскийдан бошлаб бутун Россияга маълум.

– Бунинг охири борми ўзи, йўқми? – қатъият билан деди уй бекаси эрига қараб. У уй бекаси сифатида арзимаган майда гап-сўзлардан ҳижолат чекмоқда эди, айниқса, янги чакирилган меҳмонларнинг кулиб қўйишаётгани ва ҳатто ҳайрон бўлиб қарашаётганлари унга таъсир қилди.

– Бу қандоқ бўлди, – бирдан овозини кўтарди уй соҳиб-и Виргинский, – агар кимда ким ишга тааллуқли бошқа бир гап айтмоқчи ёки бирон баёнот бермоқчи бўлса, унда вақтни кеткизмай бошлашни таклиф этаман.

– Бир саволни ўртага қўйишга журъат қиламан, – мулойимлик билан деди шу пайтгача индамай тек ўтирган чўлоқ муаллим, – мен шуни билишни истардимки, биз бу ерда ҳозир мажлисда ўтирибмизми ёки меҳмонга келган

одми жайдари одамлар тўдасими? Мен буни ўзим учун аниқлаб олиш учунгина сўраяпман, билиб қўйган яхши-да.

«Мугомбир» савол ҳаммага таъсир қилди; ҳамма жавоб кутгандай бир-бирига қаради ва шунда бирдан ҳамма бараварига Верховенский билан Ставрогинга боқди.

– Мен «бу мажлисми, йўқми», деган масалани шундок овозга қўйишни таклиф этаман, – деди уй бекаси Виргинская хоним.

– Таклифга тўла қўшиламан, – орага гап сўқди Липутин, – бироз ноаниқроқ бўлса ҳам, ҳечқиси йўқ.

– Мен ҳам қўшиламан, мен ҳам, – деган овозлар эшитилди.

– Назаримда, шундай қилсак тартиб жойига тушади, – деб қувватлади Виргинский.

– Демак, овозга қўямиз! – эълон қилди уй бекаси. – Лямшин, сиздан илтимос қиламан, фортепьянога ўтиринг: овозга қўйилаётганда, сиз ўша ердан туриб ҳам овоз бераверасиз.

– Янами! – кичқирди Лямшин. – Қанча даранглатдим, бўлди-да.

– Сиздан ўтиниб сўрайман: ўтириб тўхтамай чалинг; сиз ишга фойдангиз тегишини истамайсизми?

– Арина Прохоровна, сизни ишонтириб айтаманки, бизни ҳеч ким тинглаётгани йўқ. Бу сизнинг хаёлингиз, холос. Бунинг устига деразалар ҳам баланд, агар кулок солганда ҳам нимани тушунарди, дейсиз.

– Биз ўзимиз ҳам тушунмаяпмиз нима гаплигини, – деб тўнгиллади аллаким.

– Менимча, эҳтиёткорлик ҳамма вақт зарур. Мен мабодо, айғоқчилар бўлса, дейман-да, – деб мурожаат қилди у Верховенскийга гапини шарҳлаб, – ташқаридагилар бу ерда зиёфат ва ўйин-кулги бўлаётган экан, дейишсин.

– Э, падлаънат! – сўқинди Лямшин ва фортепьянога ўтириб, клавишларни муштлай кетди гўё валс чалган бўлиб.

– Кимки мажлис бўлсин деса, ўнг қўлини кўтаришини сўрайман, – таклиф қилди Виргинская хоним.

Биров кўтарди, биров йўқ. Қўлини бир кўтариб яна туширганлар ҳам бўлди. Тушириб, яна кўтаришди.

– Ўҳ, жинни! Мен ҳеч бало тушунмадим, – кичқирди бир офицер.

– Мен ҳам тушунмаяпман, – кичқирди бошқаси.

– Йўқ, мен тушундим, – кичқирди учинчиси, – агар ҳа десангиз, унда қўл кўтарасиз.

– Э-ҳа, бу ҳа дегани ўзи нима?

– Демак, мажлис дегани.

– Йўқ, мажлис эмас.

– Мен мажлисга овоз бердим, – кичқирди гимназия ўқувчиси Виргинская хонимга қараб.

– Унда нега қўл кўтармадингиз?

– Мен сизга қараб турдим, сиз кўтармадингиз, мен ҳам кўтармадим.

– Вой, тентак, мен ўзим таклиф қилдим, шунинг учун кўтармадим. Жаноблар, энди тескарисини таклиф қиламан: кимки мажлис бўлсин деса, жойида ўтирсин ва қўл кўтармасин, ким бўлмасин деса, ўнг қўлини кўтарсин.

– Ким бўлмасин десами? – қайталаб сўради гимназия ўқувчиси.

– Э, сиз атайлаб қияпсизми? – ғазабланиб кичқирди Виргинская хоним.

– Йўқ, ижозат беринг, ким хоҳласа ёки хоҳламасами, нега деганда бу аниқ бўлиши керак? – деган бир қанча овозлар эшитилди.

– Ким хоҳламаса, хоҳламайди.

– Шу-да ахир, аммо нима қилиш керак, кўтарсинми, кўтармасинми, агар хоҳламаса? – кичқирди офицер.

– Эҳ, ҳали конституцияга кўникканимиз йўқ-да! – деди майор.

– Жаноб Лямшин, сиздан илтимос, шунчалар чалаяпсизки, гапларни эшитиб бўлмаяпти, – деди чўлок муаллим.

– Ҳа, худо ҳақи, Арина Прохоровна, ҳеч ким ташқарида кулоқ солаётгани йўқ, – сакраб турди Лямшин. – Чал-

гим келмаяпти ахир! Мен меҳмон бўлиб келганман, чалгани эмас!

– Жаноблар, – таклиф киритди Виргинский, – ҳамма овоз берсин: мажлиси, йўқми?

– Мажлис, мажлис! – ҳар томондан овозлар чиқди.

– Ундоқ бўлса, етарли, овоз бериш шарт эмас. Жаноблар, ҳамма розими, овозга қўймайликми?

– Керакмас, керакмас, тушундик!

– Балки кимдир мажлис қилмасликни хоҳлар?

– Йўқ, йўқ, ҳаммамиз хоҳлаймиз.

– Мажлис ўзи нима? – кичқирди бир овоз. Ҳеч ким жавоб бермади.

– Президентни сайлаш керак, – деб кичкиришди ҳар ёқдан.

– Бошлиқни, бошлиқ, албатта!

– Жаноблар, алаҳусус, – деб бошлади сайланган Виргинский, – мен бояги биринчи таклифимни яна такрорлайман: кимда ким масалага дахлдор бирон нима демокчи, баёнот бермоқчи бўлса, вақтни йўқотмай, айтсин.

Ҳамма жим. Яна нигоҳлар бирдан Ставрогин билан Виргинскийга қадалди.

– Верховенский, айтадиган гапингиз борми? – очикчасига сўради Виргинская.

– Гапим йўқ, – деб керишди у курсида ўтирганча, эснаб. – Андак коньяк ичсаммикин дегандим.

– Ставрогин, сиз ҳам хоҳлайсизми?

– Ташаккур, мен ичмайман.

– Мен гапирасизми, йўқми, деб сўрадим, коньякни эмас.

– Нимани гапираман? Йўқ, гапирмайман.

– Сизга коньяк келтиришади, – деди уй бекаси Верховенскийга.

Талаба қиз ўрнидан турди. У ҳалитдан бери сакраб-сакраб кўярди.

– Мен шўрлик талабаларнинг азоб-уқубатлари ва уларни ялпи норозилик билдиришга кўтариш ҳақида баёнот бергани келдим...

Аммо у тилини тишлаб қолди; столнинг нариги томонидан бошқа бир ҳариф чиқиб, ҳамманинг нигоҳи унга қаради. Узункулоқ Шигалев тумтайиб, ковоғидан қор ёққан ҳолда секин ўрнидан кўзғалди-да, қалин, майда қилиб ёзилган дафтарни дилгирлик билан стол устига қўйди. У ўтирмас ва огиз ҳам очмасди. Кўплар дафтарга эсанкираб қарар, аммо Липутин, Виргинский ва чўлоқ муаллим нимадандир мамнун кўринишарди.

– Сўз сўрайман, – тумтайган қўйи, аммо қатъият билан деди Шигалев.

– Айтинг, – рухсат берди Виргинский.

Нотиқ ўтирди, ярим дақиқалар жим турди-да, сўнг овозига жиддий тус бериб деди:

– Жаноблар...

– Мана коньяк! – деди нафратомиз ижирғаниб боя чой қуйиб турган, кейин коньякка кетган уй бекасининг қариндоши қадаҳ билан шишани Верховенскийнинг олдига қўяркан; буларни у патнис ва тарелкасиз қўлида кўтариб келди.

Сўзи бўлиниб қолган нотиқ виқор билан кутиб турди.

– Бемалол, давом этаверинг, мен эшитаётганим йўқ, – кичқирди Верховенский ўзига коньяк қуяркан.

– Жаноблар, диққатингизни яна шунга қаратмоқчиманки, – деб бошлади Шигалев, – ва сиздан, қуйида кўрасиз ҳали, кўмак ўтинмоқчиманки, бу биринчи даражали аҳамиятга молик бир масала ва мен унгача дебочадан бошласам.

– Арина Прохоровна, сизда мабодо қайчи йўқми? – кутилмаганда сўраб қолди Петр Степанович.

– Қайчини нима қиласиз? – унга кўзларини ола-кула қилди бека.

– Тирноқни олиш эсимдан чиқибди, уч кундан бери олмоқчи бўламан, – деб қўйди у ўзининг узунчоқ ва кир тирноқларини бамайлихотир томоша қилиб.

Арина Прохоровна дув-дув қизариб кетди, аммо ойимқиз Виргинскаяга нимадир маъқул кўринди.

– Ҳали уни шу ерда ойнанинг тоқчасида кўргандай эдим, – у ўрнидан туриб қайчини топди-да дарров олиб келди. Петр Степанович ҳатто унинг афтига ҳам қарамади, қайчини олиб унга машғул бўлди. Арина Прохоровна бу атай кўлланган усул эканлигини англади ва ўзининг жиззакилигидан уялди. Меҳмонлар бир-бирларига индамай қараб қўйишарди. Чўлок ўқитувчи диққати ошиб, гаши келиб Верховенскийни кузатиб ўтирарди. Шигалев гапини давом эттирди:

– Мен ҳозирги жамиятнинг ўрнига келувчи келажак жамиятнинг қурилишини ўрганишга бутун куч-қувватимни бағишлаб, шундай хулосага келдимки, энг қадимги замонлардан бошлаб бизнинг ҳозирги 187... йилгача бўлган ижтимоий тузумларнинг яратувчилари табиёт фанларини ва одам деб номланган ғалати бир ҳайвонни мутлақо тушунмайдиган, доим ўзларига ўзлари қарши чиққан ҳаёлпараст, эртақчи, тентак бўлганлар, Афлотун, Руссо, Фурье, алюмин куббалар – булар бари инсоният жамиятларига эмас, балки фақат ўша чумчуқларгагина ярайди. Эндиликда биз ҳаммамиз бошқа сира ўйлаб ўтирмай, ниҳоят, ҳаракат қилишга киришган эканмиз, келажак ижтимоий тузум мана айнан энди зарур бўлади, шунинг учун мен дунё қурилишининг ўзим яратган тизимини таклиф этаман. Мана у! – дафтарини уриб кўрсатди. – Мен ушбу мажлис аҳлига китобимни иложи борица қисқартириб баён қилиб бермоқчиман; лекин кўриб турибманки, яна кўплаб оғзаки қўшимчалар қилишимга тўғри келади, шу боис баёнимга кам деганда, ўн кеча керак бўлади, китобнинг ўзи ҳам ўн бобдан иборат. (Кулги эшитилди). Ундан ташқари, олдиндан айтиб қўяй, тизим ҳали тугалланмаган. (Яна кулги). Мен ўз маълумотларим ва далолатларимда чалкашиб қолдим ва менинг хулосаларим ўзим асосланган дастлабки гоёга тўғридан тўғри зид бўлиб чиқди. Интиҳосиз эркинликдан чиқиб мен интиҳосиз истибдодга етиб келдим. Бирок, шуни ҳам қўшимча қиламанки, ижтимоий тузумнинг мен ҳал қилган ечимидан бошқа ҳеч қандай ечим йўқ.

Кулги тобора кучайиб борарди, аммо, ҳали тажрибасиз меҳмонлар, кўпроқ ёшлар кулишарди. Уй бекаси, Липутин ва чўлоқ ўқитувчининг башараларидан бирмунча ранжиганликлари сезилди.

– Агарда сиз ўзингиз тузумингизни ясолмаган ва ноилож қолган бўлсангиз, унда, бизнинг қўлимиздан нима келади? – эҳтиёткорлик билан деди бир офицер.

– Сиз ҳақсиз, хизматдаги жаноб офицер, – деди унга қараб кескин бурилиб Шигалев, – ва айниқса, «ноилож» сўзини ишлатганингиз ўринли бўлди. Ҳа, мен ноилож, умидсиз қолдим; шунга қарамай, менинг китобимда баён қилинганларнинг ҳаммаси – бетакрор, бошқа йўл йўқ; ҳеч ким бошқа ҳеч нарсани ўйлаб тополмайди. Шунинг учун ҳам, вақтни кетказмай, бутун жамиятни таклиф этишга шошилиб турибман, ўн кеча давомида менинг китобларимни эшитганларидан сўнг, ўз фикрларини билдирсалар. Агарда, аъзолар мени эшитишни истамасалар, бошиданоқ тарқалишамиз, – эркақлар давлат хизматида борсин, аёллар эса – ошхонага, негаки, улар менинг китобимни рад этиб, бошқа чора тополмайдилар. Ҳе-еч қ-қан-дай! Вақтни бой берсалар, фақат ўзларига зиён, чунки кейин муқаррар яна шунга қайтажаклар.

Ҳамма кимирлаб қолди: «Нима, у жинними?» – деган товушлар эшитилди.

– Демак, ҳаммаси Шигалевнинг ноилож қолганидан. – Хулоса қилди Лямшин, – энг зарур масала шуки, у ноилож бўлиши керакми, керакмасми?

– Шигалевнинг ноиложлиги шахсий масала, – деди гимназия талабаси.

– Шигалевнинг ноилож қолиши умумий ишга қанчалар алоқадор, мен шуни овозга қўйишни таклиф этаман, шу билан бирга, уни эшитиш керакми, йўқми? – ҳазил қилди офицер.

– Унақамас-да, – гапга суқилди охири чўлоқ ўқитувчи. Умуман, у қандайдир қизиқ қилиб кулиб гапирар, шунинг учун самимий сўзлаяптими ёки ҳазиллашяптими, билиш қийин эди. – Жаноблар, бу унақамас, ҳа. Жаноб Шигалев

Ўз вазифасига ғоятда жиддий қарайди ва боз устига жуда камтар. Унинг китобини биламан. У масалани узил-кесил ечиш учун инсониятни икки тенг бўлмаган бўлакка ажратишни таклиф этади. Ўндан бир бўлаги шахс эркинлигига эга бўлади ва қолган тўққиз бўлаги устидан чекланмаган ҳуқуқ олади. Анавилар ўзлигини йўқотади ва бамисоли подага айланади, чексиз бўйсунган ҳолда жуда кўп қайта туғилишлардан сўнг ибтидоий маъсумлик касб этади, худди ибтидоий жаннатга эришади, лекин, албатта, меҳнат қилишади. Инсониятнинг ўндан тўққиз бўлагини ирода-сидан маҳрум қилиш ва бутун-бутун авлодларни қайта тарбиялаш йўли билан уни подага айлантириш борасида муаллиф томонидан тавсия этилаётган чора-тадбирлар – ғоятда ажойиб бўлиб, табиий далолатларга таянади ва ўта мантиқийдир. Баъзи хулосаларига қўшилмаслик ҳам мумкин, аммо ақли ва билимларига асло шубҳа йўқ. Афсуски, ўн кеча ўқиш шарти қўйилаётгани мавжуд аҳволга сира мувофиқ эмас, акс ҳолда биз кўп қизиқ нарсаларни эшитишга муваффақ бўлардик.

– Нахотки, шу гапларингиз жиддий бўлса? – дея мурожаат қилди Виргинская хоним ҳатто бироз ташвишланиб. – Нахот, бу жаноб одамларни қаёққа қўйишни билмай, уларнинг ўндан тўққиз қисмини кулликка маҳкум этади? Анчадан буён ундан шубҳаланиб юрардим.

– Яъни, ўз биродарингизни айтяпсизми? – сўради чўлоқ муаллим.

– Қавму қариндошчиликми? Менинг устимдан куляпсизми, нима?

– Ундан ташқари, аслзодаларга хизмат қилиш ва уларга худди худодай бўйин эгиш, – бу тубанлик-ку! – қутуриб деди талаба қиз.

– Мен тубанликмас, жаннат таклиф этаяпман, ердаги жаннат, ер юзида бундан бошқаси бўлмайди, – ҳукмпармолик билан деди Шигалев.

– Менга колса, – деб қичқирди Лямшин, – ўша инсониятнинг ўндан тўққиз қисмини олардим-да, агар уни нима қилиш, қаерга қўйишни билмасанглар, ҳаммасини

... қоборардим, фақат бир ховуч маърифатли одамларни қолдирардим, булар иннайкейин олимларга ўхшаб кузук-курук яшашарди.

– Фақат масхарабозгина шундай сўйлайди, – деди талаба киз.

– У масхарабоз, лекин фойдаси тегади, – деб шипшиди Виргинская хоним.

– Эҳтимол, шу тарзда масала энг аъло даражада ҳал қилинган бўларди! – кизишиб ўтирилди Шигалев Лямшин томонга. – Жаноб кувнок одам, сиз қанчалар чуқур гап айтганлигингизни ўзингиз ҳам билмасангиз керак. Бирок сизнинг фикрингизни амалга ошириб бўлмайди ҳисоби, шунинг учун ердаги жаннат билан кифояланишга тўғри келади, нима қилардик, буни шундай деб аташган-да.

– Бирок булар батамом бекор гаплар! – қандайдир беихтиёр оғзидан чиқиб кетди Верховенскийнинг. Вокеан, у гоятда бепарво ва бошини кўтармай тирноқларини тозаларди.

– Нега бекор дейсиз? – илиб кетди чўлок муаллим, худди у билан талашиш учун шуни кутиб тургандай. – Нега энди айнан бекор бўларкан? Жаноб Шигалев бир чеккаси инсонпарастликка берилган; аммо эслаб кўринг, Фурьсада, Кабетда ва айникса, Прудоннинг ўзида масалани гоятда зўрлик ва гоятда хаёлпарастлик билан ечишга кўпдан-кўп уринишлар мавжуд. Жаноб Шигалев, эҳтимолки, масалани улардан кўра хушёрроқ ечар. Ишонтириб айтаманки, унинг китобини ўқиб, айрим нарсаларга қўшилмаслик мумкин эмас. Эҳтимолки, у реализмдан ҳаммадан кўра озроқ узоқлашгандир, унинг ердаги жаннати ҳақиқатга ўхшайди, инсоният худди мана шуни йўқотганидан ўқиниб юради, лекин у ўзи қачонлардир бўлганмикин асти.

– Ўзим ҳам билган эдим-а шунга дучор бўлишимни, – гўнгиллади яна Верховенский.

– Шошманг-чи, – борган сайин қайнаб-тошарди чўлок муаллим, – келажак ижтимоий қурилиш ҳақида гаплашиш, фикр юритиш, – ҳозирги замондаги фикрловчи одамларнинг ажралмас зарурати, Герцен бутун ҳаёти давомида

шу ҳақда кайғуларди. Мен аник биламанки, Белинский ҳам окшомлар ўз дўстлари билан бўлажак ижтимоий тузумнинг энг майда тафсилотларигача олдиндан муҳокама қилиб, бахслашиб ечишга ҳаракат қилардилар.

– Айримлар ақлдан озаётганга ўхшайди, – бирдан гап кўшди майор.

– Диктаторга ўхшаб жим ўтиргандан кўра, бирон нарсани гаплашиб ҳал қилган маъқул, – деб шипшинди Липутин ниҳоят ҳужумга ўтишга журъат этгандек.

– Мен бекор деб Шигалевни айтганим йўқ, – эзмаланди Верховенский. – Биласизми, жаноблар, – у андак бошини кўтарди, – бу китобларнинг ҳаммаси, Фурьелар, Кабетлар, ўша барча «меҳнат қилиш ҳуқуқлари» Шигалевчилик – менимча, булар ҳаммаси романларга ўхшайди, уларни юз мингталаб ёзиб ташлаш мумкин. Эстетик вақт ўтказиш. Биламан, бу кичкина шаҳарда зерикиб кетганиз, қоғозда ёзилган нарсаларга ёпишасиз.

– Шошманг, – ўтирган ерида тек туролмай деди чўлок муаллим, – биз бир чеккадаги маҳаллий одамлар бўлсак ҳам, бунинг ўзи ҳам ачинарли албатта, бироқ, шуни ҳам биламизки, ҳозирча дунёда биз кўрмай қолибмиз-да, деб кўз ёши тўкиб ўтиришга арзийдиган бирон бир янгилик рўй берганича йўқ. Хорижнинг сиёқи келиб турган турли-туман учирма варақалар бизни сафга зич туришга чакиради, ҳаммасини вайронага айлантириш учун мушт бўлиб бирлашинглар, дейди, дунёни қанча даволайман деганинг билан бари бир даволанмайди, шунинг учун юз миллион одамнинг бошини шартта кесиб ташласанг, юкинг енгиллашади, ариқчадан осонгина сакраб ўтиб кетасан, деб кўрсатма беради. Шак-шубҳасиз, кўркам фикр, аммо бир чеккаси, воқеликка сира тўғри келмайди, бурнингизни жийириб «Шигалевчилик» деганингиз ҳам шундай.

– Хў-ўш, мен мулоҳаза айтаман, деб келган эмасман, – оғзини тўлдириб ўқни хато отди Верховенский, у худди ўзининг бу хатосини сира пайкамагандай, ёруғроқ бўлсин деб, шамни ўзига яқинроқ сурди.

– Аттанг, аттанг, мулоҳаза юритиш учун келмаган экансиз-да, ачинарли, жуда ачинарли, бу ерда бундай кошингизни териб ўтиришингиз.

– Сизга бунинг нима дахли бор?

– Дунёни ташвиқ-тарғиб билан ўзгартириб бўлмагандай, юз миллион бошни кесиб ҳам ўзгартириш қийин. Айниқса, бу агар Россияда бўлса, янада чандон қийинроқ ҳатто, – яна таваккалига деди Липутин.

– Ҳозир Россиядан умид қилишяпти, – деб қўйди бир офицер.

– Биз умид қилишаётганини ҳам эшитдик, – илиб кетди чўлоқ муаллим. – Бизнинг гўзал ватанимизга буюк вазифани адо этишга энг қодир бўлган ўлка деб, сирли тарзда қўл узатилганини ҳам биламиз, буни индекс дейдилар. Фақат бир нарсани эсда тутайлик: вазифа тарғибот томонидан поғонама-поғона ечим топа бораркан, мен ўзим шахсан нимадир ютаман, жилла курса, мазза қилиб валақлашаман, бошлиқлардан эса ижтимоий соҳага хизмат кўрсатганим учун унвон оламан. Сонеан, масалани юз миллион бош воситасида тез ҳал қилганда, мен нимага ҳам эга бўлардим, қандай мукофот тегарди менга? Ташвиқот қила кўрсанг, тилингни ҳам кесиб олишлари ҳеч гапмас.

– Сизнинг тилингизни, албатта, кесишади, – деди Верховенский.

– Қаранг-а. Бундай каллакесарликни эллик йил ё бордингки, ўттиз йилда ҳам туталлаб бўлмайди, ўшанда ҳам энг қулай шароитда, нега деганда, улар ахир қўй эмас-ку, ўзини сўйдириб томоша қилиб ўтирмаса ҳам керак, – шундай экан, ашқол-дашқолни йигиштириб, тинч денгизлар ортидаги бирон бир осуда оролга кўчиб кетиб, ўша ерда тинчгина ияк қоққан яхши эмасмикан? Гапимга ишонинг, – у бармоғини столга тўқиллатиб урди, – сиз бундай ташвиқот билан фақат одамларнинг кўчиб кетишларини тезлатасиз, холос! Бошқа гап йўқ!

У гапини афтидан мамнун тантанавор тугатди. Бу вилоятдаги кучли хумкаллалардан эди. Липутин маккорона табассум қилар, Виргинский бироз маъюсланиб тинглар,

бошқа ҳаммалари ва айниқса, хонимлар ва офицерлар камоли диққат билан баҳсга қулоқ тутишарди. Ҳаммалари юз миллион бошнинг илҳомчисини деворга такаб қўйилганини тушунишар ва энди бундан нима чиқишини пойлашарди.

– Ҳар ҳолда, бу гапни сиз яхши айтдингиз, – мужмал қилиб деди Верховенский камоли зерикиб кетгандай бўлиб. – Қўчиб кетиш – яхши фикр. Лекин сиз ўзингиз аён сезиб турган зарарларига қарамай аскар умумий ишга кун сайин кўпроқ келаверса, унда сизсиз ҳам ишини битираверади. Бу ерда, отахоним, янги дин эскисининг ўрнига кириб келаётир, шунинг учун аскарлар кўп кўриняпти ва бу жуда йирик иш. Сиз эса кўчиб кетаверинг! Яна биласизми, тинч оролларгамас, Дрезденга боринг, мен сизга шуни маслаҳат бераман. Биринчидан, бу ҳеч қандай юкумли касалликларни ҳеч қачон кўрмаган шаҳар, сиз акли-ҳуши жойида одам бўлганингиз учун, чамаси, ўлимдан кўрқасиз; иккинчидан, рус чегарасига яқин, шунинг учун жонажон ватанингиздан тез-тез кўмак олиб турасиз; учинчидан, бу ерда санъат хазиналари жойлашган, сиз эса санъатга яқин кишисиз, собиқ нафис адабиёт муаллими, шундай шекилли; ва ниҳоят, ўз бағрида мўъжаз Швейцарияси ҳам бор – бу шоирона илҳомлар учун қанот, чамаси, шеър-пеър ҳам қоралаб турасиз чоғи. Бир сўз билан айтганда, қандолатчи ичидаги хазина!

Кимир-кимир бошланди; айниқса, офицерлар гимирлаб қолишди. Яна бир зумдан сўнг ҳамма баравар гапга тушадиган эди. Аммо чўлок ўқитувчи фиғони чиқиб ўлжага ташланди:

– Йўқ-қ, биз ҳали умумий ишимизни ташлаб кетмаймиз! Буни тушуниш керак ахир-р...

– Бу қандай, агар мен тақлиф қилсам, сиз бешликка кирармингиз? – вағирлади бирдан Верховенский ва қайчини столга қўйди.

Барча бирдан сескангандай бўлди. Жумбоқ одам бирдан ланг очилди. Ҳатто «бешлик» ҳақида тили ечилди.

– Ҳар кимса ўзини виждонли деб билади ва умумишдан ўзини четга тортмайди, – жилпанглади ҷўлоқ ўқитувчи, – аммо...

– Йўқ-қ, бу ерда аммо кетмайди, – амрона ва кескин деди Верховенский. – Мен эълон қиламанки, жаноблар, менга тўғри аён жавоб керак. Мен шуни яхши тушунаманки, бу ерга келиб, ўзим сизни йиғиб ўтирган эканман, тушунтириш беришга бурчлиман (яна кутилмаганда очилиш), аммо, сиз қандай фикрда эканингизни билмагунимча, бир оғиз ҳам бир нарса деёлмайман. Гап-сўзларни четлаб ўтиб айтاي – шу чокқача ўттиз йил эзмалик қилдик, яна ўттиз йил эзмалик қилиб ўтирмасак керак, – сиздан шуни сўрайман: ижтимоий романлар ёзиб, яна минг йил олдиндан инсоният тақдирини идорада ўтириб қоғозда ҳал қиладиган, секин давом этадиган йўл афзалми, ҳолбуки, бу орада истибдод қовурилган бурдаларни лақ-лақ ютаверади, улар сизнинг комингизга ўзи учиб келади, сиз эса уларни оғзингиз ёнидан ўтказиб юборасиз, ёхуд сиз масала тез ҳал бўлишини истайсиз, нима бўлса энди бўлсин, дейсиз, аммо ниҳоят қўлингиз бўшайди ва инсоният кенгликларда ўзи ўз тузумини қуради ва энди бу қогозда эмас, амалда юз беради, ё шуни танлайсизми? «Юз миллион инсон боши», деб айюҳаннос солищяпти, бу ҳали ҳамон мажоз бўлса ажабмас, аммо ундан қўрқиб ўтириш керакми, ахир агар истибдод қогоздаги орзуларида аста-секинлик билан қандайдир юз йил ичида юз минг эмас, беш юз миллион бошни ютиб юборса-чи? Яна шуни ҳам ҳисобга олиб қўйингки, қогозда қанча дори ёзиб берманг, тузалмас касал бари бир тузалмайди, аксинча, пайсалга солсангиз, шунчалар чирийдики, бизга ҳам юктиради, барча янги кучларни бузади, ишдан чиқаради ва биз батамом барбод бўламиз. Ваҳоланки, ҳозир фақат шу янги кучларгагина суяниш мумкин. Мен тўла қўшиламан, эркин ширинсуханлик қилиш одамга жуда ёқади, аммо ҳаракат қилишга келганда, тилимизни тишлаймиз... Мен нима, мен гапиришни билмайман; мен бу ерга билдириш учун келганман, шунинг учун муҳтарам жамоатни овоз беришгина

эмас, сизга нима тўғри келишини равшан ва содда қилиб айтишга чақираман. Алапхусус, ботқоқдан тошбақадек ўтамузми ё қушдай қанот чиқариб шитоб билан учиб кетамизми?

– Мен қушдек учиб ўтишга тарафдорман! – хурсанд бўлиб қичқирди гимназия ўқувчиси.

– Мен ҳам, – қўшилди Лямшин.

– Нимани танлашимизга шубҳа йўқ, – ғўлдиради бир офицер, ундан кейин яна биров, кейин учинчиси. Энг муҳими, Верховенскийнинг «билдириши» ва ҳозир сўз айтмоқчи бўлгани ҳаммани ҳайратга солди.

– Жаноблар, кўриб турибман, деярли ҳамма варақалар руҳида фикрлашга мойил, – деди у жамоатга кўз югуртириб.

– Ҳамма, ҳамма, – янгради кўпчиликнинг овози.

– Мен тан олиб айтай, инсонпарварлик руҳида ечимга тайёрман, – деди майор, – аммо ҳамма бир қарорга келган экан, мен ҳам кўпчилик томонида.

– Демак, сиз ҳам кўпчиликка қўшиласиз, шундайми? – деди Верховенский чўлок ўқитувчига қарата.

– Мен ўзи шундай... – бироз бўртинди чўлок муаллим, – лекин мен гарчи ҳозир кўпчиликка қўшиларканман, бирдан бир мақсадим ора бузилмасин...

– Мана ҳаммаларингиз шундоқ! Суханбозлик учун ярим йил ётиб баҳслашади, кейин охирида ҳамма билан бирга овоз беради! Жаноблар, бироқ яхши ўйлаб кўринглар, ростдан ҳам, ҳаммаларингиз тайёرمىсиз? (Нимага тайёр? – савол ноаниқ, аммо ғоятда жозибадор).

– Албатта, ҳамма... – деган овозлар эшитилди. Дарвоқе, ҳамма бир-бирига алангларди.

– Балки, кейин ранжиб юарсиз, тез рози бўлдик деб? Ахир сизда доим шундай бўлиб туради.

Турлича маънода ҳаяжонга тушишди, жуда ҳаяжонланишди. Чўлок муаллим Верховенскийга ташланди.

– Сизга бироқ шуни айтиб қўяйки, бундай нарсалар олдиндан шартлашилади. Биз гарчи рози бўлдик, лекин билиб қўйинг, бундай ғалати тарзда қўйилган савол...

– Нимаси ғалати экан?

– Шундай, бу каби саволлар бундай қўйилмайди.

– Майли, ўргатинг унда. Э, биласизми, мен биринчи бўлиб сиз ранжийсиз, деб ўйлаган эдим.

– Сиз биздан жавобимизни сугуриб олдингиз, бизни бир зум ичида ҳаракат қилишга ундадингиз, бундай қилишга нима ҳақингиз бор эди? Бундай савол қўйишга қандай ваколатингиз бор?

– Сиз буни олдинроқ сўрашингиз керак эди! Нега жавоб бердингиз? Рози бўлдингиз-у бошингизни чангаллаб қолдингиз.

– Асосий саволингизни очиқдан-очиқ енгилтакларча ўртага ташлаганингиздан шундай хулосага келяпманки, сизда ҳеч қандай ваколат ҳам, ҳақ-ҳуқуқ ҳам йўқ, ўзингизча бунга қизиққансиз, холос.

– Нима деяпсиз, нима деяпсиз ўзи? – кичқирди Верховенский худди қаттиқ хавотирлангандай бўлиб.

– Мен айтяпманки, бунақанги аффилиациялар¹⁰ йигирмата одам йиғилган нотаниш жамоат ичида эмас, локал яккама-якка туриб қилинади! – шақиллади чўлоқ ўқитувчи. У айтадиганини айтди, аммо жуда тажанг эди. Верховенский устамонлик билан башарасига хавотирга тушгандай тус бериб тезгина йиғилганларга бирма-бир каради.

– Жаноблар, шуни айтиб қўйишга бурчлиманки, буларнинг ҳаммаси бемаънилик ва гап бошқа ёққа бурилиб кетди. Мен ҳали ҳеч кимни аъзо қилганим йўқ, ҳеч ким мени аъзо қилишга уриняпти деб айтишга ҳақи йўқ, биз ҳар биримиз ўз фикримизни айтдик. Шундайми? Лекин шундайми, шундаймасми, сиз мени жуда хавотирга солиб қўйдингиз, – деб у яна чўлоқ муаллимга бурилди, – мен бу ерда шундай оддий нарсалар хусусида юзма-юз туриб гаплашиш керак, деб сира ўйламовдим. Ёки сиз чакувдан кўрқасизми? Наҳот, бизнинг орамизда ҳозир чақадиған одам бўлса?

¹⁰ Аффилиация – қабул қилиш, бирон тўғарак ё ташкилотга аъзо қилиш.

Ҳамма қаттиқ ҳаяжонланди; ҳамма бирдан гапга тушди.

– Жаноблар, агар ундоқ бўлса, – давом этди Верховенский, – мен бошқалардан кўра кўпроқ ўзимни фош қилдим, шунинг учун, агар хоҳласангиз, битта саволга жавоб беришингизни сўраган бўлардим. Аммо тўла ихтиёр сизда.

– Қандай савол? Қандай савол? – чувиллашди ҳаммалари.

– Савол шундайки, ундан сўнг бари равшан бўлади: бирга қоламизми ёки шапкаларимизни олиб, индамай тўрт томонга тарқалиб кетамизми?

– Савол, савол?

– Агарда, ҳар биримиз тайёрланган сиёсий қотиллик ҳақида билсанг-у, бунинг оқибатлари қанақа бўлишига қарамай, нима бўларкин дея уйда қўл қовуштириб ўтирармиди. Зеро, бунга қарашлар ҳам турли бўлиши мумкин. Бирга бўламизми ё тарқалиб кетамизми, – бу саволга берилган тўғри жавоб шуни равшан кўрсатадики, бирга қолсак, албатта, ҳаёт ҳали узоқ давом этади. Майлими, сиздан биринчи бўлиб сўрасам? – деб у чўлок муаллимга ўтирилди.

– Нега мен биринчи бўлиб жавоб беришим керак?

– Чунки ҳаммасини сиз бошладингиз. Марҳамат қилинг, ўзингизни олиб қочманг, чап беришнинг фойдаси йўқ. Аммо, яна ўзингиз биласиз, ихтиёр тўла сизда.

– Кечиринг, бундай савол одамни ранжитади ҳатто.

– Қўйинг бу гапни, аниқроқ айтинг.

– Ҳеч қачон махфий полициянинг жосуси бўлган эмасман, – буришиб-тиришиб деди муаллим.

– Марҳамат қилинг, аниқроқ айтинг, вақтни кетказманг.

Чўлок муаллим шунчалар жаҳли чиқдики, чурк этмади. У индамай, кўзойнак остидан қаҳр-ғазабга тўла кўзларини ўзини қийнаётган одамга тикиб турарди.

– Ҳами, йўқми? Чақармидингиз ёки чақмасмидингиз? – кичқирди Верховенский.

– Албатта, чакмас эдим! – ундан ҳам каттиқроқ бақирди чўлок муаллим.

– Ҳеч ким чакмайди, албатта чакмайди, – деган кўп овозлар эшитилди.

– Сиздан сўрашга ижозат беринг, жаноб майор, чақармидингиз, чакмасмидингиз? – давом этарди Верховенский. – Билиб қўйинг, атай сиздан сўраяпман.

– Чакмайман.

– Хў-ўш, мабодо бирон кимса бошқа бировни, айтийлик, оддий бир одамни ўлдирмоқчи ёки таламоқчи бўлса, сиз буни бориб айтардингиз, огохлантирардингиз, тўғри-ми?

– Албатта, аммо бу оддий фуқаролик иши, сиз эса сиёсий чакувни сўраяпсиз. Мен махфий полиция жосуси бўлган эмасман.

– Ҳеч ким бу ерда бўлмаган, – овозлар эшитилди. – Бекорчи савол. Ҳамманинг жавоби битта. Бу ердагилар чакувчи эмас.

– Нима учун бу жаноб туриб кетяпти? – кичкирди талаба киз.

– Бу Шатов. Нимага турдингиз, Шатов? – деб кичкирди уй бекаси.

Ҳақиқатан Шатов ўрнидан турганди; у бош кийимини кўлида ушлаб Верховенскийдан кўзини узмасди. Чамаси, унга нимадир демоқчи бўлар, лекин иккиланарди. Унинг башараси тунд ва заҳар ёғар, аммо ўзини тийди, чурқ этиб оғиз очмай хонадан чиқиб кета бошлади.

– Шатов, бу ахир, ўзингизга яхши эмас-ку! – жумбоқ қилиб кичкирди унинг изидан Верховенский.

– Аммо сен айғоқчи ва палидга яхши! – деб бақирди эшик олдида Шатов ва чиқди-кетди.

Бақир-чақир бўлиб кетди.

– Ана сизга, мисол! – кичкирди бир овоз.

– Яраб қолди! – кичкирди бошқаси.

– Кечикмадими ишқилиб? – деди учинчиси.

– Ким уни таклиф қилди? – Ким кутиб олди? – Ўзи ким? – Шатов дегани ким ўзи? – Чақадими ё чакмайдими? – саволлар ёғиларди.

– Агар чақимчи бўлганда, ўзини билинтирмай ўтира-
верарди, ҳозир тупурдию чиқиб кетди, – деди аллаким.

– Ана, Ставрогин ҳам туряпти, Ставрогин ҳам саволга
жавоб бермади, – қичқирди талаба қиз.

Ставрогин ҳақиқатан, ўрнидан кўзгалди, у билан бир-
га столнинг нариги четидаги Кириллов ҳам турди.

– Сўрасак бўладими, жаноб Ставрогин, – кескин сўз-
лади унга қарата уй бекаси, – биз бу ерда ҳаммамиз савол-
га жавоб бердик, ҳолбуки, сиз индамай кетиб қоляпсиз?

– Сизни қизиқтирган саволга жавоб беришнинг ҳожа-
ти йўқ, – тўнғиллади Ставрогин.

– Аммо биз ҳаммамиз фикримизни билдирдик, сиз эса
оғиз очмадингиз, – деб қичқиришди бир неча овоз бара-
варига.

– Сизнинг фикр билдирганингиз билан нима ишим
бор? – кулди Ставрогин, аммо кўзлари ўт сочарди.

– Нега ишингиз бўлмас экан? Бу нимаси? – овозлар
янгради. Айримлар стулларида сакраб туришди.

– Шошманглар, жаноблар, шошманглар, – қичқирар-
ди чўлок муаллим, – жаноб Верховенский ҳам саволга жа-
воб бермади, у фақат савол берди.

Бу сўз йиғилганларга қаттиқ таъсир қилди. Ҳамма
бир-бирига қаради. Ставрогин чўлок муаллимнинг кўзига
қараб туриб, қаттиқ кулди-да, эшикдан чиқди, Кириллов
унинг ортидан йўл олди. Верховенский улар орқасидан
югуриб даҳлизга борди.

– Мени нима қияпсиз ўзи? – деб бидирлади у Ставро-
гиннинг қўлидан тутиб, уни кучи борица сиқаркан. Став-
рогин индамай қўлини тортиб олди.

– Ҳозир Кирилловникига боринг, мен келаман... Мен-
га зарур, жуда зарур!

– Менга зарурати йўқ, – кесди Ставрогин.

– Ставрогин боради, – нуқта қўйди Кириллов. – Став-
рогин, бормасангиз бўлмайди. Ўша ерда кўрасиз.

Улар чиқишди.

ЕТТИНЧИ БОБ

ИВАН-ШАҲЗОДА

Улар чиқишди. Петр Степанович тўс-тўполонни бо-
сиш учун «мажлис»га қайтиб кирмоқчи бўлди-ю, яна
шунча овора бўлиб ўтираманми деб, фикридан қайтди
ва икки дақиқадан сўнг чиқиб кетганларнинг изидан жон
ҳалпида югурди. Чопиб кета туриб Филипповнинг уйига
яқинроқдан чиқадиган тор кўча эсига тушди; тиззасига
лойга ботиб, тор кўчадан югурди ва ҳақиқатан ҳам, Став-
рогин билан Кириллов дарвозадан ўтишаётганда уларга
етиб олди.

– Дарров етиб келдингизми? – деди Кириллов. – Жуда
соз. Кириг.

– Сиз бир ўзим тураман деб айтмовдингизми? – сўра-
ди Ставрогин даҳлизда қайнаб турган самовар ёнидан
ўтаркан.

– Ҳозир кўрасиз ким билан яшашимни, – тўнгиллади
Кириллов, – ичкарига кириг.

Ичкарига киришган заҳоти Верховенский боя Лембке
берган имзосиз хатни чўнтагидан чиқарди-да, Ставрогин-
нинг бурни тагига қўйди. Учовлари ҳам ўтиришди. Став-
рогин мик этмай хатни ўқиди.

– Хўш? – сўради у.

– Бу аблаҳ ёзганини қилади, – тушунтирди Верховен-
ский. – У сизнинг ихтиёрингиздаги одам бўлгани учун
маслаҳат беринг, нима қилайлик. Ишончим қомилки, бал-
ки у эртагаёқ Лембкенинг олдига боради.

– Борса бораверсин.

– Қандай? Олдини олса бўлади-ку.

– Сиз янглишяпсиз, у менга боғлиқ эмас. Менга
эса бари бир; у менга дўк қилаётгани йўқ, фақат сизга
дўк-пўписа қиляпти.

– Сизга ҳам.

– Ундай эмас.

– Аммо бошқалар сизни соғ қўймасликлари мумкин, наҳотки тушунмасангиз? Кулоқ солинг, Ставрогин, бу ҳаммаси сўз ўйини. Наҳот чиқаргингиз келмаяпти?

– Нима пул керак бўладими?

– Албатта, икки мингча, жуда бўлмаса, бир ярим минг. Эртага ёки бугун менга беринг ва мен уни Петербургга жўнатиб юбораман, ўзи шуни хоҳлаяпти. Истасангиз, Марья Тимофеевнани ҳам қўшиб юбораман, – буни эътиборга олиб қўйинг.

Нимадандир унинг мияси чувалашиб қолган, гап-сўзлари ҳам қандайдир жуда эҳтиётсиз, ўйламай гапириб юборарди. Ставрогин унга ажабланиб қарарди.

– Марья Тимофеевнани жўнатишнинг ҳожати йўқ.

– Балки ўзингиз хоҳламаётгандирсиз? – истехзоли кулди Петр Степанович.

– Балки, хоҳламасман.

– Хуллас, пул бўладими ё йўқми? – чидамсиз қаҳр-газаб билан амрона кичқирди у Ставрогинга. Ставрогин унга жиддий назар солди.

– Пул бўлмайди.

– Ҳей, Ставрогин! Сиз ниманидир биласизми ёки аллақачон бир нима қилдингизми? Маишатбозликми?

Унинг башараси қийшайди, лабларининг чети учди, бирдан қандайдир ўринсиз ва ярашмайдиган тарзда кулди.

– Ахир сиз мулк учун отангиздан пул ундирдингиз, – хотиржам деди Николай Всеволодович. – Онам сизга Степан Трофимович учун олти ё саккиз минг берди. Ўша пулдан бир ярим мингни бера қолинг. Охир-оқибат мен бегоналар учун қачонгача пул бераман, шундоқ ҳам кўп пул сарфладим, менга ҳам алам қилади... – у ўз сўзларидан илжайиб қўйди.

– Э, сиз ҳазиллашяпсизми?..

Ставрогин ўрнидан турди, шу заҳоти Верховенский ҳам сагчиб қўзғалди ва беихтиёр эшик томонни тўсди.

Иванович Всеволодович уни йўлдан четлатиш учун ҳаракат қилди-ю, аммо бирдан тўхтади.

– Мен сизга Шатовни бермайман, – деди у. Петр Степанович сесканиб тушди; икковлари бир-бирларига тикилишиб қолдилар.

– Мен сизга боя Шатовнинг қони сизга нима учун керак бўлиб қолганлигини айтдим, – кўзларидан ўт чақнаб деди Ставрогин. – Сиз бу бўёқ билан тўдаларингизни мустаҳкамламоқчисиз. Сиз ҳозир Шатовни қойилмақом қилиб ҳайдаб чиқардингиз: у ҳеч қачон «чақмайман» демаслигини, ёлғон гапиришни эса пасткашлик деб билишини яхши тушунарддингиз. Аммо мен-чи, мен сизга нима учун керак бўлиб қолдим? Чет элда кўришгандан бери ҳоли-жонимга қўймайсиз. Менга шу пайтгача бу борада тушунтирганларингизнинг бари фақат алаҳсираш. Яна сиз мени Лебядкинга бир ярим беришга кистаяпсиз, бу Федька уни сўйиб кетишига бир баҳонайи сабаб бўлади. Мен сизнинг фикрингизни уқиб турибман, мени хотинини ҳам сўйсин дейсиз. Мени шу тариқа жиноятга бошлаб, сўнг кишанлаб олиб устимдан ҳукмрон бўлмоқчисиз, тўғрими? Нима қиласиз устимдан ҳукмрон бўлиб? Нима керагим бор сизга? Алал оқибат кўзингизни катта очиб қаранг: сизнинг одамингизга ўхшайманми? Мени тинч қўйинг.

– Олдингизга Федьканинг ўзи келдими? – бўғилиб деди Верховенский.

– Ҳа, у келди; унинг баҳоси ҳам бир ярим минг... Ҳе, ана ўзи айтсин, ана ўзи турибди ... – қўлини чўзиб кўрсатди Ставрогин.

Петр Степанович шарт ўтирилиб қаради. Остонада, ним қоронғуликда калта пўстин кийган бошьяланг Федьканинг гавдаси қорайиб кўринарди. У текис тишларининг оқини кўрсатиб тиржаярди. Унинг саргимтил турланган қора кўзлари хонага эҳтиёткорона назар солар, афандиларни кузатарди. У нима гаплигини англамасди; чамаси, уни ҳозир Кириллов бошлаб келган ва энди унга саволомуз қараб-қараб қўярди; у остонада турар, ичкарига киришга оёғи тортмасди.

– У хойнаҳой бу ерда бизнинг олди-сотдимизни кўргани ва пулнинг дарагини эшитгани турган бўлса керак, шундай эмасми? – сўради Ставрогин ва жавобини ҳам кутиб турмай хонадан чиқди. Верховенский худди ақлдан озаётгандай унга дарвозада етиб олди.

– Тўхта! Қимирлама! – деб кичқирди у Ставрогиннинг тирсагидан тутиб. Ставрогин қўлини силтаб тортди, лекин тортиб ололмади. У қутуриб кетди: сўл қўли билан Верховенскийнинг сочларини чангаллади-да, бор кучи билан уни кўтариб ерга урди-ю, дарвозадан чиқди-кетди. Аммо у ҳали ўттиз одим ҳам юрмаган эдики, яна Верховенский қувиб етди.

– Ярашайлик, ярашайлик, – дея титраб-қакшаб пичирлади у.

Николай Всеволодович елкаларини учирди-ю, аммо тўхтамади, қайрилиб ҳам қарамади.

– Менга қаранг, мен эртагаёқ сизга Лизавета Николаевна олиб келаман, хоҳлайсизми? Йўқми? Нега жавоб бермайсиз? Айтинг, нима истайсиз, мен қиламан. Қулоқ солинг: мен сизга Шатовни бераман, хоҳлайсизми?

– Сиз уни ўлдирмоқчи бўлиб юрган экансиз, тўғри экан-да? – кичқирди Николай Всеволодович.

– Нима қиласиз Шатовни? Нимага? – дерди Верховенский бўғилганча жазаваси тутиб, ўзи ҳам чамаси билмаган ҳолда дам-бадам олдинга югуриб ўтаркан, Ставрогиннинг тирсагидан тутиб. – Менга қаранг, мен уни сизга бераман, ярашайлик. Сизнинг ҳисобингиз улуғ, аммо... ярашайлик!

Ставрогин ниҳоят унинг афтига қаради ва ҳайратга тушди. Бу ҳозиргина хонада кўрганидай ёки доимгидай нигоҳ, доимгидай овоз эмасди; бу тамомила ўзгача бир афт-башара, ўзгача турк эди. Овозининг оҳанги ҳам бошқача: Верховенский ялиниб-ёлворар, ўтинарди. Бу энг қимматли нарсаси тортиб олинаётган ёки тортиб олиниб бўлган, аммо ҳали ҳуши ўзига келмаган бир одам эди.

– Э, сизга ўзи нима бўлган? – кичқирди Ставрогин. Анови эса жавоб бермади, аммо ҳамон унинг ортидан чопар ва қатъият акс этган кўзлари билан ёлвориб боқарди.

– Ярашайлик! – пичирлади у яна. – Кулок солинг, менинг кўнжимга худди Федькага ўхшаб пичок солинган, аммо сиз билан мен ярашаман.

– Э, мени бошингизга урасизми, хувари! – каттик дарғазаб бўлиб, ажабланиб кичкирди Ставрогин. – Нима, бир сир борми бу ерда? Нима, мени тумор килмоқчимисиз?

– Кулок солинг, биз фитна чиқарамиз, – гўлдирарди анови шоша-пиша алаҳлаётгандай. – Сиз ишонмайсизми биз фитна чиқаришимизга? Биз шундай фитна соламизки, ҳаммаси остин-устин бўлиб кетади. Кармазинов ҳақ, тутадиган жойи йўқ. Кармазинов жуда ақлли. Бутун Россияда фақат ўнтагина шундай тўда бўлса, кейин мени тутиб бўпти.

– Яна ҳаммаси шунақанги аҳмоқлар, – истар-истамай оғзидан чиқиб кетди Ставрогиннинг.

– О, пича аҳмоқрок бўлинг, Ставрогин, пича аҳмоқрок бўлинг ўзингиз! Биласизми, сизга бундай истак билдирай десам, сиз ахир унчалик ҳам ақлли эмассиз: сиз кўркасиз, сиз ишонмайсиз, сизни микёслар чўчитади. Нега энди улар аҳмоқ бўлсин? Улар унака аҳмоқ эмас; ҳозир кимга қарама, ақли ўзиники эмас. Ҳозир айрича ақллар ғоятда оз. Виргинский жуда тоза одам, бизга ўхшаганларга қараганда ўн баровар тозароқ; майли, уни кўя турайлик. Липутин фирибгар, аммо мен унинг бир нуктасини биламан. Ўзининг бир нуктаси бўлмаган фирибгар йўқ. Фақат Лямшиннинг ҳеч қандай нуктаси йўқ, лекин у менинг қўлимда. Яна бир нечта шундай тўда бўлса, менинг қўлимда ҳамма ерда паспортлар ва пул бўлади, бу озми? Биргина шунинг ўзи етмайдими? Яна яширин жойлар, борсин қидираверсин. Битта тўдани юлиб ташлайди, бошқасига оркасини қўйиб ўтиради. Биз фитна ясаймиз... Наҳот, сиз ва мен бунга тўла кифоя эканимизга ишонмайсиз?

– Шигалевни олинг, мени тинч қўйинг...

– Шигалев жуда ўткир одам! Биласизми, у Фурьёга ўхшаган даҳо; аммо Фурьедан жасоратлироқ, Фурьедан

кучлирок; мен у билан шуғулланаман. У «тенглик»ни ўйлаб топган!

«Унинг иситмаси бор, алахсираяпти; унга бошқача бир нарса бўлганга ўхшайди», – Ставрогин яна бир карра унга разм солиб қаради. Икковлон тўхтамай кетиб боришарди.

– Унинг дафтарида ҳаммаси яхши, – давом этарди Верховенский, – унда жосуслик бор. Унда жамиятнинг ҳар бир аъзоси бошқасини назорат қилади ва етказиб туради. Ҳар бир кимса ҳаммага тегишли ва ҳамма эса бир кишига. Барчаси қуллар ва қуликда тенг. Наридан борганда тухмат ва котиллик, энг муҳими эса – тенглик. Энг аввало таълим, илм-фан, қобилиятларнинг даражаси пасаяди. Илм-фан ва истеъдодларнинг юксак даражаси фақат юксак қобилиятларгагина тегишли, юксак қобилиятларнинг кераги йўқ! Юксак қобилиятлар ҳар доим ҳокимиятни эгаллаб олган ва мустабид бўлган. Олий қобилиятлар мустабид бўлмай иложи йўқ ва ҳар доим фойда келтиришдан кўра кўпроқ бузғунчилик қилган; улар ё қувгинга учраган ва ё қалласи кетган. Цицероннинг тили кесилган, Коперникнинг кўзи ўйилган, Шекспир тошбўронга учраган – шигалевчилик ана шу! Қуллар тенг бўлмоғи даркор: ҳали истибдодсиз на эркинлик ва на тенглик бўлган, аммо подада тенглик бўлмоғи даркор, ана сизга шигалевчилик! Ва-ха-ха, сизга ғалати туюляптими? Мен шигалевчилик тарафдориман!

Ставрогин кадамни жадаллатар, уйга тезроқ етиб боришни истарди. «Бу таъвия маст бўлиб қолганга ўхшайди, аммо дарров қаерда бунча ичиб улгурди? – ўйларди у. – Нахотки, коняк ичган бўлса?»

– Кулоқ солинг, Ставрогин, тоғларни тскислаш – яхши фикр, қулгили эмас. Мен Шигалевни айтяпман! Таълимнинг кераги йўқ, илм-фан ортикча даҳмаза! Илм-фансиз ҳам материал яна минглаб йилга етади, аммо бўйсунмишга ўрганиш лозим. Дунёда фақат бир нарса стишмайди: Ито-аткорлик. Таълимга ташналик доим аслзодалар ташналиги бўлган. Озгина оила, озгина севги-муҳаббат бўлдим, тамом, эгалик қилиш истаги бошланади. Биз истакларни

...рамиз, ичкиликбозлик, фиску фасод, чакувни авж ол-
...рамиз; акл бовар килмас бузукчиликка йўл қўямиз; хар
бир дахони ҳали гўдак чогидаёк сўндирамыз. Ҳаммасини
бўтта махражга: тенгликка олиб келамиз. «Биз касб-хунар-
ни ўргандик, биз виждонли кишилармиз, бизга бошқа ҳеч
нарсa керак эмас», деб чиқишди яқинда англиз ишчилари.
Фақат зарур нарсагина зарур – бундан сўнг ер юзининг
шиори шундай бўлажак. Аммо талваса ҳам керак; биз,
хокимлар бунинг эпини қиламиз. Тўла итоаткорлик, тўла
киёфасизлик, шу билан бирга ўттиз йилда бир марта Ши-
галев талвасага солади, шундан сўнг ҳамма маълум бир
нуктагача бир-бирининг гўштини ейди, шундай килинса,
зерикиб қолишмайди. Зерикиш аслзодаларнинг сезгиси;
шигалевчиликда истаклар бўлмайди. Истак ва азоб бизга,
қулларга эса шигалевчилик.

– Сиз ўзингизни истисно этасизми? – деган сўз оғзи-
дан чиқиб кетди Ставрогиннинг.

– Сизни ҳам. Биласизми, мен дунёни папага бермок-
чи эдим. Майли, у ялангоёк, пиёда бўлиб халқ орасига
чиқсин: «Мана, кўринг, мен қай аҳволга тушдим!» – деб
айтсин, кейин ҳамма унинг орқасидан кетади, ҳатто кў-
шин ҳам. Папа тепада, атроф-тумонотда биз, тагимизда
эса шигалевчилик. Фақат тепага Internationale рози бўли-
ши керак; ўшандай ҳам бўлгай. Чоли тушмагур эса дарров
кўнади-қўяди. Унинг бошқа чораси ҳам йўқ, ҳали менинг
бу сўзларимни эсларсиз, ва-ха-ха, аҳмоконами? Айтнинг,
аҳмоконами, йўқми?

– Бас, – гўлдиради Ставрогин ғаши келиб.

– Бас, кулок солинг, мен папани ташладим! Жин ур-
син шигалевчиликни! Жин урсин папани! Куннинг муҳим
бир гапи бўлсин, шигалевчиликка бало борми, чунки ши-
галевчилик заргарона иш. Бу идеал келажакда асқотади.
Шигалев заргар ва аҳмок, филантроплар ҳаммаси аҳмок.
Қора иш керак. Шигалев эса қора ишдан қочади. Кулок
солинг: Ғарбда папа бўлади, бизда, бизда эса сиз бўласиз!

– Э, нари туринг, маёт бўлиб кописиз! – тўнгиллади
Ставрогин ва кадамини тезлатди.

– Ставрогин, сиз гўзал йигитсиз! – завк билан кичкириб юборди Верховенский. – Чиройли йигитсиз, биласизми? Сиздаги энг кимматли нарса шуки, сиз баъзан буни билмайсиз. О, мен сизни ўргандим! Мен сизга бурчакда туриб ён тарафдан бот-бот қарайман! Сиз ўзингиз биласизми, йўқми, сиз ҳатто соддадил, камсукумсиз? Ҳалиям шундай, шундай. Сиз ўша соддадилликдан азоб чексангиз керак. Мен гўзалликни севаман. Мен нигилистман, лекин гўзалликни севаман. Ахир нигилистлар гўзалликни севмайдилар, деб ўйлайсизми? Улар фақат санамларни севмайдилар, мен эса санамни севаман! Сиз менинг санамимсиз! Сиз ҳеч кимни ҳақорат қилмайсиз, шунинг учун сизни ёмон кўришади; сиз ҳаммага барабар қарайсиз, шунинг учун сиздан ҳамма қўрқади, бу яхши. Елкангизга қоқиб қўйиш учун ҳеч ким ёнингизга келмайди. Сиз ёмон оксуяксиз. Оксуяк демократ бўлса, у гоятда мафтункор! Сиз ўзингизни ҳам, бошқа бировни ҳам қурбон қилишингиз ҳеч гап эмас. Сиз айнан керак одамсиз. Менга, айнан сизга ўхшаган одам керак. Мен сиздан бошқа ҳеч кимни билмайман. Сиз сардорсиз, сиз куёшсиз, мен сизнинг оёғингиз остида бир чувалчанг...

Кутилмаганда у Ставрогиннинг қўлини ўпди. Ставрогиннинг елкаси увишиб, живирлашиб кетди ва чўчиб қўлини тортиб олди. Улар тўхтаб қолишди.

– Ақлдан озибсиз! – пичирлади Ставрогин.

– Балки валдираётгандирман, алахлаётгандирман! – илиб кетди анов тез-тез бидирлаб, – аммо мен биринчи қадамни топдим. Шигалев биринчи қадамни ҳеч қачон ўйлаб тополмасди. Шигалсвлар кўп! Аммо Россияда фақат ва фақат битта одам биринчи қадамни кашф қилди ва уни қандай қўйишни билади. Ўша одам менман. Нега менга бундай қарайсиз? Менга сиз, фақат сиз кераксиз, сизсиз мен нолман. Сизсиз мен бир пашша, шиша идишдаги гоя, Америкасиз Колумб.

Ставрогин унинг телбавор кўзларига тикиларди.

– Қулоқ солинг, биз аввал фитна чиқарамиз, – ёмон ҳовлиқарди Верховенский Ставрогиннинг сўл снгидан

...бодам тутиб. – Сизга боя айтдим: биз халк ичига кирамиз. Сиз биласизми, биз ҳозирнинг ўзидаёқ жуда кучлимиз? Бизникилар сўйиб, ёндираётган ё аниқ нишонга ўк узаётган ёки тишлаётганларнинг ўзигина эмас. Булар факат оёқ тагида ўралашганлар. Мен интизомдан бошқасини тушунмайман. Мен социалист эмас, фирибгар муттахамман, ха-ха-ха! Қулок солинг, мен уларнинг ҳаммасини ҳисобга олдим: болалар билан бирга уларнинг худоси ва бешиги устидан куладиган муаллим бу айни бизнинг одам. Маълумотли котилни у ўзи ўлдирган одамдан кўра билимдонрок, унинг пул топиш учун ўлдиришдан бошқа чораси қолмаган эди деб ҳимояси остига оладиган адвокат ҳам бизники. Ўлдириш қандок бўларкин деб қаролни ўлдирган мактаб ўқувчилари ҳам бизники. Судда жинойтчиларни оқловчи вакиллар ҳам бизники. Судда унчалар либсраллик қилолмадим, деб қўрқиб-қакшаган прокурор ҳам бизники, бизники. Идора хизматчилари, адабиёт намояндалари, о, бизникилар кўп, жуда кўп, буни ўзлари ҳам билишмайди! Бошқа бир томондан, мактаб ўқувчиларию турли тентақларнинг итоаткорлиги энг юкори нуктасига етди; тарбиячи мураббийларнинг ўт пуфаклари ёрилиб кетган; ҳамма ерда нафсониятпарастлик ҳал-чегара билмайди, иштаҳалари оч хайвондай, кўз кўрмаган, қулок эшитмаган... Биласизми, биласизми, биз тайёр ғоя-пояларнинг ёлғиз ўзи билан қанчадан-қанчасини оламиз-қўямиз? Бориб кўрдим – Litte деганнинг «жиноят бу ақлдан озиш» деган тезиси қутурган эди; қилиб кўрсам – энди жиноят ақлдан озиш эмасмиш, у баайни соғлом фикр, қарийб бурчини ўташ эмиш, нари борганда, олийжаноб норозилик. «Маълумотли котилга пул зарур бўлиб қолса, ўлса, ўлдирибди-да, нима қилибди!» Аммо бу ҳали ҳолва. Рус худоси «суюқоёқ» олдида бўйнини қисиб қолди. Халқ ғирт маст, оналар маст, болалар маст, церковлар бўм-бўш, судларда эса: «Икки юзта дарра урилсин ёки нажас пақир ташилсин»дан бошқа гап йўқ. О, наслнинг ўсишига йўл беринг! Аттанг, аттанг, кутиб ўтиришга вақт йўқ, йўкса, улар маст бўлса бешбаттар бўлаверсин! Оҳ, эвоҳ, эвоҳ,

кайда ул йўқсиллар! Аммо бўлгай, иш шунга қараб кетяпти...

– Афсус, биз бунчалар аҳмоклашиб кетибмиз, – гўлдиради Ставрогин ва яна йўлида давом этди.

– Кулок солинг, мен ўз кўзим билан кўрдим: олти яшар болақай маст-аласт онасини етаклаб борар, онаси эса уни шакиллаб сўкарди. Мени бундан хурсанд деб ўйлайсизми? Бизнинг кўлимизга тушса, биз, албатта, тузатамиз... агар зарур бўлиб қолса, қирк йилга чўл-сахрога ҳайдаймиз... Аммо бир ёки икки авлоднинг ҳозир бузилиши зарур; бу кўз кўриб, кулок эшитмаган бузукчилик, энг тубан бузукчилик бўлади, бунда одам боласи ифлос, кўрқок, шафқатсиз, худбин маразга айланади, – мана бизга худди шу керак! Бунда «буғи чикиб турган қон» ҳам керак, кўзи ўргансин, эти қотсин. Нега куляпсиз? Мен ўзимга қарши бораётганим йўқ. Мен ўзимга эмас, филантроплару шигалевчиларга қарши бораман. Мен фирибгар муттаҳамман, социалист эмасман. Ха-ха-ха! Афсус, вақт кам. Мен Кармазиновга май ойида бошлаб Покровда¹¹ тугатамиз, деб ваъда бердим. Тезми? Ха-ха! Сизга бир гапни айтайми, Ставрогин: шу пайтгача рус ҳалқида цинизм (уятсизлик) бўлмаган эди, тўғри у доим оғзини шалок қилиб сўқниган. Биласизми, бу қул қарол ўзини кўпроқ ҳурмат қилган, Кармазинов ўзини бунчалар ҳурмат қилолган эмас. Уни тоза юмдалашган, аммо у худосидан воз кечмаган, Кармазинов эса худосини сақлаб қололмади.

– Вой-бў, Верховенский, мен биринчи марта сизни эшитишим, мени лол қилиб қўйдингиз, – деди Николай Всеволодович, – сиз, демак, ҳақиқатан ҳам социалист эмас, аллақандай сиёсий... шуҳратпараст экансиз-да?

– Фирибгар, фирибгар. Менинг қимлигим сизни қизиктирадими? Сизга ҳозир қимлигимни айтаман, шунга олиб боряпман. Сизнинг қўлингизни бекорга ўпганим йўқ. Аммо ҳалқ ҳам бизнинг нима исташимизни билиши керак, ановлар эса «тўқмоқ кўтариб фақат ўз одамларини уради». Эҳ, вақт кўпроқ бўлсайди! Вақт йўқлиги чатоқ. Биз вайрон

¹¹ Покров – насроний байрами, 1 (14) октябрь.

қилишни эълон этамиз... Нега, нега, ҳар қалай, бу жуда зарур! Аммо, аммо, мушаклар, суяклар чиниксин, чиниксин. Биз ўт қўямиз... Биз афсоналар тарқатамиз... Ана ўшанда ҳар бир қасмоқ бойлаган «тўда» асқотади. Мен сизга мана шу тўдаларда шундай овчиларни топиб бераманки, ҳар қандай отишга жон деб боради ва яна миннатдор ҳам бўлиб юради. Хў-ўш-ш, ана шунда ғалва устига ғалва бошланади. Шунақанги алғов-далгов бўладики, бунақасини ҳали дунё кўрмаган... Рус тўзонда қолади, еру замин эски худоларни кўмсаб йиғлайди... Хў-ўш-ш, ана ўшанда биз чиқарамиз... Кимни?

– Кимни?

– Иван-Шоҳни.

– Кимни-и?

– Иван-Шоҳни; сизни, сизни!

Ставрогин бир зум ўйланиб қолди.

– Сохта шохми? – кутилмаганда сўради жазаваси тутган ановга ҳайратланиб қараб. – Э! Сизнинг режангиз шундок экан-да.

– Биз уни «яшириниб юрибди» деб эълон қиламиз, – қандайдир оҳиста ишқивозлик билан шивирлади Верховенский, худди кайфи ошган маст одамдай. – Биласизми, бу «яшириниб юрибди» дегани қандай сўзлигини? Аммо у пайдо бўлади, пайдо бўлади. Биз афсонанинг бичилганларидан кўра яхширогини тарқатамиз. У мавжуд, аммо ҳеч кимса уни кўрмаган. О, қандок зўр афсонани ёйиш мумкин! Энг асосийси – янги куч келаётир. Ана шу керак, ана шуни ишташади. Социализм деганида нима бор: эскиликни буздинг, янгисини тузмадинг. Бизда эса бу шунақанги бир кучки, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган! Бизга бир марта тиргак керак ерни кўтариш учун. Кейин бари кўтарилади!

– Сиз мени унда жиддий назарда тутган экансиз-да? – зардали кулди Ставрогин.

– Нега куласиз, яна бундай аччиқланиб? Мени кўрқитманг. Мени кўрқитманг. Мен ҳозир ёш боладайман, мени мана шундай кулги билан ўлардай кўрқитиб қўйиш мумкин. Қулоқ солинг, мен сизни ҳеч кимга кўрсатмайман,

ҳеч кимга: шундай қилиш керак. У мавжуд, аммо уни ҳеч ким кўрмаган, у яшириниб юрибди. Э, биласизми, юз минг одам ичидан биттасига мисол учун, кўрсатиб қўйиш ҳам мумкин. Кейин: «Кўрдик, кўрдик», деган гап бутун ер юзига ёйилади: Иван Филиппович Саваоф худонинг ҳам одамлар кўз ўнгида аравада осмонга учиб кетганини кўришган, худо ҳақи, ўз кўзлари билан. Сиз-ку, Иван Филиппович эмассиз; сиз гўзал, худо каби мағрурсиз, ўзингиз учун ҳеч нарса истамасиз, қурбон бўлиш манглайингизга битилган, «яшириниб юрибсиз». Асосийси, афсона! Сиз уларга бир қараб қўясизу ғалаба козонасиз, енгасиз. Сиз янги ҳақиқатларни элтасиз, «яширингансиз». Бу ёғига биз икки-учта Сулаймон ҳукмларидан ясаб тарқатамиз. Тўдаларимиз, бошлиқларимиз шай – газетанинг ҳожати йўқ! Агар ўн мингтадан битта ариза қондирилса, кейин ҳамма илтимос кўтариб келади. Ҳар бир вилоятда ҳар бир мужик биладик, қаердадир битта шундай уя бор, ана шу уяга аризани ташлаш кўрсатилган. Шунда замин нидо солиб инграйди: «Янги ҳақ қонун келаётир», шунда уммонлар кўпириб тошади, чирик томошахона қулайди, ана ўшанда тош-метиндан бино яшашни ўйлаб кўрамиз. Дунёда илк бора! Биз курамиз, буни фақат биз курамиз!

– Дахшат! – деб қўйди Ставрогин.

– Нега, нега сиз хоҳламайсиз? Қўрқасизми? Ахир мен сизни тутганим, сиз ҳеч нарсадан қўрқмайсиз. Ақлга тўғри келмайдими? Мен ахир ҳозирча Америкаси йўқ Колумбман; ахир Колумбни Америкасиз тушуниб бўладими?

Ставрогин оғиз очмасди. Бу орада уйга яқинлаб қолишди ва эшик олдида тўхташди.

– Кулоқ солинг, – деб унинг қулогига энгашди Верховенский, – сиздан пул сўрамайман; эртага Марья Тимофеевнани бир ёқлик қиламан... текин, ва эртагаёқ сизга Лизани олиб келаман. Лизани хоҳлайсизми, эртага?

«Нима деяпти, мияси айниб қолганми?» – жилмайди Ставрогин. Эшик ичкаридан очилди.

– Ставрогин, Америка бизники бўлдими? – охириги марта унинг қўлидан тутди Верховенский.

Ф. М. Достоевский

– Нима кераги бор? – жиддий, қатъият билан деди Николай Всеволодович.

– Хохиши йўк, ўзим ҳам билган эдим! – деб кичқирди ёмон қаҳр-газабга миниб анов. – Сиз ярамас, бузук, мажрух бойвачча, ёлғон айтияпсиз, ишонмайман, сиз оч юҳосиз!.. Тушунинг ахир, сизнинг ҳисобингиз ҳозир жуда ҳам катта, мен сиздан шундоқ воз кечиб кетолмайман! Ер юзида бошқа сизга ўхшагани йўк! Сизни хорижда кўз остига олганман; сизга қараб туриб кўзга босганман. Бурчакдан туриб бокмасам эди, бу фикр ҳаёлимга ҳам келмасди!..

Ставрогин жавоб бермай пиллапоядан кўтарила бошлади.

– Ставрогин! – унинг изидан кичқирди Верховенский, – сизга бир кун...икки кун... майли, уч кун муҳлат бераман; уч кундан ортик беролмайман, кейин – жавобингизни кутаман!

САККИЗИНЧИ БОБ

СТЕПАН ТРОФИМОВИЧ ХАТЛАНДИ

Бу орада мени ажаблантириб, Степан Трофимовични ларзага солган вокеа рўй берди. Эрталаб соат саккизга уникидан Настасья югуриб келиб колди, хўжайинни «хатлаб» кетишди, деган хабарни етказди. Мен аввалига ҳеч нарсани тушунмадим: ходимлар келиб «хатлашибди», коғоз-поғозларни йиғиштириб олишибди, битта аскар бола тугунчага ўраб «қўларавага» солиб олиб кетибди. Акл бовар қилмайди. Мен дарҳол Степан Трофимовични кўргани жўнадим.

Уни ғалати бир аҳволда топдим: аҳволи паришон ва каттик ҳаяжонда эди, аммо шу билан бирга шубҳасиз жуда кўтаринки алфозда эди. Хонанинг ўртасидаги столда самовар қайнаб турар, бир стаканга чой куйилган, аммо ичилмай эсдан чикканди. Степан Трофимович ўз хатти-ҳаракатларига эътибор бермай, стол атрофида гир айланар, хонанинг ҳар бурчагига чарх урарди. У одатдагича қизил пахталигини кийиб олган, аммо мени кўргач, нимчаси билан камзулини апил-тапил эгнига илди, аммо авваллари яқинлари олдида ҳам шу пахталикда тортинмай юраверарди. У шу заҳоти қўлимни ҳарорат билан тутди.

– Enfin un ami!¹² (У кўксини тўлдириб нафас олди). Cher, мен факат сизни чакирдим, бошқа ҳеч ким билмайди. Айтинг, Настасья эшикларни ёпиб қўйсин ва ҳеч кимни киритмасин, албатта, агар ановлар бўлса... Vous comprenez?¹³

У худди жавоб кутгандай, менга безовталаниб қарарди. Албатта, мен дарҳол сўраб-суриштира кетдим, узук-юлуқ гаплардан, тўхтаб-тўхтаб қолишлару ортикча илова-

¹² Нихоят дўстим! (франц.).

¹³ Сиз тушундингизми? (франц.)

лардан сўнг шуни билдимки, эрталаб соат еттида унинг хузурига «кутилмаганда» ҳокимнинг шотири келибди...

– Pardon, j'ai oublie son nom. Il n'est pas du pays¹⁴, аммо, чамаси, уни Лембке олиб келган, quelque chose de bete et d'allemand dans la physionomie. Il s'appelle Rosenthal¹⁵.

– Блюм эмасми?

– Блюм. Отини худди шундай деди. Vous le connaissez? Quelque chose d'hebe et de tres content dans la figure, pourtant tres severe, roide et serieux¹⁶. Полициядан, югурдаклардан, je m'y connais¹⁷. Мен ҳали ухлаб ётгандим, тасаввур килинг, мендан китобларингиз ва қўлёмаларингизни «кўрсам» бўладими, деб сўради, oui, je m'en souviens, il a employe ce mot¹⁸. У мени камоққа олмади, факат китобларни... Il se tenait a distance (у ўзини четга олиб турди), кейин менга келишининг сабабини айтди, у ўйлаган эканки, мен... enfin, il avait l'air de croire que je tomberai sur lui immediatement et que je commencerai a le battre comme platre. Tous ces gens du bas etage sont comme ca¹⁹, улар тузук одамга дуч келиб қолган-да, шундай. Ўз-ўзидан, мен дарров тушундим. Voila vingt ans que je m'y prepare²⁰. Мен унга барча кутиларни очиб бердим, калитларни қўлига тутқиздим; ҳаммасини ўзим бердим, унга барини бердим. J'etais digne et calme²¹. Китоблардан у Герценнинг чет элда чикқан нашрларини, «Колокол» (Жом)нинг муқоваланган нусхаси, поэмамнинг тўрт нусхаси, et, enfin, tout ca²².

¹⁴ Узр, унинг номи эсимдан чикибди. У бу ерлик эмас (франц.).

¹⁵ Башараси тўнкага ўхшайди, немисми-ей. Исми шарифи Розентал (франц.).

¹⁶ Сиз уни биласизми? Тўнкага ўхшайди, жуда ўзига бино қўйган, яна тўмтайган, тепса тебранмас ва қурук (франц.).

¹⁷ Бу менга маълум (франц.).

¹⁸ Ҳа, эсладим, у шу сўзни ишлатди (франц.).

¹⁹ Қисқаси, у мени дарҳол унга ташланиб дўппослайди, деб ўйлабди. Бу паст табака одамлар ҳаммаси шунақа (франц.).

²⁰ Мана, йигирма йилдирки, мен ўзимни шунга тайёрлайман (франц.).

²¹ Ўзимни хотиржам ушлаб турдим (франц.).

²² Хуллас, шулар ҳаммаси (франц.).

Ундан кейин қоғозлар, хатлар ва менинг айрим тарихий, танкидий ҳамда сиёсий лавҳаларим. Ҳаммасини олиб кетишди. Настасья, аскар бола қўларавага солиб олиб кетди, устига этак ёпиб қўйди, дейди, ха, худди шундай, этак билан устини ёпибди.

Бу абдирашга ўхшарди. Биров буни тушунармикин асти? Мен яна ундан сўрашимни қўймадим: Блюм бир ўзи келдими, йўқми? Кимнинг номидан келган? Қай ҳуқуққа асосан? Нима ҳаққи бор? Нима деб тушунтирди?

– У бир ўзи эди, ёлғиз ўзи, – дерди Степан Трофимович французчани русчага аралаш-куралаш қилиб, – айтгандай, яна кимдир ҳам бор эди, эшикда дахлизда қоровул турган эди. Настасьядан сўраш керак, у яхшироқ билади. Мен қаттиқ ҳаяжонга тушдим. У огзи тинмай гапирди, гапираверди... бир талай гапларни гапириб ташлади, дарвоқе, у жуда кам сўзлади, мен тинмай гапирдим... бутун ҳаётимни албатта, шу жиҳатини ҳикоя қилиб бердим... Қаттиқ ҳаяжонландим, аммо менга ишонинг, ўзимни яхши тутиб турдим. Сонеан, яна билмадим, мен йиғлаб юбордим, шекилли. Қўларавани улар ёнимиздаги дўкончадан олишди.

– Оҳ, худойим, наҳот, бу ҳаммаси рост бўлса! Аммо, худо ҳаққи, Степан Трофимович, аниқроқ қилиб айтинг, ахир бу гаплар ҳаммаси тушга ўхшайди-ку!

– Шер, мен ҳам туш кўраётгандайман... Биласизми, у Телятниковнинг отини айтди, менимча, худди шу киши дахлизда беркиниб турган бўлса керак. Ҳа-я, эсладим, у менга прокурорни айтди, чамаси, Дмитрий Митрични... айтмоқ-чи, у ералаш ўйнаганимизда мендан ўн беш рубль қарз бўлиб қолган. Хуллас, мен унча тушунмадим. Аммо мен уларни бошлаб лақиллатдим, Дмитрий Митрич билан менинг нима ишим бор. Ундан буни ошкор қилманг деб ўтиндим, ҳатто ўзимни ерга уриб бўлса ҳам ялиниб-ёлвордим, сиз нима дейсиз? Ниҳоят, у рози бўлди. Ҳа, эсимга тушди, унинг ўзи сўради, буни ошкор қилмаган маъқул деди, чунки у фақат «кўриш» учун келган экан, бошқа ҳеч

наrsa, ҳеч наrsa... агар ҳеч наrsa чикмаса, ҳеч наrsa бўлмас экан. Шунинг учун биз ҳаммасини дўстона келишиб олдик, мен бундан жуда мамнунман.

– Вой, сизни қаранг, у сизга бундай ҳолларда қўлланадиган тартиб ва кафолатларни тақлиф этибди, сиз эса ўзингиз буни рад қилибсиз! – деб қичкириб юбордим астойдил юрагим ачишиб.

– Йўқ, шундай кафолатсиз бўлгани яхши. Жанжалнинг нима кераги бор? Майли, вақт-соати келгунча шундай дўстона бўлаверсин... Биласизми, бизнинг шаҳримизда билиб қолишса... менинг рақибларим... яна бу ерда анов чўчкага ўхшаган прокурор тўра нима қилиб юрибди, у менга икки маротаба одобсизлик қилди, уни ўтган йили гўзал ва мафтункор Наталья Павловнанинг хосхонасига яширинганида тоза абжағини чиқариб беармон калтаклашган. Ундан кейин, эй азиз дўстим, менга эътироз билдирманг ва мени гаранг қилманг, илтимос, нега деганда, одам бахтсиз пайтида жуда даҳмазага айланади, яна ўлганининг устига тепгандек қилиб юзта ошнаси аҳмоққа чиқариб дашном ёғдиради. Ҳай, қўйинг-чи, ўтиринг, чой ичинг, очиги, жуда чарчадим... Бироз оёқ узатиб чўзилсаммикин, бошимга сирка қўйишсаммикин, нима дейсиз?

– Дарров шундай қилинг, – дедим мен, – ҳатто муз қўйиш ҳам мумкин. Анча уринибсиз. Рангингиз оқарган, қўлларингиз қалтираяпти. Ётинг, нафасингизни ростланг, бирпас гапирмай туринг. Мен ёнингизда кутиб ўтираман.

У ётишни пайсалга соларди, аммо мен каттик турганим сабабли, Настасья идишда сирка келтирди, мен сочикни ҳўллаб бошига қўйдим. Кейин Настасья курси устига чиқиб, бурчақда турган санам олдидаги чирокни ёқди. Мен бунга ажабландим; илгари ҳеч қачон санам олдида чирок ёқилмаганди, энди бўлса бирдан пайдо бўлиб қолганди.

– Кеча ановлар кетгандан сўнг мен чирок ёқишни буюрдим, – ғўнғиллади Степан Трофимович менга айёрона қараб қўяркан, – сени қўлга олиш учун келганлар хонангда

мана бундай нарсаларни кўришса, бу уларга таъсир қилади, у ёқда кўрганларини айтишса керак, ахир...

Настасья шамчирокни ёкиб бўлгач, эшикда турганча, ўнг қўлини юзига қўйиб йиғламсираганча унга термулди.

– *Eloignez-la*²³ бир баҳона қилиб, – деб бошини силкитди Степан Трофимович дивандан туриб, – мен русларнинг бунақа раҳмдиллигини кўтаролмайман, *et puis ça m'embete*²⁴.

Аммо Настасьянинг ўзи чиқиб кетди. Мен Степан Трофимович ҳадеса эшикка олазarak бўлаётгани ва даҳлиз томонга безовта қулоқ тутаетганини пайқадим.

– *Il faut etre pret, voyez-vous*²⁵, – маънодор қараб деди у менга, – *chaque moment*...²⁶ келиб олиб кетишади, ва фу-у – одамнинг ном-нишони қолмайди!

– Худойим-ей! Ким келади? Ким сизни қўлга олади?

– *Voyez-vous, mon cher* ²⁷, у кетаётганда мен очигини сўрадим: мени энди нима қилишади, дедим?

– Қаерга сургун қилишади деб сўрамадингизми? – жаҳлим чиқиб қичқирдим.

– Мен сўраганимда шуни ҳам назарда тутган эдим, аммо ҳеч нарса демай кетиб қолди. Биласизми: уст-бош, кийим-кечак, айникса, иссиқ кийим, буни уларнинг ўзи билади – нимани олишни айтади – шундай, бўлмаса, битта аскар шинелида ҳам жўнатиб юбораверишади. Аммо мен ўттиз беш рублни (у бирдан Настасья чиққан эшикка аланглаб овозини пасайтирди) билдирмай нимчамнинг киссасидаги тешикка тикиб қўйдим, мана бу ерда, пайпаслаб кўринг... Менимча, улар нимчамни ечиб олмасалар керак, ҳамёнимда хўжақўрсинга етти рубль қолдирдим, «бор-йўғим шу» дегандай бўласизми, ана майда-чуйда чақа пуллар стол устида турибди, инчунин, улар пулни беркитганимни сезишмайди, ҳаммаси шунинг ўзи бўлса керак,

²³ Чиқариб юборинг (*франц.*).

²⁴ Ғашимни келтиряпти (*франц.*).

²⁵ Биласизми, тайёр туриш керак (*франц.*).

²⁶ Ҳар дақиқада (*франц.*).

²⁷ Биласизми, азизим (*франц.*).

деб ўйлашади. Ахир худо билади, бугун қаерда ётишга тўғри келади.

Бундай эс-хушни йўқотишни кўриб, мен бошимни қуйи эгдим. Аён эдики, у айтиб бераётгандай қилиб, на қамокқа олиш, на тинтув қилиш мумкин эмасди, албатта, унинг мияси чалкашиб кетганди. Тўғри, бу нарсаларнинг ҳаммаси ҳозирги сўнгги қонунлар чиққунга қадар рўй берганди. Яна шу нарса ҳам тўғри эдики, унга жўялироқ тартиб-қондани таклиф этишган (унинг ўз сўзларига қараганда), аммо у гўё уларни бошлаб алдаган ва воз кечганди... Албатта, илгарилар, яъни шу яқин атрофларда ҳоким иложи бўлмай қолган ҳолларда... Аммо бу ерда ниманинг ҳам иложи бўлмай қолиши мумкин? Мана шу нарса мени қалғитмоқда эди.

– Бунда балки Петербургдан телеграмма келгандир, – деб қолди бирдан Степан Трофимович.

– Телеграмма! Сиз ҳақингиздами? Нима, Герценнинг китобию сизнинг поэмангиз устидами, эсингизни едингизми, бунинг нимасига қамайди?

Ёмон аччигим чиқди. Унинг юзи тиришди, чамаси хафа бўлди – у менинг бақирганимдан эмас, қамашга арзийдиган сабаб йўқ, деганимдан оғринди.

– Бизнинг замонамизда яна ким билади уни нима учун қамокқа олишларини, – деб тўнгиллади у сирлироқ қилиб. Қалламдан ақл бовар қилмас бемаъни бир фикр лип этиб ўтди.

– Степан Трофимович, менга бир дўст сифатида, – дея қичқирдим мен, – ҳақиқий бир дўст сифатида айтинг-чи, мен сизни сотмайман: сиз биронта яширин жамиятга аъзомисиз ё йўқми?

Буни қарангки, мен бу ерда ҳам ҳайрон бўлиб қолдим, бу ҳолда ҳам, унинг ишончи қомил эмасди: у ўзининг биронта яширин жамиятда иштирок этишини аниқ билолмасди.

– Ахир қандай ҳисобласак экан, *voez-vous*...

– Нимани «қандай ҳисобласак?»

– Бутун қалбинг билан тараққиётга тааллуқли экансан, унда... Ким кафолат бериб айтолади: тааллуқли эмасман, деб ўйлайсан-у, яна бундоқ қарасанг, нимагадир албатта, тааллуқли бўлиб чиқасан.

– Қандай қилиб ахир, бу ерда ё ҳа, ё йўқ?

– Cela date de Petersbourg²⁸, ўшанда биз хоним билан журнал чиқармоқчи бўлганмиз. Илдиз ана шу ерда. Ўшанда кўзларини шамғалат қилиб чиқиб кетдимки, шундан сўнг бизни унутиб юборишди, энди эсларига тушиб қолган. Шер, шер, ахир сиз билмайсизми? – қичқирди у оғриниб. – Бизни қўлга олиб, ёпиқ аравага ўтқизиб, ана, Сибирга ҳайдашади бир умрга ёки зиндонда унутиб қолдиришади...

У бирдан қайноқ-қайноқ кўз ёшлар тўкиб йиглаб юборди. Кўз ёшлар дарё бўлиб оқди. У кўзларини ўзининг қизил ҳарир рўмолчаси билан тўсиб, титраб йиглади, беш дақиқалар чамаси йиглади. Мен ич-ичимдан сесканиб тушдим. Бу одам бизга йигирма йил башорат ўқиганди, бизнинг хутбаўйимиз, устозимиз, бузругимиз, бизга бамисли Кукольник²⁹ каби эди, бизнинг бошимиз узра салобат билан улуғвор юксалган, унинг қошида биз чин юракдан ўзимизга шараф деб ҳисоблаб таъзим-тавалло қилардик, – мана энди у шўхлик қилиб қўйган қичкинтой бир болақай каби йиғлар ва гўё қалтак олиб келгани кетган муаллимни орзиқиб қутарди. Унга юрак-юрагимдан ачиндим. У мен ҳозир олдида қандай ўтирганимга ишонса, «ёпиқ аравага» шундай ишонарди чоғи ва уни шу куни эрталабдан, худди айни шу дамда, мана ҳозир қутарди, яна нима денг, Герцен китобларию яна қандайдир ўзининг поэмаси учун! Қундалиқ ҳаётни бунчалар мутлако билмаслик бир ёқдан кўнглингни юмшатар, иккинчи томондан жирканч туюларди.

У ниҳоят йиғидан тўхтади, дивандан турди, мен билан гапини давом эттириб, яна у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, орада дарчага дам-бадам қараб қўяр ва даҳлизга ку-

²⁸ Бу Петербургда бошланган эди (франц).

²⁹ Н.В. Кукольник – сохта улуғвор, сийқа ватаптарвар, трагедиялар муаллифи.

лок тутарди. Гап-сўзимиз ҳам бир боғдан-бир тоғдан эди. Менинг берган барча далдаларим, тасаллилларим деворга теккан нўхотдек сапчиб қайтарди. Гапларим кулогига кирмасди, шундай бўлса-да, унга шу тобда далда ниҳоятда зарур эди ва шу маънода оғзим тинмай сўйлардим. Менсиз аҳволи чатоклигини кўриб турар, у ҳам мени бир зумга ҳам ёнидан жилдирмаслигини сезардим. Мен унинг ёнида қолдим ва яна икки соатдан ортиқ бирга ўтирдик. Гап орасида у Блюм тинтув пайтида топилган иккита варақани ҳам олиб кетганлигини эслади.

– Яна қандай варақалар! – эси паст одамдай кўрқиб кетдим. – Ахир сиз...

– Э, менга ўнтасини ташлаб кетишганди, – деди у рўйхуш бермай (у мен билан дам рўйхуш бермай димоғдорлик билан, дам одамнинг раҳмини келтириб ўзини паст олиб сўйлашарди), аммо мен саккизтасини бир ёқдик қилдим, Блюмнинг қўлига иккитасигина тушди...

У бирдан ғазабдан қизариб кетди.

– Vous me mettez avec ces gens-là!³⁰ Наҳот, сиз мени мана шу аблахлар, яширинча қоғоз тапплаб кетувчилар, анов ўғилчамиз Петр Степанович-у, avec ces esprits-forts de la lachete!³¹ Ох, худойим!

– Воҳ, сизни уларга қандайдир аралаштириб юборишмадими ишқилиб... Айтмоқ-чи, бекор, бундай бўлиши мумкин эмас! – дедим.

– Savez-vous³², – кўксидан отилиб чикди унинг, – гоҳо шундай хис қиламанки, que je ferai la-bas quelque esclandre³³. О, кетманг асло, мени ёлғиз қолдирманг! Ma captiver est finie aujourd’hui, je le sens³⁴. Мен, биласизми, анави подпоручикка ўхшаб у ерда бировга ташланиб, тишлаб олишим мумкин...

³⁰ Сиз мени шу одамлар билан бир деб ўйлаяпсизми! (франц.)

³¹ Шу қабих хурфиқрлилар билан-а! (франц.)

³² Биласизми (франц.).

³³ У ерда бирон жанжал чиқарсам керак (франц.).

³⁴ Менинг ҳаёт йўлим бутун тугади, мен буни сезялман (франц.).

У менга худди кўрққан ёки кўрқитмоқчи бўлгандек – ғалати қилиб қаради. У, ҳақиқатан, «ёпиқ арава» келавермаган, вақт эса ўтиб бораётганидан кимдандир ё нимадандир борган сари асаби қайнаб, ғазаби тошарди; қахрга минарди. Кутилмаганда, Настасья ошхонадан нимагадир дахлизга чиқиб, кийим қозикқа тегиб кетиб тушириб юборди. Степан Трофимович қалтираб кетди ва турган жойида ўликдек қотиб қолди; аммо аҳвол ойдинлашгач, у Настасьяга чинқириб берди, оёқларини тапиллатди, ошхонага қайтариб ҳайдади. Бир дам ўтгач, у менга ноумид ҳолда қараб, шундай деди:

– Мен адо бўлдим! Шер, – бирдан у менинг ёнимга келиб ўтирди-да, жуда мунгли ва увол бўлиб тик кўзимга боқди, – Шер, сизга онт ичиб айтаманки, мен Сибирдан кўркмайман, о, je vous jure³⁵ (унинг кўзларидан ҳатто ёш чиқиб кетди), мен бошқа нарсадан кўрқаман...

Мен унинг авзойига боқиб, ниҳоят, менга фавқулудда кутилмаган бир гапни айтмоқчи деб ўйладим, лекин, назаримда, у шу пайтгача бу гапни айтишдан ўзини сақлаб келганди.

– Мен шарманда бўлишдан кўрқаман, – деб шипшиди у сирли қилиб.

– Нима шармандалик? Э, ахир аксинча эмасми! Степан Трофимович, ишонинг, буларнинг ҳаммаси шу бутуноқ равшан бўлади, сизнинг фойдангизга ҳал бўлади...

– Сиз мени кечиришларига ишонасизми?

– «Кечириш» бу ерда нима қилиб юрибди! Ахир қанақа сўзлар булар! Сиз нима гуноҳ қилибсиз? Менга ишонинг, сиз ҳеч нарса қилмагансиз!

– *Qu'en savez-vous*?³⁶ менинг бутун ҳаётим... шер... улар ҳаммасини эслатишади... агар ҳеч нарса топмаганларида ҳам, унда яна ҳам бешбаттар... – қўшиб қўйди у кутилмаганда.

– Нимаси бешбаттар?

– Бешбаттар.

³⁵ Сизга қасам ичаман.

³⁶ Сиз нимани ҳам билардингиз.

– Тушунмадим.

– Дўстгинам, дўстгинам, майли, Сибирь, майли Архангельск бўлсин, майли, ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум қилишсин, – бир бошга бир ўлим! Аммо... мен бошқа нарсадан қўрқаман (яна ўша пичирлаш, ўша қўрқиб қараш, ўша сирлилиқ).

– Нима, нима ўзи?

– Калтаклашади, – деди у зўрға ва ментга довдираб қаради.

– Ким сизни калтаклайди? Қаерда? Нима учун? – кичкирдим мен у эсидан оғмаётганмикин деб қўрқиб.

– Қаерда? Хўш, ўша ёқда... шунақа ишлар қилинадиган жойда.

– Қаерда қилинади бу ишлар?

– Э, шер, – кулоғимга яқин келиб шивирлади у, – бирдан тагингиздаги пол сурилади, сиз белингизгача пастга тушасиз... Буни ҳамма билади.

– Чўпчак! – кичкирдим унинг гапини тушуниб, – эски чўпчаклар, нахотки, шу пайтгача, бунга ишониб юрган бўлсангиз? – Мен хахолаб кулиб юбордим.

– Чўпчак! Бир нарсадан пайдо бўлгандир ахир бу чўпчак; калтакланган ёрилмайди. Мен ўн минг марталаб буни тасаввур этганман!

– Сизни, сизни нима учун? Сизнинг ҳеч қандай гуноҳингиз йўқ-ку?

– Ундан баттар! Ҳеч гуноҳим йўқлигини билишса, баттар калтаклашади.

– Кейин сизни Петербургга олиб кетишларига ишонасизми?

– Дўстгинам, мен боя айтдим, ҳеч нарсага ачинмайман, *ma carrière est finie*.³⁷ Скворешникида хоним мен билан хайрлашгандан кейин, менга ҳаётимнинг қизиғи қолмади... аммо шармандалиқ, шармандалиқ, *que dira-t-elle*³⁸, нима дейди ахир?

³⁷ Менинг ҳаёт йўлим тугади (франц.).

³⁸ У нима дейди? (франц.).

У дарди дунёси қоронғу бўлиб менга қаради ва бечоранинг юзига қон тепди. Мен ҳам бошимни ҳам қилдим.

– У ҳеч нимани билмайди, чунки сизга ҳеч нима бўлмайди. Мен сиз билан умримда биринчи марта гаплашиб тургандайман, Степан Трофимович, мени эрталабдан жуда хайрон қилиб қўйдингиз.

– Дўстгинам, мен ахир қўрқитаётганим йўқ. Аммо майли ҳатто мени кечиришсин, майли, яна бу ерга олиб келишсин ва ҳеч нарса қилишмасин – ана худди мана шунда мен адойи тамом бўламан. *Elle me soupçonnera toute sa vie...*³⁹, мендан, мендан, шоир ва мутафаккир, бир одам, ўзи йигирма икки йил таъзим қилиб келган бир зотдан!

– Ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмайди.

– Келтиради, – деб шивирлади у теран ишонч билан. – У билан Петербургда бир кеча гаплашганмиз, катта рўза пайти эди, йўлга тушишдан олдин, икковимиз ҳам қўрқиб қолган эдик... *Elle me soupçonnera toute sa vie...* энди нима дейман? Ақл бовар қилмайди. Ким ҳам бу шаҳарчада бунга ишонарди, *c'est invraisemblable...* Et puis les femmes...⁴⁰ Хоним хурсанд бўлади. У ҳақиқий дўст каби жуда ранжийди, самимий ранжийди, аммо кўнглининг тубида – хурсанд бўлади... Унинг кўлига бир умрга менга қарши бир қурол тутқизаман. О, ҳаётим барбод бўлди! Йигирма йил у билан саодатманд яшагандан сўнг... ана сизга оқибат!

У юзини қўллари билан тўсди.

– Степан Трофимович, бўлиб ўтган воқеани дарҳол Варвара Петровнага хабар қилсангизмикин? – таклиф қилдим унга.

– Худо сақласин! – сапчиб ўрнидан туриб кетди у. – Асло, асло, ҳеч қачон, Скворешникида хайрлашганда айтилган сўзлардан кейин, ҳеч қа-чо-он!

Унинг кўзларида ўт чакнади.

Биз, шундай ҳаёл содир бўлиб қолди-да, ҳамон ниманидир кутиб, назаримда, бир соат ё ундан ортиқроқ шун-

³⁹ У мендан бир умр шубҳаланиб юради...

⁴⁰ Бу ақлга тўғри келмайди... Ундан сўнг хотинлар...

дай ўтиравердик. У яна чўзилиб ётди, ҳатто кўзларини юмди-да, йигирма дақиқалар шундай миқ этмай ётди, мен донг қотдими, деб ўйладим. Бирдан у шиддат билан ўрнидан турди, бошидаги сочикни улоқтирди, дивандан сакраб тушди, ўзини тошойнага солиб, қалтираб бўйинбогини боғлади, гулдурос солиб Настасьяни чақирди, палтоси, янги шляпаси ва ҳассасини келтиришни буюрди.

– Бошқа чидолмайман, – деди у хириллаган товуш билан, – чидолмайман, чидолмайман!.. Ўзим бораман.

– Қаёққа? – сакраб турдим мен ҳам.

– Лембкега бораман. Шер, мен шундай қилишим керак, бунга мажбурман. Бурчим шуни талаб қилади. Мен гражданин ва инсонман, пайраха эмасман, ҳақим бор, ҳақимни талаб қиламан... Йигирма йил ҳақ талаб қилмадим, бир умр ҳақларимни унутиб келдим, бу жиноят... лекин энди ҳақимни талаб қиламан. У менга ҳаммасини айтсин, ҳаммасини. У телеграмма олган. Мени қийноққа солишга унинг ҳақки йўқ, бўлмаса, қама, қама, қама!

У қандайдир чинқириб хитоб қилар ва оёқларини тапиллатарди.

– Маъкул, маъкул, – дедим мен иложи борича босиқлик билан, аммо ундан ортиқ хавотирда эдим, – бундай ғамга ботиб ўтиргандан кўра шу яхши, аммо сизнинг аҳволи руҳиянгиз менга маъкул кўринмайди; қаранг, кимга ўхшайсиз ва шу алфозда у ерга қандай борасиз. Il faut etre digne et calme avec Lembke⁴¹. Сиз ҳозир ҳақиқатан, кимгадир ташланиб, тишлаб олишингиз ҳеч гап эмас.

– Мен ўзимни топшираман. Тўғри арслоннинг оғзига кираман...

– Унда мен ҳам сиз билан борай.

– Сиздан шуни кутгандим, садқангизни қабул қилдим ҳақиқий дўстнинг садқаси, аммо уйгача, фақат уйгача: сиз мени деб, ўзингизни фош қилиб қўйманг. О, croyez-moi, je

⁴¹ Лембкенинг хузурида ўзини муносиб тутиб туриш керак (франц.).

serai calme!⁴² Мен ўзимни ушбу дакиқаларда a la hauteur de tout ce qu'il y a de plus sacre...⁴³

– Мен, балки, ичкарига ҳам сиз билан бирга кирарман, – унинг гапини бўлдим. – Кеча уларнинг бемаъни кўмиталаридан Висоцкий орқали менга айтишди, эртанги байрамга мени ҳам таклиф этишган, олтига шотир йигитлар қаторида бор эканман. Шотирлар хонимларга хизмат кўрсатишар, патнисларга қарар, меҳмонларни жойларига ўтқизар ва сўл елкаларида оқ қизил тасмалар тақиб юришар экан. Мен рад этмоқчи бўлиб тургандим, аммо энди шу баҳонада Юлия Михайловна билан гаплашиб олгани уйга кираверсам бўлади... Сиз билан бирга бораверамиз.

У бошини силкиб тинглар, аммо афтидан, ҳеч вақони англамасди. Биз бўсағада турган эдик.

– Шер, – у қўлини тўрдаги шамчиноқ томонга чўзди, – Шер, мен ҳеч қачон бунга ишонмагандим, бироқ... майли, майли! (У чўқинди). Allons!⁴⁴

«Ҳа, шуниси маъқулроқ, – деб ўйладим мен у билан эшик олдига чиқиб, – йўлда тоза ҳаво олади, кейин биз ўпкамизни босиб оламиз, уйга қайтамузу ором олиб ётамиз...»

Аммо уйдаги гап кўчага тўғри келмайди. Йўл-йўлакай яна бир саргузаштни бошдан кечирдик, у Степан Трофимовични янада қаттиқ ларзага солди ва йўлга қатъият билан ундади... Илло, тан олишим жоизки, мен дўстимдан шу бутун эрталабдан бери давом этаётган куйди-пишдилик, жонсарақликни сира кутмагандим. Бечора дўстим, оқкўнгил дўстим!

⁴² О, ишонинг, мен босиқ бўламан (франц.).

⁴³ Ўзимни энг муқаддас нарсалар даражасида тутаман (франц.).

⁴⁴ Кетдик! (франц.)

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

ФЛИБУСТЬЕРЛАР. ТАҲЛИКАЛИ ТОНГ

I

Шундай қилиб, йўлда яна бир ажойиб воқеага дуч келдик. Аммо ҳаммасини бир чеккадан окизмай-томизмай айта қолай. Степан Трофимович билан уйдан чиқишимиздан бир соат аввал шаҳар кўчаларидан бир қанча одамлар ўтиб боришар, ўткинчилар уларни ажабланиб томоша қилишарди, булар Шпигулин фабрикасининг ишчилари бўлиб, ҳаммаси етмишга яқин, балки ундан ҳам ортиқрок эди. Улар ўз ҳолича тартиб билан шовқин-сурон қилмай, индамай ўтиб боришарди. Фабрикада ҳаммаси бўлиб тўққиз юзтача одам ишлар, булар ҳокимнинг қошига бориш учун сайланганлар эди, хўжайинлар кетиб қолишгани учун булар унинг бошқарувчисидан ҳақиқат тополмай, ҳокимга чиқишга қарор берган эдилар; бошқарувчи хўжайинлар номидан фабрикани ёпиб, ишчиларни ишдан бўшатиб, ҳаммасининг ҳақини сурбетларча уриб қолган, ҳозир бу нарса барчага кундай равшан бўлган эди. Бошқа бировлар ҳанузгача сайлов бўлмаган, нега деганда, арз-ҳол қилиш учун етмишта ишчи танланмайдди, бу жуда кўп, булар энг камситилган кишилар тўдаси, холос, улар ҳар ким ўз ҳолича арзу шикоятга йиғилишган, кейинчалик бутун дунёга бонг урилган ҳеч қандай фабрика «исёни» юз бермаган деган гапни айтишади. Яна учинчи аллакимлар ушбу етмишта ишчи оддий исёнчи эмас, балки ҳаммаси сиёсий ғаламис деб таърифлашади, уларнинг фикрича, ушбу ашаддий ғаламисларни кимлардир олқишлаган, ясама варақалар билан исёнга ундаб кўтарган. Хуллас, гапнинг қисқаси, кимлардир ундаганми, фитна уюштирганми — бу ҳали-ҳанузгача аниқ маълум эмас. Шахсан

Ўзимнинг фикрим шуки, ишчилар ўша ясама варақаларни мутлақо ўқимаган, ўқиган тақдирда ҳам лоақал биронта сўзига тушунмаган, нега деганда, бундай нарсаларни ёзадиганлар услублари тамомила яланғоч бўлишига қарамай, ўтакетган даражада ноаниқ ёзгилар. Аммо гап шундаки, фабрика ишчилари ҳақиқатан, оғир тангликка тушган, — полицияга арз-дод қилганларида, у арз-додларини эшитмаган, — охир-оқибат табиийки, тўдалашиб бориб «нақ генералнинг ўзига» дардимизни айтамыз, деган қарорга келишганди, агар мумкин бўлса бошимизга қоғозимизни қўямиз, тартиб сақлаб эшити олдига борамиз, қошимизга чиққан заҳоти ҳаммамиз тиз чўкамиз-у даргоҳига дардимизни айтиб тавалло қиламиз, деган ҳаёлда эдилар. Менга қолса, бу ўринда на исён ва на сайланганларга ҳолат йўқ эди, зеро, бу эски тарихдан қолган усул; рус аҳли азалдан «нақ генералнинг ўзи» билан гаплашишни севади, ўз билгича шундан мамнун бўлиб, қаноат ҳосил қилади, унинг учун бу ўзаро гапнинг қандай натижа билан туташининг асло фарқи йўқ.

Шунинг учун имоним қомилки, гарчи Петр Степанович, Липутин, балки, яна аллақим, ҳатто Федька денг, аввалдан фабрика ишчилари орасида ўралашиб юрган (ҳақиқатан ҳам шундай бўлганига анча ишонарли кўргазмалар бор) ва улар билан гаплашган эсалар-да, лекин булар синамоққа икки, уч, нари борса, беш кишидир, лекин шундан ортиқ эмас, алҳол, шунда ҳам бу сўйлашувлардан ҳеч қандай натижа чиқмаган. Исёнга келганда, фабрика ишчилари буларнинг ташвиқотларидан нималарнидир тушунган бўлсалар-да, яна ўша заҳоти ўта бемаъни ва тўғри келмайдиган бир иш деб билиб, қулоқ ҳам солмай қўйганлар. Федька эса бошқа гап: Петр Степановичга қараганда, бунда унинг омади юришганга ўхшайди. Бундан уч кун ўтгандан кейин шаҳарда рўй берган ёнғинда, мана энди ошқор бўлишича, ҳақиқатан ҳам, Федька билан бирга иккита фабрика ишчиси ҳам қатнашган, ундан сўнг бир ой ўтгач, туманда ўт қўйиш ва қароқчиликда айбланиб, собиқ фабрика ишчиларидан уч киши қўлга тушган. Мабодо,

Федька уларни бевосита тўғридан-тўғри бу ишга тортиб улгурганида ҳам, фақат мана шу беш киши бўлиши мумкин, бинобарин, бошқалар борасида бундай гаплар эшитилмади.

Ҳар нечук, қандай бўлмасин, ишчилар ниҳоят бир тўда бўлишиб, ҳоким уйининг олдидаги майдончага келишди ва овоз чиқармай батартиб сафланиб туришди. Кейин оғизларини очиб, эшикка термулганча, пойлашаверди. Менга айтиб беришларича, улар бу ерга келишлари биланок дарҳол бошларидан шапкаларини ечишган, бу вилоят ҳокими етиб келмасидан ярим соат олдин рўй берган, яъни худди атай қилгандай ҳоким бу пайтда уйда бўлмаган. Полиция ҳам аввал яккам-дукам, сўнг ёпирилиб келган ва албатта, тарқалинг, кетинг, деб дўқ-пўлиса қила бошлаган, аммо ишчилар деворга рўпара келган подадаги қўйлар каби оёқда маҳкам туриб олган ва биз «генералнинг ўзи» билан гаплашамиз, деб қисқа жавоб қилишган, қарорлари катъий эканлигини билдиришган. Ғайритабиий бакирик-чакириклар тўхтаган; бунинг ўрнига ҳаммалари ўйланиб қолишган, сирли шивир-шивирлар, ташвишлар, тадориклар бошланиб, бошлиқларнинг қошлари чимрилган, лаблари қимтилган. Полиция бошлиғи фон Лембекнинг ўзи етиб келишини кутишга қарор берган. Ҳоким учта от қўшилган извошда учиб келди ва ҳали аравадан тушмай турибók жангга киришди деганга ўхшаш гаплар бари бекор. У ҳақиқатан, уч от қўшилган орқаси сариқ извошда учиб юрар, учиб юришни жонидан ҳам ёқтирар ва «разолат мақомига етказилган вакил маслаҳатчилар» тобора кўпроқ ақлдан озиб бораркан ва бу билан Гостиний ряддаги барча савдогарларни завқу шавқ қувончларига ғарқ қиларкан, у извошда ён томонга атай маҳкамланган тасма камарни қаттиқ тутганча бор сумбати билан қад ростлар, худди маҳобатли ҳайкаллардагидек ўнг қўлини маконлар узра кенг ёзар ва шу тариқа шаҳарни кўздан ўтказарди. Аммо ҳозирги ҳолда у жангга ташланмаган, аммо извошдан отилиб тушгач, болохонадор қилиб сўкинмасликнинг асло иложи ҳам йўқ эдики, бунини у фақат ҳукума-

тини баралла кўрсатиб қўйиш учун қилди, холос. Найзали милтиклар кўтарган аскарлар чақирилди, замбараклар ва казаклар сўралиб, каерларгадир телеграммалар жўнатилади, деган гаплар ҳам бекор: булар бари сийкаси чикқан чўпчак, энди унга буни тўқиб чиқарганларнинг ўзлари ҳам ишонишмайди. Сув тўлдирилган ёнгин бочкалари келтирилди, халойик ундаги сувга ботирилди, дейилгани ҳам ғирт ёлғон. Бор-йўғи, Илья Ильич кизишиб кетиб, ҳеч ким менинг қўлимдан қуруқ қочиб қутулмайди, деб қичқирди, холос. Афтидан, бочкаларни ҳам шу гапдан сўнг ясашган ва кейин бу гап пойтахт газеталаригача етиб борган. Ҳаммасидан ҳам тўғрироғи, оломон шу ерда турган барча полициячилар ёрдамида ўраб олинди, Лембкега хабар бериш учун биринчи бўлинманинг приставини жўнатишди, чопар полиция бошлигининг извоши Скворешники томонга учиб кетди, фон Лембке ярим соат илгари ўз аравасида ўша тарафга йўл олганди...

Аммо тан олиб айтишим керакки, бир савол мен учун ҳамон ечилмай қолмоқда: майли, ҳатто етмиш кишидан иборат бўлса ҳам — арз-дод қилувчиларнинг оддий тўдасини қандай қилиб ҳокимият заминини ларзага солувчи ғалаёнга айлантириб юборилди? Чопар билан бирга йигирма дақиқадан сўнг етиб келган Лембкенинг ўзи нима учун худди шу фикрга ёпишиб олди? Тахминим шундай (албатта, бу менинг шахсий фикрим), ростдан ҳам, бошқарувчи билан яқин ошна-оғайнигарчилик қиладиган Илья Ильич учун ушбу оломонни фон Лембкега худди мана шу тахлитда тушунтириш ҳатто фойдадан холи эмасди, шунда айнан унинг ишни ҳақиқий маънода тафтиш қилишига ҳожат қолмасди; бу йўлни унга яна айнан Лембкенинг ўзи кўрсатганди. Кейинги икки кун ичида у билан яширинча ва шошилиш тарзда икки марта кўришган, лекин гап бари бир пойма-пойлигича қолиб кетганди, аммо бу суҳбатдан Илья Ильич ҳар қалай шундай бир хулоса чиқардики, бошлиқ варақалар масаласига қаттиқ ёпишган ва шу билан бирга фабрика ишчиларини кимлардир ғалаён қилишга кўндирган, деган фикрга келиб тўхтаган ва бунга шун-

чалар ишонган эдики, энди агар ишчиларни кимдир кўндиргани ёлгон бўлиб чиқса, бундан кўра ачинарлироқ ҳол бўлмасди. «Петербургга ўзларини кўрсатиб қўйишмоқчи шекилли, – деб ўйлади бизнинг айёр Илья Ильич фон Лембкенинг ҳузуридан чиқиб кетаркан, – майли, бизнинг фойдамизга».

Аммо ишончим комилки, шўрлик Андрей Антонович ҳатто ўзини кўрсатиб қўйиш, кўз-кўз қилиш учун бўлсин, ғалаён чиқишини истамасди. У то уйлангунча бокир, маъсум юрган йигит, ижрочиликни котирадиган мансабдор эди. Давлатнинг тинчгина мўмайгина ўтинини олиб, шундоқ бир ифбатли соддадил Минхен билан бош қовуштириб яшаш ўрнига тақдир уни ёши қирққа чиққан княз кизига дучор қилиб қўйган бўлса бу унинг айби эмас, албатта? Мен шуни қам яхши биламанки, бечора Андрей Антоновични Швейцариядаги маълум маҳсус касалхонагача олиб бориб ётқизган, аввалданоқ иситмаси аниқ ошқора бўлган ҳол-аҳволи худди мана шу машъум тонг чоғидан бошланди ва мана энди айтишларича, у гўё ўша ерда янгидан куч-қувватга кириш пайида экан. Лекин агарда айни ушбу тонг чоғидан алланималарнинг аниқ далиллари юзга чиққан, деб ҳисоблаганда ҳам, менинг назаримда, ҳали бу воқеалар рўй бермасданок, улар арафасида ҳам худди шунга ўхшаган, лекин бунчалар аниқ-ошқора бўлмаган ҳоллар рўй берган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Менга энг нозик пичир-пичирлардан яна шу нарса ҳам маълумки, Андрей Антонович ушбу воқеалар арафасида тунги бемаҳал соат учда хотинининг ётоғига кириб, уни уйқудан уйғотиб, «ўзининг ултимагуми»ни эшитишини талаб қилади. У ўз талабида шунчалар қаттиқ турдики, хоним аччиқ қилиб, сочларидаги бурмаларини ҳам олмай, тўшакдан туришга мажбур бўлди ва юмшоқ кушеткага ўтириб, юзида истехзо ва заҳархандалик билан эшитишдан ўзга чораси қолмади. Худди мана шунда хоним умрида биринчи марта Андрей Антонович уни қаттиқ исканжага олганини сизди ва ичида кўрқиб ҳам кетди. Мана, ниҳоят эс-ҳушини йиғиштириб олса ва кўнгли юмшаса қани эди,

аммо у кўркиб кетганини билдирмай, илгаригидан ҳам бешбаттар қайсарлик қилиб оёғини каттиқ тираб олади. Унинг (чамаси, барча бошқа эрли хотинлар каби) Андрей Антоновичга муомаласининг ўз усули бор эди, у кўп бора синовдан ўтган ва эрни неча бора қутуришгача олиб борган эди. У шундан иборат эдики, хоним ғазаб-нафратга тўлган ҳолда оғзини маҳкам юмиб оларди, бир соат, икки соат, боринтки, бир кун ва ҳатто уч кунлаб миқ этиб оғиз очмасди, – эри нима деб гапирмасин, нима қилмасин, ҳатто дераза токчасига чикиб, ўзимни учинчи қаватдан пастга ташлайман деса ҳам, сира гапирмасди, – ўзингиз ўйланг, ҳиссиётчан одам бунга қандай чидасин ахир! Юлия Михайловна эрини кейинги пайтлардаги хатолари ёки ҳоким сифатида унинг маъмурий қобилиятларига гаши келгани учун жазолармикин; хотинининг узоқни кўзлаган сиёсий мақсадларини англамай, ёшлар ҳамда бутун жамоатчилигимиз ўртасида олиб бораётган ишларини танкид қилгани учун қаҳр-ғазаб қилармикин; эрининг уни Петр Степановичга бемаъни ва аҳмокона тарзда рашк қилишидан аччиқланиб жаҳл отига минармикин, – ҳуллас, қандай бўлмасин, Андрей Антонович қанчалик хаяжонланмасин, у юшамасликка қарор қилди. У хотинининг ётоғида гиламлар устида у ёқдан-бу ёққа чарх уриб айланаркан, ҳамма-ҳаммасини, юрагини ўртаган, азобга солган барча нарсаларни апил-тапил, узук-юлук тўкиб солди, «ҳаммаси чек-чегарадан чикиб кетди», деди. Менинг устимдан кулмаган одам йўк, бурнимдан ип ўтказиб олишган, деб ичинни ёрди у. «Тупурдим бу сўзларга! – деб чинқириб юборди у хотинининг жилмайганини кўриб, – бурнимдан ип ўтказишгани, нима, ёлғонми!..» «Йўк, хоним, вақт келди; библиб қўйинг, энди қуладиган, ноз-карашма қилиб ўтирадиган пайт эмас. Биз танноз хонимнинг ясан-тусан хонасида ўтирганимиз йўк, балки ҳаво шари ичида учрашиб қолиб, бир-бирларига ҳақиқатни айтишлари керак бўлган хилқатларга ўхшаймиз». (Рост, у тутилиб, чалкашиб кетар, ўзининг тўғри фикрларини жўяли шаклга солиб ифодалай олмасди). «Сиз, сиз, хоним, мени ўз ҳолимга қўймадингиз,

мен бу жойни фақат сизни деб, сизнинг нафсониятингизни деб қабул қилдим... Нега заҳарханда куласиз? Ўпкангизни босинг, ховлиқманг. Билиб қўйинг, хоним, билиб қўйингки, бу жойни эплаш қўлимдан келади, курбим етади, ёлғиз битта бу жой эмас, бунақа ўнта жойни ҳам эплайман, чунки бунга қобилятим бор; аммо сиз билан, хоним, сиз турганда, хоним – қўлимдан келмайди, зотан, сизнинг олдингизда мен қобилятларимни йўқотаман. Иккита марказ бирга яшолмайди, сиз эса иккита марказ ясадингиз, биттаси – менда, иккинчиси сизнинг хонангизда, – ҳокимиятнинг иккита маркази, хоним, лекин мен бунга йўл қўймайман, йўл қўймайман!! Хизматда, худди эр-хотинчиликда бўлганидек, марказ битта, иккитасининг иложи йўқ... Яхшилигимга нима жавоб қайтардингиз менга? – хитоб қиларди у. – Бизнинг эр-хотинлигимиз фақат шундан иборат бўлдики, сиз доимо, ҳар соат, ҳар дақиқада мени майда, арзимас, ҳатто тентак, тубан деб таърифлаб келдингиз, мен эсам доимо, ҳар дамда ўзимни камситиб, сизга майда, арзимас, тентак эмаслигимни исботлашга мажбур бўлдим, мен аҳмоқ эмасман, ҳамма менинг олийжаноблигимдан ҳайратга тушади, – қанчалар мени ерга уради буни сизга исботлаш! Ахир иккимиз учун ҳам бу хўрлик эмасми?» У оёқларини тез-тез тапиллатиб, депсина бошлади, натижада Юлия Михайловна ўз ориятини саклаб ўрнидан туришга мажбур бўлди. У дарров жимиб қолди, бироқ бирдан кўнгли бўшашиб кетди ва қўлларини кўкрагига уриб хўнграб йиглашга (ҳа, хўнграб) тушди. Юлия Михайловнанинг ҳамон миқ этиб оғиз очмаётганидан ўзини қаттиқ йўқотиб, беш дақиқача хўнгради. Ниҳоят, тамомила эсини йўқотиб, уни Петр Степановичга рашк қилишини айтиб юборди. Ҳаддан ортиқ тентаклик қилиб қўйганини сезиб, қутуриб қаҳр-ғазабга минди ва «худони рад этишга йўл қўймайман», деб қичқирди, «уятсиз, имонсиз даврангни тарқатиб юбораман», ҳоким ва демак, «унинг хотини ҳам» худога ишониши керак; «ёш йигитчаларингни кўзимдан йўқот», «сиз, хоним афандим, агар ориятингиз бўлганда, эрингизнинг обрўси учун кураши-

шингиз, мабодо у лаёқатсиз бўлган тақдирда ҳам (ҳолбуки, менинг лаёқатим ўзимга етарли!) ақл-идрокимга рию қилишингиз лозим эди, ҳолбуки, мени бу ерда ёмон кўришларига сиз сабабчисиз, сиз уларни менга қарши қилиб қўйгансиз!..» Мен аёллар масаласига барҳам бераман, бу бадбўй ҳидни тамом қуритаман, мураббиялар учун уюштирилаётган эртанги аҳмоқона байрамни ўтказишни бекор қиламан, ҳаммасини қувиб соламан; биринчи учраган тарбиячини эртага эрталаб вилоятдан ҳайдаб чиқараман, «Қазакларни чақираман! Атай, жўрттага шундай қиламан!» деб тинмай чинқирарди. «Биласизми, биласизми, – деб бақирарди у яна, – фабрикадаги ишчиларни сизнинг аблаҳ одамларингиз гиж-гижлаяпти, мен бунга яхши биламан!» Биласизми, атайлаб, жўрттага варақалар тарқатишяпти, ҳа, жўрт-т-та-га! Биласизми, менга ўша тўртта аблаҳнинг номлари маълум, биласизми, мен буларни деб ақлдан озаяпман, бутунлай, бутунлай!!! Аммо шу ерга келганда Юлия Михайловна бирдан тилга кирди-да, мен ўзим бу жинойткорона кирдикорлардан анчадан бери хабарим бор, буларнинг ҳаммаси аҳмоқликдан бошқа нарса эмас, сиз бунга бекорга жиддий нарса деб ўйлабсиз, анов шумтакаларга келганда, уларнинг тўрттасини эмас, битта қўймай ҳаммасини яхши биламан (шу ерда у ёлғонлади); лекин, кўриб турибсиз, бу ишлардан мен эс-хушимни йўқотганим йўқ, аксинча, ўз ақл-идрокимга янада ортиқроқ ишонаман ва ҳаммасини уйғун бақамти бир тўхтамга келтиришдан умидворман, деб қатъият билан айтди: ёшларнинг кўнглини шундай кўтариш, тўғри йўлга солиш ва бирданига, қутилмаганда уларга сизларнинг барча орзу-ниятларингиз бизга яхши маълум деб, бундан кўра нурлироқ йўлларни кўрсатиш, янги мақсадлар сари йўллаш керак, деди. О, шу дамларда Андрей Антонович қандай аҳволга тушганлигини бир кўрсангиз эди! Петр Степанович уни яна бошлаб лақиллатиб кетганлиги, устидан хўп маза қилиб қулганлиги, хотинига ундан анча олдин ва анча кўпроқ нарсаларни айтганлиги, ва ниҳоят, Петр Степановичнинг ўзи барча жинойткорона кирдикорларнинг

тепасида турганлигини билгач, ҳоким кутуриб кетди. «Библиб қўй, эй, эси паст, захар-заккум хотин, – деб ўдагайлашга тушди у барча занжирларни парчинлаб узиб ташларкан, – библиб қўй, мен сенинг ярамас жазманингни ҳозирок камайман, оёғига кишан солиб, калъага жўнатаман – ёки ўзимни мана шу ернинг ўзида пастга ташлайман!» Бу дағдагадан Юлия Михайловнанинг фиғони ошиб, кўкариб кетди ва у каттик қах-қах уриб кула бошлади, кулгиси дам баландлаб, дам пастлаб жуда узок янграб турди, худди француз театрларидек, Париждан юз минг акча тўлаб чакиртириб келинган актёр хотин танноз ролини ижро этаркан, уни рашк қилишдан тийилмаган эри устидан унинг юзига тик караб туриб худди мана шундай кулади. Фон Лембке ўзини ойна томонга отмокчи бўлиб чоғланди, аммо бирдан худди қоккан козикдай котиб қолди, иккала қўлини кўксига қўйди-да, ранги ўликниқидек оқариб, кулаётган хотинига ўқрайиб қаради. «Биласанми, биласанми, Юлия... – деди у ҳансираб, ёлворган овозда, – биласанми, менинг ҳам бирон нарса қилиш қўлимдан келади!» Аммо бу кейинги сўзлар кетидан яна кайтадан янграган уйнинг томини бузгудек каттик қахқаҳа остида у тишларини каттик қисди, ичидан бир ингроқ отилиб чиқди ва кутилмаганда, дераза томонга эмас, хотинига ташланди, мушт кўтарди! Аммо муштини хотинининг бошига туширмади, асло, асло; лекин шу захоти турган жойидан ғойиб бўлди. Қандай чопиб борганини билмайди, аммо кабинетига етиб келди, ечинмаёқ кийимлари билан тўшалган ўринга юзтубан ўзини ташлади, чойшабга бошини титраб-қақшаб буркади-да, шу алфозда икки соатча ётди, – на ухлолди ва хаёл суролди, ўзини кўкрагига тош бостириб қўйилгандек сизди, юраги туганмас ғам-алам, умидсизликка тўлди. Гоҳ-гоҳида иситма тутгандай бутун вужуди зиркираб калтирарди. Унинг хаёлида ҳеч алоқаси бўлмаган, ўринсиз бир нарсалар гавдаланарди: мисол учун, гоҳида Петербургдаги ўн беш йиллар илгариги девор соат унинг кўз ўнгига келарди, бу соатнинг дақиқаларни кўрсатадиган мили узилиб тушган эди; гоҳ шўх-хандон

хизматдош ўртоғи Милбуа эсига тушарди: бир гал Александр богида чумчук ушлаб олиб, шунда икковларидан бирининг бугун амали ошганлигини эслаб, боғни бошларига кўтариб хандон отиб кулган эдилар. Мен у ўзи сезмаган ҳолда соат еттиларга бориб ухлаб колган, чиройли тушлар кўриб котиб уйкуни урган деб ўйлайман. Соат ўнларда у кўзини уйкудан очиб, илон чаккандай сакраб ўрнидан турди, ҳаммаси бирдан эсига тушди, пешонасига қаре этиб урди: на чой ичди, на Блюмни, на полиция бошлигини қабул қилди, бир туман йигинининг аъзолари унинг келиб раислик қилишини кутиб ўтиришган экан, шунга ҳам бормади, у ҳеч нарсани эшитишни, тушунишни хоҳламас, эси телба-тескари бўлиб, Юлия Михайловнанинг хосхонаси томонга югургилади. У ерда Юлия Михайловнанинг ёнида анчадан буён сиғинди бўлиб яшайдиган қариндоши қари кампир Софья Антроповна Юлия Михайловна соат ўнлардаёқ бир талай одамлар билан бирга Скворешникига, Варвара Петровна Ставрогинанинг уйига жўнаб кетишганини тушунтирди, у ерда икки ҳафтадан сўнг бошқа бир байрамни ўтказмоқчи бўлиб мўлжаллаётган экан, шунинг учун олдиндан жойни кўрмоқчи бўлиб, уч кун бурун Варвара Петровна билан келишиб қўйишган экан. Бу хабардан лол колган Андрей Антонович кабинетига қайтиб келди ва шу заҳоти от-арава ҳозирлашни буюрди. Сабрсизликдан юраги кинидан чиқиб кетай дерди. Шу тобда дарҳол Юлия Михайловнани кўрмаса сира иложи йўқ эди – фақат кўрса, бас, фақат ёнида бир зум турса, бас; балким хоними унга бир қиё боқиб қўяр, унга кўзи тушар, аввалгидек бир табассум ҳадя этар ва балким кечирар – о-о! «Э, нима бўлди ўзи бу отларга?» У беихтиёр стол устидаги калин китобни варақлади (у баъзан шу китобдан истаган бир жойини омад келтирсин деб очиб, ўнг томондаги саҳифанинг тепасидан уч қаторини ўқирди). Бу сафар: «Tout est pour le mieux dans le meilleur des mondes possibles». Voltaire «Candide»⁴⁵. У тупуриб,

⁴⁵ «Дунёлар ичида энг яхшиси бўлмиш ушбу дунёда ҳаммаси яхши». Волтер. «Кандид» (франц.).

аравага ўтириш учун югурди: «Ҳайда Скворешникига!» Аравакашнинг ҳикоя қилишича, хўжайин йўл бўйи тоза шоширган, лекин манзилга яқинлашганда, у бирдан орқага, шаҳарга қайтишни буюрган: «Тез бўл, тез бўл, тезроқ», деб қўймаган. Шаҳар кўрғонига етмай аравани тўхтатган, «ҳазрат, менга тўхта деди, аравадан тушиб, йўлни кесиб ўтиб, далага юрдилар; заҳар танғиб қолгандир деб ўйладим, ҳазрат эса ўт-ўланларни томоша қила бошладилар, бир замон турдилар, во ажабо, мен нима қилишимни билмадим». Аравакаш шуларни гапириб берганди. Ўша куни эрталабдан об-ҳаво қандай бўлганини эсладим: Андрей Антоновичнинг кўз ўнгида ястанган сентябрнинг ҳавоси совуқ ва тиниқ эди; дон-дун аллақачон ўриб олинган дала-лар яланғоч қорайиб, тумтайиб ётарди; увиллаб эсган шамол сарғайган, қовжираган яккам-дуккам ўт-ўланларни совурарди. У ўзини, қисматини куз ва совуқ ўлик ҳас-хашакка айлантирган чечакларга ўхшатарди гўё. Ундай бўл-маса керак. Ҳатто аниқ биламанки, бундай деб ўйламаган ва ҳатто чечакларни ҳаёлига ҳам келтирмаган, аравакаш ҳамда худди шу пайт хабар билан етиб келган биринчи бў-линманинг пристави кўзига эҳтимол шундай кўринган-дир, бу пристав кейинчалик мен борганимда ҳоким ҳақиқатан кўлида бир даста сариқ гулларни кўтариб тур-ган эди, деб гапириб юрди. Пристав Василий Иванович Флибустьеров шахримизга яқинда келган, ижроия ишлар-ида ўзининг қандайдир ҳаддан ошиқ жонбозлиги, алла-нечук ҳовлиқмаллиги билан отнинг қашқасидай танилиб қолган, бу ўпкаси йўқ маъмурни ҳеч ким соғ ҳолда кўрма-ганди. У икки ғилдиракли учар извошдан сакраб тушиб, ҳокимнинг нима билан машғуллигига ақли етгач, кўзини ола-кула қилиб, «шаҳарда нотинчлик бўляпти», деб вағир-лади.

– А? Нима? – унга ўтирилди юзида жиддият билан Андрей Антонович, у заррача ҳайрон бўлмади, аравакаш ва аравани ҳам эсламади, у худди ўз кабинетида тургандай эди.

– Биринчи бўлинма пристави Флибустьеров бўламан, жаноби олийлари. Шаҳарда исён чиқди.

– Флибустьеров? – такрор сўради Андрей Антонович ўйга ботиб.

– Худди шундай, жаноби олийлари. Шпигулин фабрикаси ишчилари исён кўтаришяпти.

– Шпигулин ишчиларими?

«Шпигулин ишчилари» деганда у алланарсани эслагандай бўлди. У ҳатто сесканиб тушди-да, бармоғини пешонасига нукди: «Шпигулин ишчилари!» У индамай, ўйга ботганча, шошилмай коляска томон юрди ва шаҳарга ҳайдашни буюрди. Пристав извошда унинг орқасидан кетди.

Мен албатта, тасаввур қиламан: йўл-йўлакай унинг хаёлидан кўп масалаларда анча-мунча қизиқ нарсалар бирма-бир ғира-шира ўтгандир, аммо ҳоким қароргоҳи олдидаги майдонга кириб бораркан, у қандайдир аниқ мақсадни кўзлаган деб айтиш қийин эди. Аммо у «исёнчиларнинг» оёқда маҳкам турган сафлари, городской миршабларнинг уларни ҳалқадай ўраб олгани, полиция бошлиғининг нима қилишни билмай (балки, атай нима қилишни билмай) тургани ва барча фақат унинг келишини кутаётганини кўргач, юрагидаги қон жўшиб, кўпириб кетди. Ранги ўчганча, у коляскадан тушди.

– Шапкаларингни ол! – деган сўз ҳансираганча базўр оғзидан чикди унинг. – Тиз чўк! – дея кутилмаганда чинкирди у, ҳатто ўзи ўзига ҳайрон қолиб. Ишнинг бундан кейинги бутун ечими эҳтимол, худди мана шу кутилмаган ҳолат билан боғланганди. Бу гўё киш тутаётганда баланд тепаликларга чиқиб чана учишга ўхшарди, чаналар тепадан шувиллаб тушиб келаётганда, тепанинг ярмида тўхтаб қола олармиди? Ўзига қасдма-қасд қилгандай, Андрей Антонович бир умр феъл-атворининг очик-ойдинлиги билан ажралиб турар ва ҳеч қачон ҳеч кимга қичқирмаган, оёқларини ерга уриб депсинмаган; бундай одамлар агар чаналари мабодо тепаликдан тушаётганда кулаб кетса, жуда хатарли бўлиб коладилар. Унинг кўзлари жимирилашиб, боши айланиб кетди.

– Флибустьерлар! – деб бўкирди у янада бемаънироқ чинкириб, шунда овози бирдан хиппа бўтилди. У энди

нима қилишини билмай, аммо бутун вужудида ҳозир нимадир қилажагини ҳис қилиб ва библиб, серрайиб туриб қолди.

«Оҳ, худойим!» деган нидо келди издиҳомдан; бир йигит зўр бериб чўқина бошлади; учтами-тўртта киши ростдан ҳам, тиз чўқмоқчи бўлишган эди, аммо бошқалар бутун забт-маҳобати билан уч-тўрт қадам олдинга силжишди ва дабдурустан бутун издиҳом вағирлаб юборди: «Ҳазрат олийлари... қирқдан шартлашилган эди... бошқарувчи гумашта... кучларинг етмайди дейди» ва ҳоказо ва ҳоказо. Ҳеч нарсани тушуниб бўлмасди.

Во ажабо! Андрей Антонович ҳеч нарсани тушунмай гаранг бўлиб турарди: бир даста қуриган чечак ҳамон қўлида эди. Боягина Степан Трофимовичга ёпиқ арава қанчалик аён бўлса, энди ҳокимга исён шундай равшан эди. Кўзларини унга лўқ қилиб қараб турган «исёнчилар» ора-лаб унинг кўз ўнгида уларни «жунбушга келтириб» Петр Степанович дам у ёққа-дам бу ёққа ўтарди, бу ҳол унинг хаёлини бир зум тарк этмасди, ҳа, шу Петр Степанович, унинг кўришга кўзи йўқ бу Петр Степановични...

– Гаврон уринг! – кичкирди у яна кутилмаганда.

Орага ўлик сукунат чўқди.

Аниқ маълумотлару менинг тахминларим бўйича бу ишнинг боши қуйидагича бўлди. Аммо ундан у ёғига маълумотлар у қадар аниқ эмас, инчунин, менинг тахминларим ҳам. Дарвоқе, айрим фактлар йўқ эмасди.

Биринчидан, шоша-пиша калтаклашга киришилди; чамаси, хушёр полиция бошлиғи бунга олдиндан ҳозирлик қўриб қўйганди. Ҳар қалай, фақат икки ёки уч кишигина жазоланди; бу гапим аниқ. Ҳамма ёки тўданинг ярми калтакланди деган гап ғирт ёлғон. Гўё шу ердан ўтиб бораётган қандайдир камбағал бир аёлни ушланиб, нима учундир калтаклашибди, деган гап ҳам бекор; ҳар ҳолда кейинроқ бу аёл ҳақида Петербург газеталаридан биридаги хабарда ўқидим. Бизда кўплар аллақандай каб-ристондаги ғарибхонада яшовчи мискин художўй хотин Авдотья Петровна Торопитина ҳақида гапириб юришди.

Эмишки, у кўноқдан ўз хонақосига қайтаётганда, майдондаги одамлар орасини ёриб ўтиб, воқеани ўз кўзи билан кўргач, «Вой, уятсизлар!» деб, ерга тупурибди. Шу қилганига уни ҳам ушлаб «жазога тортишибди». Бу воқеани бизда газеталарда ёзишдан ташқари, шаҳарда унга хайрия ёрдами ҳам уюштиришди. Мен ҳам хайрияга йигирма тийин ажратдим. Нима экан денг? Маълум бўлдики, бизда ҳеч қандай художўй кампир бўлмаган экан! Мен ўзим қабристондаги хонақога бориб суриштирдим: у ерда ҳеч қандай Торопигина ҳақида эшитишмаган экан; яна денг, миш-мишларни сўзлаб берсам, улар ростакамига қаттиқ хафа бўлишди. Мен ўзи аслида бўлмаган мискин Авдотья Петровнани эслаётганимнинг боиси, сал бўлмаса Степан Трофимовичнинг бошига ҳам шундай савдо тушаёзди; ҳатто Торопигина ҳақидаги бемаъни миш-миш қандайдир бир тарзда Степан Трофимовичга боглик ҳолда тарқалган бўлиши ҳам мумкин, мен демокчимапки, миш-миш кейинча оғиздан-оғизга ўтиб, аллақандай гариб Торопигинанинг бошидан кечирган воқеа тусини олган. Ҳаммасидан ҳам, майдонга чикканимиздан сўнг у қандай қилиб кўзимдан бирдан ғойиб бўлганига ҳеч тушунолмаيمان. Мен ёмон бир кори ҳол рўй бериб ўтирмасин деб, уни майдон четидан айлантириб ҳоким қароргоҳи олдига олиб ўтмоқчи эдим, аммо аллакимдан бир нарсани сўрайман деб чалғиб қолдим, бундай қарасам, Степан Трофимович ёнимда йўк. Ғайришуурий тарзда дарҳол уни энг хатарли бир жойдан кидиришга тушдим; менинг назаримда, унинг чанаси ҳам баланд тепадан пастга учиб қулагандай эди. Ҳақиқатан ҳам, уни бўлаётган воқеаларнинг нақ ўртасидан топдим. Эсимда, унинг қўлидан маҳкам тутдим; лекин у менга осу-да ва ғурур ичида чексиз шишиниб бокди:

– Шер, – худди тори узилиб кетгандай қалтироқ товуш билан сўйлади у. – Агар улар бизнинг кўз ўнгимизда бу майдонда писанд қилмай хоҳлаган ишларини қилаётган эканлар, унда жилов ўз қўлига текканда... мановдан нима кутиб бўлади?

Шунда у хуноби ошиб қалтираб, чексиз бир иддао билан ўзининг фош қилувчи кўрқинчли бармоғини нари-рокда кўзини лўқ қилиб бизга қараб турган Флибустьеров-га қадади.

– Мановми? – ўдағайлади миршаб боши кўз ўнги ко-ронғилашиб. – Қайси манов? Сен ўзинг кимсан? – деб бостириб келди у мушталарини тутиб. – Сен кимсан? – деб бўкирди у изтироб ичида титраб-қақшаб (айтиб кўяйки, у Степан Трофимовични башарасидан жуда яхши танир-ди). Яна бир зум ўтса, у албатта, Степан Трофимовичнинг ёқасидан тутарди; аммо, хайриятки, унинг бакирганини эшитиб, Лембке бошини буриб қаради. У ҳеч нарсани тушунмай, ниманидир эсига туширгандай бўлиб Степан Трофимовичга тикилди, сўнг бирдан сабрсизлик билан қў-лини силтади. Флибустьеров тек қолди. Мен Степан Тро-фимовични издиҳом ичидан олиб чиқдим. Воксан, унинг ўзи ҳам бу ердан кетмоқчи бўлиб турганди.

– Уйга, уйга кетайлик, – деб қаттиқ туриб олдим мен, – Лембке бўлмаса, калтак остида қолиб кетардик.

– Сиз бораверинг, дўстгинам, мен айбдорман, сизнинг бошингизни балога қўйдим. Амал, мансаб, ҳаммаси ол-дингизда, мен эсам, – *mon heure a sonne*⁴⁶.

У ҳоким қароргоҳига шахдам қадам қўйди. Эшикдаги қоровул мени танирди; биз, икковимиз Юлия Михайлов-нага кирмоқчимиз, дедим. Қабулхона залида биз ўтириб кута бошладик. Мен азиз дўстимни ёлғиз қолдиришни ис-тамасдим, лекин унга яна нималардир дейишни ортикча деб билардим. У нима десаикин, ватан учун ўзини аниқ ўлимга чоғлаган одам киёфасига кирганди. Биз бошқа-бошқа жойга ўтирдик, мен эшикка яқин, у эса анча нарида тўрда, уйга ботганча бошини қуйи эгиб, икки қўли билан ҳассасига суянганча ўтирарди. Айвони кенг шляпасини чап қўлида ушлаб олганди. Биз шу тариқа ўн дақиқалар кутдик.

⁴⁶ Менинг соатим етди (франц.).

II

Тез-тез қадам ташлаб, Лембке полиция бошлиғи билан бирга кириб келди-да, бизга паришон ҳолда қараб, ўнг томондаги кабинетига юрди, бироқ Степан Трофимович унинг қаршисидан чиқиб, йўлини тўсди. Бошқаларнинг қад-қоматига ўхшамайдиган Степан Трофимовичнинг баланд сумбати кўзга ташланмай иложи йўқ эди, Лембке тўхтади.

– Ким бу? – полиция бошлиғидан ўсмоқчилагандай гудраниб сўради у Степан Трофимовичга бошдан-оёқ назар ташларкан.

– Собиқ коллеж ассессори Степан Трофимович Верховенский, жаноби олийлари, – жавоб берди Степан Трофимович виқор билан бошини эгиб. Жаноби олийлари ҳамон аҳмокона бир зайлда ундан кўзини узмасди.

– Нима гап? – у амалдорлар каби гапни қисқа қилиб, сабрсизлик билан ижирғаниб Степан Трофимовичга қулоғини тутди, чамаси, уни ниҳоят, оддий арзғўйлардан бири бўлса керак, деб ўйлади.

– Бугун уйимни жаноби олийларининг номидан келиб тинтув қилишди; шунинг учун истардимки...

– Номидан? Номидан? – тоқатсизланиб сўради Лембке нимадир эсига тушиб. Степан Трофимович аввалгидан ҳам салмоқлироқ қилиб номини тақрор айтди.

– Э, ҳа-а-а!.. Бу... анов уя... Мухтарам жаноб, сиз шундай ишлар қилгансизки... Сиз профессормисиз? Профессормисиз?

– Бир пайтлар университетда маърузалар ўқиганман.

– Ё-ш-ш-лар-га-ми? – сескангандай бўлди Лембке, лекин у ҳалиям гап нима устида бораётганлиги, ким билан гаплашаётганлигини англаб етмаганди. – Мен, марҳаматли жаноблари, бунга йўл қўймайман-н, – ёмон жаҳли қўзиб деди у. – Мен ёшларни тан олмайман. Булар бари варақалар. Бу жамиятга қарши хуруж, марҳаматли афандим, денгиз босқини, флибустьерлик... Нима арзингиз бор?

– Аксинча, рафикангиз эртанги байрамида мендан ўқишни сўровди. Мен арз қилаётганим йўк, ўз ҳақ-хуқуқимни билдиргани келдим...

– Байрам? Байрам бўлмайди. Мен байрамингизга йўл қўймайман-н! Маъруза? Маъруза? – қутуриб қичкирди у.

– Мен истардимки, мен билан одобдан чиқмай гаплашсангиз, жаноби олийлари, оёғингизни тапиллатмасангиз, менга ёш боладай бақирманг.

– Сиз, эҳтимол, ким билан гаплашаётганингизни биларсиз? – қизарди Лембке.

– Яхши биламан, жаноби олийлари.

– Мен жамиятни муҳофаза қиламан, сиз эса уни бузасиз. Бузасиз! Сиз... Айтмоқчи, сизни эсладим: сиз генералнинг хотини Ставрогинанинг хонадонида мураббийлик қилгансиз, тўғрими?

– Ҳа, мен... генералнинг хотини Ставрогина хонадонида... мураббий бўлганман...

– Ҳа, йигирма йил мобайнида ҳозир бўлаётган барча нарсалар... барча мевалар... ўчоғи бўлгансиз... Чамамда, сизни ҳозир майдонда кўрган эдим. Бироқ, кўркинг, марҳаматли афандим, кўркинг; сизнинг фикр йўналишингиз маълум. Амин бўлингки, мен буни назарда тутаман. Мен, марҳаматли афандим, маърузаларни қўймайман, иложи йўк. Бундай арзингизни бошқа ерда айтинг.

У яна ўтиб кетмоқчи бўлди.

– Яна қайтараман, сиз хато қияпсиз, жаноби олийлари: сизнинг рафикангиз эртанги байрамда адабий-бадий бир нарса ўқиб беришимни сўраган эди. Аммо энди менинг ўзим ўқишдан воз кечаман. Мен илтижо қилиб сўрайманки, қандай қилиб, нима учун мени бугун тинтув қилишганини мумкин бўлса, тушунтириб берсангиз? Менинг айрим китобларим, қоғозларим, мен учун жуда қимматли хатларимни олиб кетишди аравага солиб...

– Ким тинтув қилди? – чўчиб тушди Лембке ва ҳуши тамомила ўзига келгач, бирдан қип-қизариб кетди. У шартга полиция бошлиғига ўтирилди. Худди шу онда

эшиқда Блюмнинг бесўнақай, узун, елкаси чиққан гавдаси кўринди.

– Э, мана ўзи, шу киши, – деб уни кўрсатди Степан Трофимович. Блюм айб қилиб қўйган, аммо бўш келмайдиган киёфада олдинга чиқди.

– Vous ne faites que des betises⁴⁷, – ранжиб, аччиги чиқиб уни сўқди Лембке ва бирдан бутунлай ўзгариб, хуши ўзига келди. – Кечиргайсиз... – тили тутилиб ва ғоятда хижолат бўлиб деди у тобора кизариб-бўртиб, – бу бари... ҳаммаси, фақат англашилмовчилик, холос... фақат англашилмовчиликнинг ўзи.

– Жаноби олийлари, – деди Степан Трофимович, – ёшлигимда мен қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлган эдим. Бир куни театрда биров аллакимнинг олдига тез юриб борди-да, ҳамманинг қўз ўнгида унга шапалоқ урди. Лекин шу заҳоти бу шапалоқ ейиши керак бўлган бутунлай бошқа одам эканлигини билгач, жажли чиқиб, олтидан қиммат вақтини бой беришни истамай, худди ҳозир сиз жаноби олийларига айнан ўхшаб: «Мен янглишибман... Кечиргайсиз, бу англашилмовчилик, фақат англашилмовчиликнинг ўзи», деб айтди. Бекор азият чеккан киши хафа бўлиб, бақирган эди, бояги айбдорнинг гаши келиб: «Сизга айтдим-ку, бу англашилмовчилик деб, яна мендан нима истайсиз, нега бакирасиз!» – деди.

– Бу... бу, албатта, жуда кулгили экан, – оғзини қийшайтириб кулди Лембке, – бироқ... бироқ, кўрмаяпсизми, аҳволимнинг қанчалик ёмонлигини?

У чинкириб юбораёзди... ва чамаси юзини кафтлари билан тўсмоқчи ҳам бўлди.

Бу қутилмаган аянч, изтиробли нидо, йиғига ҳам ўхшаб кетар ва бунга қараган одамнинг тоқати етмасди. Бу эҳтимол, кечадан бери бутун рўй бераётган воқеаларни илк бор тўла бўй-басти билан жуда ёрқин идрок этиши ва ундан кейинги бутун жони-жаҳонини ўртаб таҳқирлаган, етган алам-умидсизлик ичида қуйиб ёниш; ким билсин, эҳтимол, яна бир сониядан сўнг у зални бошига кўтариб

⁴⁷ Сизнинг ишингиз фақат аҳмоқлик (франц.).

ҳўнграб йиғлаб юборармиди, валлоҳу аълам. Степан Трофимович унга кўзи ола-кула бўлиб қаради, кейин бирдан бошини солинтирди-да, ўта ғамгузор товуш билан деди:

– Жаноби олийлари, менинг миждов шикоятим билан бошқа бошингизни қотириб ўтирманг, фақат менинг китобларим ва хатларимни қайтариб беришларини айтиб қўйсангиз, бас...

Унинг гапи оғзида қолди. Худди ушбу дақиқада Юлия Михайловна ўзининг барча шотирлари ҳамроҳлигида шовқин-сурон билан қайтиб келди. Бироқ бу ўринда мен ҳаммасини иложи борица батафсил ҳикоя қилишни истайман.

III

Биринчидан, ҳаммалари учта коляскадан тушиб, бараварига қабулхонага бостириб кирдилар. Юлия Михайловнанинг хосхоналарига ташқари эшикдан, тўғри чап томондан алоҳида кириларди; аммо бу сафар ҳамма ўзини залга урди, бунинг сабаби, наздимда, улар Степан Трофимовичнинг шу ерда эканлигини эшитишган, унинг бошидан кечган воқеалар ва шу билан бирга Шпигулин ишчиларининг юриши Юлия Михайловнага у шаҳарга кириб келгандаёқ оқизмай-томизмай етказилганди. Қандайдир айби учун уйда қолдирилган Лямшин ҳаммадан бурун воқеадан хабар топиб, Юлия Михайловнанинг кулоғига етказиб улгурганди. У бир қирчанғи қозоқи отни ёллаб, Скворешники йўлига учиб борган ва хушxabар билан қайтаётганлар рўпарасидан чикқанди. Юлия Михайловна ўзининг юксак жасоратига қарамай, бундай ғаройиб янгиликларни эшитиб, бари бир бироз хижолат бўлди; ҳар қалай, бир зумгина давом этди, холос. Мисол учун, масаланинг сиёсий томони уни ташвишлантирмасди; Петр Степанович бир эмас, тўрт маротаба Шпигулин ғаламисларини таг-туғи билан қуритиш керак, деб унинг кулоғига қуйганди, Петр Степанович эса бир оз вақтлардан бери хоним наздида катта эътибор топиб, дегани деган эди. «Аммо... бари бир бунинг

учун унинг таъзирини бераман», деб кўнглидан ўтказди у эрини назарда тутиб; йўл-йўлакай шуни ҳам айтиб ўтайки, Петр Степанович атай қилгандай бу сафарги юришда қатнашмаган, эрталабдан бери уни ҳеч ким кўрмаган эди. Яна шуни ҳам эслатишим керакки, Варвара Петровнанинг ўзи меҳмонларни кутиб олгач, улар билан бирга шаҳарга қайтди (Юлия Михайловна билан бир коляскада келди), у эртанги байрам хусусида ўтадиган қўмитанинг охириги йиғилишида албатта қатнашиш ниятида эди. Уни ҳам, шак-шубҳасиз, Лямшин томонидан етказилган Степан Трофимович борасида хабарлар кизиқтирмай қўймас, балки, ташвиш-ҳаяжонга ҳам соларди.

Андрей Антоновичнинг адабини бериш бир зум кечиктирилмай дарҳол амалга оширилди. Эвоҳ, бунини у гўзал рафикасига кўз қирини ташлагандаёқ сезди. Хонимнинг чехраси чарақлаб очилиб, мафтункор табассум-ла, тезда Степан Трофимовичга пешвоз бориб, унга узун кўлқоп тортилган кўлини узатди-да, ажойиб мақтову тасаннолар ёғдирди, – ниҳоят, у Степан Трофимовични ўз уйида кўрганидан боши осмонга етиб, шу тобда унга тезроқ гамхўрлик қилиш, меҳрибончилик кўрсатишдан бошқа иши-хуши йўқ одамдай тутди ўзини. Эрталабки тинтув ҳақида огиз очмади; ўзини ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқдай кўрсатди. Эрига бир оғиз сўз қотмади, ҳатто унга қараб ҳам қўймади, гўё йўқдек эди. Бу ҳам етмагандай, у Степан Трофимовични дарҳол ҳукмфармо эгаллаб олди-да, ичкарига олиб кириб кетди, – ўзини Лембке билан гаплашадиган гапи йўқдай, бор бўлса ҳам, уларни давом эттириш мутлақо фойдасиздай тутди. Яна бир қарра такрорлай: ўзини жуда баланд келиб тутаетганига қарамай, Юлия Михайловна яна катта хатога йўл қўйди. Бунда унга Кармазинов ҳам қўмаклашиб юборди (Юлия Михайловна ундан бирга юришни алоҳида илтимос қилиб сўраган, шу баҳона у ниҳоят, Варвара Петровнанинг хонадонига ташриф этган ва бундан Варвара Петровна ўз ожиз кўнглида гоятда мамнун бўлганди). У эшикдан ичкарига қадам ташлаган заҳоти (у бошқалардан орқада қолиброк кирди) Степан Тро-

қўлини кўриб, қичкириб юборди-ю, унга кучоқ очиб ёшлов юрди, ҳатто Юлия Михайловна ҳам бир четда қолиб кетди.

– Оҳ, қанча сувлар оқиб кетди! Ниҳоят, кўришдик... Excellent ami⁴⁸.

У ўпишди, юзини ўпишга тутди. Ўзини йўқотиб қўйган Степан Трофимович у билан бўсанўш қилишдан бошқа иложи қолмади.

– Шер, – дерди у менга кеч оқшом ўша кунги барча воқеаларни эсларкан, – ўша пайтда мен ҳар иккимиздан қайси биримиз тубанроқ эканимизни ҳаёлимдан ўтказдим. Умикин, мени кучоқлаб туриб, яна шу захоти ерга урмоқчи бўлган, ёки менмикин, ундан нафрати кўзиб туриб, яна шу захоти ўпишиш учун бўй чўзган, ахир мен юзимни ўгириб олсам ҳам бўларди-ку... туф-эй!

– Қани, қани, айтинг, ҳаммасини айтинг, – чайналиб, минғирлаб тамтамланарди Кармазинов, худди йигирма беш йиллик умрни шу бир зум ичида сўйлаб адо қилиб бўладигандай. Аммо бу бемаъни ҳавойилик «киборона» оҳангда эди.

– Эсланг, сиз билан охириги марта Москвада Грановскийга бағишланган кечада учрашгандик, мана, ўшандан бўён йигирма тўрт йил ўтибди... – деб салмоқлаб (демак, киборона гап оҳангидан қочиб) гап бошлади Степан Трофимович.

– Ce cher homme⁴⁹, – унинг елкасини қўллари билан меъёридан ортиқ қисганча такаллуфсизлик билан қичкирди Кармазинов, – э, тезроқ бизни ичкарига бошланг, Юлия Михайловна, бафуржа ўтириб бизга ҳаммасини сўйлаб беради.

– Аслида мен бу тегманозик хотинга ўхшаган билан ҳеч яқин бўлган эмасман, – буларнинг ҳаммасини ўша куни кечасиёқ ғазабдан қалтираганча менга шикоят йўсинида ҳикоя қилганди Степан Трофимович. – Ҳали қарийб

⁴⁸ Азиз дўстим (франц.).

⁴⁹ Қимматли (франц.).

ўсмир чоғларимиз эди, ўша пайтлардаёқ ундан кўнглим қолган, у ҳам менга рўйхуш бермасди...

Юлия Михайловнанинг салони тезда одамлар билан гавжум бўлди. Ўзини бепарвороқ кўрсатаётган бўлса-да, Варвара Петровна бошқача хаяжон ичида эди, мен унинг Кармазиновга бир-икки бор нафратланиб кўз ташлагани, Степан Трофимовичга эса қахрланиб бокқанини пайқаб қолдим, бу қахр унда олдиндан туғилган ва бу рашкнинг қахри, муҳаббатнинг қахри эди: агарда Степан Трофимович мана шу гал қандайдир пўк ташласа ё ҳамманинг кўз ўнгиди Кармазиновдан бўш келса, назаримда, маҳбуба ўрнидан сакраб туриб, унинг башарасига туширадигандай эди. Мен Лиза ҳам шу ерда эканлигини айтишни унутибман, илгари уни ҳеч қачон бунчалар хурсанд, шўх-қувноқ ва бахтиёр ҳолда кўрмагандим. Албатта, Маврикий Николаевич ҳам шу ерда эди. Бундан ташқари, Юлия Михайловнанинг қуршовидаги одатдаги ёш хонимлар ҳамда бирмунча тийиксиз навкирон ёшлар тўдаси орасида (дарвоқе, улар доирасида тийиксизлик шўхлик-қувноқлик, сарик чақага арзимайдиган бетамизлик эса ақл-фаросат белгиси деб қабул қилинарди) иккита-учта янги нусхаларга кўзим тушди: булар қандайдир питир-питир қилаверадиған келгинди поляк, ўзининг ҳазил-хузуллариға тўхтамай хузур қилиб овозини баралла қўйиб қулаверадиған, аллақандай жуда соғлом немис чол, доктор ва яна ниҳоят, Петербургдан келган жуда ёш, давлат кишиларидай басавлат, худди хода ютгандай ғўдайған, ҳаддан зиёд узун ёқа такқан қандайдир князвачча. Лекин Юлия Михайловна бу меҳмонни жуда қадрлаши ва ҳатто унинг олдида ўз салонидан ташвишланаётгани сезилиб турарди...

– *Cher monsieur Karmazinoff*⁵⁰, – деб гапга тушди Степан Трофимович диванга викор билан ўтириб ва қутилмаганда Кармазиновдан қолишмайдиган даражада тамталаниб, – *cher monsieur Karmazinoff*, бизнинг собиқ замонамиз кишисининг ҳаёти ва унинг маълум дунёқараши

⁵⁰ Мухтарам жаноб Кармазинов (франц.).

жиллакурса кейинги йигирма беш йил орасида бир зайлда, бир тусда бўлиб кўриниши мумкин...

Немис Степан Трофимович жуда ҳам қизиқ бир нарсани айтди, деб ўйлаб худди кишнагандай бўлиб қаттиқ хахолаб кулди. Степан Трофимович сохта бир хайрат билан унга қаради, аммо у бунга заррача ҳам эътибор бермади. Княз ҳам узунчоқ ёкалари-ю кўзидаги пенснени тўғрилаб немисга бокди, лекин зигирча ҳам ажабланаётганини билдирмади.

... – Бир тусда кўриниши мумкин, – сўзларини иложи борица такаллуфсизлик билан чўзиб атайлаб қайтарди Степан Трофимович. – Мана ушбу чорак аср мобайнида менинг ҳаётим ҳам шундай ўтди, *et comme on trouve partout plus de moines que de raison*⁵¹, зероки, мен бу фикрга тўла қўшиламан, бинобарин, шундай бўлиб чикдиким, мен шу чорак аср давомида:..

– *C'est charmant, les moines*⁵², – дея пичирлади Юлия Михайловна ёнида ўтирган Варвара Петровнага караб.

Варвара Петровнанинг нигоҳида гурур порлади. Бироқ Кармазинов француз тилида айтилган иборанинг порлоқлигини кўтаролмади-да, дарҳол Степан Трофимовичнинг сўзини тажанглик билан бўлди.

– Менга келсак, менинг бундан кўнглим тўқ, мен мана етти йил бўладик, Карлсруэда ўтирибман. Ўтган йили шаҳар кенгаши янги сувокава қузури ўтказишга қарор қилганда, мен ўзимни шундай ҳис қилдимки, мана шу Карлсруэ сувокаваси масаласи менга жонажон юртимнинг барча масалаларидан кўра кадрлироқ ва яқинроқ бўлиб туюлди... бу ердаги ислохотлар деб аталмиш давр ичида, албатта.

– Гарчи ўз қалбимга қарши бораётган бўлсам-да, бу гапларига хайрихоҳлик билдираман, – деб хўрсинди Степан Трофимович бошини маънодор қуйи эгиб.

⁵¹ Ҳамма жойда соғлом қарашдан кўра кўпроқ роҳиблар учраганидек (*франц.*).

⁵² Роҳиблар ҳақида чиройли гап (*франц.*).

Юлия Михайловна ғоятда мамнун эди: суҳбат ниҳоят теран бир йўналиш олганди.

– Мағзава окизадиган қувурми? – баланд овоз билан сўради доктор.

– Сув қувури, доктор, сув қувури, мен ўша пайтда лойиҳани тузишга ёрдам берганман.

Доктор хандон ташлаб қулди. Унинг орқасидан ҳамма докторнинг башарасига қараб туриб хахолади, доктор буни фаҳламади ва ҳамма қулаётганидан ўлардай мамнун эди.

– Бу гаплар унчалик тўғри бўлмаса керак, Кармазинов, – бетоқатлик билан ўртага тушди Юлия Михайловна. – Карлсруэ ўз йўлига, аммо сиз лақиллатишни яхши кўрасиз, лекин биз бу сафар сизга ишонмаймиз. Рус кишилари, ёзувчиларидан ким сизчалик кўп замонавий нусхаларни яратди, шунчалар энг замонавий масалаларни кўтариб чиқди, замонавий арбоб қиёфасининг асосини ташкил этадиган энг муҳим замонавий нуқталарни бошқа ким очиб берди? Сиз, фақат сиз, бошқа ҳеч ким. Ана шундан кейин бизни ватанингизга бефарқликда ва Карлсруэдаги сувоқава қувурини ҳамма нарсадан юқори қўйишингизга ишонтириб кўринг-чи! Э-ҳа-ҳа!

– Ҳа-я, мен албатта, – тамтамланди Кармазинов, – Погожев деган қаҳрамоним тимсолида славянпарастларнинг барча камчиликлари, Никодимов қиёфасида эса гарбпарастларнинг барча нуқсонларини очиб ташлаганман...

– Ол-а, ҳаммасини эмиш, – секингина пичирлади Лямшин.

– Лекин мен буни андак йўл-йўлакай кўрсатиб ўтганман, қандай қилиб бўлмасин, ишқилиб бу хира, шилқим вақт ўтсин дейман-да ва боз устига... ҳамюртларимнинг нурли-нурсиз хира суллоҳ талабларини ҳам қондирмоқчи бўламан.

– Сизга балки маълум бўлса керак, Степан Трофимович, – ҳаяжон билан сўзини давом эттирди Юлия Михайловна, – эртага биз гўзал сатрларни эшитиш бахтига муссар бўламиз... Семен Егоровичнинг энг охириги нафис

насрий илхомларидан бири, у «Merci» деб аталади. Бу аса-рида у бошка энди кўлига калам олмаслиги ҳақида ёзади, ҳатто кўкдан фаришта тушиб илтимос қилса ҳам, ёки яна ҳам яхшироғи, бутун олий жамият ундан бу фикрини ўз-гартаришни сўраганда ҳам, ҳеч қачон қарорини ўзгартир-маслигини айтади. Бир сўз билан айтганда, каламни умр-бод ташлайди, мана шу ғоятда фусункор «Merci» ўқувчи-лар жамоатчилигига қаратилган мурожаат бўлиб, унинг узок йиллар давомида софдил рус тафаккурига қилиб келган тўхтовсиз хизматларини доимо олқишлаб, кўклар-га кўтариб келганлигининг шукронасига миннатдорлик хис-туйгулари билан лиммо-лим тўлиб-тошгандир.

Юлия Михайловна шу тобда ўз иззат-фароғатининг юксак чўққиларига чиққан эди.

– Ҳа, мен хайрлашаётирман, «Merci» дейман-у жўнаб кетаман ва ўша... Карлсруэда... кўзимни юмаман, – секин хўрлиги келиб деди Кармазинов.

Бизнинг аксар улуғ ёзувчиларимиз каби (бизда эса улуғ ёзувчилар бисёр) у мақтовларни кўтаролмас, ўзи-нинг заковати, сўзамоллигига қарамай дарҳол тоб ташлаб бўшашиб кетарди. Аммо, мен ўйлайманки, бу кечирарли ҳол. Айтишларича, бизнинг Шекспирларимиздан бири ўзаро гап кетганда, «Нима ҳам қилиб бўларди, биз улуғ инсонларда бошқача илож ҳам йўқ» ва ҳоказо, деган экан бунинг фаркига бормай.

– Ўша Карлсруэда кўзларимни юмаман. Биз, улуғ ин-сонлар, ўз вазифамизни адо этиб бўлгач, тақдирлаш, му-кофотлар кутмай тезроқ кўз юмишимиз керак. Мен ҳам шундай қиламан.

– Менга манзилини айтинг, мен Карлсруэга бориб кабрингизни зиёрат қиламан, – хаддан зиёд хандон отиб кулди немис.

– Ҳозир ўликларни темир йўллар орқали ҳам жўна-тишяпти, – деб қолди қутилмаганда камсукум ёшлар ичи-дан аллаким.

Лямшин завқи келиб, таъсирланиб, кийкириб юбор-ди. Юлия Михайловнанинг кош-қовоғи уюлди. Николай Ставрогин қириб келди.

– Сизни бўлимга олиб кетишибди, деб эшитдим-ку?
– овозини баланд кўтариб деди у ҳаммадан бурун Степан Трофимовичга карата.

– Йўк, мен ўз бўлмамда колдим, – деб ҳазил қилди Степан Трофимович.

– Аммо мен умид киламанки, бу менинг илтимосимга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, – яна гапни илиб кетди Юлия Михайловна, – мен умид киламанки, сиз анави бе-маъни воқеага қарамай (унинг нималигини мен ҳали-ҳанузгача аниқ билолганим йўк), бизнинг рижо-ю таманноларимизни унутмассиз ва биз ўқувчиларингизни асарингиз мутолаасидан бебаҳра қилиб қўймассиз.

– Мен билмадимки, мен... энди...

– Рости, мен жуда озурда бўлдим, Варвара Петровна... ўзингиз бир тасаввур қилинг, мен эндигина русларнинг пойдор ва ажойиб ақл эгаларидан бири бўлмиш киромий зот билан яқиндагина шахсан танишиб бошим осмонга етиб турганда, муни қарангки, кутилмаганда, Степан Трофимович биздан узоқлашмоқчи бўлиб турибдилар.

– Мактов шунчалар аён айтилдики, эшитмасликни сира иложи қолмади, – деди дона-дона қилиб Степан Трофимович, – лекин мен каминайи камтаринга сизнинг эртанги байрамингизда иштирок этиш зарурати бормикин, билмадим, ҳар нечук, мен...

– Ийе, сиз уни жуда эркалатиб юборасиз-ку! – дея кичкирди Петр Степанович хонага югуриб кириб келатуриб. – Мен уни эндигина қўлга олгандим, бирдан кутилмаганда эрталаб денг – тинтув, қамоқ, полиция унинг ёқасидан олган, мана энди кўринг, ҳокимнинг уйида уни хонимлар қуршаб олиб, алла қилишяпти-я! Э, энди бу шароитда унинг ашула айтмаган жойи қолмайди-ку; бунақа байрам унинг ҳатто тушига ҳам қирмаган. Ана энди унинг социалистларни абжак қилишини кўринг!

– Ҳечам ундай эмас, Петр Степанович. Социализм шундай улуг гоёки, буни Степан Трофимович билмаслиги мумкин эмас, – жонкуярлик билан унинг ёнини олди Юлия Михайловна.

– Гоя ҳақиқатан буюк, аммо унга риюя қилувчилар ҳар доим ҳам буюк эмаслар-да, *et brisons-la, mon cher*⁵³, – деб фикрини охирига етказди Степан Трофимович ўтлига қарата, ўрнидан қўзғаларкан.

Аммо шу пайт яна кутилмаган воқеа рўй берди. Фон Лембке салонга кириб келганига бирмунча вақт бўлган эса-да, ҳамма унинг кириб келганини кўрган эди-ю, лекин ҳеч ким эътибор бермаганди. Аввалги фикридан қайтмаган Юлия Михайловна ҳамон ундан юз ўгирмоқда эди. У эшик яқинида ўтирганча, бўлаётган гап-сўзларга тўмтайиб жиддий кулоқ тутарди. Эрталабки воқеалар имо-ишора билан тилга олинганини эшитгач, у жойида ўтиролмай безовталана бошлади, сўнг князнинг қалин крахмалланган олдинга туртиб чиққан ёқаларига кўзи тушиб, хайратланганча бақрайиб унга қараб қолди; кейин ҳозиргина югуриб кирган Петр Степановични кўриб, овозини эшитиб, бирдан сесканиб тушди, Степан Трофимович социалистлар ҳақидаги зарбулмасалини эндигина тугатган ҳам эдики, бирдан унинг олдида борди, йўл-йўлакай елкаси билан Лямшинни туртиб ўтди, Лямшин шу заҳоти ўзини кўрқиб кетган ва ажаблангандай кўрсатиб, елкаларини худди қаттиқ оғриётгандай уқалаганча ўзини четга тортди.

– Бас! – деди фон Лембке чўчиб тушган Степан Трофимовични куч билан қўлидан тутиб, уни қаттиқ сиқаркан. – Бас, замонамизнинг флибустьерлари аникланди. Гап-сўз тўхтатилсин. Чоралар кўрилди...

У шундай баланд овозда сўйладики, бутун хона эшитди, гапини шаҳд билан тугатди. Ҳамма музтар ва ўсал бўлди. Ҳаммада ёқимсиз бир таассурот қолди. Мен Юлия Михайловнанинг ранги оқариб кетганини кўрдим. Ҳаммаси бемаъни бир тасодиф билан тугади. Чоралар кўрилганлигини маълум қилган Лембке кескин бурилди-да, хонадан шиддат билан чиқиб кета бошлади, аммо икки қадам юрмай гиламга қоқилди-ю, мункиб кетди, йиқилишига оз қолди. У бир зум тик қотди, қоқилган жойга кўз ташлади ва: «Алмаштирилсин!» – деди-да, ташқарига чиқиб кет-

⁵³ Шу ерда тўхтатсак ҳам бўлар (*франц.*).

ди. Юлия Михайловна унинг орқасидан чопди. У чиқиши ҳамоноқ ғовур-ғувур кўтарилди, ҳеч нарсани тушуниб бўлмасди. Кимлардир «юрагига қил сиғмайди» дейишса, бошқалари «гирифтор» дейишарди. Учинчи бировлари пешонани нуқиб кўрсатишарди; Лямшин икки бармоғини шох қилиб боши устига қўйди. Қандайдир оилавий маш-машаларни тилга олишар, албатта буларнинг ҳаммасини шивирлаб айтишарди. Ҳеч ким кетишга ошиқмас, ҳамма ниманидир кутарди. Мен Юлия Михайловна нима қилиб улгурганини билмадим-у аммо беш дақиқалардан сўнг у қайтиб кирди, бор кучи билан осуда, хотиржам кўринишга ҳаракат қиларди. У мужмалроқ қилиб Андрей Антонович бироз хаяжонланиб турганини айтди, ҳечқиси йўқ, у болаликдан шундай, деди, мен биламан «анча яхши», эртанги байрам унинг кайфиятини кўтаради, деб қўйди. Кейин одоб юзасидан яна Степан Трофимовичга бир канча мактов-тасаннолар билдириб, дарҳол овозини баландлатиб қўмита аъзоларини мажлисни очишга таклиф этди. Шундан сўнг қўмита ишида қатнашмайдиганлар тарқалмоқчи бўлиб туришди; аммо оғрик-изтиробларга тўлган бу серташвиш куннинг саргузаштлари ҳали-вери тугайдигандек эмасди...

Мен Николай Всеволодович кириб келгандаёқ бир нарсани сездимки, Лиза унга ялт этиб тикилиб қаради-ю, кейин ундан узоқ вақт кўзини узмади, – бу шунчалар узоқ давом этдики, ҳатто бошқаларнинг эътиборини ҳам тортди. Мен Маврикий Николаевич унга томон орқадан эгилганини кўрдим, афтидан, қизга ниманидир пичирлаб айтмоқчи бўлди, аммо, чамаси, фикридан қайтиб, ҳаммага худди ўзи айбдордай бирма-бир олазarak боқиб, тезгина яна қаддини ростлади. Николай Всеволодович ҳам ўзига қизиқиш уйғотди: унинг башараси одатдан ташқари оқарган, нигоҳи эса ҳаддан ортиқ паришон эди. У кириб келганда Степан Трофимовични саволга тугди-ю, кейин шу захоти буни унутди гўё, ва менимча, уй соҳибаси билан ҳам саломлашмади ҳисоби. Лизага эса бир марта ҳам қарамади, – буни хоҳламагани учун эмас, албатта, балки, аник

айтаманки, кизни ҳам мутлақо пайқамасди. Шунда Юлия Михайловна вақтни йўқотмай охириги мажлисни очишни таклиф этгандан сўнг бир зум чўккан сукут ичида бирдан овозини атайлаб баландлатган Лизанинг янғроқ товуши эшитилди. У Николай Всеволодовични чақирди.

– Николай Всеволодович, сизнинг кариндошингиз, хотинингизнинг акаси бўлмиш бир Лебядкин деган капитан бор экан, менга нукул уятсиз хатлар ёзади, сизнинг устингиздан шикоят қилади, қандайдир сирларингизни ошкор қилмоқчи бўлади. Агарда у ҳақиқатда ҳам кариндошингиз бўлса, айтинг унга, мени хафа қилмасин, мени унинг даҳмазасидан қутқаринг.

Бу сўзларда ёмон бир иддао жаранглади, буни ҳамма сездди. Эҳтимол, бу кизнинг ўзи учун ҳам қутилмаган ҳол бўлди, аммо айб аниқ қўйилмоқда эди. Киши ўзини баланд томдан пастга ташлаётганда, кўзини шундай маҳкам юмиб олади.

Аммо Николай Ставрогиннинг жавоби ундан ҳам ўтиб тушди.

Энг қизик томони, биринчидан, шунда эдики, у сира ҳайрон бўлмади ва Лизани жуда ҳам бамайлихотир диққат билан эшитди. Унинг юзида на хижолат, на ғазаб акс этди. У гаддор саволга оддий, катъий, сидқидилдан жавоб қилди:

– Рост, надоматлар бўлсинки, мен ўша одамга кариндош бўламан. Мана, беш йил бўладики, унинг синглиси Лебядкинага уйланганман. Менга ишонинг, сизнинг талабингизни албатта, унга етказаман. Амин бўлинг, у сизни бошқа безовта қилмайди.

Варвара Петровнанинг чехрасида шу онда акс этган даҳшатни ифодалашдан каламим ожиз. У худди ўзини ҳимоя қилгандай олдинга ўнг қўлини чўзиб телбанамо бир киёфада ўрнидан турди. Николай Всеволодович унга, Лизага, атрофдагиларга қаради-да, бирдан такаббурлик билан илжайди; у шошмасдан ташқарига йўл олди. Николай Всеволодович эшикка чиқиш учун ўгирилганда, Лиза сакраб дивандан турганини ҳамма кўрди, киз унинг

оркасидан чошиб чикмокчи бўлди, лекин хуши ўзига келди-ю, югурмади, ҳеч кимга бир оғиз сўз айтмай аста-секин чиқиб кетди, Маврикий Николаевич унинг оркасидан ўзини отди...

Шу кеча шаҳарда кўтарилган шов-шувлар, гап-сўзларни эслаб ўтирмай. Варвара Петровна шаҳардаги уйига камалиб олди, айтишларича, Николай Всеволодович онаси билан кўришмай, тўғри Скворешникига жўнабди. Степан Трофимович мени кечкурун махбубасининг қошига жўнатди, ундан мени қабул қилишни тайинлаб сўранг, деди, аммо бахтга қарши мени қабул қилмадилар. Степан Трофимович ларзага тушди, йиғлади. «Шуми никоҳ! Шуми никоҳ! Бахти қаро хонадон», – деб такрорлади у тўхтовсиз. Шу билан бирга у Кармазиновни ҳам эсидан чиқармас, уни ёмон сўкарди. Яна у ғайрат билан эртанги чиқишига тайёрланар, о – нафосат соҳиби-да! – тошойна олдида туриб машқ қилар, умри бино бўлиб айтган ўтқир сўзлар, ҳазилларини эслар, улар ёзиб қўйилган дафтарини титқилар, эртага сўз орасига баъзиларини қистириб кетиш учун мўлжалларди.

– Азиз дўстим, мен буни улуг ғоя учун қиламан, – дерди у менга ўзини оклагандай бўлиб. – Cher ami, мен йигирма беш йил муқим турган ўрнимдан бирдан қўзғалдим, қаёққа – билмайман, аммо мен йўлга тушдим...

УЧИНЧИ ҚИСМ

БИРИНЧИ БОБ

БАЙРАМ. БИРИНЧИ ҚИСМ

I

Ўтган «Шпигулинлар» кунининг турли машмашаларига қарамай, байрам бўлди. Мен шундай деб ўйлайманки, агарда Лембке ўша кечаси тўсатдан ўлиб-нетиб қолганида ҳам, бари бир байрам ўтаверарди, Юлия Михайловна бу байрамга шунчалар кўп ва алоҳида маъно ҳамда урғу берарди. Афсус, унинг кўзлари «шира босиб» охирги дамларгача ҳеч нарсани илғамай қўйган ва жамоатчилик ўртасидаги кайфиятларни тушунмас эди. Охирроғига бориб тантанали байрам куни қандайдир улкан бир саргузаштсиз, баъзи бировлар олдиндан қўлларини бир-бирига ишкалаб туриб айтмоқчи, «ечимсиз» ўтишига ҳеч ким ишонмай қўйди. Рост, кўплар ўзларини жуда жиддий қилиб, ковок солиб, сиёсий бир туге бериб кўрсатишарди; аммо, умуман олганда, ҳар қандай ижтимоий жанжал-суронли тўс-тўполон рус кишисини чексиз хурсанд қилади. Рост, бизда фақат жанжал-тўполонга ташналикдан ташқари яна бир қандайдир бағоят жиддий нарса: умумий даргазблик, қандайдир сира қонмайдиган хусумат мавжуд эди; ҳаммага бир нарса жонига тегиб кетгандай туюларди. Қандайдир ҳамма учун умумий бўлган чалкаш беҳаёлик ҳоким бўлди, бу ғоятда танг ва ғоятда зўраки беҳаёлик эди. Фақат хонимлар, ёлғиз бир нуқтада асло чалкашмас эдилар: у ҳам бўлса улар Юлия Михайловнага шафқатсиз бир нафрат билан боқардилар. Хонимларга дахлдор барча йўналишлар шу нуқтага келганда бирлашарди. У шўрлик бўлса, буни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди; у энг охирги дамларгача ҳамон атрофим аъён-ашрофлар билан қуршал-

ган ва уларнинг ҳаммалари «жон-дилдан менга садоқатли», деб ишонарди.

Мен бизда турли-туман нусхалар пайдо бўлганига ишора қилиб ўтган эдим. Ўтиш замони муваққат лиқирлаб турганда, ҳар доим ва ҳар қайда нурли-нурсиз нусхалар юзага чиқади. Мен ҳаммадан олдин (энг муҳими) шошиб-пишиб юрадиган, отинг кургур, «илғорларни» айтаётганим йўқ, улар кўпинча жуда аҳмоқона бўлса-да, лекин ҳар қалай, у ёки бу даражада олдиларига мақсад қўядилар. Йўқ, мен фақат каланғи-қасанғиларни айтяпман. Ҳар қандай замон эврилганда, ана шу мараз каланғи-қасанғилар кўтарилади, улар ҳар қандай жамиятда мавжуд, уларда ҳеч қандай мақсад бўлмайди, инчунин, заррача фикр ҳам йўқ, улар фақат нотинчлик ва ташвиш, қаноатсизлик бошлаб келадилар. Нафсламрига, мана шу разиллар ўзлари билмаган ҳолда, маълум мақсад билан ҳаракат қилаётган ана ўша «илғорлар» кичик тўдасининг ҳукми-ҳиккасига тушиб қолади ва булар энди каланғи-қасанғиларнинг бирини ўзи хоҳлаган томонга буриб юбораверади, гоҳида бу галанинг ўзи ҳам тамомила мияси айниганлардан ташкил топади ва шунақаси ҳам бўлиб турарди. Бизда мана ҳаммаси ўтиб кетгандан сўнг Петр Степановични байналмилал бошқарарди, Петр Степанович эса Юлия Михайловнани йўлга соларди, Юлия Михайловна эса унинг кўрсатмаси билан турли-туман каланғи-қасанғиларни сошлаб туради, деб юрадиганлар ҳам топилади. Бизнинг энг обрў-этиборли ақл эгаларимиз энди ўзларига ўзлари ҳайрон бўлишади: ўшанда биз қандай қилиб адашиб-улоқиб қолдик? Бизнинг ғира-шира ноаниқ замонимиз нимадан иборат эди ва эврилиш, ўзгаришнинг ўзи нимадан-нимагача эди – буни мен билмайман, ўйлайманки, буни бошқа ҳеч ким ҳам билмайди – эҳтимолки, буни бошқа ёқдан келганлар билар. Бу орада бирдан бемазадан-бемаза одамларнинг кўли баланд келиб, барча муқаддас нарсаларни баралла танқид қилишга тушдилар, холбуки, илгари улар огиз очишга ҳам журъат қилмасдилар, шу пайтгача баландда турган олдинги қаторни эгаллаганлар эса, бирдан ўзла-

ри жим турган холда, уларнинг гап-сўзларига кулок сола бошладилар; айримлари эса ҳатто шармандаларча қўллаб, хихилашгача тушдилар. Аллақандай Лямшинлар, Телятниковлар, заминдор Тентетниковлар, хоназод мишиқчи Радишчевлар, мунгли, аммо кибрли илжайган жуҳудлар, кулонгич келгинди сайёҳлар, пойтахтлик тарафкаш шоирлар, йўналиш ва истеъдод ўрнига бурмабел қўк камзул ва бўялган этик кийган шуаро, ўз унвонларининг бемаъни бефойдалиги устидан кулган, андак ортиқча акча кўрсатиб қўйилса, ўша заҳоти қиличларини ташлаб, темир йўлга мирзаликка оғиб кетувчи майорлар ва полковниклар; адвокатликка қочиб ўтган генераллар; ўсар воситачилар, ўсаётган тожирлар, сонсиз-саноксиз семинария толиблари, аёл масаласининг тимсоли бўлган аёллар, – буларнинг бари тўсатдан тўла устун бўлиб қолди, яна кимнинг устидан денг? Клубнинг устидан-да, обрў-эътиборли мансабдорлардан-да, ёғоч оёқларда юрувчи генераллардан-да, бизнинг ҳеч таслим бўлмайдиган ўта жиддий хонимларимиз жамиятидан-да устун бўлиб қолдилар. Агардаки, Варвара Петровнадай бир аёл, ўтглининг машмашасидан илгари, мана шу аблахлар инон-ихтиёрида югуриб-елиб юрганда, бизнинг бошқа Минерваларимизни⁵⁴ нима дейиш мумкин, уларнинг каллаварамликларини кечиришдан ўзга илож ҳам йўқ. Энди эса ҳаммасини Байналмилалга тўнкашади. Бу фикр шунчалар томир отдики, энди келгиндилар устидан ҳам чақимчилик қила бошлашди. Ҳали кўп бўлгани йўқ, ёши олтмиш иккига кирган, бўйнига Станислав нишонини таққан маслаҳатчи Кубриков ҳеч ким чақирмаса ҳам ўз ихтиёри билан келиб, хумор товуш билан уч ой мобайнида тўла-тўқис Байналмилал таъсирида бўлдим, деб айтди. Унинг ёши ҳамда хизматларини ҳурмат қилиб, аниқроқ ва ишонарлироқ айтинг, дейишганда, у ҳеч қандай далил-хужжат келтиролмаган, фақат «буни бутун юрагимда ҳис қилдим» деган ва ўз фикрида қолган, шундан сўнг уни бошқа сўроққа чақиришмаган.

⁵⁴ Минерва – Қадимги Рим асотирларида донишмандлик илоҳаси, илм-фан, санъат, хунар ҳомийси (*тарж.*).

Яна такорлайман. Бизда ҳам гоятда эҳтиёткор, бошидаёқ ҳеч кимга қўшилмай, ўз кўргонига қамалиб яшаган кичикроқ бир одамлар тўдаси ҳам бўлган. Аммо табиат қонунига қандай кўргон дош берсин? Энг эҳтиёткор хонадонларда ҳам рақс тушишга эҳтиёжи бўлган навкирон қизлар ўсади. Мана шу ойимларнинг ҳаммалари ҳам мураббияларга хайр-саховат учун иона қилдилар. Чексиз порлоқ, ажойиб бал, базм қилиш мўлжалланарди; гаройибдан-гаройиб гап-сўзлар тарқалганди, лорнет таққан князлар келармиш, чап елкасига тасма таққан, ўнта хушрўй навкирон йигит шотир эмиш; Петербургдан қандайдир арбоблар бўлармиш; машҳур ёзувчи Кармазинов иона кўпроқ тушеин деб, вилоят мураббиялари либосида ўзининг сўнгги «Мегси» асарини ўқирмиш; ажойиб либосларда «адабиётнинг жуфт ракси» ўтармиш ва ҳар бир либос битта бадийий йўналишни ифодалармиш. Ниҳоят, алоҳида либос кийиб «соф рус тафаккури» ҳам ўйинга тушармиш, – бу энди энг катта янгилик эди. Шундай экан, иона беришмай бўладими? Ҳамма иона бериш учун ёзилди.

II

Байрам куни дастурга кўра икки қисмга бўлинган эди: тушдан соат тўртгача адабий-бадий қисм, сўнг кеч соат тўққиздан у ёғи тун бўйи бал. Аммо шу кун тартибининг ўзидаёқ бошбошдокликнинг куртаклари намоён бўлди. Биринчидан, одамларда аввалданок нонушта дастурхони ёзилармиш деган овоза тарқалган эди, у адабий қисмдан кейин, атай ташкил этилган танаффус чоғида ўтармиш, – албатта, нонушта зиёфат дастурга кирган бўлиб текин бўлармиш, унда шампань ҳам берилармиш деган гаплар. Чипта баҳосининг жуда қимматлиги (уч рубль) мишмишларда асос бордай қилиб кўрсатарди. «Бўлмаса мен иона тўлаш учун ёзилармидим? Байрам бир кеча-кундуз экан, қоринни ҳам тўйғизиш керак-да. Одамлар очикади ахир», – бизда мана шундай ўйлашарди. Очигини айтишим керакки, Юлия Михайловна ўзининг ҳавойи фикрлари билан

бу ношойиста овозаларнинг чиқишига сабаб бўлди. Ҳали бир ой илгариек улуг мақсаднинг илк жозибали тўлқинларида, у дуч келган одамга ўзининг байрами ҳақида дoston ўқир, бу байрам чогида қадах сўзлари айтилиши борасида эса ҳатто пойтахт газеталаридан бирига хабар жўнатганди. Энг муҳими, уни ўшанда мана шу қадах сўзлари ўзига мафтун қилиб қўйган: ўзи ҳам қадах сўзи айтишни орзу қилар ва юраги орзиқиб ўша сўзларни тўқирди. Улар бизнинг байроқ гоғларимизни ифодалаши (қандай байроқ? Гаров ўйнаймани, шўрлик хоним ҳали икки огиз сўз ҳам тўқимаганди), улар макола шаклида пойтахт газеталарида чиқиши, олий раҳбарларнинг эътиборига тушиб, уларни мафтун этиб, таҳсинларига сазовор бўлиши ва шундан сўнг мамлакатнинг барча вилоятларига тарқалиб, ҳаммани ҳайратга солиб, тақдидларга сабаб бўлиши керак эди. Аммо қадах айтиш учун шампань зарур, шампанни эса оч қоринга ичиб бўлмайди, ўз-ўзидан равшанки, нонушта ҳам даркор. Кейин хонимнинг саъй-ҳаракатлари билан қўмита тузилди-да, ишга жиддийроқ тарзда киришилди-ю, дарҳол унга аниқ исботлаб берилдики, агарда базм қилинадиган бўлса, катта маблағ йигилган тақдирда ҳам, мураббияларга тортиқ қилиш учун ҳеч вако қолмайди. Шундай қилиб, масаладан икки турли натижа келиб чиқади: болтазарча базм⁵⁵ ва қадахлар ҳамда мураббияларга тўқсон рубль атрофида мукофот тегади ёки байрам баҳонасида анча-мунча хайрия маблағи, нима десак экан, ўз йўли билан тушади. Ҳар қалай, қўмита хонимни қўрқитиб қўймоқчи бўлади ва шу билан бирга учинчи йўлни тақлиф этади, бу оқилона ва келиштирувчи йўл бўлиб, яъники, байрам ҳар жиҳатдан шоҳона обрў-эътибор билан ўтади, унда фақат шампань бўлмайди, шундай қилиб, жуда катта маблағ қолади ва ундан тўқсондан кўра анча салмоқли бўлган мукофот ажратиш мумкин. Аммо Юлия Михайловна кўнмади;

⁵⁵ Болтазар – қадим Бобил салтанати охириги подшоҳининг ўғли. Болтазар эрадан аввалги 539 йилда Бобил билан Форс ўртасида уруш бораётганда тунда бир базм қилади. Шу тунда у форслар томонидан ўлдирилади. Бу бахтсиз базм тимсоли.

унинг табиати ўта нозик эди. Агар биринчи фикрни амалга оширишнинг иложи бўлмаса, деб туриб олди хоним, – унда дарҳол кенг суратда бошқа бир чорани қўллаш зарур, яъни бошқа барча вилоятларнинг ҳаваси ва ҳасади келадиган даражада улкан пул йиғиш керак. «Авом охир-окибат тушуниб етсин ахир, – дея тутатди хоним кўмитада сўзлаган баландпарвоз нуткини, – умуминсоний мақсадларга эришиш бир зумлик жисмоний лаззат-фароғатлардан кўра қиёслаб бўлмайдиган даражада юксақроқдир, байрам том моҳиятига кўра фақат буюк ғояни ўртага ташламоқдир, шунинг учун ҳам, сарф-харажати камтарин, немисча усулдаги бал, мажозий бир кичкина бал билан кифоялансак етарлидир, нима ҳам қилдик, қуриб кеткур шу одмигина балсиз ўтказишнинг сира иложи бўлмаса!» – шу қадар ёмон кўриб қолди хоним бал тушмагурни. Бироқ охирида ниҳоят уни хотиржам қилишди. Ва ниҳоят, ўшанда, мисол учун, жисмоний лаззат-фароғатлар ўрнини қоплайдиган «адабий-бадий жуфт рақс» сингари нафосатга дахлдор тадбирларни ўйлаб топиб, таклиф киритишди. Ана ўшанда Кармазинов ҳам алоҳа «МеҒси»ни одамларга ўқишга рози бўлди (унгача ҳаммани мижғовланиб мунтазир қилиб ўлдирди) ва шу йўл билан бизнинг аҳлларимизнинг батамом тийиксиз ақл-идрокидан ошқўрлик ғоясини ситиб-сидириб ташлашга жазм этди. Шундай қилиб, ҳар қалай, бал гарчи ундай маънода бўлмаса ҳам, бари бир, улуғвор тантанага айланадиган бўлди. Жуда ҳам баланд кўкка ҳаволаб кетмаслик учун бал бошланишидан олдин лимон солинган чой билан думалоқ печений, ундан сўнг оршад ва лимонад, охирида ниҳоят, музқаймоқ берадиган бўлишди. Доим ниманидир чайнагиси, ниманидир егиси келиб турадиган одамлар бўлади, улар доим ташна, – шуларга қатор тушган хоналарнинг энг охирида алоҳида бир буфет очиб қўйиш мумкин, бу иш Прохоричга (клубимизнинг бош ошпази) юклатилади, кўмита ҳам барча ишларни жиддий назорат остига олади, – ким нима сўраса, шу берилади, фақат бир шарт – пули тўланади, залга кириверишда эшик тепасига бу ҳақда эълон ёзиб қўйилади, бу-

фет дастурдан ташқари хизмат кўрсатади дейилади. Лекин эрталаб мутолаага халал етказмаслик учун умуман буфет очмасликка қарор қилишди, ваҳоланки, буфет Кармазинов «МеҒси»ни ўқишга рози бўлган ок залдан анча нарида бешта хонадан кейин очилиши мўлжалланганди. Шуниси ажойибки, мана шу воқеага, яъники «МеҒси»ни ўқишга, ҳатто энг амалий фикрловчи кишилар кўмитада жуда улкан аҳамият бериб қарамоқда эдилар. Шоирона фикрлайдиган кишиларга келсак, мисол учун шаҳар бошлигининг хотини сардоройим, Кармазиновга у мутолаани тутатиши биланок ўзининг ок зали деворига мармар лавҳа ўрнатишини маълум қилди, унда зарҳал ҳарфлар билан фалон йил, фалон ой, фалон куни худди мана шу ерда улуг рус ва Европа ёзувчиси қаламини қўя туриб, «МеҒси»ни ўқиди ва шу йўсинда бизнинг қадимий шаҳримиз аҳли афкори қиёфасида биринчи маротаба ўз рус китобхонлари билан хайрлашди, деб ёзиб қўйилади ва ушбу лавҳани «МеҒси» ўқилгач, беш соатдан сўнг балга йиғилганлар ҳаммаси ўз кўзи билан кўриб ўқишади. Мен шуни аниқ биламанки, Кармазинов эрталаб мен асарни ўқиётганимда буфет мутлақо очилмасин, деб талаб қилган, айрим кўмита аъзолари бу бизнинг одатларимизга тўғри келмайди деб, эътироз билдирсалар ҳам, кулоқ солмаганди.

Шаҳримиз аҳли ҳали ҳамон базми жамшид (болтазар базми) бўлади, кўмита буфет очиб бизни зиёфат қилади деб ишониб юрган маҳалда, аҳвол мана шундай бўлиб чиқди. Ҳатто боён ойимлар ранг-баранг ширинликлар, мураббо-лар ва бошқа ғаройиб ноз-неъматларни сўйлаб, сўлак оқи-зишарди. Катта маблағ йиғилганини бутун шаҳар билар-ди, иона ва хайриялар тикилиб ётибди дейишарди, туман-лардан пайдарпай одам келяпти, чипталар етишмаяпти. Чипта пулидан ташқари йирик хайриялар қилинганлиги ҳам барчага маълум эди: мисол учун Варвара Петровна чиптага уч юз рубль тўлабди ва яна бунинг устига ўз гул-хонасидаги гуллар билан бутун зални безатибди. Сардо-ройим (кўмита аъзоси) тадбир учун уйини берибди, бай-рам чироқлари, машъаллари билан чарогон қилибди; клуб

эса машшоқлар ва хизматкорлар ажратибди, Прохорични кун бўйи хизмат кўрсатишга тайинлабди. Бундай катта миқдорда бўлмаса ҳам, яна бошқа хайриялар ҳам оз эмасди, шунга қараб чиптанинг дастлабки баҳосини уч рублдан икки рублга тушириш тўғрисида мулоҳазалар бўлди. Кўмита ҳақиқатан аввал уч рубль қимматлик килиб, боён ойимлар келмай қўйишармикин, деб хавотирланган эди, шунинг учун ҳар бир хонадонга битта чипта етарли, битта боён ойим чипта олсин, қолган барча шу хонадонга тегишли ойимлар гарчи улар ўн нафар бўлсалар ҳам, текин кираверсалар бўлади, деб таклиф киритишганди. Аммо бу хавотирлар ўринсиз эканлиги маълум бўлди, аксинча, барча боён ойимлар ҳаммалари келишди. Ҳатто энг камхарж ходимлар ҳам қизларини олиб келишди, аёнки, қизлари бўлмаса, ионани хаёлларига ҳам келтиришмасди. Бир ўта ночор мирза котиб ўзининг еттита қизини, бунинг устига хотини билан жиянини бошлаб келди, уларнинг ҳар бирининг қўлида уч рубль тўланган чипталар бор эди. Тасаввур қилиш мумкин шаҳарда қанча ғала-ғовур бўлганини! Байрам икки қисмга бўлинганининг ўзини кўринг, аёллар эрталабки мутолаага алоҳида, кечки бал базмга алоҳида либослар киядиган бўлдилар. Кейинчалик маълум бўлишича, бизнинг ўртаҳол хонадонларимиз байрам муносабати билан оиланинг чойшабларию рўйжалари, уст-бошлари ва ҳаттоки тўшакларини ҳам кейинги икки йил ичида шаҳримизда ҳаддан ташқари кўпайиб кетган ва яна кун сайин кўпайиб бораётган жухудларимизга гаровга қўйганлар. Хизматчиларнинг ҳам деярлик ҳаммаси мояналарини олдиндан сўраб олишган, айрим заминдорлар эса чорва молларининг бир қисмини пуллашган, буларнинг ҳаммасини ўз қизлари, аҳли аёлларини маликалардай ясантириб келиш учун қилишган, кўриб қўйинг-да, биз кимдан каммиз. Бу сафарги либослар, ясан-тусаннинг ҳашамати бизнинг жойларимиз учун ақл бовар қилмаслик даражада эди. Байрамдан икки ҳафта илгариёқ шаҳримиз оилавий латифаларга лик-лик тўлиб кетган, бизнинг таниқли майнавозчиларимиз уларни дарров окизмай-томиз-

май Юлия Михайловнанинг саройига етказар эдилар. Оилалар ҳаётидан чизилган ҳажвий суратлар тарқалди. Мен ўзим Юлия Михайловнанинг альбомида шунга ўхшаган бир қанча расмларни кўрдим. Латифалар тўкиб чиқариладиган жойда буларнинг ҳаммаси барчага яхши маълум эди; назаримда мана шунинг учун ҳам оилаларда охириги пайтларда Юлия Михайловнага нисбатан ҳалигиндай нафрат билан қараш кучайганди. Мана энди кимни қараманг, сўкинади ва эсига тушиб, тишларини гижирлатади. Аммо олдиндан шу нарса равшан эдики, ўшанда кўмита қандайдир хатога йўл қўйса, нимадир етишмай қолса, ана унда кўринг қаҳр-газабни. Мана шунинг учун ҳам, барча ўзича жанжал чиқишини кутарди; уни ахир шундай интиқлик билан кутгандан кейин, қандай қилиб амалга ошмай қолсин?

Роппа-роса туш чоғида оркестр садоси янгради. Ўзим ўн иккита «тасма таққан ёш йигит» қаторида шотир эдим, бу шармандали кун қандай бошланганини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳаммаси эшик тагида ур-йикит, тикилинч билан бошланди. Биринчи қадамданок полициядан тортиб ҳаммаси қандай қилиб бундай хатога йўл қўйди экан? Мен келаётган одамларни айбламайман: оила бошлиқлари ўзларининг обрў-эътибор, хизмат даражаларига қарамай, ҳеч кимни туртиб-суртишмас, тикилишмас, аксинча, кўчадаёқ саройга кириш учун ёпирилиб, бир-бирларини итаришиб-суриб бораётган шахримиз оломонини кўриб, ҳаддан ортиқ лолу ҳайрон бўлиб қолишди, менга буни кейин ҳикоя қилиб беришди. Бу орада экипажлар кетма-кет келар, ниҳоят, кўчадан умуман ўтиб бўлмай қолди. Ҳозир бўлиб ўтган бу воқеаларни каламга олатуриб, мен шуни аниқ айта оламанки, шахримиздаги энг ярамас аблахлардан бир қанчалари Лямшин ва Липутин ҳамда мен каби шотир бўлиб турган айрим кишилар томонидан чипталарсиз ўтказиб юборилган эди. Ҳар ҳолда, туманлару яна аллақайлардан ҳеч ким танимайдиган номаълум одамлар келганди. Бу ваҳшийлар залга киришлари билан бир овоздан (худди ўргатиб қўйилгандек) буфет қаерда деб суриштиришар,

сўнг буфет йўқлигини билгач, ҳеч қандай одобга риоя қилиб ўтирмай, шу кунгача сира кўрилмаган шовкин-сурон солиб сўқинишарди. Рост, уларнинг баъзилари маст ҳолда келишганди. Баъзи бирлари худди ёввойилардек сардоройим саройининг ҳашаматидан ҳайратга тушиб, илгари ҳеч қачон бундай нарсани кўрмаганлари учун ичкарига кирган заҳоти оғизларини очиб антрайиб қолишар, тўрт томонга аланг-жалаң қарашарди. Мана шу улкан Оқ зал гарчи бироз эскириб қолган бўлса-да, ҳақиқатан ғоятда улугвор эди, унга икки хил бўёқ берилган, шифт қадим усулда безалган ва олтин ҳошиялар юритилган, равоқлар, деразалар орасида кўзгулар, оқ-қизил дарпардалар, мрамар хайкаллар (майли-да, бари бир хайкал-да), зарҳал, қизил барқут қопланган Наполеон замонларининг кўҳна залворли мебел жиҳозлари билан безатилган эди. Залнинг охирида эса асарларини ўқийдиган адиблар учун баланд эстрада ясалган, бутун залга эса худди театрнинг партеридек бошдан-оёқ стуллар қўйилган, улар оралаб ўтиш учун йўл қолдирилганди. Аммо ҳайратга тушишнинг илк дақиқаларидан сўнг бемаънидан бемаъни савол-сўроқ, гап-сўзлар бошланарди. «Биз, балки, асар ўқишларини хоҳламасак ҳам керак... Биз пул тўлаб келганмиз... Одамларни ғирт аҳмоқ қилишди... Биз хўжайинмиз, Лембкелар эмас!» Хуллас, уларни бу ерга худди мана шунга ўхшаш норозилик билдириш учун киритишгандек эди гўё. Айниқса, бир тўқнашув эсимда қолган, унда кеча Юлия Михайловнага меҳмон бўлиб келган, ёқаси тик чиқиб турадиган кўйлак кийган, ўзи қўтирчоқдек ғўдайган княз ўзини кўрсатди. У ҳам ҳоким ойимнинг кўймай қилган илтимосига кўра, ўзининг чап елкасига тасма тақиш ва бизнинг қаторимизда шотирлик қилишга рози бўлган эди. Буни қарангки, мана шу пружинага ўрнатилган шағамдай бир зот гарчи оғиз очиб гапирмаганда ҳам, кези келганда кўлидан иш келаркан. Бир маҳал орқасидан бир талай аблахларни эргаштириб юрган сўлакмондай истеъфодаги чўтир капитан: «Буфетга қайси томондан боради?» – деб князга хиралик қила бошлаган эди, княз полиция назоратчисига

имо қилди. Унинг кўрсатмаси дарҳол бажарилди: маст капитан қанча сўқинмасин, уни дарров ташқарига чиқариб юбордилар. Бу орада чинакам «томошабинлар» ҳам кўри-ниб қолди, улар уч қатор бўлиб стуллар оралаб жойларига ўтиб боришди. Тартибсизлик пасайди, аммо энг «тоза» томошабинларнинг қиёфаларида норозилик ва ажабланиш акс этарди; айрим хонимлар эса кўрқиб турардилар.

Ниҳоят, барча жойлашиб ўтирди; музыка ҳам тўхта-ди. Бурунларини қоқиб, томоқларини кириб, у ёқ-бу ёққа қарай бошлашди. Меъёрдан ортик тантанавор кутишар – бу яхши аломат эмасди. Аммо «Лембкелар»дан ҳали дарак йўқ эди. Ҳар томонда ипаклар, баркутлар, биллурлар ёниб, яракларди; ҳавода муаттар ислар кезарди. Эркаклар барча орден, нишонларини тўлдириб тақишган, чоллар эса ҳатто мундирларини кийиб олишганди. Ниҳоят, сардоройим ҳам Лиза билан бирга келди. Лиза шу тонг, шу фусункор либосларда нақадар гўзал эди! Сочлари зулф қилиб ўрилган, кўзлари ўт бўлиб порлар, юзи табассумдан янада очилиб кетганди. Ҳамманинг кўзи унда; бошдан-оёқ назар солишар, шивир-шивир қилишарди. У кўзи билан Ставрогинни қидираётган бўлса керак дейишарди, аммо на Ставрогин, на Варвара Петровнадан дарак бор эди. Мен ўшанда кизнинг юзидаги ифода нимани билдиришини англаб етолмадим: нечук унинг чеҳраси шунчалар бахти-ёрлик, қувонч, куч-ғайрат билан чарақларди? Мен кечаги воқеани эслаганим сари бошим қотарди. Аммо «Лембкелар» ҳамон кўринишмасди. Бу энди хато эди. Мен кейин шуни билдимки, Юлия Михайловна охирги дақиқагача Петр Степановични кутган, ахир кейинги пайтларда усиз бир қадам ҳам қўймас, аммо ҳеч қачон бунини ўзи бўйнига ҳам олмасди. Қавс ичида айтиб ўтайки, Петр Степанович яқинда қўмитанинг охирги йиғилишида шотирлик тасмасини тақишдан бош тортиб, Юлия Михайловнани йиғламоқдан бери қилди. Кейин у Юлия Михайловнани ҳайрон қолдириб ва ҳаддан ташқари хижолатга қўйиб (бунини олдинроқдан айтиб ўтаётирман) эрталаб ҳеч қаерда кўзга кўринмади ва адиблар мутолаасига ҳам келмади, хуллас,

то кечгача кўздан ғойиб бўлди. Ниҳоят, одамлар сабрсизлана бошладилар. Эстрадада ҳам ҳеч ким кўринмасди. Орқа қаторларда худди театрдагидек қарсак чалишга тушдилар. Қариялар ва бегойимлар хўмрайишарди. «Лембкелар» ўзларини тарозута солишни ҳаддан ошириб юборишди чоғи. Томошабинларнинг энг интизомли қисми ўртасида ҳам шивир-шивир юриб қолди, чамаси, байрам бўлмайдиганга ўхшайди, Лембке ҳақиқатан касал бўлиб қолган шекилли, ва ҳоказо ва ҳоказо, аммо, худога шукур, Лембкелар ниҳоят келишди; эри хонимни қўлтиқлаб олганди; тан олиб айтаманки, мен ҳам уларни келишмайди деб хавотир олгандим. Аммо масаллар ўз йўлига, ҳақиқат эса ўз кучини кўрсатарди. Томошабинлар енгил тортишди. Ҳамма Лембке соғ-саломат экан, деб барабар хулоса чиқарди, эсимда, қанчадан-қанча одамларнинг кўзи унда эди. Тавсифим тўлароқ бўлиши учун пугни ҳам билдириб ўтайки, бизнинг юқори табақага тегишли кишилар ичида Лембкени қандайдир касал, деб ўйловчилар кўп эмасди; унинг адо этаётган ишларини рисолада деб йўйишар, ҳатто кеча майдонда бўлиб ўтган воқеани маъқуллашарди. «Қанийди, бошидан шундай бўлса, – дейишарди мансабдорлар. – Бўлмаса, филантроп бўлиб келишади-ю, яна шунинг ўзи билан тугатишади, филантропияга керак нарсани унутиб қўйишади», – ҳар ҳолда клубда шундай фикрга келишганди. Фақат унинг жиззакилик қилганини айблашарди. «Буни совуққонлик билан қилса тузук, аммо ҳали янги-да», – дейишарди билимдонлар. Ҳаммалари Юлия Михайловнадан ҳам кўз узмасдилар. Айни бир нуқта масаласида мендан солномачи сифатида жуда аниқ тафсилотларни талаб қилишга, албатта, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ: бунда ўзининг еири, бунда аёл зоти бор; аммо мен фақат бир нарсани биламан: кеча окшом хоним Андрей Антоновичнинг бўлмасига кириб, то кеча яримдан оғгунча у билан бирга бўлди. Андрей Антонович кечирилган ва қаноатлантирилганди. Эр-хотин тўлиқ мурсага келишди, ҳаммаси унутилди, изҳори дилнинг сўнгида ўтган кечанинг бағоят уятли воқеасини эслаб, фон Лембке барибир

тиз чўкди, шунда хонимнинг майин қўллари ва оташин лаблари меҳри тошиб, ийиб, бўшашиб кетган валломатларча назокатли эрнинг оғзини тўсиб, бўсаларга кўмиб ташлади. Ҳамма хонимнинг чехраси бахтдан порлаганини кўрди. Хоним улугвор либосларда гоздай юриб борарди. У энг юксак орзу-истакларига етгандай эди, орзуларининг гултожи бўлган байрам амалга ошганди. Эстрада олдидаги ўз жойларига ўтишаркан, эр-хотин тўрт томонга таъзим қилишар ва таъзимларга жавоб қайтаришарди. Уларни дарҳол аъёнлар қуршаб олишди. Сардоройим уларга пешвоз чиқди... Аммо шу тобда бир ярамас англашилмовчилик бўлиб ўтди: оркестр ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ тантанали куй-туш чалиб юборди, бу қандайдир тантанавор эмас, балки ошхонада чалинадиган куй эди, бизнинг клубимизда расмий зиёфатда кимнингдир шарафига қадаҳ кўтарилганда, шундай мусиқа чалинардиган одатда. Буни ҳоким ва рафикасининг кириб келиши муносабати билан шотирлик қилаётган Лямшин уюштиргани менга аён эди. Албатта, кейин у аҳмоқлик қилдим ёки ортикча гайратим кўзиб кетди, деб баҳона кўрсатиши мумкин эди... Афсус, мен ўшанда ҳали улар баҳонайи сабаблар устида қайгурмай қўйганлари, фақат ҳозирги дамнигина ўйлаётганларини билмасдим. Аммо иш тантанали мусиқа чалиш билан тугагани йўқ: томошабинларнинг ажабланиб кулишлари билан бирга бирдан залнинг охирида равоқлар остида афтидан, яна Лембкеларни кутлаб бўлса керак, ура садолари янгради. Овозлар унча кўп эмас эди-ю, лекин тан олиб айтмай, бироз вақт янграб турди. Юлия Михайловна қизариб кетди, унинг кўзлари порлади. Лембке тек туриб қолди-да, бакираётганлар томонга ўгирилиб, залга улугвор ва жиддий кўз югуртира бошлади... Уни шоша-пиша жойига ўтқазишди. Мен яна юрагим така-пука бўлиб, унинг чехрасида кечагига ўхшаш хатарли илжайиш пайдо бўлганини кузатдим, у кеча эрталаб хотинининг меҳмонхонасида рўпара бўлмасдан олдин унга шундай илжайиш билан тикилиб бокқан эди. Назаримда, ҳозир ҳам унинг башарасида қандайдир бадкор ёвуз бир ифода зухур этди,

энг ёмони, бу бироз кулгилироқ ҳам эди, – курбон келтиришга мажбур бўлган одамларда бўлади бундай ифода, у эса хотинининг энг олий мақсадларига ўзини бахшида айламоқда эди... Юлия Михайловна шоша-пиша мени ўзи томон имлаб чақирди-да, югуриб Кармазиновнинг олдига боринг, у тезроқ чиқиб, бошласин, деб шипшиди. Лекин мен эндигина бурилиб кета бошлаган эдим, шу пайт олдингисидан ҳам бешбаттароқ бошқа бир хунук воқеа рўй берди. Ҳамма кўзини тикиб кутиб турган бўм-бўш эстрада сахнасида унда чоғроқ стол, унинг ёнида стул, стол устида эса мўъжаз кумуш патнисчага сув тўлдирилган стакандан бошқа ҳеч нарса йўқ эди, – мана шу бўм-бўш сахнада бирданига фрак кийиб, оқ бўйинбоғ таққан капитан Лебядкиннинг улкан гавдаси кўринди. Мен шу қадар ҳайратга тушдимки, ўз кўзимга ишонмадим. Афтидан, капитан хижолат чекиб эстраданинг ичкарироғида тўхтаб қолди. Бирдан томошабинлар орасида: «Лебядкин! Сенми?» – деган бақирик эшитилди. Капитаннинг аҳмоқона қип-қизил башарасига (у бутунлай маст эди) бу чақирикдан бемаъни бетамиз бир кулги ёйилди. У қўлини кўтарди, пешонасини артди, сочи саватдай бошини силкитди ва бор, нима бўлса бўлди дегандай, олдинга икки қадам ташлади ва бирдан қаттиқ бўлмаса-да, қўнғироқдай овози билан пиқирлаб кулди, бахтиёр қих-қихлаган бу товушдан унинг бутун бесўнақай гавдаси силкиниб турди ва кўзлари қисилиб кетди. Буни кўриб томошабинларнинг ярми кулди, беш-ўнтаси қарсак чалди. Жиддий вазмин одамлар қовоқ солиб бир-бирларига аланглашарди; бунинг ҳаммаси алҳол ярим дақиқача давом этди. Бирдан эстрадага бант таққан Липутин билан икки хизматчи чоғиб чиқишди; улар оҳиста капитаннинг қўлтиғидан олишди, Липутин эса унинг қулогига нимадир деб шивирлади. Капитан қошини чимирди: «Ундай бўлса, майли», деб тўнғиллади, қўл силтади, томошабинларга яғриндор елкасини тескари ўгирди-да, хизматчилар билан бирга чиқиб кетди. Аммо сал ўтмай Липутин яна сахнага сакраб чиқди. Унинг лабларида шакар қўшилган сиркани эслатадиган одатдаги до-

имий энг ширин табассуми ўйнарди, қўлида эса бир варак оқ қоғоз тутганди. У майда қадамлар билан тез-тез юриб, сахнанинг энг олдига чиқди.

– Жаноблар, – деб мурожаат қилди у жамоатга, – кулгилироқ бир англашилмовчилик бўлган эди, олди олинди; бироқ мен шу ерлик ўзимизнинг шоирнинг ўтиниб қилган илтимосини умид билан ўз устимга олдим... Одамийлик ва юсак мақсадларни ўз олдига қўйган ҳолда... аини чоқда булар бизнинг ҳам барчамизнинг мақсадимизки... у ҳозир қандай қиёфада эканидан катъи назар... вилоятимиздаги бечора қашшоқ ўқитган муаллима кизларнинг бошларини силаш учун йиғилган эканмиз... ана шу бир афандимиз, яъники шу ерлик ўз шоиримиз... номини очик айтилмаса ҳам... бал бошланмасдан олдин... яъни мен мутолаа бошланмасдан олдин демоқчиман... ўз шеърини бу ерда ўқиб эшиттирилишини ёлвориб сўради. Гарчи бу шеърни ўқиш дастурга кирмаган бўлса ҳам... нега деганда унинг қўлимизга текканига фақат ярим соат бўлди... аммо бизга шундай туюлмоқдаки, (кимга бизга? Мен бу узук-юлуқ, чалкаш-чулкаш сўзларни қандай бўлса, шундайича келтиряпман) ҳиссиётларининг ажойиб соддалиги, ундан ҳам ажойиброқ қувноқлиги билан омухта бўлиб кетган ҳолда бу ерда ўқиб беришга муносибдир, зероки, ундаги шўх қувноқлик бутунги байрам тантанамизга ғоятда ярашади... Қисқаси, мазмунан... бунинг устига бор-йўғи бир неча қатор, холос... мен хайрихоҳ жамоатчилигимиздан ижозат сўраган бўлардим.

– Ўқинг! – бўқирди бир овоз залнинг орқароғидан.

– Ўқийверайми?

– Ўқинг, ўқинг! – деган аллақанча овозлар эшитилди.

– Жамоатчиликнинг талабига биноан мен ўқийман, – қийшанглади яна Липутин ҳамон ўша шакардак табассуми билан. Ҳар қалай, у журъати етмагандай бўлиб турарди, назаримда, у хаяжонланмоқда эди. Булар қанчалар сурбет бўлмасинлар, барибир гоҳида улар қоқиладилар. Дарвоқе, семинария талабаси қоқилиб ўтирмасди, Липутин эса ҳар ҳолда эски жамиятга мансуб эди.

– Олдиндан огоҳлантириб қўяйки, бу илгари байрамларга ёзиладиган мадҳия эмас, бу шундай бир қувноқ ҳазил, кулгили ва ўйноқ ёзилган ва боз устига энг ҳаётий ҳақиқатни ифода қилган.

– Ўки, ўки!

Липутин коғозни ёзди. Рост, уни ҳеч ким тўхтатишга ултурмади. Бунинг устига у шотирлик тасмасини тақиб олганди. У жарангдор овоз билан ўкиди:

– Ерлик ватандошимиз мураббияга, байрам шоиридан.

*Салом, салом, мураббия!
Яйра, ўйна, парвоз қил,
Жорж-Зандмисан ё бошқа,
Кулиб, айшингни соз қил!*

– Э, бу Лебядкин-ку! Қип-кизил Лебядкиннинг ўзи!
– деб кичқиришди бир нечталар. Хаҳолаб кулишди, унда-бунда қарсақлар ҳам чалинди.

*Ўқитиб нардан-бери,
Фаранг алифбосига
Чулдирасин, понмарю
Кўз қисиб боласига!*

– Ура! Ура!
*Ислоҳотчи асримиз
Уқмас ҳатто пономар:
Ойим, зигирча зарур
Бўлмаса ўтмас ҳунар.*

– Баракалла, баракалла, ана шу «зигирча» ҳаммасидан аъло!

*Аммо энди базм қилиб,
Жийнаб бердик сармоя,
Рақсга тушиб, қоқилиб,
Сепинг жўнатдик боя –*

*Жорж-Зандмисан ё бошқа,
Яйраб ўйнаб маза қил.
Сепли бўлдинг, мураббия,
Тупур энди, ханда қил!*

Очигини айтсам, ўз кулоқларимга ишонмасдим. Бу шунақанги бетамизлик эдики, бир аҳмоқчилик қилгандир-да деб, ҳатто Липутинни кечириб бўлмасди. Ҳолбуки, Липутин сира аҳмоқ эмасди. Бошқаларга бўлмаса ҳам, менга уларнинг ниятлари аён эди: ишқилиб, тезроқ иш-кал чиқаришмоқчи эди. Бу жинни-санғи шеърнинг айрим сатрлари ва айникса, охиргилари сира куракда турадиган эмасди. Липутиннинг ўзи ҳам ҳаддидан ошириб юборганини сезиб қолди: у қилғиликни қилиб, худди жасорат кўрсатгандай бўлиб, саҳнадан тушгиси келмай қаққайиб турар, гўё яна ниманидир қўшимча қилмоқчига ўхшарди. У чамаси, бошқача бир тарзда чиқишни мўлжалларди; аммо бу «томоша»га қарсак чалган бир қанча ҳавосотта тушиб, жим бўлиб қолишди. Ҳаммадан ҳам бемаъни томони шунда эдики, уларнинг аксарияти «томоша»ни пасквиль – майнавозчилик каби эмас, ҳақиқатан мураббиялар хусусида кўтаринки ҳаққоний бир шеър, ғоявий бир нарсга деб қабул қилишди. Аммо шеърнинг ортик даражадаги бефаросатлиги охирида уларни ҳам хайрон қилиб қўйди. Жамоатчиликнинг бошқа бир қисми эса норози бўлиб ўтирар, афтидан, хафа эди. Бу таассуротларни баён этарканман, мен хато қилаётганим йўқ. Юлия Михайловна кейинчалик бу ҳол агар яна бир зум давом этганда, мен ҳушимдан кетардим, деб гапириб юрди. Шунда ҳамма ҳурмат қиладиган энг обрўли қариялардан бири кампири-ни ўрнидан турғизди-да, одамларнинг хавотирли нигоҳлари остида залдан чиқиб кета бошлади. Яна ким билсин, агар шу дамда фрак кийган, оқ галстук таккан Кармазиновнинг ўзи қўлида дафтари-ни кўтариб чиқиб келмаганда, чол-кампи-рининг кетидан бошқалар ҳам эргашиб чиқиб кетишармиди балки. Юлия Михайловна унга худди халоскордай кўзлари порлаб боқди... Аммо бу пайт мен саҳна ортига ўтдим; мен Липутинни кўришим керак эди.

– Сиз буни атай қилдингиз! – дедим унга қўлидан ушлаб.

– Мен, худо ҳақи, сира ўйламовдим, – деб дарҳол эгилиб-букилди у ўзини бахтсиз одамдай кўрсатиб, – шеърни ҳозиргина беришди, мен уни қувноқ ҳазилми деб ўйлабман...

– Сиз сира ундок деб ўйламагансиз. Наҳотки сиз шу ўта бемаза нарсани қувноқ ҳазил десангиз?

– Мен шундай ўйлайман.

– Сиз ғирт ёлгон гапиряпсиз, уни сизга ҳозир олиб келишгани йўқ. Сиз буни ўзингиз жанжал чиқариш учун кеча Лебядкин билан бирга тўкигансиз. Охири қатор сизники, пономарь ҳақидаги гап ҳам. Лебядкин нега саҳнага фрак кийиб чиқди? Демак, сиз уни чиқишга тайёрлагансиз, агар ичиб олмаганда?

Липутин менга совуқ заҳарханда билан қаради.

– Сизнинг нима ишингиз бор? – бирдан сўради у ғалати хотиржам бўлиб.

– Нега ишим бўлмасин? Сиз ҳам манави тасмани тақиб юрибсиз... Петр Степанович қаерда?

– Билмайман; шу ердадир; нима қилди?

– Менга ҳаммаси равшан. Бу Юлия Михайловнага қарши фитна, жанжал чиқармоқчисизлар...

Липутин яна менга қайрилиб қаради.

– Сизга нима? – деб иршайди ва елкасини қисиб нари кетди.

Устимдан худди совуқ сув қуйгандай бўлди. Барча гумонларим рост чиқяпти. Яна балки янглишаётгандирман деб юрган эканман! Энди нима қилишим керак? Мен Степан Трофимович билан маслаҳатлашмоқчи эдим, аммо у ойна қаршисида туриб, турли табассумларини синаб кўрар, қўлидаги турли белгилар қўйилган қоғозга тинмай дам-бадам қарарди. У ҳозир Кармазиновдан кейин саҳнага чиқиши керак, шунинг учун мен билан гаплашишга вақти йўқ эди. Юлия Михайловнага югуриб бораймикин? Аммо бунга ҳали эрта: унга энди ўзини «ўта садоқатли» одамлар томонидан «қуршалган» деб ҳис қилишдан кутулиш учун

янада каттикрок сабок зарур. Мен айтсам, у асло ишонмас ва мени фолбинга чиқариши мумкин эди. Бунинг устига нима ҳам ёрдам берарди? «Э-ха, – деб ўйланиб қолдим, – ҳақиқатан ҳам, менга нима зарур, ҳаммаси бошланганда, тасмасини ечаман-у уйга кетаман». Эсимда, худди шундай «ҳаммаси бошланганда» дедим.

Бирок Кармазиновни эшитгани борай. Саҳна орқасида охирги марта атрофимга қараб, бу ерда хийла кўп бегона одамлар борлигини сездим, ҳатто аёллар у ёқдан-бу ёққа юриб, чикиб-кираётганларини кўрдим. «Саҳна орқаси» торроқ бир жой эди, у залдан зич дарпарда тортиб тўсилган, орқадаги коридор орқали бошқа хоналарга кириларди. Бу ерда бизнинг адибларимиз кутиб ўтиришарди. Лекин шу дамда мени Степан Трофимовичдан кейин саҳнага чиқадиган маърузачи, айникса, ҳайратга солди. У ҳам аллақандай профессорлардан эди (мен ҳозир ҳам унинг аниқ кимлигини билмайман), у аллақайси муассасадан қандайдир талабалар низосидан сўнг ўз ихтиёри билан кетган экан ва бир неча кун бурун бизнинг шаҳримизга келиб қолган. Уни ҳам Юлия Михайловнага тавсия этишган ва хоним уни бажонидил қабул қилган. Мен ҳозир шундан хабарим борки, у то саҳнага чиқадиган бўлгунча хоним ҳузурида бир окшом катнашган, зиёфат давомида миқ этиб оғиз очмаган, Юлия Михайловнани қуршаган давранинг гурунгига муносиб ва мувосо бош ликирлатиб, лабларининг четин билан табассум қилибгина турган ва ҳаммада ўзининг кибру ҳавоси ҳамда тезгизакдай жиззакилиги билан ёқимсиз таассурот қолдирган. Унга Юлия Михайловнанинг ўзи саҳнага чиқишни таклиф этган. Шу тобда у худди Степан Трофимович сингари у бурчакдан бу бурчакка бориб келар, оғзини кимирлатиб тинмай пичирлар, лекин кўзларини ойнага эмас, ерга тикарди. Гарчи дам-бадам хирсу ҳаво билан илжайса ҳам, аммо жилмайишларини ойнада синаб кўрмасди. Унинг бўйи паст, ёши қирқларга борган, тепакал ва ярғоқ, соқолига бироз ок оралаган, яхши кийинган эди. Лекин ҳаммасидан кизиги, у ҳар айланганда, ўнг муштини юқорига кўтарар, боши те-

пасида айлантирар ва бирдан аллақандай рақибини ср билан яксон қилиб ташлагандай қуйи туширарди. Бу қилигини у дам сайин такрорларди. Мени ваҳима босди. Тезроқ Кармазиновни эшитгани югурдим.

III

Зал яна аллақандай нотинч, ғала-товур. Олдиндан айтиб қўяй: мен даҳонинг улуғворлиги олдида таъзим қиламан; лекин бизнинг ушбу даҳо афандиларимиз нима учун шонли умрларининг охирида баъзан худди ёш болалардай қилиқлар қиладилар? Лекин нима учун ҳозир Кармазинов подшоҳнинг нақ бешта мулозимиға ярашадиган савлату ҳашаматда чиқиб келди? Ахир битта мақола билан бизнинг одамларимизнинг диққат-эътиборини тўла бир соат тутиб туриш мумкинми сира? Умуман мен ўзим шундай бир фикрга келдимки, даҳоларнинг даҳоси бўлган тақдирда ҳам, омма ўртасидаги енгил адабий ўқишларда одамларнинг эътиборини йигирма дақиқадан ортиқ тутиб туриш қийин. Рост, буюк даҳонинг чиқиши ҳаддан зиёда ҳурмат-эътибор билан қарши олинди. Энг жиддий қариялар ҳам қутлаб олқишладилар, хонимлар эса ҳатто хайрату ҳасанот билдирдилар. Бироқ қарсақлар қисқа, сийрак, чап-чуп бўлди. Буни қарангки, охириги қаторларда ҳам ҳеч қандай шапир-шупур рўй бермади, жаноб Кармазинов сўзини бошлагунча ҳам баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда сув қуйгандек жимлик, тартиб бўлиб турди. Мен аввалроқ ҳам эслатиб ўтгандим, Кармазиновнинг овози ҳаддан ташқари чийиллаганроқ, ҳатто аёлларнинг овозиға ўхшар ва шу билан бирга чилакам оксуяк боёнлар каби эжиб тамтамланар, тамшанарди. У бир неча оғиз сўз айтиши билан бирдан қимдир овозини баланд қўйиб хаҳолаб қулиб юберди. Қайдам, балки ҳали бундай анжуманларни кўрмаган кўрроқ бир тентақдир, табиий, қулғиси кистагандир. Аммо шуниси аниқки, у буни атайлаб қилмади; тентакка дарҳол чор атрофдан пўниса қилиб ўриндилар ва дарҳол унинг овози ўчди. Аммо мана ниҳоят жаноб

Кармазинов таманно билан тамтамланиб, «аввалига ўқишга сира рози бўлгим келмади», деб эълон қилди (кимга керак экан бу эълон!). «Юракдан куйдай қуюлиб келади-ган шундай сатрлар бўладики, уларни сўз билан ифода-лаш қийин, уларни одамларга айтишнинг ҳам иложи йўқ» (унда нима учун айтяпсан?); «аммо мендан илтимос қилиб сўрадилар ва мен ниҳоят рози бўлдим, бунинг устига мен қаламимдан мангу воз кечишга ва бошқа ҳеч нарса ёзмас-ликка аҳд қилдим ва шунинг учун ушбу охирги нарсамни ёздим; мен жамоатчилик ўртасида ҳеч қачон ҳеч қандай нарсамни ўқимаيمان деб қасам ичганман, найлай, мана шу охирги асаримни сизга ўқиб бераман» ва ҳ.к. ва ҳ.к. — Ҳаммаси шунақанги гаплар.

Булар бари майлига, ким билмайди муаллифнинг мукаддимаси бўлишини? Яна ким билсин, айтиб қўяй, ки-шиларимизнинг чаласаводлиги билан орқа қаторларнинг тажанглиги бир бўлиб ўз таъсирини кўрсатиши мумкин эди. Мўъжазрок бир киссача ёки илгари ёзиб юрганларига ўхшаган кичкинагина бир ҳикояни ўқиб бера қолса, нима қиларкан, заргарона ва карашмали қилиб, баъзан заковат билан ёзарди-ку, илгари? Шунда ҳаммаси ўз ўрнига ту-шарди. Қайда дейсиз! Ана бошланди жимжима! Эй, ху-дойим, нималар демайди-я! Очигини айтай, бу оҳанжама-ларни эшитиб, фақат бизнинг одамлар эмас, пойтахт тинг-ловчилари ҳам серрайиб қотиб қолган бўларди. Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг, икки босма табоқ ноз-карашмали ўта сергап бефойда бир даҳмазани; бунинг устига адиб афандимиз нарсасини жуда баланддан келиб, худди бизга раҳм-шафқат қилгандай ҳасратли бир овоз билан ўқирди-ки, одамларимиз ҳатто ич-ичидан зил кетган бўлса ажаб-мас. Мавзуси... Ким англабди дейсиз мавзусини? Бу алла-нечук таассуротлар ҳақида, алланечук хотиралар ҳақида ҳисоботга ўхшарди. Аммо нима демокчи? Нима ҳақида? Ўқишнинг ярмига етгунча бизнинг вилоят каллахумла-римиз бошларини қанча шиширмасин, ҳеч нарсанинг фарқига боришолмай, шунданмикин, ўқишнинг иккин-чи қисмини фақат одоб юзасидан эшитишди. Рост, севги

ҳақида, даҳонинг қандайдир бир хонимга севгиси ҳақида жуда кўп сўзлар айтилди, аммо, очик айтишим керакки, бу қандайдир ярашмаган гапдай туюлди. Менинг фаҳми назаримча, даҳо адибнинг семизгина пакана жуссасига ўзининг биринчи бўсаси ҳақидаги ҳикоя унчалик муносиб кўринмасди... Яна шуниси ҳам одамга огир ботардики, бу бўсалар бошқа барча одамларникига ўхшамас, аллақандай бошқачароқ эди. Унинг атрофида нуқул сариқ гулли чўл буталари ўсади (албатта, сариқ гуллайдиган бутами ё бошқа бир ўсимликми, буни ботаникадан суриштириб кўришга тўғри келади). Бунинг устига осмон ҳам ялписига нафармон рангга чулганган, бунисини аммо ҳеч ким ҳеч қачон ҳеч қайда кўрмаган, яъни ҳамма кўрган-у, аммо ҳеч ким бунга эътибор бермаган, ҳолбуки, «мана, мен кўриб эътибор қилдим ва сиз, тентакларга тасвирлаб бераётирман энг оддий бир нарсa каби». Ғаройиб севишганлар бир дарахтнинг тагида, бу дарахтнинг туси, албатта, заргалдок. Улар Германиянинг аллақаеридадир ўтиришибди. Севишганлар кутилмаганда Помпей ёки Кассийни⁵⁶ жанг арафасида кўриб қолишади, ҳайратдан икковларининг этлари жунжикиб кетади. Қандайдир сув париси камишлар орасида чийиллайди. Глюк камишзорда гижжак чалади. У ўйнаётган асарнинг *en toutes lettres*⁵⁷ номи *Sop*, аммо ҳеч ким буни билмайди, уни мусиқа луғатидан кидириб топиш керак. Бу орада ёпирилиб қуюк туман тушади, бу туман шунчалар қуюк, шунчалар қуюкки, у туманга эмас, миллионлаган болишга ўхшайди. Шунда бирдан ҳаммаси ғойиб бўлади-ю, даҳо қайиққа тушиб киш эрувгарчилигида Волга дарёсининг нариги қирғоғига ўтади. Сув кечиб ўтишга икки ярим саҳифа ажратилган, лекин барибир у муз ўйиққа ботиб кетади. Даҳо чўкаёзади, – сиз уни чўкиб кетди, деб ўйлайсизми? Хаёлига ҳам келгани йўқ; бунинг бари шунинг учунки, у чўкиб, бўғзига сув тикилиб бораётганда, кўз ўнгига зигирдак муз парчаси пайдо бўлади, нў-

⁵⁶ Помпей (106-48 мил.ав.) – Рим консули, саркарда. Кассий (85-42 мил.ав.) – Рим зодагонларидан.

⁵⁷ Тўлиқ (франц.).

хотдек муз парчаси дейиш ҳам мумкин, у шунчалар тоза ва мусаффо, бамисоли «музлаган кўз ёши», мана шу муз парчасида бутун Германия акс этади, ундан ҳам яхшироқ айтганда, Германиянинг осмони, у порлаб ўйнаб бошқа бир кўз ёш томчисини эслатиб юборади, «Эсингдами, биз зумрад дарахт остида ўтирганда, у сенинг мижжангдан думалаб тушди ва сен шундай деб хитоб қилдинг: «Жиноят йўк!»» «Ҳа! – дедим мен кўз ёшимга гарқ бўлиб, – аммо, ундай бўлса, зоҳидлар ҳам йўк-ку, ахир. Биз хўнграб йиғлаб юбордик ва мангута айрилдик». – Қиз қайгадир денгиз бўйига, у эса қандайдир мағораларга; мана у Москвада Сухарево минораси тагига тушиб боради, уч йил тушиб боради ва ниҳоят еру заминнинг энг тубида, мағорада жинчиروقка дуч келади, жинчиروق олдида – дарвеш. Дарвеш ибодат билан машғул. Даҳо кичкина панжара дарчадан тикилиб қарайди ва шунда бирдан хўрсинган овоз эшитади. Сиз дарвеш хўрсингандир, дейсизми? Нима, у дарвешни бошига урармиди! Йўк, асло, бу хўрсиниш бор-йўғи, бундан ўттиз етти йил илгари «қизнинг биринчи марта хўрсинганини» эслатди, «Эсингдами, биз Германияда ақиқ дарахти тагида ўтирган эдик ва сен ўшанда менга айтгандингки, севишнинг нима кераги бор? Қара, атрофда воҳра ўсиб ётибди ва мен севаман, аммо воҳра ўсмай кўяди ва мен унда севмайман». Шунда яна қуюқ туман тушди, Гофман⁵⁸ пайдо бўлди, Шопен⁵⁹ қуйи ичида сув париси чийиллади ва шунда қутилмаганда Рим равоклари остида лавр чамбараги таккан Анк Марций⁶⁰ кўринди. «Бизнинг элқаларимиз хайратдан жимирлаб кетди, сўнг биз мангу айрилдик» ва ҳ.к. ва ҳ.к. Хуллас, мен балки айтиб беролмаётгандирман, айтиб беришга нўноқман, аммо суҳанбозликнинг асли маъноси худди мана шундай эди. Ва ниҳоят бизнинг буюк ақл эгаларимизга нима бўлган ўзи, улар

⁵⁸ Гофман, Эрнст Теодор Амадей (1776-1822) – немис романтик адаби. композитор, рассом.

⁵⁹ Шопен Фридерик (1810-1849) – поляк композитори.

⁶⁰ Анк Марций – қадим Римнинг етти машҳур саркардасидан бири.

шармандаларча сўз ўйинларини бунча яхши кўрадилар! Европанинг буюк файласуфи, улуғ алома, ихтирочи, захматкаш, жафокаш – буларнинг барчаси бизнинг улуғ рус даҳоси учун тер тўкади, унинг учун қайғуради ва унинг ошхонасида бамисоли ошпазлар каби таом ҳозирлайди. Бизнинг даҳо худди боён, ановлар эса қуллуқ қилиб қўлларида қалпоқчаларини тутган ҳолда унинг амр-фармонларини кутадилар. Рост, у Россия устидан ҳам такаббуруна кулади, Европанинг барча буюк ақл эгалари олдида Россия ҳар соҳада инқирозга учради, деб эълон қилишдан ортиқ ёқимлироқ нарса йўқ унга, бироқ унинг ўзига келганда эса, йўқ, у энди ушбу буюк ақл эгаларидан анча юксакка кўтарилиб кетди; улар ҳаммаси эндиликда унинг сўз ўйинлари учун қоралама, холос. У бошқаларнинг ғоясини ўзлаштиради, унга антитезалар ёпиштиради, қарабсизки, сўз ўйинлари тайёр! Жиноят бор, жиноят йўқ; ҳақиқат йўқ; тақводорлар йўқ; даҳрийлик, дарвинизм, Масков қўнғироқлари... Э воҳ, у энди Масков қўнғироқларига ишонмайди; Рим, лаврлар⁶¹ ... аммо у ҳатто лаврларга ҳам ишонмайди... Бу ерда Байрон ҳасратининг сийқаси чиққан тутқаноқлари, Ҳейнедан ўзлаштирилган қийшанглашлар, Печориндан ҳам алланарсалар бор, – чув, ана кетди, машина ишга тушди, ҳуштагини чалиб юборди... «Менга бир қаранглар, мақтанглар, мақтанглар, мен буни ҳаддан ортиқ севаман, ахир; қаламимни қўйдим деётган бўлсам, бу ахир омади бир гап, холос; шошмай тулинг хали, мен яна минг қарра жонингизга тегаман, ўқийвериб диққинафас бўлиб кетасиз...»

Ҳа-я, охири унча қовушмади; аммо мана шундан бошлаб чатоғи чиқди. Йўталиш, томоқ кириш, бурун қоқиш, тапир-тупурлар бошланганига анча бўлган эди, ким бўлмасин, одамларга йигирма дақиқадан ортиқ гап ўқиб, уларни танг-диққат қилса, бундан ёмони йўқ. Бироқ даҳо адиб буларнинг ҳеч бирини пайқамасди. У ҳамон чўзилиб тамтамланар, мингирлар, одамларга асло эътибор бермас,

⁶¹ Ғалаба чамбари (шухрат, эътироф аломати).

охири ҳамма зерикиб ўлди. Шунда бирдан охирги каторлардан ёлғиз чўнг овоз янгради:

– Вой худо, бунча бемаъни! – Бу товуш ҳеч қандай намоийшкорона бўлмай, беихтиёр чикиб кетди. Чарчаб толиққан бўлса керак-да, киши. Аммо жаноб Кармазинов тўхтаб тин олди, томошабинларга масхараомуз назар солди, сўнг нафсонияти оғриган сарой мулозими киёфасига кириб, бирдан яна тамтамланди:

– Жаноблар, мен сизларнинг жонингизга тегиб кетдим, шекилли?

Унинг хатоси мана шунда, биринчи бўлиб гап бошлаганида; у шундай жавоб талаб қилиб, шу билан турли аблахларнинг жағини очди, энди улар бемалол сўйлашга ҳақ олдилар ҳисоби, холбуки гап очишдан ўзини тийганди, унда булар йўталиб, бурунларини кокиб-кокиб, индамай қўя қолармидилар... Эҳтимол, у саволига жавобан қарсақлар чалинишини кутгандир; аммо қарсақлар бўлмади; аксинча, ҳамма худди кўркиб кетгандай, қунишиб, жим бўлиб қолди.

– Сиз умуман ҳеч қачон Анк Марцийни кўрмагансиз, бу ҳаммаси курук гап, – жаҳли чикиб, гаши келган, ҳатто оғринган бир овоз эшитилди.

– Айнан шундай, – унга дарҳол қўшилди бошка бир овоз, – ҳозир шарпалар йўқ, фақат табиёт фанлари. Табиёт фанларига қараб кўринг.

– Жаноблар, мен бундай эътирозларни сира қутмагандим, – қаттиқ ҳайратланди Кармазинов. Буюк даҳо Карлсруэда юравериб ватанидан анча узоклашиб кетган экан.

– Бизнинг замонамизда олам учта балик устида туради дейиш – уят, – бидирлаб қолди бирдан бир оғимқиз. – Кармазинов, сиз ғорларга, дарвешнинг олдига тушмаслигингиз керак эди. Энди дарвешлар билан кимнинг нима иши бор?

– Жаноблар, бу гапларни жиддий айтаётганингиз мени ҳаммасидан кўра ҳайрон қилиб қўйди. Воксан... воксан, сиз бутунлай ҳақсиз. Ҳеч ким ҳаёт ҳақиқатини менчалик ҳурмат қилмайди...

У истехзоли илжайиб турар, биров каттик ўсал бўлганди. Унинг чеҳрасидан: «Мен ахир сиз ўйлагандай эмасман, мен сизнинг тарафингиздаман, фақат мени мактанг, кўпроқ мактанг, иложи борича кўпроқ, мен буни шунчалар яхши кўраман...» – дегандай ифодани ўқиш мумкин эди.

– Жаноблар, – деб чинкириб юборди у ниҳоят кўнглига жуда оғир олиб, – кўриб турибман, менинг бу дostonим ёкмаганга ўхшайди. Менинг ўзим ҳам ёкмайдиган жойга келиб қолибман, шкилли.

– Урмоқчи эдим олакарғани, йўлимдан чикиб қолди оласигири, – бор овозини қўйиб бўқирди маст бўлса керак қандайдир бир васвос, лекин энди бунга эътибор бериб ўтиришнинг сира ҳожати йўқ эди. Рост, бир бестамизнинг кулгани эшитилди.

– Оласигир дейсизми? – дарҳол олиб қайтарди Кармазинов. Унинг овози тобора чинкириб чикарди. – Олакарғалар ва сигирларга келганда, жаноблар, мен тилимни тияман. Одми ўхшатишлар қилиб ўтирмайман, зеро, мен ҳар қандай жамоатчиликни ҳурмат қиламан; лекин мен ўйловдимки...

– Лекин сиз, марҳаматли жаноб, ўзингиздан кетманг... – кичқирди аллаким орқа қаторлардан.

– Биров мен каламимни қўя туриб, ўқувчиларим билан хайрлаша туриб, мени эшитсалар керак, деб умид қилгандим...

– Йўқ, йўқ, биз эшитишни истаймиз, эштамиз, – ниҳоят биринчи қаторлардан журъатли овозлар янгради.

– Ўқинг, ўқийверинг! – бир канча хонимларнинг шодумон, ҳаяжонли товушлари эшитилди ва ниҳоят, майдарок, сийрақрок бўлса-да чапақлар чалинди. Кармазинов оғзини қийшайтириб илжайди-да, ўрнидан турди.

– Сиз амин бўлинг, Кармазинов, биз сизни бошимизга кўтаришга тайёرمىз... – ҳаяжонини босолмай деди ҳатто сардоройимнинг ўзлари.

– Жаноб Кармазинов, – бирдан зал ичкарасидан бир навқирон овоз жаранглади. Бу туман билим юртининг

бух ёшгина муаллими, ювош ва ғоятда олийжаноб, биз-
да яқиндагина қўноқ бўлган ажойиб кўркем йигит эди. У
ҳатто ўтирган жойидан турди. – Жаноб Кармазинов, мен
сиз тасвирлагандай севиш бахтига муяссар бўлсам, ростни
айтсам, ўз муҳаббатимни оммага ўқиш учун ёзилган
мақолага асло киритмаган бўлардим...

У ҳатто қип-қизариб кетди.

– Жаноблар, – қичқирди Кармазинов, – мен тутатдим.
Охирини ўқимайман, етар энди. Аммо энг сўнгги олти қа-
тор хулосасини ўқишга рухсат этинг.

«Хўп, хайр энди, ошно ўқувчим!» – дарҳол қўлёзма-
дан ўқишга тутинди у энди креслога ҳам ўтирмай. – Хайр,
ўқувчим; мен ҳатто дўст бўлиб хайрлашайлик, деб талаб
қилмайман; нима ҳам қилдим сени ташвишга қўйиб? Май-
лига, мени уриш, о, мени уришавер, кўнглингга сикқанча,
балки сен бундан роҳатланарсан. Лекин энг яхшиси, биз
бир-биримизни мангуга унутайлик. Ва мабодо, сиз, барча
ўқувчиларим, менга шунчалар меҳрибон бўлиб, тиз чўкиб,
кўз ёшлар тўкиб: «Ёз, ёзавер биз учун, о, Кармазинов, –
ватан учун, авлодлар учун, шараф гулчамбарлари учун
ёз», – деб нидо айласангиз ҳам, ҳа, шунда ҳам, мен тўла
одоб-икром ва миннатдорчилик ила шундок жавоб берган
бўлурдим: «Йўқ энди, азиз ватандошларим, биз узоқ за-
монлар сиз билан гаплашдик, мерси! Энди бошқа-бошқа
ёққа кетгаймиз! Мерси, мерси, мерси».

Кармазинов тақаллуф билан таъзим бажо келтир-
ди-да, худди қайноқ сувда пишгандай қип-қизариб, парда
ортига йўл олди.

– Ҳеч ким тиз чўкмайди; бу хомхаёл.

– Шухратпарастлигини қаранг!

– Э, бу фақат ҳазил, – деб уни тўғрилади бироз тушу-
надиганроғи.

– Йўқ, бунақа ҳазили ўзига буюрсин.

– Аммо, бу бетамизлик, жаноблар.

– Ишқилиб охири тутатди-ку.

– Тоза зерикиб ўлдик-да!

Аммо орқа қаторлардан чиқиб турган бу оми овозлар (дарвоқе, фақат орқа қаторлардангина эмас) томошабинларнинг бошқа бир қисми урган қарсак садолари остида кўмилиб кетди. Кармазиновни сахнага чорлашарди. Юлия Михайловна ва сардоройим бошчилигидаги бир қанча хонимлар сахна олдига жам бўлишди. Юлия Михайловнанинг бир кўлида оқ баркут ёстиқчага қўйилган лавр чамбари, иккинчисида янги тоза атиргуллар дастаси бор эди.

– Чамбарлар! – деб қўйди Кармазинов бирмунча ингичка ва нозик заҳарханда қилиб. – Мен бағоят миннатдорман ва олдиндан тайёрлаб қўйилган, лекин ҳали сўлиб улгурмаган гулчамбарни бажонидил қабул қиламан; лекин сизларни чин дилдан ишонтириб айтаманки, mesdames, мен бирдан нарсаларга шундай соғлом фикр билан қарай бошладим, энди бизнинг асримизда бундай гулчамбарлар, лаврлар менга эмас, кўпроқ моҳир ошпазга ярашгай...

– Э, ошпазнинг кўпроқ фойдаси тегади-да, – деб қичқирди шу тоб Виргинскийнинг уйидаги «йиғин»да қатнашган ўша бояти семинария талабаси бўлган йигитча.

Бироз тартибсизлик рўй берди. Гулчамбар топшириш маросимини кўриш учун қаторларда ўтирган одамлар ўринларидан сакраб турдилар.

– Мен энди ошпазга яна уч сўлкавой бераман, – баланд овоз билан деди кимдир, шунчалар овозини кўтариб айтдики, гапини қитмирона таъкидлаётгандай бўлди.

– Мен ҳам.

– Мен ҳам.

– Наҳотки бу ерда буфет бўлмаса?

– Жаноблар, бу ҳаммаси ёлғон...

Яна шуни ҳам тан олиш керакки, ушбу ўтакетган бевош ва шалоқ афандилар ҳали залда ўтирган мансабдорлар ва приставдан ҳайиқишарди. Ўн дақиқалар ўтгач, барчалари яна амал-тақал қилиб жой-жойларига ўтиришди, аммо энди бари бир аввалгидек тартиб йўқ эди. Бечора Степан Трофимовичнинг чиқиши мана шунақа ҳавосотга тўғри келди...

IV

Бироқ мен яна сахна орқасига, унинг олдига ўтишга улгурдим, ортик ҳаяжонланганимча уни огоҳлантирдим, менимча, ҳаммаси расво бўлди, дедим, яхшиси, сиз сахнага чиқмай қўя қолинг, иситмам чиқаяпти деб баҳона қилинг-у уйга дарров жўнанг, мен ҳам кейин тасмани ечиб сиз билан бирга кетаман. Бу пайтда у сахна томонга ўтиб бораётганди, бирдан тўхтади, менга бошдан-оёқ кибру ҳаво билан разм солиб чиқди-да, тантанаворроқ қилиб шундай деди:

– Сиз, марҳаматли жанобим, нима учун мени шундай тубанликка қобил деб ўйлайсиз?

Мен чекилдим. Икки қарра иккидай ишончим комил эдики, у сахнадан талафотсиз чиқмайди. Шундай дилтир бўлиб турсам, яна рўпарамда меҳмон профессор кўринди, у Степан Трофимовичдан кейин сахнага чиқиши керак эди, боя у муштини тугиб дам юқорига кўтариб, дам шиддат билан пастга тушираётганди. У ҳамон ўйга ботиб, нималарнидир тинмай минғирлаб истехзоли, аммо тантанавор табассум таратиб, наридан-бери бориб келарди. Мен кўнглимга ҳеч нимани келтирмай яқин бордим (нима зарур экан менга).

– Биласизми, – дедим мен унга, – агар йигирма дақиқадан ортик муттасил гап ўқилса, одамлар жуда зерикиб қолади, бунга мисоллар кўп. Энг машҳур одам ҳам одамлар эътиборини ярим соатдан зиёд тутиб туrolмайди.

У бирдан тўхтади ва ранжиб, титраб кетгандай бўлди. Унинг чехрасида чексиз калондимоғлик акс этди.

– Ташвиш чекманг, – дея пичирлади у нафратланиб ва нари ўтиб кетди. Шу пайт залдан Степан Трофимовичнинг овози эшитилди.

«Э, бундан бешбаттар бўлмайсанми ҳаммаларинг!» – деб ўйладиму залга қараб чопдим.

Залда ҳамон бироз ғала-говур, Степан Трофимович креслога ўтирди. Олдинги қаторларда, афтидан, уни хушламай, бадхоҳ назар билан кузатишарди. (Кейинги вақт-

ларда клубда уни унча хушламай кўйишган, аввалгига қараганда, ҳурматини анча йўқотганди). Ҳалиям яхши, зал жим ўтирарди. Кечадан бери бошимда галати бир фикр айланиб юради: назаримда, у сахнада кўриниши биланок хуштаквозлик бошланиб кетадигандай эди. Алалхусус, ҳали давом этаётган гала-говур ичида уни яхши кўриб ул-гурганлари ҳам йўқ эди, чамаси. Кармазиновдай одамгаки шундай муносабат қилишган экан, бу кишининг аҳволи не кечади денг? Устознинг ранги кув ўчган; ахир ўн йилдан бери у одамлар рўпарасига чиқмаган; уни яхши билганим учун, хаяжонланаётганидан сезиб турардимки, у ҳозир сахнага чиқишига ўз тақдирининг бир ечими ё шунга ўхшаш бир нарса деб қарарди. Мен худди мана шундан кўрқардим. Бу одам менга азиз эди. Ана, у оғзини очиб, биринчи айтган жумласини эшитганимда, менинг аҳволим қандай бўлганини бир кўрсангиз!

– Жаноблар! – бирдан юрак ютиб ҳаммасига журъат қилгандай бошлади у, айна чоғда пўкиллаган овоз билан. – Жаноблар! Бутун эрталаб яқинда ташлаб кетилган ғай-риконуний варақалардан биттаси столим устида ётар ва мен ўзимга ўзим юзинчи марта савол берардим: «Унинг сири нимада?».

Бутун зал жим бўлиб қолди, барча нигоҳлар унга қалди, баъзи бировлар чўчиб тушдилар. Биринчи сўзи биланок ҳамманинг диққат-эътиборини ўзига тортди. Ҳатто парда ортидан ҳам бошларини чиқариб қарашди; Липутин билан Лямшин ютоқлик билан кулоқ солишди. Юлия Михайловна яна мени қўли билан имлади:

– Тўхтатинг, қандай бўлмасин, тўхтатинг! – шивирлади у безовталаниб. Мен елка қисдим; *аҳд қилган* кимсани тўхтатиб бўладими? Эвоҳ, мен Степан Трофимовични тушундим.

– Эй-ҳа, варақаларни айтяпти-ку! – шивир-шивир бошланди залда; ҳамма гимирлаб қолди.

– Жаноблар, мен бунинг бутун сирини очдим. Бутун сири – уларнинг аҳмоқлигида! (Унинг кўзлари чўғдай ёнди.) – Ҳа, жаноблар, бу атай қилинган, тўкиб чиқарилган

аҳмоқлик бўлганда, – о, унда бу ғоятда қойил иш бўларди! Аммо уларга тўла адолат билан тан бермоқ керак, улар ҳеч нарсани тўкиб чиқаришмаган. Бу энг шир яланғоч, энг соддафаҳм, энг мухтасар аҳмоқлик, – *c'est la betise dans son essence la plus pure, quelque chose comme un simple chimique*⁶². Зигирча ақллироқ қилиб айтилганда, ҳар бир одам ушбу калтаи кўтаҳ аҳмоқликнинг бутун қашшоқлигини дарҳол кўради. Аммо ҳозирги ҳолида ҳамма ҳайрат бармоғини тишлаб қолади: ҳеч ким бунинг шунчалар ибтидий ҳамоқат эканлигига ишонгиси келмайди. «Бу ерда шундан бошқа ҳеч вақо бўлмаслиги мумкин эмас», – дейди ҳар ким ўзича ва махфий сирини қидиради, сўзлар тагида яширинган маънони топмоқчи бўлади – кузатилган мақсад ҳам ўзи шу! Кўпинча ҳамоқат ўзи муносиб бўлишига қарамасдан о, ҳеч қачон бундай тантанавор мукофотни олган эмас... Зотан, *en parenthese*⁶³, ҳамоқат, ва жумладан, энг олий даҳо инсоният тақдирларида баб-баробар фойдалидирлар...

– Қирқинчи йилларнинг сўз ўйинлари! – кимнингдир камтарона овози эшитилди, аммо унинг кетидан алғовдалғов бўлиб кетди; шовқин-сурон кўтарилди, ғақ-ғук бошланди.

– О, худойим, ура! Жаноблар, мен ҳамоқат учун қадаҳ таклиф этаман! – деб қичқирди Степан Трофимович кутуриб кетиб, зални алғов-далғов қилишга уриниб.

Мен унга сув бериш баҳонасида олдиға югуриб бордим.

– Степан Трофимович, бас қилинг, Юлия Михайловна сўраяпти...

– Йўқ, сиз мени турткилашни бас қилинг, такасалтанг йигитча! – у бор овози билан бақириб менга ташланди. Мен қочиб кетдим. – *Messieurs!* – давом этди у, – нима бу тўполон, нима бу дарғазаб бақир-чақирлар? Мен зайтун чамбар кўтариб келдим. Мен охирги калом билан келдим,

⁶² Бу ўз моҳиятига кўра энг соф аҳмоқлик, у худди кимёвий моддага ўхшайди.

⁶³ Дарвоқе.

зероки, бу ишда мен охирги калом эгасидирман, – кейин биз муроса қилгаймиз.

– Йўқол! – кичкирарди бировлар.

– Секин, қўйинг, гапирсин, гапини айтсин, – деб бўкирарди бошқалари. Айникса, ёш муаллим қаттиқ жунбушга келган, бир марта сўз айтишга журъат қилиб, энди сира ўзини тўхтата олмасди.

– Messieurs⁶⁴ бу ишда охирги сўз бу – умумяраш. Мен ёшини яшаган қарияман, мен тантанали суратда эълон қиламан, ҳаёт руҳи аввалгидек эсмоқда ва ёш бўғинларда тирик куч-қудрат ҳамон жўш урмоқда. Замон ёшларининг ғайрат-шижоати худди бизнинг замонларимиздаги каби ҳамон мусаффо ҳамда мунаввар. Фақат бир нарса ўзгарди: максадлар алмашди, бир гўзаллик ўрнини бошқа гўзаллик эгаллади! Ҳамма гап қайси бири гўзалроқ эканлигида: Шекспирми ё этик, Рафазлми ё петролей?⁶⁵

– Бу чакувми? – бўғилишарди баъзилар.

– Иснод!

– Agent-provocateur!⁶⁶

– Мен эсам айтаманки, – жунбушнинг энг сўнг нукта-сига чикиб чийиллади Степан Трофимович, – мен эълон қиламанки, Шекспир билан Рафазль – дехқонлар озодлигидан юқори, халқпарварликдан юқори, социализмдан юқори, ёш авлоддан юқори, кимёдан юқори, деярли бутун инсониятдан юқори, зероки, улар ҳақиқий самара, инсониятнинг ҳақиқий самараси, балки бўлиши мумкин бўлган энг олий самара! Бу гўзаллик эришган шакл, бу шакл бўлмасайди мен яшашга ҳам рози эмасдим... О худойим! – чапак чалиб юборди у, – ўн йил аввал мен Петербургда сахнада туриб худди шундай кичкирган, худди шундай сўзларни айтгандим. Улар худди шундай ҳеч вақони тушунишмаган ва худди ҳозиргидай кулишган, гаптиришмаганди; эй, қалтайи кўтах одамлар, сизга нима етмайди ахир тушуниш учун? Ахир сиз биласизми, биласизмики,

⁶⁴ Жаноблар!

⁶⁵ Қорамой, нефть.

⁶⁶ Агент – ифвогар, провокатор

инсоният инглизсиз ҳам яшай билади, Германиясиз яшай олади, русларсиз ҳам бемалол яшайверади, илм-фансиз мумкин, нон-тузсиз мумкин, фақат гўзалликсиз мумкин эмас, зеро, бусиз дунёда қиладиган иш қолмағай! Барча сир мана шунда, барча тарих мана шунда! Илм-фаннинг ўзи бир зум ҳам гўзалликсиз туролмайди, – сиз буни биласизми, кулонғичлар, – у ҳамоқатга айланиб кетгай, михни ўйлаб тополмайсиз!.. Йўк, кўнмайман! – бемаъниларча қичқирди у охири ва бор кучи билан столни муштлаб урди.

У шундай сабаб-бесабаб вағирларкан, зал ҳам ғала-ғовур бўлиб кетди. Кўплар ўринларидан сакраб туришди, баъзи бировлар сахнага яқинроқ ёпирилиб боришди. Умуман, булар ҳаммаси мен баён қиладигандан кўра тезроқ, бир пасда рўй берди, чорасини кўришга ҳам улгуришмади. Балки, буни ишташмагандир ҳам.

– Тайёрга айёрсизлар, тавиялар! – нақ сахна олдига бориб бақирди семинария талабаси, Степан Трофимовичга тишларининг оқини кўрсатиб ҳузур қилиб. Устоз буни сезиб қолди-ю, сахна четига келди:

– Мен ҳозир айтмадимми ёш авлоднинг ғайрат, шижоати аввалгидек тоза ва ойдин деб, у фақат гўзалликнинг шаклларида адашиб, ўзини ҳалокатга дучор қиляпти! Сизнинг нимангиз кам? Анави абгор, хўрланган ота айтганча бўлса, наҳотки, о, ақли кўтаҳлар, – наҳотки, холислик ва муросайи мадора нуқтаи назаридан ҳам юқорироқ туриш мумкин?.. Кўрнамақлар... нобакорлар... нега, нега ахир сиз муросага келмайсиз!..

У бирдан хўнг-хўнг йиғлади. Кафтлари билан оқиб тушаётган кўз ёшларини артарди. Елкалари, кўкраги йиғидан силкинади... У дунёдаги ҳамма нарсани унутганди.

Ҳамма батамом кўркувга тушди, бутун зал оёққа калқиди. Юлия Михайловна ҳам шитоб ўрнидан турди, эрининг қўлтиғидан тутиб турғиза бошлади... Жанжал каттайиб борарди.

– Степан Трофимович! – шодон қичқирди семинария талабаси. – Шаҳарда ва унинг чеккаларида Федька

Каторжний деган сургундан қочган киши изғиб юрибди. Талончилик қияпти, яқинда яна одам ўлдирди. Сиздан сўрашга ижозат этинг: агар сиз уни ўн беш йил бурун қартада киморга ютқизиб қарзингиз ҳисобига мажбуран рекрут хизматига жўнатмаганингизда сазога тушармиди, айтинг? Тирикчилик учун одамларни бундай сўярмиди? Бунга нима дейсиз, жаноб гўзалликпараст?

Мен бундан кейинги манзарани тасвирлашга ожизман. Биринчидан, суронли қарсак бўлди. Залнинг ҳаммаси эмас, бешдан бири қарсак урар, аммо буни жон-жаҳди билан қиларди. Бошқалар эшик томонга ёпирилди. Аммо қарсакбозлар сахнага қараб интиланлари боис ҳамма айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Хонимлар чинқиришар, айрим ойимқизлар йиғлашиб, уйга кетамиз, дейишарди. Лембке ўз жойида тикка туриб, чор атрофга кўзлари косасидан чиқиб алангларди. Юлия Михайловна бизга келганидан бери биринчи марта ўзини йўқотиб қўйган, каловланиб қолганди. Степан Трофимовичга келганда эса, у бир зум талабанинг сўзидан кейин абжағи чиққандай ўсал бўлиб турди; аммо бирдан одамлар узра иккала кўлини кенг ёзиб кўтарди-да, фарёд килди:

– Оёғимнинг хоки туробини қоқдим, лаънатлайман... Тамом... тамом...

Шунда у орқасига ўтирилиб, қўлларини силкитиб, пўписа қилиб, сахна ортига югурди.

– У бизни ҳақорат килди!.. Ушла Верховенскийни! – бўқиришди ашаддий кутурганлар. Ҳатто унинг орқасидан қувиб бормоқчи ҳам бўлишди. Уларни ҳеч босиб, эпакага келтириб бўлмасди, шунда кутилмаганда, йиғин узра худди бомба портлагандай батамом талафот юз берди: боя парда орқасида муштрларини ўкталиб юрган учинчи маърузачи профессор бирдан мисоли савдойилардай сахнага отилиб чиқди.

У кўринишдан васвосларга ўхшарди. У тўлқинланиб турган залга ортик даражада манманлик билан оғзи қулоғига етгудай бўлиб тантанавор кулганча кўз югуртирди, чамаси, у бошбошдоқликдан мамнун эди. Бунда ғала-ғо-

вур ичида сўз айтиш афтидан уни сира ташвишлантирмас, аксинча, бундан хурсанд эди. Бу шундок аён кўриниб турардики, дарров одамларнинг диккатини тортди.

– Буниси нима экан? – ҳар ёқдан саволлар ёғилди, – буниси ким бўлди? Тш-ш! У нима деяпти?

– Жаноблар! – бор кучи билан чинқирди васвос сахна четида туриб, унинг ҳам овози худди Кармазиновнинг чийилдок-заифона овозига ўхшар, фақат у боёнларча тамтамланмас эди, холос. – Жаноблар! Бундан йигирма йил бурун, Европанинг ярми билан уруш арафасида Россия барча вазиру вузаролар назарида идеал каби қад кўтарганди. Адабиёт цензурага хизмат қиларди; университетларда чиройли юриш машқлари ўтказиларди; ҳарбий кўшинлар балетга айланган, халқ эса солиқ-ўлпон тўлаб крепостной ҳуқуқ қамчиси остида эзилиб ётарди. Ватанпарварлик тиригу ўликдан пора юлишга айланганди. Пора олмайдиганлар исёнчи деб ҳисобланар, зеро, ўзаро уйғунликни бузишарди. Тартиб-интизомга хизмат қилсин деб, кайинзорлар қийратиларди. Европа зир титрарди... Аммо Россия минг йил бебош ҳаёт кечириб, ҳеч қачон бунчалик шармандаликка учрамаганди...

У муштини шахд кўтарди, уни боши узра шодумон ва қахрнок айлантирди ва бирдан худди рақибини тамом мажаклаб ташлагандай ғазаб билан куйи урди. Ҳар ёқдан жазавага тўлиқ нидолар янгради, кулоқни батанг қилиб гулдурос карсақлар гувлади. Залнинг ярми карс урарди; гоятда маъсум марокланишарди: бутун авом кўз ўнгиде Россия хўрланса-ю, завқинг-шавқинг келиб ўқирмаслик мумкинми ахир?

– Ёу бошка гап! Бормисан! Ура! Ўргилдим эстетикангдан!

Васвос шодумон хайкирарди:

– Ўшандан буён йигирма йил ўтди. Университетлар очилди, кўпайди. Машқ қилиб чиройли юришлар афсона бўлиб қолди; кўшин тўлиқ бўлиши учун минглаб офицерлар етишмайди. Темирийўллар барча сармояларни еб ту-

гатди ва Россияни ўргимчак уясидай ўраб олди, шундай-ки, ўн беш йилдан сўнг, чамаси, у ёқ-бу ёқларга борсак ҳам бўлади. Кўприклар ахён-ахёнда ёниб турибди, шаҳарлар эса ўрнатилган тартибда навбатига қараб ёнгин фаслида тўғри ёняпти. Судлар Сулаймон замонларидан қолган ҳукмларни чиқаришади, сайланган вакиллар эса ёлғиз очдан ўлмаслик, тириклик учун кураш боис пора-пориш олишади. Крепостнойлар эрк олишди, энди илгариги помешчиклар ўрнига гаврон таёқлар билан бир-бирларини ўласи қилиб урадилар. Бюджетга ёрдам тариқасида денгиз-денгиз, уммон-уммон ароқлар ичилмоқда, Новгородда эса, қадим ва бефойда Софиянинг рўпарасида ўтиб кетган бебошлик ва тартибсизликларнинг минг йиллиги хотирасини нишонлаб, улкан бронза шар тантанали равишда қад ростлади. Европа қовоғини солиб яна безовта бўлмоқда... Ислохотларга ўн беш йил тўлди! Ҳолбуки, Россия ўз бебошвоклигининг ҳатто энг аянчли даврларида ҳам ҳеч қачон бунчалар тубан...

Авом ўқирар, охириги сўзларини ҳатто эшитиб бўлмасди. Маърузачи яна мушгини дўлайтириб голибона қуйига ургани кўриниб турарди. Шодумонлик битмас-туганмасди; бўқиришар, зўр бериб қаре уришар, ҳатто айрим хонимлар шундай деб қичкиришарди: «Бўлди! Бундан ортиқ айтолмайсиз!» Худди маст бўлиб қолганга ўхшашарди. Нотиқ ҳаммани бирма-бир кўздан кечирар ва ўз тантанаси селобида гўё эриб кетмоқдайди. Мен Лембке ифодалаб бўлмас ҳаяжон ичида қимгадир қандайдир кўрсатма бераётганини кўриб турардим, ранги бўздай оқарган Юлия Михайловна ўзининг олдида чопиб етиб келган князга нималарнидир шоша-пиша сўйларди... Аммо худди ушбу дақиқада олтига яқин расмийлар саҳна орқасидан отилиб чиқиб келдилар-да, нотиқни таппа босиб орқага олиб чиқиб кета бошладилар. Билмайман, қандай бўлди, аммо нотиқ улар қўлидан юлқиниб чиқди-да, яна саҳнанинг нақ четиға югуриб келди ва кучи борича муштларини ҳавода силкитиб, қичкириб улгурди:

– Аммо Россия ҳеч қачон бундай...

Аммо уни яна судраб кетишди. Мен ўн бештача келадиган одам уни кутқариш учун саҳна орқасига югурганларини кўрдим, аммо улар саҳнадан эмас, саҳна ёнидан омонат тўсиқни қулатиб ичкарига ёпирилдилар, тўсиқ ниҳоят қулади. Сал ўтмай, саҳнага қаёқдандир пайдо бўлган талаба қиз (Виргинскийнинг жияни) сакраб чиққанини кўриб кўзларимга ишонмадим, у қўлтиғига ўша тутунчасини қистириб олган, худди ўшандай кийинган, ўшандай қизарган, ўшандай тўйган кўзидай, атрофини иккита-учта аёллар, икки-уч эркаклар қуршаган, унинг қаттол ракиби – гимназия ўқувчиси ҳам унга ҳамроҳ эди. Бир жумла қулоғимга кириб ўрнашиб қолди:

– Жаноблар, мен бахтсиз талабаларнинг азоб-уқубатларини ошкор этиш учун, уларни ялпи норозилик билдириш учун чақиргани келдим.

Аммо мен югуриб кетдим. Тасмамни чўнтагимга яширдим ва ўзим биладиган орқа йўллардан ўтиб, бинодан кўчага чиқдим. Ҳаммадан бурун, албатта, Степан Трофимовични топишим керак.

ИККИНЧИ БОБ

БАЙРАМНИНГ ТУТАШИ

I

У мени қабул қилмади. У эшикни ичидан беркитиб ичкарида ёзиб ўтирарди. Менинг қайта-қайта тақиллатишимга эшик орқасидан жавоб берарди:

– Азиз дўстим, мен барини тутатдим, бундан ортик яна мендан нима керак уларга?

– Сиз ҳеч нарсани тутатганингиз йўқ, балки ҳаммаси барбод бўлишига қўмаклашдингиз. Худо ҳақи, ҳадеб сўз ўйини қилаверманг, Степан Трофимович; очинг. Чора кўриш керак; ҳали бу ерга келиб қолишлари ва сизни таҳқирлашлари мумкин...

Мен ўзимни талабчан бўлишга, сўраб-суриштиришга ҳақли деб ҳисоблардим. Унинг яна бошқа бир ақлга сигмайдиганроқ иш қилиб қўйишидан кўркардим. Аммо, не ажабки, унинг кутилмаган бир катъиятига дуч келдим:

– Мени ўзингиз биринчи бўлиб ҳақорат қилмангиз. Менга қилган барча яхшиликларингиздан миннатдорман, лекин қайтариб айтаман, мен одамлардан қўлимни ювиб қўлтиғимга урдим, яхшисидан ҳам, ёмонидан ҳам. Мен Дарья Павловнага мактуб ёзаётирман, шу пайтгача уни эсимдан чиқарганимдан таассуфдаман. Мактубни эртага, агар хоҳласангиз, олиб бориб берасиз, ҳозирча хайр, «merci».

– Степан Трофимович, гапимга ишонинг, иш сиз ўйлагандан кўра жуда жиддий. Сиз у ерда ҳаммасини дабдала қилдим, деяпсизми? Сиз ҳеч кимни дабдала қилганингиз йўқ, ўзингиз бўш шишадай чил-чил синиб тушдингиз (о, кўполлигим, одобсизлигим курсин; жуда афсусланиб эслайман!). Дарья Павловнага хат ёзишнинг сира ҳожати

йўқ... Менсиз энди қаёққа борасиз? Амалий ҳаётда нима-ни биласиз? Сиз ростдан ҳам бирон ишга жазм қилдин-гизми ё? Нимага жазм қилаётган бўлсангиз яна ишнинг пачавасини чиқарасиз...

У ўрнидан туриб эшикка келди.

– Сиз улар билан оз вақт бирга бўлдингиз, аммо дар-ров уларнинг гап-сўзларини ўзингизга юқтирибсиз, *Dieu vous pardonne, mon ami, et Dieu vous garde*⁶⁷. Аммо сизда одоб-икром куртаклари борлигига доим эътибор берган-ман, балки ҳали ақл-хушингизни йиғиштириб оларсиз, – *apres le temps*⁶⁸, албатта, ҳамма ўзимизнинг рус кишилари-га ўхшаб. Мени ноқобил, ношуд дедингиз, сизга анчадан бери ўйлаб юрган бир фикримни айтай: бизнинг Россия-мизда сон-саноксиз кишилар шу билан шуғулланишадики, бошқа одамларни ношудликда айблашади. Худди ёз фас-лидаги пашшалар каби жон-жаҳдлари билан хужум қилиб талашади, ўзларидан бошқа ҳаммага хира бўлиб ёпиши-шади. *Cher*, эсингиздан чиқарманг, мен ҳаяжонланиб ту-рибман, мени қийнаманг. Ҳамма-ҳаммаси учун сизга яна бир карра *merci*, Кармазинов жамоат билан хўшлашган-дай, биз ҳам сиз билан хайралашамиз, яъни бир-биримиз-ни иложи борица олийжаноблик билан унутамиз. Карма-зинов муғомбирлик қилди, ўз собик ўқувчиларидан уни тезроқ унутишларини сўраб ялиниб ёлворди; *quant a moi*⁶⁹, мен эса унчалар худписанд эмасман, юрагингиз тажриба-сиз, ёш, мен шунга умид боғлайман: ҳеч кимга кераги бўл-маган мўйсафидни узоқ эслаб ўтирмассиз, ахир? Менга ўтган дақиқаларда Настасья «узоқ яшанг», деб айтди, сиз-га ҳам шуни тилайман, азиз дўстим (*ces pauvres gens ont quelque fois des mots charmants et pleins de philosophie*)⁷⁰. Сизга кўп бахт тиламайман – жонингизга тегиб кетади;

⁶⁷ Худойим сизни кечирсин, азиз дўстим, ўз паноҳида асрасин (*франц.*).

⁶⁸ Вақти-соати билан (*франц.*).

⁶⁹ Менга келсак (*франц.*).

⁷⁰ Мана шу бечора одамларда баъзан фалсафий маънога тўла гў-зал иборалар бўлади (*франц.*).

кулфат ҳам тиламайман; халкнинг доно сўзидан сўнг, оддийгина қилиб айтай: «Кўп яшанг» ва яна ҳаётдан унчалик зерикиб ҳам қолманг; бу беҳуда тилакни мен ўзимдан қўшиб қўяман. Хўп, хайр, хуш қолинг, бу хайрлашувимиз энди жиддий. Эшигимнинг тагида турманг, бари бир очмайман.

У эшикдан нари кетди ва мен бошқа ҳеч нарса қилолмадим. «Ҳаяжонланган» бўлишига қарамай, у шошилмай, силлиқ, салмоқ билан тушунтириб сўйлади. Рост, у мендан бироз хафа бўлган ва ўтган галги «ёпик аравалар», «суриладиган поллар» учун маълум даражада қасдини оларди. Бутун эрталаб андаккина ғалаба нашидасидан сўнг халқ ўртасида тўкилган кўз ёшлар уни бирмунча қулгили қилиб кўрсатар, унинг ўзи эса буни билар, ваҳоланки, дўст-ёрлар билан мулоқотда Степан Трофимовичдай гўзаллик ва мавзунликка риоя қиладиган зот камдан кам учрарди. О, мен уни айбламайман! Барча катта-кичик ларзаларга қарамай, унда сақланиб қолган инжалик, истехзога мойиллик ўшанда мени бироз хотиржам қилганди: доимий рўй бериб келаётган нарсаларга нисбатан қарийб ўзгармаган инсон, энди албатта, ушбу дамларда қутилмаган фожиали алланарсаларга ўзини урмайди тайин. Ўшанда мен шундай фикрга келдим, вой, худойим-а, қанчалар адашган эканман-а! Мен жуда ҳам кўп нарсаларни назардан кочириган эканман, эвоҳ...

Воқеалардан бироз олдинроққа ўтиб, ўша Дарья Павловнага ёзилган мактубнинг бир неча илк сўзларини келтириб ўтаман. Бу хатни қизпошша эртасигаёқ олганди.

«Mon enfant⁷¹», қўлим қалтираяпти, аммо мен барини тутатдим. Одамлар билан сўнгги жанг қилдим, сиз йўқ эдингиз; сиз бу «томоша»га келмадингиз ва ҳўб қилдингиз. Лекин сизга ҳикоя қилиб беришар, бизнинг характерларга қашшоқлашиб кетган Россиямизда бир гайратли инсон шахд ўрнидан туриб, ҳар томондан ёгилган оғир дўк-пўпсаларга қарамай, ушбу тентаквойларга бор ҳақиқатни рўй-рост айтди, сизлар тентаквойларсиз, деди. О, ce sont des

⁷¹ Кўзичоғим (франц.).

pauvres petits vauriens et rien de plus, des petits тентаквойлар – voila le mot!⁷² Чек ташланди; мен бу шахардан абади-ян кетаман, қайғалигини билмайман. Кимни севган бўлсам, ҳаммаси мендан юз ўтиришди. Аммо сиз, сиз содда ва мусаффо хилқатсиз, сиз маъсумасиз, бир инжик, ҳукмпармо қалбнинг амри билан тақдиримиз қовушмоғига оз қолди, бизнинг ўқилмаган никоҳимиз арафасида мен ожиз кўёшларимни тўккан маҳалда сиз эҳтимол бунга нафрат билан қарагандирсиз; сиз эҳтимол менга, ўзингиз ким бўлманг, кулинч бир қиёфа каби қарагандирсиз, о, сизга, сизгадир юрагимнинг сўнгги фарёди, сизгадир энг сўнгги бурчим, сизгадир ёлғиз! Мени кўрнамак тентак, оми ва худписанд деб қараманг, бир оқибатсиз, бераҳм юрак сизга ҳар дамда шундай деб балким тинмай қулогингизга қуяётгандир, мен ушбу юракни ҳеч унутолмайман ва сизда ҳам абадул абад шундай фикр қолишини асло истамайман...»

Ҳаммаси ва ҳоказо шунақа гаплар, катта тўрт варак тўла.

Унинг «очмайман» деганига жавобан уч марта яна эшикни муштладим ва орқасидан, ҳали яна шу бугундан қолмай мени чакириб, уч марта Настасьяни юборасиз, аммо унда мен ўзим бормаيمان, деб кичқирдим уни ташлаб, Юлия Михайловнанинг олдига югурдим.

II

Бу ерда мен одамнинг газабини қайнатадиган воқеанинг устидан чиқдим: шўрлик аёлнинг юзи-кўзи демай ёмон лақиллатишар, менинг эса қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Ростдан ҳам, мен хонимга нима ҳам дейишим мумкин? Мен энди эс-ҳушим бироз ўзига келган, қандайдир сезгиларим, ич-ичимдан гумонсирашларимдан бошқа нимани ҳам билардим, деб фикрлардим. Мен кириб борганда хоним йиғларди, жазавага тушган, бурни, пешонасига атир ҳўллаб босар, олдида бир стакан сув. Унинг қоши-

⁷² Булар бари ночор майда аблаҳлар, бошқа ҳеч нарса эмас, ночор тентаклар – худди ана шундай (*франц.*).

да тик туриб, Петр Степанович тўхтамай вайсар, княз эса худди кулфлаб қўйилгандай оғиз очмасди. Хоним кўзидан шашқатор ёшлар тўкиб, дам-бадам кичкириб, Петр Степановични «маслагидан қайтган муртад» деб, унга таъна-дашном ёғдирарди. Мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики, эрталабки бутун шармандалик, муваффақиятсизлик, бир сўз билан айтганда, бари-барини у фақат Петр Степановичнинг бўлмаганидан кўрарди.

Петр Степановичда мен муҳим бир ўзгариш рўй берганини пайкадим: у қандайдир бир нарсадан жуда каттиқ ташвишланар, ўзи жиддий тортиб колганди, одатда у ҳеч қачон жиддий кўринмас, ҳатто жаҳли чиқиб турганда ҳам, доим кулар, жаҳли эса тез-тез чиқарди. О, у ҳозир ҳам ғоятда тажанг, менсимай қўпол сўйлар, гаши келар, тоқатсизланарди. У, эрталаб азонда тасодифан Гагановнинг уйига боргандим, бошим оғриб, кўнглим айнаиди, деб ишонтирмоқчи бўларди. Эвоҳ, шўрлик хотин гўё яна бир карра алданишни истагандай эди! Мен байрамнинг иккинчи қисми, яъни бал бўлиши керакми, йўқми, деган энг катта масаланинг устидан чиқдим. Юлия Михайловна бояги «ҳақоратлардан» кейин ўла қолсам ҳам балга бормайман, деб турарди, бошқача қилиб айтганда, агарда фақат Петр Степанович қўярда қўймай мажбур қилгандагина бунга кўниши мумкин эди, ҳамма гап шунинг устида борарди. Хоним унга шу тобда кароматгўйдай қарар ва афтидан, у ҳозир кетиб қолса, шу захоти касалга чалиниб тўшакка ётарди. Аммо у кетишни ҳаёлига ҳам келтирмасди: унга бал бугун ўтиши ва Юлия Михайловна унда иштирок этиши ҳаммадан ҳам зарур эди...

– Э, кўз ёшидан нима фойда! Сизга, албатта, жанжал керакми? Кимгадир захрингизни сочмоқчимисиз? Майли, мана, менга сочинг, фақат тезроқ, вақт кетяпти, ҳал қилиш керак. Маъруза бўлмаса, бал бўлсин. Мана, княз ҳам шу фикрда. Э-ҳа, княз бўлмаса, у ерда холингиз нима кечарди?

Княз дастлаб балга карши турди (тўғрироғи, Юлия Михайловнанинг балга боришига карши эди, лекин бал-

нинг ўзи ҳар қандай ҳолда ҳам ўтиши керак эди), аммо икки-уч марта унинг фикрини сўрашгандан сўнг, аста-секин ҳимарилиб розилик билдира бошлади.

Мени яна Петр Степановичнинг муомаласидаги ҳаддан ташқари дағаллик ҳайрон қилиб қўйди. О, мен кейин тарқалган, Юлия Михайловна билан Петр Степанович ўртасида гўёки аллақандай алоқалар бўлган деган гапларни энг тубан ғийбат деб биламан ва жон-жаҳдим билан рад этаман! Бундай нарса асло бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмасди. Аслида нима эди, у хонимнинг жамият ишларига ва вазирликларга таъсир кўрсатиш ҳақидаги орзуларига шерик бўлди, ҳа деса, ҳайбаракалла деб турди, режаларини маъқуллади, ўзи ҳам унга режалар тузиб берди, тўпори мақтовларни аямай ёғдирди, улар билан оёк-қўлини батамом чирмаб ташлади ва шу тарика хонимга сув-ҳаводай зарур бўлиб қолди.

Хоним мени кўргач, кўзларидан ўт чакнаб кичқирди:

– Мана ўзидан сўранг, у ҳам княз билан бирга доим ёнимда бўлди. Айтинг, буларнинг ҳаммаси очикдан-очик фитна, тубан, маккор фитна эмасми, менга ва Андрей Антоновичга қилинган энг оғир, энг қабих ёмонлик эмасми? О, улар ҳаммаси келишиб олишган! Режа тузишган. Бу тўда, бутун бир тўда!

– Жуда узоқ кетдингиз яна. Бошингизда битта дoston тўкиб ташладингиз. Айтмоқчи, мен жанобларидан... (у ўзини менинг исмимни унутгандай қилиб кўрсатди)... хурсандман, бу киши бизга ўз фикрини айтади.

– Менинг фикрим, – дедим мен шоша-пиша, – Юлия Михайловнанинг фикрлари билан бир хил. Фитна эканлиги аён. Мен сизга манави тасмани келтирдим, Юлия Михайловна. Бал бўладими, йўқми, бу менинг ишим эмас, бунга ҳукмим ўтмайди; аммо менинг мутасадди, шотир сифатидаги вазифам тугади. Қизишиб кетган бўлсам, кечиринг, лекин мен соғлом фикр, соғлом нуктаи назарга қарши боролмайман.

– Эшитдингизми, эшитдингизми? – деб хоним қўлларини қарс урди.

– Эшитдим, энди мен айтай, сиз эшитинг, – деб му-
рожаат қилди Петр Степанович менга, – менимча, сизлар
бир нима еб қўйгандай алахсираяпсизлар. Назаримда, мут-
лақо ҳеч нарса бўлгани йўқ, илгари ҳам бундай воқеалар
бўлган, бундай шаҳарда бундай воқеаларнинг бўлмаслиги
мумкин эмас. Қани фитна? Хунук чиқди, аҳмоқона чиқди,
шармандали, лекин қани фитна? Улар Юлия Михайлов-
нага, ўзларининг эркатойларига, барча шўхлик, бебош-
ликларини кечириб келган ҳомий, раҳнамоларига қарши
фитна қиладиларми? Юлия Михайловна! Бир ой тинмай
мен сизга нима деб уқтирдим? Нимадан огоҳлантирдим?
Хўп, айтинг, нимага, нимага керак эди сизга шунча ха-
лойиқ? Одамнамолар билан муомала қилмоқчимидингиз!
Нега, нима учун? Жамиятни бирлаштириш учунми? Эҳ,
ахир, улар бирлашармиди, барака топкур!

– Сиз қачон мени огоҳлантирган экансиз? Аксинча,
сиз маъқуллаб турдингиз, ҳатто талаб қилдингиз... Мен,
тан оламан, хайрон бўлиб қолдим... Сиз ўзингиз олдимга
қўп ғалати одамларни бошлаб келдингиз.

– Аксинча, мен сиз билан тортишдим, маъқуллаганим
йўқ, одамларни тўғри, олиб келдим, фақат охирги пайт-
ларда уларнинг ўзлари ўнлаб ёпирилиб, бостириб келиш-
ди, «адабиёт рақсига» тушамиз деб, э, бу хамаклардан қа-
ерга қочиб қутуласиз. Аммо бас бойлашаман, бутун мана
шундай бошқа ўнларча хамакларни чиптасиз ичкарига
олиб киришган!

– Албатта, – тасдиқладим мен.

– Мана кўрдингизми, сиз ҳам маъқуллаяпсиз. Эсланг,
охирги пайтларда бу шаҳарчада қандай олағовурлар бўл-
мади? Қуюшқондан чиқиб кетишди, уятсизлар; жанжал
устига жанжал, кети узилмайди, айюҳаннос солишади.
Ким буларнинг қўлтиғига сув пуркаб турди, ким кетини
кўтарди? Ким ўз қаноти остига олди? Ким ҳаммани йўлдан
оздирди? Ким ҳамма чурвақаларни инидан чиқариб юбор-
ди? Ахир сизнинг альбомингизда бу ерликларнинг ҳам-
масининг оилавий сирлари ёзиб қўйилган-ку. Сиз эмасми
анов барча шоирларингиз, бўёқчиларингизнинг бошлари-

ни силаган? Сиз эмасми Лямшинга қўлингизни ўптирган? Анов семинария талабаси сизнинг кўз ўнгингизда катта амалдорингизни сўкиб беобрў қилмадими, қизининг қўйлагига қора мойли этигини суриб булғамадими? Шунда одамлар менга қарши, деб нимасига ҳайрон бўласиз?

– Аммо ахир буларнинг барини сиз, сиз ўзингиз қилгансиз-ку! Вой, худойим-ей!

– Йў-ўқ-қ, мен сизни огоҳлантирганман, биз жанжаллашдик, эшитдингизми, биз жанжаллашдик!

– Одамнинг кўзига қараб туриб ёлғон гапиряпсиз.

– Ана шунақа-да, бу гаплар оғзингизнинг бир четидан чиқиб кетаверади. Сизга энди қурбонлик керак, аламингизни кимдандир олишингиз керак; майли, мendan олавнинг аламингизни, дедим. Мен яхшиси сизга айта қолай, жаноб... (У ҳамон менинг номимни эслолмасди). Бармоқ букиб ҳисоблайлик: мен аминманки, Липутиндан бошқа, ҳеч қандай фитна йўқ эди, ҳе-еч қан-дай, ҳа! Мен буни исботлайман, аммо аввал Липутинни бир кўриб чиқайлик. У жинни-санги Лебядкиннинг шигирини кўтариб чиқди – шуми сизнингча фитна? Биласизми, бу Липутинга қизик бир нарса бўлиб туюлган бўлиши мумкин-ку? Рост, рост, қизик-да. У шунчаки ҳаммани кулдириш учун, димоғини чоғ қилиш учун, айниқса, раҳнамо Юлия Михайловнани биринчи навбатда хурсанд қилиш учун чиққан, тамом вассалом. Ишонмайсизми? Бир ойдан бери бўлиб келаётган воқеалардан бунинг нимаси кам? Э, истайсизми, бундан ҳам ортигини айтаман: худо ҳақи, бошқа бир пайт бўлганда, бунга ҳеч ким эътибор ҳам бермасди! Қўпол ҳазил, уятсизроқ нарса, лекин ахир кулгили-ку, ахир кулгили-ку?

– Нима! Сиз Липутиннинг қилигини қизик деб ҳисоблайсизми? – каттиқ дарғазаб бўлиб қичқирди Юлия Михайловна. – Бу, шунақанги аҳмоқлик, шунақанги фаросатсизлик, шу тубанлик, аблаҳлик, шу найрангни-я, о, сиз буни атай айтяпсиз! Ўзингиз ҳам улар билан тил бириктиргансиз!

– Ҳа, орқада ўтириб, яширинча ҳаммасини бошқарганман! Тушунсангизчи ахир! Агар мен фитнада қатнаш-

ганимда – Липутиннинг ўзи билан тугамасди. Сизнингча, мен ҳали падарим билан ҳам келишиб олгандирман, атайдан жанжал чиқарасиз, деб? Хў-ўш-ш, айтинг-чи, падарни ким сахнага чиқарди? Ким бунга айбдор? Ким сизни кеча тўхтатмоқчи бўлди, ҳа, кеча, кеча?

– Oh, hier il avait tant d'esprit⁷³, мен унга умид боғловдим, у ўзини жуда чиройли тутди: мен у билан Кармазинов икковлари... мана, оқибат!

– Ҳа, ана оқибат. Аммо ўша tant d'esprit га қарамасдан, падар тиррақилаб юборди, агар унинг шундай тиррақилашини олдиндан билганимда, сизнинг байрамингизга қарши фитнага қўшилган ҳолда, шубҳасиз, эчкиларни экинга туширманг, пайхон қилиб ташлайди деб, гапириб ўтирмасдим, шундай эмасми? Ҳолбуки, сизни кеча бундан қайтармоқчи бўлдим, нега деганда, шундай кори ҳол бўлишини сезган эдим. Албатта, ҳаммасини олдиндан билишнинг иложи йўқ: падарнинг ўзи ҳам, афтидан, бир дақиқа илгари ҳали нима дейишини билмаган. Бу жиззаки чоллар одам-подамга ўхшамайди! Аммо ҳали вақт бор, чорасини қилса бўлади: эртагаёқ унинг олдига бутун расмиятчилигини қилиб, иккита шифокорни юборинг, сиҳат-саломатлигини кўришсин, кейин тўғри касалхонага жўнатишсин даволагани, ҳушига келтиришади, буни бугун, ҳозир ҳам қилса бўлади, одамларнинг кўнгли жойига тушади. Жилла курса, мазза қилиб кулишади, хафа бўлишнинг ҳожати йўқ экан, дейишади. Бугун бал пайтидаёқ мен буни маълум қилиб қўяман, ахир унинг боласиман-ку. Кармазинов эса бошқа масала, у ҳўтиikka ўхшаб чиқди ва бир соат ҳамманинг бошини котирди, – мана, уни айтса бўлади мен билан фитнага қўшилган деб! Келинлар, мен ҳам бир тиррақилай, Юлия Михайловнанинг мазасини қочирай, деган-да!

– О, Кармазинов, quelle honte!⁷⁴ Одамлар олдида ер ёрилса-ю, ерга кириб кетмадим уятдан!

– Йўқ, мен ерга кириб кетмасдим, унинг ўзини қаро ерга киритардим. Одамлар ҳақ. Кармазинов масаласи-

⁷³ О, кеча у шундай сўзамол эди (франц.).

⁷⁴ Қандай уят! (франц.).

да ким айбдор? Уни сизга мен тикиштирдимми? Унинг соясига кўрпача солдирдимми? Майли, у нари турсин, анов-чи, учинчиси, сиёсий савдойи, бунинг масаласи энди бутунлай бошқача. Ҳамма уни назардан қочирган, ёлғиз менинг фитнам эмас.

– Ох, гапирманг, даҳшат, даҳшат! Бунга мен ўзим, ёлғиз мен айбдорман!

– Тўғри-ку, лекин мен сизни оқлайман. Э, ким билсин, бу кароматгўйларни! Уларнинг дастидан Петербургда ҳам кун йўқ. Ахир уни сизга тавсия этишган-да; яна қандай денг! Шунинг учун розилик беринг балда қатнашишга, сиз бунга бурчлисиз. Бу тиррикни қаранг ахир, яна сиз ўзингиз уни минбарга олиб чиқдингиз-а. Энди ҳамманинг олдида айтишингиз керак унинг сизга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, сизни чалғитишгани, азамат полиция қўлига топширилганини. Бу савдойи одамдан ўзингизни қаҳр-ғазаб билан ихота қилинг. Ҳақиқатан ҳам, бу телба-ликдан бошқа ҳеч нарса эмас. У ҳақда фақат шундай деб маълумот бериш керак. Бу тишлонғичларга менинг сира тоб-тоқатим йўқ. Мен ўзим ҳам бундан баттар гапларни айтаман, лекин минбарга чиқиб эмас-да. Улар бўлса энди нукул сенатор келаркан деб айюҳаннос солишяпти.

– Қанака сенатор? Ким айюҳаннос соляпти?

– Билмасам, ўзим ҳам тушунмаяпман. Юлия Михайловна, сизга сенатор ҳақида ҳеч нарса маълум эмасми?

– Сенаторми?

– Билмасам, улар бу ерга сенатор тайинланган дейишяпти, сизни Петербургдан алмаштиришармиш. Буни кўплардан эшитдим.

– Мен ҳам эшитдим, – тасдиқладим мен.

– Ким айтяпти буни? – қип-қизариб кетди Юлия Михайловна.

– Ким биринчи бўлиб айтди, демокчимисиз? Мен қайдан билай? Шундай гапиришяпти-да. Ҳамма гапиряпти. Айниқса, кеча гапиришди. Ҳаммаси қандайдир жуда жиддий, нималигига аклинг етмайди. Тўғри, ақллироқ, би-

лағонрок одамлар – гапиришмайди, аммо буларнинг ҳам баъзилари гап тинглайди.

– Қандай пасткашлик! Ва... қандай ҳамоқат!

– Шунинг учун ҳам балга боринг, деяпман-да, бориб ўзингиз бу аҳмоқларнинг қулоғини чўзиб қўйинг.

– Сезиб турибман, бориш, бу – менинг бурчим, аммо... яна бошқа бир шармандалик кутиб турган бўлса-чи? Одамлар йиғилмаса-чи? Ахир ҳеч ким келмайди, ҳеч ким, ҳеч ким!

– Мунча қизишасиз! Улар келмас эмишми? Либослар, безаклар, зеб-зеварлар нимага тайёрланган эди унда? Э, бу гапингиздан кейин сизнинг аёл эканлигингизга ҳам бовар қилмай қўйдим. Одамларни билиш шундоқ бўладими!?

– Сардорхоним келмайди, келмайди!

– Э, нима бўлган ўзи бу ерда! Нега келишмайди? – деб қичкириб юборди Петр Степанович газабидан кўкариб.

– Шарманда-шармисорлик бўлган бу ерда. Мен билмайман нима бўлган, лекин мен энди у ерга кадам босолмайман.

– Нега энди? Сизнинг айбингиз нима? Нега айбни ўз бўйинингизга оляпсиз? Кўпроқ айб одамларда эмасми, оксоқолларда, хонадон бошлиқларида? Улар аблахлар билан тирранчаларнинг танобини тортиб қўйишлари керак эди, – нега деганда, у ердагиларнинг кўпи аблах ва тирранчалар, қаланғи-қасанғилар. Ҳеч қандай жамиятда ва умуман ҳеч қаерда ёлғиз полициянинг ўзи билан ҳеч вако қилиб бўлмайди. Бизда ҳар ким керак бўлса, ўзига алоҳида қўриқчи миршаб беришни талаб қилади. Жамият ўзини-ўзи қўриқлаши кераклигини тушунишмайди. Бизда хонадонларнинг бошлиқлари, мансабдорлар, уй бекалари, ойим кизлар шундай шароитларда нима қилишлари керак? Индамай аразлаб юришади. Шўх тирранчаларни жилловлаб туришга жамиятда ташаббус етишмайди.

– Оҳ, бу олтин ҳақиқат! Индашмайди, аразлашади... атрофга аланглашади.

– Ҳақиқат бўлса, сиз ана шуни айтинг, рўй-рост, мағрур туриб, қатъият билан айтинг. Ўзингизнинг тикка

турганингизни кўрсатинг. Айнан ўша оқсоқоллар, оналар ва оталар кўриб қўйсин. О, кўлингиздан келади бу, қобилиятингиз етади, фикрингиз тиниқ. Фикрларингизни жамлайсиз – айтаверасиз, айтаверасиз. Кейин «Голос» билан «Биржевой»га хабарлар жўнатилади. Шошманг, мен ўзим бунга киришаман, сизга ҳаммасини тўғрилаб бераман. Кўпроқ диққат-эътибор қаратинг, буфет чакқон ишлаб турсин; князни тортамиз, жанобимиздан илтимос қиламиз... ҳаммасини қайтадан бошлаётган чоғимизда жаноблари, monsieur, бизни ташлаб кетмасалар керак, ҳойнаҳой. Ундан кейин сиз Андрей Антонович билан бирга қўлтиқлашиб кириб борасиз. Андрей Антоновичнинг соғликлари қандай?

– О, бу фариштадай одамни сиз нималар демарингиз! Қанча ноҳақ, ногўтри, дилни оғритадиган сўзлар айтдингиз! – деб қичкирди бирдан хаяжондан тўлиқиб кетиб Юлия Михайловна, ҳатто унинг кўзларига ёш қалқди, рўмолчасини қўлига олди. Петр Степанович бир зум ҳатто тилини тишлаб қолди:

– Менми, мен... қўйинг-е... мен доим...

– Сиз ҳеч қачон, ҳеч қачон! У ҳақда адолатли яхши гап айтмагансиз!

– Аёл кишини ҳеч тушуниб бўлмайди! – тўнғиллади Петр Степанович оғзини қийшайтириб тиржайиб.

– У энг ростгўй, энг назокатли, энг мулоим, фаришта инсон! Энг яхши инсон!

– Майли, майли, яхши одам... мен доим яхши инсон деганман...

– Ҳеч қачон! Аммо, бас. Мен, шарт эмас унинг ёнини олишим. Боя анови бағритош сардор ойим менга бир қанча учуруқ заҳарли гаплар қилди кечаги ишлар ҳақида.

– О, унинг кечаги ишларни гапириб ўтирадиган пайти эмас, унга бугунгиси ҳам етиб ортади. У балга келмайди деб нега ташвишланасиз? Жанжалнинг ичида қолиб кетгандан кейин келмайди-да. Балки унинг айби йўқдир, лекин бари бир обрўни саклаш керак-да; қўли кир.

– Нима бу, тушунолмаяпман: нега қўли кир? – ажабланиб қаради Юлия Михайловна.

– Яъни мен аниқ айтолмайман, аммо шаҳарда ногора қоқишяпти, уларни у учраштирди деб.

– Нима ўзи? Кимни учраштиради?

– Э-ҳа, сиз ҳали хабарингиз йўқми? – ўзини устамонлик билан хайрон бўлгандай қилиб кўрсатди у, – Ставрогин билан Лизавета Николаевнани-да!

– Қандай? Нима? – кичқириб юбордик ҳаммамиз.

– Наҳотки, билмасаларингиз? Фу-ув! Э, кеча фожиали романлар юз берди-ку: Лизавета Николаевна сардор ойимнинг каретасидан тўғри Ставрогиннинг каретасига ўтиб ўтирди ва куппа-кундузи «йигит» билан Скворешникка қараб жўнаворди. Бир соат бўлди ё бўлмади.

Биз донг котдик. Қўймай сўраб-суриштиришга тушдик, аммо у ўзи «бехос» гувоҳ бўлса ҳам, бироқ батафсилроқ қилиб сўйлаб беролмади, биз хайрон бўлдик. Воқеа гўёки қуйидагича юз берган: сардор ойим Лиза билан Маврикий Николаевични «маъруза»дан кейин Лизанинг онаси (ҳамон оёғи оғрийди) турадиган уйга каретада олиб борган, бу ерда, уйдан йигирма беш одимлар чамаси нарида, чеккароқда кимнингдир каретаси турган. Лиза эшик олдида аравадан сакраб тушгану, тўғри шу карета томонга чопган; карета эшиги очилган, сўнг ёпилган; Лиза Маврикий Николаевичга: «Мени кунламанг!» – деб кичқирган, кейин карета Скворешникка қараб қанот чиқаргандай бўлиб учиб кетган. Биз шошиб-пишиб сўрадик: «Желишилган эканми? Каретада ким ўтирган экан?» – Петр Степанович бунга ҳеч нарса билмайман, деб жавоб берди; албатта, ўртада келишув бўлган, лекин каретада Ставрогиннинг ўзи ўтирганини кўрмаган; балки хизматкор чол Алексей Егорич ўтирган бўлса ажабмас. У «Сиз у ерга қандай бориб қолдингиз? Скворешникка кетишганини қаердан биласиз?» – деган саволга, шу ердан ўтиб кетаётган эдим, Лизани кўриб, карета олдида чопиб бордим (бари бир шунчалик қизикувчи бўлса ҳам, каретада ким борлигини пайқамаганмиш!), Маврикий Николаевич

эса наинки уларнинг ортидан қувган, ҳатто Лизани тўхта-тиб қолишга ҳам уринмаган, ҳатто бор кучи билан: «Ставрогиннинг олдига кетди, Ставрогиннинг олдига!» – деб бакираётган сардор ойимнинг кўлидан тутиб турган. Шу ерга келганда, мен ўзимни сира тўхтатолмадим, газабимга чидолмай Петр Степановичга қаҳр билан қичқирдим:

– Буни сен аблаҳ қилгансан! Эрталаб шунга кетгансан. Сен Ставрогинга ёрдам бергансан, сен келгансан каретада, сен ўтиргансан... сен, сен, сен! Юлия Михайловна, бу сизнинг душманингиз, у сизни ҳам ҳалок қилади! Эҳтиёт бўлинг!

Шундан кейин мен оёқни қўлга олиб уйдан чопиб чиқиб кетдим.

Мен шу пайтгача тушунмайман ва ажабланаманки, унга қандай қилиб қичқирдим. Аммо жуда топиб айтган эканман, ҳаммаси айтганимдай бўлиб чиқди, бу кейинчалик маълум бўлди. Муҳими, у бизга хабарни маълум қилганда, сохта бир усулни қўлагани кўзга ташланиб турарди. У уйга келиб, биринчи бўлиб шу фавқулудда хабарни дарров билдиргани йўқ, ўзини гўё биз бундан усиз ҳам хабардордай тутди, – ҳолбуки қисқа бир вақт ичида буни билишнинг сира иложи йўқ эди. Агар билганимизда ҳам, то у гапирмагунча бари бир индамай туриб бўлмасди. Ва яна вақт қисқалиги боисидан, шаҳарда сардор ойим бора-сида даранг-дурунг бўлаётганини эшитиш мумкин эмасди. Бундан ташқари, у ҳикоя қила туриб, икки маротаба қандайдир палидларча ишшайиб кулиб қўйди, чамаси, бу ахлоқларни бошлаб лақиллатдим, деб ҳисоблади чоғи. Аммо энди у билан ишим йўқ эди; эшитган асосий гапимга ишонардим, шунинг учун Юлия Михайловнанинг қошидан эс-хушим ўзимда йўқ югуриб чиқиб кетдим. Талофат хабари юрагимга ўқдек тегди. Жоним шундай оғридики, кўзимдан ёш чиқиб кетди; ҳа, мен йиғлаган бўлсам керак. Нима қилишимни билмасдим. Степан Трофимовичга югурдим, аммо зерикмаган банда яна эшигини очмади. Настасья менга жуда иззатини келтириб истироҳатга ётдилар, дея пичирлади, аммо мен ишонмадим. Лизанинг

уйига бориб хизматкорлардан сўраб-суриштирдим; улар қочганини тасдиқлашди-ю, аммо ўзлари ҳеч нарсани билишмасди. Уй ташвиш-хавотирга тўла эди; касал бегойим дам ҳушидан кетар, дам ҳушига келарди; унинг ёнидан Маврикий Николаевич жилмасди. Маврикий Николаевичдан қакириб сўрашга истиҳола қилдим. Петр Степановични ўсмоқчилаб сўрадим, ҳақиқатан ҳам, кейинги кунлар ичида у бу ерда кунда-шунда бўлиб қолган экан, баъзан бир кунда икки марта ҳам келаркан. Хизматкорлар маънос тортиб қолишган, Лизани жуда катта ҳурмат билан тилга олишарди; уни яхши кўришаркан. Лиза тамом бўлган, бутунлай тамом бўлган – бунга менда шак-шубҳа йўқ эди, аммо, айниқса, куни кеча Ставрогин билан ўрталарида бўлиб ўтган воқеадан сўнг, мен масаланинг руҳий томонини ҳеч тушуниб етолмасдим. Бироқ шаҳарни чарх уриб айланиб, аллақачон ҳаммаёққа овоза бўлиб кетган хабарни таниш бадхоҳ хонадонлардан сўраб-юришни ўзимга эп кўрмадим, бир чеккаси, бу Лизани ерга уриш билан баробар эди. Аммо нимагадир мен Дарья Павловнани ҳам истаб бордим, дарвоқе, бу ерда менга эшик очишмади (Ставрогинлар уйида кечаги кундан бери ҳеч кимга эшик очишмаётганди); нимага у ерга борганим, унга нима димоқчи бўлганимни ўзим ҳам билмайман, нимага? У ердан акасининг олдига йўл олдим. Шатов ковоғини солиб индамай эшитди. У шу пайтгача кўрилмаган ғоятда бадбин кайфиятда эди; жуда ёмон хаёлга ботган, мени ҳам зўр-базўр эшитди. У қарийб ҳеч нарса демади ва этикларини бошқа пайтлардан кўра қаттиқроқ гурсиллатиб ҳужрасида у бурчакдан бу бурчакка нари бориб, бери кела бошлади. Мен пиллапоядан тушиб кетаётганимда, орқамдан туриб: «Липутинга боринг, ҳаммасини ундан биласиз», – деб қичқирди. Бироқ мен Липутинга бориб ўтирмадим-у, анча йўлга етиб қолганимда, яна орқамга Шатовникига қайтдим, ичкарига кирмай, эшикни қия очиб ҳеч қандай тушунтириш бермаган ҳолда унга қисқа қилиб: бутун Марья Тимофеевнанинг олдига ўтиб келолмайсизми? – дедим. Шатов жавоб бермай сўкинди ва мен ўз йўлимга равона

бўлдим. Унутмаслик учун ёзиб қўяётирман, у ўша куни кечдаёқ шаҳар четига йўл олиб анчадан бери кўришмаган Марья Тимофеевнани кўриб келди. Марья Тимофеевна соғ-саломат, кайфияти чоғ экан, Лебядкин ғирт маст ҳолда биринчи хонадаги диванда тош котиб ухлаб ётган экан. Кеч соат роса тўққиз эди, дейди у. Эртасига у ҳаммасини кўчада шоша-пиша менга сўйлаб берди. Мен эса кечки соат ўнларда балга бормокчи эдим, энди «ёш шотир йигит» тариқасида эмас (тасмамни Юлия Михайловнага қолдиргандим), одамларнинг гап-сўзларини эшитмокчи (асло улардан сўрамаган ҳолда) эдим, бу гапларга жуда кизикардим, нима дейишайтган экан одамлар бу воқеалар ҳақида? Яна узоқдан бўлса ҳам, Юлия Михайловнага кўз кирини ташламокчи эдим. Боя унинг ҳузуридан чопиб чикиб кетганим учун ўзимни ҳеч кечиролмасдим.

III

Бутун тун ўзининг ақл бовар қилмас воқеалари ва уларнинг эрталабга бориб дахшатли счим топгани билан ханузгача кўз ўнгимда кўркинчли, оғир туш каби туради ва назаримда, ушбу солномамнинг энг ваҳимали қисмидай туюлади. Мен балга кечикдим, лскин бари бир унинг тугашига яқин келдим, – у шундай тезгина охирлади. Сардор ойим саройининг остонасига келганимда, соат ўн бирлар бўлиб қолганди, маърузалар ўқилган ўша Оқ зал орадан қиска вақт ўтган бўлишига қарамай, саранжом-саришта йиғиштирилган, бутун шаҳар микёсида ўтадиган рақс кечасига тахт қилинганди. Мен боя эрталабдан баи борасида нохуш фикрда бўлсам ҳам, бари бир бор ҳақиқатни тўла англаб етолмайгандим: юкори доирадан бирон зот унда катнашмади; ҳатто лавозимлари юкорирок мансабдорлар ҳам бсхафсалалик қилишди, – ҳолбуки, буни асло назардан қочириб бўлмасди. Хонимлару ойим кизларга келганда эса, Петр Степановичнинг ҳалиги ҳисоб-китоблари (эндиликда уларнинг маккороналиги очик-ойдин аён бўлди) мутлако нотўғри бўлиб чиқди: жуда оз хотин-кизлар

келишди; тўрт эркакка базўр битта аёл тўғри келса келарди, бўлмаса йўқ, яна канаканги аёллар денг! Полк офицерларининг «аллакандай» хотинлари, почта хизматчилари, кизларини етаклаган уч-тўрт табибалар, бир неча кашшоқлашиб колган бсгойимлар, юкорироқда эслатиб ўтган эдим, бир котибнинг еттита кизи ҳамда битта жияни, бир неча савдогар бозоргон хотинлар, ахир шуларга кўз тутганмиди, шуларга ишонганмиди Юлия Михайловна? Ҳатто тожир савдогарларнинг ҳам ярми келмади. Эркакларга келганда, аслзодаларимизнинг ялпи катнашмаганига қарамай, улар ҳар қалай хийла кўпчилик эди-ю, аммо негадир шубҳали ва ноаён таассурот колдирарди. Албатта, бу ерда бир неча бообру ҳамда вазмин офицерлар ўз хотинлари билан келишган, неча-неча хонадонларнинг аъзолари қобил оталар етакчилигида юришар, чунончи, етти кизнинг отаси ҳам шу ерда эди. Бу камсукум одамларнинг ҳаммаси, бир жанобнинг таъбири бўйича, «зарурат» юзасидан келган эдилар. Лекин, бошқа бир томондан, бир тўда шўх-чаккон хотин-кизлару ксча биз Петр Степанович билан чиптасиз кирган деб гумон қилганимизга ўхшаб кетадиган тўдалар бугун янада кўпайгандек кўринарди. Уларнинг бари ҳозирча буфетда ўтиришар, кириб келишлари биланок худди олдиндан шартлашгандай ўзларини буфетга урардилар. Буфет қатор тушган хоналарнинг охирида катта залга жойлашган бўлиб, бу ерда Прохорич ҳаммасига бош-кош, турли-туман газаклар, анвойи ичимликлар, шарбатлар кўзларни қувонтириб, иштаха кўзғатарди. Бу ерда мен уварок сюртуклардаги, уст-бошлари даргумон ва сира балга ярашмаган кимсалар, аллакандай бошқа шаҳарлардан келган кишиларни кўрдим, улар жуда киска вақтга зўр-базўр ҳуши ўзига келтирилганга ўхшардилар. Мен албатта, Юлия Михайловнанинг фикрича, бал иложи борича халқона бир тарзда ўтиши мўлжалланганлигини билардим, шаҳар аҳли ҳам агар чипта олишга раъй билдирса, рад этмаслик тайинланганди. Бизнинг шаҳар аҳлларимизнинг ҳаммаси бошдан оёқ қора кашшок, уларнинг хаёлига ҳеч қачон чипта сотиб олиш келмасди, албатта,

худди мана шунга тўла амин бўлган ҳолда, ўзининг кўмитасидаги йиғилишида ҳалигиндақа «халқона» сўзларни бемалол айтаверса бўлаверарди. Лекин кўмита ҳар қанча «халқпарвар» бўлганда ҳам, мен ушбу бадқовоқ уврин-тўдаларни бу ерга қўйиш мумкинлигига шубҳа билан қарайман. Лекин ким уларни киритди ва қандай мақсадда? Липутин билан Лямшиндан шотирлик тасмалари аллақачон олиб қўйилганди (лекин улар балда иштирок этишар, «адабиётнинг жуфт ракси»да қатнашардилар); лекин Липутиннинг ўрнини эрталаб Степан Трофимович билан «тишлашган» семинария талабаси эгаллаганлигини кўриб ҳайрон қолдим; Лямшиннинг ўрнини эса Петр Степанович эгаллабди; шундоқ бўлгач, бу ёғита нима кутиш мумкин? Мен гап-сўзларга кулоқ тутишга уринардим. Баъзан мутлақо куракда турмас гаплар айтиларди. Мисол учун, бир тўдада пгундай дейишарди: эмишки, Ставрогин билан Лиза воқеасини Юлия Михайловна уюштирганмиш ва бунинг эвазига Ставрогиндан пул олганмиш. Ҳатто пулнинг қанчалигини ҳам айтишарди. Юлия Михайловна ҳатто байрамни ҳам шу мақсадда амалга оширганмиш; шунинг учун шаҳар аҳли нима гаплигини билиб қолиб, ярми байрамга келмаганмиш, Лембкени ҳам жонини ҳалкумига келтиришиб, «жиннисини чиқаришганмиш», энди хоним эс-ҳушини йўқотган эрини «етақлаб» юрганмиш. Кўплар хандон ташлаб кулишар, қиҳқихлашар, хахолашар, мўйловларини бурашарди. Ҳаммаси бални боди-шоди танқид қилар, Юлия Михайловнани эса аямай бўралаб сўкишарди. Ким кўп – валдираган, валақлаган, оғзини саситган кўп, нима дейишингга, нима деб хулоса чиқаришингга ҳам ҳайронсан. Буфетда ҳам пгўх-шаддод одамлар жойлашиб олган, бунда бир неча ҳеч нарсга ҳайрон бўлмайдиган, ҳеч нарсадан кўркмайдиган, ўктам ва тараллабедод хотинлар ҳам бор, кўпчилиги офицерларнинг оиласи, эрлари билан бирга келишган. Улар тўда-тўда бўлиб столларда давра қуриб ўтиришар, шўхшан чой ичишарди. Буфет келган одамларнинг кўпчилигига кўноқ бўлиб қолганди. Бирок,

бир неча дақиқалардан сўнг ушбу тўда залга ёпирилади; кўркиб кетасан киши.

Ҳозирча Оқ залда княз етакчилигида уч қатор, бироз сийрак бўлса ҳам, жуфт-жуфт бўлиб ракс – кадрили тушишар, ойим қизлар айланишар, ота-оналар уларга қараб меҳрлари товланарди. Лекин шундай бўлса ҳам, ушбу ҳурматли зотларнинг кўпчилиги қизлари тўйиб-тўйиб ўйнаганларидан сўнг «ҳаммаси бошланмасдан бурун» тезроқ бу ердан ўз вақтида жўнаб қолиш пайида бўлишарди. Нима учундир ҳамманинг, албатта, нимадир бошланишига ишончи комил эди. Юлия Михайловнанинг шу онлардаги аҳволи руҳиясини ифодалаб беришга жуда қийналаман. Мен унга яқинроқ турган бўлсам-да, у билан гаплашганим йўқ. Мен залга кириб борганимда уни кўриб таъзим қилдим, аммо у мени пайқамади (пайқамагани рост). Башарасидан касал одамга ўхшар, нафрат ва такаббурлик учкунлаган нигоҳи олазарак боқар, хавотирга тўла эди. У азоб-оғриқ билан ўзини ўзи босишга уринаётгани сезилар, – аммо нима учун, кимга керак бу? Унинг, албатта, бу ерда турмагани маъқул эди, муҳими, эрини олиб кетиши керак эди, аммо нечундир кетмасди! Энди унинг башарасиданоқ «кўзи мутлақо очилгани», бошқа кутади-ган ҳеч нарсаси қолмаганини сезиш мумкин эди. У Петр Степановични ўз хузурига чақирмасди. (Петр Степанович ҳам чамаси ундан ўзини олиб кочарди; мен уни буфетда кўрдим, ўзида йўқ хурсанд эди). Аммо хоним ҳар қалай, бални ташлаб кетмади, у Андрей Антоновични бир зум ўзидан нари жилдирмасди. О, у энг сўнгги сониягача ва ҳаттоки, то бугун эрталабгача ҳам эрининг сиҳат-саломатлиги борасидаги ҳар қандай гумон, имо-ишораларни самимий қаҳр-газаб билан рад этиб келди. Аммо мана энди унинг кўзи бу борада ҳам очилмоғи керак эди. Менинг ўзимга келганда, назаримда, шундоқ бир қарашдаёқ Андрей Антонович боя эрталабгидан кўра мазаси қочганроқ кўринарди. У қандайдир ҳушидан айрилганга ўхшар ва афтидан, каерда турганлигининг фарқига етмасди. Кутилмаганда баъзан жуда жиддий нигоҳ ташларди, чунончи,

икки маротаба менга шундай қаради. Бир марта у нима ҳақдадир оғиз очмоқчи бўлди, овозини баланд кўтариб гапга чоғланди, аммо гапини тугатмай жим бўлди, унинг ёнида қўл қовуштириб итоаткорона турган мансабдор қария кўркиб кетди. Бирок Оқ залда турган бир гуруҳ итоаткор одамлар ҳам кўрққан ва қовоқ солган ҳолда Юлия Михайловнадан ўзларини четга тортишар, айна пайтда унинг ўртоғига ҳаддан ташқари ғалати қилиб қарашар, уларнинг очикдан-очик разм солиб, тикилиб боқишлари кўркиб туришганига сира мос тушмасди.

«Мана шу нарса юрагимни ўқдек тешиб ўтди, кейин мен Андрей Антоновичнинг аҳволини фаҳмлай бошладим», – деб кейин менга кўнглини очган эди Юлия Михайловна.

Ҳа, яна унинг ўзи айбдор эди! Афтидан, боя мен югуриб чиқиб кетганимдан сўнг, Петр Степанович билан бал бўлади ҳамда унда қатнашилади, деган қарорга келингач, – хоним яна «маъруза»дан батамом «гаранг» бўлиб, қаловланиб чиққан Андрей Антоновичнинг кабинетига ўтиб, яна барча истигною лутфу қарамларини тўла ишга солиб, уни ўзи билан бирга олиб чиққан. Аммо энди қанчалар кийноқ остида қолди! Ва бари бир ташлаб кетмади! Ғурури ўртанармиди унинг ё ўзини йўқотиб қўйганмиди, билмадим. У қанчалар кибру ҳавога тўлиқ бўлмасин, камсиниб ва табассум қилиб, ёнидаги айрим хонимлар билан гап қотмоққа уринар, лекин улар дарҳол саросимага тушиб, чўчинқираб, ишонқирамай, «ҳа-я», «йўғ-а» деб гапни қисқа қилишар, чамаси, ўзларини четга олишарди.

Бу ерда шахримизнинг катта амалдор аъёнларидан фақат бир кишигина бор эди, у ҳам бўлса ўша истеъфодаги генерал эди, уни сизга аввал таништирганман, Ставрогин билан Гаганов ўртасида дуэль бўлиб ўтгандан сўнг, у сардор ойим хонадонидаги йиғинда ўзи гап очиб, жамоатчилик наздида йиғилиб қолган жумбоқларга ечим топганди. У залларда салмоқ ва салобат билан айланиб юрар, диққат-эътибор билан атрофига разм солар, бўлаётган гап-сўзларга кулок тутар, ўзини ўйнаб-қулгани эмас,

кўриб кузатгани келган одамдай кўрсатарди. У ниҳоят, Юлия Михайловнанинг ёнидан жой олди-да, сўнг бир қадам ҳам нари жилмади, чамаси, хонимга далда бериш, уни хотиржам қилишни истарди. Ҳеч шубҳасиз, бу жуда меҳрибон ва оккўнгил, ўта басавлат одам эди, шу билан бирга жуда ачинарли тарзда ғоятда қариб қолганди. Лекин келиб-келиб шу қари маҳмадона чол уни ўз ҳимояти ва паноҳига оладими, унинг обрў-эътибори, шон-шарафини кўтариб берадими энди, буни тан олиш ғоятда аянчли эди. Генерал эса бир қадам ҳам ортда қолмас ва тинмай валақларди.

– Айтадиларки, шаҳар етти дарвешсиз яшолмайди... етгита, чамаси, яна уларнинг нечталиги эсимда йўқ. Яна билмайман, бу еттиадан қанчаси... шаҳримизнинг тақводор дарвешлари... сизнинг балингизга етиб келишган, аммо уларнинг шак-шубҳасиз бу ерда бўлишларига қарамай, мен ўзимни хавф-хатардан амин деб сезолмаяпман. Vous me pardonnerez, charmante dame, n'est-ce pas?⁷⁵ Ма-жо-зий маъ-но-да айтяпман, аммо буфетга ўтдим, ишқилиб, омон-эсон қайтиб чиқдим... Бебаҳо Прохоричимизнинг у ерда қиладиган иши қолмаган... Афтидан, эрталабгача унинг чодиридан ном-нишон қолмайди. Бу кулгили бир гап-да. Мен фақат «адабиётнинг жуфт ракси» қандай ўтишини кутяпман, кейин тўшагимга ётаман. Маъзур кўринг, бўғинларим қакшаб оғрийди, мен эрта ухлайман, сиз ҳам барвақт «ух килинг», болаларга шундай дейишади. Мен навраста гўзалларни кўргани келганман... Ҳеч қаерда улар бу ердагичалик кўп ва ҳўб эмас... Ҳаммалари дарёнинг нариги бетидан келганлар, мен эса у томонларга ўтмаганман. Бир офицернинг хотини, у афтидан ўқчи егерь бўлса керак, бағоят малоҳатли сўлим экан, шу денг... яна буни ўзи ҳам билади денг. Мен ёсуман билан гаплашдим; жуда шўх денг... қизлари тушмагур ҳам ширингина; аммо, ширинлигидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Майли, одамнинг жони киради. Гунчанинг ўзи; фақат лаблари дўрдоқ. Умуман рус аёлларининг гўзаллигида ўзи

⁷⁵ Сиз, гўзалим, мени кечиринг, тўғрими? (франц.).

мавзунлик кам... ва бироз қуймоққа тортадим-ей... Vous me pardonnez, n'est-ce pas...⁷⁶ Қўзлари ҳам офатижон... кулиб турувчи қўзлар. Ана шу гунчалар ёшлик чоғларида икки йил... ҳатто уч йил жуда фусункор... уч йил... ундан кейин ёйилиб кетишади бутунлай... кейин эрлари ин-диф-фе-рентизмга⁷⁷ гирифтор бўлишади, бу жуда аламли нараса, шундан бутун аёллар масаласи тармоқ отиб кетади... яна ким билади, мен аёллар масаласини тўғри тушунар-микинман... Ҳм. Танобий зал яхши; хоналар дид билан безалган. Баттар бўлиши мумкин эди. Мусиқа эса ундан ҳам баттар... демаяман – бўлиши мумкин. Хонимлар сийрак – бу яхшиликка эмас. Либосларни айтиб ў-тир-май. Афти курси, анави кулранг шим кийган уялмай беадаб рақс тушяпти. Хурсандчилик қилаётган бўлса, уни кечир-ишим мумкин, бунинг устига у шу ерлик дорифуруш... аммо соат ўн бир ҳали вақтли, ҳатто дорифуруш бўлса ҳам... Буфетда икkitаси уришди, чиқариб юборишмади... Кечаси соат ўн бирда уришқокларни чиқариб юбориш керак, авомнинг одати қандай бўлишидан қатъи назар... мен кечаси соат уч демаяпман, бу ҳолда ижтимоий фикрга ён бермоқ лозим бўлар, – бал мабодо соат учгача борар-микин? Варвара Петровна сўзининг устидан чиқмади ва балга гул юбормади. Ҳм, ҳозир унинг хаёлига гул келадими, раувге мере!⁷⁸ Бечора Лиза-чи, сиз эшитдингизми? Айтишларича, сирли гаплар ва... яна саҳнага Ставрогин чикяпти... Ҳм. Уйга кетсаммикин... ёмон уйку босяпти. Ўша «адабиёт жуфт ракси» қачон бошланади?

Нихоят, «адабиёт жуфт ракси» ҳам бошланди. Кейинги вақтларда шаҳарда қасрда бўлмасин, бал тўғрисида гап кетганда, албатта, шу «адабиёт жуфт ракси»га бориб тақалар, унинг нималигини ҳеч зот яхши тасаввурига келтиролмагани боис, ҳаммада битмас-туганмас қизиқиш уйғотарди. Муваффақият учун шунинг ўзи старли эди, аммо – барчанинг ҳафсаласи пир бўлганини айтинг!

⁷⁶ Сиз мени кечиринг, тўғри эмасми? (франц.).

⁷⁷ Бепарволик, лоқайдлик, қизиқмаслик (тарж.).

⁷⁸ Шўрлик она (франц.).

Оқ танобий залнинг шу вақтгача берк турган ён эшиклари очилди-да, бирдан бир неча никоблар кўринди. Одамлар кизиқиб уларни қуршаб олишди. Буфетда ҳеч қим қолмади, ҳамма шу ёққа ёпирилди. Никоблар раксга тайёрланиб, ўрин эгаллашди. Мен олдинги қаторга ўтиб олдим, нақ Юлия Михайловна, фон Лембке ва генералнинг орқасида турдим. Шунда шу пайтгача қораси кўринмаган Петр Степанович Юлия Михайловнанинг олдидаги ликиллаб келди.

– Мен буфетдан ҳаммасига қараб турибман, – дея пичирлади у айб иш қилиб қўйган мактаб ўқувчисига ўхшаб, хонимнинг атай ғашига тегиш учун у яна шундай ясама қилиқ қилди. Хонимнинг фиғони чиқди.

– Лоақал энди мени алдамасангиз бўлармиди, мунча сурбетсиз! – унинг овози шунчалар баланд чиқдики, буни ҳамма эшитди. Петр Степанович ўзидан бениҳоя мамнун ҳолда орқага чекилди.

Мана шу «адабиётнинг жуфт ракси»дан ортик ночоррок, жўнрок, нўноқроқ ва сийқароқ ўхшатмани тасаввур қилиш қийин. Бизнинг авомга бундан ортик тўғри келмайдиган нозарур нарсани ўйлаб топиш маҳол; ҳолбуки, уни Кармазинов ўйлаб топган, дейишади. Лекин уни Виргинскийнинг уйидаги меҳмондорчиликда қатнашган чўлоқ муаллим билан бирга Липутин тайёрлагани рост. Лекин фикр ҳар қалай Кармазиновдан чиққан ва ўзи ҳам қандайдир алоҳида бир ролни ўйнаб, махсус либосларда чиқиш истагини билдирган. Жуфт ракс (кадриль) олти жуфт ночор никоблардан иборат эди, – буларни тўла маънода никоб деб ҳам бўлмас, чунки уларнинг либослари бошқаларникидан қолишмасди. Мисол учун денг, бир бўйи ўртача, фрак кийган, кекса ёшдаги жаноб, – ҳеч қимдан уст-боши билан ажралиб турмас, – у пўрим оқ соқол қўйган (соқоли боғич билан боғланган ва бутун посони ҳам шунда), башарасида гоятда савлатдор бир ифода билан жойида турган ҳолда ракс тушар, оёқларини тез-тез майда қадам ташлаб қимирлатарди. У бўғзидан ўртача хириллаган бас товуш

чиқарар ва худди мана шу хирилдок товуш таниқли газеталардан бирини англатарди. Ушбу никобнинг рўпарасида қандайдир иккита йирик X ва Z ракс тушишар ва мана шу ҳарфлар уларнинг фракларига тўғналган, лекин бу X ва Z ҳарфлари нимани билдириши номаълум эди. «Честная русская мысль»⁷⁹ – кўзойнак таққан, эгнига фрак, қўлига қўлқоп кийган ва оёғига кишан солинган (ҳақиқий кишан) ўрта ёшли жаноб қиёфасида кўринарди. Ушбу виждонли фикрнинг қўлтиғида қандайдир «иш» солинган портфель қистирилган. Унинг чўнтагида хориждан келган, очиб ўқилган хат кўзга ташланар, «виждонли рус фикри»нинг ҳалоллиги борасида шубҳа билдирувчилар бўлса, уларга бу далолат ўрнига ўтиши керак эди. Булар бари мутасаддилар томонидан огзаки тушунтирилиб тўлдирилар, нега деганда чўнтакдан чикиб турган хатни ўқишнинг иложи йўқ эди. «Виждонли рус фикри» ўнг қўлини кўтариб, худди сўз айтмоқчидай қадаҳ кўтариб турарди. Унинг икки ёнида сочи калта қирқилган икки нигилист қиз барабар йўрғалашар, рўпарада эса эгнига фрак кийиб, қўлига чўнг тўқмоқ ушлаган аллақандай кекса жаноб ўйин тушарди, у Петербургга алоқаси бўлмаган қайсидир даҳшатли: «Мажаклаб ташлаймиз» деган нашрни ифодаларди. Аммо ўзининг кўрқинчли тўқмогига карамасдан, ўзига тикка тикилиб қараётган «виждонли рус фикри»нинг ўткир нигоҳига дош беролмай, атрофга аланг-жалаңг қилар, *pas de deux*⁸⁰ ни адо этаётганда эса, биланглар, айланар ва ўзини қўйишга жой тополмас, – уни шу қадар виждон азоби қийнардиди... Аммо бу тўмтоқ, тўпори кашфиётларнинг ҳаммасини тилга олиб ўтишга вақт йўқ; бари шунга ўхшаган нарсалар, охири уятимдан ер ёрилмади-ю ерга кириб кетмадим. Бошқа барча чехраларда ҳам худди номус қилгандай мана шундай таассурот акс этарди, ҳатто буфетдан чикиб келган энг тумтайган афт-башаралар ҳам бундан мустасно эмасди. Бироз вақт ҳаммалари жим бўлиб қолишди, жаҳл-

⁷⁹ Виждонли рус фикри.

⁸⁰ па де де (франц.).

лари чиқиб ажабланиб туришди. Уялган одамнинг одатда жаҳли кўзийди ва сурбетликка мойил бўлади. Аста-секин авом гувиллашга тушди:

– Бу қанақаси бўлди? – тўнгиллади бир тўда билан буфетдан чиқиб келган киши.

– Қандайдир бемаънилик.

– Аллақанақа адабиёт. «Голос»ни танқид қилишяпти.

– Менга нима.

Бошқа тўдадаги гаплар:

– Эшшаклар!

– Йўк, улар эшшак эмас, эшшак бўлган – биз.

– Нега сен эшшак бўларкансан?

– Э, мен эшшак эмасман.

– Сенки эшшак бўлмасанг, унда мен сира эшшак эмасман.

Учинчи тўдадаги гаплар:

– Башарасига ўхшатиб туширсанг, туркларинг курсин!

– Авра-астарини ағдариб ташласанг!

Тўртинчи тўда:

– Лембкелар уялмайдами, бундай тасқараларни кўришга?

– Нега уялсин? Мана, сен сира уялмаяпсан-ку?

– Мен уялиб кетяпман. У ахир ҳоким-ку.

– Сен чўчкасан.

– Мен ҳаётимда бундай одми бални кўрган эмасман, – захарханда қилди Юлия Михайловнанинг ёнгинасида турган бир хоним, чамаси гапини эшитишларини хохлаб. Қирк ёшлардаги бу хоним тўлачадан келган, юзига аямай упа-элик суртган, чиройли ипак кўйлак кийганди: уни шаҳарда ҳамма танир, лекин ҳеч ким меҳмонга чақирмасди. У бир мансабдорнинг беваси бўлиб, эридан унга ёғоч уй ва озроқ нафақа текканди, аммо яйраб яшар, зотли отлар боқарди. Бундан икки ойча илгари ўзи биринчи бўлиб Юлия Михайловнани истаб пойқадам қилган, бироқ хоним уни қабул қилмаганди.

– Шундай бўлиши олдиндан маълум эди, – деб қўшиб қўйди у яна Юлия Михайловнанинг кўзига сурбетлик билан тикилиб.

– Олдиндан маълум бўлса, нега бу ерга келиб ўтирибсиз? – чидамай деди Юлия Михайловна.

– Соддалик қилибман-да, – дарҳол ёқасига ёпиштирди шаддод хотин ва бутун гавдаси билан талпинди (жуда ҳам ёқалашгиси келиб); аммо генерал уларнинг ўртасига туриб олди:

– *Chere dame*⁸¹, – бошини эгди у Юлия Михайловнага, – энди кетсак бўларди. Уларни биз хижолатга қўямиз, биз бўлмасак, улар яйраб ўйнашади. Сиз ҳаммасини қилиб бердингиз, бални очдингиз, энди ўзларини холи қолдингиз... Андрей Антоновичнинг ҳам, афтидан, тоби қочган, шекилли... Бир ишқал бўлиб ўтирмасин-а?

Аммо кеч бўлганди.

Андрей Антонович бутун рақе давомида ўйин тушаётганларга қандайдир дарғазаб ажабланиш билан тикилмоқда эди, атрофдан турли-туман овозлар эшитила бошлагач, тўрт томонга безовта аланглашга тушди. Унинг кўзларига, аввало, буфетдан чиққанлар ташланди; унинг нигоҳи ҳайратга тўла эди. Бирдан рақс асносидаги бир қилиқ туфайли биров қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди: «Петербургдан бўлмаган даҳшатли нашр»нинг нопири қўлида тўқмоқ билан рақсга туша туриб, ниҳоят «виждонли рус фикри»нинг кўзойнагига сира чидолмади чоги, ундан қаерга қочиб қутулишини билмай, қутилмаганда охирги айланишда бошини ерга қилиб икки оёғини юкори қўтарди-да, плу алфозда кўзойнакка пешвоз юрди, инчунин, бу «Петербургдан бўлмаган даҳшатли нашр»нинг соғлом фикрни доимо оёғини осмондан қилиб бузиб кўрсатишини англатиши керак эди. Фақат Лямшин оёғини осмондан қилиб юришни билгани учун, у тўқмоқ қўтарган ноширни ўйнашни ўз зиммасига олганди. Юлия Михайловна унинг оёқни осмондан қилиб юришидан бутунлай хабарсиз экан. «Бунимендан яширишган, яширишган», – деб такрорла-

⁸¹ Азизам (франц.).

ганди кейинчалик у менга умидсизлик ва аччиқ алам билан. Авом эса бу мажозга эмас, балки этаклари осилган фрак кийган одамнинг оёғини осмондан қилиб юрганига ишқивоз бўлиб қотиб-қотиб кулган эди. Лембке жазавага тушиб, какшаб калтиради.

– Аблах! – кичқирди у Лямшинни кўрсатиб. – Тутинг ярамасни, ўтиринг... оёқларини ўтиринг... бошини юқорига ўтиринг... юқорига... юқорига!

Лямшин дарҳол оёққа турди. Қаҳқаҳалар кучайиб борарди.

– Кулаётган барча ярамасларни ҳайданг! – деб буюрарди Лембке. Авом гувиллаб шовкин-сурон кўтарди.

– Бунақаси мумкин эмас, жаноб олийлари.

– Одамларни сўкманг.

– Ўзинг аҳмоқ! – қайсидир бурчакдан овоз чиқди.

– Флибустерлар! – деб кичқирди аллаким бошқа бир ёқдан.

Лембке шовқин чиққан томонга шахд билан ўтирилди ва қумдай оқариб кетди. Лабларининг четида маъносиз тўмтоқ табассум ўйнади, – гўё ниманидир бирдан тушунган ва эслагандай бўлди.

– Жаноблар, – дея мурожаат қилди Юлия Михайловна бостириб келаётган издиҳомга қараб ва айнаи чоғда эрини ўз орқасидан судраб, – жаноблар, Андрей Антоновични кечиринглар, Андрей Антонович касал... кечиринглар... уни кечиринглар, жаноблар!

Мен айнаи шу «кечиринглар» деган сўзни эшитдим. Воқеа кўз очиб юмгунча бўлиб ўтди. Аммо аниқ эсимда: одамларнинг бир қисми худди кўрқиб кетгандай Юлия Михайловнанинг айнан мана шу сўзларидан сўнг залдан чиқиб кетиш ҳаракатига тушди. Мен ҳатто бир аёлнинг кўз ёшлари аралаш кичқирганини эслайман:

– Оҳ, яна боягиндай!

Бирдан ҳаракатга кирган издиҳом узра, ҳақиқатан худди боягиндай чакмоқ чаккандай бўлди:

– Ёнғин! Бутун Заречье ёняпти!

Ҳозир фақат ёдимда йўқ, бу ваҳимали нидо дастлаб қаердан чиқди: залнинг ичиданми ёки чамаси, аллаким ташқаридан зинапоядан кириб келдими, ҳар қалай, шундан сўнг кўрқинчли бир хавотир бошландики, буни ҳикоя қилишга ожизман. Балга келган одамларнинг ярмидан кўпи Заречье томондан бўлиб, бари ўша ерлик ёғоч уйларнинг эгалари, ўша ерда турувчилар эди. Ҳаммалари деразаларга ёпирилишди, дарпардалар сурилди, шторлар тортиб туширилди. Заречье аланга ичида ёнарди. Рост, ёнғин эндигина бошланган, аммо ўт учта ҳар турли нуктадан чиққан, – ва ҳаммани мана шу нарса кўрқитди.

– Ўт қўйишган! Шпигулинчилар! – бакиришарди издиҳом орасидан.

Мен бир қанча қизиқ нидоларни эслаб қолдим:

– Юрагим сезиб юрган эди ёқишади деб, охирги кунлари сезган эдим!

– Шпигулинчилар, шпигулинчилар, бошқа биров эмас!

– У ерга ўт қўйиш учун атай бизни бу ерга йиғишган!

Ушбу охирги, ҳаммасидан қизиқ нидо уйига ўт тушган Коробочканинг соф аёлларча, бегараз, беихтиёр кичкириги эди. Авом ўзини эшикка урди. Пўстинлар, рўмоллар, камзулларни олиш чоғидаги тўс-тўполон, кўрқиб кетган хотин-халажнинг чинқириклари, ойимқизларнинг йиғи-сиғиларини тасвирлаб ўтирмайман. Ҳар ҳолда ўғирлик бўлмагандир-у, лекин бундай ур-йикит тартибсизликда айрим кишилар ўз уст-бошларини тополмай, юпун ҳолда кетишга мажбур бўлганликлари ажаб эмас, кейинчалик бу воқеалар ҳақида шаҳарда анчагача қўшиб-чатиб чўпчакка айлантириб гапириб юришди. Эшикдаги оломон Юлия Михайловна билан Лембкени ёмон сиқиб қўйди.

– Ҳаммани тўхтатинг! Биттасини ҳам чиқарманг! – бўкирарди Лембке оломон узра қўлларини ёзиб. – Ҳамма тинтув қилинсин, дарҳол!

Залдан қаттиқ сўкинган товушлар эшитилди.

– Андрей Антонович! Андрей Антонович! – нидо қиларди Юлия Михайловна жон ҳолатда.

– Биринчиси ушлансин! – кичкирарди ҳоким уни қаҳрли қўли билан кўрсатиб. – Биринчиси тинтув қилинсин! Бундан мақсад ёнғин чиқариш...

Хоним чинқириб хушидан кетди (о, рости билан, ҳақиқий беҳушлик эди бу). Мен, княз ва генерал ёрдамга шошилдик; мана шу оғир дамда бизга бошқалар, ҳатто хонимлар ҳам кўмаклашиб юборишди. Биз шўрлик хонимни бу дўзахдан от аравага олиб чиқдик; аммо уйга яқинлашганимиздагина у кўзини очди ва ҳаммадан бурун Андрей Антоновични сўради. Барча ҳаёлий орзулари барбод бўлгач, унинг кўз ўнгида факат Андрей Антоновичгина қолди. Докторга одам жўнатилди. Мен бир соатча шу ерда бўлдим, княз ҳам қимирламади; генерал олийжаноблик қилиб (ўзи жуда кўрқиб кетган бўлса ҳам), кечаси билан «бемор тўшаги» олдида тонг оттирмакчи эди, лекин ўн дақиқа ўтмай, доктор келишини кутиб ўтирган пайтимиздаёқ залда қреслода ўтирганча ухлаб қолди, уни кейин безовта қилиб ўтирмадик.

Балдан чиқиб ёнғинга боришга ошиққан полиция бошлиғи бизнинг ортимиздан Андрей Антоновични олиб чиқиб, уни Юлия Михайловнанинг ёнига от аравага ўткизишга, жаноби олийларини «дам олишга» кўндиришга уринди. Лекин бунга каттиқ тургани йўқ, мен тушунмадим. Рост, Андрей Антонович «дам олиш» тўғрисида ҳатто эшитгиси ҳам келмас, ёнғин чиққан ерга шошиларди; аммо бу сира ақлга тўғри келмасди. Алоҳа, полиция бошлиғи ўз извошида уни ёнғинга бошлаб кетди. Унинг кейинчалик ҳикоя қилишича, Лембке йўл бўйи қўлларини силкитиб борган ва «шундай гаройиб гапларни айтганки, уларни адо этишнинг сира иложи бўлмаган». Кейинроқ берилган маълумотга бу шундай қайд ҳам этилди, яъни жаноби олийлари ўша пайтда «кутилмаган қўрқувга» тушган ва талваса ичида қолган эди.

Балнинг қандай тугаганлигини ҳикоя қилиб ўтирмайман. Залда бир қанча ўйинқароқлар ва ҳатто аллақанча хонимлар базми давом эттиришган. Полиция қатнашмаган. Мусикани қўйиб юборишмаган ва кетаётган машшоқлар-

ни калтаклашган. Эрталабга бориб «Прохоричнинг чодирини» йикитишган, итдай маст бўлиб ичишган, комаринская раксига яланғоч бўлиб тушишган, хоналарни булғатишган, факат тонг оқарганда маст-аласт бу тўданинг бир қисми ёнгининг охирига, яна янги тартибсизликларга етиб борган... Бошқа қисми эса ўлардай маст ҳолда залнинг ўзида, баркут диванларда ва гиламлар устида қотиб ухлаб қолган, бошқа ҳаммасини шундан қиёс қилиш мумкин. Эрталаб, имконият туғилиши биланоқ, уларни оёқларидан судраб кўчага чиқариб ташлашган. Видеоятимиз мураббиялари фойдасига уюштирилган байрам ана шундай тугади.

IV

Ўт қўйилгани аниқ бўлгани учун ҳам дарё ортидаги аҳоли анча ташвиш ва хавотирга тушиб қолди. Шуниси қизикки, «уйимизга ўт тушди» деган биринчи қичқирикдан сўнг, у билан бир вақтда «шпигулинчилар ўт қўйишяпти», деган бақирик ҳам эшитилган. Энди шу нарса яхши маълумки, ҳақиқатан, учта шпигулинчи ўт қўйишда иштирок этган, лекин ундан ортиқ эмас; фабриканинг бошқа ишчилари умум фикри бўйича ҳам, расмий фикр бўйича ҳам тамомила оқланишган. Ўша учта аблахдан ташқари (улардан биттаси ушланган ва айбини бўйнига олган, иккитаси эса ҳали шу пайтгача қочокда), ўт қўйишда Федька Каторжний (Бадарга) ҳам иштирок этган. Ёнгин келиб чиқиши ҳақида ҳозирча шуларгина аниқ маълум; тахминлар эса бутунлай бошқа масала. Бу уч аблахнинг олдига қўйган мақсади нима эди, уларга кимдир йўл кўрсатганми, йўқми? Буларга ҳали ҳозиргача жавоб топиш қийин. Уч томондан ўт қўйилгани ва кучли шамол эсиб тургани учун Заречьенинг ёғоч уйларига ўт тез туташиб, бутун маҳалла ўрамини шиддат билан қамраб олди (дарвоқе, ўт икки томондан қўйилган дейиш тўғрироқ бўлади: учинчи томондагиси эса ўт чиққан заҳоти дарҳол ўчирилган, буни куйироқда айтиб ўтамиз). Аммо пойтахт хабарларида боши-

мизга тушган кулфат борасида муболаға қилинган: мисол учун айтганда, бизнинг бутун Заречъенинг тўртдан бири (балки ундан ҳам озроқдир) ёнган, ортиқ эмас. Бизнинг ўт ўчириш жамоамиз шаҳар микёси ва аҳолисининг сонига қараганда, нисбатан кучсизроқ эса-да, бироқ ғоятда пухта ва фидокорона ҳаракат қилди. Лекин агарда эрталабга бориб шамол пасаймаса ва тонг ёришганда, батамом тўхтамаса, аҳолининг жонбозларча ёрдам беришига қарамай, ўт ўчирувчиларимиз бунчалар кўп иш қилолмасдилар. Мен балдан чиқиб бир соатдан сўнг Заречъега етиб борганимда, ҳаммаёқни ёнгин қоплаганди. Дарёга ёндош бутун кўча аланга ичида эди. Худди кундуздай ёруғ эди. Ёнгин манзарасини батафсил тасвирлаб ўтирмайман: Русда ким уни кўрмаган? Аланга ўртасидаги кўчага яқин тор кўчалар ақл бовар қилмас даражада тикилинч ва бошбошдоклик ҳукм суларди. Бу ерларда ана ўт тушади, мана ўт тушади, деган ваҳимада аҳоли уйлардан мол-ашёларини олиб чиқишар, лекин уйларини ташлаб нари кетмас, ҳар бири ўз деразалари тагида сандиклару тўшакларда кутиб ўтиришарди. Эркакларнинг бир қисми оғир юмушлар билан овора, шахд-шиддат билан деворларни йиқитишар, ҳатто бутун-бутун хужра, уйчаларни қулатишар, аланганинг йўлини тўсишарди. Уйқулари безовта бўлган болалар йиғлашар, эски-тускиларини ташиб чиқишга улгурган хотин-халаж изиллаб уввос тортарди. Улгурмаганлар эса оғиз очмай нарсаларини ташишарди. Учқунлар, чўғлар, тош-шағаллар узоқларга отилиб тушарди; уларни имкон қадар дарров ўчиришарди. Шаҳарнинг барча томонларидан йиғилган оломон ёнгин атрофида уймалашарди. Баъзилари ўтни ўчиришга қўмаклашар, бошқалари томоша қилиб туришарди. Тунда чиққан катта ёнгин доим этни жунжиктиради, унинг ўзига яраша сурури бор; мушакбозлик шундай сурур бағишлайди, аммо бунда ўт нафис ва мавзун жойлашади ва тўла хавфсиз бўлган ҳолда енгил, ўйноқи таассурот қолдиради, одатда бир қадах шампан-дан сўнг шундай бўлади. Ҳақиқий ёнгин бутунлай бошқа: буида даҳшатга тушасиз, ўзингизга хатар хавф солаётга-

нини сезасиз ва шу билан бирга тунги олов шовқинини тунясиз (албатта, айнан сизнинг уйингизга ўт тушмаган бўлса), миянгиз бир қадар ларзага тушади ва маълум даражада бузғунчиликка бошловчи инстинктларингиз жунбushга келади, эвоҳ! Бу ҳар бир кўнгилда ва ҳатто энг итоатқўй ва оиламанд мансабдор маслаҳатчининг ҳам кўнглида яширин уя қуриб ётади... Бу қоронғу туйғу доим ўзига ром этади. «Билмадим, ёнғинга бир мунча мамнуният туйғуси билан қараш мумкинмикин, илло». Буни бир куни менга тасодифан тунги ёнғинга дуч келиб қолган Степан Трофимович қайтиб келганидан сўнг таассуротларини баён қила туриб айтганди. Албатта, тунги ўтни томоша қилишни яхши кўрадиган ишқивоз ўйлаб ўтирмаёқ аланга ичида қолган болақай ёки қарияни қутқариш учун ўзини отади; аммо энди бу бутунлай бошқа масала.

Сўраб-суриштириб ўтирмай, томоша талаб оломон орқасидан суқулиб бориб мен энг хатарли ёнғин ўчоғи устидан чиқдим, бу ерда ниҳоят Лембкени кўрдим, уни Юлия Михайловнанинг илтимосига биноан қидираётган эдим. Унинг аҳволи жуда антиқа ва фавқулудда эди. У девор харобалари устида турарди; унинг сўл томонида, ўтгиз одимча нарида икки қаватли ёғоч уйнинг ёниб бўлаёзган қорайган қовургалари кўринар, уйнинг томи қулаб тушган, ромларнинг ўрни ҳар икки қаватда ҳам очилиб қолган, қорайиб чўққа айланган харилардан ҳамон аланга тиллари чўзилиб чиқарди. Ҳовлининг ичкарасида, ёниб бўлган уйдан йигирма одимлар нарида бошқа бир икки қаватли ёрдамчи бино ўт ола бошлаган, ўт ўчирувчилар оловни авж олдирамасликка жон-жаҳдлари билан уринардилар. Ўнг томонда эса одамлар ва ёнғин хизмати анчагина катта ёғоч бинога ўт кетмаслиги учун қаттиқ тиришар, бинони аланга ялай бошлаган, лекин ҳозирча омон турар, аммо аҳвол шундай давом этса ёниб кетиши муқаррар эди. Лембке бу бинога юзини бурганча, қичкириб, қўлларини силкитар, буйруқ берар, лекин унинг буйруқларини ҳеч ким бажармасди. Уни бу ерга ташлаб кетишибди-да, ҳеч кимнинг у билан иши бўлмай қолибди-да, деган хаёл ўтди

калламдан. Ҳар қалай, уни қуршаган зич ва ранг-баранг оломон уни беҳатарроқ жойга олишни ҳаёлига келтирмас, ҳолбуки, бу издиҳом ичида турли-туман одамлар қатори соҳиб қиромлару ҳатто жоме ибодатхонасининг бош қашиши ҳам бор эдилар, улар ҳокимнинг гап-сўзларини қизиқиб, ажабланиб тинглашар, лекин ҳеч ким у билан гаплашмасди. Ранги бўздай оқарган, кўзлари ўт бўлиб ёнган Лембке ажойиб-ғаройиб гапларни айтарди; боз устига бошида шляпаси ҳам йўқ, уни аллақачон йўқотганди.

– Ёқишган! Бу нигилизм! Нима ёқилган бўлса, ҳаммаси нигилизм! – буларни эшитиб этим жимирлаб кетди, бироқ энди буларнинг ажабланадиган жойи қолмаганди, аммо борлиқ амалий ҳаёт доим кишини ларзага соладиган бир нимага эга бўлади.

– Жаноби олийлари, – ҳокимнинг ёнида полиция назоратчиси пайдо бўлди, – уйга бориб дам олсангиз эди... Бу ерда туриш жаноби олийлари учун жуда хавфли.

Ушбу полиция назоратчиси Андрей Антоновичга қараб туриш учун полиция бошлиғи томонидан қолдирилган, имкон қадар уни уйга олиб кетиш топширилган, хавф-хатар туғилиб қолса, қуч ишлатишга ҳам рухсат берилган, – аммо булар бари нозир учун имкондан ташқари эди.

– Уйи қуйганларнинг кўз ёшлари артиради, аммо шаҳар ёқилади. Ҳаммасини ўша тўрт аблаҳ қилган, тўрт яримта аблаҳ. Аблаҳни ушланг! У бу ерда бир ўзи, тўрт яримтасига у бўҳтон қилган. У оилалар номусига тегади. Уйларни ёндириш учун мураббияларни ишга солишди. Қабоҳат, қабоҳат! Вой, анув нима қияпти! – деб кичқирди у ёнаётган ёрдамчи бинонинг томига ўт ўчирувчи чикқанини кўриб қолиб, ўт ўчирувчининг оёқлари тагида аланга гувиллар, чарсиллаб ўт-олов отиларди. – Туширинглар уни, тушир дейман, у ҳозир қулайди, ёниб кетади, оловни ўчиринглар... Нима қияпти ўзи у ерда?

– Ўт ўчирапти, жаноби олийлари.

– Ана холос! Ёнғин томда эмас, бошда. Тортиб олинглар уни, бас қилинглар ҳаммасини! Ташланглар, яхши-

си ташланглар! Майли ўзлари амалласин! Вой, яна ким йигляпти? Кампир-ку! Кампир додлаяпти, нега кампирга қарашмайди?

Ҳақиқатан, аланга ичидаги қўшимча бинонинг пастки қаватида бир саксон яшар кампир додлаб қичқирар, у ёнаётган уйнинг эгаси бўлган савдогарнинг қариндоши эди. Аммо уни унутишмаган эди, унинг ўзи ҳали имкони борида ёнаётган уйнинг ичига кириб, бурчакдаги қазноқда қолиб кетган пар тўшагини олиб чиқмоқчи бўлаётганди. Аммо ҳозир қазноққа ҳам ўт етиб борган, кампир аччиқ тутунда бўғилиб, олов ҳароратидан қичқириб, ромнинг ойнаси синиб очилиб қолган дарчасидан қалтираган қўлларини тикиб ўзининг пар тўшагини тортиб олишга уринарди. Лембке унга ёрдамга ташланди. Ҳамма унинг дарча олдида чошиб боргани, пар тўшакни бир чеккасидан тутиб бор кучи билан уни тортаётганини кўрди. Аксига олиб худди шу маҳалда томдан ёниб синган тахта учиб тушиб шўрлик Лембкенинг бошига тегди. У ўлгани йўқ, лекин тахтанинг бир кирраси зарб билан унинг бўйнига урилди ва шу билан Андрей Антоновичнинг биздаги иш-юмуши барҳам топди, у оёқда туролмай йиқилди ва ҳушидан кетди.

Нихоят, ҳўмрайган, нохуш тонг отди. Ёнгин пасайди; шамол тинган, жимжитлик чўкди, ундан сўнг худди элакдан ўтаётгандай майдалаб имиллаган ёмгир ёгди. Мен энди Лембке йиқилган жойдан анча наридаги Заречьенинг бошқа ерида эдим, бунда одамларнинг оғзидан жуда ғалати гапларни эшитдим. Қизик бир воқеа юзага чикиб қолди: маҳалланинг энг чекка бўш ётган ерида, томорқаларнинг орқасида, бошқа уй-жойлардан эллик қадамлар олисда яқинда қуриб битказилган унча катта бўлмаган ёғоч уй бор эди, мана шу ёлғиз уй катта ёнгин бошланмасдан сал илгарироқ ҳаммадан олдин ўт ичида қолганди. Агар батамом ёниб кетган тақдирда ҳам, ўртада масофа бўлгани боис, шаҳардаги биронта ҳам бинога ундан олов ўтмасди ва аксинча – мабодо бутун Заречье бошдан оёқ ёниб кетганида ҳам, ҳар қанча шамол бўлмасин, фақат шу уй ўтдан омон қолиши мумкин эди. Бундан чиқадики, бу уй

Ўзи алоҳида, ўз ҳолича ёнган ва бу энди сира бежиз эмас. Аммо кизиги шундаки, у бутунлай ёниб улгурмаган ва тонг оқарганда унда гаройиб ишлар рўй бергани аён бўлган эди. Бу ерга яқин мавзеда яшайдиган уйнинг шаҳарлик хўжайини унинг ёнаётганини кўриши биланок пайсалга солмай югуриб келган ва қўни-қўшнилар ёрдамида деворга тираб қўйилган, ўт олиб ёнаётган саржин ўтинларни улоктириб ташлаганди. Бироқ янги уйда ижарада одамлар туришаркан – шаҳарда отнинг қашқасидай маълум капитан билан унинг синглиси ва ёши ўтган хизматкор хотин – мана шулар ҳаммаси – капитан, синглиси, хизматкор хотин тунда пичоқлаб сўйиб кетилган, таланганди. (Лембке пар тўшакни қутқараётган пайтда полиция бошлиги мана шу ерга етиб келганди). Эрталаб хабар ҳамма ёққа тарқалди, жуда кўп турли-туман одамлар ва ҳатто Заречьеда уйи қуйганлар овлоқдаги янги уй томонга оқиб келди. Одам тигизлигидан ўтиб бўлмасди. Менга дарҳол шуни ҳикоя қилиб беришдики, капитанни кийим-пийими билан кат устида маст-аласт ухлаб ётганида бўғизлашган, у ҳатто буни сезмай ҳам қолган, ундан «хўкиздан оққандай» қон шариллаб оққан; унинг синглиси Марья Тимофеевнанинг ҳамма ёғига пичоқ тикиб ташланган, у қотил билан жон ҳолатда талашган чоғи, ўлиги эшик тагида қолган. Хизматкор хотин ҳам уйғониб кетган бўлса керак, боши пула қилиб ўлдирилган. Уй эгасининг айтиб беришича, капитан кеча эрталаб унинг олдида маст бўлиб келган, роса мактаниб бир талай икки юз рублдан кам бўлмаган пулларни кўрсатган. Капитаннинг эски буришган кўк ҳамёни бўш ҳолда ерда ётарди; аммо Марья Тимофеевнанинг сандиғига тегилмаган, девордаги санамнинг кумуш гардиши ҳам олинмаган; капитаннинг барча кийим-бошлари ҳам бут турибди. Қарокчи шошилгани аён эди, чамаси, у капитаннинг ишларини яхши билган ва фақат пулни ўмариш ниятида келган, пул қаердалигини ҳам билган. Мабодо уй эгаси вақтида етиб келмаганда, ўтин аланга олиб, уй бутунлай ёниб кетган бўлар, «қуйиб кул бўлган ўликлардан эса воқеанинг ҳақиқатини аниқлаб бўлмасди».

Воқеани ана шундай ҳикоя қилишарди. Яна шуларни ҳам қўшимча қилишардики, бу уйни капитан билан унинг синглиси учун генерал ойим Ставрогиннинг ўғли, жаноб Николай Всеволодович Ставрогиннинг ўзи ижарага олиш учун келган, уй эгаси ковоқхона очмоқчиман деб, беришни истамагани сабабли уни ялиниб-ёлвориб қўндирган, Николай Всеволодович ижара баҳосига қараб ўтирмадилар, яна олдиндан ярим пулини тўлаб қўйдилар.

– Бекорга ёнмаган, – дейишарди тўдаланиб турган одамлар.

Аммо кўтлар сукут сақлашарди. Одамлар ҳўмрайишган, аммо бировнинг аччиқ-тирсик қилганини сезганим йўқ. Аммо ҳамманинг оғзидан Николай Всеволодовичнинг тарихи тушмас, ўлдирилган аёл унинг хотини бўлади, дейишарди, кеча у бу ердаги энг катта уйдан генерал ойим Дроздованинг кизини «номардлик қилиб» олиб қочиб кетибди, энди унинг устидан Петербургга ариза ёзишармиш, хотинининг ўлдирилиши, афтидан, Дроздовага уйланиши учун бўлса керак. Скворешники бу ердан узоқ эмас, икки ярим чақирим нарида, эсимда, ўшанда бошимдан шундай хаёл ўтди: у ерга хабар қилинсамикин? Дарвоқе, биров одамларни гижгижлаганини мен сезмадим, ёлғон гапириб гуноҳкор бўлиб қолмай, «буфет» шинавандаларидан икки-уч таскара олдимдан у ёқ-бу ёққа ўтди, улар тонгда ёнгинда кўринган эди, мен дарҳол уларни танидим. Аммо айниқса, баланд бўйли, қотмадан келган шаҳарлик бир йигит аниқ эсимда, унинг сочлари жингалак, башараси ичкиликдан эзилган, ўзи худди қора мойга белангандай бир чилангар, буни кейин билдим. У ичмаган, аммо турган издиҳомнинг зидди ўларок, ўзидан кетгудек ҳаяжонда эди. Унинг сўзлари эсимда йўқ, лекин нукул халойиққа мурожаат қиларди. Гап-сўзлари тутуриксиз, қисқа эди: «Оғайнилар, бу нима ахир? Наҳот, шундай бўлаверади?» У қўлларини зўр бериб силкитарди.

УЧИНЧИ БОБ

СЕВГИ ХОТИМАСИ

I

Скворешникидаги танобий залдан (бу ўша Варвара Петровна билан Степан Трофимовичнинг охирги учрашувлари бўлиб ўтган зал) ёнгин кафтдек кўриниб турарди. Тонг чоғи соат олтиларда ўнг томондаги энг чекка дераза олдида Лиза ўчиб бораётган ёнгин ёлқинларидан кўз узмасди. У хонада ёлғиз, кечаги байрам либосида эди, байрамга мана шу оч яшил, ҳашамдор, жимжима тўрлар билан безалган кўйлакни кийган, ҳозир у бирмунча эзилган, апил-тапил пала-партиш кийинганди. Бирдан у кўкраги очилиб қолганлигини кўриб, кизариб кетди, кўйлагини шоша-пиша тузатди, кеча бу ерга кириб келганда креслога ташлаб қўйилган қизил рўмолини олди-да бўйнига ташлади. Сочилган зулфлардаги тўлқинланган сочлари рўмол тагидан ўнг елкасига ёйилиб тушди. Ҳорғин чехрасида ташвиш акс этар, аммо чимрилган қошлар остидан кўзлари оловдай боқарди. Қиз яна дераза яқинига келди-да, кизиб кетган манглайини совуқ ойнага босди. Эшик очилиб, ичкарига Николай Всеволодович кирди.

– Мен отда одам юбордим, – деди у, – ўн дакиқадан сўнг ҳаммасини биламиз, ҳозирча одамлар Заречъенинг дарёга туташ қисми, кўприкнинг ўнг томони ёнди, дейишяпти. Кечаси ўн иккида ёнган экан; ҳозир босилибди.

У дераза олдида келмади, кизнинг орқасида уч кадамча нарида тўхтади; аммо қиз унга қараб ўтирилмади.

– Тақвим бўйича боя бир соат олдин кун ёришиши керак эди, лекин ҳалиям қоронгу, – норози бўлиб деди қиз.

– Тақвимларнинг ёлғони кўп, – деб илтифотли жилмайди йигит, лекин негадир хижолат чекиб, тезгина қўшиб қўйди: – тақвим бўйича яшаш зерикарли, Лиза.

У яна бир карра жуда жўн бир гапни айтганидан гижиниб жим бўлди; Лиза лабини қийшайтириб илжайди.

– Сиз шунчалар маъюс кайфиятдасизки, менга айтадиган сўз ҳам тополмайсиз. Аммо тинчланинг, сиз ҳозир топиб айтдингиз: мен доим таквим бўйича яшайман, ҳар бир қадамим таквим бўйича ҳисобли. Ҳайрон бўляпсизми?

Қиз тезгина ойнадан терс ўтирилди-да, креслога ўтирди.

– Марҳамат, сиз ҳам ўтиринг. Бирга бўладиган вақтимиз қисқа ва мен кўнглимга нима келса, шуни сўзламоқчиман... Сиз ҳам кўнглингиздаги бор гапни айтсангиз, нима қилади?

Николай Всеволодович қизнинг ёнига ўтирди-да, охиста, худди чўчигандай бўлиб унинг қўлидан тутди.

– Нега тилингиз бундай, Лиза? Бирдан у қаердан келди? «Бирга бўладиган вақтимиз қисқа», деганингиз нима-си? Уйғонганингга ярим соат бўлди-ю, бу сенинг иккинчи сирли сўзинг.

– Сиз менинг сирли гапларимни санай бошладингизми? – кулиб юборди қиз. – Эсингиздами, мен кеча бу ерга кириб келганимда, мен ўлганман, дедим? Буни эсингиздан чиқарганга ўхшайсиз. Унутгансиз ё эътибор бермагансиз.

– Эсимда йўқ, Лиза. Нега ўлганман, дейсиз? Яшаш керак...

– Кейин жим бўлиб қолдингиз? Сўзамоллигингизни йўқотиб қўйдингиз. Мен ёруғ дунёдаги ўзимга ажратилган вақтни яшаб бўлдим, шу менга кифоя. Сиз Христофор Ивановични эслайсизми?

– Йўқ, эслолмайман, – қовоқ солди йигит.

– Лозаннадаги Христофор Ивановични-я? У жуда жонингизга теккан эди. У доим эшикни очиб: «Мен бир дақиқага», дерди-да, кейин кун бўйи ўтирарди. Мен Христофор Ивановичга ўхшагим, кун бўйи ўтиргим келмайди.

Йигитнинг чехрасида оғриқ бир таассурот акс этди.

– Лиза, менга бу синиқ тилни эшитиш оғир. Бу товланиш ўзингизга қимматга тушади. Нима кераги бор? Нимага?

Унинг кўзларида ўт чакнади.

– Лиза, – хитоб қилди у, – онт ичаман, мен сени кеча бу ерга кириб келганингдан кўра ҳозир кўпроқ севаман!

– Қизиқ изҳор қилдингиз! Кеча, бутун деган ўлчовларнинг нима аҳамияти бор?

– Сен мени ташлаб кетмайсан, – давом этди йигит фиғони ошиб, – биз бирга кетамиз, шу бутунок, шундайми? Шундайми?

– Вой, қўлимни каттиқ қисманг, оғрийди! Биз бутунок қаерга бирга кетамиз? Яна қаерлардадир «тирилиш» учунми? Йўқ, етар менга синовлар... тоқатим етмайди; бу қўлимдан келмайди, менга бу жуда баландлик қилади. Агар кетсак, унда фақат Москвага, у ерда меҳмонга борамиз, ўзимиз меҳмон кутамиз – менинг идеалим шу, сиз биласиз; ҳали Швейцарияда юрганимиздаёқ мен ўзимнинг қандайлигимни сиздан яширганим йўқ. Сиз Москвага боролмайсиз ва меҳмонлар кутолмайсиз, чунки сиз ўйлангансиз, зеро бу ҳақда гапириб ўтириш ҳам ортиқча.

– Лиза! Кеча ўзи нима бўлди?

– Нима бўлса шу бўлди.

– Бундай мумкин эмас! Бераҳмлик бу!

– Бераҳмлик бўлса нима, чиданг, бераҳмликка.

– Сиз кечаги хаёлим учун мендан ўч оляпсиз... – тўнгиллади йигит аламли илжайиб. Лиза кизариб кетди.

– Жуда тубан фикр!

– Унда нега кеча сиз менга... «шунча бахт» ҳадя қилдингиз? Буни билишга ҳаққим борми?

– Йўқ, бу ерда ҳақ талашиб ўтирмасангиз ҳам бўлади; тахминингиз тубанлигини тентаклик билан алиштирмасангиз ҳам бўлади. Бугун бу қўлингиздан келмайди. Айтганча, сиз жамиятнинг фикридан кўркмаяпсизми, «шунча бахт» учун мени айблашлари мумкин, деб ўйламаяпсизми? О, агарда шундок бўлса, асло унда ўзингизни уринтирманг. Сиз бу ерда ҳеч нарсага сабабкор эмас ва ҳеч кимга жавоб бермайсиз. Кеча мен эшигингизни очиб кирганимда, сиз ҳатто ким кираётганини билганингиз йўқ. Сиз ҳозиргина тилга олганингиздай бу ерда ёлғиз менинг

товланган ҳаёлимгина, холос, бошқа ҳеч нарса эмас. Сиз ҳамманинг кўзига ғолибона жасорат билан тик қарашингиз мумкин.

– Сенинг кўзларинг, кулгиларинг мана бир соатдан ортиқ мени совуқ даҳшатга солади. Сен жунбушга келиб айтаётган бу «бахт» мени батамом... адо этади. Ахир мен энди сени йўқотишим мумкинми? Онт ичаман, кеча мен сени бунчалик яхши кўрмасдим. Нега энди сен бугун мендан ҳаммасини тортиб оляпсан? Сен биласанми, бу янги умид менга қанчага тушганини? Унга мен ҳаётимни қурбон қилдим.

– Ўз ҳаётингизними ё бошқа бировни?

Йигит шахд ўрнидан турди.

– Бу нима деганинг? – деди йигит кизга кимирламай каттиқ тикилиб.

– Ўз ҳаётингизними ё менинг ҳаётимни қурбон қилдингизми, мен мана шуни сўрамоқчийдим, ё сиз умуман гапни тушунмайдиган бўлиб қолдингизми? – қизариб кетди Лиза. – Нега бундай сакраб турдингиз? Нега менга бундай тикилиб қарайсиз? Мени кўрқитяпсиз. Нимадан ҳадеб кўрқаверасиз? Анчадан бери билиб турибман, сиз кўрқяпсиз, худди ҳозир, худди шу тобда... Худойим, мунча оқариб кетяпсиз!

– Агар сен бирон нарсани билсанг, Лиза, қасам ичманки, мен билмайман... ҳаётимни қурбон қилдим деганимда, мен бошқа бир нарсани назарда тутган эдим...

– Мен сизни ҳеч тушунолмаёпман, – деди киз ҳадиксираб тили тутилиб.

Ниҳоят, йигитнинг лабларига оҳиста ўйчан жилмайиш қўнди. У аста ўтирди, тирсақларини тиззасига қўйди-да, қўллари билан юзини беркитди.

– Кўрқинчли туш ва алаҳсираш... Биз бутунлай бошқа-бошқа нарсалар ҳақида сўзладик.

– Сиз нима деганингизни мен ҳеч билолмадим... Наҳотки, сиз кеча менинг бугун сизникидан кетишимни билмаган эдингиз, билувдингизми, йўқми? Алдаманг, билувдингизми, йўқми?

– Билувдим... – оҳиста деди йигит.

– Унда сизга яна нима керак; билибсиз-у, «лаҳзани» ўзингизга қолдирибсиз-да. Бунга яна қандай ҳисоб-китоб керак?

– Менга бор ҳақиқатни айт, – деб кичқирди йигит тегран бир изтироб ичида, – кеча сен менинг эшигимни очганингда, ўзинг уни фақат бир соатга очаётганингни билармидинг?

Қиз унга еб қўйгудай бўлиб қаради:

– Рост экан, энг жиддий одам, энг хайрон қоларли саволларни берар экан. Нега бунча ташвишланаверасиз? Сиз биринчи бўлиб аёлни эмас, аёл сизни биринчи бўлиб ташлаб кетаётганидан номус қиласизми? Биласизми, Николай Всеволодович, мен сизникида бўлиб ишонч ҳосил қилдимки, сиз менга нисбатан жудаям олийжаноблик кўрсатаяпсиз, мен эса худди мана шуни сиз томондан сира кўтаролмайман.

Йигит ўрнидан турди ва уй ичида бир неча қадам юрди.

– Майли, шундоқ тамом бўла қолсин... Лекин бунинг ҳаммаси қандай рўй берди ахир?

– Шу ҳам ташвиш бўлди-ю! Энг асосийси, сиз буни бармоқ билан санагандай яхши биласиз ва дунёда ҳаммадан кўра яхши тушунасиз ва ўзингиз ҳисоб-китоб қилгансиз. Мен ойим қизман, менинг юрагим қўшиқ ва ўйинда ўсган, менинг ибтидоим шунда, жумбоқнинг ечими шунда.

– Йўқ.

– Бу ерда сизнинг ориятингизга тегадиган ҳеч нарса йўқ, ҳаммаси бор ҳақиқат. Ҳаммаси гўзал бир лаҳзадан бошланди, мен уни кўтаролмадим. Уч кун бурун сизни ҳамманинг олдида «хафа қилиб қўйиб», сиз эса менга мардлик қилганингиздан сўнг, мен уйга қайтгач, дарҳол шу нарса хаёлимга келдики, сиз мендан нафратланганингиз учун эмас, уйланиб қўйганингиз учунгина мендан қочиб юрган экансиз, кибор ойим қиз бўлганим учун бировнинг нафратини кўтариб юришим оғир. Қочиб юриб

мен ақлсизни аяган, мухофаза қилганингизни англадим. Кўрдингизми, сизнинг олийжаноблигингизни қанчалар қадрлайман. Шунда бирдан Петр Степанович пайдо бўлиб қолди ва дарҳол менга ҳаммасини тушунтириб берди. У менга очиб берган нарса шу бўлдики, сиз улут бир фикрни кўтариб юрган экансиз, бу фикр олдида у билан биз иккимиз урвоқ ҳам эмас эканмиз, аммо бари бир мен сизнинг йўлингиздаги тўғон эканман. У ўзини ҳам шу қаторга қўшди; учовимизни қўшиб, одамнинг хаёлига келмаган гапларни айтди, кема дейдим-ей, яна қандайдир рус қўшиғидаги заранг эшакларми-ей. Мен уни мақтадим, сиз шоирсиз дедим, у чиппа-чин қабул қилди. Мен эса бусиз ҳам ўзим анчадан бери яхши билардим, менинг бир қайновим ичимда, кўпга дош беролмайман, шунинг учун кўнглимга келганини қилиб қўя қолдим. Бор гап шу, етар энди, бошқа гапни чўзмайлик. Ақс ҳолда, яна уришиб қоламиз. Ҳеч кимдан кўркманг, мен ҳаммасини ўз бўйнимга оламан. Мен тентак, тантиқ қизман, кема деса ўпанга қизикиб кетавераман, мен шунақа оҳанжама ойим қиз... Биласизми, мен бари бир сиз мени қаттиқ яхши кўрасиз, деб ўйлабман. Тентак қиздан нафрат қилманг, ҳозир кўзимга ёш чиққан бўлса, бундан кулманг. Мен ўзимга «рахмим келиб» йиғлашни жуда яхши кўраман. Вой, бўлди, етар, етар. Менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди, сизнинг ҳам қўлингиздан ҳеч нарса келмайди; икки ёқдан икки чертмак, бизга шунинг ўзи етади. Жилла курса, ориятга заҳмат етмайди.

– Туш ва алаҳлаш! – деб қичқирди Николай Всеволодович қўлларини қисирлатиб хонада юраркан. – Лиза, шўрлигим, нима қилиб қўйдинг сен ўзингни?

– Қанотим ўтга тегиб кетди, бошқа ҳеч нима. Сиз ҳам йиғлаяпсизми? Ўзингизни тутинг, огирроқ бўлинг...

– Нега, нега сен олдимга келдинг?

– Аммо сиз бундай саволлар билан ўзингизни жамоат фикри олдида қанчалар кулгили аҳволга қўйишингизни нахотки тушунмайсиз?

– Нега сен ўзингни бунчалар хунук ва бемаъни ҳалок қилдинг, энди нима бўлади?

– Шу Ставрогин, «қонхўр» Ставрогиннинг гапими? Бу ерда сизни яхши кўриб қолган бир хоним шундай дейди! Кулоқ солинг, мен ахир сизга айтдим-ку: мен ўз ҳаётимни бир соатга алиштирдим, афсусланмайман. Сиз ҳам шундай қилинг... айтганча, сизга шарт эмас; сизнинг ҳаётингизда ҳали бундай «соатлар» ва «лаҳзалар» кўп бўлади.

– Сенда қанча бўлса, менда ҳам шунча; сенга улут сўз бераман, сендан бир соат ортиқ эмас!

Йигит ҳамон у ён-бу ён юрар ва кизнинг худди умид шуъласи тушиб ёришгандай тез, ўткир нигоҳини пайқамасди. Аммо шуъла толаси яна шу заҳоти сўнди.

– Агарда сен менинг ҳозирги *ажабтовур* самимиятимнинг қандайлигини билсайдинг. Лиза, агарда мен сенга юрагимни...

– Юрагимни дейсизми? Менга юрагингизни очмоқчимисиз? Сизнинг юрак очишингиздан мени худойим ўзи сакласин! – кўркув ичида унинг сўзини бўлди қиз.

Йигит тўхтади ва безовта кутди.

– Сизга бўйнимга олиб айтай, ҳали Швейцариядаёқ қалламга бир фикр ўрнашган эди, сизнинг юрагингизда ёмон кўрқинчли, ифлос ва қонли алланарса бор ва... ва шу билан бирга сизни жуда ҳам қулгили аҳволга қўядиган яна ёмон алланима. Агар гапим тўғри бўлса, менга юрак очманг: устингиздан куламан. Мен бир умр устингиздан хандон отиб куламан... Вой, яна рангингиз оқаряптими? Бўлди, бўлди, мен ҳозир кетаман, – деб қиз ўрнидан сакраб турди нафратланиб ижирганган қўйи.

– Қийна мени, ўлдир, аяма, аламингни ол, – кичкирди фйғони фалақдан ошиб йигит. – Тўла ҳақинг бор! Билардим, сени яхши кўрмайман, сени нобуд қилдим. Ҳа, мен «лаҳзани ўзимга олиб қолдим»; умид қилган эдимки... анчадан бери... охириг умидим, илинжим... Кеча сен бир ўзинг олдимга биринчи бўлиб кирганингда, мен юрагимни ёритган нурга бардош беролмадим. Мен бирдан ишондим... Мен, эҳтимол, ҳозир ҳам ишониб турибман.

– Мен бундай олийжаноб очикликка худди шундай очиклик билан жавоб бераман: мен сизга меҳрибон мушфиқ ҳамшира бўлишни истамайман. Мабодо мен шу бугуннинг ўзида ўлмай қолсам, балки боқувчи ҳамшира бўлишга кўнарман; лекин шунда ҳам сизга бўлмайман, гарчи сиз ҳар қандай қўлсиз, оёқсиздан кўра яхшироқсиз. Менга доим шундай туюлардики, сиз мени одам бўйидай келадиган улкан қонхўр ўргимчак яшайдиган аллақандай бир ерга олиб борасиз-у, биз бир умр унга кўркиб қараб ўтирамиз. Бизнинг ўзаро севги-муҳаббатимиз шу билан тугайди. Сиз Дашенькага мурожаат этинг; у сиз билан хоҳлаган жойингизга боради.

– Сиз уни шу ерда ҳам эсламай туrolмадингиз-да?

– Шўрликкина лайча! Мендан салом айтинг. Сиз уни Швейцариядаёқ кексалик чоғларингизга ғамлаб қўйганингизни у билса керак? Мунчалар ғамхўрлик! Мунча олдиндан ғамлаш! Вой, ким бу?

Залнинг ичкарисиди эшик сал-пал қия очилди; кимдир бошини сукди ва яна шоша-пиша беркинди.

– Сенмисан, Алексей Егорич? – сўради Ставрогин.

– Йўқ, бу менман, холос, – яна ярим бўйини эшикдан сукди Петр Степанович. – Салом, Лизавета Николаевна; эртангиз хайрли бўлсин. Иккингизни ҳам шу залда учратаман, деб ўйловдим. Мен фақат бир зумга, Николай Всеволодович, – қандай бўлмасин, икки оғиз зарур сўзим бор, шошиб келдим... жуда зарур... икки оғизгина!..

Ставрогин унга қараб юрди, аммо уч кадам қўймай, Лизага қайтди.

– Лиза, ҳозир бирон бир гап кулоғингга чалинса, билиб қўй: айбдор менман.

Қиз сесканди-да, унга кўркиб қаради; аммо у тез чикиб кетди.

II

Петр Степанович бош сукиб қараган хона катта дои-расимон пойгоҳ дахлиз эди. Бу ерда Алексей Егорич ўтирган эди, Петр Степанович уни чиқариб юборди. Николай Всеволодович залнинг эшигини ёпди-да, тўхтаб кутди. Петр Степанович унга тез синчиклаб қаради.

– Хўш?

– Яъни агар эшитган бўлсангиз, – шошиб сўзлади Петр Степанович, худди кўзи билан унинг юрагига сукулиб кирмоқчи бўлгандай, – биздан ҳеч ким ҳеч нарсда айбдор эмас, ва ҳаммадан бурун албатта сиз, негаки, бу шундай тўғри келиб қолган... воқеалар уйқаш тушган... хуллас, ҳуқуқий жиҳатдан сизга алоқаси йўқ, шунинг учун учиб келиб сизга етказяпман.

– Ёниб кетдими? Сўйилдими?

– Сўйилган, лекин ёниб кетмаган, шуниси чатоқ-да, лекин сизга чин сўзим, мен бунда айбдор эмасман, ҳар қанча мендан шубҳалансангиз ҳам, гуноҳим йўқ, – балки гумон қилаётгандирсиз ҳам, а? Ҳаммасини – ростини айтайми? Биласизми, ҳақиқатан калламдан бир фикр ўтганди, – сиз ўзингиз менга шама қилган эдингиз, менга ҳазиллашган, қитиқ патимга теккандай (сиз буни жиддий тарзда айтолмасдингиз-ку, тўғрими?), лекин мен журъат қилмадим, ҳеч қачон журъат қилмасдим, ҳатто юз рубль берсангиз ҳам, – менга нима фойда, ҳеч қандай фойда йўқ мен учун, мен учун... (У жуда шошиб-пишиб сўйлар, худди тартаракка ўхшарди). Лекин воқеалар қандай уйқашганлигини қаранг: мен ўз ҳамёнимдан (эшитяпсизми, ўз ёнимдан, сизнинг бир тийинингиз ҳам йўқ эди, асосийси, сиз буни ўзингиз биласиз) анов бадмаст тентак Лебядкинга икки юз ўттиз рубль бердим, уч кун бўлди, кечагина, – эшитяпсизми, уч кун бўлди, кеча «маъруза»дан кейин эмас, буни билиб қўйинг: бу бир-бирига мос келгани жуда муҳим, негаки, Лизавета Николаевна сизникига боради-ми, йўқми, мен у вақтда аниқ билмас эдим ахир; ёнимдан чиқариб пул берганимнинг ёлғиз сабаби шуки, сиз уч

кун бурун ўзингизни кўрсатдингиз, ҳаммага сирингизни ошкор қилмоқчи бўлдингиз. Хўш, менга нима... сизнинг ишингиз... валломат... аммо, тан оламан, ҳайрон бўлдим, бошимга тўқмоқ билан ургандай. Бирок бу туришлар ёмон бадимга тегиб кетди, – эътибор беринг, эскичароқ қилиб айтяпман, лекин гапим жиддий, – буларнинг бари мен кўзлаганларимни чиппакка чиқариши мумкин, шунинг учун Лебядкинларни қандай бўлмасин жўнатиб юбораман, деб ўзимга сўз бердим, сизга хабар қилиб ўтирмай уларни Петербургга жўнатаман дедим, бунинг устига капитаннинг ўзи ўша ёққа қанот қоқиб турганди. Бир хато ўтди: пулни сизнинг номингиздан бердим; яхшими ё йўқми? Балки, хато эмасдир, а? Энди эшитинг, бу ишнинг оқибати нима бўлганини эшитинг яхшилаб... – У сўз орасида жуда қизишиб кетиб Ставрогинга бурнини теккизгудай яқинлашиб борди, унинг камзулининг ёқасидан торта бошлади (худо ҳақи, балки, атайлаб). Ставрогин унинг қўлига қаттиқ урди.

– Нима қиялпсиз... қўйинг-е... қўлни синдирасиз-ку... ҳаммасининг оқибати қандай бўлганида, – яна шақилдоқдек шақиллай кетди у еган зарбасига сира эътибор бермай. – Мен кечкурун пул бердим, эртасига барвақт синглиси билан бирга йўлга чиқсин деб; бу ишни аблах Липутинга топширдим, ўзинг олиб чиқиб жўнат дедим. Аммо аблах Липутин одамларга томоша кўрсатишга овора бўлиб кетди – балки эшитгандирсиз? «Маъруза»да? Унда эшитинг, эшитинг: иккови ичиб ўтиришиб, шеър тўқишади, унинг ярми Липутинники; Липутин капитанга фрак кийдиради, мени эса уларни эртаминан жўнатиб юбордим деб ишонтиради, капитанни эса саҳнага чиқариш учун қазноқда яшириб ўтиради. Аммо капитан кутилмаганда ичиб, маст бўлиб қолади. Кейин жанжал чиқади, бу ёғи ҳаммага маълум, капитанни беҳуш маст ҳолда уйига олиб бориб ташлашади, Липутин эса чўнтагидан икки юз рублни аста олиб қўяди, фақат танга-чақасини қолдиради. Аммо, бахтга қарши, капитан ўша икки юз рублни эрталаб чўнтагидан чиқариб, ҳаммага кўрсатиб мақтанган. Федь-

ка эса худди мана шуни кутиб турган, Кирилловникида ўтирганида ҳам баъзи гапларни эшитган, (шама қилганингиз эсингиздами?) кейин бундан фойдаланиб қолмоқчи бўлган. Бор ҳақиқат шу. Федька пулни топмаганидан мен хурсанд бўлдим, аблаҳ мингни қўлга киритаман деб ўйлаган! Жуда шошиб қолган, кейин ёнғиндан қўрқиб кетган... Ишонасизми, бу ёнғин бошимга тушган бало бўлди. Қуриб кетсин ҳаммаси! Бу шунақанги бебошлик. Мана кўрдингизми, сизнинг олдингизда туриб, сиздан кўп нарса кутиб, ҳеч нарсани яширмайман: майли-да, бу йигин ҳақидаги гап анчадан бери миямда етилиб келарди, чунки у го-ятда халқбоп ва кўп тарқалган нарса; бироқ мен уни биз ҳаммамиз оёққа қалқийдиган бебаҳо бир дам, алангали бир лаҳза учун сақлаб келардим-у... Улар эса кутилмаганда бирдан ўзбошимчалик қилиб, буйруқни кутиб ўтирмай, худди мана шу ҳали бош кўтармай ўтираверадиган, нафас ҳам чиқармайдиган бир лаҳзада! Йўқ, бу ёмон ўзбошимчалик!.. Хуллас, мен ҳали ҳеч нима билмайман, бу ерда иккита шпигулинчини айтишяпти... аммо бунда *бизникилар* ҳам бўлса, агар биронтаси бунда қўл теккизган бўлса – ўздан кўрсин! Мана кўрдингизми? Озгина бўш қўйдингизми, тамом! Йўқ, бу аблаҳ демократлар ўзларининг бешликлари билан бизга таянч бўлолмайди! Бу ерда фақат қудратли, сажда қилса арзийдиган, мустабид бир ирода зарур, тасодифий бўлмаган алланима, мустаҳкам маснад... Ана ўшанда бешликлар ҳам думларини қисиб, қулук қилиб туражаклар ва зарурат чоғида керак бўлажаклар. Аммо ҳар нечук, ҳозир у ерда бутун дунёга жар солишмоқда, бонг уришмоқда, Ставрогин хотинига ўт қўйиши керак эди, пунинг учун шаҳарга ўт кетди деб, аммо...

– Шаҳарга жар солишяптими?

– Ўйини унчалар эмас, тан оламан, мен ҳеч нарса эшитганим йўқ, аммо ахир ҳалойиққа, айниқса, уйи ёнганларга бир нима деб бўлармиди: *Vox populi vox dei*⁸². Аҳмоқона бир овозани тарқатиш қийин бўптими?.. Лекин, моҳия-

⁸² Халқ товуши – Худо товуши (*лот.*).

тан, сизнинг сира хавотирланадиган ерингиз йўқ-ку, ахир. Ҳақ-ҳуқуқ томонидан ҳам, виждон томонидан ҳам сиз топ-тозасиз, сиз ахир бундай бўлишини истамагансиз-ку? Истамаганмисиз? Ҳеч қандай далолат йўқ, воқеаларнинг бир-бирига тўғри келиб қолганини демаса агар... Ахир Федька сизнинг ўшанда Кирилловникида айтган эҳтиётсиз сўзингизни эслаб ўтирармиди, (негайм ўшанда ўша сўзларни айта қолган экансиз?) аммо бу умуман, ҳеч нарсани англатмайди, Федьканинг эса суробини тўғрилаб қўямиз. Мен шу бугуноқ уни орадан йўқотаман...

– Ўликлари ёниб кетмаптимиз?

– Ёнмаган; бу аблахлар ишни пишиқ қилмаганлар. Аммо сизни хотиржам кўрганимдан мен хурсандман... Негаки сизнинг бу ерда ҳеч қандай, ҳатто фикрда ҳам, айбингиз бўлмагани учун, аммо ахир яна бари бир-да... Гапимга қўшилаверинг: буларнинг бари сизга гоятда қўл келади: сиз кутилмаганда эркин эркакка айланиб қолдингиз ва ҳозирнинг ўзида пули ошиб-тошиб ётган гўзал бир қизга уйланиб олишингиз мумкин, бунинг устига уни аллақачон қўлга киритдингиз. Кўрдингизми, воқеалар жуда одми, жўн тарзда тўғри келиб қолса, нималар бўлишини? А?

– Сиз аҳмоқ хомкалла менга пўписа қиляпсизми?

– Э, қўйинг-е, қўйинг-е, дарров хомкаллага чиқардингиз-а, гапингизни қаранг? Маза қилиб, хурсанд бўлиш ўрнига, сиз... Мен атай югуриб келдим сизни хурсанд қилай деб... Мен нима учун сизга дўқ-пўписа қилар эканман? Бошимга ураманми дўқ-пўписани! Менга сизнинг эмин-эркин ихтиёрингиз керак, кўрқитгандан нима чиқади. Сиз нур ва офтобсиз... Сиздан ўлардай кўркадиган мен, сиз мендан эмас! Мен ахир Маврикий Николаевич эмасман-ку... Буни қаранг, мен бу ёққа енгил извошда учиб келсам, Маврикий Николаевич тушмагур, боғингизнинг панжараси олдида, боғнинг орқасидаги бурчақда... шинел кийиб ўтирибди, ёмгирда роса бўкибди, кечаси билан кимирламай ўтирганга ўхшайди! Ажойиб-а! Одам ақлдан озаман деса ҳеч гап эмас!

– Маврикий Николаевич? Ростдан-а?

– Рост, рост. Боғ панжарасида ўтирибди. Бу ердан, менимча, уч юз одимлар нарида. Мен тез ўтиб кетдим, аммо у мени кўрди. Хабарингиз йўқмиди? Унда бу гапни сизга етказганимдан хурсандман. Шунақа одам жуда хавфли-да кези келса, яна тўппончаси бўлса, бунинг устига зим-зиё кеча, ёмғир, балчик, табиийки, қаҳр-ғазабга минган, – нега деганда, унинг аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг-а, хо-хо! Нима деб ўйлайсиз, нега ўтирибди?

– Албатта Лизавета Николаевнани кутаётгандир-да?

– А-ана! Нима, қиз унинг олдига чиқармиди? Яна... шаришлаган ёмғир... вой, аҳмог-ей!

– Қиз ҳозир унинг олдига чиқади.

– Эҳ-е! Ана, холос! Демакки... Лекин, қулоқ солинг, унинг ишлари энди бутунлай ўзгариб кетди-ку; ҳозир Маврикийни бошига урадимиз? Сиз ахир, энди озодсиз, эртагаёқ унга уйланишингиз мумкин? У ҳали билмайди, – буни менга қўйиб беринг, мен дарров ҳаммасини тўғрилайман. Қаерда у, хурсанд қилиб қўяйлик.

– Хурсанд қиласизми?

– Бўлмаса-чи, юринг.

– У мурдаларни билмайди дейсизми? – кўзини ўзгача қисди Ставрогин.

– Билиб ўтирибдими, – ғирт тентак бўлиб деди Петр Степанович, – нега деганда, қонуний томондан олганда... Эҳ, сиз! Билганда нима! Хотинлар бундай нарсаларни оп-па-осон ҳазм қилиб юборишади, сиз уларни билмайсиз! Бундан ташқари, энди сизга тегса, ўзининг фойдаси, негаки, ҳар қалай, бошини балога қўйди, бундан ташқари, мен унга «кишти-кема» ҳақида гапирдим: мен аён билдимки, унга фақат «кишти-кема» билангина таъсир қилиш мумкин, у ўзи билармон қиз экан-да. Ҳеч ҳавотир олманг, у мурдалар устидан ҳўп этиб, сакраб ўтиб кетади, ла-ла деб! Боз устига сиз бутунлай, бутунлай софсиз, сизда гуноҳ йўқ, тўғри эмасми? У мурдаларни эсида саклаб қўяди, кейин сизни, икки йиллардан сўнг, пайт топиб чақиб

олади. Ҳар қандай аёл никоҳдан ўтаётиб, эрининг эски ҳаётидан шундай бир нарсаларни гамлаб, йиғиб қўяди, аммо ўшанда... бир йиллардан сўнг нима бўларкин? Хо-хо-хо!

– Агарда сиз чопқир извошда бўлсангиз, уни ҳозир Маврикий Николаевичнинг олдига элтиб қўйинг. У ҳозир менга сизни кўришга тоқатим йўқ, мен бу ерда қолмайман, кетаман сизни ташлаб, деди ва албатта, менинг экипажимда боришга рози бўлмайди.

– А-ана! Ростдан кетармишими? Нега бундай бўлди экан-а? – тентакланиб қаради Петр Степанович.

– Шу бутун кечаси мен уни қандайдир яхши кўрмаслигимни сезиб қолди шекилли, лекин буни аввалдан биларди.

– Наҳот сиз уни яхши кўрмасангиз? – ажабланиб сўради Петр Степанович. – Ундай бўлса, нега сиз олийжаноб инсон сифатида кеча у сизникига келганда, уни огоҳлантирмадингиз, севмаслигингизни айтмадингиз, бу ерда олиб қолдингиз? Унда жуда ёмон тубан иш қилибсиз; мени ҳам унинг қошида жуда ёмон ҳолатга қўйибсиз.

Ставрогин бирдан кулиб юборди.

– Мен ўз маймунига куляпман, – деб изоҳ берди у шу заҳоти.

– Э! Мени майнавозчиликка берилиб кетди деб ўйлабсиз-да, – жуда қувнаб кулди Петр Степанович ҳам, – мен сизни роса кулдирибман-да! Буни қаранг, мен сиз кириб келганингиздаёқ, башарангиздан «бахтсиз»лигингизни билдим. Ҳатто балки, тўла-тўқис «омадсизлик»дир, а? Ўҳ, бас бойлашаман, – деб қичқирди камоли хурсандлигидан овози бўғзига тикилиб, – сиз тун бўйи стулда ёнма-ён ўтириб, бутун қимматли вақтни аллақандай юксак олийжаноблик ҳақида баҳслашиб ўтказгансиз... Ҳе, кечиринг, кечиринг; менга нима; мен кечанинг ўзидаёқ аниқ билган эдим бу ишларингиз тентаклик билан туташини. Мен уни сизга фақат эрмак учун олиб келгандим, мен билан ҳеч қачон зерикиб қолмаслигингизни кўрсатмоқчи бўлгандим; бунақа ишларга ҳали уч юз марта десангиз ҳам, ярайман; мен умуман, одамларга ёкишни яхши кўраман. Мабодо,

агар у энди сизга керак бўлмаса, ўзи шундай бўлади, деб ўйловдим, шунинг учун келувдим, унда...

– Нима, уни фақат менга эрмак учун олиб келганмидингиз?

– Бошқа нимага бўларди?

– Мени хотинимни ўлдиришга мажбур қилмоқчи эмасмидингиз, мабодо?

– А-ана, ахир сиз ўлдирибсизми? Мунча ҳаммасига аянчли тус берасиз!

– Бари бир, сиз ўлдиргансиз.

– Нахот мен ўлдирган бўлсам? Сизга айтдим-ку, заррача қўлим йўқ деб. Бирок, мен сиздан хавотирга туша бошладим...

– Давом этинг, сиз айтдингизки: «Энди у сизга керак бўлмаса, унда...»

– Унда менга қўйиб беринг! Уни бошлаб Маврикий Николаевичга тутказаман, дарвоқе, уни боғ панжарасига мен ўтқизганим йўқ, яна бу фикрни каллангизга келтириб ўтирманг. Мен энди ундан қўрқаяпман. Мана чопқир извошда деяпсиз, ахир мен унинг олдидан лип этиб ўтиб кетдим... ёнида тўппончаси бўлса-чи?.. Яхшиям, мен ҳам тўппончамни ёнимга солиб олган эканман. Мана у (чўнтагидан тўппончасини чиқариб кўрсатди-да, яна шу заҳоти яширди) – узок йўлда ҳамроҳ... Дарвоқе, мен сиз учун буни бошлайман: унинг юраккиnasi хозир айнан Маврикийга иликиб тургандир... ҳар қалай, ичиккандир... биласизми – худо ҳақи, менинг бу қизга бироз раҳмим келади! Маврикийга етишгандан сўнг у дарҳол сизни эслашга тушади, – унга сизни мақтайди, уни эса кўзига қараб туриб уришади, – аёлнинг юраги шунақа-да! Ана, яна куляпсизми? Димоғингиз чоғ бўлганидан жуда хурсандман. Майли, кетдик. Мен тўғри Маврикийдан бошлай қоламан, анави... ўлганларни... хозир айтмай қўя қолсак-чи? Бари бир кейин билиб олади.

– Нимани билади? Ким ўлдирилганиними? Сиз хозир Маврикий Николаевич ҳақида нима дедингиз? – бирдан эшикни очди Лиза.

– Э! Сиз эшитиб турганмидингиз? Тинчланинг, Маврикий Николаевич соғу саломат, ҳозир ўзингиз кўрасиз, у шу ерда, йўл бўйида, бог панжараси олдида... кечаси билан шу ерда ўтирганга ўхшайди; шалаббо бўлган, шинелда... Мен келаётганда, у мени кўрди.

– Ёлгон. Сиз «ўлди» дедингиз... Ким ўлди? – қўймай сўрарди киз ёмон шубҳага ботиб.

– Менинг хотиним, унинг акаси Лебядкин ва хизматкор ўлдирилган, – қатъият билан деди Ставрогин.

Лиза сесканиб тушди ва ранги докадай оқарди.

– Ваҳшиёна қотиллик, Лизавета Николаевна, талончилик, – шу заҳоти жағи-жағига тегмай гапирди Петр Степанович, – ёнғин баҳонасида боскинчилик; қароқчи Федька билан тентак Лебядкиннинг машмашаси, бу ахмоқ пулини ҳаммага кўз-кўзлаб юрган экан... мен бу ерга учиб етиб келдим... бошга теккан тошдай. Ставрогин эшитиб, ерга кулаб тушаёзди. Биз ҳозир маслаҳат қилиб тургандик: сизга айтмайликми, айтмайликми деб?

– Николай Всеволодович, у тўғри айтяптими? – базўр сўради Лиза.

– Йўқ, ёлгон.

– Нега энди ёлгон! – сапчиб тушди Петр Степанович.
– Бу нимаси!

– Эй, худойим-ей, одам жинни бўлиб қолади! – қичқирди Лиза.

– Э, тушунсангиз-чи ахир, у ақлдан озай деб турибди! – жон-жаҳди билан бақирарди Петр Степанович. – Ахир нима деманг, унинг хотини ўлдирилган. Қаранг, рангида ранг қолмаган... Ахир у тун бўйи сиз билан бирга бўлди-ку, бир зум ҳам сиздан айрилмади-ку, қандай қилиб ундан шубҳаланиш мумкин?

– Николай Всеволодович, худони ўртага солиб сўрайман, айбингиз борми, йўқми, мен қасам ичаманки, сизнинг сўзингизга ишонаман, худо ҳақи, ернинг нариги четига десангиз ҳам, сиз билан бирга бораман, ҳа, бораман! Итдай эргашиб бораман...

– Нега уни бунчалар қийнайсиз, эй, хомкалла! – ту-
такиб кетди Петр Степанович. – Лизавета Николаевна,
худо ҳақи, мени ховончага солиб майдалаб ташланг, унда
ҳеч қандай гуноҳ йўқ, аксинча, ўзи ўлгандан баттар бўлиб
турибди, алаҳсираяпти, кўриб турибсиз-ку. Ҳеч қандай,
ҳеч қандай айби йўқ, ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган!..
Ҳаммаси қароқчиларнинг қилмиши, уларни бир ҳафтада
тутиб келишади ва жазосини беришади... Федька Каторж-
ний билан шпигулинчиларнинг иши, бутун шаҳар шундай
деяпти, менинг ҳам фикрим шу.

– Шундайми? Шундайми? – титраб-қақшаб охириги
хукми кутарди Лиза.

– Мен ўлдирганим йўқ, мен бунга қарши бўлганман,
аммо мен уларнинг ўлдирилишини билардим, мен қотил-
ларни тўхтатиб қолганим йўқ. Лиза, энди бора қолинг, –
деди Ставрогин ва залга кириб кетди.

Лиза юзини қўллари билан тўсиб уйдан чиқиб кета
бошлади. Петр Степанович отилиб унинг оркасидан бор-
моқчи бўлди-ю, аммо шу заҳоти залга қайтди.

– Ҳали шундайми? Шундайми ҳали? Сиз ҳеч нарсадан
кўркмайсизми? – тамомила қутуриб кетганча ташланди у
Ставрогинга, у сўз топмай абдирар, оғзидан кўпик чиқар-
ди.

Ставрогин зал ўртасида серрайиб турар, миқ этиб оғиз
очмасди. У чап қўли билан бир тутам сочини чангалла-
ганча хушини йўқотиб илжаярди. Петр Степанович унинг
енгидан қаттиқ тортди.

– Эсингизни едингизми? Кунингиз энди шунга қол-
дими? Ҳаммани балоғардон қилиб сотиб, ўзингиз узлатга
кетасизми?... Аммо мендан кўркмасангиз ҳам мен бари бир
пачағингизни чиқараман!

– Э, сиз шақиллаётган эдингизми? – ниҳоят Ставро-
гиннинг кўзи унга тушди. – Чопинг, – бирдан хуши ўзи-
га келди, – оркасидан чопинг, карета олинг, уни ташлаб
кетманг... югуринг, югуринг ахир! Уйига кузатиб қўйинг,
ҳеч ким билмасин, у ёққа қадам босмасин... мурдалар...

мурдатар... каретага зўрлаб ўтқизинг. Алексей Егорич!
Алексей Егорич!

– Тўхтанг, бақираверманг! У Маврикийнинг қучоғига ташланади... Маврикий сизнинг каретангизга ўтирмайди... Э, тўхтанг! Каретадан ортиқроқ иш бор!

У яна тўппончасини чиқарди; Ставрогин унга вазмин қаради.

– Эй-ҳа, майли, ўлдилинг, – деди у оҳиста, мурасасозлик билан.

– Уф, шайтон, қаранг, ёлғонни ўз устига олишини қаранг! – қалтираб кетди Петр Степанович. – Худо ҳақи, ўлдирмасанг ҳақинг кетади! Сизга у ростакам тупурса, арзирди!.. Сизнинг нимангиз «кишти-кема» экан, сиз эски, таги тешик юк кемасидан фарқ қилмайсиз, бузиб ёкиб юбориш керак!.. Алам, алам, алам қилса, кўзингизни очинг! Э-эх! Сизга ҳеч нарсадангиз қизиғи қолмабди-да, пешонангиздан ўқ ейишни соғинган бўлсангиз?

Ставрогин ғалати иршайди.

– Агар сиз бундай масхаравоз бўлмаганингизда, мен, майли, от дердим... Зиғирдаккина ақлингиз бўлганда...

– Майли, мен масхаравоз бўла қолай, аммо сиз менинг суянган тоғим, сиз масхаравоз бўлманг! Мени тушун-япсизми?

Ставрогин тушунар, балки фақат ёлғиз ўзи тушунарди. Ставрогин Петр Степановичнинг гайрати бор деганда, Шатов бундан хайратланганди.

– Жўнанг энди бу ердан, қорангизни кўрмай, эртага бир гап бўлар. Эртага келинг.

– Шундайми? Шундайми?

– Мен невилай!.. Йўқолсин, йўқолсин!

У залдан чиқиб кетди.

– Балки шуниси ҳам тузукдир, – деб гўлдиради ўзича Петр Степанович тўппончани яшираркан.

III

У Лизавета Николаевнага етиб олиш учун югурди. Қиз хали уйдан унча узоқлаб кетмаганди. Уни Алексей Егорович тўхтатиб қолмоқчи бўлди, у хурмат-иззат билан қаддини таъзимда букиб, фрак кийган, бош яланг ҳолда қиздан бир қадам орқада борар, тўхтамай экипажни кутишни илтижо қиларди; қария кўрқиб кетган, йиғламоқдан бери бўларди.

– Ичкарига кир, хўжайин чой сўрапти, сендан бошқа одам йўқ, – деб қарияни туртди Петр Степанович, сўнг Лизавета Николаевнани қўлтиқлаб олди.

Қиз қўлини тортиб олмади, аммо, афтидан, унинг ҳуши ўзида эмас, ҳали хаёли жойига келмаганди.

– Биринчидан, сиз у ёққа эмас, – бидирлади Петр Степанович, – биз бу ёққа, боғни четлаб ўтамиз; иккинчидан, нима бўлмасин, яёв бориб бўлмайди, уйингизгача уч чақирим бор, устингизда эса кийимингиз ҳам йўқ, жиндай сабр қилиб турсангиз эди. Мен извошдаман, от шу ерда ҳовлида, дарров олиб чиқаман, ўтқизаману олиб бориб қўяман, ҳеч ким кўрмайди.

– Мунча яхшисиз... – майин деди Лиза.

– Садағангиз кетай, менинг ўрнимда ҳар қандай одамгарчиликни биладиган инсон...

Лиза унга бошини кўтариб каради-да, хайрон бўлиб қолди.

– Ох, худойим, мен сизни анави қариями дебман?

– Қулоқ солинг, сиз бунини шундай қабул қилаётганингиздан хурсандман, негаки, бу ҳаммаси жуда ёмон бир ваҳм, ҳамон шундай экан, яхшиси, мен чолга карета тайёрлашни буюраман, узоғи билан ўн дақиқа кетади, биз эса қайтиб бориб эшик олдида кутиб турамиз, а?

– Мен олдин... ўлдирилганлар қаерда?

– Э, хаёлингизга келганини қаранг! Мен шундан кўркувдим... йўқ, бу расволарни ўз ҳолига қўямиз, сизга ҳеч кўрадиган жойи йўқ.

– Уларнинг қаердалигини биламан, мен ўша уйни кўрганман.

– Билсангиз, нима бўпти? Кўрмайсизми, ёмғир, туман (нима бало, кори хайр қилмоқчи бўлаяпманми!)... Кулоқ солинг, Лизавета Николаевна, иккисидан бири: ё сиз мен билан извошда кетасиз, унда андак тўхтаб турасиз ва бир қадам олдинга юрмайсиз, чунки яна йигирма қадам юрилса, унда бизни албатта Маврикий Николаевич кўриб қолади.

– Маврикий Николаевич? Қани? Қани?

– Хўш, агар сиз у билан кетаман десангиз, унда сизни яна бироз кузатиб қўйиб, унинг ўтирган жойини кўрсатаману, сўнг камина қулингизга ижозат; мен ҳозир унга рўпара бўлишни истамайман.

– Вой, худойим-ей, у мени кутяптими! – бирдан тўхтади қиз ва юзи қизариб кетди.

– Аммо, садағангиз кетай, у ваҳма қилиб ўтирадиган одам эмас! Биласизми, Лизавета Николаевна, булар менинг ишим эмас; мен бутунлай четдаги одамман, буни ўзингиз яхши биласиз; аммо мен сизга яхшилик қилмоқчиман... Бизнинг «кишти-кемамиз» ҳамон беҳуда бир нарса, шалок юк кемасидан фарқ қилмас, ёқиб юборишдан бошқага ярамас экан...

– Оҳ, ажойиб! – қичқирди Лиза.

– Ажойиб-а, аммо кўзингиздан пашқатор ёш оқпти. Бу ерда матонат зарур. Эркакка ҳеч нарасада ён босиш керак эмас. Бизнинг асримизда, хотин киши... уфф, шайтон (тупугини ютди Петр Степанович)! Асосийси, ачиниб ўтирадиган жойи йўқ: балки бари яхшилик билан тугар. Маврикий Николаевич шундай инсонки... бир сўз билан айтганда, ҳиссиётчан одам, ичимдагини топ дейдиганлардан, нафсиламрга, бу ҳам соз, бир шарти шуки, ваҳма қилмаса...

– Ажойиб, ажойиб! – жазавага тушиб кулди Лиза.

– Э, ҳа, шайтон... Лизавета Николаевна, – бирдан тутақди Петр Степанович, – нафсиламрга, мен фақат сизни

деб... бўлмаса, менга нима. Кеча ўзингиз хоҳиш билдирганингизда, мен камарбаста бўлдим, бутун эса... Хў-ўп, мана шу ердан Маврикий Николаевич кўриниб турибди, ҳув ана, ўтирибди, бизни кўраётгани йўк. Биласизми, Лизавета Николаевна, сиз «Полинька Сакс»ни ўқиганмисиз?

– У нима?

– Шундай «Полинька Сакс» деган қисса бор. Талаба-лигимда ўқиганман... у ерда жуда давлатманд Сакс деган мансабдор ҳақида ёзилган, у чорбоғида хотинини ўйнаш билан қўлга туширган... Э, ўх, шайтон, тупурдим! Мана кўрарсиз, Маврикий Николаевич ҳали уйга етмаёк сизни оламан деб айтади. У ҳали бизни кўргани йўк.

– Ох, майли кўрмасин! – кичқириб юборди Лиза бирдан телбаларча. – Юринг, юринг! Ўрмонга кетамиз, дала-ларга!

Шунда у орқасига қараб югурди.

– Лизавета Николаевна, бу ахир ожизлик-ку! – унинг орқасидан югурди Петр Степанович. – Нега хоҳламайсиз унинг кўришини? Аксинча, унинг кўзларига тикка ва мағрур қаранг... Агар сиз анави... қизликни... тапвиш қилаётган бўлсангиз... Э, ўх, бу шунақанги бидъат ваҳима, шунақанги қоқоқлик... Э, қаёққа ахир, қаёққа ахир? Эҳ, ҳа, югуришини қаранг! Яхшиси, Ставрогиннинг олди-га қайта қолайлик, менинг извошимни оламиз... Қаёққа кетяпсиз ўзи? У ёк далалар... ана, йиқилди!..

У тўхтади. Лиза худди қушдек боши оққанча учиб борар, Петр Степанович эса ундан эллик қадамча орқада қолиб кетганди. Қиз дўнганга қоқилиб йиқилди. Шу заҳоти четдан бир ёмон ҳайқирик чиқди, Маврикий Николаевич унинг чопиб кетаётиб йиқилганини кўриб қолган, даланинг ўртасидан унга қараб югурганди. Петр Степанович кўз-очиби юмгунча Ставрогиннинг дарвозасига қочиби кириб, тезроқ извошига ўтириш пайига тушди.

Маврикий Николаевич эса қаттиқ кўрқиб кетганча, ўрнидан ўнглана бошлаган Лизанинг тепасида эгилиб, унинг қўлидан ушлаб турарди. Бу ақл бовар қилмас аҳвол, учрашув йигитнинг аклини шошириб қўйган, юзидан ду-

виллаб ёш куйиларди. У ўзи эъзозлаган кизни шундай бир соатда, шундай бир ҳавода кечаги башанг, бутун эса эзилган, гижимланган, лой чапланган ёлғиз қўйлақда дала ўртасидан югуриб кетаётганини ўз кўзлари билан кўрган-ди... Унинг тили калимага келмас, елкасидан шинелини ечиб калтираган қўллари билан кизнинг устини ўрай бошлади. Қиз бирдан ўзининг қўлига лабларини босганини сезиб, у кутилмаганда қичқириб юборди.

– Лиза! – кичқирди у, – мен ҳеч нарса қилолмайман, лекин мени ўзингиздан нари ҳайдаманг!

– Э-ҳа, кетдик тезроқ бу ердан, мени ташлаб кетманг! – шундай деб қиз йигитнинг қўлидан тутганча уни ўз орқасидан тортиб кетди. – Маврикий Николаевич, – қиз бирдан қўриб овозини пасайтирди, – мен у ерда ботир бўлиб кетдим, бу ерда эса ўлимдан қўрқяпман. Мен ўламан, тез орада ўламан, аммо мен қўрқяпман, ўлишдан қўрқяпман... – дея пичирларди у йигитнинг қўлини маҳкам қисиб.

– О, ким бор ахир бу ерда! – жони ҳалқумига келиб атрофга алангларди йигит, – биронта ўткинчи ҳам кўринмайди! Оёгингизни совуқ олдирасиз... ақл-хушингиздан айриласиз!

– Майли, майли, – деб уни юпатарди қиз, – сиз бўлсангиз мен қўрқмайман, қўлимдан ушланг, мени етакланг... Энди қайга борамиз, уйгами? Йўқ, мен олдин ўлганларни қўрмоқчиман. Унинг хотинини сўйиб кетишибди, ўзи эса мен ўлдирдим, дейди, бу ахир, ёлғон, ёлғон, тўғрими? Мен сўйилганларни ўзим қўрмоқчиман... мен учун... улар туфайли шу кеча у мени севмай қўйди... Кўрсам, биламан. Тезроқ, тезроқ, мен биламан ўша уйни... у ерда ёнгин... Маврикий Николаевич, дўстгинам, мени кечирманг, мен номуссизман! Мени кечиришнинг кераги йўқ. Нега йиғлаяпсиз? Менга бир шапалоқ тушуриг ва мени шу далада ўлдириб кетинг итдай қилиб!

– Ҳеч ким сизга қози эмас, – қатъият билан деди Маврикий Николаевич, – сизни худо кечирсин, мен эса сизга ҳеч қози эмасман!

Аммо уларнинг гап-сўзларини баён этиш жуда ўнгайсиз туюларди. Улар бу орада қўлма-қўл ушлашиб, худди телбалардай шошиб-пишиб тез юриб боришарди. Улар тўғри ёнгин сари йўл олишганди. Маврикий Николаевич ҳалиям бирон от-арава учраб қолар, деб умидини йўқотмаган, лекин атрофда зот учмасди. Майдалаб, эзмаланиб ёгаётган ёмғир ҳар қандай зиё, ҳар қандай ранг-тусни ўчириб, ютиб, бутун атрофни ўз қамровига олган, ҳамма нарсаларни кўрғошиндай туссиз дудмал ҳаюлога дўндирганди. Аллақачон тонг отган, аммо ҳамон туман босганлигидан атроф қоронғу эди. Шунда бирдан мана шу рутубатли, совуқ қоронғуликдан уларга қарама-қарши одим отиб келаётган ажабтовур, ақл бовар қилмас бир шарпа намоён бўлди. Ҳозир буни тасаввур қилиб шундай ўйлайманки, мен Лизавета Николаевнанинг ўрнида бўлганимда ҳам, ўзим кўзларимга ишонмасдим; холбуки қиз бу орада шодумон қичкириб юборди ва шу заҳоти рўпарадан келаётган одамни таниди. Бу Степан Трофимович эди. Унинг қандай чиқиб кетгани, қочиб кетиш билан боғлиқ асосий телбаворий фикр қандай амалга ошгани – бунинг ҳикояси ҳали олдинда. Фақат шу тонг чоғи у жонсарақ бир иситмада бўлгандлигини эслатиб ўтаман, аммо бетоблиги ҳам уни тўхтатиб қололмаган: у лой-шалаббо ердан шаҳдам одим ташлаб борарди; ўзининг хонанишинлиги ва тажрибасизлигига қарамасдан, у қулай фурсат туғилиши ҳамонқ кўзлаган ишини охиригача ўйлаб, пишитиб йўлга тушганга ўхшарди. Йўлбоп узун енгли шинель кийган, белига локланган кенг тўқали чарм камар боғлаган, оёғида янги қўнжи баланд этик, икки ёни осилган шим. У анчадан бери ўзини мана шундай йўлчи қиёфасида тасаввурига келтириб юрар, кенг камар, ялтирок гусарча қўнжли баланд этикда ҳали у қойиллатиб юролмас, лекин уларни бир неча кун илгари ҳозирлатиб қўйганди. Лекин бу либослар ҳали ҳаммаси эмас. Унинг бошида айвони кенг шляпа, бўйнига юмшоқ тивит шарф маҳкам қилиб ўралган, ўнг қўлида таёқ, чап қўлида эса ғоятда миқти, аммо

тиғиз юк жойланган саквояж кўтариб олганди. Боз устига яна унинг ўнг қўлида очилган соябони бор эди. Мана шу уч нарса – соябон, таёк ва саквояжни йўлнинг дастлабки чақиримида олиб юриш ниҳоятда ноқулай бўлди, иккинчи чақиримдан бошлаб эса янада огирлашди.

– Нахотки шу ўзингиз бўлсангиз? – деб қичқирди Лиза унга бошдан-оёқ нигоҳ соларкан. Илк кўрган чоғидаги хурсандчилик қайғули бир хайрат билан алмашган эди.

– Lise! – деб қичқириб юборди Степан Трофимович ҳам, унга худди абдирагандай пешвоз бориб.

– Chere, chere, нахот сиз ҳам... шу туманда-я? Шафақни кўряпсизми! Vous etes malheureuse, n'est-ce pas?⁸³ Кўряпман, кўряпман, гапирманг, мендан ҳам сўрамаиғ. Nous sommes tous malheureux, mais il faut les pardonner tous. Pardonnons, Lise⁸⁴, ва биз мангу озод бўлғаймиз. Оламини шундай енгамиз ва бир қадар эрк топғаймиз – il faut pardonner et pardonner!⁸⁵

– Лекин нега тиз чўкяпсиз ахир?

– Мен дунё билан хайрлаша туриб, сизнинг сиймоингизда ўзимнинг бутун ўтмишим билан хайрлашаман! – У йиғлаб юборди ва кизнинг ҳар иккала қўлини ўзининг ёш оқиб турган кўзларига суртди. – Менинг ҳаётимда неки гўзал нарса бўлган эса, унинг қошида тиз букаман, кўзга суртаман ва ташаккур айтаман! Мана энди ўзимни қок иккига ажратдим: у ёқда – кўкка учишни ҳаёл қилган телба, vingt deux ans!⁸⁶ Бу ерда эса – адо бўлган ва совкотган қари мураббий... chez ce marchand, s'il existe pourtant ce marchand...⁸⁷ Оҳ, ёмғирда ивиб кетибсиз-ку, Lise! – қичқирди у ёмғирда бўккан ерда ўзининг ҳам тиззалари зах тортганини сезиб, оёкка тураркан, – сизга нима бўлди, уст-бошингиз бундай?.. Яна пойи пиёда ва яна бундай яй-

⁸³ Сиз бахтсизсиз, тўғрими? (франц.)

⁸⁴ Биз ҳаммамиз бахтсизмиз, аммо уларнинг ҳаммасини кечириш керак. Кечирайлик, Лиза.

⁸⁵ Кечириш керак, кечириш, кечириш!

⁸⁶ Йигирма икки йил!

⁸⁷ Ушбу савдогарда, агар у мавжуд бўлса, ушбу савдогар...

доқ далада... Йиғлаяпсизми? Vous etes malheureuse?⁸⁸ Воҳ, мен нимадир эшитувдим... Аммо ҳозир қайдан келяпсиз? – у қўриқиб кетган қиёфада саволларни қалаштирарди, ҳеч нарсани англамагандай Маврикий Николаевичга харосон тикиларди, – mais savez-vous L'heure qu'il est!⁸⁹

– Степан Трофимович, сиз у ёқда ўлдирилганларни эшитдингизми?.. Шу тўғрими? Тўғрими?

– Садкаи одамлар! Кори-борлари ёнганини тун бўйи кўрдим. Қилмиш-кидирмиш... (Унинг кўзларида яна ўт чакнади). – Абдираганлардан қочиб боряпман, ваҳимали кўркинч тушлардан қочиб боряпман Россиямни кидириб, existe-t-elle aa Russie? Bah, c'est vouse cher capitaine!⁹⁰ Гумон қилмас эдим асло, сизни бир кунмас-бир кун жасорат чоғи учратарман деб... Аммо менинг соябонимни олинг, яна нега бундай пиёда юрибсиз? Худо ҳақи, жуда бўлмаса шу соябонни олинг, мен бари бир бироз юриб экипажга тушаман. Stasie (Настасья демоқчи) бутун кўчани бошига кўтариб қичқирмасин деб, арава ёлламадим, мен кетаётганимни билиб қолса, дунёни бошига кўтарарди. Мен имкони борица incognito жўнатиб юбордим. Билмайман, бу «Голос»да ҳамма ёқни қароқчи босган деб ёзишади, лекин мен йўлга чиққан захотим, дарров қароқчилар келиб таламаса керак, деб ўйладим, Chere Lise⁹¹, сиз ҳозир кимдир кимнидир ўлдирмоқчи дедингизми? O mon Dieu⁹², мазангиз қочдим!

– Кетдик, кетдик! – жазава ичида қичқирди Лиза яна Маврикий Николаевични орқасидан эргаштириб. – Тўхтанг, Степан Трофимович, – бирдан у Степан Трофимович томонга юрди, – тўхтанг, бечорагина, мен сизни чўқинтирай. Балки сизни боғлаб қўйиш керакмиди, аммо майли, чўқинтира қолай. Сиз ҳам «бечора» Лизани дуо қилинг, майли, озрок бўлса ҳам, ўзингизни қаттиқ уринтирманг.

⁸⁸ Бахтсиз бўлиб қолдингизми?

⁸⁹ Лекин биласизми, ҳозир соат неча бўлди?

⁹⁰ Борми ўзи ўша Россия? Воҳ, бу сизмисиз кадрли капитан?

⁹¹ Азизам Лиза.

⁹² О, худойим.

Маврикий Николаевич, бу гўдакка соябонни беринг, албатта, қайтариб беринг. Ана шундай... Юринг энди, юринг энди!

Чала ёнган уй олдида қалин издиҳом тўпланган, издиҳом Ставрогин ҳақида не-не мишмишларни эшитмаган, у ўз фойдасини кўзлаб хотинини ўлдирди, дейишарди. Лиза билан ҳамроҳи машъум уй олдида етиб келганларида оломон шу гаплар билан банд эди. Аммо бари бир яна тақрор айтаман, аксар кўпчилик индамай, қимирламай тингларди. Фақат бадмаст бакироқларгина оғизларидан кўпиклар сочишар, уларга «ўзини тутолмайдиган» анов шаҳарликка ўхшаганларгина қўлларини силкитиб қўшилишарди. Уни ҳамма бўш-баёв юмшоққина одам деб танир, лекин унга қандайдир бирон нарса қаттиқ таъсир қилса, у кутилмаганда бирдан ўзини йўқотиб қўяр ва осмону фалакларда уча бошларди. Мен Лиза билан Маврикий Николаевич қандай етиб келганларини билмай қолдим. Биринчи марта Лизани ҳайратдан лол қолган ҳолда мендан анча узоқда оломон ичида кўрдим, Маврикий Николаевични эса аввалига пайкаганим ҳам йўқ. Тиқилинчда уни суриб юборишганим, бир зумга у кизни йўқотиб қўйган. Лиза теварак-атрофида ҳеч нарсани илғамай, пайкамай худди касалхонадан қочиб чиққан одамдай, иситмаси ошиб ҳоли-жонига қўймаётгандай оломонни ёриб ўтиб борар ва бу албатта, оломоннинг эътиборидан четда қолмади: гувур-гувур бошланиб, бирдан дод-вой кўтарилди. Шунда кимдир: «Бу Ставрогиннинг одами!» – деб бақирди. Нариги томондан эса: «Ўлдиргани етмагандай, томошага ҳам келади!» – деган қичқирик эшитилди. Мен шунда бирдан кизнинг орқа томонидан кимнингдир қўли кўтарилиб, унинг бошига зарба туширганини кўрдим; Лиза йиқилди. Маврикий Николаевичнинг ўкиргани эшитилди, у ёрдамга ташланди ва Лизани ўзидан тўсиб турган одамни бор кучи билан урди. Лекин худди шу дақиқада бояги шаҳарлик лангар ташлаётган киши уни орқадан икки қўли билан кучоклаб олди. Бошланиб кетган ур-йикитда бир қанча вақт ҳеч вақони

кўриб бўлмади. Афтидан, Лиза оёққа турди, лекин яна бошқа зарба тушиб, яна ерга қулади. Бирдан оломоннинг ораси очилди, чўзилиб ётган Лизанинг атрофи бироз бўшади, қонга беланган, ақл-хушини йўқотган Маврикий Николаевич қизнинг тепасида бакирар, йиғлар, қўлларини бир-бирига уриб қасирлатарди. Кейин нима бўлгани аниқ эсимда йўқ; Лизани бирдан кўтариб олиб кетишаётгани ёдимда қолганди. Мен унинг орқасидан югурдим, у ҳали тирик эди, эҳтимол, хушини ҳам йўқотмаганди. Оломон ичидан шаҳарлик киши билан яна учтасини тутишди. Булар учаласи ҳам ҳозиргача бу ёвузликда қатнашганларини бўйниларига олмай келадилар, бизни нотўғри ушлашди, деб оёқ тираб турадилар. Шаҳарликнинг айби кўриниб турган бўлса ҳам, эси кирди-чикди одам шекилли, шу пайтгача бўлиб ўтган воқеани тушунтириб беролмайди. Мен ҳам, гарчи узоқроқ гувоҳ бўлсам-да, терговда кўрсатма беришим керак эди: мен ҳаммаси мутлақо тасодифан рўй берди, одамларнинг зардаси қайнаб турганлиги рост, лекин улар маст-аласт, калавасининг учини йўқотган, нима қилаётганини англамасди, дедим. Ҳозир ҳам шу фикрда турибман.

ТҮРТИНЧИ БОБ

СҮНГГИ ҚАРОР

I

Шу куни эрталаб Петр Степановични кўплар кўришганди; кўрганлар унинг ҳаддан ташқари ҳаяжонланган ҳолатда бўлганлигини эслайдилар. Туш чоғи соат иккида у Гагановнинг уйига борган, Гаганов куни кечагина қишлоқдан келган, уйи тўла меҳмон эди, улар огизлари тинмай ҳозиргина рўй берган воқеаларни ҳовликиб сўйлашарди. Петр Степанович ҳаммадан кўп гапирар, ўзини эшитмаганларига қўймасди. Уни бизда ҳамма вақт «боши тешик маҳмадона талаба» деб билишар, аммо ҳозир у Юлия Михайловна ҳақида оғзини кўпиртирар, юз берган бошбошдоқлик ичида бу мавзу ҳаммани қизиқтирарди. Унга жуда яқин, нозик сирдош бўлгани боис Юлия Михайловна борасида анча-мунча янги ва кутилмаган тафсилотларни ҳикоя қилиб берди; талмовсирагандай бўлиб (албатта, го-ятда эҳтиётсиз) унинг шаҳарда ҳамма танийдиган одамлар ҳақида билдирган фикрларини очик-ойдин айтди, бундан нафсониятлари озор чеккандай бўлди. Кўй оғзидан чўп олмаган содда одамдай гапларининг тутантириги йўқ эди, аммо виждонли бир сифатида тоғдай уюлиб ётган ноён, ноаниқ нарсаларни қийналиб бўлса-да, ўзини тушунтириб бериш мажбурияти остида қолган одамдай тутар, нимадан бошлаб, нима билан тугатишни соддадиллиги туфайли ҳеч билолмаётгандай кўрсатарди. У худди эҳтиётсизликка йўл қўйгандай бўлиб, Юлия Михайловна Ставрогиннинг бутун сир-асроридан хабардор ва бутун найрангни ўзи бошқариб турарди, деганга олиб келди. Юлия Михайловна Петр Степановични ҳам йўлдан урган экан, нега деганда Петр Степанович ҳам бахти қаро Лизага ошику беқарор экан, «унинг бошини шунчалар айлантириб ташлашганки», на-

тижада Петр Степановичнинг ўзи қизни каретага ўткизди. Ставрогиннинг уйига олиб борган. «Ҳа, ҳа, сиз маза қилиб куласиз-да, жаноблар, лекин мен буларнинг ҳаммаси нима билан тугадини билганимда эди, билганимда эди!» – деб хулоса қилди у. Ставрогин борасида берилган турли-туман серташвиш саволларга у тўғридан-тўғри жавоб бериб, менинг фикримча, Лебядкин билан рўй берган ишқал ғирт тасодифдан бошқа нарса эмас ва ҳаммасига пулларини мақтаниб кўрсатган Лебядкиннинг ўзи айбдор. У айниқса шу нарсани яхшилаб тушунтирди. Эшитиб ўтирганлардан бири: сиз бекорга ўзингизни «кўрсатяпсиз» деди: сиз Юлия Михайловнанинг уйида эдингиз, ичдингиз, ҳатто ётиб ҳам қолдингиз, энди эса элбурутдан уни қоралайпсиз, бу одамлар назарида унча чиройли бўлмаяпти-да. Бироқ Петр Степанович дарров ўзини ҳимоя қилди: «Мен еган, ичган бўлсам, чўнтагимда пулим йўқлигидан эмас, у ерга, мени қўймай таклиф қилиб туришгани учун айбдор эмасман. Бунинг учун улардан қанчалар миннатдор эканлигимни ўзимга қўйиб бераверинг».

Умуман, хулоса унинг фойдасига бўлди: «Йигити тушмагур бемаъни ва устига-устак, аравани курук олиб қочади, аммо Юлия Михайловнанинг аҳмоқликларига у айбдор эмас-ку? Аксинча, кўп ҳолларда хонимни тўхта-тиб қолган-да...»

Соат иккиларга бориб бирдан шундай хабар тарқалди: устида шунча гап-сўзлар бўлиб турган Ставрогин кутилмаганда туш чоғидаги поездда Петербургга жўнаб кетибди. Ҳамма анг-танг; кўпларнинг ковоғи солинди. Петр Степанович эса шунчалар ҳайратга тушдики, айтишлари-ча, ҳатто башараси ўзгариб кетиб: «Э, ким уни чиқариб юборибди?» деб қичкирибди ҳам. У шу заҳоти Гагановниқидан югуриб чиқиб кетган. Бироқ уни яна икки ёки уч хонадонда гап сотганини кўрганлар бўлган.

Хуфтон тушган пайтда у Юлия Михайловнанинг хузурига ҳам ўтишга муваффақ бўлган, у бунга жуда катта қийинчиликлар билан эришган, негаки, хоним уни қабул қилишни қатъиян истамаган. Фақат орадан уч ҳафта ўтгач-

гина буни хонимнинг ўз оғзидан эшитиб билдим. Ўшанда хоним Петербургга кетиш учун отланиб турганди. Хоним тафсилотларини айтиб ўтирмай, «у мени чексиз лол қилиб қўйди», деди. Назаримда, у хонимни агар ортиқча «оғиз очсангиз», тил бириктирганимиз ошкор бўлади, деган мазмунда кўрkitган. Кўрkitиб қўйиш зарурати эса унинг ўша пайтдаги ниятлари билан яқиндан боғланиб кетар, албатта, хонимга бу ниятларнинг қандайлиги маълум эмасди, фақат кейинроқ, беш кунлар ўтгач, хоним нега ўзининг «гуллаб» қўйишидан унинг шубҳаланганлигини, яна қаҳр-ғазаб қилишидан чўчиганлигини фахмлаб етди...

Бутунлай қоронғу тушган кечки соат саккизларда бизникиларнинг ҳаммаси – бешовлон прапоршик Эркелнинг шаҳар чеккасидаги Фомин тор кўчасида қийшайиб турган торгина уйида йиғилишди. Петр Степановичнинг ўзи шу ерда умумий мажлис чиқаришни тайинлаганди; аммо кечириб бўлмас даражада кечикар, аъзолар уни бир соатдан бери кутишарди. Ушбу прапоршик Эркель деганимиз ўша Виргинскийнинг уйидаги анжуманда қўлидан қоғоз-қаламини қўймай ўтирган, шаҳримизга бошқа ёқдан келиб қолган индамас офицер. Ўзи бу ерга яқинда келган, опа-сингил икки кампирнинг кимсасиз овлоқдаги уйида ижарада турар, кўп ўтмай бу ердан жўнаб кетадиган эди; Эркелникида йиғилсалар, ҳеч кимнинг кўзи тушмасди. Бу йигитча, айниқса, мутлақо миқ этиб оғиз очмаслиги билан ажралиб турарди. У ғала-ғовур йиғинда ҳатто ўн кеча десангиз ҳам бир оғиз сўз айтмай ўтираверар, ҳар қанча вағир-вуғур гап ўтмасин, индамас, аксинча, болаларча маъсум кўзларини бир зум бўлсин сўзловчилардан узмас, фақат тингларди. Ўзи истараси иссиққина, чеҳрасидан ақл ёғилиб турарди. У бешликнинг аъзоси эмасди; бизникилар у қаердандир қандайдир соф ижро ишларига дахлдор топширик билан келган бўлса керак, деб тахмин қилишарди. Эндиликда унинг ҳеч қандай алоҳида топширик билан келмаганлиги маълум, у ўзининг аҳволини англармиди, англамасмиди, бу ҳам даргумон. У Петр Степановични яқин вақтларда учратиб, унга эътиқод қўйганди. Агарда у қандайдир эр-

тарок йўлдан озган даюс олабўжига дуч келиб қолсайди ва ушбу шумтака унинг миясини турли хавойи ижтимоий-романтик гаплар билан ачитиб, биронта қароқчилар тўдасини ташкил этишни топширса ва ҳамир учидан патир дегандай, дуч келган одамни талаш, ўлдиришни буюрса, у шубҳаланиб ўтирмай буни албатта адо этган бўларди. Унинг аллақайларда қолган касалманд онаси бор эди, – онасига унча катта бўлмаган маошининг ярмини қанда қилмай жўнатиб турарди. Она шўрлик ўғилчасининг патила-патила малла сочли бошгинасини қандок ўпарди денг, қандок авайлар, тинмай дуолар қиларди. Мен бу ҳақда қўп сўз юритаётганимнинг сабаби шуки, унга жуда ҳам юрагим ачийди.

Бизникилар асабийлашмоқда эдилар. Ўтган кечанинг воқеалари уларни лол қилиб қўйган, чамаси, юракларни пўкиллаб қолганди. Улар шу пайтгача ғайрат билан иштирок этиб келган оддий, аммо мунтазам бўлиб турган жанжал-гўполонлар улар учун ҳеч қутилмаган ечим топди. Тунда чиққан ёнғин, Лебядкинларнинг ўлдирилиши, Лизанинг оломон қилиниши – булар уларнинг дастурларида кўзда тутилмаган ишлар эди. Улар ўзларини бошқариб турган қўлни зулмкорлик ва хуфякорликда айблай бошлашди. Бир сўз билан айтганда, улар Петр Степановични кутиб ўтираркан, ўзларини ўзлари роса қайрашди, ундан айрим нарсаларни аниқ тушунтириб беришини қатъиян талаб қиламиз, дейишди, агарда у олдин ҳам бир неча бор бўлганидек, яна бундан ўзини олиб қочса, унда бешликни ҳам тарқатиб юборамиз, лекин унинг ўрнига «гоялар тарғиботи» билан шуғулланадиган янги яширин жамият тузамиз, деб келишиб олдилар. Аммо бу энди бизнинг наздимизда барча овозлар тенг бўлган демократик ташкилот бўлади. Липутин, Шигалев ва халқ билимдони бу фикрни тўла, қўллаб-қувватлайдилар; Лямшин гарчи кўринишдан рози бўлса ҳам, оғиз очмади. Виргинский иккиланиб турди ва олдин Петр Степановичнинг ўзидан эшитайлик, деди. Петр Степановичнинг ўзидан эшитамиз, деб келишдилар. Аммо ҳамон ундан дарак йўқ эди; бу бе-

писандлик уларнинг қонини қайнатди. Эркель оғзига мум солгандай индамас, фақат чой келтириш ҳаракатига тушганди; кампирлар тайёрлаб берган чойни стаканларга қуйиб, патнисга териб ўзи олиб чиқди, самовар киритмади, хизматчини бу ёққа қўймади.

Петр Степанович ниҳоят соат саккиз яримда кириб келди. У тез-тез юриб диван яқинидаги думалоқ стол олдига ўтди, одамлар шу стол атрофида ўтиришганди; шапкасини қўлидан қўймади, чой ҳам ичмади. Қиёфасида қаҳр, қатъият, кибр акс этарди. Афтидан, аъзоларнинг авзойидан уларнинг норозиликларини сезди.

– Мен оғзимни очмай турай, аввал сиз ёрилинг, тўлиб турганга ўхшайсиз, – деди у қаҳрли илжайиб аъзоларнинг турқ-атворларига бирма-бир назар ташлаб.

Липутин «ҳамманинг номидан» гап бошлади ва қалтираган овоз билан «агар шундай давом этадиган бўлса, ўз пешонамизни ўзимиз мажақлаймиз», деди. О, улар пешоналарини ёришдан асло қўрқмайдилар, ҳатто бунга ҳамиша тайёрдирлар, аммо буни фақат умумий иш учунгина адо этажаклар. (Ҳаммалари кимирашиб, маъқуллашиб қўйишди). Шунинг учун улар билан очиқ гаплашиш даркор, улар олдиндан билишлари керак «бу ёғи нима бўлади?» (Яна кимирашиб қўйишди, бир қанча томоқ киришлар эшитилди). Бундай ҳаракат қилиш таҳқирли ҳамда ҳатарли... Буларни биз қўрқаётганимиз учун айтаётганимиз йўқ, фақат битта одам ҳаракат қилса-ю, бошқалар оғзини очиб қараб турса, унда битта одамнинг ёлғони туфайли бошқа ҳамма тумшугидан илинади. (Хитоблар: Шундай! Шундай! Умумий маъқуллаш).

– Жин урсин, нима керак сизларга?

– Бизнинг умум ишимизга, – қизишди Липутин, – жаноб Ставрогиннинг найрангларининг нима алоқаси бор? У аллақандай сирли равишда марказга тегишли бўлса бу ўзига, аслида бу фантастик марказнинг таг-туғи борми, лекин биз буни ҳам билишни истамаймиз. Ҳолбуки, қотиллик рўй берди, полиция оёққа турди, ипнинг учидан тортиб калаванинг тагигача стиб келишади ахир...

– Сиз Ставрогин билан бирга қўлга тушасиз, биз ҳам қўлга тушамиз, – қўшиб қўйди халқ билимдони.

– Умум ишига ҳеч қандай фойдаси йўқ, – ҳорғин ту-
гатди Виргинский.

– Ҳаммаси бекор! Қотиллик тасодифан бўлган, Федь-
ка талончилик мақсадида қилган.

– Ҳм. Бироқ, қизик, тўғри келиб қолибди-да, – юзини
буриштирди Липутин.

– Агар хоҳласангиз, сиз орқали бўлган.

– Қандай биз орқали бўлади?

– Биринчидан, Липутин, сиз бу найрангда катнаш-
дингиз, иккинчидан, сизга Лебядкинни жўнатиб юбориш
тайинланганди, пул ҳам берилганди, сиз нима қилдингиз?
Агар йўлга чиқариб юборганингизда, ҳеч нарса рўй бер-
масди.

– Э, сиз ўзингиз айтмадингизми, чиқиб шеър ўқиса
яхши бўларди деб?

– Таклиф эди, буйруқ эмас. Буйруқ йўлга чиқариб
юборишга бўлганди.

– Буйруқмиш. Бу сўзингиз қизик жуда... Аксинча, сиз
ўзингиз буюрдингиз: жўнатишни тўхтат деб.

– Сиз янглишгансиз, аҳмоқчилик ва ўзбошимчалик
қилгансиз. Қотиллик Федьканинг иши, буни талончилик
мақсадида бир ўзи қилган. Сиз даранг-дурунгни эшитган-
сизу кўрқиб кетгансиз, ишонгансиз. Ставрогин аҳмоқ эмас,
далолати шуки, у соат ўн иккида поездга ўтириб, жўнаб
кетган, ундан олдин ҳоким ўринбосари билан кўришган;
агар бирон гап бўлганда, уни куппа-кундузи Петербургга
қўйиб юборишмасди.

– Э, биз жаноб Ставрогин ўзи ўлдирди деяётганимиз
йўқ, – уялмасдан заҳарханда қилди Липутин, – у худди
менга ўхшаб буни ҳатто билмаслиги ҳам мумкин; сиз
жуда ҳам яхши биласизки, менинг ҳеч нарсадан хабарим
йўқ эди, гарчи қош қўяман деб, кўз чикардим, шекилли.

– Сиз кимни айбляпсиз? – тумтайиб қаради Петр
Степанович.

– Шаҳарларга ўт қўювчиларни айблайман-да.

– Энг ёмони, сиз нукул гап берасиз. Айтганча, ўкиб кўрмайсизларми. Бошқалар ҳам билиб қўйсин, бу фақат маълумот учун.

У чўнтагидан Лебядкиннинг Лембкега ёзган имзосиз хатини чиқариб Липутинга узатди. Липутин ўкиб хайрон бўлди ва ўйланиб хатни ёнидаги кишига чўзди; хат тезликда даврада айлантирилди.

– Бу ҳақиқатан Лебядкиннинг қўлими? – сўради Шигалев.

– Унинг қўли, – дейишди Липутин билан Толкаченко (яъни халқ билимдони).

– Фақат билиб қўйинг деяпман, чунки Лебядкинга юрагингиз ачишяпти, – такрорлади Петр Степанович хатни қайтариб оларкан, – шундай қилиб, жаноблар, аллақандай Федька бизни мутлақо тасодифий ҳолда хатарли одамдан халос қилди. Баъзан тасодифнинг қудрати мана шунда! Ибратли, а, тўғрими?

Аъзолар тезгина бир-бирларига қараб олишди.

– Мана энди, жаноблар, менинг ҳам сўрайдиган галим келди, – қаддини кўтарди Петр Степанович. – Билсак бўладими, сиз шаҳарни изн бўлмай туриб ёқишга қандай ҳаддингиз сиғди?

– Э, нима деяпсиз! Биз, биз шаҳарни ёқибмизми? Тўнкаш ҳам эви билан-да! – дея теваракдан хитоблар янгради.

– Мен буни ҳаддидан ошиш деб биламан, – сўзидан қайтмай давом этди Петр Степанович, – ахир бу Юлия Михайловна билан ади-бади айтишиш эмас-ку. Жаноблар, мен сизларни бу ерга тўплаганимнинг сабаби, сизни қилинган ишнинг хатаридан огоҳлантириш, сиз аҳмоқларча буни бошингизга бало қилдингиз, энди бу сиздан бошқаларнинг бошига ҳам жуда катта хавф-хатар соляпти.

– Рухсат этинг, биз сизга ҳозир бу ерда баёнот бермоқчи эдик, биз зулмкорлик ва тенгсизлик даражасини айтмоқчимиз, аъзоларнинг бошидан ошириб туриб, уларга билдирилмаган ҳолда мана шундай жуда жиддий ва шу билан бирга ғалати чора қўлланган, – даргазаб ҳолда деди шу пайтгача жим ўтирган Виргинский.

– Демак, сиз қилмадим дейсизми? Мен эса фақат сиз ўт ёққансиз дейман, сиз, бошқа ҳеч ким эмас. Жаноблар, алдаманг, менда аниқ маълумотлар бор. Ўзбошимчалик қилиб сиз ҳатто умум ишимизни хавф остига қўйдингиз. Сиз чексиз бўғинлар орасидаги битта бўғинсиз, холос ва марказга бўйсунишга мажбурсиз. Ҳолбуки, ичингиздан уч киши ҳеч қандай кўрсатма бўлмагани ҳолда шпигулинчиларни ўт қўйишга ундагансиз, шундан сўнг ёнгин чиққан.

– Ким уч киши? Ичимиздан ким улар?

– Бундан уч кун бурун кечаси соат тўртда Толкаченко сиз «Незабудка»да Фомка Завьяловни кўндиришга урингансиз.

– Кечирасиз, – ўрнидан сакраб турди Толкаченко, – мен бир оғиз сўз айтдим, холос, ҳеч қандай ниятда эмас, фақат шунчаки, чунки у эрталаб калтакланган эди, яна шу заҳоти бас қилдим, чунки у ғирт маст эди. Агар сиз эслатмасангиз, эсимда ҳам йўқ. Битта сўздан ҳаммаёқ ёниб кетмайдди.

– Сиз битта арзимас учкундан бутун порох заводи портлаб кетганига ажабланиб турган одамга ўхшайсиз.

– Мен бурчақда ўтириб, шивирлаб кулоғига айтгандим, сиз қандай қилиб эшитдингиз? – бирдан ақлини ишлатди Толкаченко.

– Мен ўша ерда стол тагида ўтиргандим. Амин бўлингки, жаноблар, мен барча қадамларингиздан бохабарман. Сиз киноя қилиб куляпсизми, жаноб Липутин? Мен эса, мисол учун шуни биламанки, сиз бундан тўрт кун илгари ярим кечаси уйкуга ётишдан аввал хотинингизнинг ҳаммаёғини чимчилаб ташлагансиз.

Липутиннинг оғзи ланг очилиб, ранги оқариб кетди.

(Кейинчалик маълум бўлдики, у Липутиннинг қилмиши ҳақида унинг хизматчиси Агафьядан сўраб билган, Агафьяга у бошидан айғоқчилиги учун пул-мул бериб турган, булар кейинроқ маълум бўлди).

– Мен бир фактни қайд этсам бўладими? – кутилмаганда ўрнидан турди Шигалев.

– Айтинг.

Шигалев жойига ўтирди ва ўзини тузатди.

– Каминанинг тушунишича, буни тушунмасликнинг иложи ҳам йўк, сиз олдин ўзингиз, сўнг яна иккинчи бора жуда чиройли қилиб – гарчи ғоятда назарийроқ бўлса-да, чексиз бўғинлар билан қопланган Россиянинг манзарасини чизган эдингиз. Ўз навбатида ҳар бир ҳаракатдаги тўда маслакдошларни кўпайтириб, ёндош бўлимлар воситасида ҳадсиз тарқалиб, маҳаллий ҳокимиятнинг обрўсини тўкиш, бунинг учун тўхтовсиз ва мунтазам равишда фош қилувчи тарғиботни кучайтириш вазифасини олган, жойларда саросима, адабсизлик ва жанжал-тўполонлар чиқариш, мутлақо ҳеч нарсага ишонмаслик кайфиятларини ёйиш, яхшироқ ҳаётни кўмсаш ва ниҳоят, асосан халқ қуроли бўлган ёнгинларни авж олдириш ва шулар баробарида айна тарихий дамда бутун мамлакатни керак бўлса умидсизликка кўмиб ташлаш топширилганди. Булар сизнинг сўзларингизми ахир, улар сўзма-сўз менинг эсимда қолган? Бу бизга шу пайтгача номаълум бўлиб қолаётган, афсонавийга ўхшаган комитетнинг вакили сифатида сиз томонингиздан эълон қилинган ҳаракат дастури шуми?

– Тўғри, лекин жуда чўзиб юбордингиз.

– Ҳар ким сўз айтишга ҳақли. Бизга билдирилишича ва чамаланишига кўра Россияни эндиликда қоплаган юзлаб бўғинлар алоҳида бўғинлардан тармоқланиб, жамланган ҳолда, (агар ҳар бир бўғин ўз вазифасини аъло даражада адо этса) унда бутун Россия айна муддатда, бир ишорани кутарди...

– Оҳ, жин урсин, сизсиз ҳам иш кўп! – креслода бурилди Петр Степанович.

– Ижозат этинг, мен тугатай, фақат битта савол: биз жанжал-тўполонларни кўрдик, аҳолининг норозилигини кўрдик, бу ердаги идора, маҳкаманинг кулашида қатнашдик ва ниҳоят, ўз кўзимиз билан ёнгинни кўрдик. Яна нимага норози бўласиз? Ахир сизнинг дастурингиз шу эмасми? Бизга яна нима деб тўнкайсиз?

– Ўзбошимчалик! – ғазаб билан қичқирди Петр Степанович. – Мен бу ерда эканман, менинг рухсатимсиз иш

қилмаслигингиз керак. Етар. Чақув тушган, балки эртага ё бугуннинг ўзидаёқ кечаси сизларни тутиб кетишади. Мана сизга аниқ маълумот.

Шу тоб ҳаммаларининг огизлари очилиб қолди.

– Ёнгин уюштиришга чакирганларнигина эмас, балки бутун бешликни қўлга олишади. Чақувчи бутун тармоқнинг сир-асроридан хабардор. Мана, қилган шўхликларингизнинг оқибати!

– Ставрогиндир-да! – кичкирди Липутин.

– Нима... нима учун Ставрогин? – бирдан тутилиб қолди Петр Степанович. – Э, шайтон, – у дарҳол сергак тортди, – бу Шатов! Чамаси, ҳаммаларингиз билсангиз керак, Шатов ўз вақтида бу ишга дахлдор эди. Мен шуни маълум қилишим керакки, унда шубҳа уйғотмайдиган кишилар орқали кузатиб, шунга ҳайрон қолдимки, у тармоқнинг сир-асроридан хабардор ва... қисқаси, ҳаммасини билади. Олдин ишда қатнашганлиги айбини ювиш учун у ҳаммани сотади. Шу пайтгача у иккиланиб келди ва мен уни аяб юрдим. Сиз энди ёнгин чиқариб, уни бўшатиб юбордингиз: у ларзага тушган ва энди ҳеч иккиланмайди. Биз эртагаёқ ўт қўювчилар ва сиёсий жинояткорлар сифатида қўлга олинамиз.

– Наҳотки? Шатов қаердан билади?

Эхтирослар жўш урди.

– Ҳаммаси батамом аниқ гап. Мен сизга барча йўл-йўригим, уни қандай очганимни айтишим шарт эмас, аммо сиз учун ҳозир фақат бир нарсани қилишим мумкин: бир одам орқали Шатовни жиловлайман, шунинг учун у ҳеч қандай шубҳаланиб ўтирмай чақувни кейинга суради, аммо фақат бир кунга, холос. Бир кундан ортигига иложим йўқ. Шундай қилиб, сиз индин куни эрталабгача амин бўлишингиз мумкин.

Ҳаммалари жим.

– Э, унинг жойи жаҳаннам! – зардаси қайнаб кичкирди Толкаченко.

– Аллақачон тинчителиш керак эди! – столни даргазаб муштраб деди Лямшин.

– Аммо қандай қиламиз? – ғўнғиллади Липутин.

Петр Степанович дарҳол масалани ўз қўлига олди ва режасини баён этди. У шундан иборат эдики, Шатов қўлидаги яширин типографияни топшириш баҳонасида эртага коронғу тушганда ўша хуфя жойга чақирилади ва «ўша ерда масаласи ҳал этилади». Петр Степанович кўпгина зарурий тафсилотларга ҳам тўхталиб ўтдики, биз бу ерда уларни тушириб қолдирамиз, шу билан бирга Шатовнинг марказий жамиятга нисбатан дудмал муносабатларини ба-тафсил тушунтириб берди, булар энди ўқувчиларга маълум.

– Шундоқку-я, – бўшашиброқ деди Липутин, – лекин яна устига-устак... яна ўшанақа бир воқеа... одамларни жуда шошириб қўймасмикин.

– Шубҳасиз шундоқ, – деб тасдиқлади Петр Степанович, – аммо бу ҳам кўзда тутилган. Гумонни бошқа ёққа буришнинг чораси қўрилган.

Шундан сўнг худди олдингидай аниқ қилиб Кириллов ҳақида, унинг ўзини отмоқчи эканлиги, бунга ишора бўлишини кутиб юрганлиги, ўлимидан сўнг хат ёзиб қолдирмоқчилиги ва нимани хоҳласалар, шуни унда ўз устига олмоқчилигини сўйлаб берди. (Қисқаси, буларнинг ҳаммаси аллақачон ўқувчиларга маълум).

– Унинг ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш ҳақидаги фалсафий, менимча телбаларча фикри – у ёққа маълум бўлган (тушунтиришда давом этарди Петр Степанович). У ёқда ҳар бир тук, ҳар бир зарра ҳисобда, ҳаммаси умум ишнинг фойдасига яратилади. Манфаат кўзланиб ва унинг нияти тамомила жиддийлигига ишонч ҳосил қилишиб, унга Россияга етиб бориши учун маблағ беришган (у нимагадир албатта Россияда ўлишни истаган), унга бажариш учун топшириқ беришган (у бажарган) ва яна бунинг устига фақат унга айтилган вақтдагина ўзини ўлдириш кераклигини бўйнига қўйишган, у ваъда берган. Эътибор беринг, у ишимизга алоҳида бир асосда дахлдор ва фойда етказишни хоҳлайди; шундан ортиқ гапни сизга айтолмайман. Эртага, Шатовдан сўнг, мен унга айтиб тураман, у Шатов-

нинг ўлимига сабабчи менман, деб ёзади. Бунга ишонишга асослар бор: улар дўст бўлишган ва Америкага бирга боришган, у ерда жанжаллашиб қолишган, булар ҳаммаси хатда тушунтириб кетилади... ва... ҳатто, шароитга қараб, Кирилловга яна баъзи бир нарсаларни ёздирish мумкин, мисол учун, варақаларни ва яна қисман бўлса ҳам ёнғин чиқишини. Дарвоқе, мен буни ҳали ўйлаб кўраман. Хавотир олманг, бунинг ваҳимаси йўқ; ҳаммасини ёзади.

Иштиболар туғилди. Ривоят гоят хаёлий бўлиб кўринди. Ҳаммалари Кириллов борасида озми-кўпми бироз эшитишган эди; Липутин эса ҳаммаларидан кўпроқ биларди.

– У фикридан қайтса-чи, хоҳламаса-чи, – деди Шигалев, – ундоғигаям, бундоғигаям, у жинни, демак, умид кутиш сароб.

– Ташвишланманг, жаноблар, у адо этади, – гапни кесди Петр Степанович. – Аҳдимиз бўйича мен уни бир кун олдин огоҳлантириб қўйишим керак, демак, худди шу бугун. Мен Липутинни ҳозир мен билан бирга уникига бориши ва ўзи ишонч ҳосил қилишига таклиф этаман, у эса, жаноблар, шу бугуноқ қайтиб келиб, сизга гапларим тўғри ёки нотўғри бўлганини етказида. Дарвоқе, – деди у бирдан мислсиз тажанг бўлиб гапини бўларкан, сиздақа майда-чуйда кимсаларга овора бўлиб оғзимни оғритиб шунча гап уқтириб ўтирибман-а, дегандай қилди, – дарвоқе, ўз билганингизча ҳаракат қилаверинг. Агар бир қарорга келмасангиз, ўртадаги аҳдимиз тугайди, – бунга сабаб ёлғиз сизнинг ўзбошимчалигингиз ва соткинлигингиз бўлади. Шундай қилиб, ушбу дақиқадан эътиборан йўлимиз бошқа-бошқа бўлади. Аммо шуни билиб қўйингки, жаноблар, бундай ҳолда, сиз Шатов чакуви ва унинг оқибатлари келтириб чиқарадиган ишқалликларидан ташқари ўз бошингизга яна битта кичкина хунук бир нарсани орттирасиз, у ҳақда аҳдлашилган чоғда қатъият билан айтилганди. Гап менга келганда эса, жаноблар, мен сизлардан унчалар кўркмайман... Мени сизларга боғлаб бермаган, ўйламай қўя қолинг... Айтмоқчи, бу ҳаммаси бари бир...

– Йўқ, биз дадил бўламиз, – деди Лямшин.

– Бошқа йўли йўқ, – ғўнғиллади Толкаченко, – агарда Липутин Кириллов ҳақидаги гап тўғрилигини тасдиқласа, унда...

– Мен қаршиман; мен юрагимнинг бутун куввати билан ишни қон тўкиш билан ҳал қилишга қаршиман! – ўрнидан турди Виргинский.

– Бирок? – деб сўради Петр Степанович.

– Нима бирок?

– Сиз бирок деб айтдингиз... мен шуни кутяпман.

– Мен, афтидан, бирок деганим йўқ... Мен шуни фақат айтмоқчиманки, агар бир қарорга келинса, унда...

– Унда?

Виргинскийнинг овози ўчди.

– Менимча, ўз ҳаётининг хавфсизлигини ўйлаб ўтирадиган вақт эмас, – деб қутилмаганда жавоб берди Эркель, – бирок, умум ишга зарар етадиган бўлса, унда ўз жонингни ўйлаб, қалтираб ўтиришга ҳожат қолмайди...

У тутилиб қолиб, қизариб кетди. Шу тобда ҳамма қанчалар ўзи билан ўзи овора бўлмасин, унга ажабланиб қарашди, унинг орага гап қўшиши шунчалар қутилмаган ҳол эди.

– Мен умум иш учун, – деди бирдан Виргинский.

Барчалари ўринларидан кўзғалишди. Эртага чошгоҳда, ҳамма бир жойда йиғилмаса ҳам, бир-бирлари билан хабарлашишга келишди ва ўшанда тугал шартлашиб оладиган бўлдилар. Типография кўмиб қўйилган ер маълум қилинди, вазифалар ҳамда мажбуриятлар тақсимланди. Липутин билан Петр Степанович биргаликда дарҳол Кирилловнинг олдига жўнашди.

II

Бизникиларнинг бари Шатов сотади деган гапга ишонишди; бирок Петр Степанович ўзларини соққадай ўйнатаётганига ҳам ишонч ҳосил қилишди. Ундан сўнг эртага ҳаммалари жам бўлиб, қандай бўлмасин, ўша жойга бо-

ражаklarини билдиришди, чунки Шатовнинг куни битганини билишарди. Ўзларини худди улкан ўргимчакнинг тўрига илинган папшалардай сезишарди; жаҳлдор бўлиб қолишган, кўрққанларидан даг-даг калтирашарди.

Шак-шубҳа йўқки, Петр Степанович уларнинг олдида айбдор эди: агарда у бор ҳақиқатни андаккина бўлсин, безаброқ кўрсатишга ҳаракат қилганда эди, ҳаммаси бундан кўра ҳамжиҳатликда ва осонроқ ўтган бўларди. Ҳодисани айтишлик, рим фуқаролиги йўналишида ёки шунга ўхшашроқ тарзда чиройли қоғозга ўраб тақдим этиш ўрнига у аъзолар юрагига ваҳима солди, уларнинг ҳаёти хавф остида қолганлигига ургу берди, бу энди тўпориликдан бошқа нарсаси эмасди. Албатта, ҳаммаси ҳаёт учун қураш билан белгиланади, бошқача йўлнинг ўзи ҳам йўқ, бу барчага маълум, лекин ахир бари бир...

Бироқ Петр Степановичнинг римликлар кўнглига қараб ўтиришга вақти йўқ эди; бир чеккаси ўзи ҳам бошвоғини йўқотиб қўйганди. Ставрогиннинг қочиб қолиши уни тамомила эсанкиратиб, эзиб ташлаганди. У, Ставрогин ҳоким ўринбосари билан кўришди, деб ёлғон айтди; ҳамма гап шундаки, Ставрогин ҳеч ким, ҳатто онаси билан ҳам кўришмай кетганди, — яна қизиги ҳам шуки, ҳеч ким ундан қаёққа кетяпсан, деб сўрамаган. (Кейинчалик, бошлиқлар худди мана шу масалада алоҳида тушунтириш беришга мажбур бўлди). Петр Степанович кун бўйи ҳамма ёқдан суриштирди, аммо ханузгача ҳеч нарсани билолмади, у ҳеч қачон бунчалар каттиқ хавотирга тушмаганди. Ахир, у Ставрогиндан мана шундай биратўла ва оппаласон воз кечиб кета олармиди, уни қўлдан чиқаролармиди! Мана шунинг учун ҳам, у бизникиларнинг кўнглига қараб ўтирмади. Бунинг устига улар унинг қўлини боғлаб қўйишди: холбуки, у дарҳол пайсалга солмай Ставрогин ортидан парвоз қилишга шайланганди, холбуки, Шатов уни тутиб қолди, ҳар эҳтимолга қарши бешликни чамбарчас мустаҳкамлаш зарур эди. «Уни шундай ташлаб кетиб бўлмайди-ку, бир кун келиб асқотиши мумкин». Назаримда, у мана шуларни ўйлаганди.

Шатовга келганда, у албатта, сотади деб ўйлади, бунга Петр Степановичнинг ишончи комил эди. Бизникиларга чакув ҳақида айтганда, у ғирт ёлғонлади; у ҳеч қачон бу чакувни кўрмаган ва у ҳақда эшитмаганди, аммо унинг борлигига беш қўлдай ишонарди. У, Шатов ҳозирги аҳволга мутлақо чидай олмайди – Лизанинг, Марья Тимофеевнанинг ўлимини асло кўтаролмайди, – ва худди айна шу вазиятда бир қарорга келади, деб хаёл қиларди. Ким билсин, бундай деб ўйлашга унинг қандайдир асослари бўлгандир балки. Яна шу нарса маълум эдики, Шатовни шахсан кўришга унинг кўзи йўқ эди; қачонлардир ўрталаарида жанжал чиққан, Петр Степанович эса ўлардай кекчи. Ишончим комилки, асосий сабаб мана шунда эди.

Бизнинг кўча йўлкаларимиз тор, ғишт ётқизилган, ё тахта-ёғоч тўшалганди. Петр Степанович йўлканинг ўртасидан уни ўзи батамом эгаллаган ҳолда Липутинга заррача эътибор бермай юриб борар, Липутинга йўлқадан жой етмас, шунинг учун унга етиб олиши ёки бир қадам орқада бориши ё ёнида гаплашишга тўғри келса, кўчанинг ўртасига тушиб, лой кечишига тўғри келарди. Петр Степанович бирдан ўтган шу яқин кунларнинг бирида худди мана шундай Ставрогиннинг кетидан унга етиб олиш учун лойда лўкиллаб юрганини эслади, Ставрогин ўшанда мана ҳозиргидек унга ўхшаб йўлканинг ўртасидан уни бутунлай эгаллаб қадам ташлаганди. У мана шу ҳолатни эслади-ю, ич-ичидан кутуриб кетди.

Аммо Липутин ҳам қаттиқ хафа эди. Майлига, Петр Степанович бизникилар билан кўнгли тусаганча муомага қилаверсин, лекин нега унга бундай қилади? Ахир у бизникилар ичида ҳаммадан кўпроқ билади-ку, ҳаммадан кўра ишга яқинроқ, ҳаммадан кўра унга маҳрамроқ ва шу пайтгача билвосита бўлса ҳам, яхши-ёмон кунида унинг ёнида турибди. О, у биларди, Петр Степанович иложи бўлмай қолганда уни нобуд қилиб юбориши мумкинлигини. Аммо у Петр Степановични анчадан бери ёмон кўриб қолган, ундан кўрққани учун эмас, қалондимоғ муомаласидан безган эди. Энди мана шундай ишга қўл уришга

тўғри келиб турганда, у бизникиларнинг ҳаммасидан
тиқ аччиқланарди. Э воҳ, у биларди, эртага тайинланган
жойга «худди қулдек» ўзи биринчи бўлиб боради, бошқа-
ларни ҳам етаклайди. Ҳозир мабодо агарда эртагача Петр
Степановични қандай бўлмасин, ўлдиришнинг иложини
қилса эди, ҳеч шак-шубҳасиз ўлдирарди.

У ўз ўй-хаёлларига чўмганча, миқ этмай, ўз дилозори
ортидан лўкиллаб борарди. Ҳамроҳи уни тамомила унут-
гандай эди; ўқтин-ўқтин беписанд қўполлик билан тирса-
гини чиқариб уни туртиб юборарди. Бирдан Петр Степа-
нович бизнинг энг кўркем кўчаларимиздан бирида тўхтаб
ковокхонага кирди.

– Қаёққа кетяпсиз? – зардаси қайнаб деди Липутин, –
бу ковокхона-ку.

– Бифштекс егим келяпти.

– Қўйинг, бу ерда одам кўп.

– Майли.

– Аммо... кечга қоламиз. Соат ўн бўлиб қолди.

– У ерга кеч қолиб бўлмайди.

– Мен кечикаман! Улар мени кутиб туришади.

– Майли; фақат уларнинг олдига қайтиб боришингиз
бемаънилик. Мен бутун сизлар билан овора бўлиб овқат
еганим йўқ. Кирилловга қанча кечроқ борилса, шунча
яхши.

Петр Степанович алоҳида бир хонага кирди. Липу-
тин бир четдаги креслода аччиқланиб, унинг овқатлани-
шига қараб ўтирди. Петр Степанович шошилмас, овқат-
ни иштаҳа билан ер, қўнгиروق чалиб, хантал сўрар, кейин
пиво чақирар, лекин бир огиз ҳам сўз айтмасди. У жуда
чуқур ўйга чўмганди. Унинг қилар иши иккита – иштаҳа
билан таом ер ва ўй ўйларди. Липутин уни шунчалар ёмон
кўриб кетдики, ўқрайиб ундан кўзини узмай ўтираверди.
Бу аллақандай асабий хуружга ўхшарди. Унинг оғзига со-
лаётган ҳар бир луқмани ҳисоблар, қандай оғзини катта
очаётгани, чапиллатиб сўраётгани, ёглироқ бўлакни чай-
наётгани ёмон гашини келтирар, бифштексни-ку кўрга-
ни кўзи йўқ эди. Ниҳоят, унинг кўз ўнги қоронғилашиб,

фикрлари чалкашиб кета бошлади; боши бироз айланди; елкасини дам иссиқ, дам совуқ нарсалар жимирлатиб ўтди.

– Сиз зерикиб кетдингиз, манавини ўқиб кўринг, – кутилмаганда Петр Степанович унга бир қоғоз парчасини итқитди. Липутин уни шам ёруғига тутди. Қоғозга нима-лардир майда ҳарфлар билан хунук қилиб ёзилган, ҳар бир қаторда ўчирилган сўзлар учрарди. У хатни ниҳоят ўқиб тугатганда, Петр Степанович овқатнинг пулини тўлаб чиқиб кета бошлаганди. Кўча йўлкасида Липутин унга коғозни қайтариб узатди.

– Ўзингизда турсин, кейин айтаман. Майли, сиз нима дейсиз?

Липутин сесканиб тушди.

– Менинг фикримча... – бунақа варақа... фақат кулгили бемаънилиқ.

Қаҳр ниҳоят портлади; у худди ўзини тутиб кўтариб учириб олиб кетилаётгандек сезд.

– Агарда биз, – деди у бутун вужуди калтираб, – бунақа варақалар тарқатадиган бўлсак, унда биз ўз нўноқлигимиз, ишни билмаслигимиз билан ҳамманинг нафратига қоламиз.

– Ҳм. Мен бошқача фикрдаман, – шахдам қадам ташларди Петр Степанович.

– Мен эсам бошқача; наҳот сиз буни ўзингиз тўқиб чиқарган бўлсангиз?

– Бу билан ишингиз бўлмасин.

– Мен яна шундай ўйлайманки, «Нурли зот» деб аталган байт энг паст, ярамас шиғирлардан бири, уни ҳеч қачон Герцен ёзмаган.

– Чакки гапиряпсиз, яхши шеър.

– Мен, мисол учун, шунга ҳам ҳайрон бўламанки, – фикрлари жўш уриб, руҳланиб қанот қокди Липутин, – бизга охири барбод бўладиган нарсаларни тавсия этишяпти. Бу нарса, яъни ҳаммасининг барбод бўлишини ишташ Европада табиийроқ, нега деганда, у ерда пролетариат мавжуд, биз эса бу ерда фақат ҳаваскорлармиз ва менимча, ёлғиз чанг кўтаряпмиз.

- Сизни фуръечи деб ўйловдим.
- Фуръеда бошқача, батамом бошқа.
- Биладан, бемаъни.
- Йўқ, Фуръе бемаъни эмас... Мени кечиринг, май ойда ғалаён бўлишига ҳеч кўзим етмайди.

Липутин ҳатто тугмаларини ечиб қўйди, у шунчалар қизиб кетганди.

– Бўлди, етар, айтмоқчи, эсимдан чиқмасин, – гоётда совуққонлик билан бошқа мавзуга сакраб ўтди Петр Степанович, – сиз мана шу варақани ўз қўлингиз билан териб, босиб чиқарасиз. Шатовнинг типографиясини кўмилган жойидан оламиз, сиз уни эртагаёк қабул қиласиз. Иложи борица қисқа вақт ичида сиз варақани териб, имкон қадар кўпайтирасиз, кейин қиш бўйи тарқатилади. Маблағлар кўрсатилади. Нусхалар иложи борица кўп бўлсин, чунки биздан бошқа жойларга олиб кетилади.

– Йўқ, мени кечиринг, мен ўз бўйнимга бундай... Олмайман.

– Йўқ, оласиз. Мен марказий комитетнинг йўриғи бўйича иш олиб боряпман, сиз бўйсунингиз керак.

– Мен бизнинг хорижий марказларимиз рус воқелигини унутиб қўйишган деб ҳисоблайман, ҳар қандай алоқалар узилган, шунинг учун фақат довдирашади... Яна ўйлашимча, Россиядаги юзлаб бешликлар ўрнида фақат биз бормиз, холос, тармоққа келганда, ҳеч қанақа тармоқнинг ўзи йўқ, – хансираб тўхтади Липутин.

– Сиз ишга ишонмай, унинг орқасидан чопгансиз... энди менинг кетимдан худди тубан ит каби югуриб юрибсиз, бундан ортиқ ҳазар қиладиган иш йўқ, чамамда.

– Йўқ, чопаетганим йўқ. Биз орқада қолиб, ўзимизнинг янги жамиятимизни тузишга ҳақлимиз.

– Тентак! – бирдан ғазаб билан бўкирди Петр Степанович кўзлари ола-кула бўлиб.

Бироз вақт икковлон бир-бирларига тик қараб қолишди. Петр Степанович шартта бурилиб, яна ўз йўлини давом эттирди.

Липутиннинг бошидан чакмоқдай бир фикр ўтди: «Ўгириламану орқамга қараб кетаман: агар ҳозир кетмасам, бошқа ҳеч қачон кетмайман». У росмана ўн қадам ташлагунча яна шундай ўйлади, аммо ўн биринчи қадамида унинг калласида бир янги ва ашаддий бебок фикр чакнади; у ўгирилиб, ортга қараб кетмади.

Филипповнинг уйига етишди, аммо ҳали унга етмай тор кўчага бурилишди, девор ёкалаб кўзга ташланмайдиган сўқмоқ тушганди, шу боис бироз вақт ариқнинг тик қия киргоғидан юриб боришди, қияликда оёқ турмас, йиқилмаслик учун деворни ушлаб қадам босиш керак эди, деворнинг қийшайган энг овлоқ коронгу жойига келганда Петр Степанович деворнинг бир тахтасини суғуриб олди; жой очилди, у дарҳол шу очиқ жойдан нарига ўтди. Липутин ҳайрон бўлди, аммо ўз навбати билан у ҳам ўтди; кейин тахтани яна жойига қўйдилар. Бу Федька Кирилловникига борадиган ўша яширинча йўл эди.

– Шатов биз бу ердалигимизни билмаслиги керак, – жиддий шипшиди Петр Степанович Липутинга.

III

Кириллов ҳар доимгидай шу дамда ҳам ўз сахтиён диванида ўтириб чой ичарди. У ўрнидан пешвоз турмади, аммо сергакланиб, кириб келувчиларга хавотирланиб қаради.

– Тўғри топдингиз, – деди Петр Степанович, – мен ўша масалада.

– Бугунми?

– Йўк, йўк, эртага... шунга якин вақтда.

Шундан сўнг у шошиб стулга ўтирди, бироз хавотирланиб, безовта бўлиб қолган Кирилловга тикилди. Кириллов дарҳол ўзини тутиб олди, одатдаги кўринишига қайтди.

– Ановлар ҳеч ишонишмайди. Липутинни бошлаб келганимга жаҳлингиз чиқмадими?

– Бугун жаҳлим чиқмайди, эртага бир ўзим бўлишни хоҳлайман.

– Аммо мен келмасдан бурун эмас, менинг хузурумда бўлсин.

– Сиз бўлмасангиз девдим.

– Эсингиздадир, хат ёзиб қолдириш ва имзо чекишга ваъда бергансиз, мен айтиб тураман.

– Менга бари бир. Ҳозир узоқ ўтирасизми?

– Мен бир одам билан кўришишим керак, ярим соат қолди, майли, хоҳишингиз, мен ярим соат ўтираман.

Кириллов индамади. Бу ўртада Липутин чеккароқда, архиерейнинг сурати тагига жойлашди. Бояги ашаддий бебок фикр унинг миясида борган сари чуқур ўрнашарди. Кириллов қарийб унга эътибор бермасди. Липутин Кирилловнинг назариясини аввалроқдан билар ва унинг устидан доим кулиб юрарди; аммо ҳозир оғзини очмас ва ён-верига қовогини уйганча алангларди.

– Мен чойга ҳам қарши эмасман, – деб сурилди Петр Степанович, – ҳозир бифштекс егандим, сизникида чой ичсам керак, деб ўйловдим.

– Ичаверинг, бемалол.

– Илгари ўзингиз куйиб узатардингиз, – авзойи ўзгариб деди Петр Степанович.

– Бари бир. Липутин ҳам ичсин.

– Йў-ўқ, мен... ичмайман.

– Хоҳламайсизми ё ичолмайсизми? – тезда унга ўтирилди Петр Степанович.

– Мен у кишиникида ичолмайман, – маънолироқ қилиб деди Липутин. Петр Степанович қошини чимирди.

– Мистицизмнинг ҳиди келади; сизлар қандай одам-сизлар, буни шайтон билади!

Унга ҳеч ким жавоб бермади; бир дақиқа жим бўлиб қолдилар.

– Аммо мен бир нарсани биламан, – деб кескин кўшимча қилди Петр Степанович, – ҳеч қандай ваҳималар ҳар биримиз ўз бурчимизни адо этишимизга тўсик бўлолмайди.

– Ставрогин кетдими? – сўради Кириллов.

– Кетди.

– Яхши килибди.

Петр Степанович кўзларини ола-кула килмоқчи бўлди-ю, яна ўзини босди.

– Сиз нима деб ўйлайсиз, менга бари бир, ишкилиб, ҳар ким ўз сўзида турса, бас.

– Мен сўзимда тураман.

– Доим ишончим комил, сиз ўз бурчингизни адо эта-сиз, зеро, сиз мустақил ва илғор кишисиз.

– Кулгили гапирасиз-да.

– Майли. Кулдирсам ёмонми. Сизни хурсанд қилол-сам мамнун бўламан.

– Мен ўзимни отишимни жуда хоҳлайсиз, йўқ дейи-шимдан кўркасимми?

– Ўйни сиз ўз кўзлаган мақсадингизни бизнинг ҳара-катимиз билан боғладингиз. Сизнинг режангизга ишониб, биз баъзи ишларни амалга оширдик, шунинг учун сўзин-гиздан қайтишингиз бизга тўғри келмайди, бизни ноқулай аҳволга кўясиз.

– Ҳеч кимнинг ҳеч қандай ҳақи йўқ.

– Тушунаман, тушунаман, ихтиёр тўла сизда, биз ҳеч нарсa, бироқ сизнинг бу тўла ихтиёрингиз рўёбга чиқа қолсин.

– Мен сизларнинг бутун ярамасликларингизни ўз устимга олишим керакми?

– Қулоқ солинг, Кириллов, сиз кўрқяпсизми? Агар сў-зингиздан қайтмоқчи бўлсангиз, ҳозир айтинг.

– Кўрқаяётганим йўқ.

– Сиз кўп гапиряпсиз, шунинг учун буни айтяпман.

– Тез кетасизми?

– Яна сўраяпсизми?

Кириллов унга нафратомуз назар солди.

– Ана, кўрдингизми, – деб давом этди борган сари фиғони ошиб ва хавотирланиб Петр Степанович қандай йўсинда гап юритишни билмасдан, – сиз ёлғиз қолиш, фикрингизни жамлаш учун менинг кетишимни хоҳла-япсиз; аммо буларнинг барчаси сизнинг ўзингиз учун, би-ринчи навбатда сизнинг ўзингиз учун хавфли аломатлар.

Сиз кўп ўйламоқчисиз. Аммо, менимча, кўп ўйлашнинг кераги йўқ, ўзи шундок. Очиги, сиз мени хавотирга солиб кўйдингиз.

– Мен фақат бир нарсадан қаттиқ хафаман, ўша дамда менинг тепамда сизга ўхшаган газанда туради.

– Э, бунинг фарқи йўқ. Мен ўша вақтда ташқарига чикиб эшик олдида кутиб тураман. Сиз ўйлаётган бўлсангизу қаҳрингиздан тушмасангиз, унда... бу жуда хатарли. Мен ташқарига чикиб кетаману сиз тасаввур қилинг, мен ҳеч нарсани тушунмайман ва сиздан чексиз пастда турган одамман.

– Йўқ, сиз чексиз эмас; сизнинг уқувингиз бор, аммо кўп нарсани тушунмайсиз, чунки сиз тубан одамсиз.

– Кўп хурсандман, кўп хурсандман. Сизга ҳузур бахш этганимдан бошим осмонда... шундай бир дақиқада.

– Сиз ҳеч нарсани тушунмайсиз.

– Яъни мен... ҳар қалай, камоли диққат билан эшит-япман.

– Қўлингиздан ҳеч нарса келмайди, сиз ҳозир ҳам майда хусуматингизни ҳеч яширолмайсиз, ҳолбуки, буни ошкор қилиш сизга ярашмайди. Сиз менинг гашимга тегсангиз, балки мен яна ярим йилга кечиктирарман.

Петр Степанович соатига қаради.

– Мен ҳеч қачон сизнинг назариянгизни тушунган эмасман, аммо сиз уни биз учун тўқиб чиқармаганингизни биламан, демакки, бизсиз ҳам ижро этаверасиз. Яна шуни ҳам биламанки, ғояни сиз еганингиз йўқ, ғоя сизни еди, шунинг учун сиз ижро этасиз.

– Қандай? Мени ғоя еганми?

– Шундай.

– Мен эмасми ғояни еган? Қандай яхши. Сизнинг кичкина ақлингиз бор. Фақат менинг қитиғимга тегяпсиз, фахрлансам арзийди.

– Ғоят соз, ғоят соз. Айнан худди шундай қилиш керак, сиз фахрланинг.

– Бас; чойингизни ичдингиз; жўнанг.

– Жин урсин, кетиш керакка ўхшайди, – ўрнидан қўзғалди Петр Степанович. – Бироқ ҳар қалай ҳали эрта. Менга қаранг, Кириллов, қассобнинг хотининикидан анов одамни топаманми, биласиз-ку? Ёки у ҳам алдаганми?

– Топмайсиз, чунки у одам у ерда эмас, шу ерда.

– Жин урсин, шу ердами, қаерда?

– Ошхонада еб-ичиб ўтирибди.

– Нима ҳақи бор? – ғазабдан кизариб кетди Петр Степанович. – У кутиши керак эди... бекор гап! На паспорти ва на пули бор!

– Биладим. У хайрлашгани келибди; кийиниб олган, йўлга шай, кетади-ю қайтиб келмайди. У сизни аблах деди, сизнинг пулингизни кутмасмиш.

– Э, ҳа! У кўрқаётгандир, мен... Э, ҳа, мен уни ҳозирнинг ўзида ҳам, агар... У қаерда, ошхонадами?

Кириллов ён томондаги қичкина қоронғу хужрага эшикни очди, хужрадан уч зина пастга тушиб ошхонага ўтиларди, бу ерда яна бир тўсик билан ажратилган хужра бўлиб, бунда одатда ошпаз аёлнинг қаравоти жойлашганди. Федька мана ҳозир худди шу ерда бурчакда девордаги санамлар тагида дастурхон ёзилмаган тахта стол олдида ўтирарди. Унинг олдида яримта, тақсимчада нон ва сопол товоқда яхна гўшт ва картошка қўйилганди. У яхна гўшт билан газак қилар, ширакайф эди, аммо устидан пўстинини ечмаган, чамаси, йўлга чиқишга тайёр эди. Тўсикнинг нариги ёғида самовар шақиллаб қайнар, аммо у Федька учун қўйилмаганди, самоварни мана бир ҳафтадан бери, балки ундан ҳам ортиқроқ ҳар кеча Федьканинг ўзи ўт қалаб, қайнатар, «Алексей Нилич ичсинлар, кечаси чой ичишни яхши кўрадилар», дерди. Мен шуни аниқ айта оламанки, ошпаз аёл бўлмагани учун яхна гўшт билан картошкани Федька учун Кирилловнинг ўзи ҳозирлаганди.

– Бу нима қилиқ? – пастга тапиллаб тушиб келди Петр Степанович. – Нега буюрилган жойда кутмадинг? – дея у столни гурсиллатиб урди.

Федька ҳезланди.

– Сен шошма, Петр Степанович, сен шошма, – ҳар бир сўзини олифталарча дона-дона қилиб деди у, – сен ўзинг

аввало, яхши тушуниб ол, сен жаноб Кириллов, Алексей Ниличнинг уйига қадам ранжида қилиб келгансан, сен доим унинг эшикларини тозалаб қўйишинг мумкин, нега деганда у ақлли-хушли, билимдон инсон, сен эса, э, туф-ей, зангар!

Шундай деб у юзини четга буриб, курук тупургандай бўлди. Унинг кеккаяётгани, бир нимага қарор қилгани, айна портлашдан илгари бемалол эзмаланиб насихатгўйлик қилишга майли борлиги, бунинг тагида эса катта хатар яшириниб ётгани сезиларди. Аммо Петр Степанович шу тобда хатарга эътибор берадиган аҳволда эмасди, буни у хаёлига ҳам келтирмасди. Кун бўйи рўй берган ханго-малару омадсизликлар унинг бошини айлантириб ташлаганди... Липутин уч зина юқоридаги қоронғу хужрадан кизиқсиниб қарарди.

– Буюрилган ерга бориш учун тоза паспорт ва етарли пул олишни истайсанми, йўқми? Розимисан, йўқми?

– Қара-я, Петр Степанович, сен мени бошдан алдаб, лакиллатиб келяпсан, шунинг учун сени қабиҳ, тубан кимса деб биламан. Худди бамисоли ирkit битта ўхшайсан. Сен менга бегуноҳ қонлар учун катта пул ваъда қилдинг, жаноб Ставрогиннинг устидан ҳам қасам ичдинг, бу сен томондан ярамас беадабчиликдан бошқа нарса эмас. Мен бу ярим мингнинг ис-мисини кўрганим йўқ, бир томчиси ҳам тегмади, жаноб Ставрогин боягинда сенинг икки бетингга тарсаки урибди, бу бизга ҳам маълум бўлди. Энди мен факирга дўқ-пўписа қилиб, яна пул ваъда қияпсан, қандай ишлигини айтмаяпсан. Ақлим етиб турибди, мени Петербургга жўнатишингдан мақсад қандай бўлмасин, жаноб Ставрогин, Николай Всеволодовичдан ўч олиш, ичинг тўла фасод, яна мен содда фақирни оппа-осон қўлга туширмоқчисан. Сен ҳаммадан ортик биринчи қотилсан. Ҳақни яратувчи худойимнинг ўзига бузуклигинг боис ишонмайсан, шу билан қотил деган номингни оқлайсан, биласанми ўзинг? Тошга сигинадиганлардан фарқинг йўқ, ваҳшийлар билан бир қаторда турасан. Алексей Нилич ҳақиқий донишманд, сенга дунёнинг қандай қурилгани,

яратувчи ҳақ эгамни ҳар бир нарсанинг келиб чиқиши, қисмату, ҳайвоноту, набототни Апокалипсис китобидан тушунтириб берди. Аммо сен тош тўнкадек қар ва кўр бўлиб олгансан, аксига олиб оёқ тираб турасан, прапоршик Эркелни ҳам йўлдан оздирдинг, ўша атеист деб аталган йўлдан оздирувчи алвасти газанда каби...

– Ҳе, туркингни қара, ароқхўр! Черковда санамларни шиласан, яна худо ҳақида гап сотасан!

– Кўриб турибсан-ку, Петр Степанович, тўғри, шилганман; фақат дур-марваридини олганман, э, сен қаердан биласан, балки менинг ҳам кўзимдан оққан ёш бошимга тушган хўрликлар туфайли жавоҳирга айлангандир, нега десанг, у туп-тус мен шўрлик етимчанинг ўзи, на бошида бошпанаси ва на паноҳи бор. Китобларда ўқиганмисан, узок қадим замонларда бир савдогар бозоргон шунақа кўз ёши тўкиб, ёлвориб, дуо ўкиб муқаддас биби онамизнинг дур-гавҳарини ўғирлаб кетибди, кейин бориб бутун халойиқнинг ичида тиз чўкиб пулнинг ҳаммасини санамнинг пойи мақдамига қайтариб қўйибди, ана шунда ҳимояткор она уни халойиқнинг кўз ўнгида мададкор пардаси билан ўраб олибди, ўша замондаёқ шу нарса туфайли мўъжиза рўй берибди, шундан кейин бунинг барини давлат китобларига бошлиқлар ёзиб чиқсинлар, деб буюрилган. Сен эса худонинг дасти анжоми устига сичқон қўйиб юбординг ва илоҳ дасти устидан кулдинг. Сен менинг она табиатдан ато ҳўжамсан, сени ўсмирлик пайтимда кўлимда кўтариб юрганман, бўлмаса, ҳозир шу ернинг ўзида сени асфаласофилинга жўнатардим!

Петр Степанович ҳаддан ортиқ ғазабга минди:

– Гапир, бутун Ставрогин билан кўришдингми?

– Мени сўроқ қилишга сенинг ҳақинг йўқ. Жаноб Ставрогин сенинг қошингда қаддини тикка тутиб турибди, на бир маслаҳат берди, на истак билдирди ва на буйруқ, на пул чўзди. Сен менинг қитиғимга тегдинг.

– Пул қўлингга тегади, икки мингни ҳам оласан, Петербургда, жойга етиб борганингда, яна оласан.

– Сен, қадрдоним, ғирт ёлгон гапиряпсан, сенга қараб, ақлинг заифлигига кулгим келяпти. Жаноб Ставрогин сенинг олдингда баланд шоҳсупада тургандай, сен унга пастдан ақли йўқ лайчадай қарайсан, ақиллайсан, ҳолбуки ул зот юкоридан туриб тупуришга ҳам сени арзитмайди.

– Э, сен, аблах, биласанми, – деб қутуриб кетди Петр Степанович, – бу ердан сени бир қадам нарига чиқармайман, тўғри полициянинг кўлига топшираман.

Федька сакраб оёққа турди, ғазаби тошиб кўзидан ўт чақнади. Петр Степанович тўппончасини чиқарди. Шу он кўз очиб-юмгунча яшиндай тез, хунук воқеа рўй берди; Петр Степанович тўппончани ўқталишга улгурмай, Федька чақмоқдай чапдастик қилиб, бор кучи билан юзига зарба урди. Ўша заҳоти иккинчи бор яна юзига ёмон урди, кейин учинчи, тўртинчи зарб тушди башарасига. Петр Степанович дирвайиб қолди, кўзлари шоҳқосасидан чиқди, нимадир деб ғўнғирлади-ю, бирдан бор бўйи-баста билан ерга кулади.

– Ана энди, уни олинглар! – ғайритабиий ғолибона кичкирди Федька ва шитоб билан шапкасини, тахта тагидан тугунчасини тортиб олди-да, зумда ғойиб бўлди. Петр Степанович беҳуш хирилларди. Липутин ҳатто уни ўлди деб ўйлади. Кириллов ҳапқириб ошхонага етиб келди.

– Сув қуйинг! – деб кичкирди у ва челақдан тунука ялоқда сув олиб, унинг бошидан қуйди. Петр Степанович қимирлади, бошини сал кўтарди, унинг кўзлари бир нуқтага маъносиз тикиларди.

– Қалай, тузукмисиз? – сўради Кириллов.

Петр Степанович унга танимасдан тикилиб боқарди; бироқ ошхонада кўринган Липутинга кўзи тушиб ўзининг қабиҳона кулгиси билан илжайди-да, бирдан полда ётган тўппончага ёпишиб, дик этиб ўрнидан турди.

– Агар сиз эртага аблах Ставрогинга ўхшаб қочиб кетмоқчи бўлсангиз, – деб қутуриб ташланди у Кирилловга, унинг ранги кумдай ўчган, тили тутилар, сўзларни аниқ талаффуз қилмасди, – сизни мен ернинг нариги ёғида ҳам... пашнадай осаман... мажақлаб ташлайман... билдингизми!

Шунда у тўппончасини Кирилловнинг пешонасига тиради; аммо дарҳол ҳуши ўзига келиб, қўлини тортди, тўппончани чўнтагига солиб, бошқа бир оғиз ҳам сўз айтмай, уйдан чошиб чикиб кетди. Липутин унга эргашиди. Бояги туйнукдан ўтишди ва яна деворни ушлаб қияликдан боришди. Петр Степанович тор кўчадан жадал юриб кетди, Липутин базўр унга етиб борарди. Биринчи муюлишга етганда Петр Степанович бирдан тўхтади.

– Хўш? – у дағдаға билан Липутинга ўтирилиб қаради.

Тўппонча Липутиннинг эсида эди ва ҳамон бояги ҳодисадан дағ-дағ калтирарди; аммо жавоб бирдан унинг тилидан ўз-ўзидан отилиб чиқди:

– Мен ўйлайманки... ўйлашимча... «ҳеч ким Смоленскдан Тошкентга қадар кутмас талабани сабрсиз».

– Кўрдингизми, ошхонада Федька нима ичганини?

– Нима ичарди? Ароқ-да.

– Билиб қўйинг, у умрида охирги марта ароқ ичди. Эсингизда турсин, кейин мулоҳоза қилиб кўрарсиз. Энди жўнанг, эртагача менга керагингиз йўқ... Аммо эҳтиёт бўлинг, тентаклик қилманг!

Липутин уйга қараб зинғиллади.

IV

У анчадан бери бировнинг номига паспорт тайёрлаиб қўйганди; одамнинг сира хаёлига келмайдиган бир иш: мана шу саранжом-саришта инсон, оилада ўзибилармон, гарчи фуърепараст бўлса ҳам, ҳар қалай амалдор ва ниҳоят, ҳаммадан бурун сармоядор ҳамда судхўр бир кимса – анча вақтлардан буён ҳар эҳтимолга қарши мана шу паспортни гамлаб қўйишдек ҳавойи бир фикрга келган, унинг ёрдамида хорижга қочишни кўзлаган, яъни агарда... у агарда имкон туғилиши мумкин деб ҳисоблар эканда! Лекин унинг ўзи бу агарданинг нимани англатишини, албатта, ҳеч қачон тушунтириб беролмаган бўларди-я...

Аммо у бирдан ўзи ечимини топди ва жуда кутилмаган тарзда юз берди. У йўлкада кетатуриб Петр Степановичдан «тентак» деган сўкиш эшитгандан сўнг, Кириллов-

нинг қошига кириб борганда туғилган шадлод фикр шундан иборат эдики, эртагаёқ ҳаммасини ташлаб, хорижга жўнаб қолади! Кимда-ким бундай фантастик нарсалар ҳозирда бизнинг одми воқелигимизда рўй бермайди, деб ишонмаса, чет эллардаги барча рус мухожирларнинг таржимаи ҳоли билан танишиб чиқсин. Биронтаси ақлга тўғри келадиган ҳолда расамади билан қочган эмас. Ҳамон ўша-ўша бош-кеди йўқ шарпалар салтанати, бошқа ҳеч нарса эмас.

Уйга халлослаб келгач, у дарҳол ичкаридан эшикни беркитиб, юкини жойлаш учун сак олди-да, апил-тапил йиғиштирина бошлади. Ҳамма гап пулни сақлашда, унинг қанчасини ва қандай ўнғаришда. Ҳа, айнан сақлаш муҳим, зеро, энди унинг тушунчасича, бир соат ҳам кечикиш мумкин эмас ва ҳали тонг ёришмай туриб катта йўлга чиқиб олиш керак. Ҳали вагонга қандай чиқишини билмайди, – у шаҳардан ташқаридаги қайсидир иккинчи ёки учинчи катта бекатда поездга чиқаман деб тахмин қилиб қўйган, бекатларгача яёв юриб боради. Шундай қилиб, у ғайришуурий тарзда нима қилаётганини ўзи билмай хаёллари тўзғиб, чарх уриб, сакка нарсаларини жойларкан – бирдан тўхтаб қолди, ҳаммасини ташлади-да каттиқ инграб ўзини диванга отди.

У бирдан шуни сезиб, англаб қолдики, хўп, қочишга-ку, қочади, лекин ҳамма гап шундаки, Шатовгача қочадими ёки Шатовдан кейинми? – бу муаммони ечишга ҳозир мутлақо қодир эмаслигини ҳис қилди; у ҳозир қўпол, ҳиссиз жусса, жонсиз этдан бошқа нарса эмас, уни ташқаридан даҳшатли бегона бир куч ҳаракатга солади, ҳа, унинг чет элга кетиш учун паспорти бор, ҳа, у Шатовга чап бериб қочиб қолиши мумкин (акс ҳолда, бунча шошилишнинг нима ҳожати бор эди), аммо Шатовгача қочаётгани йўқ, Шатовдан қочаётгани йўқ, аксинча, айнан Шатовдан сўнг қочади, бу алақачон шундай ҳал бўлган, имзоланган ва муҳр босилган. У чидаб бўлмас алам-изтироб ичида, дам сайин ўз-ўзидан ажабланиб ва титраб-қақшаб, оҳ уриб, инграб, дам донг қотиб, эшикни ичидан беркитиб

олган кўйи эрталаб соат ўн биргача диванда чўзилиб ётиб, амал-тақал тонг оттирди, қарангки, худди мана шунда қутилган туртки келди ва унинг қарорини мустаҳкамлади. Соат ўн бирда у энди эшикни очиб, уйдагиларнинг қошига чиқиши ҳамонок эшитдики, ҳамманинг юрагига қўркув солган, черковларни талаган, яқинда одам ўлдириб, уйлارга ўт қўйган, полиция анчадан бери қидириб юриб, ушлолмаётган қарокчи, қочоқ сургун Федька шаҳардан етти чақирим узоқда, катта йўлдан Захарьин қишлоғига буриладиган жойда тонг қоронғусида ўлдириб кетилган ҳолда топилган, ҳозир бутун шаҳарнинг оғзида шу гап. Липутин дарҳол апил-тапил уйдан кўчага югурди, воқеанинг тафсилотларини билмоқчи бўлди, шу нарсаларни аниқладики, биринчидан, боши мажакланган ҳолда топилган, иккинчидан, полициянинг қўлида мавжуд маълумотлару айрим аниқ далолатларга кўра уни Шпигулин фабрикасининг ишчиси Фомка ўлдирган, бу ўша Лебядкинларнинг ўлдирилиши, уйларига ўт қўйилишида унга шерик бўлган кимса, ўрталаридаги жанжал йўлда кетаётганларида Федька гўёки яшириб қолган катта пул туфайли чиққан, бу пул гўёки Лебядкиндан ўмарилган бўлган... Липутин Петр Степановичнинг ҳам уйига кириб ўтди, орқа эшикдан яширинча бориб шуни билдики, Петр Степанович кеча ярим кечаси соат бирларга яқин уйга қайтгану то эрталаб соат саккизгача тун бўйи қимирламай ухлаган. Албатта, ҳеч қандай шак-шубҳасиз, Федькага ўхшаган одамнинг ўлдирилишида ҳайрон қоладиган жойи йўқ, шундок яшаганлар шундок ўлим топиши табиий ва бу жуда кўп учрайди, лекин «Федька бу кеча умрида охирги марта ароқ ичяпти», деган машъум сўзларнинг қутилмаганда тўғри келиб қолиши ва башорат бўлиб чиқиши шу қадар ишончли эдики, Липутин бирдан бутунлай иккиланмай қўйди. Туртки етарли бўлди; устига тош қулагандай ва мангуга босиб қолгандай эди. Уйга қайтиб келгач, у индамай сакни оёғи билан каравот тагига итарди, кечкурун эса белгиланган вақтда ҳаммадан олдин биринчи бўлиб шартлашилган ерга Шатовни кутиб олгани борди, бироқ, рост, паспорти ҳамон ёнида эди...

БЕШИНЧИ БОБ

ЙЎЛЧИ

I

Лизанинг фожиаси ва Марья Тимофеевнанинг ўлими Шатовга оғир таъсир қилди. Мен аввал андак эслатган эдим, уни эрталаб йўл-йўлакай учратган, менга унинг ақл-хуши жойида эмасдек кўринганди. Гап орасида яқинда кечки пайт соат тўққизларда (демак, ёнғиндан уч соат илгари) Марья Тимофеевнани бориб кўрганлигини айтганди. У эрталаб ўликларни кўргани борган, аммо, билишимча, ўшанда ҳеч ерда ҳеч қандай гувоҳлик бермаганди. Орада кун охирлаган чоғда унинг кўксида бўрон кўзгалди ва... ва шуни аниқ тасдиқлаб айтоламанки, хуфтон тушганда, шундай бир он келдики, у ўрнидан шартта туриб, бориб ҳаммасини айтиб, маълум қилгиси келди. Ҳаммаси деганда нима назарда тутиларди – буни фақат унинг ўзи билади. Албатта, ҳеч нарсага эришолмасди, ўзи қўлга тушарди, холос. Яқинда рўй берган ваҳшийликни фош қилиш учун унинг ҳеч қандай далиллари йўқ, фақат ғира-шира тахминларга эга, шуларга кўра ёлғиз ўзи тўла ишонч ҳосил қилганди. Лекин у ўзининг айтишича, «аблахларни пачақлаб ташлаш учун» жонини қурбон қилишга ҳам тайёр эди. Петр Степанович унинг юрагидаги бу туғённи ҳар ҳолда тўғри фахмлаб етган ва ўзининг эндиги даҳшатли ниятини эртагача кечиктириб, ўзини қаттиқ хатарга қўяётганини биларди. У одатига кўра такаббурлик қилиб мана шу «одамनावийларни» сира менсимас, Шатовни-ку, айникса, жуда ёмон кўрарди. У ҳали ҳорижда юрган чоғларидаёқ, Шатовдан «йиғлоқи жинни» деб нафратланар, бундай гўл одамни илло-биллога келтирмай суробини тўғрилашга қаттиқ ишонар, бугун кун бўйи уни бир зум ҳам кўздан қочирмаслик, биринчи хавф туғилгандаёқ дарҳол олдини

олишига кўзи етарди. Бироқ улар томонидан кутилмаган бир воқеа рўй бериб, «аблахлар»ни яна озгинагина вақтга кутқариб қолди.

Кечқурун соат саккизларда (бу ўша бизникилар Эр-келникида тўпланишган, Петр Степановични кутиб, даргазаб бўлиб ҳаяжонланишаётган пайт) Шатов қаттиқ боши оғриб, бадани увишиб каравотида узала тушиб чўзилиб ётар, қоронғу, чироқ ёқилмаганди; ҳайрону лол қотиб нима қилишини билмай азоб чекар, фиғони чиқар, сира бир қарорга келолмас, ичида ўзини сўқиб бу ишдан ҳеч нарса чикмайди, деб ўйларди. Аста-секин у енгил куш уйқусига кетди, туш кўриб, босинқираб, алаҳсиради; тушида у ўз каравотига аркон билан боғлаб ташланган, қимир этолмас эмиш, бу ёқда бутун уй тарақлар, деворлар, дарвоза, унинг эшигини зарб билан уришармиш, Кириллов томондаги уй ҳам тақиллар, бутун бино ларзага тушиб зириллар, жуда олис, таниш, юрагини ўртаган овоз уни ўзига нолакор чорлар эмиш. У дафъатан кўзини очди ва тўшакдан қаддини кўтарди. Не ажабки, дарвоза ҳамон тақилларди, аммо тушдагидек қаттиқ бўлмаса-да, тез-тез тақоррланар, кети узилмасди, ғалати «аламзада» овоз эса гарчи у қадар нолакор эмаса-да, пастдан тоқатсиз жаҳлланганча тўхтовсиз эшитилиб турар, дарвоза олдида яна кимнингдир анча вазмин, босиқ овозига кўшилиб кетарди. У сакраб ўрнидан турди, кичик дарчани очди-да, бошини ташқарига чиқарди.

– Ким у? – кўркувдан тиришиб қичқирди у.

– Агар сиз Шатов бўлсангиз, – кескин, қатъиятли овоз эшитилди пастдан, – марҳамат қилиб, тўғриси яна ростини айтинг, мени уйингизга қўясизми, йўқми?

Ана, холос, худди ўзи, у овозни таниди.

– Marie!... Сенмисан?

– Мен, мен, Марья Шатова, ишонинг, извошни бошқа бир дақиқа ҳам тутиб туролмайман.

– Ҳозир... чирокни ёқай... – заиф нидо чикди Шатовнинг кўксидан. Кейин югуриб гугурт кидирди. Одатда, шундай ҳолларда гугурт топилмайди. Шамдон билан

шамни ерга тушириб юборди, пастдан яна токати тоқ бўлган овоз эшитилди, у ҳаммасини ташлаб, дарвозани очиш учун тик зиналардан ўзини пастга отди.

– Илтимос, сакни ушлаб туринг, мен манави тўнкани жўнатиб юборай, – уни пастда Марья Шатова хоним шундай қаршилади ва унинг қўлига енгилгина қўлда кўтариладиган анжом сакни тутқазди, сак қалин, пухта матодан ясалган, ўртасига бронза чиннигуллар солинган, Дрезденда ишланганди. Хоним жаҳл билан извошчини уриша кетди:

– Мендан ортикча пул оляпсиз. Мени бир соатдан зиёд шу ифлос кўчаларда айлантириб юрдингиз, ўзингиз айбдорсиз, билмас экансиз, бу ярамас кўчани, бу аҳмоқ уйни. Олинг, шу ўттиз тийинингизни ва бошқа мендан сўраманг.

– Эҳ, бегойим, ўзингиз Вознесенский кўчасини кўрсатдингиз, бу кўча эса Богоявленский. Вознесенский тор кўча, бу ердан анча узоқ. Ахта жониворни терга ботирдик.

– Вознесенскийми, Богоявленскийми, сиз яхши биласиз, шу ерликсиз, бунинг устига адолат қилмаяпсиз. Сизга бошдаёқ айтдим Филипповнинг уйи деб, сиз биламан дедингиз. Эртага керак бўлсам, мени қозихонадан топасиз. Энди мени тинч қўйинг.

– Мана, мана, яна беш тийин! – Шатов чўнтагидан апил-тапил беш тийин чиқарди-да, извошчига берди.

– Илтимос сиздан, ундай қилманг! – қизишиб кетди madame Шатова, аммо извошчи «ахта»ни чухлади, Шатов эса хонимнинг қўлидан тутиб, дарвоза ичкарисига олиб кириб кетди.

– Тезроқ, Marie, тезроқ... булар ҳаммаси арзимас нарсалар, э-ҳа, тоза шалаббо бўлибсан-ку! Аста, бу ердан юқорига чиқилади, – буни кара, афсус, чироқ йўқ, – зина тикка, маҳкам оёқ бос, маҳкам, ана, менинг хужрам. Кечир, чироқ йўқ... Ҳозир!

У шамдонни қўлга олди, аммо гугурт ҳадеганда топилавермади. Шатова хоним хонанинг ўртасида индамай қимирламай кутиб турарди.

– Худога шукур, ниҳоят топилди! – Шатов хужрага чирок ёккач, хурсанд бўлиб қичкириб юборди. Марья Шатова хужра ичига бир сира кўз югуртирди.

– Менга ночор яшашингизни айтишганди, мен бари бир бунчалар деб ўйламовдим, – ижирганиб деди хоним ва каравот томонга қадам ташлади. – Ох, чарчадим! – у ҳоргин ҳолда каравотнинг қаттиқ тўшагига ўтирди. – Илтимос, сакни қўйинг ва ўзингиз стулга ўтиринг. Майли, яна ўзингиз биласиз, қакқайиб турманг бундай. Сизникига вақтинча келдим, иш излайман, бу ерни билмайман, пулим ҳам йўқ. Агар сизга ортиқча бўлсам, яна сўрайман, марҳамат қилиб менга ҳозироқ айтинг, виждонли одам бўлсангиз, пундай қилишингиз керак. Мен ҳар қалай эртага бирон нарсамни сотарман ва меҳмонхона пулини тўларман, меҳмонхонага эса мени барака топинг, ўзингиз олиб бориб қўясиз... Ох, фақат жуда чарчадим!..

Шатов қакшаб кетди.

– Керакмас, Marie, меҳмонхона керакмас! Қанақа меҳмонхона? Нимага, нимага?

У ёлвориб қўлларини қовуштирди.

– Хўп, агар меҳмонхонага борилмаса, унда бари бир ишни равшанлаштириш керак. Шатов, эсланг, сиз билан Женевада никоҳдан ўтиб, икки ҳафта-ю бир неча кун бирга яшовдик, мана уч йил бўляпти, сиз билан жанжал-сурон кўтармай ажрашдик. Лекин сиз ўйламанг, мени илгариги тентакчиликлардан биронтасига қайтади деб. Мен иш топаман деб қайтдим, нега тўғри бу шаҳарга десангиз, чунки менга фарқи йўқ. Мен тавба, пушаймон қилиш учун ҳам келмадим; сиздан илтимос, асло бундай хаёлга бормасангиз.

– О Marie! Қўйинг буни, қўйинг! – ноаниқ ғўлдиради Шатов.

– Ох, ундай бўлса, буни ҳам тушунишга онгингиз ўсибди, унда яна шуни ҳам қўшимча қилай, ҳозир сизга мурожаат қилиб, тўғри уйингизга келган эканман, бунинг маъноси шуки, сизни доимо аблаҳ одам эмас-ку, деб хи-

соблаганман, балки бошқа... ярамаслардан... яхшироқ-ку деганман.

Унинг кўзларидан ўт чакнади. Афтидан, қандайдир «ярамаслардан» кўп нарсаларда панд еганди.

– О, илтимос сиздан, ҳозир сизни «яхшисиз» деб айтиб, устингиздан кулмадим, асло, ишонинг. Мен тўғриси айтдим, сўзамолликни ёқтирмайман, тоқатим йўқ. Бироқ булар ҳаммаси бекорчи гаплар. Мен доим ишонардимки, сиз одамнинг жонига тегмайсиз, бунга ақлингиз етади... Оҳ, бас энди, чарчадим!

Шунда хоним унга узок, изтиробга тўла ҳорғин нигоҳ ташлади. Шатов хонанинг бу бетиде унинг рўпарасида беш одим нарида туриб, худди онадан янги туғилгандек, юзи қандайдир ажиб порлаб уни тингларди. Бу дағал, қудратли, мўйлари доим тик инсон бирдан батамом майин, мулоийм тортиб, чехраси очилди. Юрагида ҳайратомуз кутилмаган алланима титраб кетди. Уч йил айрилиқ, уч йил илгари бекор қилинган никоҳ унинг юрагидан ҳеч нарсани қувиб чиқаролмаганди. Эҳтимолки, у мана шу уч йил мобайнида ҳар куни уни орзу қилар, унга бу хилқат ғоятда қадрдон бўлиб қолган, зеро, қачонлардир биринчи марта унга: «Сизни севаман» деб айтганди. Мен Шатовни биламан ва шуни аниқ айтаманки, унга биронта аёл «Сизни севаман», деб айтиши мумкинлигини ҳеч қачон ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмаганди. У ақл бовар қилмас даражада маъсум ва номусли, ўзини жуда бадбашара одам деб билар, афт-ангорини, феъл-атворини ғоятда ёмон кўрар, ўзини аллақандай бозорларда етаклаб юриб томошага қўйиладиган нечукдир алвастига тенглаштирарди. Шуларнинг ҳаммасига кўра, у виждонли бўлишни бошқа барча нарсадан юқори кўяр, ўз эътиқодларига қаттиқ берилар, риоя қиларди, жуда тумтайиб ковогини уюб юрар, мағрур, тажанг, камгап эди. Мана энди шу уни икки ҳафтагина севган (у доим, доим бунга ишонарди!) хилқат, – у ўзидан кўра мислсиз даражада юқори қўядиган хилқат, нафсиламрга бу хилқатнинг ҳатоларини жуда соғлом фикр юритиб тушунарди, у нима қилмасин, барча-барчасини

кечиришга тайёр хилқат (бу ҳақда ҳатто савол ҳам бўлиши мумкин эмас, ҳатто қандайдир аксинча, назарида хоним олдида фақат ёлғиз ўзигина айбдор бўлиб чиқарди), мана шу хилқат, мана шу аёл, мана шу Марья Шатова яна унинг қошида намоён, яна унинг уйида... бунга сира ақли бовар қилмасди! У ҳайратдан лол эди, бу ҳодиса унга қандайдир даҳшатли бўлиб кўринар ва шу билан бирга унда мислсиз бахт муждаси намоён бўлар, буни у кўтаролмас, балки ҳатто хоҳламас, кўзини очишга кўрқарди. Туш эди бу. Аммо хоним унга шу изтироб тўла нигоҳи билан бокқанда, у бирдан беҳад суюкли хилқат азоб чекаётгани, унга мислсиз озор етганини англади. Унинг юраги тўхтаб қоладигандек эди. У аёлнинг юзига дард билан тикилди: бу ҳоргин чеҳрани навқирон ёшлик дамларининг сайқали аллақачон тарк этганди. Рост, аёл ҳамон кўҳлик эди – унинг кўзи билан қараганда эса гўзал эди. (Аслида, бу аёлнинг ёши йигирма бешларга чиккан, бўй-басти анчагина пишиқ ва кучли, қадди баланд (Шатовдан ҳам баланд), куюк сочлари оч-қорамтир, ок юзи думалок, ҳозир ҳароратдан ҳовурланиб, йилтираб турган кўзлари катта-катта ва тим кора эди). Бирок илгариги унга яхши таниш енгил-елпи, маъсум ва содда ҳассослик ўрнини энди саркаш тажанглик, инжиклик, ноумидлик ва қандайдир сурбетлик эгаллаган, бунга эса унинг ўзи асти кўниқолмас, юрагига оғир ботарди. Аммо ҳаммасидан ёмони у касал эди, буни Шатов аниқ билди. Ўзининг аёл олдида дағ-дағ титраб турганига қарамасдан, у бирдан унинг қошига бориб, шартта икки қўлидан ушлади:

– Marie... биласанми... сен балки жуда толиққандирсан, худо ҳақи, жажҳлинг чиқмасин... Агар рози бўлсайдинг, чой опкелайми, а? Чой мадор бўлади, а? Агар ҳўп десайдинг!..

– Розилигимни сўраб ўтирасизми, албатта, розиман, ҳалиям болага ўхшайсиз-а. Жон дейман-ку. Уйингиз мунча тор! Мунча совуқ бу ер!

– О, мен ҳозир ўтин, ўтин... ўтиним бор! – типирчилаб қолди Шатов, – ўтин... яъни, бироқ... ҳа-я, ҳозир чой,

– у жон аччиғида бир қарорга келгандай қўлларини силтади ва бош кийимини қўлига олди.

– Қаёққа кетяпсиз? Нима, уйда чой йўқми?

– Бор, бор, бор, ҳозир бўлади ҳаммаси... мен... – у тоқчадан тўппончани олди.

– Мен ҳозир тўппончани сотаман... ё гаровга қўяман...

– Вой, бу тентаклик қачонгача давом этади! Пулингиз бўлмаса, мана, меникини олинг, саккиз танга шекилли; бошқа йўқ; уйингиз худди жиннихонага ўхшайди.

– Керакмас, керакмас сенинг пулларинг, мен ҳозир, бир зумда, мен тўппончасиз ҳам...

Шу тоб у тўғри Кирилловникига чопди. Бу чамаси Кирилловникига Петр Степанович билан Липутин келмасларидан икки соат бурун рўй бераётган эди. Бир ҳовлида яшайдиган Шатов билан Кириллов деярли бир-бирлари билан кўришмас, кўришиб қолган чоғларида эса саломлашмас ва гаплашмас эдилар: Америкада улар шунча узок «бирга ётган» эдилар.

– Кириллов, сизда доим чой бўлади, сизда чой ва самовар борми?

Одатига кўра хонасида у ёқдан-бу ёққа юраётган (у одатда тун бўйи у бурчакдан бу бурчакка юриб чиқарди) Кириллов бирдан тўхтади ва югуриб кириб келган кишига синчиклаб қаради, лекин ҳайрон бўлмади.

– Чой бор, қанд бор, самовар ҳам бор. Лекин самовар керак эмас, чой қайноқ. Ўтиринг, бемалол ичинг.

– Кириллов, биз Америкада бирга ётганмиз... Хотиним келиб қолди... Менга чойингизни беринг... Самовар керак...

– Агар хотинингиз бўлса, самовар зарур. Аммо самовар кейин. Менда икkitаси бор. Энди столдаги чойнакни олинг. Қайноқ, жуда қайноқ. Ҳаммасини олинг; қандни олинг, ҳаммасини. Нон... нон кўп; ҳаммасини олинг. Бузоқ гўшти бор. Бир рубль пул бор.

– Бера қол, оғайни, эртага қайтараман! Оҳ, Кириллов!

– Бу ўша Швейцариядаги хотинингизми? Бу яхши. Сизнинг бундай чошиб кирганингиз ҳам яхши.

– Кириллов! – деб қичқирди Шатов чойнакни қўлтиғига, нон ва қандни икки қўлига олиб, – Кириллов! Агарда... агарда сиз ўзингизнинг кўрқинчли хаёлларингизни қўйиб, худосизликнинг алахсирашларидан қайтсангиз эди... О, қандай одам бўлардингиз-а, Кириллов!

– Швейцариядан кейин хотинингизни жуда яхши кўрасизми дейман. Агар Швейцариядан кейин бўлса, бу яхши. Чой керак бўлса, яна келинг. Кечаси қачон бўлса ҳам, келаверинг, мен умуман ухламайман. Самовар бўлади. Рублни олинг, мана. Хотинингизнинг оддига боринг, мен шу ерда сизни ва хотинингизни ўйлаб ўтираман.

Марья Шатова бу югур-югурдан мамнун бўлди, ютоқиб чой ичди, аммо самоварга хожат бўлмади: у ярим пиёла чой ичди, бир луқмагина нон еди, холос. Бузоқ гўштини ирганиб, фиғони чиқиб, рад этди.

– Касал бўлиб қолибсан, Marie, холинг йўқ, дардинг кўп... – ботинмасдангина деди Шатов, унинг атрофида авайлаб гирдикапалак бўлиб.

– Рост, касалман, илтимос, ўтиринг. Бўлмаса, чойни қаердан олдингиз?

Шатов андак қисқа қилиб Кириллов ҳақида сўзлаб берди. Marie у ҳақда биров эшитган экан.

– Жиннилигини биламан; илтимос, етар; тентаклар камми дунёда? Сиз Америкада бўлгансиз-ку? Биламан, ёзган эдингиз.

– Ҳа, мен... Парижга ёзувдим.

– Етар, илтимос, бошқа нарсани гапиринг. Эътиқодингиз славянпарастликми?

– Мен... унчаликмас-а... Рус бўлишнинг иложи бўлмагандан кейин славянпараст бўлдим. У зўраки сўз ўйини қилган одамдай оғзини қийшайтириб ясама кулди.

– Сиз рус эмасмисиз?

– Йўқ, рус эмасман.

– Э, булар бари бемаънилик. Илтимос, ўтирсангиз-чи, ахир. Нега у ёқдан-бу ёққа чопаверасиз? Сизнингча, мен

алаҳсираяпманми? Балки, алаҳсираб қоларман. Сиз ҳовлида фақат икки кишимиз дедингизми?

– Икков... пастда...

– Яна ҳаммаси ақллилар. Пастда нима? Сиз пастда дедингизми?

– Йўқ, ҳеч.

– Нима ҳеч? Мен билишим керак.

– Мен ҳозир ҳовлида икки киши турибмиз демокчийдим, пастда илгари Лебядкинлар яшашарди...

– Бугун кечаси сўйиб кетишган хотинми? – деди аёл бирдан. – Эшитдим. Келган заҳоти эшитдим. Бу ерда ёнгин бўлдики?

– Ҳа, Marie, ҳа, балки худди шу дамда мен аблаҳларни кечириб, тубанлик қилаётгандирман... – у бирдан ўрнидан туриб, худди жазавага тушгандай қўлини юқорига кўтарганча у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Аммо Marie уни яхши тушунмади. У жавобларни ҳаёли қочиб эшитарди; у сўрар, аммо эшитмасди.

– Бу ерда ажойиб ишлар бўлаётган экан. Оҳ, қанчалар тубан ҳаммаси! Ҳаммаси қандай ярамаслар! Э, ўтирсангиз-чи, ахир, бўлди-да, о, мунча жажлимни чиқараверасиз! – У тамомила ҳолдан тойиб бошини ёстиққа қўйди.

– Marie, майли, ҳўп... Сен андак чўзилсангмикин, Marie?

Аёл жавоб бермай, кўзини ҳолсиз юмди. Оқарган ранги ўлик тусига кирди. У шу заҳоти ухлаб қолди. Шатов атрофига аланглади, шам пилигини тўғрилади, яна хавотирланиб унинг юзига боқди, қўлини олдига қилиб қаттиқ қисди ва оёқ учида босиб хонадан даҳлизга чиқди. Пиллапоё саҳнида у юзини бурчакка босди ва шу аҳволда қимир этмай, сас чиқармай ўн дақиқача турди. Бундан ҳам ўзоқроқ турар эди-ю, аммо бирдан пастдан оҳиста, эҳтиёткор товушлар эшитилди. Кимдир юқорига кўтариларди. Шатов пастдаги дарвозани қулфламаганини эслади.

– Ким бу? – шивирлаб сўради у.

Нотаниш одам шошилмай, жавоб бермай чиқиб кетарди. Тепага чиқиб тўхтади; коронгуда уни кўриб бўлмасди; бирдан унинг эҳтиёткор саси эшитилди:

– Иван Шатовмисиз?

Шатов ўзини танитди, уни тўхтатиш учун дарҳол қўлини чўзди; аммо нотаниш одамнинг ўзи унинг қўлидан ушлади ва шунда Шатов қандайдир кўрқинчли газандани ушлаб олгандай сесканиб тушди.

– Шу ерда туринг, – тез шипшиди у, – ичкарига кирманг, сизни ҳозир таклиф қилолмайман. Хотиним бугун қайтиб келди. Мен ҳозир чироқ олиб чиқаман.

У шам кўтариб қайтиб чиққанда, қандайдир ёш офицер қаршисида турарди; унинг исмини билмас, аммо қаердадир кўрган эди.

– Эркель, – ўзини танитди бояги киши. – Мени Виргинскийда кўргансиз.

– Эсимда; сиз ёзиб ўтирувдингиз, – бирдан тошиб кетди Шатов жазаваси қўзиб унинг яқинига бостириб бораркан, ҳамон шивирлаб сўзлаб, – сиз қўлимдан ушлаганингизда менга қўлингиз билан бир ишора қилдингиз. Аммо билиб қўйинг, мен тупураман бундай ишораларнинг ҳаммасига! Керакмас менга... истамайман... Сизни ҳозир зинадан ташлаб юборишим мумкин, биласизми шуни?

– Йўқ, мен буни ҳеч билмайман, яна шуни ҳам билмайманки, нега мендан жаҳлингиз чиқяпти, – оккўнгиллик ва соддафаҳмлик билан жавоб берди меҳмон. – Мен сизга бир гапни айтиб қўйишим керак, шунга келганман, асосийси, вақт кетмасин. Сизда дастгоҳ сақланади, у сизники эмас, ҳисоботдаги нарса, ўзингизга маълум. Менга тайинланган гап шуки, сиз уни эртага кечки соат еттида Липутинга топширасиз. Иккинчи тайинланган гап шуки, шундан бошқа сиздан ҳеч қачон ҳеч қандай нарса талаб қилинмайди.

– Ҳеч нарсам?

– Мутлақо ҳеч нарса. Сизнинг илтимосингиз қондирилади ва сиз батамом четга чиқасиз. Шуни сизга етказиш менга тайинланган.

– Ким тайинлади сизга?

– Менга белги берган кишилар.

– Сиз хориждан келганмисиз?

– Бу... бу, бунинг сизга аҳамияти йўқ.

– Эҳ, шайтон! Нега сизга тайинланган бўлса олдинроқ келмадингиз?

– Мен баъзи кўрсатмаларга риоя қилдим, мен ёлғиз ўзим эмасдим.

– Тушундим. Тушундим, бир ўзингиз бўлмагансиз. Эҳ, шайтон! Э, нега Липутиннинг ўзи келмади?

– Шундай қилиб, мен сизнинг олдингизга эртага роса кеч соат олтида келаман, у ёққа яёв юриб борамиз. Учовимиздан бошқа ҳеч ким бўлмайди.

– Верховенский келадими?

– Йўқ, у бўлмайди. Верховенский эртага эрталаб соат ўн бирда шаҳардан жўнаб кетади.

– Шундай деб ўйловдим, – кутуриб шивирлади Шатов ва ёнбошига муштлади, – қочибди-да, шум!

У ҳаяжонланиб ўйга ботди. Эркель унга тикилиб қараб турар, индамай кутарди.

– Сиз қандай оласиз? Ахир уни шундок қўлга олиб кўтариб бўлмайди.

– Бунга ҳожат йўқ. Сиз фақат жойини кўрсатасиз, биз кўриб, ишонч ҳосил қиламиз. Биз фақат жой қаердалигини биламиз, жойнинг ўзини билмаймиз. Сиз ахир бошқа бировга бу жойни кўрсатмагандирсиз?

Шатов унга тикилди.

– Сиз, сиз ўзингиз-ку ҳали ёш боласиз, шундай тен-таккина боласиз, – сиз ҳам шу ишга қўйдаи бошингизни тикдингизми? Э-ҳа, уларга шундай қўй оғзидан чўп олмаган гўр керак-ку! Хўп, бораверинг энди! Э-эҳ! Анов аблах ҳаммангизни лакиллаиб қочди-кетди.

Эркель равшан ва осуда нигоҳ билан қараб турар, лекин худди тушунмаётгандай тутарди ўзини.

– Верховенский қочди, Верховенский! – шиддат билан тишларини ғижирлатди Шатов.

– Йўғ-е, ҳали у шу ерда, кетгани йўқ. У фақат эртага кетади, – ишонч билан юмшоқ қилиб деди Эркель. – Мен уни гувоҳ сифатида иштирок этишга таклиф қилдим. Менга кўрсатма фақат ундан (оғзидан сути кетмаган боладай

оғзидан гуллади у). Бироқ, афсуски, у кўнмади. Йўлга чиқишини баҳона қилди; ҳақиқатан оёғи куйган товукдай негадир шошяпти.

Шатов лақма болага ачингандай яна бир қараб қўйди, лекин бирдан худди ниманидир ўйлагандай қўл силтади: «Ачиниб ўтиришга арзимади».

– Яхши, бораман, – деб гапни кесди у бирдан, – энди қани, жўнанг, рав!

– Мен роппа-роса олтида келаман, – одоб билан таъзим қилди Эркель ва шошилмай зинадан тушиб кета бошлади.

– Тентаквой! – чидолмай қичқирди зина тепасидан Шатов.

– Нима-а? – деган овоз пастдан келди.

– Ҳеч, бораверинг.

– Мен бир нарса дедингизми дебман.

II

Эркель шундай «тентаквой» эдики, бошида энг керакли бўлган магизи йўқ эди, бошида тўраси йўқ эди; аммо зиғирдаккина, бўйсунувчан тобе магиз етарлигина эди, ҳатто айёргина эди. У «умум иши»га, моҳиятан Петр Степановичга мутаассибларча, кўзи очилмаган болаларча берилган, унинг чизган чизигидан чикмас, бизникилар йигинида келишилган ва ўзи зиммасига топширилган эртанги вазифаларни оғишмай адо этарди. Петр Степанович унга элчи бўлиб боришни топшираркан, уни бир чеккага тортиб ўн дақиқача сўзлашди. Ижро этиш иштиёки ушбу пойи патак, юзаки ўйлайдиган, ҳамиша бошқанинг ирода-си, инон-ихтиёрига бўйсунишни маъқул кўрадиган тийнатнинг айрилмас эҳтиёжига айланиб кетганди – о, албатта, бунда «умум иши» ёки «буюк иш» равнақи назарда тутиларди. Аммо бунинг ҳам фарқи йўқ эди, зотан, Эркелга ўхшаган майда фанатик мутаассиблар ғояга хизмат қилиш нималигини асло тушунолмайдилар, улар ғояга эмас, уни ифодаловчи шахсга хизматбардорлик қиладилар. Ҳиссиётчан, меҳрибон ва оққўнгил Эркель Шатовга қарши тиш

қайраган қотиллар ичида энг тошюраги эди, у ҳеч қандай шахсий ғарази бўлмаган ҳолда кўзи пир этмай одамқушлиқда иштирок эта оларди. Мисол учун, унга Шатовнинг уй шароитига эътибор қаратиш топширилганди, Шатов уни пиллапояда қарши олиб, ўзи ҳам билмаган ҳолда иситма алангасида ёниб, хотиним қайтиб келди, деб айтиб қўйганда, – Эркель бунга заррача кизиқиш билдиргани йўқ, савқи табиийлик билан муғомбирлик қилди, ҳолбуки, миясидан хотини қайтиб келган бўлса, бу албатта, кўзлаган ишимизга ўз таъсирини кўрсатади, деган фикр йилт этиб ўтди...

Аслида, ўзи ҳам шундай бўлди; худди мана шу битта нарсанинг ўзи «аблаҳлар»ни Шатовнинг аҳди ниятидан сақлаб қолди ва шу билан бирга ундан «кутулиш»ларига қўл келди. Биринчидан, янги юз берган ҳол Шатовни қаттиқҳаяжонга солди, уни издан чиқарди, унда одатдаги ҳушёрлик ва эҳтиёткорликдан асар ҳам қолмади. Энди унинг мияси бутунлай бошқа ташвишлар билан банд, ўз жонини сақлаш, хавфсизлик ҳақида қайғуришдан жуда узоқда эди. Аксинча, у Петр Верховенский эртага қочиб кетяпти, деган гапга чиппа-чин ишонди: унинг шубҳалари қанчалар ҳақ чиқди! Ичкарига қайтиб киргач, у яна бурчакка бориб ўтирди, тирсакларини тиззаларига тиради ва қўллари билан юзини беркитди. Аччиқ хаёллар уни кийнади...

Мана, у яна бошини кўтариб, оёк учида юриб, аёлдан хабар олди: «О, худойим! Уни эртагаёк иситма кистибастига олади, эрталаб зўраяди, ҳозироқ бошланганга ўхшайди! Қаттиқ шамоллаган. Бу зах баттарин иқлимга у ўрганмаган, бу ёқда вагон, учинчи класс, атрофда шамол, куюн, ёмғир, усти юпун, камзули юпка, эғнида ҳеч нарсаси йўқ... Шундай аҳволда уни ёлғиз ташлаб кетиши мумкинми! Халтаси-чи, халтаси қичкинагина, буришган, енгилгина, ичида ҳеч вақоси йўқ! Шўрлик хотин тамомила ҳолдан тойибди, нималарни кечирмаган бошидан! Орияти кучли, шунинг учун шикоят қилмайди. Аммо ёмон тажанг, тажанг! Касал-да, фаришта ҳам узоқ касал бўлса тажанги чиқади. Пешонаси алангайи оташ бўлиб ёнаётгандир, кўз-

ларининг таги моматалоқ бўлиб кетибди. Шундаям, юзи жуда кўхлик, тархи чиройли, сочлари шалоладай ёйилган, худди...»

Шунда у кўзларини тезроқ аёлдан олиб қочди, тезроқ ўзини яна нари олди, унинг сиймосида ёрдамга муҳтож, бахтсиз, музтар бир хилқатдан бошқа қандайдир бир нарсани кўриш фикридан чўчигандай, четланди, – «Умидга бу ерда бало борми! О, қанчалар пастарин, қанчалар қабихдир одам!» – у яна хона бурчагига қайтиб борди, ўтириб, юзини қўллари билан тўсди ва яна орзуларга, хаёлларга берилди... Кўз ўнгига яна умид рўёлари жилваланди.

«Ох, чарчадим, ох, чарчадим!» – аёлнинг нолаларини эсларди у, унинг заиф, синик, хириллаган овози қулоғида жарангларди. Ох, худойим! Уни шундоқ ташлаб кетиб бўладими, ёнида саккиз танга чақаси; кичкина, бужмайган ҳамёнчасини узатди-я! Иш жойи қидириб келдим дейди, иш жойи нима эканлигини билармикин ўзи, улар Россиянинг нималигини қаердан билишарди? Булар ҳаммаси эркатой болалар, фақат хаёллар, хаёлларида бир нарсаларни тўқиб чиқаришган, яна тажанг бўлади, жаҳли чиқади боёқишнинг нега Россия бизнинг хориждаги хаёлларимизга ўхшамайди деб! О, бахти қаролар, о содда, гўллар!.. Лекин ҳақиқатан, бу ер анча совуқ экан...»

Шатов аёлнинг шикоят қилганини эслади, ўзи печани ёқаман деб ваъда берганди. «Ўтин келтириш мумкин, фақат уйғотиб юбормасам бўлди. Аммо ёкиш мумкин. Бузоқ гўштини нима қилдим? Ўрнидан турса, балки, егиси келиб қолар... Хўш, бу кейин; Кириллов тун бўйи ухламайди. Унинг устига нима ёпиб қўйсам экан, жуда қаттиқ, тош қотиб ухляпти, бироқ совқотаётганга ўхшайди, ох, совуқ!»

Шунда у яна хабар олиш учун аёлнинг устига борди; қўйлаги бироз қайрилиб, ўнг оёгининг бир қисми тиззасигача очилиб қолибди. У бирдан қўрқиб кетиб, дарҳол юзини четга бурди, устидаги қалин пальтосини ечди, эғнида эски юпка камзул колди, у аёлнинг очилиб қолган оёғига қарамасликка ҳаракат қилиб, пальтони охишта унинг устига ёпди.

Ўтин келтириб ёқиш, оёқ учида юриш, ухлаётган аёл-га разм солиш, бурчақда хаёлларга ботиб ўтириш, кейин яна аёлдан хабар олиш кўп вақтни олди. Икки-уч соат ўтди орада. Худди мана шу вақт ичида Верховенский ва Липутин Кирилловнинг хузурида бўлишди. Ниҳоят, Шатов ҳам бурчақда пинакка кетди. Аёл ингради; у кўзини очди, уни чақирди; Шатов жиноят қилиб қўйгандай дик этиб ўрнидан турди.

– Marie! Кўзим уйкуга кетибди... Ох, мен қанчалар ярамасман, Marie!

Аёл қаерда эканлигини билмагандай, ҳар ёкка олазарак қараб, ўрнидан турди ва бирдан ғазаб ичида норози бўлиб типирчилади.

– Мен ўрнингизни эгаллабман, мен ўзимдан кетиб ухлаб қолибман; нега дарров мени уйғотмадингиз? Сизга оғирим тушиши мумкинлигини ўйламадингизми?

– Сени уйғотолмадим, Marie.

– Уйғотишингиз керак эди! Сизга бу ерда бошқа тўшак йўқ, мен эса ўрнингизни олиб қўйибман. Сиз мени бундай ярашмаган ҳолга қўймаслигингиз жоиз эди. Мени сизнинг ҳайр-эхсонингизга муҳтож деб ўйлайсизми? Дарҳол ўз ўрнингизга ётинг, мен анов бурчақдаги стулларга жойлашаман...

– Marie, стуллар кўп эмас, солишга тўшаклар ҳам йўқ.

– Унда ерда ётаман. Бўлмаса сизга ерда ётишга тўғри келади. Мен ерда ётаман, дарҳол, дарҳол!

Аёл ўрнидан кўзгалди, бир кадам қўймоқчи бўлди, лекин бирдан қаттиқ чангак оғрик унинг бутун кучи, бутун ихтиёрини қирқди-ю, қичкириб, инграб юборди-да, шу заҳоти тўшакка шилк этиб кулади. Шатов югуриб келди, Marie юзини ёстиққа ботирганча унинг қўлини тутди-да, уни бор кучи билан ғижимлаб, қисиб синдира бошлади. Бу аҳвол бир дақиқа давом этди.

– Marie, азизам, ҳўп десанг, бу ерда доктор Френкель деган бор, танишим, жуда яхши... Мен дарров бориб уни олиб келардим.

– Бўлмайди!

– Нега бўлмасин! Marie, айт, қаеринг оғрияпти? Балки иссиқ қилиш керакдир... балки қоринга... Буни докторсиз ҳам қилиш мумкин... Ё хантал кўяйми?

– Бу нима экан? – аёл бошини кўтариб, унга қўрқиб қараркан тушунмай сўради.

– Ўйини, нима дейсанми? – англамади Шатов, – нима-ни сўраяпсан? О, худойим, мен эсанкираб қолдим, Marie, кечир, ҳеч балони тушунмаяпман.

– Эҳ, кўйинг, сиз тушунадиган иш эмас. Жуда қулғили бўларди... – аламли илжайди аёл. – Менга бирон нарса ҳақида сўзлаб беринг. Хонада юриб, сўйлайверинг. Тепамда серрайиб турманг, менга бунақа қараманг, сиздан буни беш юзинчи маротаба сўраяпман!

Шатов бор кучини ишга солиб унга қарамасликка ҳаракат қилиб, кўзларини ерга тикканча хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

– Бу ерда – жаҳлинг чиқмасин, Marie, ўтиниб сўрайман, – бу ерда бузук гўшти бор, якин жойда, чой ҳам бор... Боя ҳеч нарса емадинг...

Аёл ижирғаниб, фиғони чиқиб, қўлини силтади. Шатов ночор тилини тишлади.

– Менга қаранг, мен бу ерда ширкат асосида муқова қорхонаси очмоқчиман. Сиз шу ерда яшайсиз-ку, нима деб ўйлайсиз? Қилса бўладими, йўқми?

– Эҳ, Marie, бизда китоб ўқишмайди, китобнинг ўзи ҳам йўқ. Ким китоб муқовалатарди?

– Ким?

– Бу ердаги ўқувчи дейман, умуман, бу ернинг аҳолиси, Marie.

– Шунинг аниқроқ қилиб айтмайсизми, ким дейсиз, ким эканлиги эса номаълум. Грамматикани билмайсиз.

– Тилнинг аҳволи ўзи шунақа. Marie, – гўлдиради Шатов.

– Оҳ, аҳвол, аҳвол дейсиз, олиб боринг аҳволингизни, жонга тегди. Нега бу ернинг аҳолиси ёки ўқувчиси муқовалатмайди?

– Негаки, китоб ўқиш ва муқовалаш бу – тараққиётнинг жуда катта икки даври. Аввалига у секин-аста ўқишни ўрганади, бунга асрларча вақт кетади, албатта, аммо китобни жўн бир нарса деб билиб, йиртиб оёқости қилади. Муқова эса китобга ҳурматни билдиради, ўқишни жон-дилдан яхши кўриб, уни касб-кор деб қараганини англатади. Бутун Россия ҳали бу даврга етгани йўқ. Европа анчадан буён муқовалашга киришган.

– Бу олифта гап бўлса ҳам, ҳар қалай яхши айтилди ва менга уч йил бурунги вақтларни эслатди; уч йил аввал сиз баъзан гапларни жуда қойил қилардингиз.

У олдинги инжиқ гапларини қандай айтган бўлса, буни ҳам шундай ижирганиб айтди.

– Marie, Marie, – кўнгли эриб деди унга Шатов, – о, Marie! Бу уч йил ичида қанча кўп нарсалар суздай оқиб ўтиб кетганини сен билсайдинг! Мен кейин эшитдим, мен эътиқодимни ўзгартирганим учун мендан нафратланибсан. Мен кимлардан юз ўтгирдим? Тирик ҳаёт душманларидан; ўз эгаменлигидан кўрқадиган чириган либерал зотчалардан; фикр ва эркинликларидан, ўлимтиқлар ва сассиқ алафларнинг қартайган тарғиботчиларидан юз ўтгирдим! Нимаси бор уларнинг: қартайиш, ўртамиёналик, энг баттарин ва тубан лаёқатсизлик, ҳасад тўла тенглик, ўз кадрини билмайдиган тенглик, малайнинг тушунчасидаги тенглик ёки тўксон учинчи йилдаги французнинг биладиган тенглиги... Асосийси, ҳаммаёқда ярамаслар, ярамаслар ва ярамаслар!

– Тўғри, ярамаслар кўп, – хириллаб, оғриқ билан жавоб берди аёл. У кимирламай, худди кимирлашдан кўрққандай бошини ёстиқнинг ёнбошроқ томонига қўйиб, шипга иситма, ҳарорат ичидаги қўзларини ҳоргин тикканча оёқларини чўзиб ётарди. Юзи оппоқ оқарган, лаблабри қотиб қуруқшаганди.

– Сен биласан, Marie, сен биласан! – хитоб қилди Шатов. Аёл буни инкор этгандай бошини чайқамокчи бўлди, шунда уни яна бирдан ваража тутди. У яна бошини ёстиққа яширди ва яна бир дақиқа давомида югуриб кел-

ган, қўркувдан ўзини йўқотиб қўйган Шатовнинг қўлларини қисиб, қайириб, эзгилаб турди.

– Marie, Marie! Жуда жиддийга ўхшайди-ку ахволинг, Marie!

– Бас қилинг... Истамайман, истамайман, – деб нидо қиларди аёл қаҳри келиб, яна юзини шипга бураркан, – менга раҳмингиз келиб бундай қараманг! Хонада юриб туринг, айтинг, бир нарсаларни гапиринг...

Эсини йўқотган Шатов яна бир нималар деб гўлдирай бошлади.

– Сиз бу ерда нима иш қияпсиз? – аёл тоқатсизланиб, ижирганиб Шатовнинг сўзини бўлди.

– Бир савдогарнинг идорасига қатнайман. Marie, агар истасам, бу ерда ҳам яхши пул топишим мумкин эди.

– Ўзингизга яхши бу...

– Оҳ, ундай дема, Marie, шунчаки айтдим...

– Яна нима билан шуғулланасиз? Нимани тарғиб этяпсиз? Сиз ахир тарғиб этмай туролмайсиз-ку; феълингиз шундай!

– Худони тарғиб қиялман, Marie.

– Унга эса ўзингиз ишонмайсиз. Мен бу нарсани ҳеч қачон тушунолмаганман.

– Қўяйлик, Marie, бу кейин.

– Марья Тимофеевна ким эди бу ерда?

– Бу ҳам кейин, Marie.

– Менга бунақа танбеҳ берманг! Ростми, унинг ўлимини ўша одамларнинг ёвузлигидан кўриш мумкинми?

– Айни шундоқ, – тишларини гижирлатди Шатов.

Marie бирдан бошини кўтарди-да, азоб билан кичкирди:

– Менга бошқа ҳеч қачон буни гапирманг, ҳеч қачон, ҳеч қачон гапирманг!

Шунда у яна ўша титроқ азоб ичида ўзини тўшакка ташлади; бу учинчи марта такрорланди, лекин бу сафар унинг оҳ-вохлари кучайди, фарёдга айланди.

– Вой, бу бадфеъл! Вой, бу саркаш! – ўзини ётган жойида у ёқдан-бу ёққа отар, тепасида турган Шатовни нари-бери итарарди аёл.

– Marie, нима десанг қиламан... юр десанг юрай, га-
пир десанг гапирай...

– Э, кўрмаяпсизми, ахир, бошланди-ку?

– Нима бошланди, Marie?

– Мен қайдан билай? Мен нимани ҳам биламан... О,
куриб кеткур! О, олдиндан ҳаммаси куриб кетсин!

– Marie, сен нима бошланганини менга айтсайдинг...
бўлмаса мен... мен нимани тушунаман, бундай...

– Сиз даҳмаза, бефойда эзма. О, ҳаммасига минг лаъ-
нат!

– Marie, Marie!

У аёл аклидан оза бошлади деган хаёлга келди.

– Вой, нега ахир кўрмайсиз мени тўлғок тутаетганини,
– аёл қаддини кўтариб, унга юзи қахру ғазабдан ўзгариб,
кўркинчали оғриқ, алам-изтироб билан қаради. – Қарғиш
урсин бу шумқадам болани!

– Marie, – нидо қилди ниҳоят гап нимадалигининг
фаҳмига етган Шатов, – Marie... Нега шуни олдиндан очик
айтмадинг? – у бирдан ҳуши ўзига келиб сергак тортди ва
шаҳд билан бош кийимини қўлига олди.

– Бу ерга келганимда, билибманми буни? Билсам ке-
лармидим бу ерга? Менга ўн кун бор дейишганди! Қаёққа
кетяпсиз, қаёққа кетяпсиз, тўхтанг!

– Дояга бораман! Тўппончани сотаман; энди ҳамма-
дан ҳам пул керак!

– Тўхтанг, доя керакмас, битта кампир, хотин киши
бўлса, бас, ҳамёнимда саккиз танга бор... Қишлоқ хотин-
лари шундок ҳам туғаверади... Ўлсам, садкаи сар...

– Доя ҳам бор, кампир ҳам. Факат сени мен қандай,
мен қандай ёлғиз ташлаб кетаман, Marie!

Аёл иситмалаб, алаҳлаб ётар, кейин ёрдамсиз кол-
диргандан кўра хозир ёлғиз колдирган афзал эканини
англаган Шатов унинг тинимсиз инграётгани, қахр-ғазаб
билан қичқираётганига қулоқ солмай, оёғини қўлига олиб
орқа-олдига карамай пиллапоядан отилиб пастга тушди.

III

Ҳаммадан бурун Кириллов ёнига кирди. Тун ярмидан оғган, соат бирлар эди. Кириллов хонанинг ўртасида тик турарди.

– Кириллов, хотиним туғяпти!

– Яъни, қандай?

– Бола туғяпти, бола!

– Чинданми? Сиз... хато қилмаяпсизми?

– О, йўқ, йўқ, тўлғоқ тутяпти!.. Биронта доя, кампир керак, ҳозир, дарров... ҳозир топса бўладими? Кўп кампирларни билардингиз...

– Афсус, мен туғишни билмайман, – ўйга ботиб деди Кириллов, – яъни мен туғишни билмайман демоқчимасман, туғдиришни билмайман демоқчиман... ёки... Йўқ, мен буни нима дейишни билмайман.

– Туғишга ёрдам беролмайман демоқчисиз; лекин гап бунда эмас; кампир бўлса деяпман, битта хотин киши, каровчи, хизматкор деяпман!

– Кампирни топамиз, фақат ҳозир эмас. Агар хоҳласангиз, ўрнига...

– О, иложи йўқ; унда Виргинскаяга борай, дояга.

– У ярамас!

– О, рост, Кириллов, рост, аммо у энг яхшиси! О, албатта, кўнмайди, суюнмайди, гижинади, сўкади, куфри кўзийди – улуг бир сир-синоатни, янги нишонанинг пайдо бўлишини у шундай кутиб олади!.. О, у ҳалитдан лаънатлар ёғдирапти!..

– Агар хоҳласангиз, мен...

– Йўқ, йўқ, мен дояга боргунимча (о, Виргинскаяни оёғидан судраб олиб келаман!), сиз секин бориб зинадан аста кулок солинг, лекин асти ичкарига кирманг, уни кўркитиб юборасиз, асло кира кўрманг, сиз фақат кулок тутинг... ҳар эҳтимолга қарши, бирон кори бад... Агар бошқа ҳеч иложи бўлмаса, майли, кирсангиз ҳам.

– Билдим. Мана. Бир рубль пул. Эртага товук олмокчийдим, энди кераги йўк. Тез югуринг, оёқни қўлга олиб югуринг. Самовар доим қайнаб туради.

Кириллов Шатовга қасд уюштирилаётганини билмасди, илгари ҳам унинг боши қай даражада хавф-хатар остида қолганлигидан хабарсиз эди. Шатовнинг «ўша одамлар» билан эскидан қандайдир хусумати борлигини сезарди, гарчи ўзи ҳам бу ишга хориждан олинган айрим кўрсатмалар орқали қисман аралашган бўлишига қарамай (хориж кўрсатмалари ғоятда юзаки бўлиши билан бирга, у тадбирларда кўпам қатнашавермасди), охириги вақтларда ҳаммасидан, барча топшириқлардан қўл тортган ва айниқса, «умум иши»дан ўзини бутунлай четга олган ва хаёл оламига шўнғиганди. Петр Верховенский йигинда Липутинни Шатовникига бирга боришга чақирган, у ҳозирги вазиятда «Шатовнинг иши»ни ўз бўйнига олиш-олмаслигига ишонч ҳосил қилмокчи бўлган эса-да, бироқ Кириллов билан ўрталарида бўлиб ўтган суҳбатда Шатов тўғрисида оғиз очмаган, ҳатто бунга ишора қилмаганди, – афтидан буни сиёсатга тўғри келмайди деб ўйлаган, Кирилловга эса ҳатто ишониб бўлмайди, деб ҳисоблаган, шу мулоҳазалар билан ҳаммасини эртанги, ҳаммаси тугайдиган кунга қолдирганди, унда албатта, Кирилловга энди «фарқи бўлмайди»; ҳар қалай Петр Степанович Кириллов борасида ана шундай мулоҳазаларга боргани аниқ. Ваъдаларга ҳилоф тарзда Шатов тўғрисида бир оғиз эслаб ўтилмаганини Липутин ҳам сезгирлик билан пайқади, аммо бунга қарши бирон нарса деб норозилик билдиришга ўзи ортиқ хаяжонланиб тургани боис имкон топмади.

Шатов Муравьиная кўчасига қуюндай югурди, назарида йўлнинг адоғи кўринмас, тинмай сўкинарди.

Виргинскийнинг эшигини узок кокишга тўғри келди; ҳамма аллақачон ухлаб қолганди. Аммо Шатов ҳеч тортиниб ўтирмасдан бор кучи билан тавақани муштлай кетди. Ҳовлидаги бойлоқ ит жон-жаҳди билан ташланар, ғазаби тошиб вовуларди. Кўчанинг барча итлари унга жўр бўлишиди; ҳаммаёқни ит овози тутди.

– Нега бунча тақиллатасиз, сизга нима керак ўзи? – ниҳоят деразадан Виргинскийнинг мулойим овози эшитилди, товушидан бемаҳал кўтарилган шовқин-сурондан хафа бўлмагани сезиларди. Дераза тавақаси ҳам, кичкина дарчаси ҳам очилди.

– Ким ўзи, қандай ярамас? – Виргинскийга қариндоши қари қизнинг таҳкирга монанд қаҳрли чийиллаган товуши қўшилди.

– Мен Шатов бўламан, хотиним уйга қайтиб келди, ҳозир уни тўлғоқ тутяпти...

– Тўлғоқ тутса, тутиб ўлсин, йўқолинг!

– Арина Прохоровнага келдим. Арина Прохоровнасиз кетмайман!

– У ҳар кимникига боравермайди. Кечасининг иши алоҳида... Макшеевага боринг, шовқин солманг! – бидилларди қаҳрга минган аёл овози. Виргинский уни босишга уринаётгани эшитилиб турарди; аммо қари қиз уни силтаб ташлар ва жаҳлидан тушмасди.

– Мен кетмайман! – кичқирди Шатов.

– Шошманг, шошмай турсангиз-чи! – кичқирди Виргинский, ниҳоят, қари қизнинг овозини ўчириб. – Ўтиниб сўрайман сиздан, Шатов, беш дақиқа сабр қилинг, мен Арина Прохоровнани уйғотай, илтимос, тақиллатманг ва шовқин солманг... О, қандок бедаво ишлар!

Бир асрдай туюлган беш дақиқадан сўнг Арина Прохоровна чикди.

– Уйга хотинингиз келдими? – дераза дарчасидан унинг овози келди, овоздан қаҳр ёғилмаганидан Шатов ҳайратланди, овоз одатдагидай ҳукмпармо эди: Арина Прохоровна бошқача сўзлолмас ҳам эди.

– Ҳа, хотиним, туғяпти.

– Марья Игнатьевнамилар?

– Ҳа, Марья Игнатьевна. Албатта, Марья Игнатьевна-да!

Жимлик чўкди. Шатов кутиб турарди. Уйдагилар шивир-шивир қилишарди.

– Келганига анча бўлдимиз? – сўради яна madame Виргинская.

– Бугун кечкурун соат саккизда. Илтимос, тезроқ.

Яна шивир-шивир, яна худди маслаҳатлашгандай овозлар.

– Кулоқ солинг, сиз янглишмаяпсизми? Сизни унинг ўзи менга юбордими?

– Йўқ, у сизга юбормади, мени харажатга туширмаслик учун оддий доя хотин топиб келинг деди, лекин сиз ташвишланманг, мен пулини тўлайман.

– Майли, бораман, тўласангиз-тўламасангиз ҳам. Мен доимо Марья Игнатьевнанинг мустақил фикр юритишини хурмат қилиб келганман, эҳтимол, у киши мени эсламасалар керак. Сизда ҳамма зарур нарсалар борми?

– Ҳеч нарса йўқ, аммо ҳаммаси бўлади, бўлади, бўлади.

«Шу одамларда ҳам олийжаноблик бор! – деб ўйларди Шатов энди Лямшинникига қараб жўнаркан. – Эътиқод ва инсон – бу икки нарса аксаран бир-биридан фарқ қилади. Мен, эҳтимол, улар олдида кўп томондан айбдорман!.. Ҳамма айбдор, ҳамма айбдору... агар ҳамма бунга ишонч ҳосил қилсайди!..»

Лямшиннинг эшигини кўп тақиллатди, ажабки, у ўрнидан дик этиб туриб, сарпойчанг, ички кийимда шамоллаб қолишдан қўрқмай дарров кичик дарчани очди, ҳолбуки, у ғоятда инжиқ, ҳамиша соғлигининг ташвишини қилиб юарди. Лекин унинг сезгир бўлиб ётиши, тезда ўрнидан туриб келишининг бошқача бир сабаби ҳам йўқ эмасди: Лямшин бизникиларнинг йиғинидан сўнг тун бўйи ҳаяжонланиб чиққан ва ҳамон кўзига уйку келмай ётгани; назарида нукул айрим чақирилмаган бадният меҳмонлар тақиллатиб келиб қоладигандай эди. Шатов сотади деган хабар ҳаммадан ҳам ортиқроқ уни кийнардди... Ана шунда, худди атай қилгандай, деразани шундай қаттиқ тақиллатишди!..

У Шатовни кўргач, шунчалар қўрқиб кетдики, шу захоти дарчани ёпиб, каравотига чопиб бориб ётиб олди. Шатов жон-жаҳди билан тақиллатиб, бақира бошлади.

– Тун бемаҳалда нега бундай каттик тақиллатасиз? – қўрқувдан юраги ёрилгудай бўлиб, қаҳр билан кичқирди Лямшин, у ҳар қалай икки дақиқалардан сўнг яна дарчани очишга журъат этган ва ниҳоят, Шатов ёлғиз ўзи келганига ишонч ҳосил қилганди.

– Мана сизга тўппонча; қайтариб олинг, менга ўн беш рубль беринг.

– Нима бу? Мастмисиз? Бу талончилик, мен шамоллаб қоламан. Шошманг, мен ҳозир иссиқроқ нарса олай.

– Ҳозир ўн беш рубль берасиз. Бермасангиз, эрталабгача тақиллатиб, бакиравераман; деразангизни синдираман.

– Мен қоровулни чақираман, сизни қамаб қўйишади.

– Мен соқов эканманми? Мен қоровул чақирмайманми? Қоровулдан ким қўрқади, сизми, менми?

– Ҳали сиз шундай тубан ҳаёллар билан юрибсизми, сиз-а... Биламан нимани писанда қияпсиз... Тўхтанг, тўхтанг, худо ҳақи, тақиллатманг! Эсингиз борми, кечаси кимда пул бўлади? Сизга ҳўп, пул нимага керак, маст эмасмисиз?

– Хотиним қайтиб келди. Сизга ўн рубль ўтяпман, бир марта ҳам отганим йўқ; олинг тўппончани, дарров олинг.

Лямшин дарчадан беихтиёр кўлини чўзди-да, тўппончани олди; бирпас тўхтади, кейин бирдан дарчадан бошини тез чиқариб, елкалари жимирлашиб жунжиккан кўйи эс-хушини йўқотиб бидирлади:

– Сиз алдаяпсиз, хотинингиз келган эмас. Сиз... сиз бирон ёққа қочиб кетмоқчисиз.

– Тентакмисиз? Қаерга қочаман? Петр Верховенский қочсин, мен эмас. Мен ҳозир доя Виргинскаяга бордим, у келишга дарров рози бўлди. Сўраб билсангиз бўлади. Хотиним кийналяпти, пул керак: пул беринг!

Лямшиннинг топқир калласида бир дунё ҳаёллар чарх урди. Ҳаммаси энди бутунлай бошқача тус олди, лекин қўрқув ҳамон тўғри фикрлашга имкон бермасди.

– Қандай бўлди, а... сиз хотинингиз билан яшамай-сиз-ку?

– Бунақа гаплар учун бошингизни мажақлайман.

– Оҳ, худойим, узр, тушунаман, жуда хайрон бўлиб қолдим-да... Аммо тушунаман, тушунаман. Лекин... лекин – наҳот Арина Прохоровна бораман деди? Сиз ҳозир уни уйдан чикди дедингизми? Биласизми, бу ёлгон. Кўрдингизми, кўрдингизми, кўрдингизми, сиз ҳар қадамда ёлгон сўзлайсиз.

– У ҳозир хотинимнинг олдида ўтирган бўлса керак, вақтимни олманг, тентак бўлсангиз, мен айбдор эмасман.

– Ёлгон, мен аҳмоқ эмасман. Узр, ҳеч ақлимга сиғди-ролмаяпман...

Шунда у яна батамом эсанкираб, учинчи бора дарчани ёпа бошлади, аммо Шатов чунонам бўкирдик, у яна очди.

– Аммо бу шахсга бутунлай тазйиқ! Мендан нима талаб қиляпсиз ўзи, хўп нима, нима? – қовуштириб айтинг бундок! Яна қаранг, шундай бемаҳалда, шундай бемаҳалда!

– Ўн беш рубль бер пандавақи!

– Лекин мен, балки, тўппончани қайтиб олишни мутлако истамасман. Сизнинг ҳақингиз йўқ. Сиз уни сотиб олгансиз, вассалом, бошқа ҳақингиз йўқ. Кечаси бунча пул беролмайман. Қаердан оламан шунча пулни?

– Сенда пул бўлмай кимда бўлсин; сенга ўн рубль ўтдим; аммо сен жухудлигингдан қолмайсан.

– Индинга келинг, – эшитдингизми, индинга эрталаб, роса соат ўн иккида, ўшанда ҳаммасини оласиз, ҳа, ҳаммасини?

Шатов учинчи бора деразани жон-жаҳди билан такиллатди.

– Ҳозир ўн рубль бер, эртага эрталаб қолган бешини чўзасан.

– Йўқ, индинга эртаминан беш рубль бераман, эртага эса, худо ҳақи, йўқ. Келиб ўтирманг, овора бўлиб келиб ўтирманг.

– Ўнни чўз деяпман, хой пасткаш!

– Нега бунақа сўкинасиз? Шошманг, чирок ёқай; мана, ойнани синдирдингиз... Ким кечаси бунақа сўкинади? Манг! – у ойнадан қогоз пул узатди.

Шатов юлкиб олди – бу беш рубллик қоғоз пул эди.

– Худо хаки, пулим йўк, ўлдирсангиз ҳам пулим йўк, индинга яна қўшиб берай, бошқа пулим йўк.

– Кетмайман! – ўқирди Шатов.

– Майли, ола қолинг, мана яна, қаранг, мана, бошқа йўк. Бўкирасизми, ўкирасизми, бермайман; нима десангиз ҳам бермайман, бермайман, бермайман!

Унинг жони ҳалқумига келган, мушкул аҳволда қолган, қора терга ботганди. У тагин берган икки қогоз пул бир рублликлар эди. Шатовнинг қўлига етти рубль кирди.

– Э, тусингни ел олсин, эртага келаман. Агар саккиз рубль ҳозирлаб қўймасанг, сени дўппослайман, Лямшин.

«Эй аҳмоқ, мен уйда бўлмайман!» – лип этиб хаёлидан ўтди Лямшиннинг.

– Тўхтанг, тўхтанг! – ҳовлиқиб қичқирди у чоғиб бораётган Шатовнинг изидан. – Тўхтанг, қайтинг. Айтинг-чи, хотиним қайтиб келди, деб рост айтяпсизми?

– Тентак! – тупурди Шатов ва оёғини қўлга олиб жони борица уйга югурди.

IV

Эслатиб ўтайки, Арина Прохоровна кечаги йиғинда қабул қилинган қарордан хабарсиз эди. Музтар ва ҳолдан тойиб қайтган Виргинский унга машваратдаги гапни айтишга юраги бетламади; лекин охири чидолмай гапнинг бир қисмини, яъни, Верховенскийнинг Шатов бизни албатта сотади, деб хабар қилганини айтди; лекин шу заҳоти ўзи бунга унча ишонмаслигини ҳам қўшиб қўйди. Арина Прохоровна қаттиқ кўрқди. Шунинг учун ҳам, уни Шатов чакириб келганда, кеча бир туғруқда тун бўйи овора-абгор бўлиб чарчаганига қарамай, дарҳол боришга розилик билдирди. У доим «Шатовга ўхшаган ифлос албатта бир қилик чиқаради», деган ишончда юрарди; бироқ Марья Игнатьевнанинг келиб қолгани масалага бошқача нуқтаи назардан қараш имкониятини берарди. Шатовнинг кўркиб кетгани, кўзига ҳеч нарса кўринмай пул сўраб илтимос қи-

лиши, ялиниб-ёлвориши, сотқиннинг ҳиссиётларида ўзгариш рўй берганлигини кўрсатарди. Ўзини қурбон қилиб бўлса ҳам, бошқаларни ҳалок қилишга қасд этган кимса чамаси назарда тутилгандан кўра бошқача рафтор ва бошқача кўринишга эга бўларди. Хуллас, Арина Прохоровна ҳаммасини ўзи, ўз кўзи билан кўриб-билишга жазм этди. Виргинский хотинининг бу қароридан бағоят мамнун бўлди – ўзини елкасидан тоғ ағдарилгандай сизди. Унинг кўнглида ҳатто умид уйғонди: Шатовнинг аҳвол-руҳияси Верховенскийнинг гумонларига сира тўғри келмасди...

Шатов янглишмаган экан; уйга қайтиб, у Арина Прохоровнани Магенинг олдида кўрди. Арина ҳозиргина кириб келган, пастда зина олдида ўралашиб турган Кирилловни бобиллаб қувиб юборганди; ўзини танимаган Marie билан дарров танишиб, тил топишиб олганди; унинг аҳволи ғоятда танглиги, қаҳр-газаб ичида ўртанаётгани, «тамомила ҳолдан тойиб, умидсизликка тушганини» кўрди, ва шу билан бирга қандайдир арзимас беш дақиқа ичида Магенинг барча надоматларини енгиб ўтди.

– Нималар деяпсиз асти, қимматга тушадиган дояни хоҳламаяпсизми? – деб жавварди у Шатов ичкарига кириб келган пайтда. – Тамомила бўлмағур хаёллар, аҳволингизнинг чатоқлиги боис каллага келган бекорчи фикрлар. Аллақайси саводсиз, қолоқ бир кампир келиб қараса, аҳволингиз яна қоқ ярмига ёмонлашади; хизмати қимматга тушадиган доядан кўра яна ўн баробар ортиқча ташвиш, харажатлар кўпаяди. Сиз нега мени қиммат олади, деб ўйлайсиз? Ҳаққини кейин тўлайверасиз, сиздан бир тийин ортиқча олмайман, аммо ҳаммаси яхши бўлишига кафолат бераман; жонингиз омон қолади, нималарни кўрмаган бу кўзларим. Чақалокни ҳам эртанинг ўзида боқувхонага жойлаштираман, кейин қишлоққа тарбияга жўнатаман, тамом-вассалом. У ёғини ўзингиз биласиз, соғайиб кетгандан сўнг бўш ўтирмассиз ахир, ишлайсиз, қисқа вақт ичида Шатовнинг харажатларини ҳам қоплайсиз, от билан туя бўлармиди, ўлсин...

– Мен унимас... Мен уни ташвишга қўймай...

– Оқил, инсоний туйғулар, аммо ишонинг, агар Шатов хаёлпарастликни бир чеккага қўйиб, зигирчагина соғлом фикр юритса, унча ҳам кўп харажати йўқ. Тентакликларини йигиштирса, бас, бутун шаҳарга тилини осилтириб, ҳаллослаб югурмаса, бас. Унинг қўлидан маҳкам ушлаб турмасангиз, эрталабгача бу ердаги ҳамма докторларни оёкка турғизади; менинг кўчамдаги барча итларни уй-готиб юборди-ку. Докторларнинг кераги йўқ, мен айтдим-ку, ҳаммасига ўзим кафилман. Хизмат қилиб туриш учун биронта кампирни чақириш мумкин, бу қийин эмас. Айтмоқчи, унинг ўзи ҳам қарашиб туришга ярайди; қўлидан аҳмоқчиликдан бошқа нарсалар ҳам келади. Қўл-оёғи бор, дорихонага бориб келади, буни хайр-эхсон деб кўнглингизга огир олиб ўтирмайсиз. Бунинг нимаси хайр-эхсон! Унинг ўзи эмасми сизни шу аҳволга солган? Сизга уйланаман деб худбинлик қилиб сизни мураббия бўлиб турган хонадонингиз билан уриштириб қўймадимми ахир? Бу гаплар қулоғимизга чалинган ахир... Айтмоқчи, унинг ўзи боя ит қопгандай бизнинг кўчамизга югуриб келиб, ҳаммани бақириб-чақириб ўрнидан турғизди. Мен осилиб олганим йўқ, фақат бизникилар ҳаммаси бир-бирини қўллаши керак, деган фикрда, сиз учун келдим; мен буни унга ҳали кўчага чикмасимдан бурун айтдим. Агар мен бу ерда ортикча бўлсам, унда хайр, хуш қолинг; фақат бир кори ҳолга дучор бўлиб ўтирманг-да, ҳолбуки, олдини олиш осон.

Шундай дея у кетмоқчи бўлиб ўрнидан кўзгалди.

Магё шунчалар ночор аҳволда, шунчалар қийналаётган ва очигини айтганда, рўй бериши керак бўлган воқеадан шунчалар кўркаётган эдики, ҳамширани қайтариб юборишга ботинмади. Аммо бу хотинни у бирдан ёмон кўриб қолди: у бутунлай бошқа нарсаларни сўйлар, булар эса Магёнинг кўнглига сиғмасди. Лекин тажрибасиз доянинг қўлида ўлиб-нетиб кетиш ҳам ҳеч гап эмаслиги унинг нафратини босди. Шатовга нисбатан эса у шу дақиқадан

этиборан янада бераҳмрок, янада талабчанрок бўлиб қолди. Ҳатто шунгача етиб бордики, унга ўзига қарашнигина эмас, юзма-юз рўпара туришликни ҳам тақиқлаб қўйди. Унинг азоблари кучайиб борарди. Қарғиш, лаънатлашлар ҳаддан ошиб кўкка ўрларди.

– Э, бўлди, биз уни чиқариб юборамиз, – кескин деди Арина Прохоровна, – юзида юз йўк; сизни кўрқитяпти, холос; ўликдек оқариб кетганини қаранг! Вой, нега бундай бўзрасиз майнавозчига ўхшаб? Ана, масхарабозлик!

Шатов миқ этмади; у огиз очмасликка қарор қилди.

– Мунақа пайтларда тентаги чиқадиган оталарни кўрганман, бош-кетини тополмай қолади. Аммо улар ҳар ҳолда...

– Бас қилинг ё мени тинч қўйинг, ўлсам, ўлиб кета қолай! Оғзингизни юминг! Керакмас, керакмас! – қичқира бошлади Marie.

– Жинни бўлдингизми, гапирмай бўлармишми; аҳволингизни шундай тушуниб турибман. Жиллакурса, иш ҳақида гапирамиз-да: айтинг-чи, тайёргарлик кўрилганми? Сиз жавоб беринг, Шатов, унинг қурби етмайди.

– Нима кераклигини айтинг?

– Демак, ҳеч нарса тайёр эмас.

У зарур бўладиган нарсаларни бирма-бир санади, унга тан бериш керакки, фақат энг муҳим нарсалар билан чекланди, қашшоқнинг кунини ҳисобга олди. Шатовнинг ўзида ушбу нарсалар бор экан. Marie қалитни чиқариб саквояжни қараб кўр, деган маънода Шатовга узатди. Унинг қўллари қалтирар, шунинг учун нотаниш кулфни очиш учун бироз пайсаллаб қолди. Marieнинг фиғони чиқди, лекин Арина Прохоровна Шатовдан қалитни олиш учун интилганида, унинг саквояжга қарашини асло хоҳламади ва ҳўнграб йиғлаб, бақариб, саквояжни фақат Шатовнинг ўзи очсин, деди.

Яна баъзи нарсалар учун Кирилловникига югуришга тўғри келди. Шатов ташқарига чиқиш учун эндиgina ўтирилган эдики, Marie уни зўр бериб қайт деб чақиришга

тушди, Шатов зинапоядан шоша-пиша орқага қайтди-да, дарров бориб бир зарур нарсани оламану дарҳол орқага қайтаман, деб тушунтиргандан кейингина, Marie кўнди.

– Эй, сизга ёқиш осон эмас экан, бекачим, – деб кулди Арина Прохоровна, – дам менга қарама дейсиз, дам ёнингиздан жилдиргингиз келмайди, йиглайсиз. Бу аҳволда у шўрлик нима деб ўйлайди. Бўлди, бўлди, жиннилик қилманг, қовоғингизни осилтирманг, мен кулги учун айтяпман, холос.

– У ҳеч нарса деб ўйламайди.

– Воҳ-воҳ-воҳ, у агар сизнинг кетингиздан қўйдаи югурмаганда, сизга ошику бекарор бўлмаганда, кўчаларда бундай тилини чиқариб чопармиди, шаҳардаги итларни безовта қилармиди? У деразамнинг ойнасини синдирди.

V

Шатов кириб борганда, Кириллов ҳали ҳамон у бурчакдан-бу бурчакка юриб турар, шу қадар паришон эдики, гални эшитарди-ю, аммо ҳеч нарсани тушунмас, ҳатто Шатовнинг хотини келганини ҳам унутган эди.

– Э-ҳа, – деб эслаб қолди у бирдан ўзини қандайдир каттик банд этган фикр оғушидан зўр-базўр халос этиб, – ҳа, кампир-а... Хотинингизми ё кампирми? Шошманг: ҳам хотинингиз, ҳам кампир, шундайми? Эсимда; борган эдим; кампир келади, фақат ҳозир эмас. Ёстикми, олинг. Яна нима? Ҳа-я... Шошманг, Шатов, сизда ҳам мангу уйғунлик, мангуликка қовушиш дамлари бўладими?

– Биласизми, Кириллов, энди сизга тунларни уйқусиз ўтказиш тўғри келмайди.

Кирилловнинг хуши ўзига қайтди – ва тавба – энди ҳамма вақтдагига қараганда, сўзларни қовуштириб, келиштириб сўзлай бошлади; буларнинг ҳаммасини у анча олдин ҳаёлида шакллантиргани, балки ҳатто ёзиб қўйгани сезиларди:

– Шундай сониялар бўладики, улар бирданига беш ё олти бора келади, шунда сиз бирдан кутилмаганда, та-

момила эришилган мангу уйғунлик мавжудлигини сезиб қоласиз. Бу моддий нарсасиз; мен унинг самовийлигини айтаётганим йўқ, мен уни одам моддий ҳолда кўтаролмаслигини айтмоқчиман. Жисмоний ўзгариш керак, ё ўлиш. Бу равшан ва иштибосиз ҳиссиёт. Худди бутун борлик табиатни тўлалигича ҳис қилгандай бўласиз ва бирдан шундай дейсиз: ҳа, бу ҳақиқат. Худо дунёни яратаётганда, ҳар бир яратилган куннинг охирида: «Ҳа, бу ҳақиқат, бу яхши», – деб айтган. Бу меҳр товланиш, ийиб кетиш эмас, балки фақат шу сурур. Сиз ҳеч нарсани кечирмайсиз, чунки кечирадиган нарсанинг ўзи энди йўқ. Сиз фақат севаётганингиз йўқ, о, бу нарсасевгидан баландроқ! Ҳаммадан даҳшатлиси, бу жуда қаттиқ аён ва шундоқ сурурли. Агар беш сониядан ошса, унда юрак кўтаролмайди ва йўқликка кетади. Мана шу беш сония ичида мен бутун ҳаётимни яшаб қўяман ва уларга бутун ҳаётимни алишаман, чунки шунга арзийди. Ўн сонияга чидаш учун жисмоний ўзгариш зарур. Мен, одам туғишни бас қилиши керак, деб ўйлайман. Демакки, мақсадга эришилган экан, болаларнинг нима хожаги бор, ўсишнинг нима кераги бор? Инжилда айтилмишким, қиёматда туғилиш йўқ ва барча худди худонинг фаришталари янглиғ бўлурлар. Ишора. Хотинингиз туғяптими?

– Кириллов, бу ҳол тез-тез такрорланадими?

– Уч кунда бир, ҳафтада бир.

– Сизда тутканок йўқми?

– Йўқ.

– Демак, бўлади. Эҳтиёт бўлинг. Кириллов, тутканок шундай бошланади деб эшитганман. Менга бир куёнчик билан оғриган одам тутканок олдидан бўладиган кечинмаларни батафсил тушунтирган, худди мана сизга ўхшаб; беш сония, дерди у ва бошқа чидаб бўлмайди, шундоқ. Пайғамбар Муҳаммаднинг кўзасини бир эсланг, у ўз буруқ отида жаннатни айланиб чиккунча, кўза тўкилиб улгурмаганди. Кўза – бу ўша беш сония; сизнинг уйғунлик

деганингизга гоятда ўхшайди, пайғамбар Муҳаммаднинг эса тутқаноғи бор эди. Эҳтиёт бўлинг, Кириллов, тутқаноқ!

– Улгурмайди, – аста кулиб қўйди Кириллов.

VI

Тун оёқлай бошлади. Шатовни югуртиришар, куткилашар, чорлашарди. Магенинг жони кўзига кўриниб қолди. У, «Албатта, албатта!» яшашим керак, ўлишдан кўркаман, деб қичқирарди. «Керакмас, керакмас!» – дея такрорларди у. Яхшиям Арина Прохоровна бор, акс ҳолда жуда чатоқ бўларди. У аста-секин ҳомиладорни ўз қўлига олди. Магё худди ёш боладай унинг ҳар бир сўзи, ҳар бақиригига кулоқ оса бошлади. Арина Прохоровна эркаламасдан, талабчанлик билан ҳаракат қилар, аммо ишини бошлаб дўндиради. Тонг оқара бошлади. Арина Прохоровнага бирдан Шатов пиллапоё томонга чиқиб, зўр бериб худого ёлвораётгандай туюлди-да, кулгиси кистади. Магё ҳам худди кулса аҳволи енгиллашадигандай, унга қўшилиб аччиқ-алам билан кулди. Охири Шатовни хонадан қувиб чиқаришди. Рутубатли, совук тонг отди. Шатов худди яқинда, Эркель кириб келгандагидай юзини бурчақдаги деворга босди. У гўё япроқдек титрар, ўйлашга кўрқар, аммо ақли тасавурида ғужғон ўйнаган нарсаларга худди тушдаги каби илинади. У хаёллар пўртанасида улоқиб кетар, хаёллари эса бамисоли чириган ришталар сингари тинмай чирт-чирт узиларди. Энди хонадан ингроқлар эмас, чидаб бўлмайдиган даҳшатли, нақ ваҳший чинкириклар эшитиларди. У кулокларини беркитмоқчи бўлди, лекин бунинг иложи бўлмади ва у ғайришуурий тарзда: «Marie, Marie» – деб такрорлаганча, ерга тиззалаб ўтириб қолди. Ва мана ниҳоят, яна чинкирик, янги бир чинкириш оламни тутдики, бундан Шатов сесканиб кетди ва дарҳол оёққа қалқди, бу чақалоқнинг ҳиркироқ, ингичка ингиллаши эди. Шатов ўзини чўқинтириб, хонага югурди. Арина Прохоровнанинг кўлларида кичкина, жикқа жиш, буришиқ бир хилқат жиччагина оёқ-кўллари талпин-

тириб ғимирлар, у ғоятда ожиз, худди биринчи эсган ша-
мол хукмига тобе ғубор заррасидай кўринар, аммо худди
ҳаётга, яшашга қандайдир тўла ҳақи бордай чириллар ва
ёруғ оламга жар соларди... Магё худди хушидан кетган-
дай ётар, лекин бир зумдан сўнг у кўзини очди ва Шатовга
ғалати, ғалати қилиб боқди: бу қандайдир бутунлай янги
бир нигоҳ эди, лекин айна қандай нигоҳ, буни англашга
ҳали унинг салиқаси етмас, аммо илгари ҳеч қачон унинг
бундай нигоҳ билан қараганини кўрмаган, билмаганди.

– Ўғилми? Ўғилми? – хаста овоз билан сўради у Ари-
на Прохоровнадан.

– Ўғилча! – деб кичкирди ҳамшира унга жавобан бо-
лани йўргакларкан.

Чақалокни батамом йўргаклаб, уни каравотдаги икки
ёстиқ ўртасига қўндаланг ётқизмоқчи бўлиб тургани-
да, ҳамшира кутилмаганда бир зумга Шатовнинг қўлига
тутқизди. Магё худди билмагандай ва худди Арина Про-
хоровнадан чўчигандай бўлиб, Шатовга имо қилди. Шатов
дарров тушунди ва чақалокни унга кўрсатиш учун тутди.

– Вой-й... мунча яхши... – овози зўрга чиқиб, жил-
майиб деди аёл.

– Воҳ-ей, унинг тикилишини қаранг! – хушчақчақлик
билан кулиб юборди хурсанд бўлган Арина Прохоровна
Шатовнинг юзига қараб. – Воҳ-ей, бунинг юзини кўринг-
чи!

– Хурсанд бўлинг, Арина Прохоровна, бу улут хур-
сандчилик... – Магёнинг ҳозирги икки оғиз сўзидан тў-
ликиб кетган Шатов телбаларча ийиб кетиб пичирлади.

– Бунинг нимаси улут хурсандчилик экан? – шўх ку-
либ дерди Арина Прохоровна чаққонлик билан ҳаммаёқни
йиғиштириб, саранжом-саришта қиларкан.

– Янги хилкатнинг дунёга келиш сир-асрори, тушун-
тириб бўлмайдиган буюк сир-синоат, Арина Прохоровна,
афсус, сиз бунинг тушунмайсиз-да!

Шатов бўғриқиб, узук-юлук, эҳтирос билан ғўлдира-
ди. Гўё унинг калласида нимадир тинмай айланар ва бсик-
тиёр, ўз-ўзидан унинг юрагидан отилиб чиқарди.

– Улар иккита эди, бирдан учта бўлишди, бут, тугал янги рух келди, бундай қилиб яратиш одамнинг қўлидан келмайди; янги фикр ва янги муҳаббат, ҳатто даҳшат... Бундан ҳам олий ҳеч нарса йўқ дунёда!

– Тумтарок гаплар! Аъзои вужуднинг ўсиб боришидан бошқа нарса эмас, бу ерда ҳеч нарса, ҳеч қандай сир йўқ, – самимий, хандон-хушон куларди Арина Прохорова. – Сизга қолса, пашша ҳам сир. Аммо гап нимада: ортиқча одамларнинг туғилмагани тузук эди. Улар ортиқча бўлиб қолмасликлари учун аввал ҳаммасини қайта яхшилаб яратинг, ана шундан кейин туғинг уларни. Бўлмаса уни индинга боқувхонага олиб бориб бериш керак... Бошқача йўли ҳам йўқ.

– Мен уни ҳеч қаёққа бермайман! – ерга тикилиб туриб катъият билан деди Шатов.

– Ўғил қилиб оласизми? .

– Ўзи менинг ўғлим.

– Албатта, у Шатов, конуний Шатов, ўзингизни инсониятнинг халоскори қилиб кўрсатмай қўя қолинг. Гапни ҳам қотирасиз-да. Майли, майли, яхши, энди менинг гапимни эшитинглар, жаноблар, – ниҳоят ҳамшира нарсаларини йиғиштириб бўлди, – мен кетишим керак. Мен яна эрталаб келаман, керак бўлса кечқурун ҳам келаман, энди ҳаммаси омон-эсон енгил бўлди, бошқалар кутиб, маҳтал туришибди, уларга чопқиллаб боришим керак. Сизнинг кампирингиз каердадир ўтирганга ўхшайди, Шатов; кампир ўз йўли билан, сиз ҳам, Шатов, ундан тез-тез хабар олиб туринг; яқинроқ жойда ўтиринг, асқотасиз; Марья Игнатьевна сизни ҳайдаб юбормас ахир... бўпти, бўпти, ҳазил...

Шатов дарвозагача кузатиб чиққанда, ҳамшира ёлғиз унинг қулоғига деди:

– Кулдиравериб ичагимни узаёздингиз; сиздан пул олмайман; тушимда ҳам кулиб чиксам керак. Шу кеча сизчалик кулгили одамни ҳеч қачон кўрмаган эдим.

Ҳамшира жуда мамнун ҳолда чикиб кетди. Шатовнинг рафтори ва гап-сўзларидан шу нарса кундай равшан

бўлдики, «бу одам оталик қилмоқчи, у худойимнинг бориб турган латтаси экан». Ҳамшира бошқа ҳомиладор олдига кириб ўтиши қулайроқ ва яқинроқ бўлишига қарамасдан, атай Виргинскийга маълум қилиш учун уйга югурди.

– Marie, – деб ботинмайроқ огиз очди Шатов, – ҳамшира сени кўп ухламасин деди, аммо бу жуда қийинга ўхшайди... Мен дераза олдида ўтирай, нима ишинг бўлса айтарсан, майлими?

Шундан сўнг у дераза олдига, диваннинг орқасига ўтиб ўтирди, бу ердан у кўзи ёриганга кўринмасди. Бирок бирпас ҳам ўтмай аёл уни чақирди-да, ижирганиб ёстикни тўғрилаб кўйишни сўради. Шатов тўғрилай бошлади. Аёл жаҳли чиқиб, деворга қараб олди.

– Ундаймас, оҳ, ундаймас... Кўлинг қанака ўзи!

Шатов яна тўғрилади.

– Менга энгашинг, – тутакиб деди аёл иложи борица унга қарамасликка тиришиб.

Шатов сесканди, аммо энгашди.

– Яна... ундаймас... яқинроқ, – шунда бирдан аёлниң чап қўли тез унинг бўйнидан кучди ва шунда у аёл унинг пешонасига лабини маҳкам босиб олганини ҳис қилди.

– Marie!

Аёлниң дудоғи титрар, у ўзини босишга уринар, лекин у бирдан гавдасини ярим кўтарди-да, кўзларидан ўт чақнаб, деди:

– Николай Ставрогин аблаҳ!

Шундан сўнг худди қирчини қийилгандай, юзтубан ёстикқа йиқилди-ю хўнграб йиглаб, қўллари билан Шатовнинг кўлини қаттиқ қиса бошлади.

Шу дамдан эътиборан, аёл уни ўз олдидан қўйиб юбормади, менинг бош томонимда қимирламай ўтиринг, деб талаб қилди. Унинг ҳали кўп гапиришга ҳоли етмас, аммо Шатовдан ҳеч кўзларини узмас ва унга телбаларча илжарди. У бирдан қандайдир жинни қизга айланди-қолди. Ҳамма нарса худди ўзгариб кетгандек, Шатов дам худди ёш боладай йиғлар, дам тутакиб, бўғтрикиб, ваҳший

каби худо билади нималарнидир сўйлар; аёлнинг қўлларини ўпар; аёл гапларини балки тушунмаса ҳам уни жон кулоғи билан тинглар, аммо мадорсиз қўли билан унинг сочларини эркалаб ўйнар, уларни силар, қўзларига босгудек бўларди. Шатов унга Кириллов хақида сўйлар, энди «янгитдан ва доимо» кандай яшаяжаклари борасида айтар, худо бор, ҳамма яхши, омон бўлсин дерди... Ҳар икковларининг шодумонлик туйғулари жўш уриб, яна чакалокни кўтариб карадилар.

– Marie, – деб кичкирди у қўлида болани кўтариб, – эски довирашлар, шармандаликлар, мурдорликлар тугади! Кел, энди меҳнатга отланайлик, учовлон янги йўлга чиқайлик, ҳа, ҳа!... Эҳ-ҳа, ахир унинг отини нима деб қўямиз, Marie?

– Уними? Отими? – ҳайрон бўлиб деди аёл ва бирдан унинг чехрасида даҳшатли алам акс этди.

У қўлларини бир-бирига урди, Шатовга гинахонлик билан каради ва юзини ёстикка босди.

– Marie, сенга нима бўлди? – қичкирди Шатов аламангиз кўркув ичида.

– Сиз, сиз, шуни... шуни... О, кўрнамак!

– Marie, кечир, Marie... Мен фақат нима от қўйишни сўрадим. Мен билмайман...

– Иван, Иван деб қўямиз, – у кўз ёшлардан ҳўл бўлиб, бўртиб кетган юзини ёстикдан кўтарди, – нахотки, сиз бошқа бир ёмон от билан атайди, деб хаёлингизга келтирган бўлсангиз?

– Marie, тинчлан, о, бунчалар фиғон килаверма!

– Яна бир фаросатсизлик; фиғон деб нимани назарда тутяпсиз? Бас бойлашаманки, агарда мен уни... ўша ёмон ном билан аташни айтганимда, сиз ўшанда ҳам дарров рози бўлардингиз, хатто фаркига ҳам бормасдингиз! О, ношукурлар, о, пасткашлар, о, ҳамманг, ҳамманг!

Бир зум ўтмай, албатта, ярашиб олишди. Шатов уни ухлашга кўндирди. Аёл ухлаб колди, лекин ҳамон Шатовнинг қўлларини қўйиб юбормас, тез-тез уйғонар, худди

кетиб коладими дея кўркиб унга термилар ва яна қуш
куга кетарди.

Кириллов «муборакбод» учун бир кампирни киритди.
бундан ташкари Марья Игнатьевнага кайнок чой, хозир-
гина пиширилган котлет ва пиёва⁹³ билан ок нон юборди.
Бўшанган аёл пиёвани ютокиб ичди, кампир чакалокни
янгидан йўргаклади. Marie Шатовга зўрлаб котлет едирди.

Вакт ўтиб борарди. Шатов ҳолдан тойиб стулда ўтир-
ганча бошини Marieнинг ёстиғига қўйиб пинакка кетди.
Эрталаб келаман деб, сўзининг устидан чиккан Арина
Прохоровна уларни шу аҳволда топди, уларни шўх кулиб
уйғотди, Marie билан зарур гапларини гаплашди, чакалок-
ни кўрди ва яна Шатовга бу ердан жилмасликни тайинла-
ди. Сўнг «эр-хотин» устидан бирмунча ижирғаниб, кибр
билан ҳазил-хузул қилган бўлди-да, худди боягидай мам-
нун ҳолда чиқиб кетди.

Шатов уйқудан кўзини очганда, бутунлай коронғу ту-
шиб қолганди. У тезгина чирокни ёкиб, кампирни чакир-
гани югурди; пиллапояга эндигина кадам қўйиши билан
пастдан аллакимнинг шошилмай оҳиста кўтарилиб кела-
ётганини эшитиб, хайратга тушди. Эркель экан.

– Кирманг! – шипшиди Шатов ва унинг кўлидан шахд
билан тутиб, оркага, дарвоза томонга судради. – Шу ерда
кутиб туринг, хозир чиқаман, мен сизни мутлако унутиб-
ман, мутлако! О, яхши эсимга солдингиз!

У шунчалар гангиб қолдики, ҳатто Кирилловнинг ол-
дига ҳам кирмади, факат кампирни чакириб келди. Marie
«ўзини ёлғиз қолдиргани» учун жуда дилтанг бўлиб, ун-
дан аччикланди.

– Бирок, – дея кичкирди Шатов эҳтирос билан жўшиб,
– бу энди энг охирги кадам! У ёғи янги йўл, сўнг ҳеч қа-
чон, ҳеч қачон ўтмишни эсга олмаймиз!

Аёлни бир амаллаб кўндириб, соат роса тўқкизда қай-
таман, деб ваъда берди; аёлни маҳкам кучиб ўпди, чака-
локка лабларини босди-да, тезгина Эркелнинг олдига,
пастга тушиб кетди.

⁹³ Пиёва – гўштсиз пиёзли шўрва.

Ҳар икковлари Скворешникидаги Ставрогинларнинг ўрмон богига жўнашди, бу ерда бир ярим йил бурун катта қарагайзор ўрмонга туташ овлоқ ва энг чекка жойда унга омонат топширилган типография асбоб-ускуналари кўмилганди. Бу жой кимсасиз, ҳувиллаб ётар, биров бу ерга кадам босмас, Скворешники кўрасидан хийла олисда эди. Филипповнинг уйидан то бу ергача уч ярим ё тўрт чақирим юриб келинарни.

– Пиёда борамизми шунча жойга? Мен извош оламан.

– Сиздан каттиқ илтимос қиламан, извош керакмас, – эътироз билдирди Эркель, – улар буни шарт килиб қўйишган. Извошчи ҳам гувоҳ.

– О... шайтон! Бари бир, тезроқ тугасайди, тезроқ!

Жадал юриб кетишди.

– Эркель, кичкина болакай! – кичқирди Шатов, – сиз ҳеч бахтли бўлганмисиз?

– Сиз ҳозир жуда бахтли одамга ўхшайсиз-а, – ажабсиниб деди Эркель.

ОЛТИНЧИ БОБ

МУШКУЛ КЕЧА

I

Виргинский кун бўйи икки соат вақтини сарфлаб бизникиларнинг ҳаммаларини кўриб чикди, уларга Шатовнинг хотини қайтиб келди, энди у бориб чакмаса керак, бундан ташқари, фарзанд кўрди, энди «одамнинг юраги шундайки», бундай чоғда унинг қўлидан хатарли ишлар келиши мумкинлигини тасаввурга ҳам келтириб бўлмайди, деб уқтириб қўймоқчи бўлди. Лекин, ажабки, Эркель билан Лямшиндан бошқа ҳеч кимни уйдан топмади. Эркель унинг қўзига тикилганча индамай эшитди; у «соат олтида борадими ёки йўқми?» деган тўғри саволга самимий жилмайиб, «албатта, боради», деб жавоб қайтарди.

Лямшин уйда бошини адёлга буркаб ётар, афтидан, ростдан ҳам касал эди. Кириб борган Виргинскийдан кўрқиб кетди ва у сўзламоқчи бўлиб оғзини очган заҳоти, бирдан адёл остидан қўлларини силтади, мени тинч қўйинглар, деб ялинди. Бироқ Шатов тўғрисидаги гапларни тўлиқ эшитди; уйда ҳеч зот йўқ экан, деган гапдан эса ҳаддан зиёд хайратга тушди. Маълум бўлдики, у Федьканинг ўлдирилганидан хабардор (Липутин айтган) экан, ўзи буни Виргинскийга шошиб-пишиб, узук-юлук гапириб бериб, уни ўз навбатида лол қилиб қўйди. Виргинский: «Борамизми, йўқми?» – деб дангал сўради. У яна бирдан қўлларини силкитиб, «менинг бунга алоқам йўқ, мен ҳеч нарсани билмайман, мени тинч қўйинглар», деб ялиниб-ёлвора бошлади.

Виргинский уйига дили хуфтон бўлиб, қаттиқ ташвишга ботиб қайтди; бу нарсаларни оиласидан яшириши кераклиги ҳам уни кийнади; у ҳамма нарсани хотини билан маслаҳатлашишга одатланганди, магарки, ушбу

дамда унинг ўртаниб ёнган хаёлида янги бир ажиб фикр, кейинги хатти-ҳаракатларни мурасага келтирувчи бир-мунча янгилик аланга олмаганда, унда эҳтимолдан узок эмаски, у ҳам худди Лямшин каби тўшакка ётиб қоларди. Бирок янги фикр унга дадиллик бағишлади, у ҳатто вақт келишини сабрсизлик билан кута бошлади ва ҳатто вақтидан илгарироқ келишилган жойга равона бўлди.

Бу Ставрогинлар улкан ўрмон боғининг энг охириги чеккасидаги жуда хилват қоронгу жўй эди. Мен кейин атай у ерга кўргани бордим; ўша қаҳрли куз окшоми бу ер янада тумтайган бадковок бўлиб кўринган бўлса ажабмас. Бу ер эски дарахтлари кесишга мўлжалланган ўрмон эди; улкан асрий қарағайлар қоронғуликда қорайиб, ноаён шарпалар каби кўзга ташланарди. Шунчалар қоронғу эдики, ҳатто икки қадам масофадан бир-бирларини фарқлай олмас эдилар, аммо Петр Степанович, Липутин, кейин Эркель ўзлари билан фонарь келтиришганди. Нимага, қачонлиги номаълум, бобомнинг замонларида бу ерда ёввойи харсангтошлардан ўйиб қандайдир кулгили бир ғор ясалганди. Ғор ичидаги столу стуллар аллақачонлар чириб, тўкилиб тушганди. Унинг ўнг томонида, икки юз қадамча нарида ўрмон боғнинг учинчи узун ҳовузи тутарди. Ушбу учала узун сув ҳовузи нақ қўра ёнидан бошланиб, бирма-бир то ўрмон боғнинг охиригача бир чакиримча узайиб борарди. Ставрогинларнинг бўм-бўш, кимсасиз кўрасигача бу ердан шовқин-сурон, бакирик-чакириклар ва ҳатто ўқ овози етиб бориши даргумон эди. Куни кеча Николай Всеволодович жўнаб кетган, Алексей Егорич ҳам йўлга отлангач, қўрада беш ёки олти чоғлик одам қолган, булар ҳам, ними-нисфи, майрик-машриклар эди ҳисоб. Ҳар ҳолда, аник тахмин қилиш мумкинки, ушбу қўрада қолган одамлар дод-фарёдлар, ёрдам сўраб чакирган овозларни мабодо эшитган тақдирда ҳам, бу уларни даҳшатга солган, лекин биронтаси ҳам иссиқ ўринларини ташлаб, жонларини қойитиб, мадад беришга чиқмаган бўлардилар.

Олтидан йигирма дақиқа ўтганда, Шатовни келтириш учун юборилган Эркелдан бошқа барчалари жам

бўлдилар. Петр Степанович бу гал кечикмади; у Толкаченко билан бирга келди. Толкаченконинг ковоғи солиқ, ташвишга ботганди; унинг бутун зўраки, безбет-мактанчок, турқ-атворидан асар ҳам қолмаганди. У Петр Степановичнинг ёнидан силжимас, унга бирдан ғоятда садоқатли бўлиб қолгандай туюларди; тез-тез ғимирлаб у билан пичирлашиб гаплашиш пайида бўларди; аммо униси қарийб жавоб бермас ёки ундан тезроқ қутулиш мақсадида ғаш келиб нималарнидир гўнғиллаб кўярди.

Шигалев билан Виргинский ҳатто Петр Степановичдан ҳам биров барвақтроқ етиб келишди-да, унинг келганини кўришгач, атайлаб индамай дарҳол ўзларини четроққа олишди. Петр Степанович фонарини кўтариб, уларга сурбетлик билан таҳкирона тикилиб қаради. «Гаплашишмоқчи», деган хаёл ўтди унинг қалласидан.

– Лямшин келмадими? – сўради у Виргинскийдан. – Ким айтди уни касал деб?

– Мен шу ердан, – деб жавоб берди Лямшин бирдан дарахт орқасидан чиқиб. У калин пальто кийган, бўйинини иссиқ жун мато билан маҳкам ўраган, шунинг учун унинг афт-башарасини фонарь ёруғида ҳам пайқаш қийин эди.

– Ундок бўлса, фақат Липутин йўқ экан-да?

Шунда Липутин индамай ғор ичидан чиқди. Петр Степанович яна фонарини кўтарди.

– Нега у ерга кирдингиз, нега чикмадингиз?

– Менимча, биз ҳаммамиз ўз ҳаракатларимизда... эркинлик ҳуқуқига эгамиз, – дея тўнғиллади Липутин, ҳар нечук бу билан нима демокчи бўлганини аниқ ифодалай олмади.

– Жаноблар, – овозини кўтарди Петр Степанович бу ерга келганларидан бери биринчи марта шивирлаб гапиришни бас қилди, бу бошқаларга анча таъсир кўрсатди, – ўйлашимча, сизга энди ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқлигини яхши тушуниб турибсиз. Кеча барчаси айтилди ва чиғириқдан ўтказилди, аниқ бир хулосага келинди. Аммо, афт-башаралардан сезиб турибман, кимдир яна биронта гап бор. Ундай бўлса, илтимос, тезроқ

ган, жонингизни хавф остига қўйишдан ҳам, бахтингиздан айрилиб қолишдан ҳам кўрмаган эдингиз?

– Йўқ, қолдирмасдим! Асло қолдирмасдим! – қандайдир жуда ярашмаган кизиққонлик билан деди Виргинский типирчилаган қўйи.

– Сиз аблаҳ бўлгандан кўра, яна тезроқ бахтсиз бўлишни хохлаб қолардингиз-да?

– Ҳа, ҳа... Мен ҳатто бутунлай аксинча... бутунлай аблаҳ бўлишни истардим... яъни йўқ... бутунлай аблаҳ эмас, аксинча, аблаҳ бўлишдан кўра, бутунлай бахтсиз бўлардим.

– Ундай бўлса, билиб қўйинг, Шатов бу чақувни ўзининг ватаний жасорати, энг юксак ишонч-эътиқоди деб билади, бунинг исботи шуки, унинг ўзи ҳукуматнинг таъкиб-таъйиқига учрайди, гарчи чақуви эвазига унинг учун кўп нарсани кечиришади. Шундай кимса ҳеч қачон ортга қайтмайди. Ҳеч қандай бахт уни енголмайди; бир кундан сўнг ҳуши ўзига келади, ўзини сўкиб, лаънатлаб, бориб мақсадини адо этади. Бунинг устига нимаси бахт эканки, хотини уч йил йўқ бўлиб кетиб, энди Ставрогиндан бўлган болани туққани униқига қайтиб келибди.

– Аммо ҳеч ким чақув хатини кўргани йўқ, – бирдан талабчанлик билан деди Шигалев.

– Чақув хатини мен кўрганман, – қичқирди Петр Степанович, – шундай хат бор ва бунинг ҳаммаси гирт аҳмоқлик, жаноблар!

– Мен эсам, – бирдан қайнаб-тошди Виргинский, – қаршиман... бутунлай қаршиман... Менимча... Менинг истагим шуки, менга қолса, у келганда ҳаммамиз қарши олайлик, ҳаммамиз ундан сўрайлик, агар тўтри бўлса, тушунтириш ёзиб берсин, тавба қилсин, агар чин сўзим деса, унда қўйиб юборайлик. Ҳар қандай ҳолда ҳам – суд; суд ҳал этсин. Ҳамма биқиниб туриб, унга ташланса, бу яхши эмас.

– Чин сўз экан деб, умумий ишимизни хавф остига қўйиш – аҳмоқлик! Жин ўрсин, қандай аҳмоқлик ўзи, жа-

ноблар! Бошимизга хавф-хатар ёғилай деб турганда, сизлар нима иш қилмоқчи бўляпсизлар?

– Мен қаршиман, қаршиман, – деб тинмай такрорларди Виргинский.

– Илтимос, бакираверманглар, шарпани эшитмай қоламиз. Жаноблар, Шатов... (Жин урсин, энди бу қандай аҳмоқлик!) Мен сизга айтувдим, Шатов славянпараст, яъни энг аҳмоқ одамлардан бири... Э, жин урсин, бари бир эмасми, тупуриш керак! Мени чалғитяпсизлар, холос!.. Шатов, жаноблар, ичи кин-адоватга тўла одам, у ҳар қалай истайдими, истамайдими, жамиятга дахлдор бўлгани учун, мен охириги дамгача ундан муштарак ишимизда фойдаланишни умид қилдим, кин-адовати ҳам иш бериб қолар дедим. Мен уни асраб, авайлаб келдим, бўлмаса, аниқ кўрсатмалар олинган эди... Лекин у асраб-авайлашга юз бора арзимас экан. Аммо у охир-оқибат сотди; ў, ҳа, жин урсин, тупурдим!.. Мана энди биронтангиз қочишга ҳаракат қилинг-чи! Биронтангиз муштарак ишимизни ташлаб кетишга ҳақингиз йўқ! Агар хоҳласангиз, сиз у билан қучоклашиб ўпишишингиз мумкин, аммо чин сўзини айтди деб, муштарак ишимизни барбод қилишга ҳақингиз йўқ! Чўққалар ва ҳукуматга сотилганлар шундай қиладилар!

– Ким бу ерда ҳукуматга сотилган экан! – яна аниқлаштирмоқчи бўлди Липутин.

– Балки, ўзингиз. Сиз яхшиси, жим турсангиз бўларди. Липутин, сиз одатланиб қолганингиз учун шундай дейяпсиз. Ҳукуматга сотилганлар – бу хавф-хатар туғилганда кўрқоклик қиладиганлар. Қуён мижозлар ҳамма вақт топилади, охириги дамда бундай одам югуриб бориб айтади: «Оҳ, мени кечиринглар, мен ҳаммасини айтиб бераман!» – дейди. Аммо билиб қўйинг, жаноблар, энди сизни ҳеч қандай чақув учун кечиришмайди. Мабодо, адлия юзасидан бир-икки поғона пастга туширишса ҳам, аммо бари бир ҳар бирингизга Сибирь тайёр, бундан ташқари, яна бошқа бир қиличдан ҳам қочиб қутулолмайсиз. Бу қилич эса ҳукуматникидан кўра ашаддийроқ.

Петр Степанович қутуриб кетди ва ортиқча сўйлаб юборди. Шигалев унга томон дадил уч қадам ташлади.

– Кеча кечкурундан бери мен иш устида ўйладим, – изчил қатъият билан сўз бошлади у доимгидай (менга шундай туюладики, агарда унинг оёғи остида шу тобда ер чўкиб кетганда ҳам, у гапининг оҳангини ўзгартирмаган ва ўзининг изчил баёнидан заррача ҳам чекинмаган бўларди), – ишни ўйлаб кўриб шу қарорга келдимки, одам ўлдириш фикри бебаҳо вақтни бой беришгина эмас, ҳолбуки, бу вақтни бундан кўра фойдалироқ ҳамда мазмундорроқ ўтказиш жоиз кўринади, – балки боз устига соғлом, рост йўлдан ҳалокатли тарзда четга чиқиш билан бирга ишга энг катта зарар келтириш ҳамда муваффақиятларга эришишдан ўнларча йилларга орқага суриб юбориш билан баробардир, соф социалистлар ўрнига енгилтабиат ва асосан, сиёсатчиларнинг таъсирига берилиб кетганда, бундан ортиқ натижани кутиш қийин. Менинг бу ерга келишимдан бирдан бир асосий мақсад кўзланаётган ишга ўз норозилигимни баён этишдирки, тоқай бу ҳаммага ибрат бўлсин; ундан сўнг ушбу ишдан шу дақиқадан эътиборан ўзимни четга оламан; билмадимки, нега сиз ушбу дақиқаларни хавф-хатар вақти деб айтмоқдасиз. Мен кетаман, айтиб қўяй, қўрқаётганим йўқ, Шатовга раҳмим келаётгани ҳам йўқ, у билан ўпишмоқчи ҳам эмасман, бирдан бир мақсадим шуки, бу ишларнинг ҳаммаси бошидан-охиригача мутлақо менинг дастурим ва йўл-йўриқларимга зиддир. Чакув ё ҳукуматга сотилиш борасида мендан батамом хотиржам бўлингиз: чакув бўлмагай.

У орқасига ўтирилиб жўнади.

– Жин урсин, уларга йўлда рўпара келади ва Шатовни огоҳлантиради! – кичкирди Петр Степанович ва тўппончасини чиқарди. Уни отишга шайлади.

– Ишончингиз комил бўлсин, – яна орқасига ўтирилди Шигалев, – йўлда Шатовни учратиб колсам, албатта, у билан саломлашаман, аммо уни огоҳлантириб ўтирмайман.

– Биласизми, жаноб Фурйе, сиз ҳали бунинг жазосини тортасиз?

– Эсингизда бўлсин, мен Фурье эмасман, мени бу ширинзабон, мавҳум эзма билан аралаштирманг, маълум бўладики, гарчи менинг қўлёзмам қўлингизда бўлса ҳам, сиз ундан бутунлай беҳабар экансиз. Мендан ўч олишга уринишингизга келганда, менга бекор тўппонча ўқталапсиз; айни ушбу дамда бу сизга сира фойда келтирмайди. Агарда сиз эртага ёки унинг эртасига менга қасд қилмоқчи бўлсангиз, у ҳолда ўзингизга ортиқча ташвишдан бошқа ҳеч нарсага эришмайсиз, мени ўлдириб ҳеч нарса ютмайсиз, лекин эртами-кечми, бари бир менинг тизимимга келасиз. Омон бўлинг.

Худди шу дамда ўрмон бог томондан, икки юз одимча наридан, ҳавза томондан ҳуштак чалинди. Липутин кеча келишилгани бўйича дарҳол ҳуштак чалиб, жавоб берди (у оғзида тиши қолмагани учун эрталаб бозордан болаларнинг лой ҳуштагини сотиб олганди). Эркель йўл-йўлакай ҳуштак чалинади, деб Шатовни огоҳлантирган, шунинг учун унда ҳеч қандай шубҳа уйғонмаганди.

– Хавотир олманг, мен уларни четлаб ўтиб кетаман, улар мени пайқашмайди, – эшитиларли қилиб шипшиди Шигалев ва сўнг шошилмай, қоронғу бог қўйнидан уйи томон йўл олди.

Бу даҳшатли воқеа қандай рўй берганлиги эндиликда энг майда тафсилотларигача маълум. Аввалига Липутин ўзи Эркель билан Шатовни нақ ғор олдида кутиб олди; Шатов у билан омонлашмади ва кўришгани қўлини ҳам узатмади, аммо шу заҳоти шошиб-пишиб, баланд овоз билан:

– Хўп, қани белкурак борми, бошқа яна фонарь топиладими? Э, қўрқманг, бу ерда зоғ ҳам йўк; Скворешникида бўлса бу ердан тўп отсангиз ҳам, эшитишмайди. Бу мана шу ерда, мана шу, худди шу ерда... – деди.

У, ҳақиқатан ҳам, тош ғорнинг орқа бурчагидан ўрмон томонга ўн қадам юриб, оёғи билан ер тепди. Худди шу онда орқадан дарахтлар панасидан чиқиб, унга Толкаченко ташланди, Эркель эса орқа томондан тирсақларини қаттиқ қисиб ушлади, Липутин олд томондан унга ёпиш-

ди. Учовлари уни дарҳол ерга кулатиб, босиб турдилар. Шунда Петр Степанович тўппончасини шайлаб келди. Ҳикоя қилишларича, Шатов куч билан ўтирилиб, унинг афтига қаради, афтидан, уни таниди. Саҳнга учта фонарнинг ёруғи тушиб турарди. Шатов жон ҳалпида қиска фарёд кўтарди; аммо дарҳол унинг овозини ўчирдилар; Петр Степанович тўппончани унинг пешонасига маҳкам тиради ва тепкини босди. Ўқ овози у қадар қаттиқ янграмади, шекилли, ҳар қалай Скворешникида эшитишмаган. Шигалев, албатта, эшитган бўлиши керак, зеро, у эндигина уч юз кадамча йўл босганди, ҳақиқатан, у фарёдни ва ўқ овозини илғаган, лекин кейинчалик гувоҳлик беришича, орқага қайтмаган ва тўхтамаган. Мақтулнинг жони бир зумда узилди. Фақат Петр Степановичгина ўзини тутиб турарди, – аммо назаримда у ҳам совуққонлигини йўқотганди. У чўккалаб ўтирганча шоша-пиша, аммо қўли қалтирамай мақтулнинг чўнтақларини кавлаштирди. Пул чиқмади (ҳамёни Марья Игнатъевнанинг ёстиги остида қолганди). Иккита-учта майда-чуйда қоғозлар топилди: бири контора хати, иккинчиси, қандайдир китобнинг номи ва учинчиси хориждаги ковоққонанинг эски тўлов қоғози, худо билади, у буни нима учун икки йилдан бери саклаб юрган. Петр Степанович қоғозларни ўз чўнтагига солди-ю, бирдан ҳаммалари гуж бўлиб ўликка бақрайиб турганликлари ва ҳеч нарса қилмаётганликларини кўриб, ғазаб билан сўкиниб, одобни ҳам унутиб, уларни нуқий бошлади. Ҳушлари ўзига келган Толкаченко билан Эркель чопиб бориб гордан ўзлари эрталаб тайёрлаб қўйган ҳар бири йигирма қадокдан огирроқ иккита катта тошни дарҳол келтиришди: тошлар тахт қилиб қўйилган, арконлар билан маҳкам ўраб боғланганди. Жасадни бу ерга яқин сув ҳовузга (учинчи ҳавза) элтиб ташлаш мўлжаллангани учун улар тошларни мурданинг бўйни ва оёғига ўраб боғлашди. Арконни Петр Степанович ўради, Толкаченко билан Эркель навбат билан тошларни узатиб туришди. Эркель биринчи бўлиб тошни узатди, Петр Степанович тўнгиллаб сўкиниб мурданинг оёқларини боғлаб, сўнг унга биринчи

тошни чирмаб маҳкамларкан, Толкаченко шу вақт ичида бутун гавдасини олдинга эгиб, пайсалга солмай тошни дарҳол узатиш учун қиялатиб қўлида тутиб турди ва уни шу узок вақт ичида ерга қўйиб туришни хаёлига ҳам келтирмади. Ниҳоят, ҳар иккала тош боғлаб бўлингач, Петр Степанович атрофдагиларнинг афт-ангорларига бир-бир назар солганча, ўрнидан турган чоғда, бирдан ғалати бир ҳодиса содир бўлиб, кутилмаганда ҳаммани анг-танг қилиб қўяёзди.

Айтилганидай, Эркель билан Толкаченкодан бошқа барчалари нима қилишларини билмай саланглаб туришарди. Виргинский бошқалар қатори Шатовга ташланган бўлса-да, Шатовга чангал урмаган, уни тутиб туришга қўмаклашмаганди. Лямшин ўқ узилгандан кейингина тўдага қўшилди. Шундан сўнг уларнинг ҳаммалари мурда устида ўн дақиқаларча уймалашгач, эс-хушларини йўқотгандай бўлиб қолдилар. Улар бу ерда давра солиб туришар ва ҳар қандай хавотир ва безовталанишдан кўра қандайдир хайроналикда эдилар. Липутин олдинда, мурданинг ёнида серрайганди. Виргинский орқарокда қандайдир ўзгача ва чет кишидай унинг елкаси оша кизикиб қарар, ҳатто яхшироқ кўриш учун оёк учида кўтарилиб қўярди. Лямшин эса Виргинскийнинг панасидан чиқмас, фақат ахён-ахён қўрқа-писа бўйнини чўзиб кўз солар ва яна шу захоти бикинарди. Тошлар мурданинг бошига маҳкамланиб, Петр Степанович қаддини ростлаганда, Виргинский бирдан ваража тутгандай, титраб-қалтиради, қўлларини қарсиллатиб урди-да, бор овози билан нидо солди:

– Бу ундаймас, ундаймас! Йўқ, бу бутунлай ундаймас!

Эхтимол, у ўзининг ушбу кечиккан хитобига балки яна нималарнидир қўшган ҳам бўларди-ю, аммо Лямшин бунга имкон бермади: у бирдан Виргинскийни орқа томондан қучоқлаб сиқиб олди-да, қандайдир ақл бовар қилмас даражада чинқирди. Қўркунинг баъзан жуда кучли онлари бўлади, мисол учун, одам ўз овозига ўхшамаган, илгари бу одамда ҳеч тасаввур қилишмаган овоз билан кичкиради ва бу гоҳида бениҳоя қўрқинчли бўлади. Лямшин одам

овозида эмас, қандайдир ваҳшиёна тарзда кичқирди. У Виргинскийнинг елкасидан қаттиқ кучоклаганча, уни борган сари тутамлаб, эзиб сикқанча, тинмай, кетини узмай чинқирар, ҳаммага кўзларини ола-кула қилиб қарар, огзи эса ўрадай очилиб қолган, оёқларини дам-бадам ерга уриб худди дўмбира қалгандай тапиллатарди. Виргинскийнинг ўзи шу қадар кўрқиб кетдики, худди ақлдан озган кишидай бўқирди ва сира ўзига ўхшамаган тарзда қаҳр-ғазаб ва шиддат билан Лямшиннинг қучогидан чиқишга уриниб ва орқасига қўли етганча уни суриб-юлқиб, тинмай муштлай бошлади. Ниҳоят, Эркель ундан Лямшинни тортиб олди. Виргинский кўрқиб кетиб, ўзини ўн қадамча нарига олиб улгурганда, Лямшин бирдан Петр Степановични кўриб қолди-да, яна қаттиқ чинқириб, унга ташланди. У мурдага қоқилиб, мурда усти оша Петр Степанович томон қулади-да, унинг кўксига бошини буркаб шунчалар қаттиқ қисиб олдики, на Петр Степанович, на Толкаченко, на Липутин дастлаб ҳеч нарса қилолмадилар. Петр Степанович бўқирар, сўқар, унинг бошига тинимсиз мушт туширарди; ниҳоят, бир амаллаб унинг қучогидан қутулиб, тўппончасини чиқарди-да, уни ҳамон увиллаётган Лямшиннинг ланг очик огзига тўғрилади. Лекин Толкаченко, Эркель ва Липутин унинг қўлидан маҳкам тутишди, аммо Лямшин тўппончага ҳам қарамай чинқиритишдан тўхтамасди. Алоҳа, Эркель ўзининг ҳарир рўмолчасини апил-тапил ғижимлаб буклаб, чакконлик билан унинг огзига тикди, шу тарика чинқиритиш барҳам топди. Толкаченко ҳар эҳтимолга қарши унинг қўлларини қолган арқон бўлаги билан боғлаб қўйди.

– Бу жуда ғалати-я, – деб қўйди Петр Степанович ташвиш ва хавотир билан телбага ажабланиб қараркан.

Чамаси, у лол эди.

– Мен уни бутунлай бошқача деб ўйларканман, – деб қўшиб қўйди у ўйчанлик билан.

Телбага Эркель кўз-қулоқ бўлиб турадиган бўлди. Мурдани тезроқ саранжом қилишлари керак эди; шунчалар бақир-чақир кўп бўлдики, бирон ерда эшитиб қо-

лишган бўлиши ҳам мумкин. Толкаченко билан Петр Степанович фонарларни юкори кўтаришди, мурдани бош томонидан олишди; Липутин билан Виргинский оёғидан кўтариб олиб кетишди. Иккита тош бойланган мурда анча огир, орада икки юз кадамча юришлари лозим эди. Ичларида Толкаченко бакувватрок эди. У ҳамма баравар кадам ташласин дегандай бўлди-ю, лекин ҳеч ким бунга кулок солмади, қандай бўлса шундай юриб кетдилар. Петр Степанович ўнг томонда елкасида мурданинг бошини, чап кўли билан пастдан тошни тутиб, эгилиб-букилиб борарди. Толкаченко йўл бўйи унга тошни кўтаришга ёрдамлашишни хаёлига келтирмагани учун, Петр Степанович охири унга сўкиниб бакирди; бу кутилмаган бакирик эди; барчалари жим кўтариб боришарди, фақат ҳавзага етай деб қолишганда, чўнг юк остида абгор бўлган Виргинский тоза ҳолдан тойиб, яна боягидай йиғламсираган баланд овоз билан нидо қилди:

– Бу ундаймас, йўк, йўк, бутунлай ундаймас!

Скворешники ўрмон боғидаги мана шу учинчи анчайин катта сув ҳавзаси, айниқса, мана шундай кеч куз айёмида кимса оёқ босмайдиган жуда ҳувиллаган бир жой бўлиб, ҳозир ўликни шу ерга кўтариб боришарди. Ҳавзанинг бу энг чет соҳилини қалин ўт босганди. Фонарларни қўйиб, ўликни у ёқ-бу ёққа тебратдилар-да, сувга отдилар. Шалоплаган, гўлқиллаган товуш эшитилди. Петр Степанович фонарни баланд кўтарди, барчалари унинг елкаси оша ўликнинг сувга чўкиб кетганига кизиқиб боқдилар; сув юзида ҳеч нарса кўринмасди: икки тош бойланган жасад дарров чўкди-кетди; сув бетида кўтарилган мавжлар тезда ўчди. Иш тугади.

– Жаноблар, – деди барчага қарата Петр Степанович, – энди ҳаммамиз таркаламиз, ҳеч шак-шубҳа йўкки, сиз ўз эркин бурчингизни тўла адо этганингиздан сўнг ўзингизни эркин ғурур эгаси деб ҳис қилаётирсиз. Ҳозирги хавотирли дамда таассуфки ҳали буни сезмаётган бўлсангиз, ҳеч шубҳасиз, буни албатта эртага ҳис қиласиз, зеро, буни ҳис қилмаслик уят. Мен Лямшиннинг шармандали ҳолга

тушганига алаҳлаш деб қарайман, бунинг устига, айтишларича, у эрталабдан касал экан. Сизга эса, Виргинский, эркин шароитда бир зум ўйлаб кўрсангиз, ишонч ҳосил қиласизки, муштарак ишимизнинг манфаатлари юзасидан чин сўзга ишониб ҳаракат қилиб бўлмасди, аксинча, ҳозир қандай қилган бўлсак, худди шундай қилишимиз зарур эди. Кейинчалик чақув бўлганлигидан сиз хабар топасиз. Мен сизнинг ҳайқириқларингизни унутиш тарафдориман. Ҳавф-хатар энди йўқ. Биронтамиздан шубҳаланиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди, бу яна ўзингизни қандай тутишингизга боғлиқ; шунинг учун асосий иш бари бир ўзингизга ва умид қиламанки, эртага қандай қарорга келишингизга боғлиқ. Шунинг учун ҳам, сиз маслақдошларнинг эркин йиғини бўлмиш алоҳида ташкилотига бош қўшгансиз ва айни чоқда умумий ишимизда бир-бирингиз билан кучларни бирлаштирмоқчи ва бир-бирингизга кўз-қулоқ бўлмоқчисиз. Ҳар бирингиз энг юксак маънода ҳисоб беришга мажбурсиз. Сиз турғунликка гирифтор бўлиб, чириган, сасиган ишни янгилашга чорлангансиз; буни кўз ўнгингизда тутсангиз, ғайратингиз ҳеч қачон сусаймагай. Сизнинг қадамингиз остида ҳаммаси: давлат ҳам, унинг ахлоқи ҳам қуламоғи керак. Фақат биз: аввалдан ҳокимиятни қабул қилиб олишга буюрилганларгина қолажакмиз; ақлдиларни ўз қўшимизга оламиз, аҳмоқларнинг эса устига минамиз. Сиз бундан уялиб ўтиришингиз керак эмас. Эркинликка муносиб наслни қайта тарбияламоғимиз жоиз. Ҳали яна кўп Шатовлар бўлади. Биз йўналишларни ишғол қилиш учун ўзимизни ташкил этамиз; бизга оғзини катта очиб, бекор ётган нарсани қўлга киритишдан уялмаймиз. Ҳозир мен Кирилловнинг қошига жўнайман, эрталабгача у ўлатуриб ҳукуматга берган баёнотида ҳаммасини ўз бўйнига олган хужжат тайёр бўлади. Ишни мана шундай ташкил қилишдан яхшироқ нарсаси йўқ. Биринчидан, у Шатов билан низолашиб юрарди; улар Америкага бирга боришган, демак, уришиб қолган бўлишлари табиий. Шатов ўз эътиқодларини ўзгартиргани маълум; бундан чиқадики, улар эътиқод юзасидан ва

чакувдан кўриб низолашганлар, буни кечиролмаганлар. Буларнинг бари худди шундай деб қоғозга ёзилади. Шу билан бирга, ниҳоят, у турган Филипповнинг уйида Федька ҳам ижарада яшаган. Шундай қилиб, буларнинг бари сиздан ҳар қандай шубҳа-гумонни узоқлаштиради, чунки пангбош пўстакларнинг ҳаммасини чалкаштириб ташлайди. Жаноблар, эртан биз кўришмаймиз; мен жуда қисқа вақтга уездга жўнайман. Аммо эрта бириси кун сизга менинг хабарларим етиб келади. Сизга шуни маслаҳат берардимки, айти эртанги кун уй-уйингизда ўтирганингиз маъкул кўринади. Ҳозир биз иккита-иккита бўлиб турли йўллар билан тарқаламиз. Толкаченко, сиздан шуни илтимос қилган бўлардимки, Лямшинни уйига кузатиб қўйсангиз. Сиз унга уқтиришингиз керак, миясига қуйишингиз керакки, у иродасизлиги билан, аввало, ўзига зиён етказди. Жаноб Виргинский, сизнинг қариндошингиз Шигалев ва инчунин, сиздан ҳам мен шубҳаланиб ўтирмайман: у бизни сотмайди. Унинг қилиғига ачинамиз, холос; бироқ у ҳали жамиятни ташлаб чиқишини айтмади, шунинг учун уни гўрга тикишга вақт эрта. Хў-ўш, йўлингиз бўлсин жаноблар; у ерда пангқалла пўстаклар ўтирган бўлсалар-да, бироқ эҳтиёткорлик ҳар қалай ҳалал бермайди...

Виргинский Эркель билан бирга кетадиган бўлди. Эркель Лямшинни Толкаченко ихтиёрига ўтказишдан аввал уни Петр Степановичга рўпара қилишга улгурди ва унинг ҳуши ўзига келгани, пушаймон бўлаётгани, кечирим сўраётгани, мени нима жин урди, ўзим ҳам билмайман, деганини маълум қилди. Петр Степанович ҳовузларнинг орқа томонидан, ўрмон богни ёқалаб айланиб ўтиб, бир ўзи жўнади. Бу энг узоқ йўл эди. У қарийб ярим йўлга етганда, орқасидан Липутин етиб келди, у бундан ажабланди.

– Петр Степанович, бу Лямшин сотиб қўяди!

– Йўқ, эси киргандан кейин, агар сотса, биринчи бўлиб Сибирга кетишини билади. Энди ҳеч ким сотмайди. Сиз ҳам сотмайсиз.

– Ўзингиз-чи?

– Ҳеч шак-шубҳасиз, сотқинлик ниятида қимир этсангиз, ўша заҳоти ҳаммангизни гўрга тикаман, сиз буни билиб қўйинг. Аммо сиз сотмайсиз. Сиз шунни айтиш учун орқамдан икки чақиримга ҳаллослаб келдингизми?

– Петр Степанович, Петр Степанович, бошқа ҳеч қачон энди қўришмаймиз-ку!

– Буни қаердан олдингиз?

– Менга фақат бир нарсани айтинг.

– Хўп нима? Мен тезроқ кўзимдан йўқолсангиз дедим.

– Битта жавоб, лекин тўтри бўлсин: биз дунёда ёлғиз битта бешликмизми ё бошқа бир неча юзлаб бешликлар ҳам борми? Мен энг юксак маънода сўраяпман, Петр Степанович.

– Жазавага тушганингиздан қўриб турибман. Биласизми, сиз Лямшиндан кўра ҳам хатарлироқсиз, Липутин?

– Биламан, биламан, аммо – жавоб беринг, нима дейсиз?

– Тентак одам экансиз! Ахир энди сизга фарқи бўлмаса керак – бешлик биттами ё мингта?

– Бундан чикди, битта! Билувдим ўзим! – кичқирди Липутин. – Доим буни билардим, битталигини, ҳозиргача билардим...

У бошқа жавоб кутиб ўтирмай, бурилиб қоронғуда тез гойиб бўлди.

Петр Степанович бироз ўйланиб қолди.

– Йўқ, ҳеч ким сотмайди, – деб қўйди у дадил, – аммо тўда ўз номи билан тўдадай бўлсин ва айтилган ишни қилсин, ёхуд мен уларни... Бироқ, қандок ярамас, бу ҳалқ!

II

У аввал ўз уйига кирди ва шошилмасдан бафуржа чамадонни жойлади. Тонгда, соат олтида тезюрар поезд жўнаб кетарди. Барвақт жўнайдиган бу тезюрар поезд яқинлардан бери ҳафтада бир маротаба синов йўсинида қатнай бошлаганди. Петр Степанович бизникиларни гўё вақтин-

ча уездга бориб келаман деб огоҳлантирган эса-да, аммо кейинчалик маълум бўлишича, унинг максадлари батамом бошқача бўлган экан. Чамадонини ҳозирлагач, олдиндан огоҳлантириб қўйилган уй бекаси билан ҳисоб-китобини битирди-да, у извошга тушиб, вокзал яқинида турадиган Эркелникига йўл олди. Ана шундан кейингина тунги соат бирлардан ўтганда, Кирилловникига жўнади; унинг уйига яна Федьканинг хуфя сўқмогидан ўтиб борди.

Петр Степановичнинг кайфияти жуда ёмон эди. Таъбини ҳаддан ташқари тиррик қилган нохушликлар (у ҳамон Ставрогин ҳақида ҳеч нарса билолмаганди) каторида, чамаси у – зотан буни аниқ айтолмайман, – кун давомида каердандир (аникроғи, Петербургдан бўлса керак), маҳфий бир билдириш олган, унда тез орада бошига тушиши мумкин бўлган хавф ҳақида хабар қилинганди. Албатта, ушбу давр воқеалари борасида шаҳаримизда ҳозир анча-мунча афсоналар тўқиб чиқарилган; лекин нималардир аниқ маълум бўлса ҳам, бу фақат билиши керак бўлган тегишли кишиларгагина маълум. Фараз қилишимча, Петр Степановичнинг бу ердан бошқа қайсидир шаҳарларда ҳам ишлари бўлиши ва у ҳақиқатан билдириш олганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Липутин батамом шубҳаланиб, ишончсизлик билдирганига қарамай, шунга ишончим комилки, бизникдан ташқари ҳам, мисол учун пойтахтларда унинг бешликлари ҳақиқатан, иккита-учта бўлиши мумкин эди, мабодо, бешликлар демаганда ҳам, алоқалар ва борди-келди муомалалар, ҳаттоки жуда ҳам ажабтовурлари, – бор бўлса, не ажаб. У жўнаб кетгандан сўнг уч кун ўтмай, шаҳримизга марказдан уни дарҳол камокқа олиш ҳақида фармойиш келиб қолди – аммо қайси ишлари учун, биздагиларми ё бошқами, билолмадим. Бизда студент Шатовнинг сирли ва ҳар жиҳатдан маънодор ўлдирилиши очилгандан сўнг бирдан барча бошлиқларимиз ҳамда шу пайтгача тамомила енгилтақлик, ҳавойиликка муккасидан кетган жамиятимиз шу қадар ҳайратомуз ва хорикулодда қўрқув исканжасига тушиб қолдиким, ўша буйрук этиб келганда, қўрқув ва ҳайрат юз баравар кучайди – котиллик

биздаги беаъниликлар қай даражага етганини кўрсатиши билан бирга унга ҳамроҳлик қилган шарт-шароитлар фавқулодда сирли бир нуқтага кўтарилганига ҳам ишора этди. Аммо буйруқ кечикди: Петр Степанович ўшандаёқ Петербургга етиб борган, номини ўзгартирган ва ишқалнинг ҳидини сезиб, дарҳол хорижга сирғалиб чиқиб кетганди... Айтгандай, мен олдинга ёмон илгарилаб кетдим.

У Кирилловнинг олдига қаҳр-ғазабга миниб, кеккайиб кириб борди. Чамаси, асосий мақсад ва ишдан ташқари, у яна қандайдир Кирилловни ўз ғазабига олиш, унга аламини сочишни ҳам хоҳларди. Кириллов унинг келганидан мамнун бўлди; уни узоқ, изтироб билан интизор кутгани сезиларди. Унинг башараси одатдагидан кўра оқаринкираган, қора кўзларининг нигоҳи оғир ва бир нуқтага қадалганди.

– Мен келмасангиз керак, деб ўйлагандим, – оғир оҳангда деди у диван бурчагида ўтирганча ўрнидан турмай. Петр Степанович унинг олдига бориб тўхтади ва бир оғиз сўз айтмай унинг юзига тикилди.

– Демак, бари жойида экан ва биз мақсадимиздан чекинмаймиз, балли! – таҳқирли ҳимояткорона тарзда кулди Пётр Степанович. – Ундай бўлса майлига, – қўшиб қўйди у бемаза ҳазил қилиб, – кечиккан бўлсам, сиз шикоят қилмассиз; сизга уч соат тортиқ.

– Сиздан ортиқча соату тортиқ менга керакмас, сен менга совға қилолмайсан... аҳмоқ!

– Қандай? – сескангандай бўлди Петр Степанович, лекин сўнг ўзини босиб олди, – мунча жиззакилик! Э, ғазаб отига минибмиз-да? – деди ҳамон ўша таҳқиромуз калондимоғлик билан. – Бундай пайтда вазмин бўлган яхши. Ўзингизни Колумб ўрнида кўриб, менга худди бир сичқон деб қарангу мендан ранжиманг. Кеча буни сизга тавсия қилгандим.

– Сенга сичқон деб қарагим келмайди.

– Нима бу, мактовми? Бунинг устига чой ҳам совиб қолибди, – демак, ҳаммаси оёғи осмондан. Йўқ, бу ерда

бари шубҳалига ўхшайди. Воҳ! Ойна олдида кўзимга бир нима ташланыпти, тарелкада-ку (у деразага якин келди). Ўҳ-хў, гурунч билан ковурилган товук-ку!.. Лекин нега бунга қўл урилмаган? Демак, бизнинг кайфиятимиз шу аҳволда бўлганки, ҳаттоки товук жониворни...

– Мен овқатландим, ишингиз бўлмасин; огзингизни юминг!

– Ў, албатта, жоним билан. Аммо мен бунга шундок бефарқ қаролмайман. Қаранг, туз тотмаган эдим, шунинг учун агар бу товук, афтидан, сизга керак бўлмаса... а?

– Енг, хоҳласангиз.

– Э раҳмат, чой ҳам бўлармикин?

У бир зумда диваннинг нариги чеккасига стол атрофига жойлашиб олди-да, ҳаддан ташқари очкўзлик билан овқатга ташланди; шу билан бирга ўз қурбонидан кўзини узмасди. Кириллов ғазаб ва нафрат билан унга кимирламай тикилиб турар, гўё кўз узишга кучи етмасди.

– Бироқ, – деб бошини кўтарди бирдан Петр Степанович тўхтамай кавшанаркан, – бироқ иш нима бўлади? Орқага чекинмаслик керак, а? Қогоз-чи?

– Мен шу кеча бир қарорга келдим, менга барибир. Ёзиб бераман. Варақаларними?

– Ҳа, варақаларни ҳам. Мен сизга айтиб тураман. Сизга ахир фарқи йўқ-ку. Наҳотки сизни шундай вақтда хатнинг мазмунни ташвишга солса?

– Бу сенинг ишинг эмас.

– Албатта, менинг ишиммас. Ўзи уч-тўрт катор сўз, холос: Шатов билан бирга варақаларни тарқатганларингиз, бу ерда яшириниб ётган Федька ҳам сизга ёрдам бергани ҳақида. Федька ҳақидаги охирги гап – унинг бу ерда тургани жуда муҳим гап. Сизга буларни очик айтяпман.

– Шатов? Шатов нимага? Шатов ҳақида ҳеч нарса ёзилмайди.

– Ие, сизга нима? Унга энди зарарингиз тегмайди.

– Унинг хотини қайтиб келди. У уйкудан туриб, мендан сўраттирди: у қайда деб?

– Қаерда деб сиздан сўраттирдими? Ҳм, бу чаток-ку. Яна сўраттиради; мен бу ердалигимни ҳеч ким билмаслиги керак...

Петр Степанович безовталаниб қолди.

– У билмайди, яна ухлаб қолди; унинг олдида доя бор, Арина Виргинская.

– Ҳай-ҳай, шу... эшитиб қолмас, а? Ташқари эшикни ёпиб қўйиш керак.

– Эшитмайди. Шатов келса, мен сизни нариги хонага яшириб қўяман.

– Шатов келмайди, биз сотқинлик ва чакув важдан уришиб қолдик... шу кеча... деб ёзасиз, унинг ўлими сабабини маълум қиласиз.

– Ўлдим! – кичкириб юборди Кириллов дивандан сапчиб туриб.

– Бугун кеч соат саккизда ёки яхшиси, кеча кеч соат саккизда, ҳозир соат бир бўляпти.

– Уни сен ўлдиргансан!.. Кеча мен буни билган эдим!

– Билмай-чи! Мана шу тўппонча билан (у, чамаси, кўрсатиб қўйиш учун тўппончани чиқарди, аммо қайтиб қўйнига солмади, ўнг қўлида тайёр тутиб тураверди). – Ўзингиз ҳам қизик одамсиз-да, Кириллов, ахир сиз ўзингиз ҳам билар эдингиз-ку, бу аҳмоқ одамнинг тақдири шундай бўлишини. Яна бунинг нимасини олдиндан билади? Мен буни бир неча маротаба оғзингизга чайнаб солдим. Шатов чакувга тайёрланди; мен кузатиб бордим; шу аҳволда қолдириб бўлмасди. Сизнинг ўзингизга ҳам кузатиб боринг, деб топширилганди; сиз ўзингиз менга бундан уч ҳафта бурун...

– Ўчир! У Женевада башарангга тупургани учун ўлдиргансан!

– Унгаям, яна бошқа нарсаларгаям. Яна кўп бошқа нарсалар бор; мен ҳеч қандай ғазабимни сочганим йўқ. Нега сапчийсиз? Нега оҳанжама қиласиз? Ўхў! Ҳали шу-нақами!..

У дик этиб ўрнидан туриб, тўппончани олдинга кўтарди. Гап шундаки, Кириллов эрталаб ўз тўппончасини тай-

ёрлаб, ўклаб қўйган, хозир уни дераза тоқчасидан қўлига олганди. Петр Степанович отишга тайёр бўлиб, куралини Кирилловга ўқталиб турди. Кириллов аччиқ кулди.

– Мени отиб ташлайди деб ўйладингми, аблаҳ, шунинг учун ўқталапсанми... Йўқ, сени отмайман... гарчи... гарчи...

У шунда яна худди мўлжал олгандай бўлиб, худди шу тобда уни отиб ташласа, бундан чексиз роҳатланадигандай бўлиб, тўппончасини Петр Степановичга тўғрилади. Петр Степанович ҳам отишга шай турар, кутар, охириг сониягача кутар, тепкини босмас, бу аҳволда пешонасидан ўқ ейиши ҳам ҳеч гап эмас: «васвос»га ишониб бўладими. Аммо «васвос» ниҳоят қўлини пастга туширди, у ханси-рар, қалтирар, тили танглайига ёпишганди.

Ўйинни тўхтатайлик, -- куралини туширди Петр Степанович. – Билган эдим ўйин қилаётганингизни; жонингизни хатарга қўйдингиз, холос: мен отиб қўйишим мумкин эди.

Шунда у диванга бирмунча бамайлихотир ўтирди-да, титраётган қўли билан ўзига чой қуйди. Кириллов тўппончани столга қўйиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

– Мен Шатовни ўлдирдим деб ёзмайман, умуман... ҳеч нарса ёзмайман. Хат қолдирмайман!

– Қолдирмайсизми?

– Қолдирмайман.

– Бу нима аблаҳлик ва аҳмоқлик! – қазабидан кўкариб кетди Петр Степанович. – Кўнглимга келган эди бу. Сиз мени ғафлатда қолдирилмайсиз. Бирок, яна ўзингиз биласиз. Сизни зўрлайдиган бўлсам, зўрлардим. Сиз бари бир аблаҳ экансиз, – борган сари ўзини йўқота бошлади Петр Степанович. – Сиз ўша пайтда биздан пул сўрадингиз ва катта ваъда бердингиз... Лекин мен барибир бу срдан натижасиз кетмайман, лоақал ўзингиз ўз пешонангизни мажаклаганингизни кўриб кетаман.

– Сен ҳозирок бу ердан чиқиб кет, – унинг рўпарасида оёқ тираб туриб олди Кириллов.

– Бунинг иложи йўк, – яна тўппончасига ёпишди Петр Степанович, – энди сиз алам килиб ё кўркиб ҳаммасидан қайтиб, эртага бориб сотасиз, яна пул ишламокчи бўласиз; бунга пул тўлашади ахир. Жин урсин, сизга ўхшаган одамларнинг кўлидан ҳамма нарса келади! Факат бунга уриниб ўтирманг, мен олдини олиб қўйганман: Шатов аблахни қандай ўлдирган бўлсам, сизни ҳам шу тўппонча билан бошингизни мажақламагунча кетмайман. Агар кўрқоклик килсангиз ё ниятингиздан қайтсангиз, сизни жин урсин, омон қўймайман!

– Албатта, коним тўкилганини кўрмокчимисан?

– Ғазабим келгани учун қилаётганим йўк, тушунинг; менга барибир. Мен ишимизга зиён етмасин дейман. Одамга ишониб бўлмайди, кўриб турибсиз. Мен сира тушунмайман сизнинг ўзингизни ўлдириш ҳақидаги ҳаёлингизни. Буни мен сизга тавсия қилганим йўк, сиз ўзингиз ҳали мендан олдин биринчи бўлиб менга эмас, хориждаги аъзоларга айтгансиз. Яна эътибор берингки, улардан ҳеч ким сизни мажбур қилмаган, ҳеч ким сизни яхши танимаган, сиз ўзингиз кўнглингизни очиб изҳор қилгансиз. Хўш, нима килиш керак энди, агар ўшандаёқ сизнинг розилингиз ва таклифингиз (ўзингиз эътибор беринг: таклифингиз!) билан бу ерда бажариладиган айрим ишларнинг режаси тузилган, асосланган бўлса, энди ахир уларни сира ўзгартириб бўлмайди-ку. Ўзингизни шундай аҳволга қўйгансизки, ҳозир жуда кўп ортиқча нарсалардан хабардорсиз. Агар олчоклик килиб, эртага сотгани борсангиз, бу аввало, сизнинг ўзингизга фойда келтирмайди, сиз нима деб ўйлайсиз? Йў-ўк, сиз бўйнингизга мажбурият олгансиз, сиз сўз бергансиз, пул олгансиз. Буни сиз ҳеч қачон инкор этолмайсиз...

Петр Степанович каттик кизишиб кетди, аммо Кириллов анчадан бери кулок солмай қўйганди. У яна ҳаёлга ботиб, у ёқдан-бу ёқка бориб келарди.

– Мен Шатовга ачинаман, – деди у яна Петр Степанович рўпарасида тўхтаб.

– Аммо мен ҳам қуяман, аммо, нахот...

– Ўчир, аблах! – бўкирди Кириллов ҳозир даҳшатли бир иш қилиб қўядигандай, – ўлдираман!

– Хўп, хўп, хўп, ёлғон айтдим, майли, ҳеч қуйганим йўқ; бўлди, хўп, бўлди дейман! – кўрқиб ўрнидан сакраб турди Петр Степанович қўлларини олдинга чўзиб.

Кириллов бирдан жим бўлиб қолди ва яна у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

– Мен адо этаман; мен айнан энди ўзимни ўлдираман; ҳаммаси аблах!

– Бунни фикр деса бўлади; албатта, ҳаммаси аблах; дунёда яхши одамга кун йўқ, шунинг учун...

– Аҳмоқ, мен ҳам сендек аблахман, ҳаммага ўхшаган аблах, яхши одам эмас. Ҳеч қайда яхши одам бўлмаган.

– Ниҳоят тушуниб етди. Наҳотки ҳали ҳанузгача сизнинг шу аклингиз етмаган, Кириллов, ҳаммаси ўша-ўша бир хил, яхшиям эмас, ёмон ҳам эмас, фақат ақллироғу аҳмоқроқ ҳолос ва мабодо, ҳамма аблах бўлса (асли бу бекор), унда аблах бўлмаганнинг ўзи йўқ экан-да?

– А! Мабодо сен масҳара қилмаяпсанми? – бироз ажабланиб қаради Кириллов. – Сен иситмалаяпсан ва шундоқ... Наҳотки, сенга ўхшаганларда ҳам эътиқод бўлса?

– Кириллов, сиз нимага ўзингизни ўлдирмоқчисиз, мен ҳеч тушунолмайман. Шунга биламанки, бу эътиқод... метин эътиқод. Лекин сиз юрагингизни очишга эҳтиёж сезаётган бўлсангиз, нима дей, мен хизматингизга тайёрман... Фақат вақт қискалигини унутмайлик...

– Соат неча бўлди?

– Ўхў, роса икки, – соатга қаради Петр Степанович ва папирос тутатди.

«Афтидан, тил топишадиганга ўхшаймиз», – деб ўйлади у ўзича.

– Сенга айтадиган гапим йўқ, – деб тўнғиллади Кириллов.

– Эсимда бу ерда худо борасидаги бир гап... бир сафар менга тушунтирган эдингиз; ҳатто икки марта. Агар ўзингизни отсангиз, унда сиз худога айланасиз, шундай эмасмиди?

– Ҳа, мен худога айланаман.

Петр Степанович кулгани ҳам йўқ; у кутарди; Кириллов унга нозик қилиб қаради.

– Сиз сиёсий лўттивоз ва ўйинчисиз, сиз мени фалсафа томонга бошлаб, кўнглимни кўтариб, мурсогага келтирмоқчисиз, қаҳр-ғазабдан туширмоқчисиз, шундай қилиб тинчитиб, кейин Шатовни мен ўлдирдим деган хатни олмоқчисиз.

Петр Степанович бир мунча табиий соддалик билан жавоб қилди:

– Ҳўп, майли, мен шундай аблаҳ бўла қолай, лекин энг охири соатларингизда сизга бунинг нима фарқи бор, Кириллов? Ўзингиз айтинг, нима учун жанжаллашиб ётибмиз: сиз шундоқ одамсиз, мен шундоқ одамман, ҳўп, нима бўпти? Устига-устак икковимиз ҳам...

– Аблахлармиз.

– Ҳа, балки, аблахлардир. Сиз ахир биласиз-ку, буларнинг ҳаммаси куруқ сўзлар.

– Мен умрим бўйи куруқ сўз бўлмасин дегандим. Шуни истамаганим учун яшаб юргандим. Мен ҳозир ҳам ҳар куни шуни истайман, куруқ сўз бўлмасин.

– Нима қилдик, ҳар ким яхши жойни қидиради. Баллик... яъни ҳар ким ўзига қулайлик излайди; шу холос. Жуда узоқ замонлардан бери маълум.

– Қулайлик, дедингми?

– Сўзни деб тортишиб ўтирамизми?

– Йўқ, топиб айтдинг; майли қулайлик. Худо – зарурат, шунинг учун у бўлиши керак.

– Ана, жуда соз.

– Аммо мен биламан, у йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

– Шу тўғрироқ.

– Сен наҳотки тушунмасанг, мана шундай икки хил фикрдаги одам тирик қолмаслиги керак?

– Ўзини отиши керакми?

– Наҳотки, фақат шунинг ўзи учунгина ўзини отиш мумкинлигини сен тушунмасанг? Сен тушунмайсан, се-

нинг минглаб одамларинг ичида битта ягона шундай одам бўлиши мумкин, битта истамайдиган ва кўтариб кетолмайдиган одам.

– Мен фақат шуни тушуниб турибманки, сиз, назаримда, иккиланаяписиз... Бу жуда чаток.

– Ставрогинни ҳам ғоя еди, – унинг гапига эътибор бермай деди Кириллов қовоғини солганча у ёқдан-бу ёққа юриб.

– Қандай? – қулогини динг қилди Петр Степанович, – қанақа ғоя? Унинг ўзи сизга бир нарса дедими?

– Йўқ, ўзим сездим: Ставрогин агар динга ишонса, ишонганига ишонмайди. Агарда ишонмаса, ишонмаганига ишонмайди.

– Э, Ставрогиннинг бундан кўра ақллироқ нарсалари ҳам бор... – жиғибийрон бўлиб тўнғиллади Петр Степанович Кирилловнинг ранг-туси ўчиб гапнинг ройиши ўзгариб бораётганини безовта кузатаркан.

«Жин урсин, ўзини отмайди, – деб ўйларди у, – олдиндан билардим; мияси айнитган, бошқа ҳеч нарса эмас; мунча ипринди-сипринди одамлар!»

– Сен мен кўриб турган охирги одам: охирги дамда сен билан хафалашиб айрилмасам девдим, – кутилмаганда илтифот қилди Кириллов.

Петр Степанович дарҳол жавоб бермади. «Жин урсин, бу яна ўша гапми?» деб ўйлади у.

– Ишонинг, Кириллов, сизга қўнглимда заррача ёмонлик йўқ, шахсан бир инсон сифатида ва доим...

– Сен аблаҳ, сен сохта ақлсан. Аммо мен ҳам худди сендайман, мен ўзимни отаман, сен эса яшайсан.

– Яъни сиз демокчисизки, мен шунчалар тубанманки, тирик қолишни истайман.

Петр Степанович шундай бир вақтда мана шу гапни давом эттиришнинг нафи борми, йўқлигини сира билолмас ва ниҳоят, барини «оқимнинг ўзига қўйиб беришга» қарор қилди. Аммо Кирилловнинг ундан яшириб ўтирмай нафратланиши, ўзини баланд олиб гапириши авваллари ҳам қаттиқ жигига тегар, ҳозир эса нима учундир илгари-

лардан кўра ҳам кўпроқ шабини келтирмоқда эди. Бунинг сабаби шунда бўлса керакки, бор-йўти бирон соатлардан сўнг ўлиши керак бўлган Кириллов (ҳар қалай Петр Степанович шуни назарда тутарди) унга ҳозир қандайдир яримта одамга ўхшаб кўринар ва унинг энди негадир ҳеч қандай такаббурлик қилиши мумкин эмасдай туюларди.

– Менинг олдимда ўзимни отаман деб мактаняпсизми дейман?

– Мен доим ҳамманинг тирик қолишига ажабланиман, – унинг сўзини эшитмай деди Кириллов.

– Ҳм, олайик, бу ҳам бир гап, бироқ...

– Маймун, сен менга ёкиш учун гапларимни тасдиқлаб турибсан. Жим бўл, ҳеч нарсани тушунмайсан. Агар худо бўлмаса, мен худоман.

– Мана мен ҳеч қачон гапингизнинг шу жойини тушуниб етолмайман: нега энди айнан сиз худо бўларкансиз?

– Агар худо бўлса, унда бутун ирода уники, мен унинг иродасидан кутулолмайман. Агар у бўлмаса, унда бутун ирода меники ва мен ўз майлимни билдиришим керак.

– Ўз майлимни? Нега ундай деяпсиз?

– Чунки бутун ирода меники бўлди. Нахотки, бутун сайёрада ҳеч зот худони тан олмай ўз майлига ишониб, тўла ва узил-кесил маънода ўз майлини билдирилмайди? Бу бамисоли мерос олган қашшоқ каби қўрқиб кетади ва ўзини эгалик қилишга қурби йўқ ҳисоблаб, қоп олдига боришга журъат қилмайди. Мен ўз майлимни билдирмоқчиман. Майли, ёлғиз ўзим бўлсам-да, аммо билдирмоқчиман.

– Майли, билдиринг.

– Мен ўзимни отишим керак, чунки ўз майлимнинг тўла-тўқис намоён бўлиши – ўз-ўзимни ўлдириш.

– Ўзини ўлдирадиган битта сиз эмас-ку; жонига қасд қилганлар қанча.

– Сабаби бор. Лекин ҳеч қандай сабабсиз, фақат ўз майли учун – ёлғиз мен.

«Ўзини отмайди», – деган сўз яна ҳаёлидан ўтди Петр Степановичнинг.

– Биласизми, нима, – деди у ғаши келиб, – мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, ўз майлимни кўрсатиш учун ўзимни эмас, бошқа аллакимни ўлдирардим. Фойдали иш қилган бўлардим. Агар кўркмасангиз, кимни ўлдиришни кўрсатардим. Ана унда бутун ўзингизни отмасангиз ҳам бўлаверади. Келишиб олишимиз мумкин.

– Бошқани ўлдириш ўз майлимнинг энг тубан нуқтаси, сендан яна бошқа нима кутиш мумкин. Мен сен эмасман; мен энг олий нуқтани истайман, мен ўзимни ўлдираман.

«Ақлингга балли», – газабланиб тўнгиллади Петр Степанович.

– Мен ишонмаслигимни билдиришим керак, – у ёқдан-бу ёққа бориб келарди Кириллов. – Мен учун худо йўқ деб айтишдан ҳам юксак ғоя йўқ. Бутун инсоният тарихи менинг томонимда. Одам ўзини ўлдирмай яшаш учун муттасил худони ўйлаб топган. Бутун умуминсоният тарихи ҳозиргача фақат шундан иборат. Мен бутун инсоният тарихида биринчи бўлиб худони ўйлаб топишни истамадим. Абадулабад буни билиб қўйсинлар.

«Ўзини отмайди», – ташвишланарди Петр Степанович.

– Ким ҳам биларди? – у Кирилловнинг қитиқ патига тегди. – Бу ерда сизу мен; Липутинми?

– Ҳамма билсин; ҳамма билади. Ҳеч қандай яширин нарса ошкор бўлмай қолмайди. Мана Ўзи айтган.

Шундай деб, у титроқ хаяжон билан олдида шамчирок ёниб турган Халоскор санамини кўрсатди. Петр Степановичнинг батамом куфри қўзиди.

– Сиз Унинг Ўзига, демак, ишонасиз ва чироғини ҳам ёкиб қўйгансиз; бу «ҳар эҳтимолга қарши» эмасми ишқилиб?

Кириллов индамади.

– Биласизми, менимча, сиз чамаси, кашидан ҳам ортиқ ишонасиз.

– Кимга? Унгами? – Кириллов тўхтаб, қотиб қолган, олайиб кетган кўзлари билан олдинга тикилди. – Жуда катта бир ғояни эшитиб ол: еру заминда шундай кун кел-

ди, ернинг коқ ўртасида учта хоч турарди. Хочдаги бири шунчалар ишонардики, бошқасига деди: «Бутун мен билан бирга жаннатга кирасан». Кун охирига етди, ҳар икковининг жони узилди, юриб-юриб, на жаннатни, на қайта тирилишни топишди. Айтилган сўз исботини топмади. Қулоқ сол: бу одам бутун дунёда энг юксак одам эди, нима учун яшаш кераклигини белгиларди. Ўз устидаги, остидаги жамики нарсалари билан бутун сайёра мана шу одам-сиз – фақат телбаликдан иборат. Аввали ва охири ҳатто мўъжизага довуր Унгача шундайи бўлмаганди. Мўъжизанинг ўзи ҳам шуки, ҳеч қачон бундайи бўлмаган ва бўлмагай. Шундай экан, агарда табиатнинг қонунлари Уни ҳам аямаган, ҳатто ўз мўъжизасига ҳам шафқат қилмаган ва яна Уни ҳам ёлғон ичида яшаш ҳамда ёлғон учун ўлишга маҳкум этган экан, демак, бундан келиб чиқадики, бутун сайёра ёлғон ва ёлғону аҳмоқона ҳазил-мазах устида туради. Демакки, сайёранинг ҳам қонунлари ёлғон ва шайтон ўйинларидир. Шунда яшаш нима учун керак, жавоб бер, агар одам бўлсанг?

– Бу ишнинг тескари томони. Назаримда, бу ерда сиз иккита бошқа-бошқа сабабни аралаштириб юбордингиз; бу жуда лиқилдоқ нарса. Аммо ижозат этинг, хўп, сиз агар худо бўлсангиз? Агар ёлғон тутаса-ю, сиз бу ёлғоннинг бари олдинги худодан эканлигини сезиб қолсангиз-чи?

– Ниҳоят, сен тушуниб етдинг! – деб қичқирди Кириллов эхтирос билан. – Демак, ана, тушунса бўларкан-ку, сендақа бир одам ҳам тушунгандан кейин! Энди тушунгандирсан, ҳамма учун бутун халоскорлик – мана шу фикрни исботлашда. Ким уни исботлайди? Мен! Сира тушунмайман, шу паллагача даҳрий худонинг йўқлигини билиб туриб, шу заҳоти ўзини ўлдирмаганига? Худонинг йўқлигини англаб туриб, шу заҳоти ўзининг худога айланганини англамаслик бемаънилик, билъакс албатта, ўз-ўзингни ўлдирасан. Агар англамасанг – сен шоҳсан ва энди ўз-ўзингни ўлдирмайсан, балки энг асос шараф ичра яшайсан. Аммо биров, яъни ўша биринчи одам албатта ўзини ўзи ўлдириши керак, акс ҳолда ким бошлаб беради,

ким исбот қилади? Мен бошлаб бериш ва исботлаш учун албатта ўз-ўзимни ўлдиргайман. Мен ҳали фақат ғайри-ихтиёрий худоман ва мен бахтсизман, зеро, ўз майлимни билдиришга мажбурман. Ҳамма шунинг учун бахтсизки, ҳаммаси ўз майлини баён қилишга кўрқади. Инсон аини пайтгача шунинг учун ҳам бахтсиз ҳамда кашшоқ эдики, ўз майлининг энг асосий нуктасини баён этишга кўрқарди ва фақат мактаб ўқувчисига ўхшаб бир четга чикиб ўз майлини билдирарди. Мен ёмон бахтсизман, зотан, ёмон кўрқаман. Кўрқув – инсоннинг тавқи лаънати... Аммо мен ўз майлимни билдираман, мен ишонмаслигимга ишонишим керак. Мен бошлаб бераман ва тугатаман ва эшикни очаман. Мен халос қиламан. Фақат шу нарса барча одамларни халос этади ва кейинги авлод жисмонан бошқа авлодга айланади; зотан, ҳозирги жисмоний вужуд ичида инсон аввалги худосиз яшолмайди, мен уни кўп ўйладим. Мен уч йил менинг илоҳимнинг сифатини изладим ва топдим: менинг илоҳимнинг сифати – ўз майлим! Энг асосий нуктада мен кўрсатадиган бўйсунмасликнинг ва менинг даҳшатли янги эркинлигимнинг ҳаммаси шу. Зеро, у жуда ҳам даҳшатли. Мен бўйсунмасликни ва менинг янги даҳшатли эркинлигимни кўрсатиш учун ўзимни ўлдираман.

Унинг юзи ғайритабиий оқарган, нигоҳи чидаб бўлмайдиган оғир эди. Уни иситма тутаётганга ўхшарди. Петр Степанович у ҳозир йиқилиб тушса керак, деб ўйлади.

– Қани, қалам бер! – бирдан ҳеч кутилмаганда кичкирди Кириллов жўшиб. – Айтиб тур, ҳаммасини ёзаман. Шатовни ҳам ўлдирдим дейман. Айтиб тур, жуда кулгим қистаяпти. Калондимоғ кулларнинг фикрларидан кўркмайман! Барча яширин нарсалар ошкора бўлади, ўзинг кўрасан! Сен эса мажақланиб ташланасан... Бунга ишонаман! Ишонаман!

Петр Степанович дик этиб турди, дарров сиёҳдон, қоғоз топди ва вақт келганидан фойдаланиб, иш юришадиган бўлди, дея суюниб, айтиб ёздирди тушди.

– «Мен, Алексей Кириллов, шуни эълон қиламанки...»

– Тўхта! Истамайман! Кимга эълон қиламан?

Кириллов безгак тутгандай қалтирарди. Мана шу эълон қилиш ва у билан бирга туғилган қутилмаган алоҳида бир фикр, афтидан, унинг бутун ҳаёлини бирдан тўла қамраб олди, худди у қандайдир ечимдай, унинг музтар кийноқ ичидаги руҳи бир сонияга бўлса-да, шунга шиддат билан бориб урилди:

– Кимга эълон қиламан? Билишни истайман, кимга?

– Ҳеч кимга, ҳаммага, биринчи бўлиб ўқийдиган одамга. Аниқ бўлиши шартми? Бутун дунёга!

– Бутун дунёга? Қойил! Пушаймон бўлишнинг ҳожа-ти йўқ. Пушаймон бўлишни истамайман; бошлиқларга ёзишни ҳам истамайман!

– Э, йўқ, керакмас, жин урсин бошлиқларни! Э, ёзинг-чи, астойдил айтаётган бўлсангиз!.. – фигони чиқиб кичкирди Петр Степанович.

– Тўхта! Мен тепага тилини чиқариб турган башарани қизиб қўяй.

– Э, бекор! – жаҳли чикди Петр Степановичнинг, – расмсиз ҳам ҳаммасини биратўла англатса бўлади.

– Англатса бўладими? Бу яхши. Ҳа, англатса бўлади, бўлади! Майли, англитиб айт.

«Мен, Алексей Кириллов, – Петр Степанович Кирилловнинг елкаси оша энгашиб, унинг хаяжондан титраган қўли билан ҳар бир ҳарфни қандай ёзаётганини кузатиб, қатъият ва ҳукмпармолик билан айтиб турди, – мен Кириллов эълон қиламанки, бутун... октябрь куни, кечку-рун соат саккизда студент Шатовни ўлдирдим, сотқинлик қилгани учун, ўрмон боғда, яна варақалар ҳақида чаққани учун, яна биз икковимиз яшайдиган Филипповнинг уйида яширинча ижарада туриб, ўн кун тунаган Федькани сотгани учун. Бутун ўзимни ўз тўппончамдан отяпман, пушаймон бўлганим ёки сизлардан қўрққаним учун эмас, балки хорижда ўзимни ўлдираман, деб ният қилиб қўйган эдим».

– Фақат шуми? – хайрон бўлиб, аччиқланиб хитоб қилди Кириллов.

– Бошқа бир сўз ҳам ортиқча! – қўлини силтади Петр Степанович ундан ҳужжатни тортиб олишга уриниб.

– Тўхта! – қоғозга қўлини маҳкам босди Кириллов, – тўхта, бекор! Мен ким билан ўлдирганимни ёзаман. Федька нима қилиб юрибди? Ёнгин-чи? Мен ҳаммасини ёзишни истайман, сўкишни истайман, анғласинлар, ҳа, анғласинлар!

– Етар Кириллов, ишонинг, шунинг ўзи етади! – ялинишга тушди Петр Степанович, унинг қоғозни йиртиб ташлашидан ўлардай кўриқиб. – Бунга ишонишлари учун иложи борича чигал қилиб ёзиш, айнан шундай, айнан ишоралар қилиб ўтиш керак. Ҳақиқатнинг жиндак учини кўрсатиб қўйиш кифоя, зигирча, жигларига тегиб ўтсангиз, бас. Доим биздан кўра кўпроқ ёлғонни тўкиб чиқаришади ва биздан кўра ўзларига кўпроқ ишонишади, шундан яхшиси йўқ, шундан яхшиси йўқ! Қани беринг; шундок ўзи соз, беринг, беринг!

У қоғозни тортиб олишга тиришарди. Кирилловнинг кўзи соққасидан чиқиб, эшитиб турар ва фикрлашга уринар, аммо чамаси, ҳеч нарса миясига кирмасди.

– Э, шайтон! – жаҳли чиқди бирдан Петр Степановичнинг, – ҳали имзосини чекмабди-ку! Нега кўзингизни дўлайтирасиз, қўл қўйинг!

– Мен боплаб сўкаман... – тўнғиллади Кириллов, аммо перони олиб имзосини чекди. – Мен боплаб сўкишни истайман...

– Имзо қўйинг: *Vive la republique*⁹⁴, шунинг ўзи кифоя.

– Қойил! – жўшиб-тошиб бўқирди Кириллов хаяжонининг зўридан. – *Vive la republique democratique, sociale et universelle on la mort!*⁹⁵ Йўқ, йўқ, ундаймас. – *Liberte, egalite, fraternite on la mort!*⁹⁶ Мана шуниси яхши, бу яхши, – у роҳатланиб имзоси тагидан шу сўзларни ёзди.

⁹⁴ Яшасин Республика (*франц.*)

⁹⁵ Яшасин демократик, ижтимоий, умумжаҳон республикаси ё ўлим! (*франц.*)

⁹⁶ Озодлик, тенглик, биродарлик ё ўлим! (*франц.*)

– Етарли, етарли, – ҳамон такрорларди Петр Степанович.

– Тўхта, яна озгина... Мен, биласанми, яна бир карра французчасига имзо чекаман: «de Kiriloff, gentilhomme russe et citoyen du monde».⁹⁷ Хах-хах-ха! – хахолаб кулди у. – Йўк, йўк, йўк, тўхта, энг яхшисини топдим, эврика: gentilhomme-seminariste russe et citoyen du monde civilize!⁹⁸ – мана бу ҳаммасидан яхши... – шунда у дивандан сакраб турди, дераза токчасидан тез бориб тўппончасини олди, югуриб нариги хонага чикиб, орқасидан эшикни зичлаб ёпди. Петр Степанович бир дақиқача эшикка бокқанча ўйланиб туриб колди.

«Агар хозир бўлса, балки отар, яна ўйланиб ўтирса, ҳеч вако бўлмайди».

У яна коғозни олиб, ўтириб кўздан кечира бошлади. Билдириш хати унга маъкул кўринди:

«Хозирча нима керак? Уларни чалгитиб, вақтдан ютиш керак. Ўрмон бог? Шахарда ўрмон бог йўк, ўйлаб-ўйлаб Скворешники деган фикрга келишади. Унгача вақт ўтади, қидириб топишгунча яна вақт кетади, мурдани қидириб топишса – э, тўғри ёзган экан дейишади; демак, ҳаммаси тўғри, демак, Федька ҳақидаги гап ҳам рост. Федьканинг ўзи нима деган нарса? Федька – бу ёнғин, бу Лебядкинлар: демак, ҳаммаси Филипповнинг уйидан чувалашиб чикиб келаверади, кўрмай қолибмиз-да, бурнимизнинг тагида экан, билмабмиз-да, деб ёзғиришади – тоза бошлари чириллаб айланади! Бизникилар хаёлларига ҳам келмайди; Шатов, Кириллов, Федькаю Лебядкинлар; нега булар бир-бирларини ўлдиришди экан – ана яна уларнинг бошини қотирадиган савол. Э, жин урсин, отмайди шекилли!...»

У хатни ўкиб ундан завқланаётган эса-да, икки кулоғи кўшни хонанинг эшигида эди – бирдан жажли кўзиди. У соатга безовта бўлиб қаради; вақт анча кеч эди; анави киниб кетганига ҳам ўн дақиқадан ошди... У шамни кўта-

⁹⁷ «Кириллов, рус дворяни ва дунё фуқароси» (франц.)

⁹⁸ Рус дворян-семинаристи ва маданий дунё фуқароси (франц.)

риб, Кириллов кириб кетган эшикка борди. Эшик якинида унинг хаёлига шам ҳам ёниб тугаяпти, йигирма дақиқалардан сўнг батамом ёниб битади, бошқа шам йўқ, деган ўй келди. У эшик туткичини ушлади-да, килт этмай кулок тутди, зинг этган товуш чиқмасди: у бирдан эшикни очди ва қўлидаги шамни юкори кўтарди: нимадир ўкириб унга ташланди. У жони борица эшикни қарсиллатиб ёпди ва яна унга қапишиб кулок тутди, аммо яна жимжитлик чўкди – ўлик сукунат.

У қўлида шам билан анчагача журъатсиз туриб қолди. Боя эшикни очган лаҳзада у даҳватан ҳеч нарсани кўролгани йўқ, бироқ хонанинг ичкарисиди дераза олдида Кирилловнинг башараси кўзга чалинди-да, шу заҳоти у ваҳшиёна кутуриб унга ташланди. Петр Степанович сесканди, шамни тезгина столга қўйди, тўппончасини шайлаб, оёқ учида хонанинг нариги қарама-қарши бурчагига ўтди, агар Кириллов эшикни очиб, тўппонча билан столга яқинлашса, у мўлжалга олиб улгурар ва тепкини Кирилловдан илгари боса оларди.

Энди Петр Степанович унинг ўз жонига қасд қилишига ишонмасди! «Хонанинг ўртасида ўйлаб турган экан, – Петр Степановичнинг хаёлидан бу фикр қуюндай ўтди. – Бунинг устига хона ичи зимистон, қоронғу, даҳшат... У ўкириб мен томонга отилди – бу ерда икки ҳол бўлиши мумкин: у тепкини энди босмоқчи бўлиб турганда, мен халал бердим, шекилли, ёки... ёки у мени қандай ўлдиришни ўйлаб ўйига етолмай турган. Шундай, у ўй суриб турган... У билади, агар ўзи қўрқоқлик қилса, мен уни ўлдирмагунча кетмайман, – шунинг учун уни мен ўлдирмай туриб, у мени ўлдириши керак... Яна жимжитлик, яна! Жуда қўрқинчли: бирдан эшикни очиб юборса... Ҳамма чўчкалик шундаки, у худога кашишдан ортиқ ишонади... Ўлсаям ўзини отмайди!.. Бу «ўз ақли билан етиб борганлар» энди кўпайиб, болалаб кетди. Ифлос! Эҳ, шайтон, шам, шам! Чорак соатда албатта ёниб тугайди... тугатиш керак; қандай бўлмасин тугатиш керак... Нима ҳам қилдик, энди ўлдириш мумкин... Бу қоғоз бор экан, ҳеч ким мени ўл-

дирган деб ўйламайди. Уни полга шундай ётқизиб қўйиш мумкинки, қўлида ўқи бўшаган тўппонча бўлгач, албатта, ўзини ўзи отган, деб ўйлашади... Ох, шайтон, қандай ўлдирсам? Эшикни очсам, у яна ташланади ва мендан олдин ўқ узади. Э, шайтон, албатта тегизолмайди!»

У ниятнинг мукаррарлиги-ю, ўзининг журъатсизлигидан шундай титраб-қалтираб қийналарди. Ниҳоят, у шамни олиб тўппончасини кўтариб тайёр тутган ҳолда яна эшик яқинига борди; шам ушлаган чап қўли билан эшик қабзасини босди. Аммо чаток бўлди: қабза қирсиллади, гичирлаган овоз эшитилди. «Тўппа-тўғри отади», – деган ўй лип этиб ўтди Петр Степановичнинг калласидан. У оёғи билан эшикни кучи борица итарди, шамни кўтариб, тўппончани тўтрилади; аммо на бақирик ва на ўқ овози чиқди. Хонада ҳеч ким йўқ эди.

У қалтиради. Хонадан бошқа ҳеч қаёққа чиқиб, ўтиб бўлмасди. У шамни янада баландроқ кўтариб, диққат билан разм солиб қаради: ҳеч ким йўқ. У охиста Кирилловни чақирди, кейин яна овозини баландроқ кўтарди; ҳеч ким жавоб бермади.

«Наҳот деразадан кочган бўлса?»

Ҳақиқатан, бир деразанинг битта кичик дарчаси очик эди. «Бўлмаган гап, кичик дарчадан қочиб кетиши мумкин эмас». Петр Степанович хонани кесиб ўтиб дераза олдига борди: «Ҳеч иложи йўқ». Бирдан у тез орқага ўтирилди-ю, қутилмаган ҳолдан ларзага тушди.

Деразаларга карама-карши деворда эшикнинг ёнида жавон турарди. Жавоннинг ўнг томонида, жавон билан девор орасида ҳосил бўлган бурчакда Кириллов турар, турганда ҳам, жуда ғалати эди, – унинг чўзилган гавдаси қимирламас, қўллари икки ёнига тик осилган, бошини тик кўтариб, энсасини деворга маҳкам тираган, худди бурчакда йўқолиб, сингиб кетишга чоғлангандай эди. Афтидан, у яширинмоқчи бўлган, лекин бунга қандайдир сира ишониб бўлмасди. Петр Степанович ушбу бурчакка нисбатан бироз қиялаб турар ва гавданинг фақат чиқиб турган бўлакларигина унинг кўзига ташланарди. У Кирилловни

тўлалигича кўриш ва жумбокни аниклаш учун бироз сўл томонга ўтишга хануз журъати етмасди. Унинг юраги каттик дукиллаб ура бошлади... Шунда бирдан у ёмон кутуриб кетди, жойидан кўзгалди, оёқларини гурсиллатиб тешиб бакирди-да, кўркинчли қаҳр-газаб билан ўзини бурчакка отди.

Аммо якин боргач, даҳшатдан зириллаб, худди коккан қозикдек қаққайганча қолди. Уни яна асосан шу нарса ҳайрону лол қилиб қўйдики, унинг кутуриб ташлангани ва каттик бакирганига карамасдан гавдаси ҳатто кимир ётмади, худди унинг узвлари темир ёки мумдан ясалгандай эди. Башараси ғайритабиий оқарган, қора кўзлари қотиб қолган ва қандайдир бир нуктага тикилганди. Петр Степанович шамни дам пастга, дам юқорига кўтариб, уни ёритиб кўздан кечирди, юзига разм солди. Петр Степанович бирдан пайкаб қолди: Кириллов аллақайга – бир нуктага тикилган бўлса-да, уни қиялаб кўриб турар, балки кузатар ҳам эди. Шунда унинг ҳаёлига бир фикр келди: ёниб турган шамни «ушбу ярамас»нинг башарасига тутиб қўйдирса-чи, қани нима қиларкин, кўрамиз. Кутилмаганда, назарида, Кирилловнинг энгаги кимирлагандай ва лабларида кинояли табассум ўйнагандай ва худди унинг фикрини уккандай бўлди. Петр Степанович титраб ҳушини йўқотгандай Кирилловнинг елкаларидан маҳкам тутди.

Шундан сўнг кўз очиб-юмгунча шундай бир хунук воқеа рўй бердики, Петр Степанович кейин буларни хотирлаганда, ҳеч жой-жойига қўёлмади. У қўлини Кирилловга тегизар-тегизмас, Кириллов жуда тез бошини эгди-да, яна боши билан уриб Петр Степановичнинг қўлидаги шамни учуриб юборди; шамдон шакиллаб ерга тушди, шам ўчди. Шу сониядаёқ Петр Степанович чап қўлининг жимжилоғи каттик сирқираб оғриб кетганлигини сездди. У бакириб юборди ва шуни эслайдики, эс-ҳушини йўқотганча ўзига ёпишган ва бармоғини тишлаган Кирилловнинг қалласига жон-жаҳди билан уч маротаба тўппонча билан урди. Ниҳоят, у бармоғини тортиб олди-да, бош-кетига карамай, қоронғуда қоқилиб-суқулиб уйдан қочиб чиқди. Унинг орқасидан уй ичидан:

– Ҳозир, ҳозир, ҳозир, ҳозир... – деган даҳшатли са-
долар эшитилди.

Ун бора янгради бу овоз. Аммо Петр Степанович ха-
мон кочар ва ниҳоят, даҳлизга етганда, бирдан гумбурлаб
ўк овози чиқди. Шунда у даҳлизда коронғуда тўхтади-да,
беш дақиқача ўйланиб турди; ниҳоят, яна хонага қайтиб
кирди. Аммо шам топиш керак эди. Жавоннинг ўнг тара-
фидан полга уриб туширилган шамдонни топса бўларди;
аммо шам олқиндисини нима билан ёқади? Калласида ил-
гари эсида қолган бир нарсаярқ этиб кетди: кеча у Федь-
канинг таъзирини бериш учун ошхонага югуриб кирганда,
бурчакдаги токчада қатта қизил гугурт қутисини қўзи би-
лан илғагандай бўлганди. У тимирскиланиб чап тарафга
ошхона эшиги томонга ўтди, эшикни топди, даҳлиздан
ўтиб, пиллапоядан пастга тушди. У ҳозиргина эсига туш-
ган токчадан коронғуда қўли билан пайпаслаб ичи тўла,
ҳали очилмаган гугурт қутини топди. У гугуртни ёқмасдан
шошиб юқориға кўтарилди, фақат жавон ёнига, Кирил-
ловнинг бошига тўппонча билан урган жойга етгандаги-
на бирдан эсига тишланган бармоғи тушди-да, шу заҳоти
бармоғида чидаб бўлмайдиган оғриқ туйди. У тишини-ти-
шига босиб, амаллаб шам олқиндисини ёқди-да, уни яна
шамдонга қўндириб, атрофга аланглади: дарчаси очик
дераза тарафда оёқлари хонанинг ўнг бурчагига чўзилиб
Кирилловнинг жасади ётарди. Ўқ ўнг чаккасига узилган,
у бошини тешиб чап ёғидан чикиб кетганди. Атрофга қон
ва миянинг мағзи сачраганди. Тўппонча полда чўзилган
қўлида эди. Тил тортмай ўлгани кўриниб турарди. Ҳам-
маёқни ўта эҳтиёткорона диққат билан қўздан кесчиргач,
Петр Степанович ўрнидан турди-да, оёқ учида юриб чиқ-
ди, шамни биринчи хонадаги стол устига қўйди, бирпас
ўйланиб, уни ўчирмаслик фикрига келди, олқиндидан ўт
тушмайди, деб ўйлади. Яна бир қарра стол устида қолган
хатга қараб қўйди-да, беихтиёр иршайди-ю, шундан сўнг-
гина яна нима учундир оёқ учида уйдан чикиб кетди. У
яна Федьканинг сўкмоғи ва туйнугидан ўтиб, орқасидан
яна уни ёпиб қўйди.

III

Тонг сахар соат олтига ўн дакика колганда, темир йўл вокзалида анча узунгина чўзилиб кетган вагонлар ёнида Петр Степанович билан Эркель у ёқдан-бу ёкка юриб туришарди. Петр Степанович жўнаб кетяпти, Эркель уни кузатишга чиккан. Юклар топширилган, саквояж иккинчи тоифа вагонга тегишли жойга жойлаштириб қўйилганди. Биринчи кўнғирок чалинган, иккинчисини кутишарди. Петр Степанович вагонларга чиқаётган йўловчиларни кўздан кечириб, атрофга очик боқарди. Аммо якин танишлар кўринмасди; факат икки маротабагина - узоқ таниши савдогар ҳамда бу ердан икки бекат наридаги бутхонасига бораётган бир ёш кишлоқ рухонийси билан бош силкиб саломлашди. Эркель чамаси, мана шу охириги дақиқаларда бирон мухирок нарсалар устида сўйлашгиси келар, лекин, бунинг афтидан, айнан нималигини ўзи ҳам билмасди; биринчи бўлиб оғиз очишга ботинмасди. Нима учундир, назарида, Петр Степанович уни хушламаётгандай, кейинги кўнғирокларни токатсизлик билан кутаётгандай туюларди.

– Сиз ҳаммага шундай очик қараяпсиз, – андак ботинмай деди Эркель худди огохлантирмоқчи бўлгандай.

– Бунинг нимаси ёмон? Мен ҳали яшириниб юришимга эрта. Хавотир олманг. Мен фақат Липутин жин чалгандай келиб колмаса деб кўркаман; ис олса дарров етиб келади.

– Петр Степанович, уларга ишониб бўлмайди, – катъият билан деди Эркель.

– Липутинми?

– Ҳаммалари, Петр Степанович.

– Бекор, энди ҳаммаси кечаги воқеага алоқадор. Биронтаси ҳам сотмайди. Акли расо одам ўзини ҳалокатга урмайди.

– Петр Степанович, улар аклу хушларини йўқотиб қўядилар.

Бундай фикр Петр Степановичнинг калласига ҳам аввал келган бўлса керакки, Эркелнинг гапидан жаҳли чиқди:

– Юрагингиз пўкиллаяптими, Эркель? Уларнинг ҳаммасидан кўра сизга кўпроқ ишонаман. Мен энди ким нимага кодирлигини биламан. Уларга шу бугунок бу сўзларни тушунтиринг, мен уларни сизга топшириб кетяпман. Эрталабдан ҳар бировининг олдига кириб ўтинг. Эртан уларнинг сали эс-хушлари жойига тушгандан сўнг менинг ёзма йўл-йўриғимни уларга эшиттиринг. Индин бўлса ҳам майли... аммо амин бўлинг, улар эртагаёк хушёр тортишади, негаки, жуда қўриқиб, тиззалари қалтираб турибди, шунинг учун гаҳ десангиз, қўлингизга қўнишади... Асосийси, сиз шахдингиздан тушманг.

– Эҳ, Петр Степанович, сиз шу ерда бўлсангиз, яхшийди!

– Мен у ёқда кўп турмайман; тезда қайтаман.

– Петр Степанович, – эҳтиёткорлик, аммо катъият билан деди Эркель, – сиз Петербургга ҳам ўтсангизмикин. Мен тушунаман, сиз умум ишимиз учун факат зарур бўлган ишларнигина қиласиз.

– Фаросатингизга балли, Эркель. Мен Петербургга бораётганимни фаҳмлаган бўлсангиз, унда англагандирсиз, мен кечаги ҳолатда уларга узоққа кетаётганлигимни айтолмадим, уларни ваҳимага солишни истамадим. Уларнинг қандай аҳволга тушганларини ўзингиз кўрдингиз. Лекин сиз тушуниб турибсиз, мен иш учун, асосий ва муҳим иш учун, муштарак иш учун боряпман, мен қочиб қолмокчи эмасман, ҳолбуки, қандайдир Липутинга ўхшаганлар шундай деб ўйлайди.

– Петр Степанович, менга деса хорижга бормайсизми, мен буни тушунаман; мен тушунаман сиз ўзингизни сақлашингиз керак, чунки сиз – бари, биз эса – ҳеч. Мен тушунаман, Петр Степанович.

Шўрлик болапакирнинг ҳатто овози титраб кетди.

– Раҳмат сизга, Эркель... Воҳ, қўлимнинг ярасига тегиб кетдингиз (Эркель унинг қўлини қисиб қўймоқчи эди;

тишланган бармок кора латта билан чирмаб бойланганди). – Аммо сизга яна ишонч билан айтаманки, мен Петербургга факат хабар олгани кетяпман, балки бор-йўги бир кунгина бўларман, сўнг дарров қайтиб келаман. Келгач, мен одамларнинг кўзи учун Гагановнинг кишлогида тураман. Агар бирон хавф-хатар тугилса, уни елкама-елка туриб қарши оламиз, ўзим сафнинг бошида тураман. Мабодо, Петербургда ушланиб қолсам, дарҳол ўзингизга маълум йўл билан сизга хабар киламан, сиз эса уларга етқизасиз.

Иккинчи кўнғирок чалинди.

– Йўлга тушишга беш дакика қолди. Биласизми, бу ердаги тўда тарқалиб кетишини мен истамасдим. Мен-ку, кўркмайман-а, мендан хавотир олманг; умумий тармокнинг узвий бўлаклари менда етарли, жуда кўзим учиб тургани йўқ; аммо яна бир бўлак ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Дарвоқе, сизни бу тасқаралар билан ёлғиз қолдириб кетаётган бўлсам-да, кўнглим сиздан тўқ: хавотирланманг, улар сотишмайди, журъатлари етмайди... Эй-ҳа-а, сиз ҳам бугун кетяпсизми? деб қичқирди у бирдан олдига қулиб саломлашгани келган ёш йигитга бутунлай бошқача қувноқ овоз билан. – Сиз ҳам шу тезюрар поездда кетишингизни мен билмабман. Ойингизни кўргани бопсизми?

Ёш йигитнинг онаси қўшни вилоятдаги жуда бой мулкдор эди, йигитча эса Юлия Михайловнага узок қариндош бўлар, у шахримизда икки ҳафтача меҳмон бўлиб турганди.

– Йўқ, мен узокрокка, Р... га кетяпман... Саккиз соатча вагонда бўлишга тўғри келади. Петербургга кетяпсизми? – қулди йигитча.

– Нега мени нақ Петербургга кетяпти, деб ўйладингиз? – янада очилиброк қулди Пётр Степанович.

Ёш йигит унга тўқаланган бармоғи билан пўписа қилиб қўйди.

– Бўпти, сиз топдингиз, – унга сирли қилиб шивирлади Пётр Степанович, – мен Юлия Михайловнанинг хатларини олиб кетяпман, очигини айтсам, қуриб кетсин. Била-

сизми, у ерда уч-тўрт қандайдир одамларга кириб чиқиб керак. Жин урсин бунақа ишни!

– Айтинг, улар нега мунча кўриб кетишди ўзи? – йигитча ҳам шивирлаб сўзлашди. – Холам, хатто мени ҳам кеча ёнига йўлатмади; менимча, эри учун титраб-какшаб ўтирмаса ҳам бўлади; аксинча, ёнгин пайтида у жонини аямади, йикилиб тушганини ҳамма кўрди.

– Ана кўрдингизми, – кулиб юборди Петр Степанович, – хоним бу ердан юкорига ёзиб юборишган деб чўчияпти... шу айрим жаноблар... Бир сўз билан айтганда, бу ерда энг асосийси Ставрогин; яъни княз К. Эҳ, бу бир дунё тарих; азизим, мен сизга баъзи бир нарсаларни айтиб кўяй -- яъни жўмардлик кўтарганча... Бу кишим менинг кариндошим прапоршик Эркель, уезддан.

Эркелга кўз кирини ташлаб турган ёш йигит шляпасига бармогини теккизиб қўйди; Эркель таъзим қилди.

– Биласизми, Верховенский, саккиз соат вагонда кетишнинг ўзи бўлмайди, азоб. Биз билан бирга биринчи тоифа вагонда қўшнимиз Берсстов ҳам кетяпти, жуда қизикчи одам, полковник; у Гаринага уйланган (неc de Carine)⁹⁹, биласизми, у тузук одамлардан. Ўзига яраша фикри ҳам бор. Бу ерда фақат икки кунгина бўлди. Аралаш карта ўйинига суяги йўқ; ўйнаб кўрамизми, а? Тўртинчи ўйинчини ҳам кўз остига босиб қўйганман – Припухлов деган киши, т-лик соколдор савдогар, пули мил-мил, яъни ҳақиқий маънода мил-мил, сизга айтиб қўйяпман-да... Мен сизни у билан таништираман, канор-канор пул, тоза хангома киламиз.

– Аралаш карта дессангиз, мен жоним билан, жуда яхши кўраман вагонда ўйнаб кетишни, аммо мен иккинчи тоифа вагондаман.

– Э, кўйинг-е, бўлмайди! Бизга ўтинг. Мен ҳозир сизни биринчи тоифага ўтказишларини айтаман. Катта кондуктор ошнаимиз, йўқ демайди. Юкларингиз борми?

– Э, койил, кетдик!

⁹⁹ Асли фамилияси ҳам Гарина (франц.)

Петр Степанович саквояж, ёпинчик, китобини олдида, шу захоти жон-жон деб биринчи тоифа вагонга ўтди. Эркель ёрдамлашди. Учинчи кўнғирок чалинди.

– Бўпти, Эркель, – Петр Степанович худди банда одамдай шошиб вагон ойнасидан охирги маротаба қўлини чўзди, – мен ҳозир улар билан ўйинга ўтираман.

– Тушунтирмасангиз ҳам биламан, Петр Степанович. тушунаман, ҳаммасини тушунаман ахир, Петр Степанович!

– Бўпти, яхшиликда кўришайлик, – Петр Степанович ёш йигит ҳамроҳлари билан таништиришга чакираётгани учун ўша ёкка ўгирилди. Ана шундан сўнг Эркель ўзинини Петр Степановичини бошқа ҳеч қачон кўрмади!

У уйга маъюс ҳолда қайтди. Петр Степанович ташлаб кетаётганидан кўрқаётгани йўқ эди, бироқ... анов олифта чакириши билан дарҳол юзини ўгириб кетди-я, яна бу... бошқа гап топилмагандай куруккина қилиб «яхшиликда» дегани-чи, ёки... лоакал қўлини маҳкам қисиб ҳам қўймади-я.

Ана шунга у доғда эди. Килкиллаган юрагини аллақандай бошқа бир нарса тимдаларди, бунинг нималигини ўзи ҳам билмасди, қандайдир кечаги оқшом билан боғлиқ эди.

ЕТТИНЧИ БОБ

СТЕПАН ТРОФИМОВИЧНИНГ
ОХИРГИ ЮРИШИ

I

Ишончим комилки, Степан Трофимович ўз телбаворий ижтиҳодининг дамлари яқинлашиб келгани сайин бундан юраги каттик пўкилларди. Ишончим комилки, у айниқса, воксанинг арафа кечаси, ўша сертахлика кеча каттик кўриб азоб чекарди. Настасья кейинчалик унинг жуда кеч уйкуга ётгани ва ухлаганини айтиб берди. Аммо бу ҳеч нарсани англатмайди; айтишларича, ўлимга ҳукм этилганлар қатл арафасида ҳам каттик ухлайдилар. Асабий одам тонг ёришганда ўзини бирмунча тетик сезади, Степан Трофимович эса купна-кундузи йўлга тушди (Виргинскийнинг майор кариндоши эса, тун ўтиб тонг оқариши билан ҳатто худога ҳам ишонишни бас қиларди), аммо ченинг ишончим комилки, Степан Трофимович ўзини баянни мана шундай аҳволда катта йўлда ёлғиз кетаётганини аввал ҳеч тасаввурига келтириб кўрмаган бўлса керак. У бирдан кутилмаган даражада ёлғиз қолди, унинг фикр-халқларида жўш урган ўша таваккалчилик балки бу ёлғизлик даҳшатини бироз бўлса-да юмшатгандир, ахир меҳрибон Stasic¹⁰⁰ ни, йигирма йил жонининг роҳати бўлган иссик қойини шундай бирдан ташлаб чиқишнинг ўзи бўладими. Аммо бари бир: у ўзини олдинда кутаётган барча даҳшатларни аниқ тасаввур қилганида ҳам, бари бир катта йўлга чиққан ва ундан оғишмай борган бўларди! Ҳеч нарсага қарамасдан, бунда қандайдир мағрур ва кўксини сурур билан тўлдирган алланима бор эди. О, албатта, у Варвара Петровнанинг қулай ва ҳашаматли шарт-шароитларини

¹ Настасьяни (франц.).

қабул қилиб, унинг ҳимоятида «comme un¹⁰¹ оддий сизинди» бўлиб яшайвериши мумкин эди! Аммо у бу мурувватни хохламади ва қололмади. Ҳа, мана энди у ҳабибадан айрилади ва ниҳоят, «буюк ғоя байроғи»ни баланд кўтарди-ю, катта йўлда унинг учун жон қурбон қилиб одим отади! Буни у аини шундай тасаввур қилган, ўзининг хатти-ҳаракатини мана шундоқ туйган бўлиши керак.

Мен яна бошқа бир масалани ҳам кўп ўйлаб кўрдим: нима учун у айнан пойи пиёда қочди, нима учун у от-аравага минмади? Бошида буни ўзимга ёши элликка қирган кишининг укувсизлиги ва кучли фикр туғёнлари чоғидаги ҳаёлнинг чувалашиши деб тушунтиргандай бўлдим. Назаримда, йўлнома олиб от-арава қилиб юриш (гарчи қўнғироклар садоси остида бўлса ҳам) унга ғоятда одми ва жўн бир нарса бўлиб туюлгандир; билъакс, соябон кўтарган ҳолда зиёратчидай юриш хийлагина кўркамоқ ва ҳабибона гина-кудуратларга ярашадиганроқ бўлиб кўрингандир. Аммо мана энди ҳаммаси тугаб битгандан сўнг, менга шундай туюладик, булар бари ўша маҳалда анча одмироқ тарзда рўй берган: биринчидан, йўлнома ва от-арава қилиб ўтирмаганининг боиси Варвара Петровнанинг билиб қолишидан кўркқан, ҳабибаси уни куч ишлатиб бўлса-да, тутиб қолиши ҳеч гап эмасди, у бундан тоймасди, Степан Трофимович эса унга бўйсунишга мажбур бўларди, ана унда буюк ғоя билан мангу хайрлашишга тўғри келарди. Иккинчидан эса, йўлнома ва от-арава буюриш учун лоақал қайсқа боришингни билишинг жоиз. Аммо худди мана шу билиш деган нарсанинг ўзи ўша дамда унга энг кўп азоб берарди: у бирор манзилини айтиш ва белгилашни мутлақо истамасди. Зотан, у аниқ бирон шаҳарни айтиб қўйса, ўз тадбири ўзининг кўз ўнгиде дарҳол бемаъни, ақлга тўғри келмайдиган бир нарсага айланарди; у буни олдиндан жуда қаттиқ ҳис қиларди. Ҳа, ҳўп, у нима қилади айнан шу шаҳарда ёки яна бошқа бирида? Се marchand¹⁰² ни қидирадими? Аммо қандай marchand? Ана шунда яна

¹⁰¹ Шундай (франц.).

¹⁰² Шу савдогарни (франц.).

ўша энг кўркинчли иккинчи савол дарҳол юзага чиқарди. Моҳиятан, унинг ана шу се marchandдан кўркинчлироқ нарсаси йўқ эди, шунини у бирдан бош-кетига қарамай қидиришга тушган ва қизиғи шундаки, уни ҳақиқатан ҳам қидириб топишдан ўлгудай кўркарди. Йўқ, яхшиси, шу катта йўл, унга чиқиш ва одим отиш жуда осон ва ҳозирча ҳеч нарсани ўйламасликнинг иложи бор экан, ўйламагани маъкул. Катта йўл – бу охири кўринмайдиган, алланечук узундан-узок бир нарса, – бамисли инсон ҳаёти, бамисли инсон орзуси. Катта йўл деганда, фикру ғоя бор, от-аравадан эса нима ғоя бўлсин? Йўлнома, от-арава деганда, ғоя тугайди... *Vive la grande route*¹⁰³, у ёғига худо подшоҳ.

Мен баён қилиб ўтгандим, у Лиза билан тўсатдан ва қутилмаганда учрашиб қолганидан сўнг яна ақли-хушини йўқотиб хайё-хайт деб йўлга тушди. Катта йўл Скворешникидан ярим қақирим наридан ўтар, – яна қизиғи, у аввалига катта йўлга тушганини ҳам билмай қолди. Бафуржа ўйлаб кўриш, аниқ англаб етиш ўша дамда унинг учун тоқат қилиб бўлмайдиган бир нарса бўлиб кўринарди. Майдалаб ёққан ёмғир дам тўхтар, дам яна ёға бошларди; аммо у ёмғирга эътибор бермасди. У юк халтасини елкасига ташлаб олгани ва юриш бундан анча енгиллашганининг ҳам фарқига бормади. Бир ёки бир ярим қақиримлар юргач, чамаси, бирдан тўхтаб атрофга назар ташлади. Унинг кўз олдида арава ғилдираклари ўйиб ташлаган, эски йўлнинг икки томонида оқ толларнинг буталари узундан-узок поёнсиз чўзилиб ётарди; ўнг томонида шип-шийдон, аллақачон ўриб олинган дала-туз; сўл ёғи – бутазор, ундан у ёғи кета-кетгунча ўрмонлик.

Олис-олисларда қиялаб кетган темир йўл излари элас-элас кўзга ташланади, йўл узра қандайдир поезднинг дудлари лоқайд сузади; аммо овозлар эшитилмайди. Степан Трофимович биров чўчиди, лекин бу бир зумгина давом этди, холос. У беихтиёр хўрсинди, юк халтасини оқ тол бутаси тагига қўйди-да, нафас ростлаш учун чўқди. Ўтириш учун ҳаракат қиларкан, бадани жунжикканини

¹⁰³ Яшасин катта йўл (франц.).

сезиб, калин ёпинчигига ўраниб олди; шу заҳоти ёмғир шивалаётганига эътибор килди-да, соябонини бошига тутди. Анча вақт шу алфозда ўтирди, у дам-бадам лабларини чапиллатиб кўяр, соябон дастасини қўлида маҳкам сиқиб ушларди. Унинг кўз ўнгида рўёлар пароканда тўзғир, бири ўрнига бошқаси тинимсиз бостириб келарди. «Lise, Lise, – деб ўйларди у, – унинг ёнида се Maurice...»¹⁰⁴ Қизиқ одамлар... Лекин галати ёнгин чиққан, улар шуни гапиришди, яна ўлган одамлар?.. Менимча, Stasie нинг ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ, мени қаҳва тайёрлаб кутиб ўтиргандир... Қартами? Мен қартага одамларни ютқизган эканманми? Ҳм... анави крепостной ҳуқуқ замонларида Россиямизда... Ох, худойим, ахир Федька-чи?» У кўркиб қалтираб кетди ва атрофга олазарак қаради: «Бу ерда буталар орқасида ўша Федька ўтирган бўлса-я; айтишларича, катта йўлда унинг қарокчилар тўдаси бор эмиш? О, худойим... Мен ўшанда... Мен унга тўғрисиини айтиб бераман, мен айбдорман дейман... Ўн йил сени деб азоб чекдим, бунинг олдида сенинг солдатда юрганинг ҳеч гап эмас, кейин... кейин унга ҳамёнимни бераман. Ҳм, j'ai en tout quarante roubles; il prendra les roubles et il me tuera tout de meme»¹⁰⁵.

У кўрканидан нима учундир соябонни ёпиб ёнига қўйди. Шаҳардан келаверишда узокдан қандайдир отулов кўринди; хавотирланиб уни кузата бошлади.

«Grâce a Dieu»¹⁰⁶ арава экан, яна секин юриб келяпти; кўркмаса ҳам бўлади. Шу ерларнинг абгор кирчанғи отлари... Мен доим отнинг зотини гапириб келганман... дарвоқе, отнинг насли ҳақида клубда Петр Ильич сўйлаганди, ўшанда қартада мен уни қоклагандим, et puis,¹⁰⁷ аммо орқасидаги нима, яна... афтидан, хотин киши ҳам бор. Хотин киши билан мужик – cela commence a etre rassurant¹⁰⁸. Хотин киши орқада, эркак эса олдинда – c'est

¹⁰⁴ Ўша Маврикий (франц.).

¹⁰⁵ Бор-йўғи қирк рубль пулим бор; у пулни олади-ю, бари бир мени ўлдиради (франц.).

¹⁰⁶ Худога шукур (франц.).

¹⁰⁷ Кейин эса (франц.).

¹⁰⁸ Хотиржам бўлсам ҳам бўлади (франц.).

tres rassurant¹⁰⁹. Уларнинг ортидаги сигир аравага шохидан боғланган, c'est rassurant au plus haut degres¹¹⁰.

Арава етиб келди, каттагина пишиқ-пукта деҳқон араваси экан. Хотин тигиз тўлдирилган қоп устида ўтирар, деҳқон эса Степан Трофимович томонда ёнига оёқларини осилтириб ўриндикқа жойлашганди. Орқа тарафда ҳақиқатан қизғиш сигир шохидан аравага боғланганди. Хотин билан деҳқон кўзларини бақрайтириб Степан Трофимовичга қарашар, Степан Трофимович ҳам айни пайтда уларга шундай бақраярди, аммо уларни ёнидан йигирма одимча ўтказиб юборгач, бирдан шошиб-пишиб ўрнидан турди-да, уларнинг орқасидан юрди. Табиийки, у арава билан ёнма-ён ўзини дадилроқ сезди, аммо аравага етиб олгач, яна шу заҳоти ҳаммасини унутди ва яна ўзининг бениҳоя чувалашган хаёлларига берилди. У юриб борарди-ю, лекин шу тобда хотин билан деҳқон учун энг ажойиб-гаройиб хилқат бўлиб туюлаётганини тасаввурига ҳам келтирмасди, аммо катта йўлда кимлар учрамайди, нималар бўлмайди дейсиз.

– Айбга буюрманг, каерлардан бўласиз? – дея ниҳоят тоқати тоқ бўлиб сўради жувон Степан Трофимович унга беҳос қараб қўйганда. Жувоннинг ёши йигирма еттиларда, тикмачокдай, қорақош, икки юзи кип-қизил, ақиқдай лаблари кулиб турар, текис тишлари оппоқ эди.

– Сиз... Менга айтяпсизми? – мунғайиб ҳайрон бўлиб гўнғиллади Степан Трофимович.

– Савдогарлардан бўлиши керак, – ишонч билан деди деҳқон. У қирк ёшлардаги бўйи дароз, катта юзида ақл нишоналари барқ уриб турган, сарғиш-малла соқоли юзини қоплаган киши эди.

– Йўқ, савдогар эмасман, мен... мен... moi c'est autre chose¹¹¹, – бир амаллаб жавоб берди Степан Трофимович ва ҳар эҳтимолга қарши арава орқасидан бир қадам ортга товсиллади-да, сигир билан ёнма-ён борди.

¹⁰⁹ Ҳеч хавф йўқ (франц.).

¹¹⁰ Умуман, ҳеч қандай хавф йўқ (франц.).

¹¹¹ Мен, бутунлай бошқа (франц.)

– Хўжайинлардан бўлишса керак, – деди деҳқон хорижий сўзларни эшитиб ва отни силтаб қўйди.

– Шунақа қилиб сайрга чиқиб айланиб юргандирсиз, деб ўйладик, – кизиксинди яна жувон.

– Бу... бу... сиз мендан сўраяпсизми?

– Хориждан темир йўл билан одамлар келиб туришадди, оёгингиздаги этигингиз ҳам бу ерникига ўхшамайди...

– Этиклари ҳарбийча, – ишонч билан салмоқдор қилиб деди деҳқон.

– Йўк, мен ҳарбий ҳам эмасман, мен...

«Жувоннинг билгиси келиб турибди, – ўзидан ўзи аччиқланиб ўйлади Степан Трофимович, – мени томоша қилишларини қаранг... mais, enfi п...¹¹² Қискаси, мен уларнинг олдида худди айбдорга ўхшаб қолдим, лекин ҳеч қандай айбим йўк». Жувон эркак билан шивирлашди.

– Агар сиз йўк демасангиз, балки сизни олиб бориб қўярмиз, агар сизга маъқул бўлса. Бирдан Степан Трофимовичнинг эсига тушди.

– Майли, майли, яхшилар, жоним билан, чунки жуда чарчадим, фақат қандай чиксам экан? «Тавба, жуда кизик бўлди-ку, – деб ичида ўйлади у, – қанчадан бери сигирнинг ёнида юриб келяпман, калламга аравага чиқиб ўтириш келмаганини қаранг... бу «ҳақиқий ҳаёт»нинг ўзига хос хусусиятлари бор-да...» Бироқ деҳқон ҳамон отини тўхтатмасди.

– Ўзингиз қаёққа бормокчисиз? – бироз ишонкирамай сўради у.

Степан Трофимович дафъатан тушунолмади.

– Хатовга бўлса керак-да?

– Хатовга? Йўк, унчалар Хатовга эмас... Эшитганман, лекин яхши билмайман.

– Хатово қишлоғи, бу қишлоқ шу ердан тўққиз чакирим.

– Қишлоқ? C'est charmant¹¹³, билмадим, қулоғимга чалинган... Степан Трофимович ҳали ҳам юриб борар, уни

¹¹² Аммо, ниҳоят (франц.).

¹¹³ Қандай яхши (франц.).

ҳамон аравага чиқаришмасди. Бирдан ярқ этиб унинг фаҳмига келиб қолди:

– Сиз, балки мени анов... Менинг паспортим бор, мен профессорман, ўқитувчи, муаллим бўламан... аммо энг каттаси. Мен энг катта муаллимман. Oui, c'est comme ça qu'on peut traduire¹¹⁴. Мен ўтириб олсамми девдим... сизга бунинг эвазига вино олиб бераман.

– Эллик тийин етади, таксир, йўл огир.

– Бўлмаса биз жуда хафа бўлиб қоламиз, – уни қувватлади жувон.

– Эллик тийин? Майли, эллик тийин бўлса. C'est encore mieux, j'ai en tout quarante roubles, mais...¹¹⁵ Дехқон аравани тўхтатди, Степан Трофимовични ҳаммалари бир бўлиб, амал-тақал қилиб, аравага чиқариб, жувоннинг ёнига қопга ўтқизишди. Қалласида хаёллар қуюндай айланарди. Гоҳо ўзи ҳам қаттиқ паришонлигини сезар, керакли нарсани эмас, тамомила бошқа нарсаларни ўйлар ва бундан ўзи ҳам ажабланарди. Ақлининг бундай ночор заифлашиб қолганидан баъзи дамларда қаттиқ изтироб чечар, ўртанарди.

– Бу... бу орқадаги сигир нима? – деб кутилмаганда сўради у жувондан.

– Нима, таксир, умрингизда сигир кўрмаганмисиз? – кулиб юборди жувон.

– Шаҳарда сотиб олдик, – гапга қўшилди дехқон, – кўрмайсизми, молларимизга киргин келди; ўлат. Ҳамминг моли ўлди, ярми ҳам қолмади, дод дейсанми, фарёд дейсанми.

Дехқон яна чуқур жойга тикилиб қолган қирчангини камчилади.

– Рус диёрида бу, бўлиб туради... ва умуман, биз, руслар... шунақа-да, бўлиб туради, – гапни чала қилиб ямлади Степан Трофимович.

– Сиз муаллим бўлсангиз, Хатовода нима қиласиз? Ё ундан ҳам нари кетасизми?

¹¹⁴ Ҳа, буни айти шундай таржима қилиш мумкин (франц.).

¹¹⁵ Жуда соз, бор-йўти қирқ рубль пулим бор, аммо (франц.).

– Менми... билмадим, кайга бораман... C'est-a-dire¹¹⁶, бир савдогарникига.

– Спасовга бўлса кераг-ов?

– Шундай, шундай, Спасовга. Яна менга бари бир.

– Сиз Спасовга пиёда, яна мунақа чорикда бир ҳафта юрардингиз. – кулди жувон.

– Шундай, шундай, менга бу бари бир, mes amis¹¹⁷, бари бир. – токатсизлик билан гапни бўлди Степан Трофимович.

«Жуда узункулоқ халқ-да булар; жувоннинг анави эр-какдан кўра тили бурро, назаримда, ўн тўққизинчи февралдан кейин уларнинг гапи ҳам анча ўзгариб қопти ва ҳўп... Хўп, уларнинг нима иши бор мен Спасовга бораманми, бормаيمانми? Пулини тўлайман, нега менга тикилинч қилаверади булар».

– Агар Спасовга бўлса, унда кемага тушиш керак, – қўймасди деҳқон ҳам.

– Тўғриси ҳам шу, – гап қўшди жувон жонланиб, – чунки улов билан соҳил орқали юрилса, ўттиз чақиримча айланиб борилади.

– Қирк чиқар.

– Эртамиан соат иккиларга Устьевода кемага чиқсангиз бўлар, – унинг гапини қўллади жувон. Аммо Степан Трофимович сув ютгандай миқ этмади. Сўроғловчилар ҳам жимиб қолишди. Деҳқон қирчанғини силтаб қўяр, жувон ўқтин-ўқтин унга гап қотарди. Степан Трофимовични мудроқ босди. Жувон кула-кула уни туртиб-суртиб уйғотганда, ҳайратланиб кўзини очди ва катта бир қишлоққа келганлари, уч деразали ёғоч уй олдида турганликларини кўрди.

– Ухлаб колдингизми, таксир?

– Нима бу? Мен қаердаман? Оҳ, ўх! Хўп... фарқи йўк, – хўрсинди Степан Трофимович, сўнг аравадан тушди.

¹¹⁶ Яъни (франц.).

¹¹⁷ Дўстларим (франц.).

У ғамгин кўз югуртирди; кишлоқ унга жуда ғалати ва қандайдир ғоятда бегона туюлди.

– Эллик тийинни унутаёзибман! – деди у деҳқонга апил-тапил ортиқча тимирскиланиб; чамаси, энди улардан ажраб қолишдан кўрқарди.

– Ичкарида берарсиз, таксир, – илтифот қилди деҳқон.

– Бу ер яхши, – далда берди жувон.

Степан Трофимович ликиллаб турган зинага қадам кўйди.

«Э, наҳотки шундай бўлса», – шивирлади у ўзига ўзи хуркак талмовсираб, лекин бари бир уйга кирди. «Elle l'a voulu»¹¹⁸ – унинг юрагига нимадир қадалди, сўнг яна бирдан барини унутди, ҳатто уй ичига киргани ҳам эсидан чиқди.

Бу деҳқонча гўша ёруғ, анча озода, икки хона, уч деразали эди; уни карвонсарой деб бўлмас, балки ўрганиб қолганликлари учун эски таниш-билишлар тўхтаб ўтадиган кўнокхона эди. Степан Трофимович тортинмай тўрға ўтди, саломлашиш эсидан чиқиб, ўтирди-ю ўйга ботди. Намгарчиликда уч соат йўл босиб келгандан сўнг уйнинг иссиғи баданига ҳаддан ташқари роҳат бағишларди. Айниқса, асабий одамлар иситмалаганда елкада жимирлаб ўрмаловчи жунжикишнинг ўзи аёздан иссик жойга дафъатан киргач, энди унга қандайдир ёқимли туюларди. У бекаси печкада қуймоқ пишириш билан овора эди; Степан Трофимович бошини кўтарди, қайноқ қуймоқчаларнинг фароғатбахш иси димоғини китиклади. У болалардек маъсум кулиб, бека ёнига борди-да, бирдан чулдираб юборди:

– Бу нимаёкан? Бу қуймоқми? Mais... c'est charmant¹¹⁹.

– Таксир, кўнглингиз тусайдими? – дарҳол манзират қилди бека.

– Тусайди, албатта, тусайди, яна... яна мен чой ичсам девдим, – жонланиб қолди Степан Трофимович.

– Самоварни қўйиб юборайми? Жоним билан, дарров тайёр бўлади.

¹¹⁸ Хоним шуни истаганди (франц.).

¹¹⁹ Аммо... бу жуда ажойиб-ку (франц.).

Йирик мовийбезаклар туширилган катта тарелкада ҳақиқий дехқонча қуймоқлар келтирилди – ярми бугдой унидан тайёрланган, юпқа, устига саримой солинган, оғизда эриб кетадиган қуймоқлар. Степан Трофимович мазза килиб татиб кўрди.

– Мунча ёғлик, мунча мазалик! Қанийди, бунинг устига un doigt d'eau de vie¹²⁰, бўлса.

– Мабодо, арак сўрамаяпсизми, таксир?

– Нақ ўзи-я, нақ ўзи-я, жиндаккина, un tout petit rien¹²¹.

– Беш тийинлик, етадими?

– Беш тийин – беш тийин – беш тийин – беш тийин, un tout petit rien, – талтайиб, илжайиб такрорлади Степан Трофимович.

Содда одамлардан ўзингиз учун бирон нарса илтимос килиб кўринг, шунда у сизга қўлидан келган хизматини холисанилло очик юз билан бажаради; аммо мабодо арак олиб келишни сўраб қолсангиз – ана унда унинг оддий самимий кўнгилчанлиги бирдан шоша-пиша қилинган меҳмоннавозликка айланиб кетади, у худди ўз қадрдонига ғамхўрлик қилаётгандек бўлади. Арак келтириш учун бораётган киши гарчи уни у билан эмас, ёлғиз ўзингиз ичишингизни олдиндан билса ҳам, – бари бир сизнинг кейин қиладиган роҳатингизга ўзини шерикдек сезади... Уч-тўрт дақиқа ўтмай (ковокхона икки қадамгина нарида экан) Степан Трофимовичнинг олдида яримта пайдо бўлди, катта кўкиш қадаҳ ҳам келтирилди.

– Шу ҳаммаси менгами? – ҳаддан зиёд лол қолди у. – Менинг ҳар доим ўзимнинг арагим бўларди, лекин беш тийинга шунча арак беришини сира билмаган эканман.

У қадаҳни тўлдириб, ўрнидан турди-да, бирмунча тантанали тарзда хона ўртасини кесиб ўтиб, нариги ёкда ўтирган, савол беравериб кулоқ-миясини еган, аравадаги ҳамроҳи – қорақош жувоннинг олдида борди. Жувон уялди-да, унинг қўлини кайтара бошлади, одоб-икром шартларини шу тарика адо этиб бўлгач, ниҳоят, ўрнидан ту-

¹²⁰ Жиндаккина арак (франц.).

¹²¹ Озгинагина (франц.).

риб, қадахни назокат билан барча аёлларга хос уч бўлиб сипкорди, сўнг юзини бужмайтириб қадахни қайтарди-ю, Степан Трофимовичга таъзим бажо этди. Таксир салобат билан унга жавобан куллук қилди-да, ўз столига мағрур бир қиёфада қайтиб келди.

Буларнинг барини у қандайдир илҳомёр алфозда адо этди: унинг ўзи бир сония бурун бориб қорақош жувонга илтифот этажагини билмаганди. «Мен халқ билан баркамол, жуда баркамол муомала қилоламан, мен уларга доим шу ҳақда гапириб келганман» – ўзидан мамнун ҳолда ҳаёлига келтирди у қолган шаробни ўзига қуяркан; қадах лиммо-лим тўлмаган эса-да, унинг жонини киритиб, вужудини кизитди ва ҳатто андак бошига ҳам урди.

«Je suis malade tout a fait, mais ce n'est pas trop mauvais d'être malade»¹²².

– Мабодо, олмайсизми? – унинг қулоғи остида аёлнинг майин овози эшитилди.

Таксир бошини кўтариб, қаршисида бир хоним турганини кўриб, ҳайрон қолди – *une dame et elle en avait l'air*¹²³ – унинг ёши ўттизлардан ошган, кўриниши жуда оддий, шаҳарликларга ўхшаб қийинган, устига қорамтир қўйлак қийиб, елкасига бўзранг чорси рўмол ташлаб олганди. Унинг кулиб турган очиқ юзи Степан Трофимовичга ёқиб қолди. Аёл ҳозиргина уй ичига қайтиб кирган, Степан Трофимович эгаллаб ўтирган жойда тахта устида аёлнинг юклари турар, Степан Трофимович бу ерга кириб келганида портфелга ажабланиб қараб қўйганини эслади, шу билан бирга бу ерда яна битта унча катта бўлмаган елимсифат қоп ҳам бор эди. Аёл қопдан чиройли муковаланган, устига бут шакли ўйиб ишланган иккита китоб олди-да, Степан Трофимовичга узатди.

– Eh... mais je crois que c'est l'Evangile;¹²⁴ жоним садақа бўлсин... Э, мен энди тушундим... Vous etes ce qu'on

¹²² «Менинг тобим йўқ, аммо бемор бўлиш унча ҳам ёмон эмас экан» (франц.).

¹²³ У айнан хонимга ўхшарди (франц.).

¹²⁴ Э... бу Инжил, шекилли (франц.).

appelle¹²⁵ китобфуруш; мен кайта-кайта ўкиганман... Эллик тийинми?

– Ўттиз беш тийиндан, – жавоб берди аёл.

– Жоним садака бўлсин. Je n'ai rien contre l'Evagile, ct...¹²⁶ Мен кўпдан буён кайтадан ўкимокчийдим...

У Инжилни чамаси ўттиз йиллардан бери кўлга олмани хаёлидан лип этиб ўтди ва факат бундан етти йил бурун Ренаннинг «Vie de Jesus»¹²⁷ китобини кўриб чикканини хотирлади. Майдаси бўлмагани учун ёнида бор барча ўн рублик коғоз пулларини чиқарди. Бека пулни майдалаб берди, ана шунда у уй ичига разм солиб, бу ерга талайгина одам йиғилгани, анчадан буён унга қарашаётгани ва ўзи ҳақида ҳам гап бораётганини сизди. Гап кўпроқ шаҳарда рўй берган ёнгин ҳақида кетар, ҳозиргина шаҳардан сугир олиб кайтган аравакаш деҳқон кулоққа чалинган гапларни ҳикоя қиларди. Гап ўт қўйилгани, шпигулинчилар устида борарди.

«Қарангки, мени олиб келаётганида ҳамма нарса ҳақида гапирса ҳам, ёнгин тўғрисида чурк этиб оғиз очмаган эди», деган ўй ўтди Степан Трофимовичнинг хаёлидан.

– Отагинам, Степан Трофимович, сиз ўзингизмисиз, таксир? Ҳеч хаёлимга келмаган эди-я!.. Нима, танимадингизми? – деб қолди кутилмаганда ёши улугроқ бир азамат; кўринишдан у мулкдорларнинг эски хизматкорларига ўхшар, соқоли қирилган, узун кайтарма ёқали шинель кийганди.

Ўз отини эшитиб, Степан Трофимович кўркиб кетди.

– Маъзур тутасиз, – ғўнғиллади у, – мен сизни ҳеч эслолмаяпман...

– Эсингиздан чиқдими? Мен Анисимман, Анисим Ивановман. Мен марҳум жаноб Гагановга хизмат қилардим, сизни эса, таксирим, Варвара Петровна билан бирга раҳматли Авдотья Сергеевнанинг ҳузурларида неча марта

¹²⁵ Сиз китобфурушсиз-да, а?

¹²⁶ Мен Инжилга қарши эмасман, ва... (франц.).

¹²⁷ «Исонинг ҳаёти». Э.Ж.Ренан (1823–1892). Бу китоб 1863 йилда чиққан.

кўрганман. Сизга у китоблар бериб юборарди, икки марта Петербург ширинликларини тортик килиб жўнатганлар...

– Эй-ха, эсимга тушди, Анисим, – табассум килди Степан Трофимович. – Сен шу ерда яшайсанми?

– Спасовга якин, В. монастири ёнида, – раҳматли Авдотья Сергеевнанинг синглиси Марфа Сергеевнанинг кўрғонларида яшайман, балки эсингиздадир, балга кетаётганларида коляскадан учиб тушиб, оёқлари синган эди. Ҳозир ўша монастирга қўшни турадилар, мен хизматларидаман; мана энди кўриб турганингиздек, яқинларимни кўргани вилоятга боряпман...

– Бахай, бахай.

– Сизни кўриб жуда хурсанд бўлиб кетдим, менга меҳрибончиликлар қилгансиз, – ёйилиб куларди Анисим. – Ҳа, ўзингизга йўл бўлсин, таксир, отланиб қолибсиз, яна ёлғиз ўзингиз... Ҳеч ёлғиз йўлга чиқмасдингиз, чоғи?

Степан Трофимович унга хуркиброк қаради.

– Биз томонларга, Спасовга эмасми?

– Ҳа, Спасовга. Il me semble que tout le monde va a Spassof...¹²⁸

– Мабодо, Федор Матвеевичникига эмасми? Жуда хурсанд бўладиларда. Сизни гоят хурмат қилардилар; ҳозир ҳам бот-бот эслаб турадилар...

– Ҳа, ҳа, Федор Матвеевични ҳам кўраман.

– Илоҳим, илоҳим. Бу ерда одамлар сизни катта йўлда пойи пиёда кўриб хайрон бўлиб қолишибди. Аҳмоқ халқда, таксир.

– Мен... Мен шу... Мен, биласанми, Анисим, бас бойлашиб қолдим, худди инглизларга ўхшаб яёв бораман дедим, шунинг учун мен...

Унинг манглайи, чеккаларида тер чиқиб кетди.

– Илоҳим, илоҳим, ҳа-а... – синчков тингларди Анисим. Аммо Степан Трофимовичнинг токати тоқ бўлди. У шунчалар ўсал бўлдики, ҳатто ўрнидан туриб чиқиб кетгиси келди. Аммо шу пайт самоварни олиб келишди ва худди шу вақт қайгадир чиқиб кетган китобфуруш қайтиб

¹²⁸ Назаримда, ҳамма Спасовга борапти... (франц.)

кирди. У чўка туриб хасга ёпишгандай, дарҳол уни чойга таклиф қилди. Анисим жойни бўшатиб, туриб кетди.

Ҳақиқатан, одамлар ҳайрон эди:

«Қанақа одам ўзи? Йўлда пиёда келаётган экан, муаллимман дебди, ажнабийларга ўхшаб қийинган, ақли эса ёш боладай, гап-сўзлари бетайин, энтак-тентак, худди бировдан қочиб келаётгандай, яна пули ҳам бор!» Бир чеккаси, бошлиқларга хабар қилиб қўйилса бўлармиди – «чунки шаҳар алғов-далғов бўлиб турибди экан». Аммо Анисим шу заҳоти уларни тинчлантирди. Кенг даҳлизга чиқиб у эшитгиси келганларга шуларни маълум қилиб қўйди: аввалан, Степан Трофимович фақат муаллимгина эмаслар, «ўзлари жуда катта аллома бўладилар, жуда катта илмлар қиладилар, ўзлари шу ерлик мулкдорлардан бўлишади, йигирма икки йилдан бери олия генерал ойим Ставрогина хонадонида энг иззат-эътиборли одам сифатида яшаб келадилар, шаҳарда ҳурматлари жуда баланд. Дворянлар клубида тоғ-тоғ пулларни ютиб-ютқизган пайтлари бўлган, ўзлари маслаҳатчи унвонидалар, бу ҳарбий подполковник дегани билан баробар, тўлиқ полковникка бир баҳя етмайди, холос. Пулдор эканликларига келсак, олия генерал ойим Ставрогинанинг ҳимматлари билан пуллари «мил-мил» ва ҳоказо ва ҳоказо.

«Mais c'est une dame, et tres comme il faut»¹²⁹ – Анисимнинг суриштиришларидан энди роҳатланиб тин оларди Степан Трофимович; у ҳамсуҳбати китобфурушга кўзлари қувнаб қараб ўтирар, аёл тил учиди қанд тотиб, тақсимчада чой ҳўпларди. «Ce petit morceau de sucre ce n'est rien...»¹³⁰ Унинг нимасидир олийжаноб кўринар, ўзини тутиб олган, яна, яна гоятда мулойим. Le comme il faut tout pur¹³¹. Аммо фақат бироз бошқача бир маънода». Аёл тезда ўзининг Софья Матвеевна Улитина эканлиги, К. шаҳарчасида яшаши, у ерда шаҳарлик бева онаси борлигини ҳикоя қилиб берди; унинг ўзи ҳам ёш бсва қолган бўлиб, эри

¹²⁹ Э-ҳа, бу аёл нақ хонимнинг ўзи экан-ку, тузук (франц.).

¹³⁰ Андақ қанд бўлса зарари йўқ ... – майли-да... (франц.).

¹³¹ Энг олий маънода одоб-икромли (франц.).

фельдфебелликдан подпоручик даражасига кўтарилган, Севастополда ҳалок бўлган экан.

– Аммо сиз ҳали жуда ёшсиз, vous n’avez pas trente ans¹³².

– Ўттиз тўртда, – жилмайди Софья Матвеевна.

– Ий-е, ҳали французчани ҳам тушунасизми?

– Озрок, мен бир аслзода хонадонда ўшандан кейин тўрт йил яшадим, ўша ерда болалардан ўргандим.

У эри ҳалок бўлгандан сўнг ўн саккиз ёшида бироз вақт Севастополда «ҳамшира» бўлиб ишлаган, кейин бир канча жойларда яшаган, мана энди «Инжил» тарқатиб, кун кўради.

– Mais mon Dieu¹³³, бизнинг шаҳаримизда сизнинг бошингизга бир ғалатирок иш тушмаганмиди, ўша аёл сизмисиз? Аёл кизарди; ҳа, ўша воқеа унинг бошидан ўтган экан.

– Ces vaugiens, ces malheureux!..¹³⁴ – деб норозилигини билдирди таксир қалтироқ овоз билан; сероғрик, манфур хотира юрагини сиркиратиб ўтди. У бир зум ўзини унутиб сукутга кетди.

«Вох, у яна кетиб қолибди-ю, – деб ўйлади у хуши ўзига келгач, аёл яна туриб кетганини пайқаб. – Бу хотин тез-тез эшикка чиқиб тураркан, бирон иш билан банд шекилли; наздимда, бироз ташвишга ботган кўринади... Bah, je devins egoïste...¹³⁵»

У бошини кўтарганди, яна кўзи Анисимга тушди, бу сафар у хатарлироқ бир вазиятда эди. Уй ичи одамларга тўлган, уларнинг ҳаммаларини чамаси Анисим бошлаб келганди. Улар орасида пту уйнинг хўжайини ҳам, от-улов минган деҳқон ҳам, яна аллақандай икки киши (булар извошчилар экан), яна деҳқонча уст-бош кийган, кичкина, соқоли қирилган, ширакайф, ичкиликка мук тушган шаҳарликларга ўхшаган аллаким; у оғзи тинмай гапирар-

¹³² Ҳали сиз ўттизга ҳам кирмагансиз (франц.).

¹³³ Аммо, вой худойим (франц.).

¹³⁴ Вой, аблаҳлар, вой лаънатилар!.. (франц.)

¹³⁵ Вох, мен худбин бўлиб қоляпман (франц.).

ди. Уларнинг ҳаммалари фақат Степан Трофимович борасида валақлашарди. Сигир етаклаган деҳкон ўзининг гапини тинмай маъқуллар, соҳил бўйлаб борилса, қирқ чакиримлар айланишга тўғри келади, шунинг учун кемага тушган яхши дерди. Ширакайф шаҳарлик билан уй хўжаси қизишиб эътироз билдиришарди:

– Сиз, биродарим, тўғри айтяпсиз, жаноби олийлари кемага тушиб кўл оркали борсалар, албатта якинроқ йўл шу; тўғри гап; фақат кема бутун-эрта келмайди-да.

– Келади, келади, яна бир ҳафта юради, – ҳаммадан ортик қизишарди Анисим.

– Ўзи шундоқку-я! Лекин ҳадеганда келавермайди, чунки вақт ўтди, баъзан Устьевода уч кунлаб кутишади.

– Эртага келади, соат иккида аниқ келади. Таксир, Спасовга кечгача албатта етиб борасиз, – ҳовлиқарди Анисим.

«Mais qu'est ce qu'il a cet homme»¹³⁶, – ҳаяжонланарди Степан Трофимович ўз тақдирининг қандай ҳал бўлишини юраги пўқиллаб кутиб. Извопчилар олдинга чиқиб савдолаша бошлашди; Устьевога уч рубль сўрашарди. Ранжийдиган жойи йўқ, баҳоси ўзи шу, бу ердан Устьевогача борадиган йўлнинг нархи ёз бўйи шундай бўлди, деб бакиришарди.

– Бирок... бу ер ҳам ёмон эмас... Менга керак эмас, – чайнала бошлади Степан Трофимович.

– Яхши, таксир, тўғри айтяпсиз, Спасовда анча яхши, Федор Матвеевичнинг бошлари осмонга етади.

– Mon Dieu, mes amis¹³⁷, мен ҳеч буни кутмагандим.

Нихоят, Софья Матвеевна уйга қайтиб кирди. Аммо тахтага ғамгин, руҳи тушиб ўтирди.

– Спасовга етиб боролмайман! – деди у уй бекасига.

– Ийе, сиз ҳам Спасовгами? – ҳовлиқди Степан Трофимович. Гап шунда эканки, Надежда Егоровна Светлицина деган бир бегойим кеча унга Хатовода кутиб турсан-

¹³⁶ Лекин бу кишига нима керак ўзи (франц.).

¹³⁷ Вой, худойим, дўстларим (франц.).

гиз, сизни Спасовга элтиб қўяман, деб ваъда берган, лекин келмаганди.

– Энди нима қиламан? – ёзғирарди Софья Матвеевна.

– Mais, ma chere et nouvelle amie¹³⁸, мен ҳам сизни худди бегойим каби элтиб қўйишим мумкин, анави, нима, отинг курғур кишлоққа, мен арава олдим, эртагами, эртага биз бирга Спасовга борамиз.

– Э, сиз ҳам наҳот Спасовга борсангиз?

– Mais que faire, et je suis enchantée!¹³⁹ Мен сизни жоним билан олиб бориб қўяман; улар қўнишди, мен ёлладим... Мен қайси бирингизни ёлладим? – деди шу тобда Спасовга боришни жуда ҳам хохлаб турган Степан Трофимович.

Чорак соатдан сўнг усти берк аравага чиқишди: таксир жуда ҳовлиқиб жоникқан ҳамда мамнун эди; китобфуруш аёл эса қопи билан унинг ёнига ўтирди, унинг лабидан миннатдор табассум аримасди. Анисим унга аравага жойлашишга ёрдам берди.

– Оқ йўл, таксир, – куймаланарди у арава ёнида, – бағоят хушнуд этдингиз-да!

– Хайр, дўстгинам, хайр хўш.

– Таксир, Федор Матвеевични кўрсангиз...

– Яхши, дўстгинам, яхши... Федор Петровични... хўп, хўп, хайр энди.

II

– Ана кўрдингизми, дўстгинам, сизни ўзимнинг дўстим деб айтсам, ижозат берасизми, n'est-ce pas?¹⁴⁰ – шошиб-пишиб сўзга тушди Степан Трофимович ёпик арава қўзғалиши ҳамон. – Биласизми, мен... J'aime le peuple, c'est indispensable, mais il me semble que je ne l'avais jamais vu de pres. Stasie... cela va sans dire qu'elle est aussi du peuple... mais le vrai peuple!¹⁴¹, яъни ҳақиқий, катта йўлда-

¹³⁸ Аммо менинг кимматли янги дўстим (франц.).

¹³⁹ Нима ҳам қилардик, мен хурсандман! (франц.).

¹⁴⁰ Майлими? (франц.).

¹⁴¹ Мен халқни севаман, бу зарурат, аммо назаримда, мен уни ҳеч қачон яқиндан кўрган эмасман. Настасья... айтиб ўтирмаса ҳам бўлади, у ҳам халқ ичидан... аммо ҳақиқий халқ (франц.).

ги халқ, назаримда унинг мен қаёққа кетаётганимни суриштиравишдан бошқа иши йўққа ўхшайди... Аммо ги-нахонлиқни қўйлик. Мен афтидан кўп гапириб юбораппман, аммо чамаси, бу шошалоқликдан бошқа нарса эмас.

– Сизнинг бироз тобингиз йўқ, шекилли, – унга хушёр, аммо ҳурмат билан зеҳн соларди Софья Матвеевна.

– Йўқ, йўқ, ўраниброк олсам, бас, умуман, шамол, қандайдир салқин, ҳа, жуда ҳам салқин, аммо бунга биз эътибор бериб ўтирмаймиз. Асосийси, мен бошқа нарсани айтмоқчи эдим. *Chere et incomparable amie*¹⁴², наздимда, мен бахтиёрман, бунинг сабаби эса – сиз. Менга бахтнинг кераги йўқ, чунки мен дарҳол барча ганимларимни кечира бошлайман...

– Нима қилибди, бу жуда яхши-ку.

– Ҳар доим эмас, *chere innocente. L’Evangile... Voyez-vous, désormais nous le precherons ensemble*¹⁴³, мен жоним билан сизнинг чиройли китобларингизни сотаман. Шундай, бу фикр менга ёқпти чамаси, *quelque chose de tres nouveau dans ce genre*¹⁴⁴. Халқ диндор, *c’est admis*¹⁴⁵, лекин у ҳали Инжилни билмайди. Мен унга баён қилиб бераман... Оғзаки баён қилганда бу ажойиб китобнинг хатоларини тўтрилаш мумкин, албатта, ушбу китобга мен ҳаддан ортик ҳурмат билан қарайман. Менинг катта йўлда ҳам фойдам тегади. Менинг доим фойдам теккан, мен доим уларга бу *et a cette chere ingrate*¹⁴⁶... деганман. О, кечиргайсиз, кечиргайсиз, энг аввало, ҳаммани ва ҳар доим кечиргаймиз... Умид қиламизки, бизни ҳам кечиргайлар шояд. Шундай, чунки барча ва ҳар бир кимса бир-бирининг олдида гуноҳкор. Ҳамма гуноҳкор!..

– Шуни сиз, чамаси, жуда чиройли қилиб айтдингиз.

– Ҳа, ҳа... Мен яхши гапираётганимни сезяпман. Мен уларга жуда яхши сўзлайман, лекин, лекин, асосан, улар-

¹⁴² Нима қилардик, мен ғоят хурсандман (*франц.*).

¹⁴³ Соддахаёл азизам... Инжил... Биласизми, биз энди уни биргаликда тарғиб қиламиз (*франц.*).

¹⁴⁴ Шу тарздаги бир янгилик (*франц.*).

¹⁴⁵ Бу аниқланган (*франц.*).

¹⁴⁶ Мана шу азиз одамнинг қадрига етмайдиган... (*франц.*).

га нимани айтсам экан? Мен чалкашиб кетяпман, эсимдан чиқиб қоляпти... Сиздан ажралмасликка ижозат берасизми? Мен сезиб турибманки, сизнинг нигоҳингиз... ва сизнинг қилиқларингиз ҳам мени ҳайрон қолдиради: сиз жуда соддасиз, сиз содда, ёқимли сўзлайсиз ва финжонингизни анов қанд бўлаги турган тақсимчага тўнкариб қўясиз... Лекин сиз жуда ҳам жозибалисиз, сизнинг чеҳрангизга бокаману... О, бундоқ қизарманг, мендан бу эркак дея қўркманг. *Chere et incomparable, pour moi une femme c'est tout*¹⁴⁷. Мен ёнимда аёл бўлмаса яшолмайман, лекин фақат ёнимда... Мен ёмон, ёмон чалкашиб кетдим... Мен нима демоқчи бўлганимни ҳеч эслолмаяпман. О, худо доим аёл ато этган кимса бахтиёрдир, ва... ва мен ўйлайманки, ниҳоятда хурсандман. Катта йўл деганда ҳам юксак фикр бор! Мана, мана шуни айтмоқчийдим – фикр ҳақида, мана энди эсладим, йўкса, ҳеч ўрнига тушмаётганди. Нега улар бизни олиб кетишяпти? У ер ўзи яхшийди, бу ерда эса – *cela devient trop froid*. А propos, j'ai en tout quarante roubles et voila cet argent¹⁴⁸, олинг, олинг, саклолмайман, йўқотиб қўяман, мендан олиб қўйишади, ва... Назаримда мени уйқу босяпти; нимагадир бошим айланыпти. Шундай айланыпти, айланыпти, ҳа, айланыпти. О, мунча яхшисиз, менинг устимга нима ёпаяпсиз?

– Сиз иситмалаётганга ўхшайсиз, сизни ўзимнинг адёлим билан ўраб қўйдим, фақат пулни мен...

– О, худо ҳаки, *n'en parlons plus, parce que cela me fait mal*¹⁴⁹, о, қандай яхшисиз!

У тез гапдан тўхтади-да, бир пасда иситма аралаш жунжикиш билан ухлаб қолди. Босиб ўтилган ўн етти чақирим қишлоқ йўли текис эмасди, арава қаттиқ чайқалиб, ўнқир-чўнқирларда силкиниб борарди. Степан Трофимович дам-бадам уйқудан кўзини очар, Софья Матвеевна унинг боши тагига қўйган мўъжазгина ёстиқчадан

¹⁴⁷ Мен учун қимматли ва мислсиз аёл – бу ҳаммаса (*франц.*).

¹⁴⁸ Жуда совук бўлиб қолди. Дарвоқе, менинг қирк рубль пулим бор, холос, мана, мана шу (*франц.*).

¹⁴⁹ Буни бошқа гапирмайлик. Мени хафа қилманг.

тез-тез кўзгалар, худди кетиб колишидан кўрккандай аёлнинг кўлини маҳкам ушлаб олар ва: «Сиз шу ердамисиз?» – деб ўсмоклаб сўради. Тушимда қандайдир шишлари очилиб қолган жағни кўряпман ва бундан кўнглим хира бўляпти, деб аёлни ишонтирмоқчи бўларди. Софья Матвеевна унинг аҳволидан каттик ташвишлана бошлади.

Извош уларни тўрт деразали катта уй олдиға олиб келиб тўхтади, уйнинг ҳовлисида яна қатор турар-жой бинолар бор эди. Уйқудан уйғонган Степан Трофимович шошилиб аравадан тушди-ю, уйға кирди-да, тўғри энг кенг ва яхши иккинчи хонаға ўтди. Уйқу эзилган юзида каттик бесаранжомлик акс этарди. У дарҳол қирк ёшлардаги баланд бўйли ва тикмачок, сочлари тўсдай қоп-қора, устки лабини мўй босган бекаға хонани бутунлай менга брасиз, унга ҳеч қимни киритмайсиз, деб тушунтирди, «parce que nous avons a parler».

– Oui, j’ai beaucoup a vous dire, chere amie¹⁵⁰, – қўлларини силқитди у бекаға.

У негадир шошилар, тили гўлдирарди. Бска унинг гапини хушламай эшитди, аммо рози бўлганини билдириб индамай қўя қолди, лекин унинг бу индамаслигида қандайдир хатарнок бир нарса сезиларди. Степан Трофимович бунинг фарқиға бормади-да, шоша-пиша (у ғоятда шошиларди) сиз бораверинг ва бизға «пайсалламай зудлик билан» ҳозирок таом келтиринг, деб талаб қилди.

Лабидан мўй чиққан аёл энсаси қотиб, деди:

– Таксир, бу ер қарвонсарой эмас, биз йўловчиларға таом тайёрламаймиз. Қискичбақа кокурсак ё самовар қўйсак кифоя, бошқа ҳеч нарсамиз йўқ. Эртаға янги тутилган балиқ бўлади.

Аммо Степан Трофимович қўлларини силтаб, тоқатсизланиб, жаҳли чиқиб: «Пулини тўлайман, фақат тезроқ бўлинг, тезроқ», дея такрорлади. Балиқ шўрва қиладиган, товук кокурадиган бўлишди; бска бутун қишлоқдан бит-таям товук топиб бўлмайди, деди, лекин бари бир қидириб

¹⁵⁰ Нега деганда биз гаплашиб олишимиз керак. Ҳа, мен сизға кўп нарсаларни айтгим келади, азиз дўстим (франц.).

кўраман. деб ваъда берди. аммо буни худди жуда катта карз бераётгандек димок-фирок билан айтди.

Бека чикиб кетган захоти Степан Трофимович дархол диванга чўкди-да, ёнига Софья Матвеевнани ўтқизди. Хонада диван ва юмшок ўриндиклар қўйилган, аммо улар жуда кўримсиз эди. Умуман олганда, хона анча кенг (тўсик оркасида каравот жойлашганди), деворларга ёпиштирилган коғозлар сарғайиб, тўзиб, йиртилган, уларга афсонавий мавзулардаги дидсиз литография суратлари осилган, хонанинг бериги томонида катор қилиб санамлару ёйма иконалар терилган, мебеллари ҳам терма, ҳар ёқдан йиғиб келинган, бу эса хонага жиндак шахарча ва жиндак хакикий дехконча тус бериб турарди. Аммо у буларнинг ҳеч қайсисига қайрилиб ҳам қарамади, деразадан кўриниб турган, уйдан ўн одимлар наридан бошланадиган улкан кўлга ҳам бокмади.

– Ана, ниҳоят, ўзимиз ёлғиз қолдик, энди ҳеч кимни бу ерга қўймаймиз!

Мен сизга ҳамма-хаммасини бошидан бошлаб хикоя қилиб бермоқчиман.

Софья Матвеевна жуда каттиқ хавотирланиб, уни тўхтатди:

– Биласизми, Степан Трофимович...

– Comment, vous savez déjà mon nom?¹⁵¹ – қувониб қулди тақсир.

– Мен боя Анисим Иванович билан гаплашаётганингизда эшитдим.

Мен ўзим сизга шуни айтмоқчи эдимки...

Шунда у ҳеч ким эшитиб қолмасин дегандай ёпик эшик томонга ҳадиксираб қараганча, тез-тез унинг қулоғига шивирлай бошлади: бу қишлоқда ишлар чаток. Бу ерлик барча эркаклар баликчилик қилишаркан, лекин ёз ойларида йўловчилардан қўнғиллари тусаганча ҳақ ундириб, тирикчиликларини тебратишаркан. Бу қишлоқ катта йўл бўйида эмас, овлоқ, йўловчилар бу ерга факат кемага тушиш учунгина қелишади, кема шу ерда тўхтайти, ҳаво

¹⁵¹ Ана холос, сиз менинг номимни биласизми? (франц.)

сал айниб қолса, кема мутлақо қатнамайди, – ана ўшанда бир неча кун йўловчилар тўпланиб қолишади, кишлокнинг барча уйлари банд қилишади, ана шуни кутишади бу ернинг одамлари, ҳар бир нарсани уч барабар қиммати-га сотишади, уй эгалари бу ерда жуда димоғлари баланд, кеккайган, ўзларининг кўзлари билан қарасангиз, бой-бадавлат: балиқ овлайдиган ёйма тўрининг ўзи минг рублдан ҳам қиммат туради.

Степан Трофимович ғоятда ҳаяжонланган Софья Матвеевнанинг чехрасига бироз таънамуз қаради ва уни гапдан тўхтатиш учун бир неча бор уриниб кўрди. Аммо аёл ўз билганидан қолмади ва сўзини охирига етказди: унинг сўзига қараганда, бу ерда ёзда бир шаҳарлик «олийжаноб бегойим» билан бирга бўлган, кема келишини кутиб, икки кун қолиб кетишган ва шунчалар машаққат чекиб, абгор бўлишганки, ҳали ҳанузгача эсласа, юраги орқасига тортиб кетади. «Мана, сиз, Степан Трофимович, бу хонани ёлғиз ўзингиз учун сўрадингиз... Мен огоҳлантириб қўяй деяпман, холос... Нариги хонада ҳозирданоқ йўловчилар – ёши улут киши ва ёш йигит жойлашган, улар билан бирга яна болалари билан хоним ойим ҳам борлар, эртага соат иккигача бу уйга одам лик-лик тўлади, чунки кема икки кундан бери келмаган, шунинг учун эртага, албатта, келса керак. Ана шу алоҳида хона билан иссиқ таом сўраганингиз учун бошқа йўловчилар хафа бўлишяпти деб, сиздан осмон барабар ҳақ ундиришади, бунақасини ҳатто пойтахтларда ҳам кўрмайсиз...»

Аммо Степан Трофимович азоб чекар, ҳақиқатан ҳам азоб чекарди:

– Assez, mon enfant¹⁵², сизга ёлвораман; nous avons notre argent, et apres – et apres le bon Dieu¹⁵³. Мен ҳатто ажабланиб қолдим, сиз шундай юксак хаёллар эгаси... Assez, assez, vous metourmentez¹⁵⁴, – жазавага тушиб деди

¹⁵² Бас, чирогим (франц.).

¹⁵³ Ҳозир пулимиз бор, кейин, кейин худо мадаккор (франц.).

¹⁵⁴ Етар, бўлди, бўлди, сиз мени қийнапсиз (франц.).

у, – бизнинг олдимизда бутун келажагимиз турсин-да, сиз эса... Сиз эса мени келажак учун кўркитяпсиз...

У ўзининг бутун тарихини баён эта бошлади, гапираётганда шунчалар шошилардики, дастлаб тушуниш ҳам қийин бўлди. Ҳикоя анчага чўзилди.

Балик шўрва, товук келтирилди, самовар ҳам олиб келинди, таксир эса ҳамон сўйлашдан тўхтамасди... Унинг гап-сўзлари ғалати изтиробга тўла, ахир ўзининг тоби ҳам йўқ эди-да. Шу дамларда унинг аклий кучлари гоятда тараנגлашган ва зўриққанди, – бу унинг бўшашган, дармони қуриган вужудини батамом ҳолдан тойдириши тайин эди, – у шоша-пиша ҳикоя қиларкан, Софья Матвеевна худди ана шундан ҳадиксирарди. Дастлаб у болалик чоғларини, «яйраб ўтлоқларда чопиб ўйнаганларини» эслади; бир соатлардан кейингина у икки бора уйлангани-ю ўзининг Берлинда қандай кун кечирганларигача гапириб берди. Айтгандай, мен бу нарсанинг устидан асло кулмоқчи эмасман. Бунда ҳақиқатан унинг учун энг юксак ва янги замоннинг тили билан айтганда, қарийб яшаш учун кураш мужассам эди. У кўз ўнгига ўз келажак йўлига ҳамроҳ қилиб олдиндан танлаган хилқатни келтирар ва уни тезроқ ушбу ҳоллар билан таништириш, бохабар қилишга ошиқарди. Бу хилқат учун ўзининг даҳоси эндиликда сирлигича қолиб кетмаслиги керак эди... Эҳтимол, у Софья Матвеевна борасида қаттиқ муболаға қилгандир, аммо энди уни тўқис-туғал танлаб бўлганди. У аёлсиз яшолмасди. Унинг ўзи аёлнинг чехрасидан шунини кўриб-билиб турардики, аёл унинг гапини, ҳатто энг муҳим жойини ҳам, умуман, ҳеч нимани қарийб тушунмасди. «Ce n'est rien, nous attendrons»¹⁵⁵, ҳозирча у фақат ҳиссиётлари билангина тушуниши мумкин...»

– Азизам, менга фақатгина сизнинг юрагингизгина керак! – ҳикоясини тўхтатиб, хитоб қилди у, – менга қараётган мана шу жонсўз нигоҳингиз, дилбар қарашларингиз керак. О, ундай қизарманг, қизарманг! Мен сизга боя айтгудим...

¹⁵⁵ Ҳечқиси йўқ, биз кутамиз (франц.).

Ногаҳон қўлга тушиб қолган бечора Софья Матвеевна ҳикоянинг айниқса, Степан Трофимовични ҳеч ким ҳеч тушунмагани ҳамда «Бизнинг Россиямизда истеъдодлар тамом нобуд бўлаётгани» хусусидаги бутун бир диссертацияни эслатувчи қисмига келганда, хаёллари туман ичида қолиб чалкашиб кетди. Ҳаммаси «шунақанги ақлли эди», деб кейинчалик ҳасратга ботиб айтиб берганди у. Аёл кўзларини бироз катта-катта очиб, суҳбатдошининг сўзларини дардкашлик билан тинглаб ўтирарди. Степан Трофимович бизнинг «илғор ҳамда ҳукмрон» кучларимиз борасида ҳажвга ўтиб, ёмон кинояли учирикларини ёғдира бошлаганда, аёл аламзадалик билан унинг кулгисига жавобан икки марта унсият-ла кулгандай бўлди-ю, аммо бу йиглагандан ҳам баттар чиқди, ҳатто Степан Трофимовичнинг ўзи ҳам хижолатдан тилини тишлаб қолди ва шундан сўнг яна қаттиқ жазавага тушиб, энди нигилистлару «янги одамлар»га қарши қаҳр-ғазаб билан тош ёғдиришга киришди. Шу ерга келганда аёлнинг кўрққанидан жони чиқиб кетай деди, ниҳоят, ҳикоя ишқий саргузаштларга етиб келганда, у бироз ёлғондакам бўлса ҳам, андак нафас ростлагандай бўлди. Аёл роҳиба бўлган тақдирда ҳам, барибир аёл-да доимо. Аёл энди майин жилмаяр, бошини чайқаб ликирлатар ва шу заҳоти дув кизариб кетиб, бошини қуйи эгар, бундан Степан Трофимович ортиқ даражада мутаассир бўлиб, янада жўшиб хуружга кирар, ҳатто илҳоми қайнаб орага кўп ботил гапларни ҳам кўшиб юборарди. Варвара Петровна унинг ҳикоясида ғоятда дилрабо, қора соч, қора қош жонон бўлиб чиқди («бутун Петербургнинг оғзи очилиб қолган. Европанинг кўп пойтахтлари ҳайратдан лол қолган»), унинг эри эса ўзини унга ва унинг севгисига ниҳоятда номуносиб сезиб, рақибига, яъни бу ерда Степан Трофимовичга ён босган ва «Севастополда ўққа учмоқдан» бошқа зарра чораси қолмаган... «Оҳ, уялманг, қисинманг, менинг ювошгинам, менинг насрониям! – дея нидо қилди Степан Трофимович ўзининг гапларига ўзи бутунлай ишониб. – Бу шунақанги олий, бир нафис нарса эдики, ҳар иккимиз ҳам бир умр бирор мартаям бу ҳақда

гапирмаганмиз». Ҳикоянинг бундан кейинги давомида бундай аҳволнинг сабабчиси бўлиб энди олтин соч аёл юзага чиқарди (бу Дарья Павловнамикин, ё бошқа, Степан Трофимович кимни назарда тутган, билмадим). Ушбу олтин соч қора кош аёлдан кўпдан-кўп яхшиликлар кўрган ва узок қариндоши сифатида унинг хонадонида униб ўсган. Қора кош охири олтин сочнинг Степан Трофимовични севишини фаҳмлаб қолиб, дардини ичига ютган. Олтин соч ўз навбатида қора қошнинг Степан Трофимовичга муҳаббатини кўргач, у ҳам индамаган. Шундан сўнг ҳар учовлари ўзаро олийжаноблик юки остида эзилганча шу тариқа ўз дардлари ичида йигирма йил жим-жим яшаб юришган. «О, не деган эҳтирос эди бу, не деган эҳтирос эди бу! – деб нидо қиларди у самимий ҳайрат-ла шилкиллаб, йигламсираб. – Мен унинг гўзаллиги барк уриб гуллаганини кўрдим (қора қошнинг), ҳар куни «юрагимда жароҳат билан» ёнгинамдан худди ўз гўзаллигидан ибo қилгандай ўтишини кўрдим». (У бир гал буни «ўзининг тўлалигидан уялгандай» деб ҳам айтди). Мана, ниҳоят, ушбу йигирма йил давом этган иситма, алаҳсираш омукта кечган тушни ташлаб қочди. – «Vingt ans!»¹⁵⁶ Мана энди катта йўлга чиқди... Кейин у иситма ичида Софья Матвеевнага уларнинг бугунги «шу қадар қисмат ёр бўлиб ва шу қадар кутилмаганда мангуга» учрашганларини тушунтира кетди. Софья Матвеевна ниҳоят, қисиниб-қимтинган ҳолда дивандан турди; таксир бирдан унинг олдида тиз ҳам чўкмокчи бўлдики, аёл бечора йиғлаб юборди. Хуфтон туша бошлади; ҳар икковлари ичдан беркитилган хонада бир неча соат бирга бўлишди...

– Йўқ, мени яхшиси, нариги хонага қўйиб юборинг, – деб зорланарди аёл, – бўлмаса, кишилар нима деб ўйлашади, ахир.

Аёл ниҳоят чикиб кетди; у аёлни қўйиб юборди, хозирок ётиб ухлайман дея сўз берди. Хайрлаша туриб, бошим қаттиқ оғрияпти, деб шикоят қилди. Софья Матвеевна ҳали бу ерга кириб келганларидаёқ юқларини биринчи хо-

¹⁵⁶ Йигирма йил! (франц.)

нада қолдирган, бека билан бирга ётарман, деб ўйлаганди; аммо у тин олишга улгурмади.

Кечаси Степан Трофимовични менга ва бошқа дўст-биродарларига маълум иситма тутди – барча асабий зўриқишлару маънавий ларзаларнинг одатдаги натижаси шу бўлди. Бечора Софья Матвеевна тун бўйи мижога коқмади. У касалга қараб, уй эгалари ётган хонадан ўтиб тез-тез ташқарига кириб-чиқишига тўғри келганидан, бу ерда ухлаётган бека, эри ва баъзи йўловчилар норози бўлиб тўнғиллашарди, охири у эрталабга яқин самоварга ўт қўйгани чиққанида сўкиб беришди. Степан Трофимович иситма исканжасида дам ҳушига келар, дам ҳушидан кетарди; назарида дам самовар қўйишаётган, дам хўжағат шарбати ичиришаётган, қорни, кўкрагини нима биландир киздиришаётгандек туюларди. Аммо у ҳар дамда аёл ёнида эканлигини ҳис қиларди: аёл дам-бадам ташқарига чиқиб келар, уни қаравотдан тургизар ва яна ётқизиб қўярди. Тун оғиб, соат учларда у бироз енгил тортди; ўрнидан қўзғалди, тўшақда кўтарилиб ўтирди-да, ҳеч нарсани ўйламай ўзини аёлнинг оёғи остига ташлади. Бу бояги тиз чўкиб таъзим бажо келтиришга ўхшамасди; у шундок аёлни оёғига йиқилди-ю, унинг этакларини ўпа бошлади...

– Қўйинг, қўйинг, мен бунга арзимаيمان, – деб зорларди аёл уни ердан кўтаришга уриниб.

– Менинг халоскорим, – аёл олдида иззат-иқром билан қўлини қовуштирди у. – *Vous etes noble comme une marquise!*¹⁵⁷ Мен – мен аблаҳман! О, мен бир умр виждонсизлик қилдим...

– Тинчлашинг, – деб ялинарди аёл.

– Мен боя сизга ёлғон гапирдим, – ўзимни кўрсатмоқчи, обрўйимни кўтармоқчи, лақиллатмоқчи бўлдим, – бари, бари ёлғон, о, аблаҳман, аблаҳ!

У иситмаси тушмай ўз-ўзини асабий қутуриб қоралашга ўтди. Мен Варвара Петровнага ёзган хатлари ҳақида гапирганда, унинг бундай васвасаларга берилиб

¹⁵⁷ Сиз худди маркизадай олийжанобсиз! (*франц.*).

кетишини эслатган эдим. У бирдан Lisени кеча эрталаб у билан кўришганини эслади: «Жуда ҳам ёмон аҳволда эди, балки бирон бахтсизликка йўлиққанмиди, мен сўрамадим, дардидан хабардор бўлмадим! Мен фақат ўзимни ўйладим! О, унга нима бўлди, сиз билмайсизми, унга нима бўлди?» – суриштирарди у Софья Матвеевнадан. Кейин у «хиёнат қилмайман», деб қасам ичди, унинг (яъни Варвара Петровнанинг) олдида қайтиб бораман, деди. «Биз (яъни Софья Матвеевна билан биргаликда) ҳар куни унинг оstonасига борамиз, у эрталабки сайрга каретага ўтираётган бўлади, биз жимгина термулиб турамиз... О, у менинг бошқа юзимга ҳам уришини истайман; жон-жон деб истайман! Унга иккинчи бетимни тутиб бергайман *comme dans votre livre!*»¹⁵⁸ Мен фақат энди, энди тушундим иккинчи... «рухсор»ни тутиб бериш нималигини. Мен илгари ҳеч тушунмаган эканман!» Софья Матвеевна ҳаётининг энг кўркинчли икки куни кириб келди; ҳозир ҳам эсласа, бутун вужуди титрокка тушади; кема бу сафар кундузги соат иккида аниқ етиб келди, аммо Степан Трофимович ўридан туролмайдиган даражада ётиб қолди, у кемада жўнаб кетолмади; аёл эса уни ташлаб кетишга қўнгли бўлмай, Спасовга бормай қўя қолди. Аёлнинг айтишича, тақсир кема жўнаб кетганидан жуда хурсанд бўлган.

– Ҳай баракалла, ҳай балли, – деб ғўнгиллади у тўшакда ётиб, – биз бу ердан кетамизми, деб жуда кўрққан эдим. Бу ер жуда яхши, ҳаммасидан яхшироқ... Сиз мени ташлаб кетмайсизми? О, худога шукур, мени ташлаб кетмадингиз!

Аммо «бу ер» у қадар ҳам яхши эмасди. У аёлнинг ташвишларини билишни истамасди; бошида ҳаёллар ғужғон ўйнарди; ўз касалига тез ўтиб кетадиган арзимас бир нарса деб қарарди, уни бутунлай ўйламас, фақат икковлари бориб «бу китобларни» қандай сотишлари устидагина бош қотирарди. У аёлдан Инжилни ўқиб беришни сўради.

¹⁵⁸ Худди сизнинг китобингизда ёзилгандай! (франц.)

– Мен асл нусхада... ўкимаганимга анча бўлди. Биров сўраб қолса, адашиб ўтирмай тагин; бунгаям тайёргарлик кўриб қўйиш керак.

Аёл унинг ёнига ўтириб, китобни очди.

– Сиз жуда чиройли ўқиркансиз, – деб уни бир қатор ўқигандаёқ тўхтатди. – Қаранг, қаранг, мен ҳеч хато қилмаган эканман! – мубҳам қилиб деди у, аммо завқи жўшиб. Умуман, тинимсиз жўшқинлик ҳолатида эди.

Аёл унга Инжилдан тоғ таълимини¹⁵⁹ ўқиб берди.

– *Assez, assez, mon enfant*¹⁶⁰, бўлди, бас... Наҳотки *шунинг* ўзи етмайди деб ўйласангиз!

У ҳолдан тойиб кўзларини юмди. У жуда ҳам бўшашган, аммо ҳали ҳуши ўзида эди. Софья Матвеевна уни ухломокчи шекилли деб ўйлаб, ўрнидан турмокчи бўлди. Аммо у тўхтатди:

– Азиз дўстгинам, мен бир умр ёлғон гапирдим. Ҳатто тўғрисини айтганда ҳам ёлғонладим. Мен ҳеч қачон ҳақ учун эмас, фақат ўзим учун гапирдим, мен буни аввал ҳам билардим, аммо фақат энди кўраяпманки... О, мен бир умр ошноман деб таҳқирлаган қани ўша дўстларнинг ҳаммаси? Ҳаммаси, ҳаммаси! *Savez-vous*¹⁶¹, мен балким ҳозир ҳам ёлғон гапиряпман. Ҳаётда ҳаммасидан ҳам қийини яшаш ва ёлғон гапирмаслик... яна... яна ўз ёлғонига ишонмаслик, ҳа, ҳа, худди мана шундай! Аммо тўхтаб туринг, бу ҳаммаси кейин... Биз биргамиз, биргамиз! – қўшиб қўйди у завқ-шавқ билан.

– Степан Трофимович, – ботинмайгина илтимос қилди Софья Матвеевна, – «вилоят»га доктор чакириш учун одам жўнатсакмикин? Таксир тамомила лол қолди.

¹⁵⁹ Инжил (Матто, 5-боб), (Лука, 6У20-49). Исо ал-Масихнинг тоғ устида туриб, илк бор халойикка қарата айтган ваъз-насиҳатлари, насронийларда «Нагорная проповедь» дейилади. Биз «Жабал хутбаси» деб қўлладик. Оят: «Исо талай халойикни кўриб, тоққа чикиб ўтирди...» – деб бошланади (*тарж.*).

¹⁶⁰ Бас, бас, бўтам (*франц.*).

¹⁶¹ Биласизми (*франц.*).

– Нера? Est-ce que je suis si malade? Mais rien de sérieux¹⁶². Бизга бегона одамларнинг нима кераги бор? Яна билиб қолишса – унда нима бўлади? Йўк, йўк, бегона одамларнинг ҳожати йўк, биз биргамиз, биргамиз!

– Биласизми, – деди яна бироз жимликдан сўнг, – менга яна бирон нарса ўқиб беринг, истаган жойингиздан, кўзингиз тушган жойидан. Софья Матвеевна китобни очиб, ўқий бошлади.

– Шундок бехос очинг, қаери чикса, ўша ерни ўқинг, – такрорлади у.

– «Ва Лаодикия черкови фариштасига ёзгил...»

– Бу нима? Нима? Қаердан бу?

– Бу «Апокалипсис»дан¹⁶³.

– О, je m'en souviens, oui, l'Apocalypse. Lisez, lisez¹⁶⁴, мен китобдан бизнинг тақдиримизни фол кўрдим, нима чикди, билай; фариштадан бошлаб ўқинг, фаришта...

– «Лаодикиядаги жамоатнинг фариштасига ёз: Омин, ишончли ва ҳақиқий Шохид, Худо яратганларининг боши шундай дейди: Сенинг ишларингни биламан, сен на совук ва на иссиқсан. О, қани эди ё совук, ё иссиқ бўлсанг! Сен иссиқ ҳам, совук ҳам эмас, балки илик бўлганинг учун сени оғзимдан чиқариб юбораман. Сен: «Бойман, бойиб кетдим, ҳеч нарсадан кам-кўстим йўк», – дейсан-у, аммо аянчли, ачинарли, қашшок, кўр ва яланғоч эканлигингни билмайсан!»¹⁶⁵

– Бу... бу сизнинг китобингизда борми! – деб нидо қилди таксир кўзлари ялтираб, ёстикдан бошини кўтараркан. – Мен ҳеч қачон, ҳеч қачон бу улуг сўзларни ўқимаган эканман! Эшитяпсизми: иссиқдан кўра, фақат иссиқдан

¹⁶² Нахотки, мен шунчалар касал бўлсам? Ахир жиддий нарса эмас-ку (*франц.*).

¹⁶³ Башорат. Инжилнинг Янги Аҳд китобида кирган қисми. Дунё ва инсон тақдир, охириги замон, қиёмат ҳақида ҳикоя қилади (*тарж.*).

¹⁶⁴ О, бу эсимда, бу ҳа, Апокалипсис. Ўқинг, ўқинг (*франц.*).

¹⁶⁵ Инжил. Ваҳий (Апокалипсис) 3У14-17. Иброҳим Абаев таржамаси. Стокгольм – 1992 й.

кўра рости совук, совук. О, мен кўрсатаман. Фақат мени ташлаб кетманг, мени ёлғиз ташлаб кетманг! Биз кўрсатамиз, кўрсатиб кўямиз.

– Ташлаб кетмайман сизни, Степан Трофимович, ҳеч қачон ташлаб кетмайман! – деб аёл унинг қўлларини маҳкам ушлаб, сиқиб юраги устига қўйди, унинг кўзларида ёш гилтиллари. («Ўша пайтда у кишига жуда юрагим ачишиб кетди», – деб кейинчалик гапириб берган эди). Таксирнинг лаблари асабий титраб-қалтиради.

– Аммо Степан Трофимович, нима қилайлик энди? Таниш-билишларингиз ё қавм-қариндошларингизга хабар қилиб қўйсакмикин, а? Бироқ бу гапдан таксир шунчалар кўрқиб кетдики, аёл буни эслатганидан пушаймон бўлди. Таксир титраб-қақшаб ҳеч кимни чақирманг, деб ёлворди, ҳеч нарсига овора бўлманг, деди; аёлга сўз беринг, деб, уни кўндиришга уринди: «Ҳеч кимга айтманг, ҳеч кимга! Биз ўзимиз, фақат ўзимиз, nous partirons ensemble»¹⁶⁶.

Чаток томони яна шунда эдики, уй эгалари ҳам ташвишга тушиб қолишди, улар тўнғиллаб, Софья Матвеевнани қисти-бастига олишарди. Аёл уларнинг ҳақларини тўлади, пуллари борлигини кўрсатди; улар вақтинча хотиржам бўлишди; аммо хўжайин Степан Трофимовичнинг «хужжати»ни сўради. Бемор калондимоғлик билан илжайиб, халтасига ишора қилди; Софья Матвеевна унинг буюмлари орасидан истеъфога чиққани ҳақидаги бўлса керак, хужжатни топди, у ҳамма вақт шу хужжатни кўрсатарди. Хўжайин хужжатни ҳам инобатга олмай «бу ер касалхона эмас, у кишини бирон ёққа жойлаштириш керак», деб туриб олди, – ўлиб-нетиб қолиши мумкин, бошимизга бало орттирамиз. Софья Матвеевна у билан ҳам доктор хусусида гаплашди, аммо маълум бўлдики, агар «вилоят»га одам жўнатилса, бу шунчалар қимматга тушар эканки, доктор чақириш ҳақидаги фикрдан воз кечишга тўтти келди. Аёл хасратга тўлиб, бемор ёнига қайтди. Степан Трофимович тобора ҳолдан тойиб борарди.

¹⁶⁶ Биз бирга жўнаймиз (франц.).

– Энди менга яна бир жойини ўқиб беринг... чўчкалар хақида, – сўраб қолди у бирдан.

– Нима дедингиз? – ёмон кўрқиб кетди Софья Матвеевна.

– Чўчкалар хақида... бу ҳам ўша ерда... ces cochons¹⁶⁷, эсимда, иблислар чўчкаларнинг ичига кириб олиб, ҳаммаси чўқиб кетганди. Илтимос, шу жойини ўқиб беринг; сизга кейин айтаман нимагалигини. Ҳаммасини аниқ эсимга туширмоқчиман. Анигини хоҳлайман. Софья Матвеевна Инжилни яхши билади, у бир зумда Лукада келтирилган ўша жойни топди, мен уни солномага эпиграф қилиб қўйганман. Яна бир қарра уни келтираман:

«Шу тоғнинг ён бағрида катта бир тўнғиз подаси ўтлаб юрган эди. Жинлар тўнғизларга киришга рухсат бериши учун Исодан ёлвориб сўрадилар. Исо уларга рухсат берди. Шунда жинлар одамдан чиқиб, тўнғизларга кириб олдилар. Тўнғиз подаси тик қияликдан пастга ёпирилди ва кўлда ғарқ бўлди. Тўнғиз боқувчилар содир бўлган воқеани кўргач, югуриб бориб шаҳар ва овулларда рўй берган воқеани гапириб бердилар. У жойларнинг аҳолиси эса бўлиб ўтган ҳодисани кўриш учун далага чиқиб, Исонинг ёнига келди. Жин чиққан одамни кийинган ва ақли расо ҳолатда Исонинг оёғи томонда ўтирганини кўриб, ваҳимага тушишди. Ҳодисани кўрганлар эса у одамнинг жиндан қандай қутулганини ҳаммага сўзлаб беришди»¹⁶⁸.

– Азизам, – деди Степан Трофимович қаттиқ ҳаяжон ичида, – savezvous, мана шу мўъжизакор, ғаройиб парча бир умр тишимга тегиб келади... dans ce livre¹⁶⁹... болалигимдан шу жой ҳеч эсимдан чиқмасди. Энди бошимга бир фикр келиб қолди: une comparaison¹⁷⁰. Бошимга жуда кўп фикрлар келади: кўринг буни, баайни бизнинг Россия-мизнинг ўзи. Анави касалдан чиқиб чўчкаларга қираётган жинлар, – булар бари бизнинг улут ва жонажон Россия-мизда тўпланиб қолган қўтирлар, жароҳатлар, ифлослик-

¹⁶⁷ Ўша чўчкалар (франц.).

¹⁶⁸ Инжил. Лука, 8У32-36. Иброҳим Абасв тарж.

¹⁶⁹ Биласизми... бу китобда (франц.).

¹⁷⁰ Бир ўхшатиш (франц.).

лар, барча иблислар ва жинваччаларки, асрлар, асрларча йиғналган! Oui, cette Russie, que j'aimais toujours¹⁷¹. Аммо унга самолардан буюк гоё ва буюк ирода келгай ва худди анов аклини йўқотмиш жиннининг ичидан чиккандай барча жинлар, тамоми ифлосликлар, маразлар, патос боғлаган яралар чикиб кетгай... ва чўчкаларга кирайлик деб ёлворгай. Аллақачон кириб олгандирлар балки! Биз ҳаммамиз, ҳаммамиз ва анавилар ва Петруша... et les autres avec lui¹⁷² ва мен балким, ҳаммасининг бошида туриб, баланд қоядан ўзимизни қутурган ва эсдан огган ҳолда денгизга ташлагаймиз ва ажаб қилгаймиз, чунки биз фақат мана шунгагина қодирмиз. Аммо касал ором олгай ва «Исонинг оёғида ўтиргай»... ҳайрат тўла кўзлар билан уларга бокқай... Азизам, vous comprendrez apres¹⁷³, бу мени жуда ҳаяжонга соляпти... Vous comprendrez apres... Nous comprendrons ensemble¹⁷⁴.

У алаҳдай бошлади ва охири ҳушини йўқотди. Софья Матвеевна унинг ёнида йиғлаб ўтирар, шўрлик уч кечадан бери мижджа қокмаган ва уй эгаларига кўринишдан ўзини олиб қочар, улар эса қандайдир чора-тадбирлар қидираётганларини сезиб турарди. Фақат учинчи кун деганда қутулиш йўли очилди. Эрталаб Степан Трофимович кўзини очиб, аёлни таниди ва унга қўлини узатди. Аёл худого ёлвориб, умид қилди. Бемор деразага қарагиси келди: «Tiens, un las,¹⁷⁵ – деди у, – оҳ, худойим, мен уни ҳали кўрганим йўқ...» Худди шу дамда уй эшигида кимнингдир араваси гумбурлади ва бирдан ҳаммаёқ алғов-далғов бўлди-кетди.

III

Буни қарангким, бу Варвара Петровна экан, у тўртта от қўшилган каретада ёнига иккита хизматкор ва Дарья

¹⁷¹ Ҳа, Россия, мен уни ҳар доим севардим (*франц.*).

¹⁷² Ва у билан бирга бошқалар (*франц.*).

¹⁷³ Сиз кейин тушуниб оласиз (*франц.*).

¹⁷⁴ Сиз кейин тушунасиз... Бирга тушунамиз (*франц.*).

¹⁷⁵ Вой, бу ерда қўл бор экан (*франц.*).

Павловнани олиб келибди. Мўъжиза оппа-осон рўй берибди: нима эканлигини билишга жуда қизиқиб қолган Анисим шаҳарга келгач, эртасига Варвара Петровнанинг уйига келиб, хизматкорларга Степан Трофимовичнинг ёлғиз ўзини қишлоқда кўргани, қишлоқликлар ҳам уни катта йўлда пиёда кетаётганида учратишгани, у ҳозир Устьєво тарафлардаги Спасов манзилига Софья Матвеевна деган хотин билан йўлга чиққанини айтиб берди. Айни чоқда Варвара Петровна қаттиқ ташвишга тушиб кўлидан келганча ўз синашта ҳабибини кидираётгани учун Анисимнинг хабарини дарҳол унга етқиздилар. Хоним Анисимнинг ўз оғзидан айниқса, ҳабиби Софья Матвеевна деган аллаким билан битта ёпиқ аравада Устьєвога жўнаганлигини эшитгач, дарҳол йўлга отланиб, Устьєвога етиб келган. Ҳабиб эса касалланиб ётиб қолганидан хабари бўлмаган.

Унинг қаҳрли ва ҳукмпармо овози эшитилди; уй эгалари ҳам писиб қолишди. Хоним Степан Трофимович аллақачон Спасовга етиб борган бўлса керак, деган ҳаёлда бу ерда фақат сўраб-суриштиргани тўхтаган эди: унинг шу ерда касал ётганини эшитиб, ҳаяжонланганча ичкарига кадам қўйди.

– Қани у, қаерда? Э, сен шу ердამисан! – деб кичкирди у худди шу дамда иккинчи хонанинг бўсағасида пайдо бўлган Софья Матвеевнани кўриб қолиб. – Сени уятсиз башарангдан таниб қолдим. Йўқол, турқинг курсин! Қорангни ўчир бу ердан! Йўқотинглар уни, бўлмаса, онагинам, умрингни камокда чиритаман. Уни ҳозирча бошқа уйда кўриқлаб туринглар. Бир марта шаҳарда турмада ўтирган эди, яна ўтиради. Мен шу ерда эканман, бу ерга бошқа ҳеч кимни киритмайсан, хўжайин, билдингми? Мен генерал ойим Ставрогина бўламан, уйингнинг ҳаммасини ижарага оламан. Сен эса, бекач, менга ҳаммаси учун ҳисоб берасан. Таниш овозлар Степан Трофимовични ларзага солди. У қалт-қалт титради. Бу пайт хоним тўсиқ ортидан чиқиб келди. У кўзларидан ўт чакнаб, оёғи билан стулни тарақлатиб сурди-да, Дашага бақирди:

– Ҳозир чикиб тур, беканинг олдига бор. Намунча қизикмасанг? Эшикни ҳам маҳкам ёпиб кет.

Бир қанча вақт хоним оғиз очмай қандайдир йирт-қичларча нигоҳ билан ҳабибнинг чўчиган юзига тикилди.

– Хўш, аҳволларингиз қалай, Степан Трофимович? Яхши ўйнаб юрибсизми? – бирдан отилиб чиқди унинг бўғзидан қаҳрли киноя.

– Chere, – тутилиб деди хушини йигиштиролмай Степан Трофимович, – мен ҳақиқий рус ҳаётини кўрдим... Et je prierai l'Evangile...¹⁷⁶

– О уятсиз, пасткаш инсон! – чинқириб юборди бирдан хоним қўлларини қарсиллатиб уриб. – Мени шарманда қилганингиз етмагандай, сиз илакишиб... О, қари, шармсиз суюк оёк!

– Chere...

Унинг овози хириллаб ўчди, тили тутилиб, кўркинчдан кўзларини катта-катта очиб бақраярди, холос.

– Ким ўзи у?

– C'est un ange... C'était plus qu'un ange pour moi¹⁷⁷, у тун бўйи... О, бақирманг, уни кўрkitманг, chere, chere... Варвара Петровна бирдан стулни тарақлатиб туриб кетди; унинг кўрқиб кетган овози эшитилди: «Сув, сув!» Ҳабиб кўзини очган бўлса ҳам, ҳабиба кўрқиб қалтирар, ранги оқариб, ҳабибнинг ўзгариб кетган юзига тикиларди: шундагина хоним ҳабибнинг қанчалар огир касалга чалинганини укди.

– Дарья, – бирдан пичирлади у Дарья Павловнага, – дарров докторни чақиртир, Зальцфишни; ҳозирок Егорич борсин; бу ердан отлар олсин, шаҳарда бошқа карета ёлласин. Кечасига етиб келсин. Даша буйруқни бажариш учун югурди. Степан Трофимович ҳамон ўша-ўша кўрқиб, бақрайиб ётарди; қони қочган лаблари титрарди.

– Шошмай тур, Степан Трофимович, шошмай тур, барака топкур! – ялинарди ҳабиба унга худди боладай, – хўп, бирпас тўхта, ҳа, тўхта, ҳозир Дарья келади ва... Оҳ,

¹⁷⁶ Мен энди Инжилни тарғиб қиламан (франц.).

¹⁷⁷ Бу фаришта... У менга фариштадан ҳам ортик (франц.).

худойим, бекач, бекач, қаердасан, тезроқ кела қолсанг-чи, омон бўлгур!

У сабри чидамай ўзи бекачнинг ёнига югурди.

– Ҳозир, дарров *анов* хотинни орқага қайтар. Уни қайтаринглар, қайтаринглар!

Хайриятки, Софья Матвеевна ҳали уйдан чиқиб кетмаган, фақат туғуни ва қопи билан дарвоза томонга йўл олганди. Уни қайтаришди. Унинг шунчалар ўтакаси ёрилгандики, қўл-оёқлари дир-дир қалтирарди, худди кузгун жўжага чангал ургандай, Варвара Петровна унга чанг солди-да, Степан Трофимовичнинг олдига судраб кетди.

– Хўп, мана олиб келдим. Еб қўйганим йўқ-ку унингизни. Сиз мени уни еб қўйди, деб ўйладингиз, шекилли. Степан Трофимович Варвара Петровнанинг қўлидан ушлаб, қўзларига босди-да, изтироб ва талваса ичида ҳўнграб йиглаб юборди.

– Оҳ, тинчлан, тинчлан, бўлди, барақа топкур, отахон! Оҳ, худойим, бўлди дейман, бўл-л-л-ди ахир! – дея кичқирди хоним фўгон қўтариб. – О, дилозор, дилозор, дилозор!

– Азизам, – дея пичирлай олди ниҳоят Степан Трофимович, Софья Матвеевнага қарата, – азизам, сиз ўша ёқда тура туринг, мен бу ерда бир гап айтмоқчиман...

Софья Матвеевна дарҳол шошилиб чиқиб кетди.

– Cherie, cherie...¹⁷⁸ – бўғиларди ҳабиб.

– Кейин айтасиз, Степан Трофимович, бироз шошмай туринг, озғина дамингизни олинг. Мана, сув. Тўхтаб туринг деяпман сизга!

Хоним яна стулга ўтирди. Степан Трофимович унинг қўлини маҳкам ушлаб олганди. Хоним анчагача уни гапиртирмади. Ҳабиб унинг қўлини лабига босиб ўпа бошлади. Хоним қайгадир – узоқларга қараб тишини тишига босди.

– Je vous aimais!¹⁷⁹ – отилиб чиқди унинг оғзидан ниҳоят. Ҳабиба ҳеч қачон шундай айтилган сўзни эшитмаганди.

¹⁷⁸ Севгилим, севгилим... (франц.)

¹⁷⁹ Мен сизни севардим! (франц.)

– Ҳм, – деб ҳимраниб қўйди у жавобан.

– Je vous aimais toute ma vie... vingt ans!¹⁸⁰

Хоним ҳамон оғиз очмасди – икки, уч дақиқа шундай ўтди.

– Дашага учиб-қўниб турмаганмидинг, атир-упалар сепмаганмидинг... – бирдан дахшатли шивирлади хоним. Степан Трофимович сулайиб қолди.

– Яп-янги бўйинбоғ тақувдинг...

Яна икки дақиқалар жимлик чўқди.

– Сигара эсингиздадир?

– Азизам, – дахшатга тушиб пичирлади ҳабиб.

– Сигара, окшом, дераза ёнида... ой шуъласи тушиб турарди... қўшқдаги суҳбат... Скворешникида. Эсингдами, эсингдами, – хоним дик этиб ўрнидан турди-да, бемор ётган ёстиқнинг икки бурчидан қисимлаб ушлаб, ҳабибнинг боши билан бирга силкита бошлади. – Эсингдами, эй пучқоқ, пучқоқ, бадном, кўрқоқ, ҳамиша, ҳамиша пуч одам! – дея вишилларди у қахру ғазаб ичида, бақириб юборишдан аранг ўзини тийиб. Ниҳоят, хоним уни қўйиб юборди-да, ўзини стулга ташлаб қўллари билан юзини яширди. – Бас! – кескин деди у, қаддини ростлаб. – Йигирма йил ўтди-кетди, орқага қайтмайди; ўзим ҳам жинниман.

– Je vous aimais, – яна қўлларини ковуштирди ҳабиб.

– Бошимга ураманми, aimais, aimais дейсан нукул! Бас, етар! – хоним яна сакраб ўрнидан турди. – Агар сиз ҳозир кўзингизни юмиб ухламасангиз, унда мен... Сиз тинчланинг, ухланг, ҳозир ухланг, кўзингизни юминг.

Оҳ, худойим, у балки овқат ер! Нима ейсиз! Нима ейди! Оҳ, худойим, қани ҳалиги? Қаёққа кетди?

Алғов-далғов кўтарилди. Аммо Степан Трофимович овози ичидан базўр чиқиб, тили тутилиб, une heure¹⁸¹ ростдан ҳам мизғиб олсам, деди, ундан кейин un bouillon, un the...enfi n, il est si heureux¹⁸². У яна чўзилди ва чинданам

¹⁸⁰ Мен сизни умрим бўйи севганман... йигирма йил! (франц.)

¹⁸¹ Бирон соат (франц.).

¹⁸² Шўрва, чой... ниҳоят, мен бахтлиман (франц.).

кўзларини юмди (балки, ўзини ухлагандек кўрсатгандир). Варвара Петровна яна бироз тўхтаб, сўнг оёқ учида юриб чикиб кетди. Хоним бекачнинг хонасига кириб ўтирди-да, уй эгаларини қувиб чиқариб, Дашага *ановини* чақир, деб буюрди. Жиддий сўраб-суриштириш бошланди.

– Мана энди, ойимчагинам, ҳаммасини бир бошдан гапириб бер; кел, ёнимда ўтир, ана шундай. Хўш?

– Степан Трофимовични учратиб қолдим...

– Тўхта. Гапирма. Сени огоҳлантириб қўяй, сен бир нимани яширсанг ёки алдасанг, ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келаман. Қани?

– Мен Степан Трофимович билан... мен Хатовога борган эдим... – нафаси бўғиларди Софья Матвеевнанинг...

– Тўхта, жим, шошма; мунча мингиллайсан? Аввало, ўзинг ким бўласан? Аёл ўзи ҳақида Севастополь воқеаларидан бошлаб, иложи борича қисқа ва амал-тақал қилиб гапириб берди. Варвара Петровна ундан бир зум ҳам жиддий тикилган кўзини узмай, қаддини стулда рост тутиб, сўз қўшмай эшитди.

– Нимадан бунча чўчийсан? Нега нуқул ерга қарайсан? Мен одамнинг юзига тик қараб гапирадиганлар, мен билан тортишадиганларни ёқтираман.

Давом эт.

Аёл учрашиб қолишгани, китоблар ҳақида гаплашгани, Степан Трофимович деҳқон хотинни ароқ билан сийлаганини сўйлаб берди...

– Ана, ана, ҳаммасини айтавер, – унга далда берди Варвара Петровна.

Нихоят, йўлга чиқишгани, Степан Трофимович эса «касал бўлиб қолиб», бутун ҳаётини бошидан-оёқ ҳикоя қилгани, бир неча соатлаб сўздан тўхтамаганларини оқизмай-томизмай айтди.

– Ҳаёти ҳақида нима деди?

Софья Матвеевна бирдан тилини тишлади ва боши берк кўчага кириб қолгандай бўлди.

– Мен нима деб гапиришни билмайман, – деди у зўрға йиғламсираб, – иннакейин мен ҳеч нимани тушунмадим.

– Ёлгон, тушунмаганинг ёлгон.

– Битта корасоч аслзода аёлни узок сўзладилар, – Варвара Петровнанинг сочлари сариклиги, унинг сира «корасоч»га ўхшамаслигини фахмлаб, Софья Матвеевна дув кизариб кетди.

– Корасоч дейсанми? Айнан нима? Қани, гапир!

Ўша аслзода хоним у кишини жуда қаттиқ яхши кўрган эканлар, тўла-тўқис йигирма йил, бир умрга; лекин ҳеч юрак бетлаб, у кишидан уялиб, кўнгил изҳор килолмаган эканлар, нега деганда бутун калблари лиммо-лим...

– Тентак! – хаёлга ботганча гапни бўлди Варвара Петровна. Софья Матвеевна юм-юм йигларди.

– Мен тузукрок гапириб беролмайман, чунки у кишининг ахволидан жуда кўрқдим ва гапларини ҳам кўпда англаб етолмадим, улар жуда ақлли одамлар...

– Сен, олақарға унинг аклини кайдан биласан. Бирга бўлайлик дедими?

Аёл типирчилаб қолди.

Сенга ошик бўлиб қолдими? Гапир! Бирга бош кўшайлик дедими? – бақирди Варвара Петровна.

– Шундок ҳам бўлди ҳисоб, – кўз ёшлари дув тўкилди аёлнинг. – Факат у киши оғриб қолганлари учун шундай деяптилар, деб ўйладим, – катъият билан қўшиб қўйди аёл бошини тик кўтариб.

– Исми шарифинг нима?

– Софья Матвеевна.

– Хўп бўлмаса шуни яхши билиб қўйки, Софья Матвеевна, бу ўзи энг ярамас, энг пуч бир махлук... Худойим, худойим! Мени аблаҳ хотин экан, деб ҳисоблаяпсанми?

Аёл кўзларини катта очди.

– Аблаҳ дейсанми, золим дейсанми? Унга жабр-зулм қилиб, ҳаётини барбод этган дейсанми?

– Нахотки шундок бўлса, сиз ўзингиз ҳам йиғла-япсиз-ку?

Ҳақиқатан, Варвара Петровнанинг кўзларида ёш ғилтиллаб турарди.

– Майли, хўп, ўтир, ўтир, кўркма. Яна бир марта менинг кўзларимга кара; нега кизариб кетяпсан? Даша, бу ёкка кел, уни кўр, нима деб ўйлайсан, унинг юраги тоза-ми?..

Хоним бирдан аёлнинг юзларини силаб, шапатилаб кўйди, аёл хайрон бўлиб колди ва яна жуда кўркиб кетди.

– Агтанг, факат акли калта. Шу ёшга кириб ҳам акли калта. Яхши, жонгинам, мен сен билан шуғулланаман. Ҳамма килиб юрган ишларинг бемаъни. Ҳозирча ёнимда бўлиб тур, сенга бошпана топиб беришади, овкатинг ҳам, ҳаммаси менинг ҳисобимдан... сўраб-суриштириб тураман. Софья Матвеевна мен ўз ишларимга шошиб турибман демокчи бўлиб оғиз жуфтлади.

– Шошадиган жойинг йўк. Ҳамма китобларинг-ни сотиб оламан, сен эса шу ерда ўтир. Оғзингни юм, шапшаклик килма. Ахир мабодо мен етиб келмаганимда ҳам, сен уни ёлғиз ташлаб кетмасдинг-ку, тўғрими?

– Ҳеч қачон ёлғиз ташлаб кетмасдим, – секин ва катъий пичирлади Софья Матвеевна кўз ёшларини артиб.

Доктор Зальцфишни тун яримдан окқанда олиб келишди. Бу жуда ҳурмат-эътиборга сазовор қария бўлиб, гоятда тажрибали эди, шу яқинларда ўз бошлиқлари билан иззат талашиб, хизмат жойидан айрилганди. Варвара Петровна уни дарҳол ўз «ҳомийлигига» олди. У беморни диққат билан кўрди, сўрайдиганини сўради-да, сўнг Варвара Петровнага «жафокашнинг» аҳволи яхши эмас, касални ўтказиб юборибди, оқибати ёмон бўлиши мумкин, деб айтди. Йигирма йил мобайнида нимаики шахсан Степан Трофимовичга дахлдор бўлса, барига енгил-елпи, ножиддий бир нарса деб карашга ўрганиб колган Варвара Петровна каттик ларзага тушди, ҳатто ранг-кути оқариб кетди:

– Ҳеч қандай умид йўкми?

– Бутунлайига ва ҳеч қандайига умид йўк деб бўлар-микин, лекин...

Хоним тун бўйи уйқуга ётмади, базўр тонг оттирди. Бемор кўзини очиб, ҳуши ўзига келиши биланок (касал

дам сайин курб-кувватидан кетаётган бўлса-да, хали хуши ўзида эди), хоним дархол қатъият билан ҳаракатга тушди; – Степан Трофимович, тақдирга тан бериш керак. Мен рухонийни чакиртирдим. Бурчингизни адо этмогингиз керак... Хоним унинг эътиқодини билгани учун йўқ деб оёқ тираб туриб олишидан қаттиқ кўрқди. Таксир унга хайрон бўлиб қаради.

– Бескор, бекор! – хоним у бош тортяпти деб ўйлаб нола қилди. – Шўхликнинг вақти ўтди. Уйнаб бўлди.

– Бирок... мен шунчалар касалманми?

Таксир ҳаёлга чўмиб рози бўлди. Умуман, мен кейинроқ Варвара Петровнадан эшитиб, хайратланиб қолдимки, у ўлимдан ҳеч кўрмабди. Эҳтимол, бунга сира ишонмаган ва ўз касалини арзимаган нарса деб ҳисоблаган бўлса керак.

У жон-дилдан тавба-тазарру ва хулул қилди. Ҳаммалари, Софья Матвеевна ҳам, хизматчилар ҳам келиб уни муқаддас хулул билан муборакбод этишди. Ҳамма унинг сўлғин, осилиб тушган афт-башараси, оқариб кетган, титраб-қалтираган лабларига қараб ўзини йиғидан тиёлмасди.

– Oui, mes amis¹⁸³, нима бўлди сизларга, бундай... бс-зовтасиз. Балким, мен эртага оёкка турсам... биз йўлга тушамиз... Toute cette seremonie¹⁸⁴. Мен бунинг ўз ўрни бор деб ўйлайман... маъноси шуки...

– Отахон, сиздан илтимос қиламан, касалнинг ёнида бўлиб тулинг, – Варвара Петровна ишини битирган рухонийни тез тўхтатди. – Чой таркатилгандан сўнг, унга далда бериб, илоҳий масалалардан мавъиза қилиб туришингизни сўрайман.

Рухоний мавъиза бошлади; ҳамма касалнинг бошида йиғилган, биров ўтирар, биров оёқда тик турарди.

– Бизнинг маъсиятли замонамизда, – равон нутқ ирод этарди рухоний қўлида чойини тутганча, – тангри таборақка имон келтирмоқлик одами зотнинг жамийки тириклик синовлари-ю мусибатларида паноҳ бўлгай, азизу авлиё-ю

¹⁸³ Ҳа, дўстларим (франц.).

¹⁸⁴ Бу маросим ҳаммаси (франц.).

атқиёларга ваъда ва қисмат килинмиш мангу фароғатнинг маъноси шулким...

Степан Трофимович гўёки бирдан жонланиб колди; унинг лабларига ингичка бир илжайиш кўниб ўтди.

– Mon pere, je vous remercie, et vous etes bien bon, mais...¹⁸⁵

– Ҳеч mais эмас, мутлақо mais эмас! – деб хитоб қилди Варвара Петровна стулдан вазоҳат билан туриб кетаркан. – Отахон, – деди у руҳонийга қарата, – бу, бу шундай инсон, бу шундай инсонки... уни бир соатдан кейин яна қайта тавбага келтириш керак! Мана шунақа бу инсон!

Степан Трофимович таҳаммул қилиб, жилмайди.

– Дўстларим, – тилга кирди у, -- худо менга шул учун ҳам зарурким, у абадул-абад севиш мумкин бўлган ягона хилқатдир... У ҳақиқатан ҳам, имонга келдими, ё улуғвор изхор маросими тубида зухур этган сир-асрордан унинг нафис таъсирчан табиати қаттиқ мутаассир бўлдики, ҳар қалай, кейин ҳикоя қилишларича, у аввалдан эътиқод қилиб келган нарсаларининг кўпига тўғридан-тўғри зид бир қанча гапларни ишонч ва қатъият билан баён этди.

– Мен ўлмайман, бу жуда ҳам зарур, чунки худо ноҳақликка йўл қўймай ва менинг юрагимда унга аянга олган муҳаббатимни бутунлай сўндирмамай. Муҳаббатдан нима бор қимматроқ? Муҳаббат борлиқдан юксакдир, муҳаббат борлиқнинг гултожидир, борлик ахир унга тобе бўлмаслиги мумкинми? Унга ишқим тушган экан ва бу ишқдан шоду хуррам бўлган эканман – у мени ва менинг суруримни сўндириши асло мумкинми ва бизни ҳеч нарсасига айлантириб қўйиши лобиддирми? Худо мавжуд экан, унда мен ҳам ўлмайман! Voila me profession de foi¹⁸⁶.

– Худо бор, Степан Трофимович, ишонинг, худо бор. – ёлворарди Варвара Петровна, – тавба денг, лоакал шу сафар бир марта қўйинг энди ўша тентакликларни! (Хоним, чамаси, унинг profession de foi деганини яхши англаб етмади).

¹⁸⁵ Отахон, сизга ташаккур, жуда меҳрибонсиз, аммо... (франц.).

¹⁸⁶ Мана мен учун дин-имон тимсоли (франц.).

– Азиз дўстгинам, – дерди ҳабиб овози хириллаб бо-
раётган бўлса ҳам, тобора жўшиб, – дўстгинам, мен ана
шу... шу... узатилган қўлни... тушуниб етганимда...
мен... мен... дарҳол яна бир нималарни англаб қолдим...
J'ai menti toute ma vie¹⁸⁷, умрим бўйи, умрим бўйи! Мен
шуни истардимки... сонияни, эртани... Эртага биз ҳамма-
миз йўлга чиқамиз.

Варвара Петровна йиғлади. Ҳабиб кимнидир кўзи би-
лан кидирарди.

– Мана у, шу ерда! – Варвара Петровна аёлнинг қўли-
дан тутиб яқинроқ олиб келди. Ҳабиб хуш ёкиб илжайди.

– О, қанийди, яна яшасам дердим! – хитоб қилди у
қандайдир вужудига куч ёғилиб келиб. – Ҳар бир дакика,
ҳар бир сония инсонга фароғат бағишлайди... албатта, ал-
батта бағишлаши керак! Буни шундай қилиш инсоннинг
ўз зиммасида; бу унинг яширикча, аммо муқаррар мавжуд
қонуни, йўл-йўриғи... О, мен Петрушани кўргим кела-
ди... уларнинг ҳаммаларини кўргим келади... Шатовни
ҳам соғиндим!

Айтиб ўтишим керакки, на Дарья Павловна, на Вар-
вара Петровна ва на шаҳардан эндигина келган Зальцфиш
Шатов ҳақида ҳеч нарсадан хабарлари йўқ эди.

Степан Трофимовичнинг борган сайин ҳаяжони
ошиб-тошар, изтироби зўраяр, ўзини босишга кучи етмас-
ди.

– Мендан кўра чексиз адолатлироқ ва бахтиёрроқ кан-
дайдир бир куч бор эканлиги ҳақидаги фикрнинг ўзиёқ
– мен ким бўлмайин ва нима қилмайин мени чексиз бир
масаррат, шан-шуқуҳ билан лимо-лим тўлдиради! Инсон-
га қайлардадир баркамол ва осуда бир бахт ҳамма учун
ва ҳамма нарса учун... мавжудлигини ҳар дақиқада, дам
сайин билиш ўз бахтидан кўра ҳам анчайин зарурроқдир.
Инсон борлигининг бутун қонунияти факат шундаким,
инсон доимо чексиз улуғлик қошида таъзимда бўла ол-
син. Мабодо, одамлар чексиз улуғликдан маҳрум қилинса,
унда уларга яшашнинг кизиги қолмас ва улар умидсиз-

¹⁸⁷ Мен умрим бўйи ёлғон сўзладим (франц.).

ликдан ҳалок бўлурлар. Инсонга у умргузарлик қилувчи кичик сайёра қанчалик зарур бўлса, чексизлик ва ўлчовсизлик ҳам шу қадар зарур... Дўстларим, ҳаммаси, ҳаммаси: яшасин буюк Тафаккур! Мангу, ўлчовсиз Тафаккур! Кимлигидан қатъи назар ҳар қандай одам Буюк Тафаккур деган нарсга олдида таъзим қилмоғи зарур. Ҳаттоки энг тентак одамга ҳам қандайдир буюклик керак. Петруша... О, уларнинг ҳаммаларини яна қанчалар кўргим келади! Улар билмайдилар, ўзларида ўша-ўша буюк Тафаккур мужассам эканлигини билмайдилар! Доктор Зальцфиш ушбу маросим чоғида йўқ эди. Кутилмаганда ичкарига кириб, унинг фигони фалакка чиқди ва беморни безовта қилманглар деб, ҳаммани чиқариб юборди.

Степан Трофимович уч кундан сўнг ҳушига келмай жони узилди. У алланечук олқинди шам каби ёниб битди. Варвара Петровна шу ернинг ўзида дуо-фотиҳа ўқитиб, бечора ҳабибининг жасадини Скворешникига олиб кетди. Уни черков ёнига дафн қилишди ва устига мрамар тош ўрнатишди. Панжара ва лавҳа битиш кўкламга қолди.

Ҳаммаси бўлиб, Варвара Петровна шаҳарда саккиз кун бўлмади. Унинг қаретасида у билан бирга Софья Матвеевна ҳам келди ва чамаси, шу ерда батамом турғун бўлиб яшашга қолди. Шуни ҳам эслатиб ўтайинки, Степан Трофимович охириги маротаба ҳушидан кетиши биланок (ўша куни эрталабдаёқ) Варвара Петровна яна дарҳол Софья Матвеевнани четлатди, уйдан чиқариб юборди ва касалга охиригача фақат ўзи қаради; ҳабибининг жони чиққан замон яна уни дарҳол ёнига чакириб олди. Абдул-абад Скворешникида қолиб яшаш тақлифидан (тўғрироғи буйруғидан) кўркиб кетган аёлнинг ҳеч қандай эътирозларини хоним ҳатто эшитгиси ҳам келмади.

– Ҳаммаси бекор! Мен ўзим сен билан бирга юриб Инжил сотаман.

Ёруғ дунёда энди ҳеч кимим қолмади!

– Аммо хали ўғлингиз бор, – деб гап қўшди Зальцфиш.

– Менинг ўғлим йўқ! – деб шарт кесди Варвара Петровна, худди башорат қилгандай бўлиб.

САККИЗИНЧИ БОБ

ХОТИМА

Барча ғалва-тўполон ва жинойтлар Петр Степанович тахмин қилганидан кўра ҳам тезроқ, фавкулодда тез очилди. Бошланиши шу бўлдики, шўрлик Марья Игнатъевна эри ўлдирилган кеча тонг қоронғусида уйқудан кўзини очиб, ёнида унинг йўқлигини кўриб, хаддан ташқари каттик хаяжонга тушди. У ётган хонада Арина Прохоровна томонидан ёлланган хизматкор аёл қолганди. Хизматкор аёл шўрлик хотинга сира таскин беролмай, кун ёриша бошлагани ҳамонқо Арина Прохоровнанинг уйига қараб югурди, касални эрингиз қаердалиги ва қачон қайтишини шу киши билади, деб ишонтирди. Бу орада Арина Прохоровнанинг ўзи ҳам ташвиш-хавотирга кўмилиб ўтирарди: эри унга Скворешникидаги тунги қотилликни айтиб берганди. Эри кечаси соат ўн бирларда бир ҳол-бир сар бўлиб қайтганди; у қўлларини қасирлатиб қайириб ўзини юзтубан қаравотга отган, ўкириб-ўкириб йиғлаб, титраб-қакшаб, яккаш: «бу ундай эмас, бу асло ундаймас!» деб тақрорларди. Охири уни тергай бошлаган Арина Прохоровнага, уйда факат унинг ўзига барчасини оқизмай-томизмай сўзлаб берди. Хотини: «ўқирсанг ҳам, бўқирсанг ҳам, юзингни ёстикқа босиб ўқир, ҳеч ким овозингни эшитмасин, эртага оғзингдан гуллаб қўйсанг, ғирт аҳмоқлик қилган бўласан», деб тўшакка ўраб-чирмаб қўйди. Сўнг ўй-хаёлга ботдида, дарҳол уйни ҳар эҳтимолга қарши йиғиштиришга тушди: ортикча қоғозлар, китоблар, ҳаттоки, эҳтимол варақаларни яхшилаб яширди ё бутунлай қуйдириб ташлади. Шуларнинг барини чаккон адо этаркан, фикрлаб, мулоҳаза юритиб шу қарорга келдики, асли ўзига, синглисига, ҳоласи, талаба жияни ва ҳаттоки, шалпангкулок укаси унчалар кўркадиган ҳеч нарсга йўқ. Эрталаб олдига энага

югуриб етиб келганда, у Марья Игнатъевнанинг қошига ўйлаб ўтирмаёк дарҳол отланди. Дарвоқе, кеча тунда эри худди тушида алахсирагандай бўлиб, кўркинч ва ваҳима ичи-да Петр Степанович гўё хамманинг тинчини кўзлаб, Кирилловга касд қилганини телбаларча шивирлаб айтиб берган, Арина Прохоровна энди бунинг қанчалар тўғрилигини тезроқ билгиси келарди.

Аммо у кечикканди: Марья Игнатъевна энагани жўна-тиб юборгач, ёлғиз ўзи қолишга юраги дош бермай, устига шоша-пиша мавсумбоп бўлмаган енгил-елпи, юпка кийим-бошларни ташлаб, Кириллов яшайдиган уй томон йўл олди, эрим хақида ҳаммадан тўғри гапни шу киши айтади, деб ўйлади. У ердаги дахшатли манзарани кўриб, унинг қандай аҳволга тушганини тасаввур қилиш мумкин. Шуниси эътиборга сазоворки, у азбаройи кўркиб кетганидан шундок стол устида, кўзга ташланадиган жойда турган, Кирилловнинг ўлими олдидан ёзган хатини ҳам кўрмади.

У ўз хонасига қайтиб, чакалокни кўтарди-да, у билан кўчага чиқди. Тонг рутубатли, туман тушганди. Овлок кўчада ўткинчилар ҳам кўринмасди. У совуқда балчик кечиб югурар, ҳансирар ва ниҳоят, уйларнинг эшикларини тақиллата бошлади; ҳеч ким эшигини очмасди; у учинчи бир уйдагиларни чақирди. Бу бизнинг савдо аҳлимиздан бўлмиш Титовнинг уйи эди. Аёл бу срда ҳаммаёқни алғов-далғов қилиб юборди, у фарёд солар, тутила-тутила «эримни ўлдиришди» деб додларди. Титовлар хонадонидан Шатовнинг тарихини бироз бўлса-да билишарди, «аёлни кўзим ёриганига атиги бир кун бўлди, мана шу ўзим ва чакалоғим юпун, ночор лой-балчик кўчаларда абгор бўлиб қолдик», деган сўзларидан дахшатга тушишарди. Аввалига, бу алахсираётгандир деб ўйлашди, бунинг устига ким ўлдирилгани, эрими ё Кирилловми ҳеч анигини билишолмасди. Аёл унинг сўзларига ишонишмаётганини фаҳмлаб, яна югуриб чиқиб кетмокчи бўлди, аммо уни қуч ишлатиб бўлса ҳам, тутиб қолишди, аёл дод солар, ўзини у ёқдан-бу ёққа отарди. Филипповнинг уйига боришди, орадан икки соат ўтгач, Кирилловнинг ўзини ўлдиргани,

унинг ўлими олдидан ёзган хати бутун шаҳарга маълум бўлди. Полиция ҳали ҳуши ўзида бўлиб турган туккан аёлдан суриштира бошладди; ана шунда унинг Кирилловнинг хатини ўкимаганлиги аён бўлди, лекин эрингиз ўлдирилганини каердан билдингиз, деган саволга у сира жавоб беролмади. У факат: «бу ўлдирилган бўлса, эрим ҳам ўлдирилган, улар бирга эдилар!» – деб кичкирарди, холос. Пешинга якин у батамом ҳушини йўқотди, шу-шу кўзини очмади, уч кунлардан сўнг жони узилди. Шамоллаб зотилжамга учраган чакалок ундан ҳам илгарирок ўлди. Арина Прохоровна хотинни ҳам, чакалокни ҳам жойидан топмай, иш чаток бўлганини сезди-да, бир кўнгли уйига чопмокчи бўлди, аммо дарвоза олдида тўхтаб, энагани ичкари уйга «билиб кел-чи, нима гап экан?» – деб жўнатди. Энага кўчани бошига кўтариб кичкириб, додлаб қайтди. Арина Прохоровна унга кичкирма, ҳеч кимга айтма, бўлмаса, сени ҳам камаб қўйишади деб, ховлидан ташқарига ўзини урди. Ўз-ўзидан аёнки, шу куни эрталабнинг ўзидаёқ уни доя сифатида сўрокка тутишди; аммо жуда ҳам оз нарса билдилар, холос: у Шатовнинг уйида кўрганлари ва эшитганларини совуққонлик билан аниқ қилиб гапириб берди, аммо нима воқеа бўлиб ўтганини билмайман ва тушунмайман, деди.

Шаҳар қандай алғов-далғов бўлиб кетди, тасаввур қилиш мумкин. Яна «воқеа», яна қотиллик! Аммо энди бошқа нарса аён эди: ҳақиқатан ҳам қотиллар, ўт қўювчи инқилобчилар, исёнчиларнинг яширин жамияти мавжудлиги равшан бўлди. Лизанинг дахшатли ўлими, Ставрогиннинг хотинининг ўлдирилиши, Ставрогиннинг ўзи, ўт қўйиш, мураббиялар бали, Юлия Михайловна тсварагидаги бошбошдоклик... ҳатто Степан Трофимовичнинг ғойиб бўлишида ҳам бир жумбок бор дейишарди. Николай Всеволодович тўғрисида шивир-шивирлар бисёр эди. Кун охирида Петр Степанович ҳам йўқлигини билдилар, аммо, кизик, уни камрок тилга олишарди. Лекин ўша куни энг кўп тилга олинган кимса «сенатор» бўлди. Филипповнинг уйи олдидан эрталаб одамлар тўдаси аримади. Ҳақиқатан,

Кирилловнинг хати бошликларни чалғитди. Кириллов Шатовни ўлдирганига ва ўзини ўзи отганига чипа-чин ишонишди. Дарвоке, бошликларнинг калласи гангиб қолган, лекин жиловни бутунлай қўлдан чиқарган деб бўлмасди. Кирилловнинг хатида ноаниқ тарзда келтирилган «боғ» сўзи Петр Степанович мўлжаллаганча, ҳеч қимми чалғитмади. Полиция пайсалга солмай Скворешникини босди, бизда боғ бошқа ҳеч ерда йўқ, факат шу ердагина бор эди, лекин гап шундагина эмасди, кейинги пайтларда рўй берган барча мудҳиш воқеалар тўғридан-тўғри ёки билвосита маълум даражада шу жой билан боғланган ва полиция мана шунинг учун изга тушганди. Мен ўзим шундай деб тахмин қилардим. (Эслатиб ўтайки, ҳеч нарсадан хабарсиз Варвара Петровна эрталаб барвақт Степан Трофимовичнинг ташвиши билан йўлга тушганди). Айрим аломатларга қараб, жасадни ўша куни кечдаёқ сувдан чиқариб олишди; нақ котиллик содир бўлган жойда Шатовнинг бош қийими топилди, котиллар фавқулодда енгилтаклик билан уни шу ерда унутиб қолдиришганди. Мурда тиббий кўрикдан ўтказилгач, орага бошқа айрим тахминлар қўшилиб, Кириллов бу ишларни бир ўзи қилмаган, шериклари ҳам бўлган деган шубҳа тасдиқланди. Варакалар тарқатилишига алоқадор бўлган Кириллов, Шатовнинг яширинча жамияти аниқланди. Кимлар экан унинг шериклари?

Бизникиларнинг биронтаси хақида ҳам ўша куни шубҳа туғилмади. Яна шуни ҳам аниқлаб билдиларки, Кириллов ҳеч кимга қўшилмай, одамови бўлиб яшаган, хатда қайд этиб ўтилганидек, Федька бир неча кунлаб унинг паноҳида биқиниб юрган, холбуки у ҳаммаёқдан кидирилмокда эди... Ҳаммани яна шу нарса ҳайрон қолдирадики, кўз ўнгидаги бутун чигалликлардан умумий ва бир-бирига боғланган ҳеч нарсани аён билиб бўлмасди. Агарда эртасигаёқ Лямшин сабаб бўлиб, бирдан бари бирварақай очилмаганда эди, бизнинг кўркиб кетган, саросимага тушган жамоатчилигимиз ниҳоят қандай хулосаларга келиши, бош-кети йўқ қўчаларга кириб қолиши мумкинлигини

хатто тасаввурга келтириш ҳам кийин. Унинг бардоши етмади. У билан хатто Петр Степанович охирида гумонсираб қолган нарсга рўй берди. Унга кўз-қулоқ бўлиб туриш Толкаченко билан Эркелга топширилганди, у эртасига кун бўйи кимираммай, юзини деворга ўгириб, мик этмай тўшакда ётди, у билан гаплашмоқчи бўлганларга ҳам жавоб бермади. У шу тарика кун бўйи шаҳарда нима воқеалар бўлаётганидан беҳабар қолди. Аммо буларни яхши билиб турган Толкаченко кечга бориб, зиммасига Петр Степанович томонидан юкланган Лямшинга қараб туриш вазифасини бир чеккага йиғиштириб, шаҳардан туман ёқларга қараб қочди; ростдан ҳам, Эркель башорат қилгандай ақл-хушларини батамом йўқотишди. Эслатиб ўтайки, Липутин ҳам ўша куниёқ хали пешин бўлмай шаҳардан ғойиб бўлди. Аммо бу шундай бўлиб чиқдики, бошлиқлар унинг ғойиб бўлганини фақат эртасига кечга борибгина билдилар, бу унинг йўқолганидан кўриб кетиб мик этиб оғиз очмаган хонадони аъзоларидан сўраб-суриштирилган чоғдагина аён бўлди. Аммо Лямшин ҳақидаги ҳикоямни давом эттирай. У бир ўзи ёлғиз қолган заҳоти (Эркель Толкаченкога ишониб олдинроқ уйига кетганди), дарҳол уйдан югуриб ташқарига чиқиб кетди ва албатта, тез орада ахволдан хабардор бўлди. Уйига ҳам кириб ўтирмай боши оққан томонга қараб қоча бошлади. Аммо тун зулмати, қочишнинг машаққати шу қадар кўркинчали эдики, у икита-учта кўчадан ўтгач, орқасига қайтди-да, уйга келиб, тун бўйи хонани ичидан беркитиб ётди. Афтидан, у эрталабга яқин ўзини ўлдирмоқчи бўлди; аммо бу қўлидан келмади. Шу тарика у бикиниб тушгача ичкарида ўтирди, кейин бирдан бошлиқлар хузурига югурди. Айтишларича, у тиз чўкиб ўрмалар, чинкириб йиғлар, ер ўпар, мен бу ердаги мансабдорларнинг этикларини ҳам ўпишга арзимайдиган одамман, деб чийилларди. Уни тинчлантиришди ва хатто бошини силашди. Айтишларича, сўроқ уч соат давом этган. У ҳамма-ҳаммасини тўкиб солган, бутун икир-чикирларни тилга олган, ниманики билса, энг майда тафсилотларигача барини ўртага ташлаган; у шошиб анча

олдинга ўтиб кетар, апил-тапил тан олар, сўрамасалар ҳам, ксрак-ноксрак нарсаларни баён этарди. Унинг жуда кўп нарсалардан бохабарлиги маълум бўлди ва ишнинг анчайин очилишига сабабчи бўлди: Шатов ва Кириллов фожиаси, ёнгин, Лебядкинларнинг ўлими ва ҳоказолар иккинчи даражали ўринга ўтди. Петр Степанович, яширин жамият, ташкилот, тармоқ ва ҳоказолар биринчи даражали ўринга чиқди. «Нима учун шунчалар кўп котилликлар, жанжал-тўполонлар, ярамасликлар содир бўлди?» – деган саволга у ҳовлиқиб, ўртаниб, шундай жавоб берди: «булардан кузатилган мақсад ижтимоий асабларни мунтазам ларзага солиш, жамият ва унинг бутун тизимарини мунтазам издан чиқариш эди; ҳаммани саросимага солиш ва барча нарсаларни бўтқага айлантириш кўзланарди ҳамда шу тарика ликирлаб, омонат бўлиб қолган, касалга чалинган, ачиган, уяти ва дин-имонини йўқотган, шу билан бирга қандайдир ҳукмрон йўлчи гояга, ўзини саклаб қолувчи гояга чексиз ташна жамиятни бирдан ва бирваракай қўлга олиш, бешлик дасталар тармоқларига таянган ҳолда исён байроғини кўтариш мақсад қилиб қўйилганди, ушбу бешлик дасталар тўхтовсиз ҳаракатга кирган, улар ёнига тинмай яна янги дасталар қўшишар, улар амалда ҳар қандай усуллардан ботинмай фойдаланар, қасрда бўш жой бўлса, ўша ерга каттиқ ёпишардилар». Унинг айтганларининг ҳулосаси шу бўлдики, бизнинг шахримизда Петр Степанович мунтазам тартибсизлик уюштириб борадиган даста тузишга ҳаракат қилган, ҳатто барча бешлик ва дасталар учун бундан кейинги ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилган, – тўғриси айтганда, бу менинг ўзимнинг фикрим, деди Лямшин пировардида, – мен шундай бўлса керак деб тахмин қиламан, биз шундай қилайликки, «улар кейин буни ҳеч қачон эсдан чиқаришмасин, доим ҳисобга олиб қўйишсин», у буларнинг ҳаммасини шунинг учун ҳам очиқ-ойдин, яхши ният билан айтаётирки, келажақда жуда керак бўлиб қолиши ва бошликлар бундан фойдаланишлари мумкин. «Бешлик дасталар кўпми, деб тўғридан-тўғри берилган саволга, у: чексиз кўп, бутун Россияни

уларнинг тармоклари ўраб олган, деб жавоб килди, бунга у далил келтиролмаган эса-да, менимча, холисшилло айтди. У яширин жамиятнинг хорижда чоп этилган дастурини, келажакда адо этилажак, доим ўсиб-ривожланишни назарда тутган ҳаракат тизимининг лойиҳасини тақдим этди, булар коралама холида Петр Степановичнинг дастхати билан битилганди. Маълум бўлдики, «асосларни ларзага келтириш» борасида Лямшин худди мана шу коғозга суянган ва бунда ҳатто нукта-ю вергулларни ҳам унутмаган экан, аммо ўзи булар менинг ўз шахсий мулоҳазаларим, деб писанда килди. У ҳеч ким сўрамаган бўлса ҳам, Юлия Михайловна ҳақида жуда кулгили қилиб сўйлади, ҳатто анча олдинга ўтиб кетди, «унинг ҳеч қандай айби йўқ, уни лақиллатишди, холос», деди. Ҳайрон қоладиган жойи шундаки, у Николай Ставрогин яширин жамиятга мутлақо қатнашмаган, Петр Степанович билан ҳеч қандай тил бириктирмаган, деб айтди. (Петр Степановичнинг Ставрогин борасидаги кулгили ва галати умидларидан Лямшин беҳабар эди). Лямшиннинг сўзларига қараганда, Лебядкинларни ўлдиришни фақат Петр Степановичнинг ёлғиз ўзи уюштирган, бунда Николай Всеволодович ҳеч қандай тарзда иштирок этмаган, фақат Петр Степанович уни бу жиноий ишга тортиб боғламоқчи, унинг тилини қисиб қўймоқчи бўлган; Петр Степанович бунинг эвазига Николай Всеволодович мсндан умр бўйи миннатдор бўлиб юради, раҳмат айтади деб, енгилтаклик билан умид тутган; холбуки «олийжаноб» Николай Всеволодович бу ишдан қаттиқ газабланган, ҳатто нима қилишини билмай умидсизликка тушган; у яна сўрамасалар ҳам, шоша-пиша ва балки қандайдир атайлаб бўлса керак, Ставрогин бениҳоя дўқай одам, аммо бунинг бир сир-синоати бўлмай иложи йўқ, деди: у бизнинг шахримизда *incognito* яшаганмиш, зиммасида топшириқлар бўлганмиш ва ҳеч ажабмаски, бизга яна Петербургдан қелиб қолиши ҳеч гап эмасмиш (Лямшин Ставрогин Петербургда деб ишонарди), лекин қелганда ҳам, энди бутунлай бошқа мақомда,

бошка шароит ва бошка одамлар куршовида келармиш, булар қандай кишилар эканлигини биздагилар ўзлари тез орада эшитиб билиб олар эмишлар, бу гапларнинг барини у «Николай Всесолодовичнинг хуфя душмани» Петр Степановичнинг оғзидан эшитиб билганмиш.

Нотабене¹⁸⁸ га ўтаман. Икки ой ўтиб, Лямшин ўшанда Ставрогинни атай химоя қилганини бўйнига олди, у Ставрогин кейин мени ўз химоясига олади, Петербургда менга берилган жазони икки баравар енгиллаштиради, сургунга кетаётганимда пул ва тавсия хатлар билан таъминлайди, деб умид қилган. Унинг шу сўзларидан ҳам кўриниб турибдики, Николай Ставрогинни ҳаддан ташқари бошқача одам деб ўйлаган.

Виргинскийни ҳам ўша кунгача қўлга олишди, кизик устида барча оила аъзоларини ҳам олиб кетишди. (Арина Прохоровна, синглиси, холаси ва ҳатто талаба киз ҳам аллақачон қўйиб юборилган; айтишларича, гўёки Шигалев ҳам, албатта, тез орада чиқиб келади, бинобарин, у ҳеч бир жиҳатдан айбдорлар қаторига қирмайди; дарвоқе, бу ҳозирча курук гап, холос). Виргинский дарҳол ҳаммасини биратўла бўйнига олди: уни қамаш учун келишганида иссиғи кўтарилиб, касал ётганди. Айтишларича, у ҳатто енгил тортган: «Елкамдан оғир тош тушди», – деганмиш шунда. Кулокка чалинаётган гапларга қараганда, у ҳеч нарсани яширмай ва ҳатто ўз кадр-кимматини ерга урмай кўрсатмалар бераётганмиш, шу билан бирга ўз «нурафшон умидларидан» заррача бўлсин чекинмас эмиш; аини замонда «устма-уст тўғри келиб қолган шароитлар қуюни» таъсирида беихтиёр, беҳос ва ҳавойи тарзда берилиб кетгани сиёсий йўлни (ижтимоий йўлга зид равишда) зўр бериб қоралар ва лаънатларди. Қотиллик содир этилган чоғда унинг ўзини қандай тутгани аҳволини енгиллаштирувчи омил деб изоҳланар, чамаси, бундан ҳар қалай бир

¹⁸⁸ Нотабене – лотинча, эсингга сол. Китоб хошиясига бирон сўз ёки фикрга эътибор қаратиш учун N.B. бош ҳарфлари билан белгилаб қўйилган. Шу «Нотабене» дейилади. Ўзбекча: эслатма (*тарж.*).

енгиллик берилишига кўз тутса бўларди. Ҳар ҳолда бизда шундай деб ўйлашарди.

Аммо Эркелнинг қисматини енгиллаштириб бўлармикин. У камалгандан буён дим-дим ўтирар ва имкони борича ҳақиқатни бузиб кўрсатарди. Шу пайтгача у бир оғиз ҳам пушаймонлик билдирмади. Ҳолбуки, энг қаҳри каттик судялар ҳам унинг ёшлиги, кимсасизлиги, сиёсат доғулисига кўр-кўрона қурбон бўлганлигига бирмунча ачиниб қарашарди; ҳаммадан ҳам, онасига ўзининг озгинагина маошининг қарийб ярмини жўнатиб турганлиги уларда андак хайрихоҳлик уйғотарди. Онаси ҳозир шу ерда; ожиз ва муштипар бир аёл, ёшига қараганда нисбатан анча қаримсиқ кўринади; у тинимсиз кўзёши қилади, ўгли учун ялиниб-ёлвориб, ҳар кимларнинг оёқларини ўпади. Нимадир бўлса керак-да, аммо Эркелга бизда қўпчиликнинг раҳми келади.

Липутин Петербургда икки ҳафта яшади, кейин камалди. Унинг бошига фавкулудда бир кўргилик тушди, буни ҳатто тушунтириб ўтириш ҳам қийин. Эмишки, у бегона бир одам номига ёзилган паспорт олган, хорижга чиқиб кетиш учун тўла имконияти ва ёнида катта пули бўлган, недурки, Петербургда қолган ва ҳеч ерга чиқмаган. У бир қанча вақт Ставрогин билан Петр Степановични ахтариб юрган, сўнг бирдан худди ақл-хушини йўқотиб, ўзининг ким эканлигини билмай қолган одамдай бош-кеди йўқ бузқчиликка берилиб кетган. Уни Петербургда исловатхонадан маст ҳолида ушлашган. Узунқулоқ гап-сўзларга қараганда, у асло шахдидан тушмаган, ғирт ёлғон кўрсатмалар берармиш, бўлажак судга бирмунча кўтаринкилик билан умид боғлаб тайёргарлик кўраётганмиш. Ҳатто суд чоғида нутқ сўзлаш нияти бормиш. Толкаченко қочиб кетгач, ўн кундан кейин қайсидир вилоятда тутиб қамалган, одобдан ташқари чиқмас, ёлғон гапирмас, ялтоқлик қилмас, билганларининг ҳаммасини айтар, ўзини оқламас, айбини қамтарлик билан тан олар, аммо бу ҳам сўзамолликка мойил эди; яйраб-яйраб қўп гапирарди; халқ ва унинг инқилобий унсурларини билишга келганда, ўзини

кўрсатгиси, атрофдагиларни койил колдиргиси келарди. Эмишки, у ҳам судда нутк айтмокчи экан. Умуман, Липутин билан икковлари унчалик кўркишмас ва бу ғалатирок туюларди.

Кайтараман, бу иш хали тугаган эмас. Орадан уч ой ўтгач, эндиликда бизнинг жамоатимиз нафасини ростлаб, ўзига келиб, ўйин-кулгидан бўшагач, ўз фикрига алоҳида эга бўлди ва шундоқки, ҳатто Петр Степановични ҳам баъзи бировлар сал бўлмаса даҳога чиқаришади, ҳар қалай, «дохиёна кобилиятлар эгаси» деб қарашади. Клубда йиғилиб қолганимизда «Ташкилот-а!» – деб бармоқларини юкорига нуқишади. Нафсиламрга, булар бари соддафаҳм гаплар, бироқ гапирувчиларнинг ўзлари ҳам унча кўп эмас. Бошқа бировлар, аксинча, унинг ўтқир салоҳиятини тан олсалар-да, лекин борлик воқеликни мутлақо билмайди, тасаввурлари ўта мубҳам, бирёклама қўпол ва тўпори ўсган, худди мана шу туфайли ҳаддан ташқари енгилтак бўлиб қолган дейишади. Унинг ахлокий томонларига келганда ҳаммаларининг фикрлари бир срдан чиқади; ҳеч ким бунинг устида тортишмайди.

Яна билмайман, кимни эслаб ўтсам экан, ҳеч ким ёдимдан кўтарилмасин дейман-да. Маврикий Николаевич бутунлай қайларгадир кетиб қолди. Дроздова ойим ёш боланинг ўзи бўлди-қўйди... Айтгандай, яна бир хунук воқеани ҳикоя этиб ўтмасам бўлмас. Фақат далилларнигина эслатиб ўтаман.

Варвара Петровна қайтиб келгач, шаҳардаги уйида тўхтади. Барча воқеаларнинг хабарлари бошига дўлдай ёғилди-да, уни каттиқ ларзага солди. У уйдан чикмай қўйди. Окшом тушди; ҳамма чарчади ва барвакт уйкуга ётдилар.

Эрталаб хизматкор аёл сирли киёфада Дарья Павловнага хат тутқизди. Унинг гапига қараганда хат кеча жуда кеч – ҳамма ухлаганда келган, бекаларни уйкудан уйғотишга ботинмаган. Хат почтадан эмас, нотаниш одам оркали Алексей Егоричга келган. Алексей Егорич эса хатни кеча кечкурун унинг қўлига бериб, яна ўша захо-

ти Скворешникига жўнаган. Дарья Павловна юраги дукиллаб урганча, очишга журъат килмай анча вақт хатга тикилиб турди. Хат кимданлигини у биларди: уни Николай Ставрогин ёзганди. У жилди устидаги ёзувни ўкиди: «Алексей Егоричга, Дарья Павловнага бериб қўйиш учун, махфий».

Мана ўша хат, қандай ёзилган бўлса, шундай, рус хўжазодасининг ифодалари заррача ўзгартирилмаган, у Европада таълим олганига қарамасдан русча саводхонлиги мундайрок бўлса, начора: «Азизам Дарья Павловна, Сиз бир пайтлар мени «бокиб» ўтирмоқчи бўлган эдингиз ва керак бўлганда мени чакириб оласиз, деб менинг ваъдамни олгандингиз. Мен икки кундан сўнг жўнайман ва бошқа қайтиб келмайман. Мен билан кетасизми?»

Ўтган йили мен, худди Герценга ўхшаб Ури кантони¹⁸⁹ фукаролигига ёзилгандим, буни ҳеч зот билмайди. У ерда мен кичкина бир уй сотиб олдим. Менинг яна ўн икки минг пулим бор; биз бориб у ерда тоабад яшаймиз. Мен ҳеч қачон ҳеч ёққа чиқишни истамайман.

Жуда зерикарли жой, дара; тоғлар тафаккурни тўсади. Ғоят тунд ерлар.

Айтаётганимнинг боиси, уй сотилаётган экан, агар сизга ёкмаса, уни сотиб, мен бошқа жойдан янги уй оламан. Менинг тобим йўқ, аммо рўёлардан у ернинг ҳавосида кутулмоқчиман. Бу жисмоний жиҳатдан; ахлоқий томондан эса сиз ҳаммасини биласиз; фақат ҳаммасиникин?

Мен сизга ҳаётимни қўп хикоя қилиб берганман. Аммо ҳаммасини эмас. Ҳатто сизга ҳам ҳаммасини эмас! Айтганча, билиб қўйинг, мен хотинимнинг ўлимида виждонан айборман. Ўшандан бери мен сиз билан қўришганим йўқ, шунинг учун билиб қўйинг деяпман. Лизавета

¹⁸⁹ Ури – Швейцария кантон (вилоят)ларидан бири. Герцен 1851 йилда мерос ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, Россияга қайтолмай қолгач, Швейцариядаги Фрейбург кантони фукаролигини қабул қилганди.

Николаевна қошида ҳам гуноҳқорман; аммо бунисини сиз биласиз; бунисининг барини сиз башорат қилгансиз.

Яхшиси, келмай қўя қолинг. Сизни ўз хузурига қакираётганим жуда ёмон пастлик. Сизга мен билан бирга ўз ҳаётингизни гўрга тикишингиз не ҳожат? Сиз менинг азизамсиз, қайғуда қолган дамларимда сизнинг ёнингизда ҳаловат топдим. Фақат сизнинг ёнингиздагина мен ўзим ҳақимда овозимни чиқариб сўзлай олдим. Бундан ҳеч нарсга келиб чиқмайди. Сиз ўзингизни «боқувчи» деб қарадингиз – бу сизнинг ўз сўзингиз; мунча ўзингизни қурбон қилмасангиз? Тушуниб етинг: токи қақирай эканман, мен сизга ақинмайман ва агар қутар эканман, ҳурмат қилмайман. Қолбуқи, қақираман ҳам, қутаман ҳам. Аммо ҳар ҳолда, сизнинг жавобингизга муҳтожман, нега деганда, жуда тезда йўлга тушиш керак. Ундай ҳолда ёлғиз ўзим кетаман.

Менинг Уридан ҳеч қандай умидим йўқ; шунчаки кетаётгирман. Мен атай тунд жойни танлаганим йўқ. Россияда ҳеч нарсга боғлиқ эмасман, ҳамма жойда қандай бўлса, у ерда ҳам ҳамма нарсга менга бегона. Рост, бошқа жойга қараганда мен кўпроқ унда яшашни истамадим; аммо ҳатто унинг ўзида ҳам мен ҳеч нарсани ёмон кўра билмадим!

Мен ҳамма ерда ўз қучимни синаб кўрдим. Буни менга сиз маслаҳат қилган эдингиз, «ўзингизни билиб олинг» деб. Ўзимни ўзим ва ўзгалар учун синаганимда, илгаригидай бутун ҳаётимда у бепоён эканлигини кўрсатди. Сизнинг кўз ўнгингизда мен ақангиздан мушт еб, буни ичимга ютдим; мен никоҳимни одамлар олдида тан олдим. Лекин бу қучни нимага сарфлашни – мен ҳеч қачон билмадим, сизнинг Швейцарияда берган далаларингизга, мен уларга ишонганимга қарамай, ҳозир ҳам билмайман. Мен илгари қандок бўлса, ҳозирда ҳам яхши амал қилишни ишташим мумкин ва бундан роҳатланаман; яна шу заҳоти ёнида ёмонликни ҳам истаيمان ва бундан ҳузур қиламан. Аммо у ҳиссиёт ва бу ҳиссиёт ҳам аввалгидай ҳамон доим майда, бундан ўткирроғи эса ҳеч қачон бўлмайди. Менинг истақларим унчалар қучли эмас; йўлбошчилик қилолмайди. Ғўлада дарёнинг нариги бетига кечиб ўтса бўлади, та-

рашада эса йўк. Буни мен Урига аллақандай умидлар билан кетаётган экан, деб ўйламанг деб айтяпман.

Мен ҳамон ҳеч кимни айбламайман. Мен тамом бузқчилик йўлига ҳам кирдим ва куч-қувватимдан айрилдим; аммо мен бузқчиликни хушламайман, унга тобим йўк. Охирги вақтларда сиз мени кузатиб бордингиз. Биласизми, мен ҳатто бизнинг инкорчиларга ғазабим келди, уларнинг умидларига ҳасад қилдим! Аммо сиз бекорга қўққингиз: мен бунда ўрток бўлолмасдим, зеро, ҳеч нарсага қўшилмасдим. Қахрланиб, кулги учун ҳам қилолмадим, – бу кулгидан қўрканим учун эмас, мен кулгили нарсадан қўркишим мумкин эмас, – бу шунинг учунки, менга бари бир, одоб-ақромли одамнинг одатлари сингиб қолган ва мен бор вужудим билан ижирганардим. Аммо уларга нисбатан қаҳр-ғазабим ва ҳасадим кўпроқ бўлганда, унда улар билан бирга борардим. Энди ўзингиз ҳукм чиқаравэринг, менга қанчалар осон бўлгани ва қанчалар туғёнларга тушганимни!

Азизам, дўстгинам, нафис ва олийжаноб хилқатим, мен сизни топган эдим! Эҳтимол, сиз гўзал қалбингиз билан менга шунчалар муҳаббат ато этмоқчи ва шунчалар мафтункор гўзаллик ёғдирмоқчи ва ниҳоят, шунинг баробарида менинг олдимга бир мақсад қўйишни орзу қилаётган, шунга умид боғлаётгандирсиз? Йўк, сиз, яхшиси, эҳтиёткорроқ бўлганингиз маъкул: менинг севгим худди ўзимдай майдарок, сиз эса бахтсиз бўласиз. Акангиз менга айтган эдики, ўз замини билан алоқасини узган одам ўзининг илоҳларини ҳам, яъни мақсадларини ҳам йўқотади деб. Ҳаммаси ҳақида чексиз баҳслашиш мумкин, лекин мендан ҳеч қандай мурувватсиз ва ҳеч қандай куч-қувватсиз факат бир инкор отилиб чиқди. Ҳатто инкор ҳам отилиб чиккани йўк. Ҳаммаси ҳар доим майда ва сўлгин. Олийҳиммат Кириллов ғояга дош беролмади-да, ўзини отди; лекин мен ахир кўриб турибман-ку, у ақл-хуши жойида бўлмагани учун олийҳиммат эди. Мен ҳеч қачон ақл-хушимни йўқотмайман ва ҳеч қачон унга ўхшаб, ғояга бу қадар ишонмайман. Мен ҳатто ғоя билан ўша даражада машғул бўлолмайман.

Ҳеч қачон, ҳеч қачон мен ўзимни отолмайман!

Мен биламан: мен ўзимни ўлдиришим, ўзимни ер юзидан манфур ҳашарот каби қуритишим керак; аммо мен ўзини ўзи ўлдиришдан қўрқаман, зеро, олийҳиммат қўрса-тишдан қўрқаман. Мен биламан, бу яна бир алдов бўлади – чексиз алдовлар қаторида яна бир охирги алдов бўлади. Олийҳиммат бўлиб қўринаман деб, ўзини алдашдан нима фойда чиқади? Менда қаҳру қазаб ва уят ҳеч қачон бўлиши мумкин эмас; инчунин ноумидлик ҳам. Маъзур тутинг, узок ёздим. Кутилмаганда, ҳушим ўзимга келди. Юз саҳифа оз, ўн қатор ҳам етарли. «Боқувчи»ни чорлаш учун ўн қатор кифоя. Мен у ердан жўнаб кетганимдан бери темирйўл назоратчисининг уйида олтинчи бекалда яшаб турибман. У билан беш йил бурун Петербургдаги базмда учрашиб қолган эдим. Бу ерда турганимни ҳеч ким билмайди. Унинг номига ёзинг. Манзилни қўрсатдим». Дарья Павловна дарҳол бориб хатни Варвара Петровнага қўрсатди. Хоним хатни ўқигач, Дашадан чиқиб туришни сўради, бир ўзи яна бир қарра ўқиб чиқишни истади; аммо нимагадир тезда яна Дашани чақирди.

– Борасанми? – ботинмайроқ сўради у.

– Бораман, – жавоб берди Даша.

– Тайёрлан! Бирга борамиз!

Даша саволомуз боқди.

– Энди мен бу ерда нима қиламан? Бари бир эмасми?

Мен ҳам Урига ёзилиб, дарада яшайман... Хавотирлан-ма, ҳалал бермайман. Тушда кетадиган поездга улғуриш учун тезда анжомларини йиғиштира бошлашди. Аммо ярим соат ўтмай Скворешникидан Алексей Егорич келиб қолди. У Николай Всеволодович «бирдан» тонгги поезд билан эрталаб етиб келгани, ҳозир Скворешникида экани, «ҳоли паришон, саволларга жавоб бермаётгани, барча хоналарни айланиб чиқиб, ўз хонасига кириб, эшикни ичидан беркитиб олганини...» баён қилди.

– Ул кишимнинг буйруғисиз, шуларни маълум қилгани келдим, – деб қўшиб қўйди Алексей Егорич жуда салмоқли бир тарзда. Варвара Петровна унга ялт этиб қаради-ю, суриштириб ўтирмади. Шу заҳоти қарета тайёр бўл-

ди. Даша ҳам отланди. Айтишларича, йўлда боришаркан, дам-бадам чўкинардилар. «Ўз хонаси» даги барча эшиклар ланг очик, Николай Всеволодович ҳеч срда кўринмасди.

– Болохонада эмасмикинлар? – эҳтиёткорона сўради Фомушка. Қизик, Варвара Петровнанинг оркасидан «Ўз хонаси»га бир канча хизматкорлар ҳам киришди; бошқалари залда кутиб туришди. Улар илгари ҳеч қачон ботиниб бундай одоб-икромга зид иш қилмагандилар. Варвара Петровна буни кўриб турса ҳам индамасди. Болохонага кўтарилишди. У ерда учта хона бор бўлиб, биронтасида кимса қораси кўринмасди.

– Эй-ха, у ёкка кирмадилармикин? – кимдир юкоридаги хонанинг эшигига имо қилди. Ҳақиқатан, энг юкори хонанинг доим берк турадиган эшиги энди ланг очик эди. Нак томнинг тагидаги юкори хонага узун, жуда тор, ниҳоятда тик айланма ёғоч зинадан чиқиларди. У срда яна бир аллакандай хона бор эди.

– Мен у ёкка чикмайман. Нимага у ёкка чиқади? ранги ўчиб деди Варвара Петровна хизматкорларга аланг-жаланг қараб. Улар бсгойимга термулишиб, индамас эдилар. Даша калт-калт титрарди.

Варвара Петровна зинадан юкорига отилди; оркасидан Даша учиб чиқди, аммо хона ичига қадам қўйиши билан қаттиқ кичкириб, хушсиз йиқилди. Ури кантони фуқароси шу срда нак эшикнинг оркасида осилиб турарди. Кичкина столча устида қалам билан ёзилган бир парча қоғоз ётарди: «Ҳеч ким айбдор эмас, мен ўзим». Столчанинг устида яна болга, бир парча совун ва ҳар эҳтимолга қарши келтирилган катта мих ҳам бор эди. Олдиндан тайёрлаб қўйилган Николай Всеволодович ўзини осган ипак тизимчага қалин қилиб совун суртилган эди. Ҳаммасига аввалдан ҳозирлик қўрилгани, мияси охирги сониягача ишлаб турганидан дарак берарди. Бизнинг ҳақимларимиз мурдани очиб кўришиб, уни асло ҳеч қандай ақлдан озмаган деб топишди.

ТАРЖИМОН ИЗОҲЛАРИ

1. Ганза – эски немис тилида – бир гуруҳ одамлар, тўда.
2. Диккенс Чарлз (1812–1870) – инглиз адиби.
3. Жорж Занд /Санд/ (1804–1876) – француз адибаси.
4. Шарл Фурйе. (1772–1837) – француз файласуф социалисти.
5. М.А.Петрашевский (1821–1866) – рус социалист инкилобчиси.
6. «Петрашевчилар тўгараги» (1844–1846) – яширин инкилобий ташкилот.
7. Н.В.Кукольник (1809–1868) – рус подшопа раст адиби.
8. Токвил А. (1805–1856) – француз либерал тарихчиси, сиёсий арбоб.
9. Пол де Кок (1793–1871) – француз маиший романист.
10. Пассаж – Петербургдаги катта раста.
11. А.А.Красевский (1810–1889) – «Отечественные записки» журнали ношири.
12. «Этик Пушкиндан паст...» – Достоевский ва Салтиков-Шедрин пайтидаги улар қўллаган кинояли ибора.
13. «Камаринская» – кадим рус ракс куйи.
14. Элиза Рашел (1821–1858) – француз актрисаси, трагик роллар ижрочиси
15. «Императрица гулдастаси» – машхур француз атри.
16. «Антон Горемика» – ёзувчи Д.В. Григорьев асари.
17. Антон Петров – 1861 йил деҳқонлар қўзғолони қатнашчиси. Отиб ўлдирилган.
18. Петершула – XVIII аерда Петербургда очилган немис ўқув юрти.
19. Консидеран – Фурйе мактаби намояндаси.
20. Фаланстера, Фаланга – Фурйе таълимотида янги жамиятнинг илк бўғимлари – улар улкан саройларда жойлашади деб тасаввур қилинган.
21. Вертех-Монтрех – Швейцариядаги курорт жой.
22. Бисмарк О.Ш. (1812–1898) – Германиянинг биринчи рейхс-канцлери.

МУНДАРИЖА

ИККИНЧИ ҚИСМ

Бешинчи боб. Пётр Степановичнинг тараддудлари	3
Олтинчи боб. Бизникилар қошида	56
Еггинчи боб. Иван-шаҳзода	86
Саккизинчи боб. Степан Трофимович хатланди	99
Тўккизинчи боб. Флибустьерлар. Тахликали тонг	112

УЧИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб. Байрам. Биринчи қисм	142
Иккинчи боб. Байрамнинг тугаши	179
Учинчи боб. Севги хотимаси	215
Тўртинчи боб. Сўнгги қарор	242
Бешинчи боб. Йўлчи	271
Олтинчи боб. Мушкул кеча	309
Еттинчи боб. Степан Трофимовичнинг охирги юриши	349
Саккизинчи боб. Хотима	392